


Жаҳон адабиёти бестселлери



Теодор Драйзер

# САРМОЯДОР



ТЕОДОР ДРАЙЗЕР

**САРМОЯДОР**

Тошкент  
2021

**УЎК 821.111(73)**

**КБК 84(7)**

**Д 76**

ДРАЙЗЕР, Теодор

**Сармоядор** [Матн] : наср / Теодор Драйзер, Муҳаббат Исмоилова таржимаси. Тошкент: "MASHHUR PRESS" nashriyoti, 2021. 700 бет.

ISBN 978-9943-6132-9-4

*Таржимон*  
**Муҳаббат Исмоилова**

*"Asaxiy books" лойиҳаси доирасида таржима ва чоп қилинди*

Бир неча кунда миллионер бўлиш мумкинми? Шу билан инсоннинг истақлари поёнига етармикан?

Қўлингиздаги китоб – "Сармоядор"нинг бош қаҳрамони Фрэнк Каупервуд кўпроқ савқи табиийсига қулоқ тутиб, бир неча кунда чиндан бойиб кетади. Унда ўсмирлигиданок атрофдагилар таъсирида савдогар ва биржа ўйинчиси руҳияти шаклланганди. Ташаббускор, иқтидорли ва серғайрат ёш йигит аста-секин ҳеч қандай тамойилни тан олмайдиган, ўз ҳукмини ўтказувчи очкўз миллионерга айланди-қолди.

Аммо ҳаёт бир текис эмас, унинг учун қутилмаган оғир синовлар ҳали олдинда эди...

**УЎК 821.111(73)**

**КБК 84(7)**

ISBN 978-9943-6132-9-4

© "Asaxiy books" МЧЖ, 2021



**Ф**рэнк Каупервуд туғилган Филадельфия икки юз эллик минг чоғли одам яшайдиган шаҳар эди. У замонавий парклар, ҳашаматли бинолар, муқаддас қадимий обидаларга бой, аммо биз ва кейинчалик Фрэнк ҳам билган телеграф, телефон, харид қилинган молларни уйигача етказиб бериш хизмати, шаҳар почта тармоғи ва океанда сузувчи улкан кемалар у ерликлар учун ҳали орзу эди. Ҳатто почта маркалари ва алоҳида муҳрлаб жўнатиладиган хат ташиш хизмати ҳам йўқ, кўнка (от қўшилган трамвай) ҳам пайдо бўлмаганди. Шаҳар ичидаги йўлларда сон-саноксиз омнибуслар қатнар, узок жойларга саёҳат қилиш учун эса аста-секин ривожланиб келаётган ва асосан каналлар орқали боғланган темир йўлдан фойдаланишарди.

Фрэнк туғилган пайтда унинг отаси Ҳенри Уортингтон Каупервуд мўъжазгина банк хизматчиси эди, аммо орадан ўн йил ўтиб, бола энди яхши-ёмонни таний бошлаганида, унинг ҳаётида ўзгариш юз берди: Ҳенри ишлаётган банк бошқаруви раиси вафот этди ва банк хизматчиларининг лавозимлари ўз-ўзидан кўтарилди. Фрэнкнинг отасига бир поғона юқорига кўтарилган газначи лавозими тегди. Маоши ҳам каттагина: йилига уч ярим минг доллар бўлди. У шодланганидан шу заҳоти хотинига телефон қилиб, Батнвуд стритдаги чириган эски 21-уйдан Нью-Маркет стритдаги 124-уйга кўчиб ўтишларини айтди: бу бошпана аввалги овлоқ жойдаги масканларидан анча тузук бўлиб, уй ғиштдан қурилган, уч қаватли эди. Вақти келиб бун-

## Теодор Драйзер

дан ҳам кенгрок хонадонга кўчиб ўтишларига умид пайдо бўлган, бироқ айти пайтда бу ҳам ёмон жой эмас-ку, деб шодланишарди.

Жаноб Каупервуд ҳаётидан мамнун эди. У фақат ўз кўзи билан кўрган нарчасигагина ишонар ва шу маҳалгача жамиятда тутган ўрnidан қониқиб келарди – бир кун унга ҳам катта банкир бўлиш имкони насиб этишига қаттиқ ишонарди. Ўша пайтларда жаноб Каупервуд келишган, хушсурат киши эди – баланд бўйли, ориқдан келган, қарашлари ўйчан, олифталик билан кўйган бакенбардлари қулоғининг солинчагигача етарди. Юқори лаби силлик ва ҳайратланарли даражада узун, бурни ҳам узун, қирра бўлиб, ияги олдинга туртиб чиққанди. Қуюқ қалин қошлари яшилга мойил кулранг кўзларини бўрттириб кўрсатар, силлик қилиб таралган калта сочларининг ўртасидан эса текис килиб фарқ очиб қўйилганди. У доим сюртук кияр – ўша пайтларда молия дунёсида жавлон урганлар тўпланадиган доираларда бу “хушахлоқлик белгиси” ҳисобланарди. Бошига цилиндр қалпоқ кўндириб оларди. Тирноқлари доим топ-тоза ва текис олинган бўлар, атрофдагиларда бироз баджаҳл одамдек таассурот қолдирар, бироқ бу жаҳлдорлик сунъий бўлиб, у атайлаб шундай кўринишга уринарди.

Жамиятда ва молия дунёсида юқори погоналарга кўтарилиш ниятида бўлган жаноб Каупервуд ким билан ва нима ҳақда гаплашаётганини доим тарозига солиб кўрарди. У ижтимоий ва сиёсий масалаларда фикрини очиқ-ошқора айтишдан ва баланд обрўга эга бўлмаган одамлар билан муомала қилишдан ўзини олиб қочарди. Ва яна шуни айтиб ўтиш керакки, унда аниқ бир сиёсий қарашнинг ўзи йўқ эди. Айтиқса, ўша пайтлар қулдорликка қарши курашувчилар билан қулчилик тарафдорлари ўртасида даҳанаки кураш авжига чиққан, Ҳенри Каупервуд эса на қулдорликка қарши сиёсат тарафдори, на қулчиликни ёқловчилар қаторида эди. У етарлича сармоя ҳамда атрофдагиларни

Ўзига торта олиш қобилияти, яъни ўзига ишонтира олиш салоҳияти бўлган одам, албатта, катта бойлик орттира олишига қаттиқ ишонарди. Унинг фикрича, Эндрю Жексон<sup>1</sup> Николас Бидл<sup>2</sup> ва Қўшма Штатлар Банкига қарши чиққанида бутунлай ноҳақ эди – ўша пайтда бу масала ҳаммани қизиқтираётганди. У муомалада бўлган ва ҳеч қанча вақт ўтмай ўз банкига келиб тушадиган, албатта, ҳисобга олиб, ўзи учун фойдали тарзда ссудага чанқоқ миқдорларга берадиган “бўрттирилган пуллар” оқимидан хавотирда эди.

Жаноб Каупервуд ишлайдиган учинчи Филадельфия Миллий банки ўша пайтларда бутун Америка молия дунёсининг маркази ҳисобланган кварталда жойлашганди. Банк эгалари айни пайтда биржада ўйинлар билан ҳам шуғулланарди. Ўша катта-кичик “Штат банклари” ҳар қадамда пайдо бўлаётганди; улар ишончсиз ва ҳеч кимга маълум бўлмаган активлар асосида холислик билан ўзларининг банк билетларини чиқаришар ва жуда тезлик билан чув тушишар, ҳатто тўловларини тўхтатиб ҳам қўйишарди.

Бу каби ишларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб туриш жаноб Каупервуд иш фаолиятининг асосий шартларидан бири бўлиб, шунинг учун ҳам у эҳтиёткорлик тимсолидек кўриниб қолганди. Бироқ бахтга қарши, унда ҳар қандай соҳада ҳам муваффақиятга эриша олиш учун иккита: узоқни кўра билиш ва одамни ўзига торта олиш хислати етишмасди. Албатта, у йирик сармоядор бўла олмасди, бироқ яхшигина иш ўрнига эга чиқиши мумкин эди.

Жаноб Каупервуднинг хотини Каупервуд хоним диндор аёл эди; миқтигина, сочлари оч жигарранг, чакноқ кўзлари ҳам шу рангда, ёшлигида чиройлигина бўлган-у, йиллар ўтиб бироз сўлган, боши билан рўзғор ишларига шўнгиб кетганди. Уч ўғли ва қизининг тарбиясига аёл

<sup>1</sup> АҚШнинг еттинчи президенти, 1829 йилдан 1837 йилгача.

<sup>2</sup> АҚШ Банк бошқармасининг раиси.

## Теодор Драйзер

жуда жиддий ёндашарди. Катта ўғли Фрэнк бошқарадиган кичкина болалари унинг учун доим бир хавотир манбаи эди, чунки болалари дам ўтмай шаҳарнинг ҳар хил чеккаларига кетиб қолар, ёмон кўча чурвақалари билан танишар, ёшига сира тўғри келмаган нарсаларни кўриб, эшитиб қоларди.

Фрэнк Каупервуд ўн ёшидаёқ ўзини туғма йўлбошчи-дек тутарди. Бошланғич мактабда ҳам, ўрта мактабда ҳам унинг атрофидагилар ҳар қандай шароитда йигитчанинг ёрдамига ишониш мумкин деб ҳисоблашарди. У табиатан бўйсунмас, мустақил, жасур ва бироз жиззаки бола эди. Сиёсат ва иқтисод Фрэнкни болалигидан қизиқтириб келар, китоб ўқишга эса кўп хуши йўқ эди. Болакай тик қоматли, елкалари кенг, келишган бўлиб, кулранг кўзлари катта-катта, пешонаси кенг, тўқ жигарранг сочлари доим чиройли қилиб калталанган бўларди. У фаҳм-фаросатли, эпчил, ўзини тута биладиган хулқ-атворга эга бўлиб, савол берганида тўла-тўқис мулоҳазали жавоб талаб қиларди. Фрэнк ҳеч касал бўлмас, иштаҳаси зўрлиги билан ажралиб турар ва “Қани, Жо, бўлақол... тезроқ, Эд, кимирла!” дея ундаб, укаларини темир интизом билан бошқарарди. Унинг буйруқлари кўпол янграмасди, бироқ гап оҳангидаги ҳукмронлик Жо билан Эдни индамай бўйсунушига ундарди. Улар болалигиданоқ акаларига ҳисоблашишлари шарт бўлган бошлиқдек қаради.

Фрэнк доим ўйлар, уни ҳар бир мулоҳаза ҳайратлантирар, боиси, ўзи яшаётган олам қандай яралганини сира тушуниб ета олмасди. Бу оламда одамлар қаердан пайдо бўлган? Уларнинг вазифалари нима? Ибтидо нимадан бошланган?.. Бу саволларнинг жавоби унинг учун энг мураккаб жумбоқ эди. Онаси унга Одам Ато ва Момо Ҳаво тўғрисидаги афсонани айтиб берган, бироқ Фрэнк бунга ишонмасди.

Каупервудлар оиласи балиқ бозоридан унча узоқ бўлмаган жойда яшарди. Дарсдан сўнг отасининг олдига

банкка бориш учунми ёки укалари билан айлангани чиқишгандами, Фрэнк аквариум кўйилган пештахта олдида тўхташни яхши кўрарди. Делавэр кўрфазидан келадиган балиқчилар кўпинча ушбу аквариумни ҳар хил денгиз ажойиботлари билан тўлдириб кўйишарди. Бир куни Фрэнк у ерда денгиз отини – отга сал-пал ўхшаб кетувчи кичкинагина денгиз жониворини, бошқа сафар эса Бенжамин Франклиннинг машҳур кашфиёти ва унинг хислатларини тушунтириб берган илонбалиқни кўрди. Бир куни эса аквариумга йирик денгиз қисқичбақаси ва кальмарни солиб кўйишган экан. Фрэнк ўша куни бир умр ёдида қолган ва унга кўп нарсани тушунишга ёрдам берган фожианинг гувоҳи бўлди. Болакай шу ерда турган бекорчиларнинг гапларидан тушундики, қисқичбақага ҳеч қандай овқат беришмаётган ва ёлғиз кальмаргина унинг ўлжаси экан. Қисқичбақа шиша идишнинг олтинранг қумли тубида ётар ва ҳеч нарса кўрмаётганга ўхшарди; унинг қора мунчокқа ўхшаш кўзлари қаёққа қараётганини аниқлаб бўлмас, бироқ улар кальмарни бир дақиқа бўлса-да, назардан қочирмаётгани аниқ эди. Қонсиз бир шам каби бир бўлак ёғ ёки нефритга ўхшаш кальмар худди торпеда сингари ҳаракат қилар, бироқ душманининг аёвсиз чангали ҳар сафар унинг танидан бир бўлакни узиб оларди. Қисқичбақа худди катапультадан сакраган каби кальмар мудраб ётгандек кўринган жойга қараб сакрар, бечора жонивор эса бирдан ҳаракатга келиб, ўзидан кейин қолдираётган сиёҳранг булут орасига яширинарди. Бироқ унинг бу ҳаракати доим ҳам муваффақиятли чиқавермасди. Ҳар сафар кальмарнинг эти ва думидан бир парчаси нариги денгиз махлуқининг чангалида қоларди. Ёш Каупервуд ҳар куни дарсдан бўшаганидан сўнг шу ерга келар ва аквариумда юз бераётган ҳаёт-мамот курашини берилиб томоша қиларди.

Бир куни у бурнини ойнага тираганча витрина олдида туриб қолди. Кальмардан ҳеч қандай шаклсиз бир парча



## Теодор Драйзер

қолган, унинг халтачаси ҳам деярли бўш эди. Қискичбақа, афтидан, жанговар ҳаракатга тайёр бўлиб аквариумнинг бир бурчагида турарди.

Фрэнк бутун бўш вақтини ана шу қатъий курашни берилиб томоша қилишга кетказаётганди. Энди жуда тез орада, балки бир соатдан сўнг, балки эртага кальмардан ҳеч нарса қолмайди: қискичбақа уни еб битиради. Фрэнк аквариумнинг бурчагидаги яшил, мисдек товланаётган ҳалокат келтирувчи машинага қаради. Қизик, бу тез бўлармикин? Балки, бугун бўлар. Кечқурун бу ерга яна бир келиб кетиш керак.

Кеч кирди. Нима бўлди? Кутилаётган нарса содир бўлди. Витрина олдида бир тўда одам тўпланиб турарди. Қискичбақа бурчакка тикилиб олган, унинг олдида деярли еб тугатилган, иккига бўлинган кальмар ётарди.

– Ниҳоят етиб олди! – деди боланинг ёнгинасида турган аллаким. – Мен бу ерда анчадан бери турибман, бир соатлар олдин қискичбақа кутилмаганда бир сакраб, уни ушлаб олди. Кальмар чарчаб қолганди, ортиқ кучи қолмаган бечоранинг. У қочмоқчи бўлди, аммо “овчи”га айнан шу керак эди. У қачондан бери ўз қурбонининг ҳар бир ҳаракатини кузатар ва мана бугун, ниҳоят, уни еб тугатди.

Фрэнк кўзларини катта очганча олдидаги дахшатли манзарага қараб турарди. Эсиз, у айни шу дақиқани ўтказиб юборибди. Бир сониягина у қискичбақага ем бўлган кальмарга ачиниб кетди. Кейин эса нигоҳини ғолибга қаратди ва бирдан фикри ўзгарди. “Худди шундай бўлиши керак эди, кальмарга эпчиллик етишмаётганди...” У кўз олдида бўлиб ўтган бу ҳодисани тушуниб етишга ҳаракат қилди. “Кальмар қискичбақани ўлдира олмасди – унинг ҳеч қандай қуроли йўқ. Қискичбақа ўлдира олиши мумкин эди – у жуда яхши қуролланган. Кальмарнинг ейдиган нарсаси йўқ эди, қискичбақанинг олдида эса ўлжа – кальмар бор эди. Бу нимага олиб боради? Бошқа йўл йўқ,

кальмарнинг пешонасига ўлим ёзилган, ўзга йўл бўлиши мумкин эмас!” – у уйига етиб келгунга қадар шундай хулосага келиб бўлганди.

Ушбу ходиса Фрэнкнинг ёдида ўчмас из қолдирди. У ўзини анчадан бери қийнаётган “Ҳаёт қандай қонуният асосига тузилган?” деган саволга умумий жавоб олганди. Ҳамма тирик жонзотлар ана шундай – бири иккинчисининг ҳисобига кун кечиради. Қискичбақалар кальмарлар ва бошқа жонзотларни ейди. Қискичбақаларни ким ейди? Албатта, одамлар. Ҳа, албатта, мана гап нимада! “Одамничи?..” шу заҳоти ўз-ўзидан сўради Фрэнк. Наҳотки одамлар ҳам бир-бирини еса? Йўк, ёввойи ҳайвонлар одамларни ейиш орқали кун кўриши мумкин. Яна хиндулар ва одамхўрлар ҳам. Кўп одамлар денгиз тўфонлари ва бахтсиз ходисалар туфайли ҳалок бўлишади...

Одамлар бир-бирининг ҳисобига яшашига Фрэнкнинг ишончи комил эмасди, бироқ улар бир-бирларини ўлдиришларини яхши биларди. Урушларни қаранг, кўчадаги жанжаллар, босқинлар-чи? Фрэнк бир марта оломон босқинини ўз кўзи билан кўрганди. Бир куни мактабдан қайтаётганида, кўзи қонга тўлган тўда “Паблик лежер” газетаси таҳририятига бостириб кирган. Отаси бунга нима сабаб бўлганини болақайга кейинчалик тушунтириб берганди. Қуллар масаласида жанжал чиккан экан. Ҳа-ҳа, албатта! Баъзи одамлар бировлар ҳисобига кун кўради. Қуллар ҳам одам-ку?! Ана шу сабаб ўша пайтларда бундай кўзғалишлар бўлиб турарди. Бир тоифа одамлар бошқаларни – қора танлиларни ўлдиришарди.

Фрэнк ўзи қилган хулосаларидан хурсанд ҳолда уйга қайтди.

– Ойи!.. – остонадан кирар-кирмас бақирди у. – Ниҳоят қискичбақа уни тугатди!

– Ким кимни тугатди? – ажабланиб сўради онаси. – Бор, қўлингни ювиб кел.

– Мен отам икковингизга айтиб берган қискичбақани айтяпман. У кальмарни еб тугатди.

## Теодор Драйзер

– Бечора!.. Бироқ бунинг нима қизиғи бор? Тезроқ кўлингни ювиб кел!

– Эҳ-ҳе! Бундай ҳодисани одам ҳар доим ҳам кўравермайди. Масалан, ўзим бундай воқеани биринчи марта кўришим.

Фрэнк ёнида сув солинган челак ва яраклаган мис тоғора қўйилган водопровод колонкаси турган ҳовлига чикди. Юз-қўлларини ювди.

– Дада, – кечки овқатдан сўнг отасига мурожаат қилди Фрэнк, – эсингиздами, сизга кальмар тўғрисида гапириб бергандим?

– Эсимда, хўш?

– У энди йўқ. Қискичбақа уни еб тугатди.

– Шундай дегин-а!.. – бепарволик билан деди отаси, газетасини ўқишда давом этар экан.

Бироқ Фрэнк ўз кўзи билан кўрган, ҳаётида биринчи марта дуч келган бу воқеа ҳақида анча вақтгача ўйлаб юрди, чунки бу пайтга келиб, улғайгач ким бўлиши, ҳаёти қандай кечиши ҳақидаги саволлар уни қизиқтира бошлаганди. Пул санаётган отасини кузатиб ўтириб, у ҳаммасидан қизиғи банк иши деган қарорга келди. Отаси хизмат қиладиган банк жойлашган Учинчи кўча эса унга дунёдаги энг чиройли, энг ажойиб жойдек туюларди.



**Ф**рэнк Алжернон Каупервуднинг болалиги оилавий хотиржамлик ва тўқчиликда ўтиб борарди. Улар ўн йил яшашган Батнвуд стритдаги ҳаёт ҳар қандай болакайга маъқул келган бўларди, албатта. Бу кўчада асосан қизил гиштдан қурилган, пастгина оқ мармар зинали, эшик ва деразалари атрофига ҳам оқ мармардан безак қопланган икки қаватли уйлар бор эди. Кўча бўйлаб қатор дарахтлар зич экилган. Думалоқ йирик тошлар бир текис териб чиқилган йўл ёмгирдан кейин ялтираб очилиб турарди, доим зах бўладиган қизил гиштли йўлкалардан эса салқин уфурарди. Ҳар бир уйнинг ортида дарахтлари бўлган ховлилар бор эди, чунки бу ердаги ер участкалари эни юз футга чўзилган бўлиб, уйларнинг ўзи эса йўлка томонга сурилган ва орқасида анчагина бўш ерлар бор эди.

Табиатан содда одамлар бўлган эр-хотин Каупервудлар болаларини хурсанд қилиш учун уларнинг кўнглига йўл топишни билардилар. Шунинг учун ҳам отаси Нью-Маркет стритдаги янги уйга кўчиб ўтишга қарор қилгунга қадар ҳар икки-уч йилда биттадан болага кўпайган бу оила ҳаёт қозонида қайнаётган кичкина дунёга ўхшарди. Ҳенри Уортингтон Каупервуднинг лавозими кўтарилганидан бери бошқалар билан алоқалари тобора кенгайиб бораётган ва шу кунга келиб, у анчагина кўзга кўринган одамга айланиб улгурганди. У ўз банкининг йирик омонатчилари билан таниш-билишчилик қилар, иш юзасидан бошқа банкларда ҳам бўлишига тўғри келгани учун Қўшма Штатлар банкида ҳам, Дрексель, Эдвард ва

## Теодор Драйзер

бошқа кўп банкларда ҳам Ҳенрини аллақачон “ўзларининг одами” деб ҳисоблашарди. Биржа маклерлари уни йирик молия ташкилоти вакили сифатида танир, аклан ўта кучли деб билишмаса-да, у жуда ишончли ва ўша ишончни оқлай оладиган одам сифатида танилганди.

Ёш Каупервуд борган сари отасининг ишларига қизиқиб борарди. Шанба кунлари кўпинча унга банкка боришга рухсат беришар ва у маклерлик операциялари қандай олиб борилиши ва ҳар хил қогозлар қандай чакқонлик билан айирбошланишини катта қизиқиш билан кузатиб ўтирарди. У қимматбаҳо қогозларни қаердан олишадди, мижозлар нима учун векселларнинг ҳисоб-китобида банкларга мурожаат қилишади, нега банк бундай ҳисоб-китобларни қилади ва одамлар олган пулларини нима қилишади, деган саволларга жавоб топишни хоҳларди. Ўғли ишларига қизиқаётганидан хурсанд бўлган Ҳенри Каупервуд унга жараёни бажонидил тушунтириб берарди, шу сабаб Фрэнк жуда ёшлигидан – ўн-ўн беш ёшларидаёқ Американинг молия тизими тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиб, Штат банки нималиги, унинг Миллий банкдан фарқи қандай экани, маклерлар нима билан шуғулланиши, акциялар нималиги ва нега уларнинг курслари тебраниб туришига ақли етарди. У пул айирбошлаш воситаси эканини, ҳар қандай нарх (қиймат) биргина олтиннинг қийматидан келиб чиққан ҳолда ифодаланишини тушуниб етганди. Ҳиссиётлар ва ҳаётий нозик жиҳатлар шоир учун қанчалар табиий бўлса, туғма сармоядор бўлган ёш Фрэнк учун ҳам бу қийин санъат билан боғлиқ барча билимлар шу қадар табиий эди. Уни айирбошлаш воситаси бўлган олтин жуда ўзига торгарди. У табиатдан қандай олинишини отасидан билиб олган болакай тушида олтин конларининг эгаси бўлганини кўрар ва уйғонгач, туши ўнгига айланиб қолишини жуда хоҳларди. Фрэнкнинг акциялар ва облигацияларга бўлган қизиқиши ҳам бундан кам эмасди. У акцияларнинг улар

бостирилган қоғозчалик кийматга эга бўлмаган ва яна бошқа турдаги, ўз номиналидан юқорирок баҳоланадиган турлари ҳам борлигини билиб қолганди.

– Ўғлим, буни қарагин, – деди бир куни унга отаси, – бунақа қоғозларни бу яқин атрофда кўп кўрмайсан.

Гап Британиянинг Ост-Индия компанияси томонидан юз минг долларлик заёми учун кийматининг учдан икки қисми гаров сифатида қўйилган акциялар ҳақида кетаётганди. Бу акциялар нақд пул керак бўлган Филадельфиялик магнатга тегишли эди. Ёш Каупервуд бир тўп қоғозга қизиқиш билан қараб қолди.

– Кўринишидан улар пул турадиганга ўхшамайди, – деди у.

– Улар ўз кийматидан тўрт баробар қиммат туради, – деди маъноли жилмайиб отаси.

Фрэнк уларни қайта кўздан кечирди.

– “Британиянинг Ост-Индия компанияси”, – овозини чиқариб ўкиди сўнг. – Ўн фунт. Эллик долларга яқин.

– Қирқ саккиз доллару ўттиз беш цент, – деди ота бепарвогина. – Ҳа-а, агар қўлимизда шунча боғлам бўлса, бу қадар қаттиқ ишлашимизга ҳожат қолмасди. Эътибор бергин, улар яп-янги, муомалада камдан-кам бўлади. Гаровга биринчи марта қўйилиши бўлса керак.

Ёш Каупервуд молия ишларининг шохобчалари кўплигидан ҳайратланиб, қоғозларни отасига қайтарди. Ост-Индия деганлари қандай компания бўлди экан? У нима билан шуғулланаркан? Отаси болакайга бу ҳақда батафсил тушунтириб берди.

Фрэнк уйда ҳам капитал жамғармалар ва таваккал қилинадиган молиявий операциялар тўғрисидаги суҳбатларни кўп эшитарди. Гўшт олди-сотдиси билан шуғулланадиган йирик олибсотар, бу ерда кредит олиш осон деган умидда яқинда Филадельфияга келган виржиниялик Стимбержер исмли киши ҳақидаги ҳикоя уни қизиқтириб қолди. Отасининг айтишича, Стимбержер

## Теодор Драйзер

Николас Бидл, Ларднер ва Қўшма Штатлар Банкнинг бошқа корчалонларига алоқадор бўлиб, хатто уларнинг қайсидир бирлари билан жуда яқин ҳам экан. Хуллас, у ўша банкдан сўраган ҳамма нарсасини олишга қодир экан. У Виржиния, Оҳайо ва бошқа штатларда йирик мол олди-сотдиси билан шуғулланар ва мамлакат шарқида гўшт савдосини деярли монополия қилиб олган экан. Жаноб Каупервуднинг айтишича, Стимбержер деганлари юзи чўчкага ўхшаб кетадиган, бақувват гавдали одам. У доим қундуздан тикилган учли телпак ва унинг баҳайбат гавдасида ҳилпираб турадиган кенг сюртук кийиб юраркан. Стимбержер гўшт нархини бир фунтини ўттиз цент қилиб кўтариб қўя олган ва бу майда савдогарлар ҳамда харидорларнинг ўртасида норозиликка сабаб бўлиб, ёмон ном қозонган. Филадельфия банкнинг фонд бўлимига у одатига кўра, Қўшма Штатлар Банкнинг минг, беш ва ўн минг долларлик векселларда босилган юз ёки икки юз минг долларлик йиллик облигацияларини олиб келарди. Уларни қийматидан ўн-ўн икки фоиз арзонроққа нақдлаштирар, Стимбержернинг ўзи эса Қўшма Штатлар Банкига улар учун бутун суммага тўрт ой муддатга вексель билан тўлов киларди. Ўзига тўланиши керак бўлган пулни у Учинчи миллий банкнинг фонд бўлимидан Виржиния, Оҳайо ва Ғарбий Пенсильвания банкнотларида белгиланган қиймат бўйича пачкалаб оларди, чунки у ўз ҳисоб-китобларини асосан ана шу штатларда олиб борарди. Учинчи Миллий банк асосий келишувдан тўртдан беш фоизгача улуш олар ва яна ғарбий штатлардан ҳам ҳали қанча фойда келтирадиган ҳисоб фоиз ушлаб қоларди.

Катта Каупервуд ўз ҳикояларида кўпинча вашингтонлик машҳур журналист, АҚШнинг саҳна ортида катта роль ўйнаган, турли сирлар, айниқса, молиявий қонунчиликка тегишли сирларни билиб олишга уста бўлган Фрэнсис Ж. Гранднинг номини кўп тилга оларди. Президент ва Вазирлар кабинети ҳамда сенат ва вакиллар палатаси-

нинг ҳамма махфий ишлари бу одам учун худди очик китобга ўхшарди. Гранд ўз пайтида икки-учта маклерлик идоралари орқали Техаснинг қарз мажбуриятлари ва облигацияларининг йирик партияларини сотиб олганди. Ўз мустақиллиги учун Мексика билан уришаётган бу республика ўн-ўн беш миллионлик қатор заёмлар чиқарганди. Техасни АҚШ штатлари қаторига қўшиш кўзда тутилаётган ва шу сабаб республиканинг эски қарздорлигини ёпиш ҳисобига беш миллион долларни ассигнация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинди. Гранд қарздорлик мажбуриятларининг бир қисми тўлиқ, қолган қисми эса чегирма билан тўланишини биларди ва бундай комбинация ҳақида эшитиб қолиб бойлик орттириш мақсадида эски мажбуриятларни сотиб олмоқчи бўлганларни кўрkitиб қўйиш учун бир сессияда қонун лойиҳасининг муваффақиятсизликка учрагандек ўйин қилишга келишилганини ҳам англаганди. Гранд бу ҳақда Учинчи Миллий банкни огоҳлантириб қўйди ва ўз-ўзидан ғазначи Каупервуд ҳам бу гапдан хабар топди. У хотинига бу ҳақда айтиб бергач, хабар Фрэнкнинг қулоғига ҳам етиб келди. Болакай “Нега отам бундан фойдаланиб Техас республикасининг облигацияларини сотиб олмайди?” деб ҳайрон бўлди. Ахир Гранд ва яна уч-тўрт киши мана шу ишдан юз минглаб фойда қилишган, деб отасининг ўзи айтган эди-ку?.. Отаси буни ноқонуний деб ҳисоблайди деб ўйлаш мумкин, бироқ бу ерда ноқонуний ҳеч нарса йўқ-ку! Бу норасмий хабар учун у ўзини ўзи хурсанд қилса бўлмайдими?..

Нима бўлса-да, Фрэнк отасининг ҳаддан ташқари виждонли, эҳтиёткор эканини тушунди, аммо ўзи улғайиб, биржа аъзоси, банкир ва финансист бўлганида бундай имкониятдан, албатта, фойдаланишни ўйлаб қўйди.

Айни шу кунларда уларникига илгари ҳеч келмаган тоғаси – Каупервуд хонимнинг акаси Сенека Дэвис келиб қолди. Юзлари қирмизи бу одам бақувват ва оқ-сарикдан



## Теодор Драйзер

келган, кўзлари ҳаворанг, бўйи беш футу ўн дюйм бўлиб, ўзи дум-думалок, боши ялпок ва атрофини олтинранг жингалак сочлар ўраб турган тепакал киши эди. У ўша пайтдаги урфга кўра олифталарча гулли жилет, кулранг матодан тикилган узун сюртук ва бошига бойваччаларнинг ажралмас бош кийими – цилиндр қалпок кийиб олганди.

Фрэнк бу одамни бир кўришдаёқ ёқтириб қолди. Жаноб Дэвис плантатор бўлиб, Кубада унинг катта ранчоси бор экан. У болага оролдаги ҳаёт ҳақида, ранчосида бўлиб турадиган жанжаллар ва бошқа кўплаб кизик-қизик воқеаларни сўзлаб берди. Тоғаси бу ерга ўзи билан анчамунча кизик нарсаларнинг бутун бир коллекцияси, кўп пул ва бир нечта қулини ҳам олиб келганди. Қуллардан бири – баланд бўйли ва эти суягига ёпишган Мануэль жавдираганча адъютант ва кўриқчи сифатида доим хожасининг ёнида турарди.

Жаноб Дэвис плантациясидан шакар хом ашёсини экспорт қилар, уни Филадельфиянинг Жанубий бандаргоҳларига жўнатишарди. Тоға ўзининг содда ҳазилкашлиги билан Фрэнкни ром қилиб қўйган, бироқ унинг бу қилиқлари ўзига хос сокин ва хотиржам ушбу оилада сал ғалатиروق кўринаётганди.

Жаноб Дэвис уларникида кутилмаганда якшанба куни окшомга якин пайдо бўлиб, бутун оила аъзоларини ҳайратга солди.

– Бу нимаси, синглим? – Каупервуд хонимга кўзи тушар-тушмас бақирди у. – Бир грамм ҳам семирмабсан. Мен эса ҳурматли Ҳенрига турмушга чиқаётганинда акангга ўхшаб ўзингни қўйиб юборсанг керак деб ўйлагандим. Йўқ, буни қаранглар-а, Худо ҳаққи, беш фунт ҳам чикмайди-я!

Шундай дея у Нэнси-Арабелланинг белидан кучоқлаб, оналарига бундай муомала қилишларига ўрганмаганлари учун унга ажабланганча қараб турган болалар ёнига олиб келди.

Ҳенри Каупервуд бой кариндоши уларникига келганидан жуда хурсанд эди: ўн беш йил бурун, у энди уйланган пайтда Сенека Дэвис унга эътибор ҳам қилмаганди.

– Бу кичкина шаҳарликларга каранглар-а!.. – шовкин соларди Сенека Дэвис, – ҳаммасининг юзини бўр билан бўяб қўйганга ўхшайди. Улар бироз куёшда қорайиш учун ранчомга боришлари керак экан. Мумдан ясалган кўғирчоқларга ўхшайди-я...

У беш ёшли Анна-Аделаиданинг юзидан чимдиб қўйди.

– Ҳенри, бу ерда ёмон жойлашмабсизлар, – деди сўнг ҳеч нарсаси билан ажралиб турмайдиган уч қаватли уйнинг меҳмонхонасини синчковлик билан кўздан кечираркан.

Умуман олганда, ўлчами йигирма футга йигирма тўрт бўлган, олча дарахтига ўхшаш панел билан ишлаб чиқилган ва Шератон услубидаги янги гарнитур қўйилган бу хона сал галатироқ бўлса-да, файзли эди. Ҳенри Каупервуд кассир лавозимига кўтарилганидан сўнг Европадан ўша пайтлар учун жуда катта ҳашамат бўлган фортепиано буюртириб келтирганди. Хонани безатиб турган яна бошқа нарсалар: газда ёнадиган қандил, тилла балиқлар солинган аквариум, бир нечта гаройиб шаклдаги ялтиратилган чиғаноқлар ва қўлида саватда гул ушлаган мрамар купидон<sup>1</sup> ҳам бор эди. Айни пайтда ёз фасли бўлиб, ланг очик деразалардан кўзни қувнатиб шохлари ғишт тўшалган йўлкаларга соя солиб турган дарахтлар кўриниб турарди. Жаноб Сенека шошилмай ҳовлига чиқди.

– Жуда файзли жой экан, – деди у шохлаб кетган қайрағоч дарахти тагида туриб, ҳовлини кўздан кечирар экан. – Тўр беланчакларингиз қаерда? Ёзда бу ерга тўр беланчак ўрнатмайсизларми? Сен-Педродаги айвонимда олти-та-еттитаси бор.

<sup>1</sup> Қадимги Рим афсоналарида севги тангрисининг хайкалчаси. – *Тарж. изоҳи.*

## Теодор Драйзер

– Бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканмиз, ахир атроф кўш-нилар билан тўла. Бироқ биз ҳам сотиб олсак бўларкан, – деди миссис Каупервуд. – Мен эртагаёқ Ҳенридан бизга ҳам ўшанака тўр беланчак олиб келишини сўрайман.

– Ўзим билан бир нечасини олиб келганман. Меҳмонхонада, жомадонимда турибди. Кубада уларни коравойларимнинг ўзи тўқишади. Эртага Мануэлдан биттасини сизларга бериб юбораман.

Жаноб Сенека токнинг баргидан узиб олди, Эдварднинг қулоғини тортиб қўйди, болаларнинг энг кичиги бўлган Жозефга ҳиндуларнинг узун сопли болтасимон қуролини ваъда қилиб, уйга қайтиб кирди.

– Менга мана бу болакай ёқяпти, – деди у бироз ўтиб қўлини Фрэнкнинг елкасига қўйганча. – Ҳенри, унинг тўлик исми нима?

– Фрэнк Алжернон.

– Ҳмм... Унга бошқачароқ, меникига ўхшаган исм қўйиш керак эди. Бу болакайда нимадир бор... Кубага, менинг олдимга борсанг, ўғлим, сени плантатор қиламан.

– Мен бунга қизиқмайман, – жавоб берди Каупервудларнинг катта ўғли.

– Жуда очиғини айтдинг-ку! Таклифимнинг нимаси ёмон?

– Ёмон эмас. Фақат бу ишни тушунмайман.

– Қандай ишни тушунасан?

Болакай айёрлик билан кулиб қўйди:

– Мен ҳозирча жуда кам нарса биламан.

– Хўп, майли, сени нима қизиқтиради?

– Пул қизиқтиради.

– Ҳали шунақами? Демак қондан ўтибди-да – отангнинг изидан кетибсан. Ёмон эмас. Катта одамлардек фикр юритяпти. Хўш, болакай, ҳали сен билан яна гаплашамиз. Нэнси, оилангда сармоядор етишяпти, шекилли. У ҳамма нарсага ҳақиқий ишбилармонлардек ёндашяпти.

Жаноб Сенека Фрэнкка янада диққат билан қаради. Бу бақувват болакайнинг куч-қувватга тўлалиги шубҳасиз, катта ва чараклаб турган кулранг кўзларидан ақл ёғилар, бу ақлли нигоҳларда улкан сир яширингандек эди.

– Гаройиб болакай, – куёвига қараб деди жаноб Сенека. – Менга унинг илдамлиги ёқяпти. Болаларингиз ажойиб экан.

Жаноб Каупервуд жилмайиб кўйди. Бу одамга Фрэнк ёқаётган бўлса, тоғаси бола учун кўп нарса қилиши мумкин. Масалан, вақти келганда ўз бойлигининг бир қисмини қолдириши эҳтимолдан холи эмас. Жаноб Дэвис бой ва бунинг устига бўйдоқ эди.

Сенека тога ўзининг қора танли кўрикчиси Мануэль хамрохлигида Каупервудларникига кўп келадиган бўлиб қолди. Бу қора танли хизматкор болаларни хайрон қолдириб, ҳам инглиз, ҳам испан тилида жуда яхши гапирарди. Фрэнк борган сари тоғасини қизиқтириб қўяётганди.

– Болакай катта бўлиб, ким бўлишга қарор қилганида, унинг оёққа туриб олиши учун ёрдам бераман, – деди бир куни жаноб Дэвис синглиси билан бўлган суҳбатда; Каупервуд хоним унга беҳад миннатдорлигини билдирди. Тоғаси Фрэнк билан мактабдаги машғулотлари ҳақида суҳбатлашиб, жиянини дарслар унча қизиқтирмаслигини пайқади.

Грамматика – бўлмағур нарса. Адабиёт – бемаънилик. Лотин тили – вақтни бекор ўтказиш. Тарихга чидаса бўлади.

– Менга ҳисоб дарси ва математика ёқади, – деди Фрэнк. – Тўғриси, мактабни ташлаб, ишлагим келяпти.

– Ҳали бунга вақтли, дўстим, – деди жаноб Сенека. – Ҳозир ёшинг нечада? Ўн тўртми?

– Ўн учдаман.

– Мана кўрдингми, ўн олтига кирмасдан мактабдан кетиб бўлмайди. Агар ўн етти-ўн саккизгача ўқилса, ундан ҳам яхши. Бу сенга зарар қилмайди. Кейин болаликни қайтариб бўлмайди, ўғлим.

## Теодор Драйзер

– Бола бўлгим келмаяпти. Мен ишлашни хоҳлайман.

– Шошилма, ўғлим. Орқангга қарашга улгурмай, катта бўлиб қоласан. Сен банкир бўлмоқчисан, шекилли?

– Ҳа, тоға.

– Бўпти, вақти келганда, агар айниб қолмасанг, бошида сенга ёрдам бериб тураман. Фақат кўзингга қараб юр. Сенинг ўрнингда бўлсам, бир-икки йил нон-комиссион идорасида ишлаган бўлардим. У ерда тажриба йиғиш мумкин. Кейинчалик сенга керак бўладиган кўп нарсани билиб олардинг. Ҳозирча соғлигингга қараб, дарсингни қил. Керак бўлганда, қаерда бўлсам ҳам, албатта, кидириб топгин. Мен хат ёзиб, ўзингни қандай тутиб юрганингни билиб тураман.

Жаноб Дэвис болакайга банкда ўзига ҳисоб рақами оча олиши учун ўн долларлик тилла танга берди. Бу ҳаракатчан, ўзига ишонган ва ҳали ҳаётида қийинчиликларга дуч келмаган ўсмир сабаб жаноб Дэвис бутун Каупервудлар оиласини ёқтириб қолгани ажабланарли ҳол эмасди.



**Ф**рэнк Каупервуд ўн тўрт ёшга тўлганида ҳаётида биринчи марта тижорий қалтис ишга дуч келди. Бир куни маҳсулотларни импорт қилиш ва улгуржи савдо билан шуғулланадиган фирмалар жойлашган Фронт-стритдан кета туриб, улгуржи-баққоллик дўконининг эшиги тепасида аукцион байроғи осиглиқ турганига кўзи тушди. Ичкаридан аукциончилар ғала-ғовури эшитилиб турарди:

– Ажойиб Ява қаҳвасининг бир партияси учун қанча таклиф қиласизлар? Бугунги кунга улгуржи бозор нархи бир халтасига етти доллару ўттиз икки цент. Қанча берасизлар? Қанча берасизлар? Партия фақат бутунлигича сотилади. Қанча берасизлар?

– Ўн саккиз доллар, – савдони бошлаб бериш учунгина қичқирди эшик ёнида турган дўкон эгаси.

Фрэнк тўхтаб қолди.

– Йигирма икки, – деди бошқа овоз.

– Ўттиз доллар, – эшитилди учинчи овоз.

– Ўттиз беш! – қичқирди тўртинчи одам.

Нарх етмиш беш долларга кўтарилди, бу қаҳванинг ҳақиқий нархидан ярим баравар арзон эди.

– Етмиш беш доллар! Етмиш беш!.. – бақирди аукциончи. – Ким кўпроқ беради? Етмиш беш доллар – бир! Ким саксон беради? Етмиш беш доллар – икки...

У жим қолди ва қўлини баланд кўтарди. Кейин бирдан туширди.

– Етмиш беш долларга жаноб Сайлас Грегорга сотилди. Жерри, ёзиб қўйинг, – деди кейин юзини сепкил

## Теодор Драйзер

босган, сарик юзли ёрдамчисига мурожаат қилиб ва шу заҳотиёқ бошқа баққоллик маҳсулоти партияси – ўн бир бочка крахмал савдосига ўтди.

Ёш Каупервуд бирпасда миясида ҳисоблаб чиқди. Агар аукциончининг гапига ишониладиган бўлса, қаҳванинг бозор баҳоси қопига етти доллару ўттиз икки цент; демак, уни етмиш беш долларга сотиб олган дўкончи шу ернинг ўзидаёқ саксон олти доллару тўрт цент ишлаб олиши мумкин, агар доналаб сотадиган бўлса, ундан ҳам кўпроқ топади. Унинг билишича, онаси бир фунт қаҳвани одатда йигирма саккиз центга оларди.

Китоб-дафтарларини қўлтиғига қисиб олган Фрэнк одамлар орасидан суқилиб ўтиб, яқинроқ келди ва савдони диққат билан кузата бошлади. Унинг билишича, бир бочка крахмал ўн доллар турарди, бу ерда эса олти доллар. Бир неча кути сирка ўз нархининг учдан бирига сотилди. Фрэнк ушбу аукционда қатнашишни жуда ҳам хоҳлаётганди, бироқ чўнтагида майда пулигина бор эди. Аукциончи ёнгинасида турган болакайга эътибор бериб, унинг қиёфасида акс этиб турган жиддийлик ва қатъиятдан хайратга тушди.

– Ажойиб совун партиясини таклиф қиламан – кўп эмас, оз эмас – етти яшик. Агар сиз совуннинг фарқига борсангиз, бир бўлаги ҳозир ўн тўрт цент туради. Бир яшиги учун эса ўн бир доллару етмиш беш центдан кам тўламайсиз. Қанча бера оласиз? Неча пул берасиз?

Аукциончи касбига хос тарзда тез-тез, жўшқинлик билан гапирар, бироқ бу ёш Каупервудга таъсир қилмаётганди: у тезлик билан миясида ҳисоб-китоб қилаётганди. Ҳар бир яшиги ўн бир доллар етмиш беш центдан етти яшик совун – саксон икки доллару йигирма беш цент бўлади. Агар бу партия ярим нархидан сотиладиган бўлса...

– Ўн икки доллар! – таклиф қилди кимдир.

– Ўн беш! – нархни оширди бошқа бир харидор.

– Йигирма доллар! – бақирди яна кимдир.

– Йигирма беш! – қўшди яна биров.

Шундан сўнг бир доллардангина қўшила борди: совун жуда талабгир мол эмасди.

– Йигирма олти!

– Йигирма етти!

– Йигирма саккиз!

– Йигирма тўққиз!

Ҳамма жим турарди.

– Ўттиз доллар! – деди ёш Каупервуд қатъий товушда.

Паст бўйли, ориқдан келган, сочлари тикка-тикка, юзлари бужмайиб кетган аукциончи оғзи гапдан тинмай, Фрэнкка қизиқиш ва бироз ишончсизлик билан қараб қўйди. Боланинг кўриниши унинг диққатини тортганди ва у эшикка суяниб, негалигини ўзи ҳам тушунмаган ҳолда унда пул борлигига ишониб қўя қолди: бу бирорта баққолнинг ўғли бўлса керак-да...

– Ўттиз доллар! Ўттиз доллар!.. Ажойиб совун партияси учун ўттиз доллар! Ажойиб совун! Чакана сотсангиз, бир бўлаги ўн тўрт центдан кетади. Ким ўттиз бир доллар беради? Ким ўттиз бир доллар беради?

– Ўттиз бир! – кимнингдир овози эшитилди.

– Ўттиз икки! – деди Фрэнк Каупервуд.

Савдо давом этди.

– Ўттиз икки доллар! Ўттиз икки доллар! Ўттиз икки доллар! Бу ажойиб совун учун ким ўттиз уч доллар беради? Етти яшиқ ажойиб совун учун ким ўттиз уч доллар тўлайди, қани, келинглар!..

Ёш Каупервуднинг мияси шиддат билан ишлаётганди. Унинг ёнида пули йўқ эди, бироқ отаси Учинчи Миллий банкда кассир бўлиб ишлайди ва Фрэнк отасини гувоҳ сифатида кўрсатиши мумкин. Бу совунларнинг ҳаммасини уйларининг олдидаги баққолга, унга бўлмаса, бирорта дўконча эгасига сотиб юборса бўлади. Ахир совунни шу нархга сотиб олмоқчи бўлган бошқалар ҳам топилди-ку! Фрэнк сотиб олса нима қилибди?



## Теодор Драйзер

Аукциончи жим бўлиб қолганди.

– Ўттиз икки доллар – бир! Ким ўттиз уч беради? Ўттиз икки доллар – икки! Кимдир ўттиз уч доллар берадими? Ўттиз икки доллар – уч! Етти яшиқ ажойиб совун! Ким кўпроқ беради? Бир, икки, уч! Ким кўпроқ беради? – унинг қўли яна ҳавога кўтарилди. – Совун жаноб... – аукциончи ёш харидорнинг юзига қизиқиш билан тикилиб, пештахта устидан унга қараб энгашди.

– Учинчи Миллий банк кассирининг ўғли Фрэнк Каупервудга сотилди! – деди болакай қатъий товуш билан.

– Сотилди! – боланинг ишонч тўла кўзларига қараб такрорлади аукциончи.

– Мен пул учун банкка бориб келгунимча кутиб тура оласизми?

– Яхши, фақат узок эмас: агар бир соатда қайтиб келмасангиз, уни қайта сотиб юбораман.

Фрэнк ортиқ жавоб бериб ўтирмади. У ташқарига югуриб чиқиб, аввал дўкони Каупервудларнинг уйидан бир квартал нарида бўлган баққолнинг олдига чопди. Охирги ўттиз кадамча масофани у секинроқ босиб ўтиб, юзига бепарво тус берди ва дўконга кириб, кўз кири билан ҳалиги совун турини қидира бошлади. Ана у – уникидек совун худди ўшандек яшиқда одатдаги жойида турибди.

– Жаноб Дэлримпл, мана бу совунингиз қанчадан? – қизикди Фрэнк.

– Ўн олти цент, – гердайиб жавоб берди дўкон эгаси.

– Агар сизга худди шундай совуннинг етти яшигини олти икки долларга таклиф қилсам, оласизми?

– Худди шундайми?

– Ҳа, сэр.

Жаноб Дэлримпл хаёлида ҳисоблай бошлади.

– Ҳа, олардим, – эҳтиётлик билан деди у.

– Пулини бутуноқ тўлайсизми?

– Мен вексель бераман. Молингиз қани?

Жаноб Дэлримпл қўшнисининг ўғли бўлган бу болакайнинг таклифидан хайратга тушганди. У жаноб Каупервудни ҳам, Фрэнкни ҳам яхши танирди.

– Агар бугун олиб келсам, совунни оласизми? – сўради Фрэнк.

– Оламан, – жавоб берди дўкон эгаси. – Нима, сиз совун савдоси билан шуғулланяпсизми?

– Йўк, лекин уни қаердан арзонга олиш мумкинлигини биламан.

Фрэнк дўкондан шоша-пиша чиқиб, отасининг олдига қараб чопди. Банкдаги операциялар тўхтаган, бироқ болакай у ердаги ҳамма кириш-чиқиш тешиқларидан хабардор ва агар ўғли ўттиз доллар ишлаб оладиган бўлса, отаси хурсанд бўлишини ҳам биларди. Фрэнкка пул фақат бир кунгагина керак эди.

– Фрэнк, нима бўлди? – дарров сўради жаноб Каупервуд қизариб кетган, ҳарсиллаётган ўғлини кўриб.

– Отажон, сиздан ўттиз икки доллар қарз сўрамоқчи эдим.

– Яхши. Лекин пул сенга нима учун керак бўлиб қолди?

– Мен етти яшиқ совун сотиб олмоқчиман. Уни қаердан олишни биламан, сотиб олишга харидор ҳам бор. Жаноб Дэлримпл ҳаммасини сотиб олмоқчи. У олтмиш икки доллар таклиф қилди, мен эса ўттиз икки долларга оламан. Агар пул бериб турсангиз, югуриб бориб, аукциончига тўлаб келардим.

Жаноб Каупервуд жилмайди: ўғли шундай ишбилармонлигини биринчи марта намойиш қилаётганди. Ўн уч ёшли бола учун бу жуда моҳирона зукколик ва топқирлик эди.

– Демак, Фрэнк, сен аллақачон сармоядор бўлиб қолибсан-ку!.. – деди у бир нечта векселлар ётган қути томон юраркан. – Зарар кўриб қолишдан кўркмайсанми? Ўйлаган нарсангга ўзинг ишонапсанми?

– Отажон, менга пул бериб туринг, – ёлвориб сўради Фрэнк. – Мен эса нимага қодир эканимни кўрсатаман. Фақат пул бериб туринг. Менга ишонаверинг!

## Теодор Драйзер

Фрэнк шу пайтда ёввойи кушнинг ҳидини олган овчи итга ўхшарди. Отаси унинг илтимосини рад эта олмади.

– Фрэнк, сенга албатта ишонаман, – деди жаноб Каупервуд банкнинг олтита беш долларли ва иккита бир долларли банкнотини санаркан. – Мана, ол.

Фрэнк нималардир деб отасига миннатдорлик билдирди ва оёғини кўлига олиб аукцион бўлаётган жойга югурди. У етиб келган пайтда энди шакар сотилаётганди. Фрэнк хизматчи ўтирган стол олдига тикилиб ўтди.

– Мен совун учун тўламоқчи эдим, – деди у.

– Ҳозирми?

– Ҳа. Квитанция ёзиб берасизми?

– Майли!

– Молни уйгача етказиб бера оласизларми?

– Йўқ, молнинг нархига уйгача етказиб бериш ҳақи кирмаган. Уни бир сутка ичида олиб кетишингиз керак бўлади.

Кутилмаган қийинчиликдан Фрэнк саросимага тушиб қолмади.

– Яхши, – деди у квитанцияни чўнтагига солиб қўяркан.

Аукциончи болани чиқиб кетгунча ортидан кузатиб қолди.

Ярим соатлар ўтиб Фрэнк нима қилиб бўлса ҳам пул топиш умидида портда турган киракаш аравакаш билан қайтиб келди. У олтмиш центга совунни кўзланган манзилга олиб бориб беришга савдолашганди. Ярим соатдан кейин улар ўзларига ҳайрат билан қараб турган жаноб Дэлримплнинг дўкони олдида туришарди. Фрэнк дўкон эгасини кўчага чиқиб, яшиқларни текшириб олишга мажбур қилди. У агар иши юришмаса, совунларни уйига олиб кетишга қарор қилганди. Бу биринчи олиб сотарлиги бўлишига қарамай, болакай ўзини хотиржам тута олаётганди.

– Ҳм-м, – деди жаноб Дэлримпл оқ сочли бошини қаширкан, – худди ўшандек совун. Мен уларни оламан. Одам берган ваъдасида туриши керак. Фрэнк, буларни қаердан олдингиз?

– Шу якин ўртадаги Биксомнинг улгуржи савдо дўконидан, – очигини айтди ёш Каупервуд.

Жаноб Дэлримпл совунларни дўкон ичкарасига олиб киришни буюрди ва ёш сотувчи вояга етмагани учун сал қийинроқ бўлган бир қанча расмиятчиликлардан сўнг бир ой муддатга вексель ёзиб берди.

Фрэнк унга миннатдорлик билдириб, векселни чўнтагига солиб кўйди. У яна отасининг олдига бориб, худди бошқалар кўз олдида ҳисоб-китоб қилгани сингари вексель бўйича қарзини тўламоқчи ва ўз фойдасини нақд пул қилиб олмақчи эди. Одатда банк ёпилганидан сўнг бундай операциялар бажарилмайди, бироқ отаси ўғли учун истисно қилиши мумкин. Бола хуштак чалганча, йўлга тушди.

Отаси уни кўриб, яна жилмайди.

– Хўш, Фрэнк, куйиб қолдингми? – қизиқиб сўради жаноб Каупервуд.

– Мана бир ой учун вексель, – деди Фрэнк Дэлримплдан олган мажбурият қоғозини стол устига қўяркан. – Илтимос, ўз ўттиз икки долларингизни ушлаб қолишни ҳам назарда тутинг.

Отаси векселни диққат билан кўздан кечирди.

– Олтмиш икки доллар, – ўқиди у. – Жаноб Дэлримпл. Ҳаммаси тўғри. Ҳа, мен бунга ҳисобга оламан. Бу сенга ўн фоизга тушади, – ҳазиллашди у кейин. – Бироқ сен векселни ўзингга қолдирсанг бўлмайдами? Мен кутиб тура оламан ва ойнанинг охиригача ўттиз икки долларимни сўрамайман.

– Йўқ, керак эмас, – эътироз билдирди Фрэнк. – Сиз яхшиси уни ҳисобга олиб, ўз пулларингизни қайтиб олинг. Меники эса ўзимга керак бўлиб қолади.

## Теодор Драйзер

Боласининг ўзини ишбилармонлардек тутиши жаноб Каупервуднинг завқини келтираётганди.

– Майли, – деди у, – эртага ҳаммасини тўғрилаймиз. Энди эса бу ишни қандай қилганингни айтиб бер-чи!

Фрэнк отасига ҳаммасини сўзлаб берди.

Кечкурун соат еттида бундан миссис Каупервуд, сал ўтиб эса жаноб Дэвис ҳам хабар топишди.

– Каупервуд, сизга нима дегандим!.. – хитоб қилди жаноб Дэвис. – Бу боладан ҳали кўп иш чиқади. Ҳали кў-расизлар!

Овқат пайтида миссис Каупервуд ўғлига қизиқиш билан қараб қўйди. Наҳотки мана шу у яқиндагина эмизган бола бўлса? Бирпасда йигитча бўлиб қолибди-я!

– Фрэнк, кейин ҳам шунақа ишлар қўлингдан келади деб умид қиламан, – деди аёл.

– Мен ҳам шу умиддаман, ойи, – қисқа жавоб қилди Фрэнк.

Кимошди савдоси ҳар куни бўлавермасди ва баққол билан ҳам ҳар куни олди-сотди қилишнинг имкони бўлмасди, бироқ Фрэнк жуда кичиклигидан қандай пул қилишни биларди. У ёшлар учун журналларга обуна бўлишни ташкил қилар, янги турдаги конькиларни тарқатиш бўйича агент бўлиб ҳам ишлади, бир марта эса ҳатто ён-атрофларида яшайдиган ўғил болаларни тўплаб уларни улгуржи нарҳда похол шляпа сотиб олишга кўндира олди. Капитални жамғариб бойиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмасди. У кичкиналигиданоқ пулни сарф қилиш ёқимли экани ва у албатта, бунга эришишига ишониб қолганди.

Шу йилданми ёки сал аввалроқми, Фрэнкни қизлар ҳам қизиқтира бошлади. У энг биринчи чиройли қизларга эътибор берарди. Келишган ва ёқимли бўлгани учун ёқтириб қолган қизида ўзига қизиқиш уйғота олиш унинг учун мушкул иш эмасди. Кўчаларининг нариги томонида яшайдиган ўн икки ёшли Пейшенс Барлоу унинг

дикқатини тортган ва ўзи ҳам эътибор қаратган биринчи қиз бўлди.

Табиат бу қизга чараклаб турадиган қора кўзлар ва у одатда иккита қилиб ўриб юрадиган қоп-қора сочларни ато этганди. У нозик ва чиройли оёқлари билан нафис гавдасига мос равишда энгил ҳаракатланарди. Қизнинг ота-онаси квакерлар<sup>1</sup> бўлиб, қиз доим бошига кичкина қалпоқча кийиб юарди. У табиатан жуда ҳаракатчан бўлиб, жасур, ўзига ишонадиган, кескир бу бола унга ҳам ёқарди.

Бир неча марта кўз-кўзга тушганидан сўнг бир куни Фрэнк қизни (қиз ҳам ўша томонга кетаётганди) тўхтатди ва жилмайиб, доимгидек дадиллик билан саволга тутди:

– Сиз шу кўчада яшайсиз-а?

– Ҳа, – деди қиз ҳаяжон билан китоблар солинган сумкасини тебратганча, – бир юз қирқ биринчи уйда.

– У уйни биламан, – деди Фрэнк, – ўша ёққа кириб кетаётганингизни кўргандим. Сиз, менимча, синглим билан ўқийсиз. Исмингиз Пейшенс Барлоу-а?

Бола ўртоқларидан бири қизнинг исмини айтганини эшитиб қолганди.

– Ҳа, – деди қиз, – сиз қаердан биласиз?

– Эшитгандим, – жилмайди Фрэнк. – Мен сизни кўп кўраман. Ширинмия ейсизми?

Бола чўнтагини кавлаб, ўша пайтларда ширинлик сифатида кенг тарқалган бир нечта ширинмия тайёкчасини қизга узатди. Пейшенс миннатдорлик билдириб, биттасини олди.

– Жуда ширин бўлмаса керак, анчадан бери чўнтагимда турганди. Яқинда обакидандоним ҳам бор эди.

– Йўқ, ширин экан, – деди қиз ширинмияни маза қилиб шимаркан.

– Синглим Анна Каупервудни танисангиз керак, а? – деди Фрэнк бошлаган гапига қайтиб ва шу билан ўзини

<sup>1</sup> Христиан динининг протестант мазҳабиға мансуб киши. – *Тарж.*  
*изоҳи.*

## Теодор Драйзер

қизга таништиргандек бўлди. – Тўғри, у сиздан бир синф пастда ўқийди, лекин уни танисангиз керак?

– Ўйлашимча, уни танийман. Мактабдан қайтаётганида уни кўрганман.

– Мен ҳов анави ерда, ўнг томонда яшайман, – бармоғи билан ишора қилди бола қиз худди бусиз у қаерда яшашини билмайдигандек. – Демак, энди тез-тез кўришиб турарканмиз-да?

– Сиз Рут Мерриэмни танийсизми? – сўради қиз Фрэнк уйига олиб борадиган тош ётқизилган кўчага қайрилай деганда.

– Йўк, нега сўраяпсиз?

– Сешанба кунини у зиёфат уюштиряпти... – деди қиз беихтиёр ёдига тушгандек.

– У қаерда яшайди?

– Йигирма саккизинчи уйда.

– Уникига боришга қарши бўлмасдим, – деб қўйди Фрэнк уйи томонга қайриларкан.

– Балки сизни ҳам таклиф қилар, – деди ораларидаги масофа узоклашгани сари, ботирроқ бўлиб бораётган Пейшенс, – ундан сўраб кўраман.

– Раҳмат, – жилмайиб миннатдорчилик билдирди Фрэнк.

Қиз шодланиб югуриб кетди. Фрэнк жилмайганча унинг кетидан қараб қолди. Қиз чиройли эди. У дилида қизни ўпиш иштиёқи уйғонганини ҳис этди ва Рут Мерриэмникида бўладиган зиёфат ҳамда бу унга нима беришини кўз олдига келтира бошлади.

Бу ҳали вақти-вақти билан Фрэнкни чулғаб оладиган болаларча ўйинқароқлик ҳисси эди. У ўзига бошқа қиз топгунича Пейшенс Барлоу билан бурчак-бурчакларда ўпишиб юрди. Пейшенс қиш оқшомлари қўшни қизлар билан қор ўйнагани кўчага чиқар ёки эрта қоронғи тушадиган қиш кунлари эшигининг олдидаги ўриндикда ўтирарди. Бу пайтларда уни учратиб, ўпиб

олиш зиёфатларда унинг қулоғига ҳар хил бўлар-бўлмас нарсаларни гапиришдек бемалол эди. Сўнгра Пейшеннинг ўрнига Дора Фитлер келди. Бу пайтда Фрэнк ўн олтида, Дора эса ўн тўрт ёшда эди. Кейинчалик, Фрэнк ўн етти ёшга кирганида ўн беш ёшли Маржори Стэффорд пайдо бўлди. Дора корачадан келганди, Маржори эса тонг каби оппок, ёноклари ним кизғиш, кўзлари хаворанг-кулранг, сочлари майин ва дўмбоккина эди.

Ўн етти ёшга тўлганида Фрэнк мактабдан кетишга қарор қилди. У юқори синфда уч йилгина ўқиган, бироқ ўқиш унинг жонига текканди. Ўн уч ёшдан бери унинг фикру хаёли ўзи Учинчи кўчада кузатгани – молия ишларида эди. У вақти-вақти билан мўмайгина пул ишлаб олиш имконини берадиган юмушларни бажариб турарди. Сенека тоғаси юк портида тарозибон бўлиб ишга киришига ёрдам берди. Бу ерда давлат назоратчиларининг кўз ўнгида қисқа муддатга юк сақланадиган давлат божхона омборларига шакар солинган уч юз фунтлик қоплар тахланарди. Иши кўпайиб кетган пайтда эса йигитчани отаси ёрдамга чақирар ва у бунинг учун ҳақ оларди. Фрэнк ҳатто шанба кунлари дўконда ишлаб бериш учун жаноб Дэлримпл билан ҳам келишиб олганди, бироқ у ўн беш ёшга чиққанида отаси йилига тўрт минг доллар ойлик билан бош кассир лавозимига ўтди ва энди болақайнинг пештахта ортида туриши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди.

Айни шу пайтда Филадельфияга олдингидан анча семирган ва янада ҳукмфармо бўлиб қолган Сенека тоғаси келиб қолди ва жиянига бир таклифни айтди:

– Фрэнк, менга қара, агар иш бошламоқчи бўлсанг, сен учун яхши жой тайёрлаб қўйганман. Биринчи йил маошсиз ишлайсан, бироқ ишни удаласанг, мукофот пули беришса керак. Иккинчи кўчадаги “Ҳенри Уотермен энд Компани” фирмаси ҳақида эшитганмисан?

– Уларнинг идораси қаердалигини биламан.



## Теодор Драйзер

– Ана ўшалар сени ҳисобчи қилиб ишга олишга рози бўлишди. Улар – дон олиб сотувчи ва даллоллик билан шуғулланувчи маклерлар. Бир пайтлар шу соҳада ишлаб кўришни хоҳлашингни айтгандинг. Ўқув йили тугаганида жаноб Уотерменнинг олдига бориб, исмимни айтсанг, ишга олишса керак деб ўйлайман. Кейин эса нимага келишганингиз тўғрисида менга хабар берарсан.

Сенека тоға бу пайтга келиб оилали бўлган, бойлиги айтарли кўп бўлмаса-да, бироқ Филадельфиянинг юкори табақадаги одамларидан бири саналувчи обрўли бир аёлнинг кўнглини забт этганди. Ҳамминг фикрича, бу никоҳ натижасида Каупервудларнинг алоқалари мустаҳкамланиши керак эди. Ҳенри Каупервуд айна пайтда шаҳарнинг дарёга қараган, ажойиб манзара кўриниб турадиган ва келажакда чиройли уйлар қурилиши кўзда тутилаётган шимолий қисмидаги Фронт стритга кўчиб ўтишни режалаштираётганди.

Ўша пайтларга нисбатан – Гражданлар урушидан сал олдин – жаноб Каупервуд йилига оладиган тўрт минг доллар маош жуда яхши ҳисобланарди. Жуда оқилона иш юритадиган ва эҳтиёткор Ҳенри Каупервуд ҳеч қачон пулларини таваккалишларга тикмас ва хизматдошларининг ўйлашича, ўзининг батартиблиги, эҳтиёткорлиги ҳамда пухталиги сабаб келажакда ўзи ишлаётган банкнинг директор ёрдамчиси, эҳтимол, кейинчалик директори бўла олишига ҳам умид қилса бўларди.

Сенека тоғасининг “Уотермен энд Компани” фирмаси тўғрисидаги таклифини Фрэнк иш бошлаш учун тўғри таклиф деб қабул қилди. Шунинг учун июнь ойида у Иккинчи кўчага қараб йўл олди ва катта Ҳенри Уотермен йигитчани хушмуомалалик билан кутиб олди. Маълум бўлишича, бу ерда йигирма ёшли кичик Ҳенри Уотермен ва катта Уотерменнинг укаси бўлган эллик беш ёшли Жорж Уотерменлар ҳам бор экан. У зарур бўлса, шаҳар

ташқарисидаги мижозлар олдига чиқиб кетаркан. Бу одам укаси шахсан ҳал қила олмайдиган нарсаларга жавоб берар ва янги битимларни ҳал қилар, шериклари ва хизматчиларга эса уларни ҳаётга татбиқ қилиш қоларди, холос.

Кўринишидан лоқайдгина, оёқлари калта, кўзлари атрофини қуюқ ажин босган, қориндор катта Ҳенри Уотермен ишда жуда зукко, кўнгилчан, юмшоқ ва зеҳни ўткир эди. Табиатан берилган соғлом идроки ва хушмуомалалиги туфайли у мустаҳкам ва гуркираган бизнесни йўлга кўя олди. Йиллар ўтиб у янада кучайди ва агар ўғли ҳам чин дилдан ўзини бизнесга бағишлай олса, у билан ҳамкорликда ишлашга жон-жон деган бўларди. Бирок буни орзу ҳам қилиб бўлмасди. Отасидек демократ бўла олмаган, фаҳм-фаросатда ҳам, ўз ишидан қониқиш ҳосил қилишда ҳам умуман унга ўхшамайдиган ўғилни тижоратчилик фаолияти ҳатто ранжитади, дейиш мумкин эди. Унга топширилган иш, албатта, касодга учраган бўларди. Отаси буни олдиндан англаб, хафа бўлиб кетар ва ишига қизиқадиган, бизнесини худди шу руҳда давом эттирадиган, шу билан бирга, ўғлини сиқиб чиқармайдиган бирорта йигит чиқиб қолар дея умид қиларди.

Ва мана, унинг олдида Сенека Дэвис берган тавсиянома билан ёш Каупервуд пайдо бўлди. Жаноб Уотермен йигитчага бошдан-оёқ кузатувчан назар билан қараб чиқди. Ҳа, ўйлади қария, тўғри келадиган йигит. Бу йигитдан бир иш чиқади.

Йигитча ўзини бемалол, виқор билан тутиб турар, ҳажонланаётгани ёки уялаётгани ҳеч сезилмасди. Унинг айтишича, нон-тижорат ишларининг нозик томонларини тушунмаса-да, ҳисоб-китоб ишларини олиб бора оларкан. Бу тармоқ уни қизиқтираркан ва у ўз омадини синаб кўрмоқчи эмиш.

– Бу йигитча менга ёқпти, – деди Ҳенри Уотермен акасига, Фрэнк эртаси куни эрталабдан ўзининг янги

## Теодор Драйзер

ишга тушишига розилик олиб кетгач. – Унда нимадир бор! Бундай ёш, зехни ўткир, ҳаракатчан одам қачонлардан бери остонамизга қадам босмаганди.

– Ҳа, – унинг гапига қўшилди акасига қараганда орикроқ ва бўйи баландроқ кўринадиган, ўйчан кўзлари хиралашган ва тухумга ўхшаган бошидаги сийрак жигарранг-қора сочи калини яна ҳам бўрттириб кўрсатаётган Жорж. – Жуда ёқимли йигит. Қизик, нега отаси уни ўз банкига ишга олмаётган экан?

– Ким билади, балки, бунга имкони йўқдир, – эътироз билдирди акаси. – Ахир у банкда бор-йўғи бош кассир, холос.

– Ҳа, тўғри. Майли, бу йигитчани синаб кўрамиз. Менимча, унинг қўлидан ҳамма нарса келади, шекилли. Кўп нарсани удалай оладиганга ўхшайди!

Ҳенри Уотермен ўрнидан туриб, Иккинчи кўчага олиб чиқадиган эшик томонга юрди. Орасида унинг идораси ҳам бўлган қатор биноларнинг девори билан қуёшдан ҳимояланган тош ётқизилган йўлнинг салқини, от туёқларининг товуши, от-араваларнинг шовқини, у ёқдан-бу ёққа югураётган одамларнинг тўдаси – ҳамма-ҳаммаси унга ёкарди. У кўчанинг нариги томонига қаради: деярли ҳаммаси кулранг тошдан қурилган уч ёки тўрт қаватли уйлар... У ерда ҳам ҳаёт қайнарди. Ҳенри Уотермен бир пайтлар ишини ана шундай жойда бошлаш хаёлига келгани учун Худога шукур қилди. Фақат... эсиз, ўша пайтда бу ердан яна бир нечта жой олиб қўймаган экан. “Бу ёш Каупервуд менга тўғри келадиган одам бўлиб чиқса зўр бўларди, – деди хаёлан қария ўз-ўзига. – Анчамунча ортиқча ишлардан озод бўлардим”.

Қизиги, йигитчанинг ишбилармонлигига ишонч ҳосил қилиш учун беш дақиқалик суҳбат кифоя қилди. Ҳенри Уотермен умидларининг рўёбга чиқишига деярли шубҳа қилмаётганди.



**Ф**рэнк Каупервуднинг ташки кўриниши ўша пайтларда одамни ўзига тортадиган даражада жуда ёқимли эди. Табиат унга беш фут ва ўн дюйм келадиган барваста бўй ато этган, жингалак куюқ сочлари тўқ каштан рангида бўлган йирик бошининг шакли жуда чиройли эди. Кўзларидан акллилиги сезилиб турар, бироқ қарашлари сирли, нигоҳларидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Фрэнк энгил, ишонч билан тез-тез кадам ташлаб юрарди. У ҳаёти давомида на бирор касаллик ва на қийинчиликдан азоб чекканди. Тўғри, атрофида ўзларидан ҳам бойроқ одамларни кўрарди, бироқ пайти келиб ўзи ҳам бойиб кетишига унинг ишончи комил эди. Оиласини ҳамма ҳурмат қилади, отаси яхши ишнинг эгаси. Фрэнк ҳеч қачон ҳеч кимдан қарз бўлмаганди. Фақат бир куни у банкка берган майда векселнинг муддатини ўтказиб юборганида, отаси уни шундай уришдики, бу воқеа бир умр эсидан чиқмайдиган бўлди.

– Мен оёқ ва қўлларим билан эмаклаб бўлса-да, векселим бўйича қарз тўланмаганини ошкор қилишларига йўл қўймаган бўлардим.

Шундан сўнг Фрэнк бундай гап-сўзларсиз ҳам тушуниш мумкин бўлган нарсани – кредитнинг аҳамиятини бир умрга эслаб қолди. Шу ходисадан сўнг унинг бепарволиги оқибатида бирорта ҳам банк векселининг муддати ўтиб кетмади.

Фрэнк “Уотермен энд Компани” савдо уйида шу пайтгача ишлаб келганларнинг ичида энг ишбилармони

## Теодор Драйзер

бўлиб чиқди. Аввалига уни яқинда ишдан ҳайдалган Томас Трикслернинг ўрнига бухгалтер ёрдамчиси қилиб кўйишди, бироқ икки ҳафта ўтиши биланок Жорж Уотермен:

– Каупервудни ҳисобчиликка ўтказсак-чи? – деб қолди. – У бизнинг Сэмпсон бир умр ўйлашиб ўтирадиган ишини бир нафасда эпларкан.

– Яхши, Жорж, мен қарши эмасман, бироқ буни ҳаммага айтиб ўтирма. Каупервуд, назаримда, узоқ вақт ҳисобчи бўлиб қолмайди. Кўп ўтмай, кўрамиз, у баъзи ишларда менинг ўрнимни ҳам босиб кетиши мумкин.

“Уотермен энд Компани” савдо уйининг анчагина мураккаб бухгалтерияси Фрэнк учун болалар ўйинидек гап эди. У ҳисоб-китоб ишларини шу қадар осонлик билан тез ҳал қилардики, собиқ бошлиғи Сэмпсон ажабланганидан ёқа ушларди.

– Йўқ, бу болакай жуда эпчил экан, – деди у биринчи куннинг ўзидаёқ Фрэнкнинг ишлашини кузатиб бошқа хизматчига. – Қараб тур, у ҳали ёмон тушади. Мен бундайларни биламан. Қараб тур, ҳали маблағ ажратиш ва пул ўтказмалари пайти бошлансин...

Жаноб Сэмпсоннинг айтганларига қарши ўларок, Фрэнк чалкашиб кетмади. Бир ҳафта ҳам ўтмай, у Уотерменлар фирмасининг молиявий ҳолатини, агар фирма хўжайинларидан яхшироқ демаса, улардан камроқ билмасди. У ҳисоб варақаларини кимга юборишни, қайси ҳудудларда кўпроқ ишлар амалга ошишини, ким яхши ва ким ёмон мол олиб келишини яхши билиб олди. Бунга бир йил давомида нархларнинг тебраниб туриши гувоҳлик бериб турарди. У ўз тахминларини текшириб кўриш учун асосий бухгалтерия дафтарларидаги қатор эски ҳисоб-китобларни қараб чиқди. Бухгалтерия уни фирма ҳаётини акс эттирувчи ёзув сифатидагина қизиқтирди, холос. Йигит бу ишда кўп қолиб кетмаслигини яхши биларди. У ёғини эса ҳаёт кўрсатади. Ҳозирча у нон-комиссион

ишларни ипидан игнасигача ўрганиб чиққанди. У фирма хўжайинлари, тўғрироғи, уларнинг мижозлари – чунки фирма фақат даллоллик билан шуғулланарди, консигнацияга<sup>1</sup> келиб тушадиган маҳсулотларнинг тезлик билан сотилмаётганидан, мол етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа комисион фирмалар билан алоқалар яхши йўлга қўйилмаганидан жуда жиддий зарар кўришаётганини тушуниб етганди. Масалан, мижоз ўсиб бораётган эмас, балки бир маромда турган бозор нархини ҳисобга олиб, мева ёки сабзавотини юклайди. Бироқ бу нарсани бир пайтнинг ўзида ўнта одам қилса ёки бошқа даллолларнинг юклари тўхтаб қолса, нархлар шу заҳоти тушиб кетади. Юк айланмаси ҳеч қачон бирдек турмаган ва турмайди ҳам. Шу заҳотиёқ Фрэнк сайёр агент сифатида товарларнинг йирик партиясини сотиш билан шуғулланса, у фирмага кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини англаб қолди. Бироқ вақти келмагунча бошликлар олдида бу масалани кўтармасликка аҳд қилди, чунки шу нарса яқин орада ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолиши мумкин.

Ҳенри ва Жорж – иккала Уотерменлар – Фрэнк ҳисобкитоб ишларини соз олиб бораётганидан жуда шод эдилар. У ишхонада эканининг ўзиёқ ҳамма нарса жойидалигига ишонч туғдираётганди. Бироз вақт ўтиб Фрэнк “Жорж оға”нинг диққатини бир нечта ҳисоб варақаларга қаратди ва уларнинг баъзи бирларини баланслаштириш керак бўлса, бошқаларини бутунлай ёпишни тавсия қилиб, қарияни хурсанд қилди. Унинг қалбида бу йигитчанинг салоҳияти ишларини енгиллаштиришда ёрдам бериши мумкинлигига умид уйғонганди, айти пайтда эса Фрэнкка нисбатан ёқимли дўстона муносабат ҳисси ҳам ўсиб бораётганди.

“Ҳенри оға” эса йигитни ташқаридаги операцияларда синаб кўриш тарафдори эди. Фирманинг нақд захиралари

---

<sup>1</sup> Молларни воситачиларнинг омборлари орқали сотиш шакли.

## Теодор Драйзер

доим ҳам буюртмачиларни кониктира олмагани учун бошқа идора ёки биржаларга мурожаат қилишга тўғри келар ва бу ишни одатда фирма бошлиғи бажарарди. Бир куни эрталаб бозорда ун кўпайиб кетиб, дон етишмаётганидан хабар берувчи юкхатлар келди. Фрэнк бунини биринчи бўлиб кўрганди, катта Уотермен уни ўз хонасига чақириб, деди:

– Фрэнк, сиздан бу вазиятдан қандай чиқиб кетишни ўйлаб кўришингизни илтимос қиламан. Эртага бизда ун тикилиб кетади. Биз эса туриб қолган мол учун ҳақ тўлай олмаймиз, мавжуд буюртмалар эса кам. Бизда дон етишмаяпти. Балки, сиз ортиқча унни бирорта маклерга ўтказиб, буюртмаларни ёпиш учун етарлича дон топа оларсиз?

– Ҳаракат қилиб кўраман, – жавоб берди Каупервуд.

Фрэнк бухгалтерлик китобларидан ҳар хил комиссия идораларнинг манзилини биларди. Ва яна маҳаллий товар биржасида нималар борлигини ва шу тармоқда ишлайдиган даллоллар нима таклиф қилишлари мумкинлигини ҳам яхши чамаларди. Юзага келган тирбандликни бар-тараф қилиш вазифаси унга ёқиб тушди. Тоза ҳавода ва бу бинодан нариги бинога юришдан у завқланаётганди. Идорада ўтириб олиб перони қитирлатганча китоблар устида бош кўтармай ишлашга у қарши бўлган. Кейинчалик ўзи айтганидек, унинг идораси – унинг боши эди. Айни дамда у йирик олиб сотарларнинг олдига бориб, унинг бозордаги нархини билишга, агар тахмин қилинганидек ортиқча товари бўлмаса, ортиқча унни ўзи кутган нархда таклиф қилиб кўришга ошиқарди. Олти юз баррел олий нав унни қирқ саккиз соатда етказиб бериш шарт билан дарҳол сотиб олувчи бормикин? У бир бочка учун тўққиз доллар нарх таклиф қилиши мумкин эди. Аммо харидор чиқмади. Шунда Фрэнк товарни майда партиялар билан таклиф қила бошлади ва бу фикри фойда берди. Бирор соат ўтгач, атиги икки юз бочкагина ун қолган бўлиб, Фрэнк

уларни Жендермен исмли, аслида уларнинг фирмаси билан борди-келди қилмайдиган таниқли ишбилармонга таклиф қилиш учун кетиб борарди. Кулранг сочлари жингалак, чўзинчоқ юзи чечак излари билан тўла, қовоқлари остида кичкина кўзлари айёрлик билан ялтираб турган, йирик гавдали Жендермен Фрэнкка қизиқиш билан тикилиб қолди.

– Йигитча, фамилиянгиз нима? – ёғоч креслосига суянаркан, сўради у.

– Каупервуд.

– Демак, Уотерменларнинг фирмасида ишлайсизми? Ўзингизни кўрсатмоқчи бўлиб олдимга келдингизми?

Бу гапга жавобан Каупервуд жилмайиб қўйди.

– Майли, мен унингизни оламан. Керак бўлиб қолади. Ҳисоб варақаси ёзиб беринг.

Каупервуд кетишга шошилди. У Жендерменникидан тўғри Уолнат стритдаги ўз фирмаси билан ҳамкор маклерлик конторасига бориб, биржадан ўзига керак бўладиганча донни бозор нархида сотиб олишни буюрди ва ўз ишхонасига қайтиб борди.

– Вазифани жуда тез бажарибсиз, – деди унинг ҳисоботини тинглаган Ҳенри Уотермен. – Икки юз бочкани қария Жендерменга сотдингизми? Жуда яхши, жуда яхши. У бизнинг мижоз эмас, шекилли?

– Йўқ, сэр.

– Шундай ишларни бажара олар экансиз, бу ерда кўп қолиб кетмайсиз...

Тез орада Фрэнкни кўплаб маклерларнинг конторалари ва биржада танийдиган бўлишди. У ўз хўжайинлари учун маҳсулотлар қолдиқларини, тасодифан чиқиб қолган керакли моллар партияларини сотиб олар, янги мижозлар топар, ортиқча молларни кутилмаганда чиқиб қолган харидорларга майда партиялар билан ўтказиб, йўқ қиларди. “Уотермен энд Компани” савдо уйининг эски ўзанида янги булоқ отилиб чиққанди. Энди мижозларга жуда яхши



## Теодор Драйзер

хизмат кўрсатилаётган, Жорж савдони жонлантириш учун Фрэнкни қишлоқларга юборишни талаб қилар, йигитча энди тез-тез шаҳардан ташқарига қатнарди.

Рождество байрамидан сал олдин Ҳенри Уотермен акасига:

– Каупервудга байрамга яхши бир совға қилиш керак, – деди. – Ахир у маош олмайди-ку. Нима дейсан, беш юз доллар етармикин?

– Ҳозирги пайтга нисбатан бу жуда катта пул, аммо у шунга лойиқ хизмат қилди. Шубҳасиз, бу йигит умидимизни ортиғи билан оклади. У худди фақат шу иш учун яратилганга ўхшайди.

– Унинг ўзи бу ҳақда нима деяпти? У хурсандми, эшитмадингми?

– Менимча, унинг ўзи жуда хурсанд. Ўзинг ҳам уни мендан кам кўрмаяпсан. Демак, келишдик – беш юз доллар берамиз. Вақти келиб уни ишимизга шерик қилиб олсак бўлади. Унинг ҳақиқий тижоратчилик қобилияти бор. Бу пул ҳақида буйруқ чиқариб, иккаламизнинг номимиздан унга яхши гап айтиб қўй.

Фрэнк рождество байрами олдидан барча ишларини тартибга солиб кетиш учун қоғозларини кўриб ўтирганида, Жорж Уотермен унинг столи олдига яқинлашди.

– Ҳали ҳам ишлаб ўтирибсизми? – сўради у кўзни оладиган газчироқ олдида тўхтаб. Ташқарида қоронги тушган, ойналарга киров қўнганди.

– Шунчаки, уйга кетиш олдидан баъзи нарсаларни кўздан кечириб чиқаётгандим, – жилмайиб жавоб берди Каупервуд.

– Шу ярим йил ичида қандай ишлаганингиздан жуда хурсандмиз. Сизга қайсидир йўл билан ўз миннатдорлигимизни изҳор қилишимиз керак. Биз мукофот сифатида беш юз доллар беришга қарор қилдик. Келаси йилдан эса сизга ҳафтасига ўттиз доллардан доимий маош ажратамиз.

– Жуда миннатдорман, – севиниб жавоб берди Фрэнк.  
– Бундай маошга умид ҳам қилмаётгандим. Бу кутганимдан ҳам ортиқ. Ахир кўп нарсани сизларда ишлаб юриб ўргандим.

– О, буни эслатишга ҳожат йўқ. Сиз бу пулга муносибсиз ва бу ерда истаганингизча қолишингиз мумкин. Биз ёнимизда эканлигингиздан доим хурсанд бўламиз!

Каупервуд одатдагидек самимийлик билан чин дилдан жилмайди. Ўзининг хизматлари тан олинishi унга жуда ёқиб кетганди. Қувноқ, доим жилмайиб турадиган, инглиз мовутидан яхши тикилган костюм кийган бу йигитга қараш ёқимли эди.

Кечкурун уйига қайтаётиб, Фрэнк ўзи ишлаётган бу жойнинг қандайлиги ҳақида ўйлаб кетди. Олган мукофоти ва ваъда қилинган маошга қарамай, у ишида кўп қолмоқчи эмасди. Ака-ука Уотерменлар ундан миннатдор эдилар – бунинг нимаси ажабланарли? У ҳаракатчан хизматчи эди ва буни ўзи ҳам яхши биларди. Ўзини майда хизматчилар қаторида кўриш унинг хаёлига ҳам келмасди, аксинча, вақти келганида бу одамлар унга ишлашади. Унинг ҳаётга нисбатан бу қарашларида на ғазаб, на омадсизликка учрашдан кўрқув боғ эди. У ўз хўжайинларига ишбилармонларнинг маълум бир вакиллари сифатида қарарди. У худди катталар боласининг камчиликларини кўргандек, хўжайинларининг нозик томонларини ҳам, нуқсонларини ҳам яққол кўриб турарди.

Тушликдан сўнг дўсти Маржори Стэффорднинг олдида боришга ҳозирланаркан, йигит отасига мукофот пули ва ваъда қилинаётган маош ҳақида айтди.

– Қойил! – хурсанд бўлиб кетди катта Каупервуд. – Сен кутганимдан ҳам ортиқ даражага эришяпсан. У ерда ишлашда давом этмоқчимисан?

– Йўқ, узоқ қолмайман. Келаси йили у ердан кетаман.

– Нега?

– Мени бу иш жуда қизиқтирмаяпти. Ёмон иш эмас,

## Теодор Драйзер

лекин мен кучимни фонд биржасида синаб кўрмоқчиман. Шу менга қизикрок.

– Хўжайинларингни бу ҳақда олдиндан огоҳлантириб қўймаслик адолатдан эмас, деб ҳисобламайсанми?

– Асло. Мен уларга барибир керакман, – кўзгу олдида турганча бўйинбоғини тақиб, сюртугини тўғрилар экан, жавоб берди Фрэнк.

– Бу ҳақда онангга айтдингми?

– Йўқ, ҳали. Ҳозир бориб айтаман.

Йигит онаси ўтирган хонага кириб, унинг нозик елкаларидан кучди:

– Ойижон, топинг-чи, сизга нима демоқчиман.

– Хўш, нима экан, – деди аёл ўғлининг кўзларига меҳр билан қараб.

– Бугун беш юз доллар мукофот пули олдим, келаси йилдан эса менга ҳафтасига ўттиз доллар маош белгилашди. Рождествога сизга нима совға қилай?

– Нахотки? Жуда зўр-ку, ўғлим! Беҳад хурсандман! У ерда сени яхши кўришса керак-а?! Кап-катта йигит бўлиб қолганингни қара!..

– Хўш, рождествога нима совға қилай?

– Ҳеч нарса. Менга ҳеч нарса керак эмас. Сиз, азиз болаларим борлигининг ўзи етади.

Фрэнк жилмайди:

– Майли, сизнингча бўла қолсин: ҳеч нарса бўлмаса, ҳеч нарса.

Бироқ онаси ўғли унга, албатта, нимадир олишини биларди. Чикиб кета туриб Фрэнк бир дақиқа эшик олдида ушланиб, синглисини кучоклаб қўйди, онасига кеч қайтишини айтиб, огоҳлантирди ва Маржорининг олдида шошди, чунки уни театрга олиб боришга ваъда берганди.

– Сенга рождествога қандай совға қилсам экан, Маржи? – нимқоронғи йўлакда киздан бўса олар экан, сўради йигит. – Бугун беш юз доллар мукофот олдим.

Эндигина ўн бешга кирган беғубор қиз на айёрликни, на тамагирликни биларди.

- Вой, бу нима деганинг, менга ҳеч нарса керак эмас...

- Ҳеч нима керак эмасми? – такрорлади йигит ва қизни белидан кучаркан, лабидан бўса олди. Оҳ, бу дунёда ўзингга йўл очиш, ҳаётдаги ҳамма нарсадан завқланиш қандай яхши!



**К**еласи йилнинг октябрь ойида – ўн саккизга тўлганидан сўнг олти ой ўтиб, Фрэнк нон-комиссион иши унга тўғри келмаслигига (Уотерменлар компаниясидаги ҳолатдан келиб чиқиб) тўлиқ ишонч ҳосил қилиб, бу фирмадан кетишга ва “Тай энд Компани” банкирлик конторасига ишга киришга қарор қилди. У жаноб Тай билан “Уотермен энд Компани”нинг ташқи савдо-сотик ишлари бўйича агенти сифатида танишган ва Тай шу заҳотиёқ бу йигитга қизиқиб қолганди.

“Хўжайинларингизнинг иши қандай кетяпти?” – баъзан кўнгилчанлик билан сўраб қоларди у. Ёки “Қалай, вексель портфелингиз катталашяптими?” – дерди қизиқиб.

Мамлакат бошидан оғир кунларни кечирарди, қимматбаҳо қоғозларнинг кўплаб чиқарилиши, қулдорликка қарши тарғибот ва бошқа нарсалар туфайли одамлар келажакдан хавотирда эдилар. Тайнинг наздида – сабабини ўзи ҳам тушунтириб бера олмасди – бу йигит билан шу кунги муҳим масалалар тўғрисида гаплашса бўладиганга ўхшаб туюларди: бу нарсаларни тушуниш учун йигит етарли даражада улғаймаган, бироқ унинг ақли ҳар балога етади.

– Миннатдорман, жаноб Тай, ишларимиз ёмон эмас, – деб жавоб берарди одатда ёш Каупервуд.

– Мана кўрасиз, – деди бир куни Тай йигитга, – агар қулдорликка қарши тарғибот тўхтайвермаса, биз ҳали тоза ёмон кунларни бошдан кечирамиз.

Айни шу пайтда штатда келгинди бир кубаликка тегишли кулни эгасидан тортиб олиб, озод қилиб юбо-

ришганди, чунки Пенсильваниянинг қонунлари бўйича штат ҳудудида бўлган ҳар бир қора танли, ҳатто бу ердан ўтиб кетаётган бўлса ҳам, озод бўларди. Бу воқеа халқ орасида анча шов-шувга сабаб бўлди, бир нечта одам қамалди, газеталар шовқин-сурон солди.

– Жануб одамлари бундай нарсаларга чидаб ўтиришига ҳеч қачон ишонмайман. Бу воқеа бизнинг ишларимизни ҳам чалкаштириб юборади ва, айтиш мумкинки, бошқа тармоқларда ҳам шундай бўлади. Гапимни эслаб қолинг: биз жанубий штатларнинг ажралиб чиқишига олиб келамиз, – жаноб Тай бу гапни сезилар-сезилмас ирландча талаффуз билан айтди.

– Ҳа, шунга қараб кетяпти, – хотиржам жавоб берди Каупервуд. – Ва ҳеч нарса қилиб ҳам бўлмайди. Қора танлилар албатта, бу ҳаяжонланишларга арзимайди, бироқ уларнинг фойдаларига тарғибот ишлари давом этаверади. Ҳиссиётга бой инсонлар яна нима қилсин? Бу Жануб билан савдо ишларимизга жуда кучли зарар келтиради.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, ҳамма шунақа деяпти ўзи.

Ёш Каупервуд кетгандан сўнг ҳам жаноб Тай бошқа миждозга қарар экан, ўзини молия ишларидаги чуқур билими билан қойил қолдирган йигитни тез-тез эсга олиб турарди.

“Агар у иш жойини ўзгартиришни ўйлаб қолса, мен билан ишлашни таклиф қиламан”, – дея аҳд қилди у ва бир куни яна Фрэнкни учратганида: “Ўз кучингизни биржада синаб кўришни хоҳламайсизми? Менга ёш ходим керак, ишчиларимдан бири бўшаб кетяпти”, – деди.

– Бажонидил, – мамнунлик билан жилмайиб жавоб берди Каупервуд. – Ўзим ҳам сиз билан қачондир шу ҳақда гаплашмоқчи эдим.

– Бўпти, агар менга ўтишга қарор қилсангиз, ўша жой сизники. Қачон хоҳласангиз, иш бошлашингиз мумкин.

– Хўжайинларимни олдиндан огоҳлантириб қўйишим

## Теодор Драйзер

керак, – деди Фрэнк. – Икки ҳафтача кутиб тура оласизми?

– Албатта. Шошиладиган ери йўк. Ишларингизни жой-жойига қўйиб олинг. Мен ҳам Уотерменларни қийин аҳволга солиб қўймоқчи эмасман.

Фрэнк фақат икки ҳафта ўтибгина ака-ука Уотерменларнинг компанияси билан хайрлашди. Олдида очилаётган истикбол уни қизиқтираётган, бироқ маст қилмаётганди. Фрэнкнинг аризасини кўриб, жаноб Жорж Уотерменнинг кайфияти жуда бузилиб кетди, жаноб Хенри эса бу сотқинликдан бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

– Мен бу ер сизга ёқяпти деб ўйлагандим, – Каупервуд унга ўз қарорини айтганда хитоб қилди у. – Балки, сизни маошингиз қониқтирмаётгандир?

– Йўк, жаноб Уотермен, мен шунчаки биржа иши билан шуғулланмоқчиман.

– Шундай денг. Афсус... Агар ишимиз қизикишларингизга тўғри келмаса, сизни йўлингиздан қайтармоқчи эмасман. Ўзингиз биласиз. Лекин бир қанча вақтдан сўнг Жорж билан сизни ўзимизга шерик қилиб олишни таклиф қилмоқчи бўлаётгандик. Сиз эса қутилмаганда бундай деб ўтирибсиз. Жин урсин, ахир бизнинг ишимизда яхши пул қилиш мумкин.

– Биламан, тўғри, – жилмайиб жавоб берди Каупервуд, – бироқ бу иш менга ёқмаяпти. Менинг бошқа режаларим бор. Ўзимни нон-комиссион ишига бағишламоқчи эмасман.

Ўзи муваффақиятга эришган иш нима учун Фрэнкни қизиқтирмаслигини жаноб Уотермен ҳеч тушуна олмаётганди. Бунинг устига, у Фрэнкнинг кетиши ишларига зарар келтиришидан ҳам хавфсираётганди.

Каупервуд тез орада янги иши унга кўпроқ ёқаётганига амин бўлди – у ҳам енгил, ҳам фойдалироқ эди. Биринчидан, “Тай энд Компани” фирмаси ўша пайтларда ва яна кўп йиллар ўтиб ҳам маҳаллий молия дунёсининг маркази бўлган Учинчи қўчадаги олтмиш олтинчи уйда,

тошдан қурилган чиройли яшил-кулранг бинода жойлашганди. Унинг ёнгинасида нафақат Америкада, балки ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган “Дрексель энд Компани”, Учинчи Миллий банк, Биринчи миллий банк ва фонд биржаси ҳамда бошқа ана шу турдаги ташкилотлар жойлашган. Яна шу атрофда йигирмага яқин майдарок банк ва бошқа биржа конторалари ҳам бор эди.

Фирманинг боши ва мияси бўлган Эдвард Тай асли бостонлик бўлиб, бу эскиликка ёпишиб олган шаҳарда ишлари юришиб бойиб кетган ирландиялик муҳожирнинг ўғли эди. Жаноб Тайни Филадельфияга тортган нарса бу ерда чайқовчилик қилишга кенг имкониятлар борлиги эди. “Бу ер қулоғи динг одам учун энг тўғри келадиган жой”, – дерди у енгил ирландча акцент билан дўстларига. Ўзини эса худди шундай удлабурон одам деб ҳисобларди. У тўларок, ўрта бўйли эркак бўлиб, сочлари эрта оқарганди. Тай табиатан қувноқ ва кўнгилчан, айти пайтда эса ўзига ишонган ва мағрур инсон эди. Юқори лаби устида калта қилиб кесилган оқ мўйлови тиккайиб турарди.

– Бу пенсильванияликлар билан фақат муаммо бўлади, – кўчиб келганидан сўнг сал ўтиб шикоят қилди у. – Ҳеч қачон нақд тўлашмайди, нукул вексель тикиштиришади.

У пайтларда Пенсильванияда ва ўз-ўзидан Филадельфияда ҳам штат бой эканига қарамай, кредитнинг нархи жуда паст эди.

– Агар иш урушгача борадиган бўлса, – деди жаноб Тай, – у ҳолда бутун пенсильванияликлар тушлик овқат ҳақини ҳам векселда тўлай бошлашади. Агар икки аср яшаганимда, Пенсильвания векселлари ва мажбуриятларини сотиб олиб, бойиб кетган бўлардим. Тўғри, улар қачондир келиб бойиб кетишади, бироқ бу шунчалик секинлик билан бўляпти! Улар қарзларининг ҳеч бўлмаганда фоизини тўлагунларича мен бечора қабрда ётган бўламан!

Жаноб Тай янглишмаётганди. Штат ва шаҳарнинг молиявий ҳолати ўта аянчли аҳволга тушганди. Штат ҳам,



## Теодор Драйзер

шаҳар ҳам етарли даражада бой эди, бироқ истаган одам давлат ғазнасини хоҳлаганча талон-тороғ қилар, штатдаги ҳар бир янгилик учун янгидан-янги облигациялар босиб чиқариш талаб қилинарди. “Мажбуриятлар” дея аталаётган бу облигацияларнинг йилига олти фоиз кафолати бор эди, бироқ фоизларни тўлаш керак бўлганда шаҳар ёки штат ғазначиси кўрсатилган сана билан муҳр босар ва “мажбурият” бўйича фоизлар шу кундан бошлаб фақат номиналга эмас, йиғилиб қолган фоизларга ҳам қўшиб ҳисобланарди. Бошқача қилиб айтганда, бу аста-секин фоизларнинг тўпланиб қолиши эди. Нақд пулга муҳтож бўлганлар учун бундан ҳеч қандай фойда йўқ, чунки банклар бундай “мажбуриятлар”ни гаровга олиб, уларнинг курс қиймати бўйича етмиш фоизидан кўпини бермасди, сотилиши эса номиналига кўра эмас, қийматидан арзонроққа – юзи тўқсондан сотиларди.

Албатта, келажакни ҳисобга олиб, уларни сотиб олиш мумкин эди, бироқ буни жуда узоқ кутишга тўғри келарди. Бу мажбуриятларни бутунлай сотиб олиш эса яна турлича қинғир-қийшиқ йўллар билан амалга ошириларди. Қайсидир мажбуриятлар “яхши танишлар” кўлида эканини билган ғазначи мана шундай рақамларга (яъни айнан унинг ўзига маълум бўлган рақамлар) тўланади, деб эълон берарди.

Бунинг устига, яна айни пайтда Қўшма Штатларнинг пул тизими бутунлай алғов-далғовликдан тартиб деганга ўхшаш ҳолат томон яқинлашаётганди.

Николас Бидл томонидан асос солинган Қўшма Штатлар банки 1841 йилда бутунлай ёпилди. 1846 йилда Қўшма Штатлар Молия вазирлиги ўзининг ғазначилик тизимини ташкил қилди. Бироқ қалбаки банклар шунчалик кўпайиб кетган эдики, унча катта бўлмаган саррофлик идорасининг эгаси ҳам корхоналарнинг тўлашга қодир ёки қодир эмаслиги бўйича тайёр қўлланмага айланиб қолганди. Тўғри, телеграф нафақат Нью-Йорк, Бостон ва

Филадельфия ўртасидаги биржа айланмасини, балки ҳатто маҳаллий биржа маклери ва фонд биржаси ўртасидаги алоқаларни ҳам енгиллаштиргани сабаб, шароит аста-секин яхшилана бошлаганди. Бошқача айтганда, қисқа масофада ҳаракат қилувчи шахсий телеграф линиялари урф бўла бошади. Ўзаро ахборот алмашинуви тез ривожланиб, ҳаёт кундан-кунга мураккаблашиб борарди.

Темир йўллар энди жанубга, шарққа, шимолу гарбга қараб чўзилди. Бирок ҳали курсларнинг автоматик рўйхатга олинishi, телефон йўқ эди; Нью-Йоркда эндигина ҳисоб-китоб палатасини ўйлаб чиқишган бўлса, Филадельфияда буни кўпчилик эшитмаганди ҳам. Банк ҳисоб китобчалари ҳисобини мувозанатлаштириш, векселларни алмаштириш ва ҳафтада бир марта банкка – у пайтларда ягона давлат валютаси бўлмагани учун қарздорлик бўйича охириги ҳисоб-китоб сифатида олтин тангани ўтказиш каби ишларни банклар билан биржа идоралари ўртасида қатнайдиған югурдаклар бажарарди.

Биржада бонг овози бугунги биржа битимлари тугаганини эълон қилганда, зал ўртасида худди Лондондаги каби “ҳисоб-китобчи клерклар” деб аталувчи ёш йигитлар доира бўлиб тўпланишарди; улар турли-туман олди-сотдини солиштириб, хулоса қилишар ва улардан фирмалар ўртасида қайта тузилган битимлар натижасида ўзаро ёпилган қарзларни ҳисобдан чиқаришарди.

Бу йигитлар ўз ҳисоб-китоб дафтарларига қараб, кунбўйи амалга оширилган олди-сотдини кичкириб айтишарди: “Делавэр ва Мериленд” “Бомонт” компаниясига сотди, “Делавэр ва Мериленд” “Тай” компаниясига сотди” ва ҳоказо. Ишнинг бу усулда олиб борилиши фирмалар бухгалтериясини осонлаштирар, савдо-сотикни тезлаштириб, жонлантирарди. Фонд биржасидаги жой икки минг доллар турарди. Яқиндагина биржа қўмитаси томонидан киритилган қоидага биноан олди-сотди ишлари эрталабки соат ўндан тушки соат учгача амалга

## Теодор Драйзер

ошириларди (илгари бу ишлар анчагина вақт олиб, сахардан ярим тунгача давом этарди). Шу кўмитанинг ўзи аввалги ставкалар ўрнига яна маклерлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун аниқ ҳақ белгилаганди. Бу қондани бузганлар қаттиқ жазога тортиларди. Бошқачасига айтганда, биржа мустақамланиши учун ҳамма нарса қилинаётган бўлиб, Эдвард Тай ҳам бошқа маклерлар каби келажакка катта умид билан қараётганди.



**Б**у пайтга келиб Каупервудларнинг оиласи дарё бўйига яқин Фронт стритдаги янги, олдингисидан анчагина катта ва бойроқ жиҳозланган уйга яхшилаб ўрнашиб олишди. Уй тўрт қаватли бўлиб, олд томони йигирма беш фут келарди. Лекин ҳовлиси йўқ эди. Каупервудлар бу ерда Ҳенри Каупервуд вақти-вақти билан ўз иши юзасидан учрашиб турадиган, уни бош кассир лавозими томон яқинлаштирадиган тижоратнинг турли тармоқлари вакиллари учун тез-тез зиёфатлар уюштириб туришарди. Бу гуруҳдаги одамлар жуда таниқли бўлмасадда, меҳмонлар орасида Каупервуд сингари мартабага эришган шахслар – унинг банки билан иш юзасидан боғлиқ бўлган унча катта бўлмаган корхона раҳбарлари, газлама, чарм маҳсулотлар, дон ва улгуржи бакқоллик моллари сотувчилари бўлишарди. Болаларнинг ҳам ўз компаниялари бор эди. Миссис Каупервуд ҳам гоҳ-гоҳида ўзи билан бирга черковга борадиган таниш аёлларни кундуз кунлари ёки кечкурунлари биргаликда чой ичишга таклиф қилар ва шунда жаноб Каупервуд ўта назокатли одам ролини ўйнашга ҳаракат қилар, фақат бу нарса унинг кўнгилчан-тентакнамо кўриниш билан эшик олдида туриб, хотинининг меҳмонларини саломлашиб кутиб олишидагина намоён бўларди. У юзида жиддий-тантанали ифода билан тура олишни ва жуда ҳам мураккаб жавоб талаб қилмайдиган саломлашишни эплагани учун бу иш унга қийинчилик туғдирмасди. Каупервудларникида баъзида қўшиқлар айтишар, гоҳида эса биров рақсга ҳам

## Теодор Драйзер

тушишарди; тез орада меҳмонлар уларникига аввалги пайтлардан фарқли ўларок, шунчаки овқатланиш учун ҳам келадиган бўлишди. Ва Фрэнк янги уйда ўтаётган биринчи йилиёқ Сэмпл хоним билан танишиб, уни ёктириб қолди. Честнат стритда, Учинчи кўча яқинида, бу аёлнинг эри – жаноб Сэмплининг катта пойабзал дўкони бўлиб, у шу кунларда ана шу кўчанинг ўзида, сал нарироқда иккинчи дўконини очишни режалаштириб юрганди.

Бир куни жаноб Сэмпл хотини билан Каупервудларникига меҳмонга келди. Жаноб Сэмпл уй эгаси билан яқиндагина пайдо бўлган янги шаҳар транспорти – кўнка (от қўшилган вагон) темир йўли ҳақида гаплашмоқчи эди. Шимолий Пенсильвания темир йўл компанияси томонидан қурилган, узунлиги бир ярим мил бўлган тажриба линияси эндигина фойдаланишга топширилганди. У Уиллоу стритдан бошланиб, Фронт стрит бўйлаб Жермантаун роудгача, у ердан эса ҳар хил кўчалар бўйлаб “Кохоксинк бекати” деб аталувчи жойгача борарди. Одамлар орасида бу транспорт воситаси шаҳарда юрадиган ва унинг савдо қисмида пиёдалар ҳаракатини жуда қийинлаштирадиган омнибусларни аста-секин сиқиб чиқаради, деган гаплар юрарди.

Ёш Каупервуд бошиданок бу ишга қизиқиб қолди. Темир йўл, айниқса, бу тури Фрэнкни жуда қизиқтирарди. Кўнка масаласи қизгин баҳсга сабаб бўлди ва Фрэнк ҳам бошқа қизиқувчилар билан бирга уни кўргани кетди. Кўз ўрганмаган ғалати кўринишдаги – узунасига ўн тўрт, энига етти ва баландлиги ҳам тахминан шунчага яқин бўлган вагон кичкина темир ғилдиракларга ўрнатилган бўлиб, одамларга омнибусдан кўра анча қулайлик туғдирарди.

Альфред Сэмпл шаҳар ҳокимияти томонидан санкция олингандан сўнг Бешинчи ва Олтинчи кўчалар бўйлаб қуриладиган иккинчи линияга пул тикишни режалаётганди. Катта Каупервуд бу ишнинг келажаги буюклигини тахмин қилаётган бўлса-да, уни рўёбга чиқариш учун маблағ

қаердан олинишини тушунмаётганди. Фрэнк эса агар унга рухсат берилса, Тайнинг компанияси Бешинчи ва Олтинчи кўчалардан ўтадиган келажакдаги линияларнинг акцияларини сотишни ўз зиммасига олиши керак, деб ҳисоблаётганди. У акционерлик жамияти ташкил қилингани ва сотувга донаси беш доллардан кўйиладиган акцияларнинг катта миқдори чиқаётганини эшитганди. Фрэнк ушбу акциялардан анча-мунча сотиб олиш учун етарлича пули йўқлигига афсусланарди.

Бу орада Лилиан Сэмпл Фрэнкни бутунлай ўзига мафтун қилиб, унинг фикру хаёлини эгаллади. Ёш Каупервудни у нимаси билан қизиқтириб қолди, буниси сирли ва номаълум эди, чунки аёл на ҳиссиёти, на салоҳияти ва на бошқа жиҳати билан унинг тенги эмасди. Фрэнк аллақачон аёллар билан муносабатда анча тажриба ортирган ва ҳали ҳам илгаригидек Маржори Стэффорд билан дўст эди; лекин Лилиан Сэмпл чиройи ва ақли билан бошқалардан устунлик қилмаса-да, бунинг устига, турмуш қурган бўлса-да унга мафтун бўлиб қолганди. Аёл йигирма тўрт ёшда, йигит эса энди ўн тўққизга кирганди. Бироқ аёл ҳам сиртдан, ҳам руҳан йигит каби ёш ва дилдош кўринарди. Баланд бўйли, ҳатто ундан баландрок (бу пайтга келиб Фрэнкнинг бўйи беш фут ва ўн ярим дюймга етганди), жуда нозик эди. Ундан вазминлик уфуриб турар, бу аёл табиатининг кучлилигидан эмас, балки ҳамма нарсани юзаки қабул қилишидан шундай кўринарди. Лилианнинг кулранг сочлари қалин ва доим хурпайган бўлиб, ингичка юзи оппоқ мум каби, чиройли лаблари эса нозик пуштиранг, бурни киррабурун эди. Унинг кулранг кўзлари ёруғлик тушишидан келиб чиқиб, гоҳ ҳаворанг кўринса, гоҳ тимқора тус оларди. Қўллари ҳам нозик ва чиройлилиги билан одамни ҳайратга соларди. Аёл чакқонлиги ва ўткир идроки билан ажралиб турмас, аксинча, ҳаракатлари вазмин бўлиб, ўзи билмаган ҳолда нафис ва гўзал эди. Каупервудга унинг ташқи кўриниши

## Теодор Драйзер

ёкиб кетаётганди. Бу кўриниш йигитнинг ўша пайтдаги гўзаллик идеалига тўғри келарди. “Бу аёл қандай чиройли, қандай ёқимли, – ўйларди йигит, – қандай назокатли!..” Агар танлашга тўғри келса, у ўзига, албатта, айнан шундай рафиқа танлаган бўларди.

Аёллар тўғрисида фикр юритишда йигит ақлдан кўра кўпроқ хиссиётларига суянарди. У бойликка, обрў ва эътиборга эришишга интиларкан, албатта, аёлнинг келиб чиқиши, жамиятдаги ўрни ва яна бошқа кўпгина нарсаларга ҳам эътибор берарди. Бироқ хунук аёллар ҳеч қачон уни жалб қила олмас, уни гўзалларгина қизиқтирарди. У оиласида аёлларнинг, шу жумладан, эркакларнинг ҳам фидойиликлари, эри ёки фарзандларига қулдек вафодор бўлган меҳнаткаш аёллар тўғрисида, кийин пайтларда яқинлари ва дўстлари учун ҳамма нарсаларини қурбон қилган аёллар ҳақида кўп эшитганди. Бироқ бу воқеалар негадир Фрэнкка таъсир қилмасди. У ҳаммани, ҳатто аёлларни ҳам очиқчасига худбин деб аташни афзал кўрарди. Негалигини унинг ўзи ҳам тушунтириб бера олмасди. Ўзини ҳимоя қила олмайдиган, ҳар қандай шароитдан чиқиб кета олмайдиган одамларни у тентак, жуда бўлмаганда бахтсиз деб биларди. Атроф-теваракда юксак маънавият ҳақида шунчалик кўп гапирилар, виждонлилик ва яхши фазилатлар кўкларга кўтарилар, Мукаддас китобда ёзилган қоидаларни бузганлар ва ҳатто бузган деб шубҳа қилинганлар тўғрисида эшитганда, даҳшатга туришарди! Фрэнк бундай гапларни жиддий қабул қилмасди. Унинг ўзи ҳам кўп бора зинога қўл урди. Бошқа ёш йигитлар ҳам шундай қилишган. Тўғри, у кўча аёлларидан жирканарди. Уларга тегинишда ифлос бир нарсани кучгандай ҳис қиларди. Аввалига “ишратхоналар”нинг ясама дабдабаси унга ёқаётганди. Бу мухташамлик кенг қулоч ёйган: қизил бахмал қопланган жиҳозлар, ажойиб қизил дарпардалар, дидсиз бўлса ҳам, қимматбаҳо рамкалардаги расмлар ва ҳаммадан ҳам

олдин бу ерда яшайдиганларнинг ўзлари – онасининг сўзи билан айтганда, “эркакларнинг ҳавасини келтирадиган” соғлом ва кучли, эҳтиросли ҳамда лоқайд аёллар. Улар таналарининг чидамлилиги ва руҳининг шахвонийлиги, ясама эркалиниб тавозе билан бир эркакнинг ортидан бошқасини қабул қилишлари аввалига Фрэнкни ҳайратга солаётганди, бироқ сал ўтиб у бундай аёллардан нафратлана бошлади. Бунинг устига, бу турдаги аёллар тентак эдилар. Улардан бирорта ҳам тузук гап чикмасди. Қизик, улар бошқа ҳеч нарса қила олишмасди. Йигит хаёлан уларнинг завқ-шавқ билан ўтказган тунларидан кейин эрталаб фақат уйқу ва пул топиш хоҳишигина тарқата оладиган кўнғил ғашлиги билан уйғонишларини кўз олдига келтирарди. Ва ёшлигига қарамай, Фрэнкнинг юраги увушарди. У кўпроқ самимият, назокат, шахсийлик, ўзига хослик бўлган яқинликни хоҳларди.

Ва мана, унинг идеалига узоқдангина ўхшаб кетадиган Лилиан Сэмпл пайдо бўлди. Шунга қарамай, аёл унинг аёллар ҳақидаги фикрларига файз киритганди. Лилиан Сэмплда фахшхоналардаги аёлларда бўлгани каби умумжамият қабул қилган маънавий тушунчаларни бузадиган ҳайвонларча ҳаракатлар йўқ эди. Ва Лилианнинг йигитга ёқиши учун шунинг ўзи етарли эди. Фрэнк ўзининг ҳозирги кизгин кечаётган янги ишида юраркан, аёл унинг хаёлидан кетмасди. Чунки Каупервуд боши билан шўнғиган биржа дунёси ҳозирги кунда бизга қанчалик содда туюлмасин, Фрэнк учун мафтункор эди.

Учинчи кўчадаги маклерлар, уларнинг агентлари ва хизматчилар – ҳаммаси бўлиб бир юз элликтача одам тўпланадиган фонд биржасининг зали архитектуранинг бирор дикқатга сазовор жойи эмас – шунчаки ўлчами олтмишга олтмиш фут бўлган, тўрт қаватли уйнинг иккита юқори қавати қўшилган бино эди. Бироқ Фрэнк зални кўриб ҳайратда қолди. У ерда деразалар баланд ва энсиз бўлиб, шундоққина кираверишда, рўпарада – ғарб



## Теодор Драйзер

томондаги деворда баҳайбат циферблатли соат осилиб турар, шимоли-шарқий бурчакда эса конторкалар, стуллар ва бир тўда телеграф аппаратлари уюлиб ётарди.

Биржа пайдо бўлган пайтда залда стуллар қатор бўлиб турар, у ерда маклерлар турли акция таклифларига кулок солганча ўтиришарди. Кейинчалик бу стулларни олиб ташлашиб, залнинг ҳар хил ерида у ёки бу қоғоз қаерда сотилаётганини кўрсатиб турувчи устунчалар ўрнатилган (ёки полга белги кўйилган). Бундай устунчаларнинг олдида битим тузишга қизиққан одамлар тўпланиб туришарди. Учинчи қаватнинг йўлагидаги эшик торгина ва одамлар учун салгина жиҳозлаб кўйилган галереяга олиб кирарди. Ғарбий деворда эса Нью-Йорк ва Бостондан телеграф орқали берилаётган акцияларнинг биржадаги айланмаси белгиланадиган баҳайбат қора доска осилиб турарди. Залнинг ўртасида, пастгина тўсик орқасида расмий раиснинг ўрни бўлиб, кичкина балкон ҳам бор эди – бу ерга шошилинич хабарларни етказувчи биржа комитетининг котиби чиқарди. Жануби-ғарбий бурчакда биржа аъзолари турли ҳисоботлар ва йиллик натижалар билан танишишлари мумкин бўлган хонага олиб кирадиган эшик бор эди.

Агар унга муҳтож бўлган ва бундай одам ўзига фойдали бўлишига ишонган жаноб Тай Фрэнк учун жой сотиб олмаганида, ёш Каупервудни на маклер ва на ёрдамчи сифатида биржага яқинлаштирардилар. Жой учун тўланган икки минг долларни Тай Фрэнкка қарз сифатида ёзиб кўйди ва ҳаммага эшиттириб, уни ўзининг шериги деб эълон қилди. Бундай қалбаки шерикчиликлар биржанинг қонунларига зид эди, бироқ маклерлар кўпинча шундай қилишарди. Кичкина шерик ва шогирдларни мазах қилиб, “нимчорак“ ва “икки долларлик маклерлар” деб аташарди, чунки уларнинг ҳар бири арзимаган пул учун истаган одамнинг топшириғига кўра сотиб олиш ёки

согишга тайёр туришарди ва бу операция хакида фақат ўзларнинг фирмаларигагина ҳисоб беришарди.

Ўзининг ажойиб қобилиятига қарамай, Фрэнк ҳам бошида “нимчорак” саналиб, “Тай” компаниясининг биржадаги мухтор вакили жаноб Артур Райверс ихтиёрига топширилганди.

Райверс ўттиз беш ёшлардаги жуда бақувват одам бўлиб, келишган, барваста, соқоллари доим тоза олинган, юзлари қатъий ифодали, калта қора мўйлови ва ингичка қора қошлари ўзига ярашиб турарди. Сочларининг ўртасидан текис фарқ очилган, ияги билинар-билинемас иккига ажралганди. Райверснинг товуши юмшоқ, ҳаракатлари босиқ, доим ва ҳамма ерда бир хил сипо эди. Каупервуд аввалига нега шундай тажрибали ишбилармон жаноб Тайнинг қўлида ишлашига тушунмай юрди, бироқ кейинчалик у Райверснинг бу ишда иштирокчи эканини англади. Тай ташкилотчи эди, у мижозларни идорасида қабул қиларди, Райверс эса биржада фирманинг вакили бўлиб, ташқи алоқаларни олиб борарди. Фрэнк тез орада акциялар нега гоҳ кўтарилади ва гоҳ тушади – тушунишга ҳаракат қилишнинг фойдаси йўқлигини англади. Тайнинг тушунтиришича, бу албатта қандайдир умумий сабабларга кўра рўй беради, бироқ уларни ҳисобга олишнинг ҳеч иложи йўқ.

– Бу бирор банкнинг синиши бўладими ёки шунчаки фалончининг фалончиси нимадир бўлибди, деган ғийбат гапми, истаган бир сабаб биржада шов-шув ва ваҳима кўтариши мумкин, – ўзига хос талаффуз билан дерди Тай. – Каупервуд, биржа бутунлай ўзгача бир дунё. Дунёда ҳеч ким сизга буни тушунтириб бера олмайди. Мен қанчалаб акционерлик жамиятлари ўз-ўзидан учиб кетганини кўрганман, ҳатто энг кучли биржа аъзоси ҳам бунинг сабаби нима эканини тушунтириб бера олмайди. Яна акциялар ҳеч қандай сабабсиз осмонга кўтарилиб кетганини ҳам кўрганман. Эҳ, бу биржа ғийбатлари! Шайтоннинг

## Теодор Драйзер

Ўзи ҳам бундай ишларни қила олмайди. Одатда акциялар тушиб кетса, демак, кимдир уларни биржага ташлаяпти ёки бозорда ҳамма тушкун кайфиятда. Агар акциялар юқориласа, демак, вазият яхши ёки кимдир уларни сотиб оляпти. Бу – факт. Бундан ташқари... Майли, Райверс ҳозирча сизни бор ички сирлар билан таништираверсин. Фақат бир нарсадан огоҳлантириб қўйишим керак: мени ҳеч қачон қарзга ботира кўрманг. Бу – ишончли одамим қилиши мумкин бўлган энг катта гуноҳ!

Бу гапларни айта туриб Тай мулойимлик билан, лекин маъноли жилмайиб қўйди. Каупервуд тушунди, бироқ... Тай айтган гаплар унинг билганларига ҳеч нарса кўшмаганди.

Бу алдамчи дунё унга ёқаётган, унинг табиатига мос эди. Ҳамма ёқда темир йўл ва кўнка линиясининг қурилиши тўғрисидаги катта режалар, янги ерларни ўзлаштириш, ҳукуматнинг божхона тарифларини қайта кўриб чиқиши, Франция ва Туркия ўртасидаги уруш, Россия ва Ирландиядаги очлик ва ҳоказолар ҳақида гаплар юарди. Биринчи трансатлантик кабель ҳали ўтказилмаганди, чет эл хабарлари секин етиб келарди. Шунга қарамай, биржа аренасида Сайрус Филд, Уильям Вандербильдт ёки Ф. Дрексель каби энг йирик сармоядорлар фаолият кўрсатаётганди. Улар мўъжизалар яратишаётганди. Ва уларнинг бу фаолиятлари, тарқалган ҳар хил гапларга кўра, биржа ҳаётида катта роль ўйнаётганди.

Фрэнк биржадаги иш техникасини жуда тез ўзлаштириб олаётганди. У курс ошиши умидида акция сотиб олганларни “буқа” деб аташларини, агар шу маклер маълум бир қимматли қоғозларнинг жуда катта партиясини сотиб олган бўлса, у ҳақда “ҳаддан ортик кўп юк ортиб олибди” дейишларини билиб олди. Ўша маклер сотишни бошласа, бу ўз фойдасини “сотяпти” деган маънони англатарди, агар унинг “маржа”си тугаб қолган бўлса у “куйиб қолган” бўлади. Қўлида нақд бўлмай туриб, нархи

пасайишига ва шунда уларни арзонга сотиб олиб, ўзининг олдинги битимларини ёпишга умид қилиб акцияларини сотган биржачи “айик” деб аталарди. Қўлида бўлмаган қоғозларни сотгани учун у “бўш” хисобланарди; агар у миждозни қониктириш ва чўнтагига фойдани солиш ёки кўзда тутилмаган курс ошишидан кўрадиган зарардан қочиш учун акция сотиб олса, уни биржа тилида “ўраниб оляпти” деб аташарди. Агар у одам буюртмаларни бажариш учун олган одамларига қайтариш мақсадида акция топа олмаса, у ҳақда “бурчакка тикиб қўйилган” деб гапиришарди. У ҳолда бу одам ўз қарзларини ўзи ва бошқа “бўш” маклерлар сотган қоғозлари баҳосида тўлаши керак бўларди.

Аввалига ёш маклерларнинг сирли кўринишлари ва ўзларини ҳамма нарсани биладигандек тутишлари Фрэнкка қизиқ туюлди. Улар шунчалик самимий ва айна пайтда ўта шубҳали эдилар. Тажрибалироқ ҳамкасблари эса қоидага кўра, ичидан пишган бўларди. Улар ўзларини бепарводек тутишса-да, бироқ йиртқич хайвон каби ўлжа кидириб юришарди. Бир сония ва имконият қўлдан кетиб қолади: бошқа одам бундан фойдаланади. Уларнинг ҳар бири блокнотини қўлидан қўймасди. Ҳар бирининг кўз қисиб қўйиш услуби, ўзига хос туриш ёки “Яхши. Мен оламан” деган маънони билдирувчи имлаши бор эди. Баъзида улар ҳатто ўз олди-сотдиларини тасдиқламайдиганга ҳам ўхшаб туюларди – ахир бир-бирларини жуда-жуда яхши билишади. Бироқ шундай туюларди, холос. Агар биржада жонланиш бўлиб қолса, у ерда биржа секин ишлаётган кундагидан кўра кўпроқ биржачи ва уларнинг агентлари бўларди. Эрталаб соат ўнда бонг овози операциялар бошланганини билдирар ва агар бир ёки бир нечта компания акцияларининг кўтарилиши ёки пасайиши кутилаётган бўлса, ажойиб манзарани кузатиш мумкин эди. Элликтача, балки юзтача одам таклиф қилинаётган ёки талаб қилинаётган қоғозлардан фойда чиқариш учун

## Теодор Драйзер

баравар бақирар, қўлларини силкитар, у ёқдан-бу ёққа худди кутургандек югурарди.

– “П” ва “У”нинг беш юзтасига саккиздан беш берман! – кичкирарди маклерлар – Райверс, Каупервуд ёки бошқа яна кимлардир.

– Беш юзтаси учун чоракдан! - жавобан кичкирарди кейинчалик керакли акцияларни сотиб олиш ва олинган буюртмани бажариб, яна фарқида бирор нарса ишлаб қолиш умидида шу нархда ёки пасайишга кетаётган баҳода сотишга кўрсатма олган гумашта.

Агар биржада шу нархдаги акциялар кўп бўлса, у ҳолда мижоз, масалан Райверс, ўзининг “саккиздан бешида” туриб олаверади. Бироқ уни қизиқтирган қоғозларга талаб ўсаётганини сезиб, у “тўртдан уч” тўлайди. Агар профессионал биржачилар Райверснинг у ёки бу акцияларнинг йирик партиясига буюртма олганидан гумонсираб қолса, кейин уларнинг устига қўйиб сотиш учун олдинга югуриб, акцияларни Райверсдан олдин ҳеч бўлмаганда “тўртдан учига” сотиб олишга ҳаракат қилишарди. Бу профессионаллар, албатта, жуда кучли психологлар бўлишарди. Уларнинг муваффақиятлари Тайга ўхшаган бирорта йирик ишбилармоннинг вакили бўлган маклер бозорга таъсир қиладиган ва ўз савдосини пишитгунча уларга ишларини тугатишга имкон берадиган даражада катта буюртмаси бор-йўқлигини топа олиш қобилиятларига боғлиқ эди. Улар рақибининг панжасидаги ўлжани тортиб оладиган дақиқани пойлаётган қирғийга ўхшардилар.

Тўрт, беш, ўн, ўн беш, йигирма, ўттиз, қирқ, элликта одам, баъзида эса бутун бир оломон у ёки бу қоғозни сотиб ёки сотиб ола туриб, уларнинг нархи ошишидан фойдаланиб қолмоқчи бўларди. Бунақа вазиятда шовкин кўтарилиб кетарди. Алоҳида бир гуруҳлар бошқа киммат-баҳо қоғозларнинг олди-сотдиси билан шуғулланишда давом этар, бироқ жуда кўпчилик қулай вазиятни қўл-

дан чиқармаслик учун ҳамма ишини ташларди. Ҳамма нарсани биттада қўлга киритиб, курснинг кўтарилиши ёки тушишини ўз фойдаларига ўгирмоқчи бўлган ёшроқ маклер ва клерklar хаяжонланганча бармоклари билан шартли рақамларни кўрсатишиб, имо-ишоралар қилишар ва у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Бировларнинг елкалари устидан, бировларнинг қўллари остидан буришиб кетган башаралар кўриниб қоларди. Ҳамма билибми-билмайми, галати қийшайарди. Бирортаси фойда ваъда қилаётган нархда қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш истагини билдириши билан одамлар орасида қолиб кетарди.

Аввалига буларнинг ҳаммаси, тўғрироғи, ташқаридан қараганда, ёш Каупервудга жуда қизиқ туюлаётганди, чунки у оломонни, жонланишни яхши кўрарди. Бироқ тез орада унинг ўзи иштирок этаётган манзара ва фаолиятнинг Фрэнк учун жозибаси йўқолди ва у бўлаётган барча ишларнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қила бошлади. Акцияларни сотиш ва сотиб олиш нозик иш, деярли руҳий бир кўтаринкилик эди. Шубҳалана билиш, мақсадга интилиш, ҳис қила билиш – муваффақиятга эришиш учун керак бўлган хислатлар эди.

Сал вақт ўтгандан сўнг Фрэнк бу ишда ким энг кўп пул қилади, деган саволга жавоб қидира бошлади. Маклерларми? Ҳечам-да! Тўғри, уларнинг баъзилари ёмон ишламасди, бироқ уларнинг барчаси – Фрэнк тез орада буни тушуниб етди, худди оч бўронкуш ёки балиқчи кушлардек эҳтиёткорликни унутганча балиқ кетидан кузатиб, очкўзлик билан шамол эсган томондан ёпириларди. Уларнинг орқасида бошқалар – ўлгудек ҳийлагар ва уддабурон одамлар, фаолиятлари ва бойликлари шу акцияларда мужассамлашган йирик капиталистлар турарди. Темир йўлларни режалаштириб, бинолар кураётган, конлар қазийётган, тижорат корхоналари ва баҳайбат фабрикаларни яратаётганлар шу кимсалар эди. Тўғри, биржа операциялари учун улар

## Теодор Драйзер

маклерлар хизматига мурожаат қилишарди, бироқ ҳамма нарса – сотиб олиш ҳам, сотиш ҳам фақат иккинчи даражали ишлар бўлиши мумкин ва шундай ҳам эди, асосий нарсалар конлар, тегирмонлар ва шу кабилар эди. Нақд бойликка тезроқ эга бўлиш мақсадида ёки маблағини тикиш учунгина қилинган, оддий харид бўлмаган нарсаларнинг бари кимор ўйини бўлиб, бу билан шуғулланадиганлар – ўйинчилар эди. Унинг ўзи, Фрэнк ҳам бор-йўғи бир ўйинчининг гумаштаси. Ёигит ҳозирча бу нарсага куйинмаётганди, бироқ энди бошқа топишмоқ қолмаган, у ўзининг кимлигини яхши тушунарди. “Уотермен энд Компани”да ишлаган пайтидаги каби у ҳозир ҳам касбдошларини хаёлан гуруҳларга бўларди: уларнинг бирлари иродасиз, бошқалари тентак, учинчилари ақлли, тўртинчилари эса кўпол, бироқ ҳаммалари бирга – майда одамлар, чунки улар гумаштагина эдилар: бировларнинг, киморбозларнинг кўлида қурол эдилар, холос. Ҳақиқий одам ҳеч қачон бировнинг кўлида на гумашта, на бировнинг иродасини мутелик билан бажарувчи, на биров учун ёки ўзи учун ўйинга кирадиган киморбоз бўлади. Ёўк, Фрэнк бу турдаги одамларни ишга солиши керак. Ҳақиқий инсон – сармоядор – бошқа бировнинг кўлида қурол бўлиши мумкин эмас. Унинг ўзи шундан фойдаланади. У яратади. У бошчилик қилади.

Бу нарсани Каупервуд ўн тўққиз ёки йигирма ёшларида аниқ, мукамал тушуниб етган, бироқ у пайтда ўз билимларидан амалий хулоса чиқаришга ҳали тайёр эмасди. Бироқ шунга қарамай, у бир нарсага аниқ ишонарди: ҳали унинг даври келади!



**К**анчалик беандишалик бўлмасин, Фрэнкнинг жаноб Сэмплнинг хотинига телбаларча қизиқиши кун сайин ортиб борарди. Бир куни улар Фрэнкни меҳмонга таклиф қилди, йигитча бажонидил рози бўлди. Сэмплларнинг уйи Каупервудларга яқин жойда, Фронт стритда, ҳозирги 956-кўчада жойлашганди. Ёз фаслида ҳовли яшил рангга бурканарди. Жануб томондаги кичкина айвончадан дарё томонда ажойиб манзара намоён бўларди; ҳамма эшик ва деразаларнинг юқори қисми ярим доира шаклида ишланган, майда шишалардан безак берилганди. Бироқ уйнинг ички жиҳози Фрэнк кўришни хоҳлаган даражада эмас, мебеллар янги ва қимматбаҳо бўлса-да, нафислик йўқ эди. Девордаги расмлар ҳам оддий, кўпники қатори. Китоблар тўғрисида-ку, гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ – Инжил, бир-иккита урф бўлган роман, бир нечта нуфузли бадийий тўпламлар ва Сэмплларга мерос бўлиб қолган эски китоблар уюми. Бироқ чиннилар ажойиб: қимматбаҳо, нафис суратлар билан безатилган. Хоналардаги гилам ва гулқоғозлар жуда ёрқин рангда эди. Бироқ уй бекаси Лилианнинг ўзи ажойиб аёл: у қандай ҳолатда бўлмасин, сирли яратиклигича қолаверарди.

Эр-хотин бефарзанд бўлиб, бунда миссис Сэмплнинг айби йўқ эди – у болали бўлишни жуда ҳам хоҳларди. Болалигида уйларига кириб турадиган кўни-кўшниларни ҳисобга олмаганда, одамлар билан кам мулоқот қилганди. Лилианнинг икки акаси ва битта опаси бўлиб, улар Филадельфияда яшар, ҳаммаси оилали эдилар.



## Теодор Драйзер

Синглисидан уларнинг кўнгли тўк, Лилианни жуда яхши одамга турмушга чиққан деб ҳисоблашарди.

Аёл жаноб Сэмплини бир пайтлар телбаларча севган деб бўлмайди. У ўз хоҳиши билан турмушга чиққан бўлса-да, эри жаноб Сэмпл ҳар қандай аёлни ўзига жалб қила оладиган эркаклар тоифасига кирмасди. У тажрибали, ўз услубига эга ва ўта батартиб одам эди. У эгалик қиладиган пойабзал магазини ёруғ ва жуда тоза бўлиб, урф бўлган молларнинг катта ассортименти мавжудлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Жаноб Сэмпл гапиришни яхши кўрар, фақат пойабзал ишлаб чиқариш, янги пошналар ва бичимлар ҳақида узоқ гапириши мумкин эди. Ўша пайтларда тайёр, қисман машинада тикилган оёқ кийимлари аста-секин бозорга кириб келаётганди. Жаноб Сэмплда доим бундай оёқ кийимларнинг захираси сақланар, бироқ у ўлчам бўйича буюртмага маҳсулот тикадиган косибларнинг ишларидан ҳам воз кечмаганди.

Миссис Сэмпл баъзида бироз ўқишни ёқтирар, кўп вақтини хаёл суриб ўтириш билан ўтказса-да, бироқ бу унинг чуқур мулоҳазали эканидан дарак бермасди. Шунга қарамай, у ажойиб, ўзига хос тарзда гўзал бўлиб, шу туришидаантикаҳайкалэкиюнонхоринингиштирокчисига ўхшаб кетарди. Шубҳасизки, у ёш Каупервудга худди шундай кўринарди, чунки йигит бошиданок ундан кўзини узолмай қолганди. Миссис Сэмпл унинг ҳайратли назарини ҳис қилиб турар, бироқ бунга жуда ҳам эътибор бермаётганди. Урф-одатларни ҳурмат қилишга ўрганган ва тақдири бир умрга эри билан боғланганига амин бўлган аёл тинчгина, ташвишсиз ҳаётдан завқ олиб яшарди. Фрэнк уларникига кела бошлаганида у аввалига йигит билан нима ҳақида гаплашишни ҳам билмасди. Меҳмонни хушмуомалалик билан кутиб олар, бироқ суҳбатлашиш вазифаси эрининг гарданида эди. Каупервуд миссис Сэмплининг юз ифодасини кузатиб, дам ўтмай унга қарар, аёл сал зийракроқ бўлганида, бу қарашнинг маъноси

нималигини дарров тушунган бўларди. Бахтига, у зийрак эмасди. Жаноб Сэмпл меҳмон билан хушмуомала оҳангда гаплашар, чунки биринчидан, ёш Каупервуд молиявий томондан аҳамиятли шахс бўлиб, мулойим ва илтифотли эди, иккинчидан, жаноб Сэмпл бойлигини кўпайтиришни хоҳлар ва Фрэнк эса бу соҳадаги муваффақият тимсоли эди.

Куз кунларидан бирида кечкурун улар учовлари айвончада ўтириб, ҳар хил майда-чуйдалар – қора танлилар масаласи, кўнка ҳақида, яқиндагина тарқалган молиявий ваҳима (бу 1857 йилда бўлган эди) ва Фарбнинг тезлик билан ривожланиши ҳақида суҳбатлашиб ўтирарди. Жаноб Сэмпл фонд биржаси ҳақида аниқроқ билгиси келаётган, Фрэнк эса, аслида бу уни умуман қизиқтирмаса-да, ундан пойабзалчилик ишлари ҳақида сўрарди. Бутун шу вақт давомида йигит миссис Сэмплни зимдан кузатиб ўтирди. Унинг ўзини тутиши қандай майин, қандай назокатли деб ўйларди йигит. Аёл дастурхонга печенье ва чой келтирди. Бироз вақт ўтиб эса ҳаммалари чивиндан қочиб, ичкарига киришди. Сэмпл хоним секин бориб рояль олдига ўтирди. Соат ўнда эса Фрэнк улар билан хайрлашди.

Шу воқеадан сўнг ёш Каупервуд ярим, бир йилгача ўзига янги оёқ кийимни жаноб Сэмплдан сотиб олиб юрди, баъзида эса шунчаки бир-икки оғиз гаплашиш учун унинг Честнат стритдаги магазинига борарди. Жаноб Сэмпл бир куни ундан Бешинчи ва Олтинчи кўчалардаги шаҳардан рухсат олган – биржада катта шов-шув кўтарган воқеа – кўнка линиясининг акцияларини сотиб олса, қандай бўлишини сўради. Каупервуд унга барча хулосасини айтиб берди. Бу иш, албатта, фойда келтиради. Унинг ўзи беш доллардан юзта акция сотиб олди ва шунинг учун жаноб Сэмплга ҳам шуни маслаҳат берди. Аслида Фрэнк учун бу одамнинг аҳамияти йўқ эди, бироқ жуда кам кўраётган бўлса-да, у ҳали ҳам миссис Сэмплни ёқтирарди.

## Теодор Драйзер

Тахминан бир йилдан сўнг жаноб Сэмпл тўсатдан вафот этиб қолди. Бу бошқа ходисалар орасида арзимаган, бевакт, тасодифий ўлим, бироқ яқинлар учун ғамгин воқеа, катта йўқотиш эди. Кеч кузда у арзимаган нарса – оёғидан зах ўтиб ёки пальтосиз совуқ ҳавога чиқиб кетганида урадиган совуқдан шамоллаб қолди. Шунга қарамай, миссис Сэмплнинг гапига кулоқ ҳам солмай, дўконига борган. Вазмин одам бўлишига қарамай, у ўз ҳолича ўжар ҳам эди, ишини жон-дилидан яхши кўрарди. У ўзини яқин келажакда эллик минг доллари бор одамдек тасаввур қилаётган эди. Ва кутилмаганда шамоллаш ўпкасига ўтиб кетиб, тўққиз кун ётди ва пневмониядан вафот этди. Унинг пойабзал дўконини бир неча кунга ёпиб қўйишди, уйи таъзия изҳор қилгани келганлар ва черков хизмати ходимлари билан тўлди. Сўнгра эр-хотин Сэмпллар мурид бўлган Кэллоухилл черковида дуо ўқилиб, мархумни кўмиб келишди.

Миссис Сэмпл эрининг ўлимига аччиқ-аччиқ кўзёш тўқди. Яқингинадан кўргани – ўлим уни даҳшатга солганди, у анча вақтгача ўзига кела олмай юрди. Унинг катта акаси Дэвид Уиггин вақтинча сингисининг ишларини ўз қўлига олди. Мархум ҳеч қандай васиятнома қолдирмаганди. Бироқ мерос тўғрисидаги масала ҳал бўлгач, миссис Сэмпл ўн саккиз минг доллардан кўпрок пул олди, чунки унинг бор мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига ҳеч ким қарши чиқмади. Миссис Сэмпл ўша Фронт стритдаги уйида яшашда давом этиб, гўзал бева деган ном олди.

Эндигина йигирма ёшга тўлган ёш Каупервуд бу воқеалар давомида ўзини жуда ишчан тутиб юрди. У жаноб Сэмпл касал пайтида бир неча марта кўргани келди. Дафн маросимларида ҳам қатнашди, миссис Сэмплнинг акасига мархумнинг фаолиятини тугатиш ишларида ёрдам берди. Мотам маросимларидан сўнг у икки марта бева аёлнинг ҳолидан хабар олди ва кейин анча пайтгача кўринмай кетди.

Беш ойлардан сўнг у яна пайдо бўлди ва шундан сўнг хар ҳафта, ўн кунда Лилианни кўргани келишга одатланди. Яна таъкидлаш жоиз, у Лилиан Сэмплдан нима топган, айтиш қийин эди. Балки, аёлнинг чиройли, оппоқ юзи уни мафтун қилгандир, балки, аёлнинг бепарволиги унинг мағрурона нафсониятига теккандир. Бу аёлга шунчалар кучли ва эҳтиросли истаги сабабини унинг ўзи ҳам тушунтириб бера олмасди. У Лилиан ҳақида тинчгина ўйлай олмас, бироқ у ҳақда деярли гапирмасди ҳам.

Яқинлари йигит беваникига бориб туришини билишар, бироқ улар бу пайтга келиб Фрэнкнинг ақлий салоҳиятини ҳурмат қилишга ўрганганди. Фрэнк мулойим, ҳаётни севар, сергап бўлмаган даражада қувнок ва бунинг устига сўзсиз юқорига қараб кетаётган келажак эди. Унинг пул топа бошлаганини ҳамма биларди. У ҳафтасига эллик доллар маош олар ва тез орада бу миқдор ортишини кутиш учун ҳамма асоси бор эди. Бир неча йил бурун у Филадельфиянинг ғарбий қисмида сотиб олиб қўйгани – ер участкасининг нархи ҳам кўтарилганди. Унинг кўнка линиясига тиккан пули ҳам янги пайдо бўлган компанияларнинг эллик, юз ва бир юз эллик акциялик пакетларини сотиб олгани туфайли кўпайганди; қийин пайтлар бўлганига қарамай, бу қогозлар аста-секин, бироқ ишонч билан ўса бошлаган ва аввалига беш доллар бўлган бўлса, энди ўн, ўн беш ва йигирма бешга баҳоланар, вақти келиб эса паритетгача<sup>1</sup> етиб бориши кутилди.

Молиявий доираларда Фрэнкни яхши кўришар, келажак унга ёрқин бўёқларда кўринарди. Йигит яхшилаб ўйлаб кўриб, профессионал биржа ўйинчиси бўлмасликка қарор қилди. У энди ўзининг кузатишлари бўйича фойдали ҳисобланган ва маблағ бўлса, ҳеч қандай таваккалчилик элементлари йўқ бўлган ҳисоб-вексель иши билан шуғулланиш ҳақида ўйлаётганди.

<sup>1</sup> Турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг олтинга тенг ўзаро нисбати. – *Тарж. изоҳи.*

## Теодор Драйзер

Ўзининг иши ва отасининг таниш-билишлари орқасидан Фрэнк кўплаб тижоратчилар, банк ходимлари ва улгуржи савдогарлар билан учрашарди. Бу одамлар ўз ишларини, жуда бўлмаганда, уларнинг бир қисмини унга бажонидил топширишларини Фрэнк яхши биларди. “Дрексель энд Компани” ва “Кларк энд Компани” конторасида унга жуда ҳурмат билан қарашар, банк ишининг пири бўлган Жей Кук эса унинг кадрдон дўсти эди.

Бу орада Фрэнк ҳали ҳам миссис Лилианниқига боришда давом этар ва қанча кўп боргани сари аёл унга кўпроқ ёқиб бораётганди. Уларнинг суҳбати жуда қизиқ ва маъноли кечади, деб бўлмасди, бироқ Фрэнк ўзи истаган пайтда ёқимли ва қизиқарли инсон қиёфасига кира оларди. У Лилианга шундай ақлли маслаҳатлар берардики, ҳатто унинг қариндошлари ҳам йигитнинг гапларига қулоқ солишарди. Бора-бора у Лилианга ёқа бошлади; эътиборли, оғир-босиқ йигит аёлга тушунарсиз бўлган бирор масалани ҳозиржавоблик билан тушунтириб берарди. Аёл ишларини Фрэнк худди ўзиники каби эътибор билан кузатиб бораётгани ва унинг бойлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётганини кўриб турарди.

– Фрэнк, қанчалик меҳрибонсиз-а, – бир куни деди у йигитга. – Сиздан чексиз миннатдорман. Тўғриси, сизсиз нима қилган бўлардим, билмадим... – аёл ўзига ёш боладек қараб турган йигитнинг ўктам юзига тикилди.

– Қўйсангиз-чи, бу айтишгаям арзимайди... Мен учун бу иш жуда ёқимли! Агар сизга фойдам тегмаса, жуда хафа бўлган бўлардим.

Бу гапларни айтarkan, йигитнинг кўзлари чакнамади, бироқ қандайдир майин нур сочди. Сэмпл хоним ундаги илиқликни қалбан ҳис этди: суянадиган шундай одамнинг бўлгани қандай яхши!

– Нима бўлганда ҳам, сиздан чин дилдан миннатдорман. Менга жуда меҳрибонсиз. Яқшанба куними ёки бошқа бирор истаган кунингизми, яна келинг. Мен уйда бўламан.

Айни Фрэнк Сэмпл хонимникига тез-тез қатнаб турган ана шу вақтда Кубадаги Сенека тоғаси йигитчага ўн беш минг доллар мерос қолдириб вафот этди. Шуни қўшганда энди Фрэнкнинг ихтиёрида йигирма беш минг доллар бўлиб, бу пулларни нима қилишни у аниқ биларди. Жаноб Сэмплнинг вафотидан сўнг молия оламида юзага келган ваҳима Фрэнкка маклерлик қанчалар ишониб бўлмайдиган иш эканини кўрсатганди. Саноат дунёсида бутунлай тушкунлик бошланганди. Нақд пул жуда камайиб кетган, ҳатто бутунлай йўқолди, деса ҳам бўларди. Қимирлаб қолган савдо-сотик ва мамлакатдаги умумий пул шароитидан кўркиб кетган бойликлар ўзларининг махфий жойлари – банкалар, ертўлалар, пайпоқлар ичига ва тортмаларга кириб кетганди. Мамлакат жарликка қулаётганди. Келажак жуда мавҳум – Жануб билан уруш ёки унинг қолдирилиши аниқ эмасди. Бутун миллатни асабий безовталиқ эгаллаб олганди. Одамлар нима қилиб бўлса ҳам нақд пул топиш учун бор қимматбаҳо буюмларини бозорга чиқаришганди.

Жаноб Тай ҳам ўзининг учта хизматчисини ишдан бўшатиб юборди. У мумкин бўлган ҳамма нарсада тежашга ҳаракат қилаётган бўлиб, қимматбаҳо қоғозларга тиккан капиталини қутқариб қолиш учун шахсий маблағларини барини муомалага чиқарганди. У уйи, ер участкалари – бир сўз билан айтганда, бор нарсасининг ҳаммасини гаровга қўйди. Ёш Каупервуд бир неча марта унинг номидан вакил бўлиб, қанча миқдорда иложи бўлса, шунча нақд пул олиш учун ҳар хил банкларга акция пакетларини олиб борди.

– Фрэнк, билиб келинг-чи, отангизнинг банки менга ўн беш минг ссуда бериб турмасмикан, – бир куни йигитга деди у “Филадельфия ва Уилмингтон” акцияларининг қалин пачкасини кўрсатиб. Отаси бир пайтлар бу акцияларни ишончли дегани Фрэнкнинг ёдида эди.

– Умуман олганда, булар жуда яхши қоғозлар, – акцияларни кўриб, иккиланиброк деди катта Каупервуд.

## Теодор Драйзер

– Тўғрироғи, бошқа пайт бўлганда, улар жуда зўр ҳисобланарди. Бироқ ҳозир нақд пул масаласи жуда муаммо. Ўзимизнинг мажбуриятларимизни ҳам жуда қийинчилик билан узяпмиз. Бироқ мен жаноб Кутель билан гаплашиб кўраман (Кутель банк бошқарувининг раиси эди).

Раис билан суҳбат узоқ давом этди, натижа интиқ кутилди. Ниҳоят, катта Каупервуд қайтиб келиб, Фрэнкка бу операцияни бажариш қийин бўлиши мумкинлигини айтди. Саккиз фоиз – шу пайтда қабул қилинган чегирма – пулга талаб катталигини ҳисобга олганда, жуда ноқулай шароит. Жаноб Кутель рози бўлганда ҳам, фақат ўн фоиз ҳисобидан онколь ссудага рози бўлади. Фрэнк бу хабарни эшитиб, жиғибийрони чикқанча бошлиғининг олдига қайтиб келиб, бўлган гапларни айтиб берди.

– Жин урсин, айтинг-чи, наҳотки бутун шаҳарда бошқа пул бўлмаса? Шунча фоиз! Ахир бу талон-торожлик-ку! Мен чидай олмайман! Хўп, майли. Бу акцияларни яна олиб бориб, менга пул келтиринг. Бироқ бу ярамайди, ҳеч ҳам ярамайди!

Фрэнк яна банкка қараб жўнади.

– Жаноб Тай ўн фоизга рози, – хотиржам овозда деди у. Тайга зудликда фойдаланиш ҳуқуқи билан ўн беш минг долларга кредит очилди ва у шу заҳотиёқ бутун суммани бошқа бир “тешиқни” ёпиш учун Жирард Миллий банкига ўтказди. Ишлар шундай давом этди.

Мана шу кунлар давомида ёш Каупервуд мамлакатдаги мураккаб молиявий аҳволни қизиқиб кузатишда давом этди. Кулдорлик муаммоси, Жанубий штатларнинг ажралиб чиқиши, мамлакат умумий аҳволининг яхшиланиши ёки ёмонлашуви уни фақат ўзигагина тегишли томондан келиб чикқан ҳолда қизиқтирарди. У ҳақиқий финансист бўлишга интилаётганди, бироқ биржа ишининг саҳна ортидаги яширин томонлари билан танишаркан, айти пайтда ўзининг биржачи бўлиш орзусига шубҳаланиб

қолганди. Бу ваҳима остида яратилган биржа ўйини жуда катта таваккал эди. Кўплаб маклерлар касодга учради. Улар жаноб Тайнинг олдига бостириб кириб, ундан ўзларининг у ёки бу аризаларини йўқ қилиб юборишни сўраганини Фрэнк кўп кўрганди. Уларнинг айтишича, ҳатто уйларида ҳам ўзларини бежавотир сезмайдилар. Уларга бутунлай ҳалок бўлиш хавф соляпти, уларнинг хотинлари ва болаларини кўчага чиқариб ташлашади...

Бу ваҳима Фрэнкка у чиндан ҳам нима билан шуғулланишни хоҳлаётганини тушуниб олишига ёрдам берди. Ҳатто жаноб Тай ўзига кичик компаньон бўлишни таклиф қилганида ҳам, уни йўлдан ура олмади.

– Ишингизни ажойиб, деб ҳисоблайман, бироқ мен шахсий ҳисоб-вексель идорамни очмоқчиман. Бу биржа ўйинларига ишонмайман. Бутун дунёдаги биржалардан кўра, майли, кичкина бўлса ҳам, ўз ишим бўлишини афзал кўраман.

– Бироқ сиз ҳали жуда ёшсиз, Фрэнк, – эътироз билдирди жаноб Тай. – Мустақил фаолият юритиш учун ҳали олдингизда жуда кўп вақтингиз бор.

Хуллас, суҳбат якунида у жаноб Тай ва Райверс билан дўстона хайрлашди.

– Эҳ, жуда ақлли йигит-да! – афсус билан бош чайқади Тай.

– У айтганини бажармай қўймайди!.. – Тайнинг гапини тасдиқлади Райверс. – Умримда бу қадар қобилиятли йигитни учратмаганман.





Уша дамларда Каупервуд гўё еттинчи оламда учиб юрарди. У севиб қолган, энди ўз ишини бошлаши учун пули ҳам бор эди. Тинмай нархи ошиб бораётган кўнка темир йўл акциялари учун у курс нархидан етмиш фоизини олиши мумкин бўларди. Керак бўлиб қолган тақдирда, ўзининг ер участкаларини гаровга қўйиш орқали ҳам анча-мунча пул топиши мумкин эди. Унинг Жирард банки билан алоқаси яхши – банк директори жаноб Дэвис уни яхши кўрар ва Фрэнк вақти келса, бу банк унга кредит ҳам беришига ишончи комил эди. Энди фақат капиталини шундай жойлаштириши керакки, у тинмай зарар кўрмаган ҳолда ўсиб борсин. Фрэнкнинг фикрича, борган сари тармоқланиб кетаётган кўнка линияси яхши фойда бериши кутилаётганди.

Бу пайтга келиб Фрэнк от ва энг яхши арава сотиб олди – бу унга беш юз долларга тушганди, сўнг Сэмпл хонимни бирга айланиб келишга таклиф қилди. Аёл аввалига таклифни рад этди, бироқ кейин рози бўлди. Фрэнк Сэмпл хонимга ўзининг муваффақиятлари, режалари, қўлига осмондан тушгандек келган ўн беш минг доллар ва ниҳоят, ҳисоб-вексель иши билан шуғулланмоқчи экани ҳақида гапириб берди. Сэмпл хоним йигитнинг отасини келажакда Учинчи миллий банкнинг вице-директори лавозими кутаётганини яхши тушунар, бунинг устига, Каупервуднинг оила аъзолари унга ёқарди. У Фрэнкнинг ўзига нисбатан муносабати оддий дўстлик эмаслигини энди тушуна бошлаганди. Бу ўспирин балоғат

ёшидаги эркак эди ва аёл ҳам унга қалбан интилишни ҳис этаётганди. Бироқ бу хонимнинг ўзига жуда кулгили туюларди. У йигитдан катта, бева, бунинг устига ҳозир ёлғиз, тинчгина яшарди. Бироқ йигитни ҳеч қандай сабаб тўхтата олмаслигини сўзларидан кўра кўзлари кўпроқ айтиб турарди.

Каупервуд ўзини алдамаётган ва бу аёлга муносабатини идеаллаштираётган ҳам эди. Гўзал Лилиан уни ҳам жисман, ҳам руҳан ўзига тортарди – у бошқа нарсани тушунишни истамасди. Бирорта аёл шу пайтгача уни ўзига бу қадар боғлаб қўя олмаганди. Бироқ энди бошқа аёллар уни қизиқтира олмаслиги ёки қизиқиши мумкин эмаслиги айтилган пайтда унинг хаёлига келмас, оила муқаддаслиги ҳақидаги гаплар унинг учун худди деворга гапирилгандек аҳамиятсиз эди. У Сэмпл хонимнинг пулига кўз тикмаётганди, бироқ унинг пули борлигини билгани сабаб бу маблағни аёл учун фойда келтирадиган айланмага қўя олишига ишончи комил эди. У аёлга етишиш истагида яшар, ҳатто келажакда пайдо бўладиган болаларини ҳам тасаввур қилиб кўрарди. У аёлни севишга мажбурлай оладими, олдинги ҳаётини хотирасидан буткул ўчириб ташлай оладими – жуда ҳам билгиси келарди. Ғаройиб ҳиссиёт! Ҳатто айтиш мумкинки, ғалати бузуклик!

Барча кўрқув ва шубҳаларига қарамай, Лилиан Сэмпл Фрэнкнинг ўзига нисбатан ғамхўрликларини қабул қилаётган ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда йигитга боғланиб бораётганди. Бир куни уйкуга ётишдан олдин у пардоз столи олдига келиб, кўзгуда дикқат билан юзини, ялангоч елкаси ва кўллари кўздан кечирди. Қанчалар чиройли! Узун ва ноодатий бўялган сочларини томоша қиларкан, аёлни тушуниб бўлмайдиган ҳаяжон босди. У ёш Каупервуд ҳақида ўйлади, бироқ шу заҳоти кўз олдида марҳум жаноб Сэмплнинг қиёфаси пайдо бўлди ва аёл дарҳол бу нарса қандай гап-сўзга сабаб бўлиши мумкинлигини кўз олдига келтириб, уятдан қизариб кетди.

## Теодор Драйзер

– Мени кўришга бу қадар тез-тез келишингиз сабаби нимада? – эртаси куни Фрэнк келганида йигитчадан сўради аёл.

– Ўзингиз билмайсизми? – маъноли кўз қараши билан жавоб қилди йигит.

– Йўқ!

– Чиндан ҳам билмайсизми?

– Нима десам экан... Жаноб Сэмпл ва унинг хотини сифатида мени ҳам ҳурмат қилганингизни яхши биламан. Бирок жаноб Сэмпл энди йўқ.

– Бирок сиз борсиз, – жавоб берди йигит.

– Мен?

– Ҳа, сиз менга ёқасиз. Сиз билан бўлиш менга ёқади. Ўзингиз ҳам шуни ҳис этмаяпсизми?

– Тўғриси, бу ҳақда ҳеч ўйламаганман. Сиз мендан анча ёшсиз. Ахир орамизда беш ёш фарқ бор!

– Ёшимизда фарқ бор, бирок бунинг аҳамияти йўқ. Бошқа нарсаларда мен сиздан ўн беш ёш каттаман. Ҳаётни сиздан кўра яхшироқ биламан. Ахир ўзингиз ҳам бунга шубҳа қилмайсиз, – деди Фрэнк майин, аммо ишонтирадиган оҳангда.

– Ҳа, тўғри. Бирок мен ҳам сиз билмайдиган кўп нарсаларни биламан, – жилмайди аёл ажойиб оппоқ тишларини кўрсатиб.

Қоронғи тушиб қолган бўлиб, улар айвончада ўтиришарди. Пастда дарё тинчгина оқарди.

– Бўлиши мумкин, – деди Фрэнк, – чунки сиз аёл кишисиз. Эркак киши ҳеч қачон аёлнинг нуқтаи назарини аниқ англаб ололмайди. Аммо мен ҳаётнинг амалий томони ҳақида гапиряпман – шу маънода сиздан каттаман.

– Нима бўпти?

– Ҳеч нарса. Нега сизникига келишимни сўрадингиз, мен айтдим. Қисман айта олдим, албатта.

Фрэнк жим бўлиб қолди ва дарёга тикилиб тураверди. Сэмпл хоним йигитга қаради. Унинг чиройли гавдаси

аста-секин кенгайиб, деярли батамом улғайганди. Каттакатта кўзлари эса юзига болаларча ифода бериб турарди. Бу кўзларнинг туб-тубида нима яширинганини аёл тасаввур ҳам қила олмасди. Унинг ёноқлари қизил, қўллари катта эмас, бироқ пайдор ва кучли эди. Аёлнинг нозик гавдаси ҳатто узоқдан туриб ҳам ундан ёғилаётган кучни ҳис этиб турарди.

– Менимча, энди бу ерга кўп келмаслигингиз керак. Одамлар ногўғри ўйлашлари мумкин, – деди аёл, улар эндигина танишган пайтларидаги сингари кибор хонимлардек сўзлашга ҳаракат қилиб.

– Одамлар? – такрорлади Фрэнк. – Бундан хавотир олманг. Уларни нимага ишонтирмоқчи бўлсак, биз ҳақимизда шундай ўйлашади. Мен билан бу оҳангда гаплашишингизни истамаган бўлардим.

– Нега?

– Чунки сизни севаман!

– Бироқ бу мумкин эмас. Бу хато!. Ахир, сизга турмушга чиқа олмайман. Сиз ёш йигитсиз, мен эса қариб қолганман.

– Бунақа гапни гапирманг! – ўжарлик билан деди Фрэнк. – Бунинг мураккаб жойи йўқ. Мен сизга уйланишни хоҳлайман. Шундай қилишимни биласиз. Яхшиси, қачон тўй қилишимизни айтинг.

– Нималар деяпсиз?! – хитоб қилди аёл. – Ҳеч қачон бунақаси бўлмаган, бўлмайди ҳам!

– Нега? – сўради Фрэнк.

– Чунки... чунки сиздан каттаман. Бу ҳаммага эриш туюлади, гап бўламыз. Бунинг устига, эрим ўлганига кўп бўлгани йўқ, мен азадор аёлман.

– Яқинда ўлганми, анча бўлганми – бунинг қандай аҳамияти бор?! – асабийлашиб деди Фрэнк. – Сиздаги менга ёқмайдиган ягона нарса, доим “Одамлар нима дейди?” дейишингиз. Ҳаётингизни ўша одамлар қурмайди. Меникини-ку, ҳеч қачон! Сиз, аввало, ўзингиз ҳақингизда

## Теодор Драйзер

ўйланг. Наҳотки сиз ва хоҳишингиз ўртасида одамларнинг нимани ўйлаши тўскинлик қилишига йўл қўйиб берсангиз?

– Бироқ менда бундай хоҳиш йўқ, – жилмайиб йигитнинг гапини бўлди Лилиан.

Фрэнк ўрнидан туриб, унга яқинлашди ва кўзларига тикилди.

– Хўш? – деди аёл бироз асабий ва ҳаяжонланган ҳолда.

Йигит уни қўлларидан тутмоқчи бўлиб энгашди, бироқ Сэмпл хоним ўрнидан туриб кетди.

– Йўқ, йўқ, менга яқинлашманг! – ялингудек деди у. – Ҳозир ичкарига кириб кетаман ва сизни ортиқ остонамга яқинлаштирамайман. Бу даҳшатли! Сиз ақлдан озибсиз! Мени тинч қўйинг!

Лилиан шундай қатъийлик билан гапирдики, Фрэнк бўйсунушига мажбур бўлди. Бироқ фақат ўша кунигина. У шундан сўнг ҳам қайта ва қайта келаверди. Ва бир куни, чивинлар сабаб хонага киришганида, Сэмпл хоним бошқаларнинг эътиборини тортишини айтиб, яна йигитдан уни тинч қўйишини сўраб, ялина бошлади. Йигит аёлнинг қаршилигига қарамай, уни маҳкам бағрига босди.

– Нималар қиляпсиз?! Бас қилинг! – хитоб қилди Лилиан. – Ахир сизга айтдим-ку! Бу тентаклик ахир! Мени ўпманг! Во-ой!

Лилиан йигитнинг бағридан чиқиб, зинадан ўзининг ётоғига чопди. Каупервуд унинг ортидан югурди. Сэмпл хоним эшикни ёпиб қўймоқчи бўлганида Каупервуд уни куч билан итариб очди ва аёлни кучоқлаб олди, сўнг даст кўтарди.

– Қандай ҳаддингиз сиғди? Энди сиз билан сира гаплашмайман! Агар мени ҳозироқ пастга туширмасангиз, ортиқ бу ерга қадамингизни босманг! Қўйиб юборинг!

– Қўйиб юбораман, асалим! Ўзим сизни пастга олиб тушаман, – аёлни бағрига босиб, юзларидан ўпаркан, деди

Фрэнк. У жуда қизишиб, ҳаяжонланиб кетганди. Лилиан унинг бағридан чиқишга уринишларига қарамай, у аёлни меҳмонхонага кўтариб тушди ва бағридан бўшатмай, катта креслога ўтирди.

– Оҳ!.. – аёл хўрсинганча, йигит уни қўйиб юбормаслигига амин бўлиб, бошини унинг елкасига қўйди. Кейин Фрэнкнинг юзидаги қатъиятни кўриб, унинг шижоатини ҳис этаркан, жилмайди. – Сизга турмушга чиқадиган бўлсам, буни одамларга қандай тушунтираман? Отангиз, онангиз нима дейишади?

– Ҳеч нарса тушунтириб ўтиришингизнинг кераги йўқ. Буни мен қиламан. Хавотир олишнинг ҳам кераги йўқ. Ота-онам ҳеч нарса дейишмайди.

– Менинг оиламдагилар-чи? – сесканиб, сўради Лилиан.

– Уларнинг нима иши бор? Мен сизнинг оилангизга эмас, сизга уйланаман. Биз иккаламиз ҳам моддий томондан мустақилмиз.

Аёл бошқа баҳоналарни келтира бошлади, бироқ Фрэнк унинг гапларига ўпичлар билан жавоб қайтарди. Унинг эркалашларига бўйсунмасликнинг иложи йўқ эди. Фрэнк аёлда илгари ҳеч бўлмаган ҳиссиётларни уйғотиб қўйганди. У ҳам кўрқиб, ҳам уялиб кетаётганди.

– Демак, бир ойдан сўнг тўй қиламизми? – аёл жим қолгач, хурсанд бўлиб деди Фрэнк.

– Ундай бўлмаслигини ўзингиз ҳам биласиз-ку! – ҳаяжонланиб деди Лилиан. – Бу қандай талаб! Бу ҳақда гаплашмаймиз.

– Қачон бўлса ҳам, нима фарқи бор? Эртами-кечми, биз барибир оила кураимиз.

Фрэнк аллақачон аёлнинг бошқа, янги шароитда қандай гўзал бўлишини тасаввур қила бошлаган эди. Аёлнинг ҳам, ўзининг ҳам оиласидагилар яшашни билишмайди.

– Бир ойдан сўнг ҳеч қанақасига бўлмайди. Кутиб туриш керак. Мен чиндан ҳам шуни хоҳлаётганингизга ишонч ҳосил қилганингиздан кейингина сизга тегаман.

## Теодор Драйзер

– Сенга буні исботлайман!.. – деди йигит ва аёлни махкамрок кучди.

– Бўлди килинг! Оғритяпсиз...

– Хўш, қачон? Икки ойдан кейинми?

– Йўқ, йўқ!

– Уч ойдан кейин-чи?

– Балки...


– Гапдан қайтиш йўқ. Сен менинг хотиним бўласан.

– Бироқ сен ҳали ёш боласан...

– Бундан хотиржам бўл. Қандай ёш бола эканими ҳали кўрасан!

Аёлнинг кўз олдида янги дунё очилгандек бўлди ва у ҳеч қачон чинакамига яшамаганини тушунди. Бу йигит шунчалик кучга эга эдики, унинг олдида бепоён дунё турарди, унинг марҳум эри эса бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам кўрққан бўларди. Ёш бўлишига қарамай, йигит даҳшатли, енгилмас кучга эга эди гўё.

– Яхши, уч ойдан кейин бўла қолсин, – шивирлади аёл, йигит уни назокат билан аллалар экан.



**К**аупервуд ўзининг ҳисоб-вексель ишини Учинчи кўчадаги олтмиш тўртинчи уйда кичкина идора очишдан бошлади. Ва тез орада олдинги иши бўйича яхши алоқалари ҳамон ўз кучида эканлигига амин бўлиб қувонди. У нақд пулга муҳтож деб ўйлаган бирорта фирмага мурожаат қилар ва уларга ё унинг векселини ҳисобга олишни, ёки комисион асосида фирма йилига олти фоиз ҳисобидан истаган мажбуриятларни тарқатишни бўйнига олишни таклиф қиларди, сўнгра эса бу қоғозларнинг устига озгина қўйиб, маблағини фойдали ишга тикмоқчи бўлаётган мижозларга сотарди. Вақти-вақти билан отаси ёки танишларидан бирортаси унга қачон ва қандай ҳаракат қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат бериб туришарди. Бундай ишларда у одатда тўрт-беш фоиз ютарди.

Биринчи йилнинг ўзида, ҳамма чикимларни олиб ташлаганда, унда олти минг доллар соф фойда қолди. Кўп эмас, албатта, бироқ Фрэнк бу фойдани бошқа томондан, унинг назарида, келажакда катта фойда келтириши мумкин бўлган жойдан кўпайтирмоқчи эди. Фронт стритдан биринчи, ҳали унча тез юрмайдиган кўнка ўтгунга қадар Филадельфиянинг тош ётқизилган кўчалари шовкин-сурон билан юрадиган юзлаб рессорсиз омнибуслар билан тўла эди. Бироқ энди Жон Стефенсоннинг ғояси билан Нью-Йорк кўчаларида икки изли йўллар ўтказилган бўлиб, бошидан катта фойда келтираётган Бешинчи ва Олтинчи кўчалардаги линиялардан ташқари (вагонлар битта кўчадан бир томон-



## Теодор Драйзер

га борар, оркага эса бошқа кўчадан қайтарди) кўплаб бошқа линиялар режаланган ёки фойдаланишга топширилганди. Шаҳар бир пайтлар сув йўлларини темир йўлларга алмаштиришга шошилганидек айна пайтда омнибусни кўнкага алмаштиришга ҳам шошаётганди. Кимлардир бу янгиликларга қаршилиқ қилаётганди, албатта. Бундай ҳолларда, албатта, қаршилиқсиз бўлмайди. Эҳтимолий монополия ҳақида кичқира бошлашди. Омнибусларнинг тор-мор бўлган эгалари ва ишсиз қолган аравакашлар баланд овозда норозилиқ билдирарди.

Каупервуд кўнка темир йўлларининг келажагига сўзсиз ишонарди. Ана шу ишонч билан у таваккал қилиб, пулларининг ҳаммасини янги кўнка темир йўли компаниялари чиқараётган акцияларни сотиб олишга сарфлади. У одатда доим ишнинг орқа томонини кўришга ҳаракат қиларди, бироқ бу шароитда осон эмас экан; биринчи йўллар қурилаётган пайтда Фрэнк ҳали жуда ёш бўлиб, сармоядорлар доирасида бунинг ич-ичига кириб боришга ёрдам берадиган танишлари йўқ эди. Яқиндагина фойдаланишга топширилган Бешинчи ва Олтинчи кўчалар линиялари кунига олти юз доллар фойда келтирарди. Филадельфиянинг ғарбий (Уолнат ва Честнат кўчалари бўйлаб) қисмидаги ва Иккинчи ва Учинчи кўчалар, Рейс ва Вайн, Спрус ва Пайн, Грин ва Коутс, Ўнинчи, Ўн биринчи ва ҳоказо бошқа кўчалар бўйлаб ўтадиган янги линияларнинг лойиҳаси ишлаб чиқиляётганди. Бу линияларнинг қурилиши ва уларнинг маблағ билан таъминланиши штатнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятларига таъсири бор ҳамда жамиятнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, рухсат олишга эриша оладиган кучли капиталистларнинг қўлида эди. Гоҳида порага сотилганлик тўғрисидаги гаплар ҳам кўтарилиб қоларди. Шаҳар кўчалари – қиммат ҳудуд ва шаҳар темир йўл компанияларига бир милга минг доллардан йўл солиғи солиш кераклиги кўрсатилганди. Бироқ асосий

тадбиркорлар ҳар хил йўллар билан керакли имтиёзларни олишга эришишган ва Бешинчи ҳамда Олтинчи кўчалар линиялари келтирадиган фойда тўғрисида эшитган кўплаб одамлар акцияларни сотиб олишга шошишарди.

Фрэнк Каупервуд ҳам шулар қаторида эди. Иккинчи ва Учинчи кўчалар бўйлаб янги линиялар ўтказилиши маълум бўлиши билан у пуллари шу ишга, кейинроқ эса Уолнат ва Честнат кўчаларидаги линияга тикди. Фрэнкка ўзида шундай линиянинг эгаси бўлишдек имконият бордек туюлаётган, бироқ бу орзусини рўёбга чиқаришнинг йўллари ҳали кўрмаётганди: унинг идораси ҳали молиявий Эльдорадо<sup>1</sup> эмасди.

Айни шу кунларда Фрэнк билан Сэмпл хоним никоҳланди. Тўй камтаргина, ортиқча шов-шувларсиз ўтди. Фрэнк шуни хоҳлади, хотини ҳам одамларнинг гап-сўзларидан бешиб, шундай бўлишини истади. Фрэнкнинг оиласидагилар йигитчанинг танловини хушламади. Уларнинг фикрича, Лилианнинг ёши катта эди; бундан ташқари Фрэнкнинг қаршисида шундай порлоқ келажак турардики, у ўзига бундан яхшироқ умр йўлдоши топиши мумкин эди. Фрэнкнинг синглиси Анна Сэмпл хонимни пишиқ ва маккор аёл деб ҳисоблади, бироқ бундай эмасди. Жозеф ва Эдвардга эса бу воқеа жуда қизиқ туюлаётган, бироқ улар нимани ўйлашни ҳам билишмаётганди: Сэмпл хоним жуда чиройли бўлиб, унинг пули ҳам бор эди.

Ҳаво очиқ бўлган октябрь кунларидан бирида Фрэнк ва рафиқаси Лилиан хоҳлаган Кэллоухил стритдаги Биринчи пресвитериан черковида меҳроб олдида туришарди. Лилиан Фрэнкни ҳайратда қолдириб, узун этакли қордек оппоқ тўр кўйлақда (бу тўқувчиларнинг бир неча ойлик меҳнатлари натижаси!) турар, жуда гўзал бўлиб кетганди. Маросимда Фрэнкнинг ота-онаси, жаноб Сенеканинг беваси Дэвис хоним, Лилианнинг ака-


---

1 Мужизавий, қимматбаҳо нарсаларга бой маскан.

## Теодор Драйзер

сингиллари ва бир нечта яқин танишлар ҳозир бўлишди. Шуларнинг ўзи ҳам Фрэнкка жуда кўпга ўхшаб туюлди, бироқ Лилиан шуни истаганди. Унаштириш давомида Фрэнк келиннинг хоҳиши билан қора сюртукда типпак туриб берди, бироқ маросим тугаши билан костюм кийиб олди. У ўз ишларини шундай ташкил қилгандики, маросимдан сўнг ўзи ва Лилиан икки ҳафтага Нью-Йорк ва Бостонга боришини режаллаганди. Кечкурун улар поездга ўтириб, беш соатдан сўнг Ёйю-Йоркка етиб келишди. Узоқ давом этган орзиқишлардан сўнг ниҳоят “Астор” меҳмонхонасининг ажойиб бир номерида Фрэнк аёлни кучоғига олди.

– Қандай маза, ниҳоят ёлғизмиз! – хитоб қилди у. Лилиан унинг қизиққонлигига жавобан йигитни доим ҳайратга солган эркаланганнамо уялиш билан жавоб қайтарди; бироқ ҳозир бу уялиш унга Фрэнкдан ўтган хоҳиш билан бурканганди. Фрэнкнинг наздида у ҳеч қачон бу аёлга, унинг чиройли юзларига, нозик қўлларига, нафис баданига тўймайдигандек туюларди. Улар худди икки ёш болага ўхшардилар, гурунглашишар, шаҳар айланишар, бирга тамадди қилишар, чиройли манзаралардан завқланишарди. Фрэнк Нью-Йорк ва Бостоннинг молиявий марказларини кўришга ошиқаётганди. Бу иккала шаҳар уни тижоратдаги улуғворлиги билан ўзига торгарди. Биринчи шаҳарни кўргач, Фрэнк бирор кун келиб Филадельфиядан кета олармикинман деб ўйлади. Ахир, ўйларди у, у ерда мени энди Лилиан билан, кейинчалик эса бир тўда ёш Каупервудлар билан бахтли ҳаёт кутяпти. У кучини аямай ишлайди ва кўп пул топади. У ўз пуллари ва энди ихтиёрига ўтган хотинининг бойлиги билан яқин орада бой одамга айланишига умид қиларди.



**Ё**шлар “асал оий”дан қайтиб келганида, уйларидаги шароит ҳашамдорлиги билан илгари Сэмпл хоним яшаган хонадондан анча фарқ қиларди. Улар вақтинча аёлнинг Фронт стритдаги уйига кўчиб ўтиб туришга келишганди.

Фрэнк ўша пайтда ҳамма нозик нарсаларга бўлган қизиқиши устун келиб, никоҳдан сўнг дарров уйдаги жихозларнинг услубига қаршилигини билдирди ва хоналарни ўз тушунчаси асосида безатишга изн сўради. Улгайиш йилларида унда бадийлик ва нафосат ҳақида ҳам инстинктив равишда тасаввурлар пайдо бўлганди. У ота-онасиникидан кўра дидлироқ жихозланган кўп уйлари кўрганди. Ўша пайтларда Филадельфия кўчаларидан одамларнинг янада маданиятлироқ ва чиройлироқ яшашга интилаётганини ҳис қилган ҳолда бунга ҳавас қилмасдан ўтиб кетиб бўлмасди. Кўчалар бўйлаб қимматбаҳо мухташам уйлар куриб ташланган, боғдорчилик кенг ёйилган бўлиб, эшик олдини гулзор қилиш урфга кирганди. Жаноб Тай, жаноб Лу, Артур Райверс ва бошқа танишларининг уйларидаги бронза, мрамрдан нафис буюмлар, қимматбаҳо дарпардалар, суратлар, соат ва гиламлар сингари бир-биридан фарқ қилувчи санъат намуналари Фрэнкнинг диққатини тортарди.

Фрэнкка кўп пул сарф қилмасдан туриб ҳам уйини шинам ва қулай бошпанага айлантириш мумкиндек туюлди. Масалан, иккала деразасидан буталар ва дарахтлар ўсиб ётган ўтлоқ кўриниб турадиган ошхонани бундан

## Теодор Драйзер

кўра ёқимлироқ қилса бўлади. Ўткир учли козикдеворни олиб ташлаб, доим ям-яшил турадиган деворгул экиш мумкин. Ошхона ва меҳмонхонани ажратиб турадиган девордан эшик очиб, чиройли парда осиб кўйиш, иккита узун дераза ўрнига эса ромб шаклидаги ойна ўрнатилган икки табақали “ойнали туйнук” кўйиш ва ўтлокни томоша қилиб ўтириш мумкин. Қаердан келгани номаълум бўлган – қисман Сэмплнинг оиласи, қисман Уиггин тарафдан келган ё ўзлари сотиб олган ҳамма эски жиҳозларни чиқариб ташлаб, ёки сотиб юбориб, ўрнига янгисини олиш керак.

Фрэнк яқингинада талаба бўлган қандайдир Элсуорт исмли архитектор билан танишиб қолганди: улар танишганлари заҳотиёқ бир-бирларига қизиқиб қолиб, ўрталарида ажойиб дўстлик уйғонганди. Уилтон Элсуорт ўйчан, вазмин, диди нозик, артистона табиатли инсон эди. Честнат-стритда қуриляётган уй ҳақида гаплаша туриб, (Элсуорт бу уйни даҳшатли деб атаганди) улар санъат, умуман, Америкада бундай нарсалар йўқлиги тўғрисида гаплаша бошлашди. Фрэнк шу заҳоти уйларини қайта қуриш тўғрисидаги фикрларини Элсуорт ҳаммадан ҳам кўра яхшироқ амалга ошира олади, деган хулосага келган, бу ҳақда Лилианга айтганида, аёл эрининг уй тўғрисидаги ҳамма фикрларига кўшилганидек, бунга ҳам дарров рози бўлганди.

Каупервудлар тўйдан кейинги саёҳатга жўнаб кетганидан сўнг Элсуорт уйдаги ўзгаришлар учун мўлжалланган сметадаги уч минг доллардан келиб чиқиб, иш бошлади. Худди Фрэнк хоҳлаганидек, ойнали туйнук бамисли майсалар устида осилиб турганга ўхшар, унинг ромб шаклидаги ойнасидаги кўрғошинли панжара жез таёқчаларга алмашганди. Таъмирлаш Каупервудлар қайтиб келганидан сўнг уч ҳафта ўтибгина тугаб, уй бутунлай таниб бўлмайдиган ҳолга келди. Меҳмонхона ошхонадан ҳаракатланадиган эшиклар билан ажратилган

бўлиб, уларни энди Нормандияда бўладиган деҳқон тўйлари акс этган ипак пардалар билан безатиш кўзда тутилаётганди. Ошхона эмандан ишланган кўхна инглиз мебели билан, меҳмонхона ва ётоқхоналар эса Чиппендейл ва Шератонларнинг америкача ўхшатмалари билан жиҳозланганди. Деворларга бир нечта акварель бўёқларда чизилган расмлар осилган, у ер-бу ерга Хосмер ва Паурсларнинг ижоди бўлган бронза ҳайкалчалар қўйилганди. Бундан ташқари яна ясашиб қўйилган Поттернинг (ҳозирда бутунлай унутилиб кетган ҳайкалтарош) мрамрдан ишланган “Венера”си ва яна бир нечта буюмлар бор эди.

Каупервуд хоним Венеранинг яланғочлигидан бироз хижолат чекди – бу нарса уйга Америкада кенг тарқалмаган европача беҳаёлик руҳини бериб турарди, бироқ аёл индамай қўя қолди: нима бўлганда ҳам, бундай безак одамга завқ берар, бундан ташқари аёл ўзини бу борада билимдон ҳисобламасди, Фрэнк буларни ўзи жуда яхши тушунади.

Хизматкорлар ёллашгандан сўнг Каупервудлар вақти-вақти билан зиёфатлар уюштира бошлади. Ўзининг турмуш кургандан кейинги биринчи кунларини яхши эслайдиган одам Фрэнк уйлангандан сўнг унда пайдо бўлган ўзгаришларни яхши сеза оларди. Чунки оиланинг таъсири никоҳ ришталари билан боғланган ҳар бир одамда сезилади. Йигитнинг табиатидаги баъзи хислатлардан келиб чиқиб, у одамшаванда, обрўли оила бошлиғи бўлади, деб ҳисоблаш мумкин эди. Кўринишидан Фрэнкка оилавий ҳаёт ёқаётганга ўхшарди. У кечқурунлари кўчанинг шовқин-сурони, ур-суридан сўнг уйига қайтишдан маза қиларди. Уйда эса дарров моддий ва жисмоний томондан хотиржамликни туярди. Ёзилган дастурхон, ёқиб қўйилган шамлар (Фрэнкнинг ғояси), ҳаворанг ёки яшил рангдаги ипакдан тикилган (хотини шундай рангли либосларни жуда ёқтирарди), этаклари

## Теодор Драйзер

ергача тегиб турадиган кўйлак кийиб олган Лилианнинг бағрига интилиши, чўғ бўлиб ёниб турган катта камин – ҳаммаси йигитнинг ҳали унча етилмаган ҳисларини асирликда ушлаб турарди. Юқорида айтиб ўтилганидек, китоблар Фрэнкни қизиқтирмасди, бироқ уни ўраб олаётган мураккаб молиявий комбинацияларга қарамай, ҳаёт, суратлар, дарахтлар, севган аёли билан жисмоний яқинлик ҳақидаги ҳаёллар унда ҳукмронлик қиларди. У бутун борлиғи билан интилаётган нарса бойлик ва қувончга тўла ҳаёт эди. Ёшларидаги фарқка қарамай, Каупервуд хоним ўша пайтларда унга жуда тўғри келадиганга ўхшаб кўринарди. Ўзининг ярим уйқудаги ҳаётидан уйғонган аёл эса энди Фрэнкка жуда боғланиб қолган, бутун борлиғи билан унинг хоҳишларини бажо келтирар ва у билан бирга орзу қилишни яхши кўрарди.

Икковлари ҳам фарзанд кўришни хоҳлаётганди. Бу қувончли хабарни эшитиш узокка чўзилмади. Бир куни хотини Фрэнкнинг қулоғига ширин чақалок дарагини айтди. Лилианнинг ўзи чексиз шод эди, авваллари фарзандсизлигига ўзини айбдор ҳисоблаб сиқиларди, бу сафар эса тақдир уни бошқача сийлаганига ҳам ажабланиб, чексиз қувониб кетганди. Унинг олдида янги уфқлар – хавотирга ўрин йўқ бўлган бахтли келажак эшиклари очилаётганди. Ўзининг фарзанди орқали қайта дунёга келиши ҳақидаги фикр Фрэнкни ҳам беҳад мамнун қилди. У кичкина Каупервуд ҳақида фахр билан ўйларди. Кўп кунлар, ҳафталар, ойлар ва ҳатто йиллар – жуда бўлмаганда биринчи тўрт-беш йил – уйга қайтиш, ҳовлисида айланиб юриш, дўстларини меҳмонга чақириш, хотини билан шаҳар айланиш, уни режаларига шерик қилишдан йигит жуда завқланарди. Аёл унинг мураккаб молия комбинацияларида ҳеч нарса тушунмас, бироқ Фрэнк ундан буни талаб ҳам қилмасди. Бироқ севги, Лилианнинг ажойиб бадани, нафис лаблари, ўзини вазмин тутиши – буларнинг кучи ва турмуш қурганларидан кейин тўрт

Йил ичида дунёга келган икки фарзанд йигитни бутунлай қониқтираётганди. У биринчи фарзанди кичкина Фрэнкни тиззасида тебратиб ўтираркан, унинг дўмбок оёқларига, ҳали шаклсиздек, бироқ ғунчага ўхшайдиган оғзига қараб бола туғилишидек ажойиб жараён ҳақида ўйлаб кетарди. Уруғланиш, ҳомиланинг она қорнида ривожланиши ва бу билан боғлиқ ҳамма хавфлар бу занжир ҳақида ўйлаш учун битмас-туганмас манба. Каупервуд хоним кичкина Фрэнкни тугаётган пайтда йигит оғир дамларни бошдан кечирди, чунки Лилианнинг ўзи жуда кўрқаётганди. У хотинининг баданида бўладиган ўзгаришдан хавфсирар, уни йўқотиб қўйиши мумкинлиги ҳақидаги фикрдан кўрқар ва эшик олдида турганча боланинг туғилишини кутаркан, жуда ҳам кучли бўлмаса-да (бунинг учун у ўта босиқ бўлиб, ўзи билан ўзи жуда банд эди) ҳақиқий хавотирни ҳис килди. Шундай бўлса-да, у хотиним ўлиб қолиши мумкин ва бу бахтли ҳаёт тугайди, деган фикрдан жуда кўркиб кетаётганди. Кейин эса чинқириқ товушлари, ҳаммаси яхши деган хабар ва янги туғилган чақалокқа қарашига рухсат беришгани...

Шу куни бошидан кечирганлари Фрэнкнинг дунё-қарашини ўзгартириб, унинг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларини янада мустаҳкамлади. У ҳамма ялтираган нарса ҳам олтин бўлавермаслигига яна бир бор амин бўлди. Кичкина Фрэнк, кейинчалик эса кўзлари хаворанг, олтинсоч жажжи Лилиан вақтинча унинг хаёлларига эга чиқишди. Оила ўчоғи – яхши нарса! Ҳаёт шундай тузилган ва унинг асоси – оила. Бу ерда йиллар давомида майдадек туюлган, бироқ умуман олганда керакли бўлган ўзгаришларни тасвирлаб беришнинг иложи йўқ. Бу воқеалар шунчалик аста-секинлик билан содир бўлдики, одамга сезилмай ҳам қолди. Беш йил давомида Фрэнкнинг бойлиги, айниқса, у арзимаган пулдан бошлагани ҳисобга олинса, сезиларли даражада ошди. У аста-секинлик билан (тижорат ишлари йўл қўядиган даражада) Фи-



## Теодор Драйзер

ладельфиянинг тинмай ўсиб бораётган молия дунёси вакиллари билан яқинлашди. Жаноб Тайникада ва биржада ишлаётган вақтида унга кўп бора шаҳар бошқарувининг озми-кўпми йирик вакилларини ёки “сиёсатдан пул топаётган” штат маъмуриятидагиларни ва “Дрексель энд Компани”, “Кларк энд Компани” ва ҳатто “Тай энд Компани” банкирлик уйларининг вакиллари билан учрашиш учун Вашингтондан келган давлат миқёсидаги ходимларни кўрсатишарди. Фрэнкнинг тушунишича, бу одамлар яқинда юз берадиган ва савдо тармоқларида албатта акс этадиган қонун чиқарувчи ислохотлар ҳамда иқтисодий ўзгаришлар ҳақида олдиндан биларкан.

Бир куни “Тай энд Компани” идорасида хизмат қиладиган ёш ҳамкасби Фрэнкнинг қўлидан тортди.

– Ҳозир хўжайиннинг хонасига кириб кетган одамни кўрдингизми?

– Ҳа.

– Бу Мэртаг – шаҳар ғазначиси. Менимча, у қимор ҳам ўйнаса керак! Давлатга қарашли ҳамма пуллар унинг ихтиёрида, у фақат асосий капитал тўғрисида ҳисобот беради, фоизлар эса унинг чўнтагига кетади!

Каупервуд йигитнинг нима демоқчи бўлаётганини дарров тушунди. Шаҳарнинг ва штатнинг ҳамма мансабдорлари чайқовчилик билан шуғулланарди. Улар шаҳар ёки давлат маблағини давлат ҳуқуқ бериб қўйган ёки ҳатто жамғармаларни сакловчи этиб белгилаб қўйилган маълум бир банкир ёки маклерда депозитга қўяди. Банклар бу жамғармалар бўйича ғазна вакилларида бошқа ҳеч кимга фоиз тўламасди. Бу шахсларнинг махфий кўрсатмаларига кўра улар биржачиларнинг давлат пулларини қарзга берар, улар эса бу пулларни “ишончли” қоғозларга айлантитарди.

Филадельфияда бутун бир шайка ҳаракат қиларди: ҳиссага шаҳарнинг мэри, муниципалитетнинг бир нечта аъзоси, ғазначи, полиция бошлиғи, жамоатчилик ишлари

бўйича вакил ва бошқа мансабдорлар кирарди. Уларнинг шиорлари ҳам оддий эди: “Сендан угина, мендан бугина”. Газеталар тинимсиз инсонийлик ва ватанпарварлик ҳақида бонг урар, бироқ бу турдаги фирибгарликлар ҳақида чурқ этмасди. Бу ишларни қилаётган одамлар эса ҳукумат органларида қолиб, ҳамманинг хурматига сазовор эдилар.

Кўплаб банкирлик уйлари – уларнинг доираси тинмай кенгайиб бораётганди – Фрэнкнинг мажбуриятларни ишонса бўладиган ва векселлар бўйича тўловларни ундираладиган одам эканига ишончлари комил эди. У қандайдир йўл билан пул топиш учун қаёққа мурожаат қилиш кераклигини дарров сеза оларди.

Фрэнк биринчи кунларданоқ фойдали таклифларга ортиқча гап-сўзларсиз жавоб қайтариш учун кўлида нақд йигирма мингча ушлаб туришни ўзига одат қилди. Шу йўл билан у ўзига кўп ҳолларда “Ҳа, албатта, буни ўз бўйнимга оламан!” деб жавоб бериши мумкин бўлган шароит яратиб олганди.

Одамлар у ёки бу биржа операцияларини ўтказиш учун Фрэнкка илтимос билан мурожаат қиларди. У пайтда ҳали биржада Фрэнкнинг ўз ўрни йўқ бўлиб, унда аввалига жой сотиб олиш нияти йўқ эди, бироқ кейин ўйлаб кўриб, фақат Филадельфияда эмас, Нью-Йоркда ҳам жой сотиб олди. У бир қатор векселларини сотишга ёрдам берган мануфактура билан савдо қилувчи Жозеф Зиммермен деган кимса унга ўзининг кўнка темир йўлларига тегишли акцияларига эгалик қилишни таклиф қилди ва Фрэнк яна фонд биржасининг кунда-шундаси бўлиб қолди.

Бу пайтга келиб унинг уйдаги ҳаёти ўзгарган, оилавий кадриятлари мустаҳкамланган, туриш-турмуши ҳам анча ҳашаматли тус олганди. Каупервуд хоним вақти-вақти билан худди эри сингари ўз таниш-билишларига танқидий назар билан қараб кўйишга мажбур эди. Жаноб Сэмпл билан ҳаёти даврида Лилианнинг атрофидагилар одатда чакана савдогарлар ва бир нечта улгуржи олди-сотди билан

## Теодор Драйзер

шуғулланадиган одамлардан иборат эди. Бундан ташқари, Лилиан черковга бирга борадиган бир-иккита аёл билан ҳам борди-келди қиларди. Гоҳ-гоҳида улар кичкина зиёфатлар уюштириб турар ва эр-хотин бирга шу зиёфатларга ёки жаноб Сэмпл ёхуд Лилианнинг қариндошлариникига меҳмонга боришарди. Каупервудлар, Уотерменлар ва шу поғонадаги бошқа оилалар эса умумий ғира-шира фонда ажралиб турадиганлар эди. Ёш Каупервуд Лилианнинг қариндошларига жуда қизиқавермасди, улар эса ўз фикрларича, оилаларига муносиб бўлмаган никоҳ сабаб аёлдан анча узоқлашиб қолганди. Фрэнкнинг яқинлари аввалгидек улар билан жуда яхши, илиқ қариндошчилик алоқаларини сақларди, бироқ энг асосийси, Фрэнк бу пайтга келиб бир нечта кўзга кўринган муҳим одамларнинг назарига тушди. У бир неча тоифадаги одамларни – ҳар хил ишларга пул тикадиган банкирлар, бойлар ҳамда ҳозирги ва келажакдаги мижозларни – улар билан ишларни муҳокама қилиш учун эмас, (Фрэнк бундай ишларни ўзига эп кўрмасди) шунчаки меҳмонга таклиф қилиб турарди.

Скуилкил, Уиссахикон дарёларининг бўйида ва шаҳардан ташқаридаги бошқа кўп жойларда ресторанлар жойлашган бўлиб, дам олиш кунлари у ерларга бориш одамга завқ берарди. Фрэнк ва Лилиан Сенека Дэвиснинг бевасини, судья Китченни кўргани тез-тез бориб туришар, таниш юрист Эндью Шарплесс, Фрэнкнинг шахсий ишончли вакили бўлган Харпер Стежер ва яна бошқа кўп танишлариникида ҳам меҳмон бўлишарди.

Ёш Каупервуднинг жуда яхши суҳбатдош бўла олиш иктидори бор эди. Уни танийдиганлардан ҳеч ким, у эркакми, аёлми, йигитнинг табиати аслида қандайлигини яхши билмасди ҳам. Фрэнк доим ўй суриб юрар, лекин бу нарса унинг ҳаётдан завқланиб яшашига таъсир қилмасди.

Унинг болалиқдаги илк қизиқиши ва чин дилдан севадиган машғулоти расм чизиш эди. Фрэнк табиатни жуда севар ва ўзи ҳам тушунмаган ҳолда қайсидир маънода

худди ҳуқуқ ва сиёсат ҳақидаги гоёларимизни шахслар орқали олганимиздек, уни ҳам қандайдир изоҳловчи – рассом ёрдамида тушуниш мумкин, деб ҳисобларди. Лилианнинг эса тасвирий санъат билан иши йўқ, бироқ ҳамма кўргазмаларга эри билан бирга борар ва кўпинча ич-ичидан Фрэнкнинг ғалати одам эканлиги тўғрисида ўйлаб қоларди. Хотинини яхши кўрган Фрэнк унда ақл талаб қилинадиган нарсаларга қизиқиш уйғотмоқчи бўлар, бироқ Каупервуд хоним ўзини худди расмларга қизиқаётгандек кўрсатса-да, аслида бу нарсаларга бепарво эди: афтидан, тасвирий санъатни тушунишга салоҳияти етмасди.

Аёлнинг кўп вақти болалари билан ўтарди. Ёш Каупервуд бундан хафа бўлмас, у хотинининг фарзандларига бўлган бу боғлиқлигидан хайратланарди. Шу билан бирга Лилианнинг совуққонлиги, юзидаги доимий жилмайиш ва дунёдаги ҳамма нарсага (баъзи ҳолларда сунъийдек туюладиган – биринчи ўринда тинчлиги ва ҳаёти тўқислигидан келиб чиққан) бепарволигини ҳатто ёқтирарди ҳам. Улар қанчалар фарқли одам эдилар!

Аёл иккинчи турмушини худди биринчисидек қабул қилганди – бу унинг учун хаёлида ва ҳиссиётларида бўлиши мумкин бўлган иккиланишларни рад этувчи жиддий ҳодиса эди. Фрэнкка келсак, йигит ҳеч бўлмаганда молиявий томондан ўзгаришлардан ташкил топган, кутилмаганда содир бўладиган беқарорликларга тўла қайноқ ҳаёт ичида яшарди. У вақти-вақти билан хотинига диққатини қарата бошлади – жуда ҳам танкидий назар билан эмас, албатта, у хотинини севарди – унинг табиатига тўғри баҳо бериш учун шундай қиларди. У Лилианни беш йилдан бери биларди. Бироқ умуман олганда, у Лилиан ҳақида нима ни билади? Ёшлик қизиққонлиги биргаликдаги ҳаётларининг биринчи кунларидаёқ йигитни кўп нарсаларга кўз юмишга мажбур қилганди, бироқ хотини энди бутунлай уники бўлгандан кейин...

## Теодор Драйзер

Бу пайтга келиб Шимол билан Жануб ўртасидаги уруш эълон қилинган, гўё ҳаммани фақат шу нарса кизиктираётгандек эди. Аввалига ақлга сигмайдиган нарсалар бўлди. Кейин эса кўплаб одамлар қатнашаётган кизгин митинглар, кўчаларда тартибсизликлар бошланди. Жон Брауннинг<sup>1</sup> издошлари билан юз берган ҳодиса содир бўлди, Линкольн президентлик ўрнига ўтириш олдидан қасамёд қилиш учун Спрингфилддан Вашингтонга кетаётиб, Филладельфияга кириб ўтди. Булл-Рэне, Виксберг, Геттисбергдаги жанглар ва бошқа-бошқа воқеалар бўлиб ўтди.

Каупервуд йигирма беш ёшга тўлиб, совуққон ва аниқ мақсадли эркакка айланди. Унинг айтишича, кулдорликка қарши даъват инсонийлик нуқтаи назаридан тўғридир, балки шубҳасиз шундайдир, бироқ тижорат учун бу жуда хавфли. У Шимолнинг ғалаба қозонишини истар, бироқ ўзи ва бошқа сармоядорларга оғир бўлишини тушуниб турарди. Ўзида уришиш хохиши йўқ – бу нарса у каби одам учун кулгили машғулот эди. Бошқалар уришаверсин, дунёда кўкрагини ўққа тутиб берадиган тентаклар ва камбагаллар тикилиб ётибди: улар устиларидан буйруқ бериш ва уларни ўлимга юборишга арзийди, холос. У эса ўз ҳаётини муқаддас деб билар, ўзини оиласи ва ишбилармонликка тегишли деб ҳисобларди.

У бир куни ишчилар уйга қайтаётган пайтда кичкина кўча бўйлаб кўк мундир кийиб олган одам ёлловчилар марш садолари остида одимлаб кетаётганини эсларди. Барабан садолари, АҚШнинг ҳилпираб турган байроғи – буларнинг ҳаммасидан мақсад битта эди: шу пайтгача бепарво бўлиб келган ёки иккиланаётган аҳолининг ҳамма ҳиссиётларини йўқотиб, у фақатгина мамлакат учун кераклигини миясига қуйиш, у ҳаммани: хотини, ота-онаси,

---

<sup>1</sup> 1800-1859; АҚШда қора танли кулларнинг озодлиги учун курашган жангчи. 1859 йили Виржинияда қўзғолонга бошчилик қилган, жангда мағлуб бўлиб, асир олинган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган.

уйи ва болаларини унутиб, уларга эргашишини истарди. Фрэнк кўлида кичкина қозончасини силкитиб кетаётган ва, афтидан, ўз иш кунининг бундай тугашини кутмаган ишчилардан бири тўсатдан тўхтаб, яқинлашаётган отряднинг қадам товушларига кулоқ солаётганини кўриб қолди. Аскарлар унинг ёнига яқинлашиб қолганда эса ишчи иккиланганча уларнинг қаторига қараб қолди ва бирдан юзида тантана ифодалари пайдо бўлиб, қаторнинг охирига қўшилди ҳамда одам ёллайдиган пункт томонга қараб кетди.

Бу ишчини нима ўзига тортди экан, ўз-ўзидан сўради Фрэнк. Нега у осонгина бировнинг иродасига бўйсуниб кўя қолди? Ахир у урушга бормоқчи эмасди-ку? Ишчининг юзидаги мой ва қоракуя излари кўриниб турарди. Бу йигирма беш ёшлардаги йигит бўлиб, афтидан пўлат қуювчи ёки темирчи эди. Фрэнк кўчанинг қайрилишида кўздан кўринмай кетгунча отряднинг изидан қараб турди.

Бу ишчида бирдан жанговар рухнинг уйғониши ғалати! Фрэнкнинг наздида, одамлар барабан ва трубаларнинг товушидан бошқа нарсани эшитишни, елкаларида совук қурол билан фронтга йўл олган аскарлардан бошқа ҳеч кимни кўрмасликни, уруш ва уруш хабарларидан бошқа ҳеч нарсага қизиқишни хоҳламаётгандек кўринарди. Шубҳасиз, булар одамни ҳаяжонга соладиган буюк, бироқ бошидан ўтказаётган одам учун эса жуда ҳам фойдали бўлмаган ҳиссиётлар эди. Бу ҳиссиётлар одамни ўз-ўзини қурбон қилишга етаклар, бироқ Фрэнк буни тушунмасди. Агар урушга борадиган бўлса, уни отиб қўйишлари мумкин, бу ҳолда буюк ҳиссиётларидан нима фойда? Йўқ, у яхшиси пул тўплайди ва сиёсий масалалар билан, жамоат ишлари ва молиявий ишлар билан шуғулланади. Отряднинг охирига қўшилиб кетган бечора тентак ишчи! Йўқ, тентак эмас, Фрэнк уни тентак деб атамайди. Шунчаки ўзини йўқотиб қўйган бечора ишчи – унга Яратганнинг раҳми келсин! Уларнинг барига Яратганнинг

## Теодор Драйзер

рахми келсин! Улар чиндан ҳам, нималар килаётганини тушунмайди!..

Фрэнк бир куни Линкольнни кўришга муваффақ бўлди. Бу баланд бўйли, кўполроқ, кўринишидан оддийгина одам Фрэнкда унутилмас таассурот қолдирди. Ўшанда совуқ ва булутли февраль тонгларида бири эди. Уруш даврининг буюк президенти эндигина ўзининг халққа мурожаатини тугатган бўлиб, у штатларни бир-бири билан боғлаб турувчи алоқалар таранг тортилгани, бироқ улар узилиши керак эмаслиги тўғрисида гапирганди. Президент Америка озодлиги туғилган машхур бино – Мустақиллик Саройидан чиқиб келганида юзи қайғули ва ўйчан эди. Штаб зобитлари, маҳаллий ҳукумат вакиллари, изкуварлар куршовида ачиниш билан қизиқиб қараб турган оломон орасига чиқиб келаётганида, Каупервуд ундан кўз узмай қараб турарди. Линкольннинг ҳеч кимга ўхшамаган кўпол шаклдаги юзига тикилиб туриб, йигит бу шахснинг ғаройиб тарздаги тозалиги ва ички буюклигини ҳис қилганди.

– Мана бу чинакам инсон! – ўз-ўзига деди Фрэнк. – Қандай ғаройиб шахс!

Президентнинг ҳар бир ҳаракатидан ҳайратда эди. Линкольннинг экипажга ўтираётганини кузатар экан: “Мана ҳамма ёқни, жамият негизини ўзгартирган собиқ қишлоқи адвокат қанақа экан! Яхши, огир кунларда тақдир муносиб одамни танлабди!” – деб ўйлади Фрэнк.

Линкольннинг образи анча пайтгача Фрэнкнинг кўз олдида турди ва уруш йилларида бу ғаройиб инсонни кўп бора эсга олди. Бу дунёнинг чиндан ҳам энг буюк одамларидан бирини кўриш шарафига муяссар бўлганига Фрэнкнинг ишончи комил эди. Уруш ва ҳукумат фаолияти уни қизиқтирмасди, бироқ ҳар иккиси ҳам баъзида жуда муҳимлигини яхши тушунарди.



У руш йилларида ҳам, бу уруш ҳали давом этиши яккол кўрингандан кейин ҳам, Каупервудда катта-катта ишларда ўзининг финансист сифатидаги иқтидорини намойиш қилиш имкони пайдо бўлди. Бу пайтга келиб бутун мамлакат, штат, шаҳар пулга жуда муҳтож эди. 1861 йил июль ойида конгресс йигирма йил давомида қайтариладиган ва эгаларига йилига етти фоиз фойда келтирадиган эллик миллион долларлик облигация шаклидаги ички заёмларни чиқариш тўғрисидаги қарорни имзолади. Ўз навбатида штат ҳам деярли шу шартлар билан уч миллионлик заёмлар чиқаришга санкция берди.

Биринчи заём сотилишини Бостон, Нью-Йорк ва Филадельфия сармоядорлари, иккинчисини эса фақат Филадельфия финансистлари амалга оширишди. Каупервуд бу ишларда иштирок этмади. У ҳали етарли даражада машҳур эмасди. У газеталардан ўзига шахсан таниш бўлган ёки номинигина биладиган молия корчалонлари томонидан мамлакат ёки штатга ёрдам бериш бўйича мақсадга мувофиқ тадбирлар муҳокама қилинган мажлислар ҳақида ўқиб қоларди. Улар Фрэнкни таклиф қилишмасди. Йигит эса жон-дили билан улар орасида бўлишни истаётганди. Бу пайтга келиб у ишнинг муваффақияти учун пул, кафолат ёки аниқ бир таъминот эмас – ҳеч нарса, фақат бой одамнинг бир оғиз сўзи кифоя қилишини тушуниб етганди.

Агар бирор ишнинг орқасида “Дрексель энд Компани”, “Жей Кук энд Компани” ёки “Гулд ва Фиск” тур-



## Теодор Драйзер

гани тўғрисида гап тарқалган бўлса, демак, бу ишнинг муваффақиятига ишонса бўларди! Филадельфиялик ёш Жей Кук ажойиб операция ўтказганди: у Дрексель билан биргаликда штат чиқарган заёмларни сотишни бўйнига олган ва уларни номинал бўйича сотганди. Кўпчиликнинг фикрича, заёмни фақатгина тўксон доллардан сотиш мумкин эди, холос. Кук бу фикрга қўшилмади. У ўз штати билан фахрланиш ва аҳолининг ватанпарварлиги заёмларни майда банклар ҳамда якка шахслар ўртасида сотишга ёрдам беради ва олиш суммаси, эҳтимол, заём чиқариш суммасини ортиғи билан қоплайди, деб ҳисоблаганди.

Бундан кейинги ҳодисалар Кукнинг ҳисоб-китоблари тўғри эканини исботлади ва бу нарса унинг обрўсини яна ҳам мустаҳкамлади. Каупервуд ҳам шунга ўхшаш нимадир қилишни жуда хоҳлаётган, бироқ Кукка ҳасад қилмаслик учун у етарли даражада омилкор эди – у доим фактлардан ва бор имкониятлардан келиб чиқиб ҳаракат қиларди.

Фрэнкнинг даври ярим йилдан кейин – Пенсильванияга анча-мунча пул кераклиги маълум бўлганда келди. Штат бўйича тақсимланган аскарларни кийинтириш ва едириб-ичириш керак эди. Бундан ташқари, бир қатор мудофаа тадбирлари ўтказиш ва бунинг устига ғазнани ҳам тўлдириш керак бўларди. Қонун чиқарувчи мажлис анча муҳокамалардан кейин ниҳоят йигирма уч миллион долларлик ички заём чиқаришга рухсат берди. Молиявий доираларда заёмларни сотиш кимга топширилади, деган саволни берилиб муҳокама қилишарди: бунда биринчи бўлиб Дрексель ва Жей Кукнинг компаниялари тилга олинаётганди.

Каупервуд бу тўғрисида жуда кўп ўйлади. Агар у заёмларнинг бир қисмини сотиш ҳуқуқини қўлга кирита олса (ҳали алоқалари етарли даражада бўлмагани учун бу ишни бутунлай ўзига олиш имкони йўқ), у ҳолда ўзининг биржа маклери сифатидаги обрўсини

яхшигина кўтариб, айни пайтда анча-мунча пул ҳам ишлаб олган бўларди. Қанчасини олса бўлади? Муаммо шунда эди. Бу облигацияларни ундан ким сотиб олади? Отасининг банкими? Бўлиши мумкин. Уотерманнинг компаниясими? Унча кўп сотиб олмайди! Судья Китченми? Арзимаган қисмини олади. “Милс-Дэвид” компанияси-чи? Фрэнк бирор максаддан келиб чиқиб – кимдир шахсий дўстлигидан, кимдир бир вақтлардаги хизматига миннатдорлик белгиси сифатида етти фоизли бу облигациялардан сотиб олиши мумкин бўлган компанияларни бир-бир хаёлидан ўтказиб бошлади. У ўз имкониятларини кўриб чиқиб, шу нарсага амин бўлдики, олдиндан сал “силаб-сийпалаб” кўядиган бўлса ва агар Филадельфиянинг нуфузли сиёсий арбоблари заёмларнинг шунча қисмини унга ўтишига ёрдам берса, катта эҳтимол билан у бир миллионлик облигацияларни тарқата олиши мумкин бўларди.

Фрэнк сиёсат дунёсида кўзга унча ташланмайдиган, бироқ кучли алоқалари бўлган Эдвард Мэлиа Батлер деган кимсага катта умид боғлаётганди. Батлер канализация ва водопровод қувурлари ўрнатиш, пойдеворлар куриш, кўчаларга тош ётқизиш ва шу кабилар бўйича пудратчи эди. Каупервуд у билан танишишдан анча илгари Батлер чиқиндини олиб чиқиб кетиш иши бўйича пудрат олишга таваккал қилганди. У пайтда шаҳарда, биринчи ўринда, албатта, чеккарокларида ва камбагалар тикилиб ётган эски ҳудудларда кўчаларни тозалаш тизимли равишда йўлга қўйилмаганди. У пайтларда ҳали ёш бўлган ирландиялик камбағал йигит Эдвард Батлер фаолиятини чўчка ва моллари учун ем бўладиган овқатларни текинга олиб кетиш орқали ҳудудни тозалашдан бошлаганди. Кейинчалик унга маълум бўлишича, бу хизматлар учун пул тўлашга тайёр одамлар ҳам бор экан. Ундан ҳам кейинрок эса маҳаллий раҳбарлардан бири, муниципалитет аъзоси ва Батлернинг дўсти бўлган одам – иккиси ҳам като-

## Теодор Драйзер

лик эди – бу масалага бутунлай бошқача назар билан қарай бошлади. Батлер чиқинди тозалаш бўйича расмий пудратчи қилиб белгиланса-чи? Бу мақсадлар учун муниципалитет йиллик маблағ ажратиши мумкин. Батлерга бир нечта чиқинди йиғувчи фургонларни ишга олиш имконияти берилади. Бундан ташқари, шаҳарда бошқа чиқинди йиғувчилар бўлмайди. Ҳозирча улар бор, албатта, бироқ Батлер билан муниципалитет ўртасидаги расмий келишув ҳар қандай рақобатга нукта қўяди. Жуда даромадли бу ишдан келадиган пулнинг бир қисмини пудратчи бўлолмаган кимсаларни тинчлантириш учун қурбон қилишга тўғри келади. Сайловлар пайтида баъзи ташкилотлар ва алоҳида кимсаларга пул қарз бериб туриш керак бўлади, бироқ бу ҳеч нарса эмас, гап арзимаган пул ҳақида кетяпти.

Шундай қилиб, Батлер ва муниципалитет аъзоси Патрик Гевин Комисский ўрталарида (у албатта, ҳеч кимга сездирмаган ҳолда) иш бўйича келишув тузилди. Батлер энди чиқинди солинган фургонда юрмаётганди. У ўзига яқин жойда яшовчи ирландиялик йигит – Жимми Шихенни ишга олди ва бу йигит унинг ёрдамчиси, бошқарувчиси, отбоқари, бухгалтери – хуллас, ҳамма нарсасига айланди. Батлер тез орада тўрт мингдан беш минггача (у илгари машаққат билан зўрға икки мингга ишларди) топадиган бўлди ва шаҳарнинг жанубий қисмидан ғиштли уй топиб, кўчиб ўтди, болаларини мактабга берди. Батлер хоним ҳам совун қайнатиш ва чўчка боқиш юмушларини йиғиштирди. Шу пайтдан бошлаб омад Эдвард Батлерга кулиб боқа бошлаган эди.

У илгари на ўқишни, на ёзишни биларди, энди эса, албатта, саводини чиқариб олганди. Жаноб Комисский билан бўлган суҳбатдан у шуни билиб олдики, пудратчиликнинг яна бошқа шакллари ҳам бор экан, яъни – канализация, водопровод, газ магистраллари ўтказиш, кўчаларга тош ётқизиш ва бошқалар. Бу ишларни Эдвард

Батлер қилмаса, ким қилади? У муниципалитетнинг кўп аъзолари билан таниш. У бу одамлар билан пивоналарнинг орқа хоналарида, шаҳар каттаконлари шанба, якшанба кунлари уюштирадиган пикникларда, сайловолди мажлисларида учрашиб турарди. Унинг назарида шаҳарнинг олийҳимматлигидан баҳраманд бўла туриб, унга нафақат пул билан, балки маслаҳат билан ҳам ёрдам бериши керак эди. Шуниси қизик бўлдики, тез орада Батлернинг сиёсий томондан олдиндан кўра билиш қобилияти борлиги намоён бўла бошлади. Бирор одам юқорига кўтарила оладими, йўқми, буни билиш учун Батлер унга бир назар ташласа кифоя эди. Унинг бухгалтерлари, ишбошилари ва табелчиларидан кўплари муниципалитет ёки қонун чиқарувчи йиғинлар аъзоси бўлиб кетишганди. Сайловларда у овоз берган кўп номзодлар одатда муваффақият билан ўтиб кетишарди. У аввалига ўз одами муниципалитетга номзодини қўйган районда, кейин ўз сайлов участкасида, кейин ўз партиясининг шаҳар мажлисларида (албатта, вигларда<sup>1</sup>) таъсирга эга бўла бошлади ва ниҳоят, уни алоҳида сиёсий ташкилотнинг бошлиғи деб ҳисоблай бошлашди.

Муниципалитетда қандайдир сирли кучлар унга ишларди. Батлерга йирик пудратлар келиб тушар, у ҳамма олди-сотдиларда қатнашарди. У энди чикинди йиғиш ишлари тўғрисида ўйламай ҳам қўйганди. Жаноб Батлернинг катта ўғли Оуэн қонун чиқарувчи мажлисининг аъзоси ва отасининг шерифи эди. Иккинчи ўғли Кэлем эса шаҳар сув таъминоти бўлимида ишлар ва у ҳам отасининг ишларида қатнашарди. Ўн беш ёшли катта қизи Эйлин ҳали Жерментаундаги муқаддас Агата монастирининг пансионидида ўқир, кейинги қизи, ўн учли ёшли Нора эса католик монахинялар тасарруфидаги хусусий мактабга қатнарди. Батлерлар оиласи Филадель-

<sup>1</sup> АҚШда Виглар буржуа партияси 1834 йилда, президент Эндруо Жексонга қарши курашда юзага келган.

## Теодор Драйзер

фиянинг жанубидан аристократик кварталга яқинроқ бўлган Жирард авенюга кўчиб ўтишади: бу ерда қайноқ “юқори табақалилар” ҳаёти туғила бошлаганди. Батлерлар бу тоифага кирмасди, бироқ оила бошлиғи, деярли ярим миллион “турадиган” эллик беш ёшли пудратчининг сиёсий ва молиявий доираларда дўстлари кўп эди. Унинг ўзи ҳам энди аввалги “йўнилмаган таёқ” эмас, балки шамол ялаган юзлари кизил, елкалари кенг ва кўкраклари бақувват эркак – ҳақиқий ирландиялик эди; бой ҳаётий тажриба натижасида унинг юзида хотиржам, донишмандона ва қилт этмайдиган ифода пайдо бўлганди. Унинг катта қўл ва оёқлари ҳали инглиз мовутидан тикилган ажойиб костюмлар, сарик ботинка киймаган пайтларини эслатар, бироқ ўзида “оддий”ликдан ҳеч нарса қолмаган, аксинча, у ўзини виқор билан тутарди. Тўғри, Батлер ҳали ҳам илгаригидек ирландча лахжада, бироқ тез-тез, мулойим қилиб ва ишонч билан гапирарди.

Кўнка темир йўллари қурилишига у Каупервуд ва бошқа кўплар каби биринчилардан бўлиб қизиқиб қолган ва бу келажаги бор иш, деган қарорга келганди. У сотиб олган акция ва улушлардан келган фойда бунинг энг яхши исботи бўлди. Батлер маклерлар орқали ҳаракат қилди, чунки илк корпоратив ташкилотларга киришга улгурмаганди. У ажойиб имкониятлар очилади деб бутун кўнка темир йўл компанияларининг акцияларини сотиб олди, бироқ энг муҳими, бу темир йўлнинг бир ёки икки линияси назоратини бутунлай ўз қўлига олишни хоҳларди. Шу ҳаёлда иқтидорли ва виждонли, кўрсатмаларига амал қиладиган ишончли бирон ёш йигитни қидираётганди. Кимдир унга Каупервудни тавсия қилди ва Батлер хат орқали йигитни олдига чақиртирди. Каупервуд куттириб ўтирмади, чунки у ҳам Батлер, унинг фаолияти, алоқалари ва таъсир доираси ҳақида кўп эшитганди.

Февраль ойининг совук, аммо баҳаво кунларининг тонгида Фрэнк Батлернинг олдига жўнади. Кейинчалик у

бу кўчани – кенг, ғишт ётқизилган йўлка, бироз қор кўнган тошйўл, қип яланғоч дарахтлар ва фонарь устунларини кўп бора энтикканча эсларди.

Жаноб Батлернинг уйи, янги бўлмаса-да (сотиб олингандан сўнг таъмирланганди), ўз даврининг яхшигина меъморчилик намуналаридан бири ҳисобланарди. Бу узунасига эллик фут бўлган тўрт қаватли уйнинг асосий эшигига тўртта кенг оқ пиллапоядан чиқиб бориларди. Деразалар кенг равоқ шаклида эди. Ичкари томондан деразаларга тўр дарпардалар осилган ва улар ортидан хира кўриниб турган жиҳозларга қопланган қизил бахмал, айниқса, қор босган совуқ кўчадан келганларга жуда файзли кўринарди.

Каупервудга эшикни чиройли ясаниб олган ирландиялик ходима очди. Йигит ичкарига кириб, аёлга ўзининг ташриф қоғозини узатди.

– Жаноб Батлер уйдами? – сўради йигит.

– Сэр, бирор нарса дея олмайман. Ҳозир билиб келаман. У чиқиб кетган бўлиши ҳам мумкин, маъзур тутинг!

Бир неча дақиқадан кейин Фрэнкни юқорига олиб чиқишди. Батлер уни ўзининг идорани ёдга соладиган хонасида қабул қилганди. У ерда ёзув столи, ёғоч кресло, қандайдир чарм қопланган мебель ва китоб жавони турарди. Бу нарсаларнинг бари алоҳида-алоҳида жойлаштирилганди. Мебеллар на идора, на хонадон тартиб-қоидаларига кўра қўйилганди. Деворлар ажиб расмлар осилганди: улардан бири мўйқаламда, тўқ рангларда чизилган хунук алламбало нарса эди! Бошқасида эса пуштиранг ва ёйилиб кетган яшил рангдаги, ичида баржалар сузиб юрган канал ўз аксини топган ва ниҳоят қариндошу дўстларнинг бир нечта дагерротип<sup>2</sup>лари бор эди.

Каупервуд иккита қизнинг сал рангли қилиб чизилган ажойиб портретига эътибор қилди. Қизлардан бирининг

<sup>2</sup> Ўша даврлардаги илк фотосурат – Тарж. изохи.

## Теодор Драйзер

сочлари малла – олтинранг бўлса, иккинчисиники қиз-ғиш-қўнғирранг бўлиб, ипакдеклиги кўриниб турарди. Кельтлар типигаги бу қизлар ойдеккина, соғлом, кучли ва кувнок боқиб турар, бошларини бир-бирига текизганча, шахло кўзлари билан суратга қараб ўтирган одамни кузатишарди. Фрэнк расмга завқ билан қараб туриб, бу уй эгасининг фарзандлари бўлса керак, деб тахмин килди.

– Жаноб Каупервудмисиз? – деган савол билан йигитни кутиб олди жаноб Батлер. У унли товушларни ғалати тарзда чўзиб гапирар, умуман олганда, жуда салмокли, мағрур ва сермулоҳаза инсон эди. Фрэнк унинг ёмғир ва шамолларда чиниққан қари эман дарахти каби бақувват гавдасига ҳайрат билан тикилиб қолди. Унинг ёноқлари таранг тортилган, бўш ва осилган жойи йўқ эди.

– Ҳа, – жавоб берди Фрэнк.

– Акциялар сотиб олиш масаласида сиз билан гаплашмоқчи эдим ва идорангизга боргандан кўра, уйимга келганингиз яхшироқ, деб ўйладим. Бу ерда юзма-юз гаплашиб олишимиз мумкин, бундан ташқари, аввалгидек югуриб кетаверадиган ёшда эмасман.

Жаноб Батлер меҳмонга кўзларини қисиб тикилди. Каупервуд жилмайди.

– Хизматингизга тайёрман, – деди сўнг самимий оҳангда.

– Айни пайтда мен биржада баъзи кўнка темир йўлларининг акцияларини сотиб олишга қизиқиб қолгандим. Майда-чуйда томонларини сизга кейин гапириб бераман. Бирор нарса ичасизми? Кунни қаранг, эрталабдан совук бўляпти-а?!

– Миннатдорман, мен ҳеч қачон ичмаганман.

– Ҳеч қачон? Вискихўрлик ҳақида гапирадиган бўлсак – бу ҳазил гап эмас! Бироқ нима бўлганда ҳам, мақтаса арзийдиган хислат. Менинг ўғилларим ҳам ичкиликни оғизларига олишмайди ва бундан жуда хурсандман. Хуллас, биржада акция сотиб олмоқчи эдим, бироқ очиғини

айтсам, сизга ўхшаган тажрибали ёрдамчи топишим муҳим ва мен ўша одам орқали ҳаракат қилмоқчиман. Бир ишнинг орқасидан бошқаси келиб чиқади, буни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз, – жаноб Батлер меҳмонига кузатувчанлик билан, бироқ самимий қараб қўйди.

– Тўғри айтасиз, – муносиб равишда жилмайиб жавоб қилди Каупервуд.

– Ҳа-а... – бу тасдиқ ўз сўзларигами ё Каупервудгами, билиб бўлмасди. Батлер ўйчан ҳолда давом этди. – Ёнимда бирор ақлли йигит бўлса, ишларимга фойдаси тегарди. Иккита қобилиятли ўғлим бор, бироқ уларнинг биржада ўйнашларини хоҳламасдим, истаганимда ҳам, улар эплай оладими-йўкми, билолмайман. Бироқ гап бунда эмас. Сизга айтиб ўтдим: мен жуда банд одамман, аввалгидек ёш ҳам, чаккон ҳам эмасман. Агар менга тўғри келадиган йигит бўлса (айтганча, қилган ишларингиз ҳақида ҳамма нарсани суриштириб билдим), у улуш ва заёмларим бўйича майдароқ ишларимни қилиб юрган бўларди – бу иккаламизга ҳам оз бўлса-да, нимадир берарди. Ўз маблағларини бирор нарсага тикмоқчи бўлган баъзи ёшлар кўпинча мендан у ёки бу масала бўйича маслаҳатлар сўрашади...

Жаноб Батлер меҳмоннинг жиғига тегмоқчидек бироз жим туриб қолди. У Каупервудни қизиқтириб қўйганини, ишбилармонлик дунёси ва тижорат муносабатлари уни янада қизиқтиришини жуда яхши тушуниб турарди. Жаноб Батлер йигитга бу ишларда асосий нарса – содиқлик, хушмуомалалик, зукколик ва сир сақлай билиш эканлигини билдириб қўйди.

– Агар ишимга қизиққан бўлсангиз... – деди Фрэнк ўзига хос бўлган ёқимли жилмайиш билан, аммо гапини тугатмади. Батлер мана шу сўзларнинг ўзидаёқ куч ва ишончни ҳис қилди. Бу йигитнинг ўзини тута билиши унга ёқаётганди. У Каупервуд ва унинг компанияси ҳақида кўплардан эшитганди (Айни пайтда фирма “Каупервуд



## Теодор Драйзер

энд Компани” деб аталаётган, “компания” сўзи шунчаки расмиятчилик учун эди). У Фрэнкка биржа иши ва бозорнинг ҳолатига оид яна бир нечта савол берди ва темир йўллар ҳақида унга нималар маълум экани ҳақида сўради. Ниҳоят, Тўққизинчи, Ўнинчи, Ўн Бешинчи ва Ўн олтинчи кўчалардан ўтадиган кўнка йўллари акцияларини иложи борича кўпроқ ва зимдан, шовқин солмай сотиб олиш режаси ҳақида айтиб берди. Бу ерда акцияларнинг бир қисмини биржадан, бошқа қисмини эса алоҳида одамлардан сотиб ола туриб, эҳтиётлик билан ҳаракат қилиш керак эди. Батлер қонун чиқарувчи органларга босим ўтказмоқчилиги ва шу йўл билан кўнка темир йўлларнинг айна пайтдаги охириги пунктларини давом эттириш учун рухсат олиш мақсади борлиги ҳақида индамай қўя қолди. У шу йўл орқали иш бошлаш пайти келганда темир йўл концернларини уларнинг йирик акционерлари ота ва ўғил Батлерлар эканлиги ҳақидаги хабар билан эсанкиратиб қўймоқчи эди. Бу узоқни кўзланган режа бўлиб, охири оқибатда бу линиялар бутунлай Батлерлар оиласи қўлида бўлиб қоларди.

– Сизга маъқул бўлган ҳар қандай йўл билан шерикчилик қилишдан бошим осмонга етган бўларди, жаноб Батлер, – деди Каупервуд. – Ҳозир қўлимда катта иш бор дея олмайман, бу дастлабки қадамлар, холос. Бироқ менинг яхши алоқаларим, Нью-Йорк ва Филадельфия биржасида ўз ўрним бор. Менга иш билан мурожаат қилганлар, менимча, доим натижаларидан хурсанд бўлишган.

– Фаолиятингиз ҳақида баъзи нарсалардан хабардорман, – такрорлади жаноб Батлер.

– Жуда яхши. Сизга керак бўлсам, идорамга кирарсиз ёки ёзиб юборсангиз, ўзим олдингизга келаман. Сизга ўзимнинг махфий кодими айтиман: ёзган нарсаларингиз ҳаммаси қаттиқ сир сақланади.

– Майли, майли! Энди ҳозир бу ҳақда ортиқ гаплашмаймиз. Тез орада биз яна учрашамиз ва ана ўшанда

менинг банкимда сизга маълум бир миқдордаги суммага кредит очилади.

Жаноб Батлер ўрнидан турди ва деразадан ташқарига қаради. Каупервуд ҳам ўрнидан турди.

– Бугун ҳаво жуда яхши, шекилли?

– Жуда ажойиб!

– Демак, вақти келиб яқинлашиб кетамиз деб умид қилсам бўлади, – дея жаноб Батлер Каупервудга қўлини узатди.

– Мен ҳам шундай бўлади, деб умид киламан.

Каупервуд ташқарига йўналаркан, Батлер уни катта эшиккача кузатиб қўйди. Шу пайт кўчадан ёшгина, юзлари қип-қизил, қип-қизил пелеринасининг капюшонини олтинранг сочлари устига ташлаб олган кўзлари ҳаворанг қиз югуриб кириб келди.

– Вой, дадажон, сал қолса, сизга урилиб кетардим!

Қизнинг кўзлари чакнаб аввал отасига, кейин Каупервудга қараб жилмайди. Қизнинг тишлари ялтираб турар, улар оппоқ ва майда бўлиб, лаблари бўлса қип-қизил гунчадек эди.

– Бугун вақтли қайтибсанми? Мен бутун кун бўйи қоласан деб ўйловдим.

– Ўзи шундай қилмоқчи эдим, кейин фикримдан қайтдим.

Қиз қўлларини силкитганча нари кетди.

– Демак, бир-икки кун кутиб турамиз. Хайр! – деди жаноб Батлер.

– Хайр!

Каупервуд олдида очилаётган имкониятлардан қувониб зинадан тушаркан, бирдан кўз олдида ҳозиргина кўргани – ёшликнинг тиниқ тимсоли, қирмизи юзли қиз пайдо бўлди. Қомати қандай гўзал, бунинг устига, соғлом, хушчақчақ! Унинг товуши ўн беш-ўн олти ёшдаги ўсмир қизларникидек мусаффо ва жарангдор. Ундан ҳаётга муҳаббат уфуриб турарди! Вақти келиб бирорга йигитга

## Теодор Драйзер

насиб қиладиган бахт ва у шунчаки бахт эмас, куёвни  
янада бойроқ қиладиган ёки жуда бўлмаганда унинг бойи-  
шига ёрдамлашиб юборадиган бетакрор ўлжа!

Орадан икки йилча ўтгач, Каупервуд агар чиқарилган заёмларнинг бир қисмини тарқатишни менга топширишганида салмоқли даражага эришган бўлардим, деган ўйда Эдвард Мэлия Батлерга мурожаат қилди. Батлер Фрэнкка нафақат уларни тарқатишга ёрдам берар, балки облигация пакетларига ўзи ҳам қизиқиб қолар... Бу пайтга келиб Эдвард Батлер Каупервудни чин дилдан ёқтириб қолган ва бухгалтерия китобларида у эндиликда йирик микдордаги қимматбаҳо қоғозлар харидори сифатида қайд қилинарди. Бу бақувват, салобатли ирландиялик ҳам Каупервудга ёқаётганди. Батлернинг кечмиши ҳам йигитчага маъқул эди. Каупервуд унинг тўладан келган ва тепса-тебранмас ирланд хотини билан танишиб олганди. Аммо идроки соғлом бўлган бу аёл сунъийликни сира ёқтирмасди. У шу пайтгача ошхонага киришни ва пишир-қуйдирни ўзи бошқаришни яхши кўрарди. Фрэнк эндиликда Батлернинг ўғиллари: Оуэн ва Кэлем ва қизлари: Нора ва Эйлин билан ҳам танишиб олганди. Эйлин икки йил аввал қиш чилласида Батлерларникига илк бор келганида, зинада дуч келиб, кўзини қуйдирган ўша бетакор қиз эди.

Каупервуд Батлернинг ўзига хос хона-идорасига кириб келганда, каминда олов ёниб турарди. Батлер меҳмонни камин олдидаги чарм қопланган чуқур креслога қулай ўтириб олишга таклиф қилди ва уни тинглашга ҳозирланди.

– Ҳа-а, осон нарса эмас экан! – Каупервуд гапини тутатганда, деди у. – Ахир сиз бу нарсаларни мендан яхши-

## Теодор Драйзер

рок тушунасиз. Сизга маълумки, мен финансист эмасман, – Батлер ўзини оқлаётгандек жилмайиб қўйди.

– Мен биладиган ягона нарса шуки, бу таъсир ўтказиш ва ҳомийлик қилиш билан бўладиган иш, – гапида давом этди Каупервуд. – “Дрексель энд Компани” ва “Кук энд компани”ларнинг Гаррисбергда ҳомийлари бор. Шаҳарда ҳам уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ўз одамлари етарли. Штатнинг бош прокурори ва ғазначиси билан улар жуда яхши муносабатда. Мен ўз хизматимни таклиф қилиб, ҳатто заёмларни тарқатишни бўйнимга олсам ҳам, бу ишни барибир менга топширишмайди. Бу нарса бир марта бўлгани йўқ. Дўстларимнинг қўллаб-қувватлаши, таъсир ўтказа олишидан кўнглим тўқ бўлиши керак. Бу ишлар қандай қилинишини яхши биласиз-ку...

– Агар кимга мурожаат қилиш кераклигини билсангиз, бу ишлар жуда осон ҳал қилинади. Масалан, Жимми Оливерни олайлик – озми-кўпми, унинг ҳамма нарсадан хабари бор.

Жимми Оливер ўша пайтда округ прокурори бўлиб, вақти-вақти билан Батлердан қимматли маслаҳатларини аямасди. Бахтли тасодифга кўра, у ҳали ҳам штатнинг ғазначиси билан дўстона муносабатда экан.

– Сиз заёмнинг қанчасини мўлжалляяпсиз?

– Беш миллионини.

– Беш миллион?! – Батлер ўтирган жойида қаддини ростлади. – Йигитча, нималар деяпсиз? Ахир бу жуда катта пул! Шунча кўп облигацияни қаерга ўтказасиз?

– Мен беш миллионга ариза бераман, қўлимга эса фақат бир миллионлик қимматли қоғоз оламан, – юмшоқлик билан Батлерни тинчлантирди Фрэнк. – Бундай талабнома фақат обрўимни кўтаради, обрў эса бозорда кадр-қийматга эга.

Батлер енгил хўрсиниб, креслога суянди.

– Беш миллион?! Обрў?! Сиз эса фақат бир миллион хоҳляяпсизми? Майли, бу бошқа гап! Очиғи, бу ёмон фикр

эмас. Аслида бу пулни топа оламиз.

Батлер кафти билан иягини силаб қўйиб, каминдаги оловга тикилди.

Каупервуд шу куни кечқурун Батлерларникидан кетаётиб, у алдамаслигига ва бу иш учун ўзининг бутун техникасини ишга солишига шубҳа қилмаётганди. Бир неча кун ўтиб Батлер уни шаҳар газначиси Жулиан Боуд билан таништирганида у ҳайрон бўлмади ва бу нимани англатишини тушунди. Боул эса Каупервудни Ван-Ностренд штати газначиси билан таништириш ва иши ижобий ҳал бўлишини шахсан кузатиб туришга ваъда берди.

– Сиз, албатта, банкнинг тишлари жуда бақувватлигини яхши биласиз, – Батлернинг уйда бўлиб ўтган учрашувда Каупервудга қараб деди Жулиан Боуд. – Уни ким бошқариши ҳам сизга яхши таниш. Улар заём ишига четдан одам суқилишини хоҳлашмайди. У ерда уларнинг юқоридаги (Боуд Гаррисберг штатини назарда тутаётганди) вакили билан гаплашдим. У заём билан бўлаётган ишларга кимдир аралашшига асло йўл қўймасликларини айтди. Агар айтганингизни қилмоқчи бўлсангиз, бу ерда, Филадельфияда анча нохушликларга дучор бўлишингиз мумкин – ахир улар жуда кучли одамлар. Сиз заёмларни қаерда тарқатишни тасаввур қиляпсизми?

– Ҳа, тасаввур қиляпман.

– Майли, унда ҳозир энг яхшиси – ҳамма нарсани сир тутиб туриш. Ариза топширинг, губернатор рухсат бергач, Ван-Ностренд уни тасдиқлайди. Ўйлайманки, губернатор билан тил топиша оламиз. Рухсат олганингиздан кейин эса, менимча, сиз билан яхшилаб гаплашиб олмоқчи бўлишадди, бироқ энди бу – сизнинг муаммоингиз.

Каупервуд ўзига хос тарзда сирли жилмайди. Бу молия дунёсининг кириш-чиқиш тешиклари қанчалик кўп-а! Ерости оқимининг бутун бир лабиринтига ўхшайди! Озгина фаросат, озгина ишбилармонлик, озгина

## Теодор Драйзер

омад – вақт ва тасодиф – мана нималар ишнинг катта қисмини ҳал қилади! Масалан, унинг ўзини олсак: ўзида карьера қилиш хоҳишини (фақат хоҳишни!) ҳис этган заҳоти, мана, штат газначиси ва губернатор билан алоқа ўрнатиб турибди! Улар Каупервуднинг ишини шахсан ўзлари кузатишади, чунки у шуни талаб қиляпти. Ундан ҳам кўра кўпроқ таниши бор ишбилармонлар эса бу имкониятлардан фойдалана олишмади. Инсондаги жасурлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик – буларнинг ҳаммаси катта таъсирга эга, катта куч, бунинг устига омад ҳам жуда муҳим.

Фрэнк уйига кета туриб, “Кук энд компани” ва “Дрексель энд компани”дагилар унинг ўзларига рақиб сифатида чиқиб келаётганини билганидан сўнг қанчалик ажабланишлари ҳақида ўйлади. Уйига етиб келгач, у ётоқхонаси ёнидаги кабинетига кирди. Бу ерда ёзув столи, сейф ва чарм кресло бор эди. Фрэнк ўтириб, кўп нарсаларни тарозига солиб кўриши керак эди. У аллақачон келишиб кўйган одамларининг рўйхатини ва маблағларини қайта кўриб чиқа бошлади. Миллион долларлик облигацияларни тарқатиш уни хавотирга солмаётганди; унинг хисобича, умумий суммадан у икки фоиз, яъни йигирма минг доллар фойда кўрган бўларди. Агар иши ўнгидан келса, у Жирард авенюда Батлерлар яқинидан уй сотиб олишни мўлжаллаётганди, эҳтимол, ер сотиб олиб, уй курса яхшироқдир. Курилишга пулни эса ери ва уйни гаровга қўйиб, топади. Отасининг ишлари ҳам ёмон кетмаяпти. Балки, отаси ҳам ёнига келишни хоҳлар, у ҳолда ёнма-ён яшашарди. Идора бу йили заём билан бўладиган операциядан қатъи назар, ўн минг доллар олиб келади. Фрэнкнинг кўнка темир йўлига тиккан пули эллик минг долларга етган бўлиб, йилига олти фоиз фойда келтираётганди. Хотинининг мулки, ҳозирги уйлари, давлат заёмлари облигацияси ва Филадельфиянинг ғарбий қисмидаги кўчмас мулкда бўлган бойлиги яна қирқ минг-

ни ташкил қиларди. Фрэнк бой эди, бироқ у яқин кунларда яна ҳам бойиб кетишни чамалаётганди. Энди фақат ақл ва совуққонлик билан ҳаракат қилиш керак. Агар заём билан қиладиган операцияси тинч ўтадиган бўлса, Фрэнк яна шундай қилиши мумкин ва ҳатто кенгроқ қўламда, ахир бу заёмларнинг охирги марта чиқиши эмас-ку!

Фрэнк яна бироз ўтириб, чирокни ўчирди ва хотини ухлаб ётган ётоқхонага чиқди. Болалар билан энага зина-нинг нариги томонидаги хонани эгаллашганди.

– Лилиан, сенга айтганим – заём билан бўладиган операция силлиққина кечадиган бўлди, – деди Фрэнк хотини уйғониб, унга ўтирилганида. – Тарқатиш учун, афтидан, бир миллион оламан. Бу бизга йигирма минг фойда келтиради. Агар ҳаммаси муваффақиятли тугайдиган бўлса, Жирард-авенюда уй қураимиз. Вақти келиб, бу энг яхши кўчалардан бири бўлади. Коллеж – шундай ёнгинамизда.

– Фрэнк, роса зўр бўларди!.. – деди аёл ва эри қаравотнинг четига ўтирганда унинг қўлини силаб қўйди. Бироқ унинг гап оҳангида энгил шубҳа сезилиб турарди.

– Менимча биз жаноб Батлернинг оиласидагиларга нисбатан эътиборлироқ бўлишимиз керак. У менга жуда катта ёрдам берди ва, албатта, келгусида ҳам бизга фойдаси тегади. У бирор куни иккаламиз уйига боришимизни таклиф қилди, бу таклифга безътибор бўлишимиз яхши эмас. Унинг хотини билан мулойимроқ бўлгин. Жаноб Батлер хоҳласа, мен учун жуда кўп нарса қилиши мумкин. Айтганча, унинг иккита қизи бор. Биз ҳам уларни бутун оиласи билан меҳмонга чақирсак бўларди.

– Уларни зиёфат қилиб чақирсак ҳам бўлади, – ҳозир-жавоблик билан деди Лилиан. – Мен яқин орада Батлер хонимнинг олдига кириб, уни бирга айланиб келишга таклиф қиламан.

Лилиан Батлерлар, айниқса, кичкина Батлерлар, кўз-кўз қилишни яхши кўришларини, ўзларининг келиб чиқишлари ҳақидаги гапларга бефарқ эмасликлари ва



## Теодор Драйзер

тушунчаларига кўра пул ҳамма нарсани ҳал қилишига ишончлари комиллигини аллақачон тушунганди.

– Кекса Батлер – жуда ҳурматли одам, – деди бир куни Каупервуд, – Батлер хоним ҳам ёмон эмас, бироқ жуда оддийгина. Аслида, жуда кўнгилчан ва хушмуомала аёл.

Фрэнк хотинидан яна Эйлин ва Норалар билан ҳам хушмуомала бўлишни сўради, чунки ўзи уларнинг ота-оналари қизлари билан жуда фахрланишларини сезганди.

Бу пайт келиб Лириан ўттиз икки, Фрэнк эса йигирма етти ёшда эди. Иккита фарзанднинг тугилиши ва уларга ғамхўрлик қилиш аёлнинг ташқи кўринишини маълум даражада ўзгартириб юборди. У ўзининг аввалги, одамни ўзига тортадиган латофатини йўқотган ва бироз ориқлаганди. Ёноқлари салқиган, юзи Россетти ва Берн-Жонсларнинг<sup>1</sup> суратларидаги аёлларни эслатарди. Соғлиғига ҳам путур етганди: иккита болага қараш ва охириги пайтларда ошқозон касаллигининг аломатлари унинг кўп кучини олганди. Асаб тизими ҳам анча ишдан чиққан ва вақти-вақти билан дилгир ҳолатга тушиб қоларди. Каупервуд бунинг ҳаммасини сезиб турарди. Фрэнк хотинига аввалгидек меҳр-муҳаббатли бўлиб, уни эҳтиёт қилса-да, табиатан манфаатпараст ва омилкор бўлгани учун, эртами-кечми кўлида бемор аёл билан қолишини яхши тушунарди. Садоқат ва ҳамдардлик, албатта, буюк нарсалар, бироқ одамда эҳтирос ва севги-муҳаббат ҳам сақланиб қолиши керак, уларни йўқотиш жуда кимматга тушади.

Эндиликда Фрэнк тез-тез кувноқ ва тетик қизларга қарайдиган бўлиб қолганди. Тўғри, оилапарвар бўлиш мактовга лойиқ, бироқ хотининг касал бўлса-чи?.. Ва умуман, одам хотинига боғланиб қолгани дурустми? Наҳотки у энди бирорта ҳам аёлга қарай олмаса? Агар у кимгадир кўнгил бериб қолса-чи?

Фрэнк бўш вақтларида бу ҳақда кўп ўйлаб юриб, ниҳоят, бу жуда ҳам кўрқинчли нарса эмас, деган хулосага

---

<sup>1</sup> XIX асрда яшаган инглиз rassомлари.

келди. Агар сириг очилиб қолишдан кўркмасанг, ҳаммаси жойида бўлади. Фақат жуда эҳтиёт бўлиб юрилса кифоя. Ҳозир хотинининг каравоти четида ўтираркан, хаёлига яна ўша фикр келди, чунки кундуз куни Эйлин Батлери кўрганди: Фрэнк мехмонхонадан ўтиб кетаётганида, қиз рояль чалиб, куйга ўзи жўр бўлиб ўтирган экан. Эйлин соглик ва қувонч нуруни таратаётган патлари ранг-баранг қушга ўхшар, бир сўз билан айтганда, чинакам ёшлик тимсоли эди! “Дунё ғалати тузилган-да!” ўйлади Фрэнк. Бироқ у бу фикрларни фақат ичида сақлар ва уларни ҳеч кимга ишониб очмоқчи ҳам эмасди.

Заёмлар билан бўлган операция қизиқ натижаларга олиб келди: тўғри, Фрэнк йигирма минг ва ҳатто кўпроқ ютди ва яна қўшимчасига Филадельфия ва Пенсильвания штати молия дунёсидагиларнинг эътиборини ҳам ўзига торта билди, бироқ заёмларни тарқатишига тўғри келмади. У Филадельфияда машҳур юристлардан бирининг идорасида штат ғазначиси билан учрашиб қолди. Ғазначи штатга келганида ўз ишларини шу ерда битираркан. У Каупервуд билан жуда мулойим муомалада бўлди – бошқа йўли ҳам йўқ эди – ва йигитга бу каби ишлар Ҳаррисберг-да қандай ҳал қилинишини тушунтириб берди.

Сайловолди кампаниялари учун маблағ йирик финансистлардан ундирилди. Уларнинг палатада ва штат сенатида ўз одамлари бор. Губернатор ва ғазначи, албатта, бемалол ҳаракат қилади, бироқ улар обрў, дўстлик, жамоат таъсири ва сиёсий шуҳратпарастлик деган нарсаларни доим ёдда сақлашлари керак. Йирик ишбилармонлар баъзида ўзгалар учун ёпиқ бўлган корпорация ташкил қилишади – албатта, бу жуда ҳам дуруст бўлмаган факт. Бироқ бошқа томондан, улар нима бўлганда ҳам, йирик заёмларни чиқаришда қонуний кафил ҳисобланишади. Штат улар билан яхши муносабатни ушлаб туриши керак, айниқса, ҳозирги шароитда. Жаноб Каупервуд бир миллионлик (у шунча сумма ҳақида гапиряпти шекил-

## Теодор Драйзер

ли) облигацияларни тарқатиш имкониятига эга экан, илтимосини кондириш керак. Бироқ Ван-Ностренд унга бошқа нарсани таклиф қилмоқчи. Агар заёмларни реализация қилмоқчи бўлаётган бир гуруҳ финансистлар шуни хохлашса, жаноб Каупервуд унинг аризаси тасдиқлангандан сўнг маълум бир компенсация ҳисобига (у мўлжаллаётган фойдага тенг миқдордаги) заёмларни тарқатишдаги ўз улушини уларга бермайдими? Бир гуруҳ финанситларнинг хоҳиши ана шундай. Уларга қаршилиқ қилиш хавфли. Улар Каупервуднинг обрўсини кўтариши керак бўлган беш миллионлик аризага асло қарши эмас. У бир миллионлик заём сотди, деб ҳам ҳисобланаверсин – улар бунга ҳам индашмайди. Бироқ улар бутун йигирма уч миллион долларлик заёмни биттада сотишни ўзлари эпламоқчи: шунда ишлари зўррок бўлади. Бунда жаноб Каупервуд заёмларни тарқатишда қатнашишдан бош тортди, деб ҳаммага эшиттириб қичқириш шарт эмас. Агар Каупервуд бошлаган ишини охирига етказа олса, у ўзини кутаётган даврини суришига улар ҳам рози. Муаммо шундаки, бу бошқаларга ёмон ўрناق бўлиши мумкин. Унинг изидан борадиганлар чиқиб қолади. Бироқ тор доираларда унга босим ўтказишган ва у воз кечиши учун талаб қилинган ҳақни олгач, заёмларни тарқатишдан бош тортди, деган гап чиқиб қоладиган бўлса, бу келажакда бошқаларни шундай қилишдан қайтаради. Агар Каупервуд таклиф қилинган шартга кўнмайдиган бўлса, унга ҳар хил муаммолар туғдиришлари эҳтимоли бор. Масалан: ундан онкол ссудани тўлашни талаб қилишлари мумкин. Кўпгина банкларда бундан сўнг унга яхши хизмат кўрсатмасликлари, у ёки бошқача йўл билан унинг мижозларини кўрkitиб қўйишлари ҳам мумкин...

Каупервуд ҳаммасини тушунди. Ва... рози бўлди. Дунёнинг шунча кучларини тиз чўктиришнинг ўзи катта гап эди! Демак, у ҳақда эшитишган, ва у кимлигини тушунишган. Жуда яхши, ажойиб! У ўзининг йигирма

мингми ёки шунга яқин пулини олади ва секин қочиб қолади. Ғазначи ҳам ҳайратда эди. Бу нарса унинг қил устидаги вазиятдан чиқиб кетишига имкон берарди.

– Сиз билан кўришганимдан хурсандман, – деди ғазначи. – Умуман, сиз билан танишганимдан жуда хурсандман. Бу ерларга яна келиб қолсам, сизникига кириб ўтаман ва биргалиқда нонушта қиламиз.

Ғазначи унга қўшимча пул ишлаб олиш имконини берадиган одам билан муомала қилаётганини тушунганди. Каупервуднинг қарашлари ўткир бўлиб, бунақаси жуда кам учрар, унинг юзида зийраклик ва шу билан бирга нозик ақл ифодаси зоҳир эди. Қайтиб келганидан сўнг ғазначи губернатор ва бир нечта таниш тадбиркорларга ёш Каупервуд ҳақида гапириб берди.

Заёмларни сотиш учун тарқатиш, ниҳоят тасдиқланди. “Дрексель энд Компани” фирмасининг катталари билан бўлиб ўтган махфий суҳбатдан сўнг Каупервуд улардан йигирма минг доллар олди ва ўзининг бу ишда қатнашиш ҳукукини уларга берди. Энди унинг идорасида вақти-вақти билан янги одамлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг орасида Ван-Ностренд ва юкорида айтиб ўтганимиз – Харрисбергдаги бошқа сиёсий гуруҳнинг вакили бўлган Тэрэнс Рэлихенлар ҳам бор эди. Бир куни Фрэнк ресторанда нонушта қилаётган пайтда уни губернатор билан таништиришди. Унинг номи газеталарда тез-тез кўзга ташланар, жамият кўзи ўнгида жуда тез ўса бошлаганди.

Фрэнк дарҳол ёш Элсуорт билан янги уйининг лойиҳаси устида ишлашни бошлади. Ҳали ҳеч ким кўрмаган ажойиб нарса қурилади, деб айтди у хотинига. Энди улар каттароқ кўламдаги зиёфатларни беришларига тўғри келади. Фронт-стрит бунақа ўйин-кулги учун энди жуда одми кўча эди. Фрэнк уйи сотилиши тўғрисида эълон берди ва отаси билан маслаҳатлашиб, уни ҳам кўчиб ўтишга кўндирди. Ўғлининг муваффақиятлари отасининг

## Теодор Драйзер

фаолиятига ҳам яхши таъсир қилаётганди. Банкнинг директорлари кундан-кунга у билан мулоимрок муносабатда бўлиб борар, банк бошқаруви раиси Кутель келаси йил нафақага кетишни режалаётган бўлиб, ўғли бажарган ажойиб молия операцияси сабаб ва узоқ йиллик хизматлари учун катта Каупервудни ушбу ўринга лойиқ кўраётганди. Фрэнк отасининг банкдан йирик заёмлар олган ва ўз-ўзидан йирик омонатчи ҳисобланарди. Унинг Эдвард Батлер билан иш юзасидан алоқаси ҳам жуда юқори даражада баҳоланарди. Фрэнк банкдагиларни усиз ўзлари топа олмайдиган ахборотлар билан таъминлаб турарди. Бу банкка шаҳар ғазначиси ва штат ғазначиси ҳам қизиқа бошлади. Катта Каупервуднинг кўз олдидан бошқарув раисининг йигирма минглик маоши ўта бошлаган ва маълум бир маънода бунинг учун у ўғлидан қарздор эди. Иккала оила ўртасидаги алоқалар ҳавас қиладиган даражада эди. Анна (у аллақачон йигирма бирга тўлганди), Эдвард ва Жозефлар кўп вақтларини акасиникида ўтказишарди. Лилиан деярли ҳар куни қайнонасиникига борарди. Каупервудлар берилиб бир-бирларига оилавий янгиликларни айтишаркан, улар ниҳоят, бир жойда қўшни бўлиб яшашга қарор қилишди. Катта Каупервуд ўғлининг ўттиз футлик ери ёнидан эллик фут ер сотиб олди ва улар иккита ёнма-ён чиройли ҳамда қулай уйни қуришни бошлашди. Бу уйлар бир-бирига ёзда очик, қишда эса ойна билан ёпиладиган пергола деб аталувчи галерея орқали боғланиши керак эди.

Уйнинг олд томонини Филадельфияда кенг тарқалган яшил гранит билан қоплашга келишилди, бу тошга жаноб Элсуорт кўзга жуда ёқимли бўлган ажойиб кўриниш беришга ваъда қилди. Катта Каупервуд қурилиш учун етмиш беш минг доллар сарф қилишга (бу пайтга келиб унинг бойлиги икки юз эллик мингга баҳоланаётганди), Фрэнк эса эллик минг (бу пулни гаров ҳисобига олмакчиди) ишлатишга қарор қилганди. Айни пайтда

у ўз идорасини ўша Учинчи кўчанинг ўзида, бироқ жануброқда жойлашган алоҳида бинога кўчирмокчи бўлаётганди. У ўша ерда узунлиги йигирма беш фут, эски бўлса-да, тим қора тош билан ишлов берилса, жуда ажойиб кўриниш оладиган уй сотилаётганини эшитганди. Фрэнк хаёлан аллақачон катта дераза ойналари ортидан ичкарида ёғочдан ишланган деворлари кўриниб турган, эшик ёки эшик ёнида бронза ҳарфлар билан “Каупервуд энд Компани” деб ёзилган пешлавҳаларни кўраётганди. Унга уфқдаги ғира-шира пуштиранг булутдек, бироқ келажак аён бўлаётганди. У бой бўлади, жуда-жуда бой бўлади!

**К**аупервуд тинмай муваффақият билан олдинга интиларкан, Жанубга қарши бошланган буюк уруш охирлаб қолди. 1864 йилнинг октябрь ойи эди. Мобилнинг олиниши ва “Ўрмон чангалзорларидаги жанг”<sup>1</sup> ҳали ҳеч кимнинг ёдидан чиқмаганди. Грант аллақачон Питерсберг остоналарида турар, жанубликларнинг жасур генерали Ли эса ўзининг стратег ва ҳарбий сифатидаги бутун қобилятини ишга солиб, шароитни тузатиш учун бефойда уриниб ётарди. Баъзида, масалан, ўша бутун мамлакат Висксбергнинг қулашини ёки Потомак дарёси ёнида турган армиянинг хужумини кутаётган, Ли эса Пенсильванияга суқилиб кирган пайтда акцияларнинг нархи тушиб кетиб, бозор ўлар ҳолатга тушиб қолаётганди. Бундай дақиқаларда Каупервуд ўзининг бутун уддабуронлигини ишга соларди; қандайдир кўзда тутилмаган ёмон хабардан ҳамма йиққан-терганлари бир пулга айланиб қолмаслиги учун у доим хушёр туришига тўғри келаётганди. Унинг ватанпарварлик ҳиссиётларидан қатъи назар, урушга жуда қиммат турадиган ва вайрон қилувчи куч сифатида қарарди. Бироқ айти пайтда миллий ғурур деган ҳис Каупервуд учун Атлантика океанидан Тинч океанигача, Канада қорларидан Мексика кўрфазигача чўзилган Қўшма Штатларнинг кадрига етишни ҳис қилмайдиган даражада бегона нарса эмасди.

<sup>1</sup> 1864 йили бўлиб ўтган Мобил шаҳри остонасидаги (Алабама штати) жанг ва “Ўрмондаги жанг” (Виржиния штати) Шимол ва Жануб урушидаги энг муҳим воқеалар бўлган.

1837 йилда туғилган Каупервуд мамлакат ҳудудий бутунликка (Аляскани ҳисобга олмаганда) қандай эришганига гувоҳ эди. Унинг ёшлик чоғларида Америка Қўшма Штатлари испанлардан сотиб олган Флорида билан бойиди; адолатсиз урушдан сўнг Мексика 1848 йили Техас ва ундан ғарбга томон чўзилган ҳудудни берди. Англия билан узоқ шимоли-ғарбдаги Қўшма Штатлар орасидаги чегара баҳслари ҳам ниҳоят барҳам топди. Ижтимоий ва молиявий масалаларга очик кўз билан қарайдиган одам бу фактларнинг муҳимлигини тушунмай қолмасди. Ҳар ҳолда бу фактлар Каупервуднинг бу катта давлатда яширинган битмас-туганмас тижорат имкониятлари борлигини тушунишига таъсир қиларди. Каупервуд ҳар бир тадқиқ қилинмаган жойда туганмас ўлжалар манбасини кўрадиган бир қатор молиявий авантюристлар сирасига кирмасди; бироқ мамлакат ўлчамларининг ўзиёқ Фрэнк умид қилаётган катта имкониятлар ҳақида айтиб турарди. Океандан океангача чўзилган бу ҳудудда (агар Жанубий штатлар Шимолий штатлардан ажралиб чиқадиган бўлса йўқолиб кетадиган) битмас-туганмас бойликлар яширинганди.

Айни пайтда эса қора танлиларни озод қилиш муаммоси Каупервудга амалга ошадиган ишдек туюлмаётганди. У болалигидан бу ирқ намояндаларини кузатиб келган, уларнинг фазилатлари ва ўзи туғма деб ҳисоблаган камчиликларини тушуниб етган ва уларнинг тақдирлари ҳам шунинг натижасида, деган хулосага келганди.

Масалан, қора танлиларга ҳозир ўзлари ўйнаётганидан кўра катта роль берилиши мумкинлигига унинг ишончи комил эмас эди. Ҳар ҳолда, уларнинг олдиларида натижасини яқин келажақдаги авлод била олмайдиган узоқ ва қийин кураш турибди. Фрэнк Каупервуднинг қора танлилар учун озодлик талаб қилувчи назарияга нисбатан қаршилиги йўқ эди, бироқ у нега жанубликлар ўзларининг мол-мулклари ва тизимлари вайрон қилинишига кескин



## Теодор Драйзер

қаршилик кўрсатмасликлари кераклиги сабабларини ҳам тушунмасди. Албатта, баъзан қора танли қуллар билан ёмон муносабатда бўлишлари ачинарли ҳолат. Каупервуд бу масалани кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблар, бироқ қора танлиларнинг ҳомийлари олиб бораётган курашда ҳеч қандай маънавий асос кўра олмасди. У кўплаб эркак ва аёлларнинг шароитлари, уларни мамлакатнинг конституцияси ҳимоя қилса-да, қулларникидан кўп фарқ қилмаслигини тушуниб турарди. Ахир руҳий қуллик, руҳан бўш ва жисмонан ожизларнинг қуллиги ҳам мавжуд нарса эди. Каупервуд Сэмнер, Ҳаррисон, Филиппс ва Бичерларнинг<sup>2</sup> чиқишларини қизиқиш билан кузатиб борар, бироқ бу масалани ўзи учун жуда муҳим деб ҳисобламасди.

Унда зобит бўлиш ёки зобитларга буйруқ бериш хоши йўқ ва баҳслашиш қобилияти ҳам берилмади. У ақлий табиатига кўра (ҳатто молия соҳаси бўйича ҳам!) тортишадиганлар тоифасига кирмасди. Уни қизиқтирадигани – фақат ўзи учун катта фойда келтирадиган нарсаларгина бўлиб, бутун фикри-хаёли фақат шунга қаратилган бўларди. Мамлакатида содир бўлаётган қардошларнинг ўзаро уруши унга фойда келтирмасди. Унинг фикрича, бу уруш мамлакатнинг савдо ва молия масаласида мустақамланишига фақат халал берарди ва Фрэнк бу урушнинг тез орада тугашига умид қиларди. У ҳарбий солиқлар кўпчилик учун оғир синов эканини билса-да, бундан шикоят қилиб юрмасди. Ўлимлар ва бахтсизликлар ҳақидаги ҳикоялар унга таъсир қиларди, бироқ нима қилиш керак, ҳаёт шунақа, бирор нарсани ўзгартириш унинг қўлида эмас!

Каупервуд шу хаёллар билан ҳар куни, ҳар қадамда ҳарбий отрядларнинг келиши ва кетишини кузатиб, жанг майдонидан ёки лазаретдан қайтаётган, кийимлари жулдур, кир-чир, озиб кетган ярим бемор одамларни учратар,

---

<sup>2</sup> Қора танлиларни озод қилиш тарафдорлари.

бирок кўлидан келадигани уларга ачиниш эди, холос. Бу уруш унинг учун эмас эди. У бу урушда иштирок этмас ва уруш тамом бўлганда ватанпарвар сифатида эмас, финансист сифатида жуда хурсанд бўлишини аниқ биларди. Бу хонавайрон қиладиган, фожиали ва бахтсизлик уруши эди.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб борарди. Бу орада маҳаллий ҳукумат органларига сайловлар бўлиб ўтди ва шаҳар ғазначиси, солиқ вакили ва мэр алмашди. Бирок Эдвард Мэлия Батлер, афтидан, ҳали ҳам ўз таъсир кучига эга эди. Бу пайтга келиб Батлерлар оиласи билан Каупервудлар оиласи ўртасида мустаҳкам дўстлик ўрнатилганди. Уларнинг динлари турлича бўлса-да, Батлер хоним Лилианга жуда яхши муносабатда эди; улар бирга экипажда сайр қилишар, бирга магазинларга боришарди. Тўғри, Каупервуд хоним ёши анча катта бўлган дугонасига сал танқид кўзи билан қарар, унинг тўпориларча сўзлашуви, ирландча талаффузи ва диди ёмонлигидан (ўзи ҳам шундай оиладан келиб чиққанини унутиб) бироз уяларди. Бирок бошқа томондан бу аёлнинг жуда самимий ва қалби тоза эканини ҳам тан оларди. У жуда тўқчиликда яхши яшаса-да, одамларни нима биландир хуш кўрарди. У Лилианга совғалар берар, унинг болаларини ҳам жуда суярди. “Кечки тамаддига, албатта, бизникига келасиз, келмасангиз қаранг!” (Батлерлар кечга алоҳида таом пишириладиган даражага ҳам эришишганди). “Эртага мен билан айланиб келишингиз керак!” дерди гоҳида. Баъзан “Эйлиним, соғ бўлсин ишқилиб, ажойиб қиз!” ёки “Нора бечорагинанинг мазаси йўқ!” деб қоларди.

Бирок табиатан инжиқ ва жиззаки, иззатталаб бўлган Эйлин кўп ҳолларда Каупервуд хонимнинг гашини келтирарди. Қиз эндигина ўн саккиз ёшга тўлган бўлиб, унинг бутун туришида одамни ўзига тортадиган маккоралик уфуриб турарди. Унинг қилиқлари ўғил болаларники каби эди, у баъзан беўхшов шўхлик ҳам қилиб

## Теодор Драйзер

кўяр, монастирда тарбия олганига қарамай, озодлигини бўғадиган энг майда чекловларга ҳам исён кўтаришга мойил эди. Бироқ шунга қарамай, қизнинг ҳаворанг кўзлари мулойим чақнаб, кўнгилчан ва раҳмдил ҳам эканидан дарак бериб турарди.

Эйлинни, ўз таъбирлари билан айтганда, “мулойим католик” қилиб тарбияламоқчи бўлган эр-хотин Батлерлар унинг ўқиши учун муқаддас Тимофей черкови ва Жермантаундаги монастирлик мактабини танлашган. Қиз у ерда католиклар акидалари ва одатлари билан танишган, бироқ сира тушунмаганди. Лекин ибодатхона деразалари хира, баланд оқ меҳроб ва унинг икки томонида турган олтин юлдузлар билан тўла ҳаворанг кийим кийиб, бошлари атрофида ёғдули гардиш ва қўлларида салтанат ҳасасини ушлаган муқаддас Иосиф ва дева Мариянинг ҳайкаллари билан унинг тасаввуридан чуқур жой олганди. Умуман олганда, ибодатхоналар одатда, айниқса, ҳамма католик ибодатхоналари, чиройи кўзни кувонтириб, руҳни тинчлантиради. Ибодат пайтида эликта, баъзан ундан ҳам кўп шамлар ёкиб кўйилгани ва руҳонийларнинг шоҳона тўрли либослари сабаб яна ҳам буюк ва ажойиб кўринаётган меҳроб қизга жуда ёқар ва унинг тасаввурини қиздирарди. Айтиш керакки, қизда доим буюк нарсаларга, ёрқин рангларга ва “севгига муҳаббат”га интилиш бўлган. Эйлин болалик чоғиданоқ ўзини аёллардек ҳис қиларди. У ҳеч қачон бирор нарсанинг маъносини ечишга интилмас, аниқ билимларга қизиқмасди. Эҳтиросли одамларнинг дярли бари шундай. Улар куёш нурида эркаланиб ётишади, ранглардан, ташқи дабдабадан завқланишади ва шундан нарига ўтишмайди. Тасаввурнинг аниқлиги курашувчан, худбин одамларга керак ва бу нарса кейинчалик манфатпарастликка интилишга айланиб кетади. Инсонни бутунлай эгаллаб оладиган эҳтироснинг ҳукмронлиги на ҳаракатчан ва на расмиятчи, майдакаш одамларга хосдир.

Буларни Эйлин мисолида тушунтириш керак. Ўша пайтнинг ўзидаёқ Эйлинни жуда эҳтиросли қиз эди деб айтиб бўлмасди. Булар ҳаммаси ҳали унинг вужудида мудраб ётарди. Ҳар қандай уруғнинг ҳосил беришига анча вақт керак бўлади. Черковдаги бир нечтагина жинчиروқлар хира ёритиб турган истиғфор келтириладиган жой, патернинг<sup>3</sup> кафорат ҳақидаги панд-насихатлари, туйнук ортидан шивирлаб айтиладиган гуноҳларнинг ювилиши қизни бироз ҳаяжонга соларди. Эйлин ўз гуноҳларидан кўркмасди. Гуноҳкорлар тушувчи манзил – дўзах уни кўр-қитмасди. Виждон азоби қийнамасди. Унинг назарида черковга судралиб бориб, ибодат қилганча тасбеҳ ўгираётган чол ва кампирларнинг ёғоч санамлардан фарқи йўқ эди.

Эйлинга, айниқса, у ўн тўрт, ўн беш ёшда эканлигида, руҳонийнинг гапларига қулоқ солиб, ибодат қилиш ёқарди. Монастир пансионни тарбияланувчиларининг тавбасини тингловчи кекса бир француз руҳонийси кўнгилчанлиги ва юмшоқ табиати билан Эйлинга таъсир қиларди. Бу руҳонийнинг ибодатлари Эйлиннинг шоша-пиша ва эътиборсиз ўқийдиган дуоларидан кўра самимийроқ янгарди.

Кейинроқ эса унга муқаддас Тимофей черковининг ёш католик руҳонийси Давид ота ёкиб қолди. У юзидан соғломлик уфуриб турган, жингалак қора сочлари пешонасига тушиб турган ва доим бошига руҳонийлик қулоҳини олифтагарчилик билан кўндириб оладиган йигит эди. У якшанба кунлари ибодат пайтида ўриндиқлар орасида юрганча бу ерда ўтирган қавмларига муқаддас сувдан селиб юрарди. У истиғфор қабул қилар ва Эйлин баъзан хаёлига келиб қолган уятли фикрларни унга шивирлаб айтиб беришни ёқтирарди ва шу вақтнинг ўзида “Руҳоний мен ҳақимда нима ўйлаётган экан?” деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиларди. Қиз минг хоҳлагани билан бу

<sup>3</sup> Католиклар руҳонийси.

## Теодор Драйзер

одам тимсолида Яратганнинг вакилини кўра олмасди. У жуда ҳам ёш ва ўта оддий инсон эди. Ва қизнинг ўзи ҳақида завқланиб гапиришларида, кейин эса пушаймон еётган гуноҳкор аёл каби жимгина ташқарига йўл олишида кандайдир шумлик, китмирлик бордек эди.

Муқаддас Агата мактабида уни тарбияси “оғир” деб ҳисоблашар, чунки тарбиячилар уни бировнинг иродасига бўйсунуш учун ўта шўх ва ҳаракатчан деб ҳисоблашарди.

– Бу мисс Батлер деганлари, – деди бир куни монастырнинг бошлиғи Эйлиннинг тарбиячиси Семпронияга, – жуда ботирқиз. Агар етарлича эътибор бериб қарамасангиз, сизда у билан кўп муаммо чиқиши турган гап. Назаримда, майда-чуйда нарсаларда унга ён бериб туришингиз керак. Бошқа йўл билан ҳеч нарсага эриша олмайсиз.

Ўша суҳбатдан бери тарбиячи Семпрония Эйлиннинг ҳамма хоҳишларига қулоқ солишга ҳаракат қилар ва ҳатто баъзан унинг қилиқларига бепарво ҳам бўларди. Бирок у доим ҳам бунга эришавермас – қизнинг онги отасининг бойлиги ва ўзининг бошқалардан баланд туриши тўғрисидаги фикр билан суғорилганди. Тўғри, у баъзида уйига бориб келишни хоҳлаб қолар ёки тарбиячи опадан ўзининг қора дарахтдан ясалган хочи бор йирик маржонли тасбеҳини олиб юришни – пансионда бу нарса катта обрў саналарди, сўрарди. Бу турдаги устунликлар ва бошқа ҳолатлар – шанба куни кечкурунлари монастыр ерларида айланиб юришга, хоҳлаганча гул узиш, керагидан ортиқ яна бир нечта кўйлакка эга бўлиш, тақинчоқлар тақиш қизга муқофот сифатида тақдим этиларди – фақат у синфда тинч ўтирса, жим юрса ва секин гаплашса (кучи етганча), кечаси чироқ ўчгандан сўнг бошқа қизларнинг ётоғига кириб олмаса ва меҳри тошиб тарбиячи опалардан бирортасини кучогида бўғиб ўлдириб қўймаса кифоя эди.

Эйлин мусиқани яхши кўрар ва ҳеч қандай қобилияти бўлмаса-да, расм чизиш билан шуғулланишни ҳам жуда хоҳларди. Китоблар, асосан романлар ҳам уни жуда

қизиктирарди, бироқ уларни топиш жуда мушкул эди. Қолган фанлар: грамматика, тикиш-бичиш, ҳуснихат, дин дарси ва умумий тарих фанларини у жуда ёмон кўрарди. Ўзини яхши тута билиш қоидалари ҳам унинг учун қизик эди. У ўзига ўргатиладиган жимжимадор реверансларни яхши кўрар ва кўпинча ота уйига қайтганида меҳмонларни қандай кутиб олиши тўғрисида ўйларди.

Катталар ҳаётига қадам ташларкан, Эйлинни маҳаллий жамиятнинг маълум бир қатламларига тегишли шароитлар ўртасидаги нозик фарқлар ҳаяжонга сола бошлаганди; у отасининг ўзи бошқаларникида кўрганидек яхши уй қуришини ва унга жамиятга кириш учун йўл очиб беришини хоҳларди. Унинг орзуси амалга ошмади ва бутун фикри-хаёли энди бу орзуларнинг ўрнига эга чиқиши мумкин бўлган қимматбаҳо тақинчоқлар, отлар, экипажларга ва албатта, кўплаб ҳашаматли кийимларга қаратилди.

Улар яшаётган уйда катта зиёфатлар уюштиришнинг иложи йўқ бўлиб, Эйлин ўн саккиз ёшидаёқ иззат-нафси озор топиши нималигини ҳис қила бошлаган эди. У бошқача ҳаётни орзу қиларди! Бироқ у ўз орзуларини қандай амалга ошира оларди? Турли кийим-кечак, чиройли безаклар, Эйлин гоҳ-гоҳидагина тақа оладиган қимматбаҳо тақинчоқлар, туфли, пайпок, ичкийимлар ва тўрлар – ҳаммаси бесабр ва шуҳратпараст одамнинг табиатини ўрганиш учун мисол бўла оларди. Эйлин атир ва пардоз-андоз воситаларининг (унинг бунга эҳтиёжи бўлмаса-да) ҳамма маркаларини билар ва уларни кўп сотиб оларди. Эйлин батартиблиги билан ажралиб турмасди, бироқ кўз-кўз учун қилинадиган нарсаларни жуда яхши кўрарди. Унинг хонасидаги дарпардалар, пардалар, майда-чуйдалар ва девордаги расмлар унинг бошқа жиҳозлари билан мос келмасди. Каупервуднинг назарида Эйлин минилмаган асов отга ўхшарди. Фрэнк қизни онаси билан магазинга борганда ёки отаси билан айланиб юрганида кўп учра-

## Теодор Драйзер

тар ва у билан гаплашганда қизнинг ўзини зериккандек тутиши кулгисини қистатиб, бундан завқланарди.

– Вой Худойим! Яшаш бирам зерикарлики!.. – дерди қиз аслида ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан қувониб яшасада. Каупервуд унинг табиатини аниқ ифодалаб берганди: ҳаётга чанкок, романтик, муҳаббат ҳақидаги, муҳаббатга ошно ҳамма нарсалар ҳақидаги фикрлар билан яшайдиган қиз. Фрэнк Эйлинга қараганда табиат ўз истаги билан жисмонан мукамал яратган нарсани кўраётгандек бўларди. Яна хаёлидан яқин кунларда бирон-бир бахтли йигит унга уйланиб, олиб кетиши ўтарди. Бироқ бу қиз кимга тегадиган бўлса ҳам, ўша йигит уни ўзининг қайноқ севгиси, нозик мақтовлари ва доимий диққат-эътибори билан ушлаб туришига тўғри келади.

– Бу кичкина ярамас (бу қиз айнан ярамасликдан йирок эди) бутун дунёни отасининг чўнтагида деб ўйлайди, – деди Лилиан бир куни эри билан гаплашиб ўтирганида. – Унга кулоқ солсангиз, Батлерлар Ирландия киролининг вориси деб ўйлаш мумкин! Унинг мусиқа ва санъатга кизиқиши эса жуда ҳам кулгили.

– Унга нисбатан бунчалик қаттиққўл бўлма, – устмонлик билан хотинини тинчлантирди Каупервуд (бу пайтга келиб Эйлин унга жуда ёқиб кетаётганди). – У яхши чалади, овози ҳам ёқимли.

– Тўғри, лекин унинг диди йўқ. Қаердан ҳам бўлсин? Буни билиш учун ота-онасига қарашнинг ўзи кифоя!

– Мен, масалан, унинг ҳеч бир ёмон хислатини кўраётганим йўқ, – гапида туриб олди Каупервуд. – У табиатан қувноқ ва гўзал. Албатта, у ҳали ёш бола ва бироз шухратпараст, бироқ бу ўтиб кетади. Бунинг устига, у тентак эмас, кучли қиз.

Эйлин Фрэнкнинг ўзига эътиборсиз эмаслигини яхши билиб турарди. У қизга ёқарди. Қиз уларнинг уйида бўлганида рояль чалиб кўшиқ айтишни яхши кўрар, қолаверса, фақат Фрэнк шу ерда эканлигида шундай

қиларди. Фрэнкнинг қатъий, ишонч билан қадам ташлашлари, кучли гавдаси, чиройли боши – ҳамма-ҳаммаси кизни ўзига тортарди. Ўзининг питир-питирлиги ва худбинлигига қарамай, қиз баъзида Фрэнкнинг олдида жим ўтирар, бироқ одатда йигитнинг олдида у жуда қувноқ ва жозибали бўлиб оларди.

Дунёда энг кийин нарса одамнинг табиатини аниқ айтиб беришга ҳаракат қилиш бўлса керак. Ҳар бир шахс, айниқса, у иктидорли бўлса, қарама-қаршиликлар йиғиндисидир. Шунинг учун Эйлин Батлери тўлик тасвирлашнинг иложи йўқ. Шубҳасиз, у ўзига хос тарзда ақлли эди, бироқ асов от каби бўлиб, вақти-вақтида жамиятнинг қонунлари билан жиловланиб туриши керак бўлган феъл-атвор эгаси эди. У эндигина ўн саккиз ёшга тўлган бўлиб, Фрэнк Каупервуддек одамга жуда ноёб бўлиб туюлаётганди. Қизнинг бутун борлиғи йигит илгари бирорта ҳам аёлда учратмагани ва у бирорта аёлдан талаб қилмагани – эпчиллик ва ҳаётни севиш билан суғорилганди. У аввал таниган бирорта қиз ёки аёл бундай туғма ҳаётий куч-қувватга эга бўлмаган. Унинг малла-олтинранг тўлқинсимон сочлари бетакрор эди. Бурни жуда чиройли шаклда, текис бўлиб, тешикчалари кичкина, катта-катта кўзлари эса одамни ҳаяжонга соладиган тарзда чарақлаб ёниб турарди. Каупервуд бу кўзларнинг ҳаворанг-кулранг тусини ёқтирарди. Қизнинг тақинчоқлари, у аслида бу нарсаларни тақмасида, ҳарамдаги канизакларнинг билагузуклари, оёққа тақиладиган браслетлар, сирға ва бўйинтуморларини ёдга соларди. Эйлин бир неча йил ўтгач, Фрэнкка жон-жон деб тирноғи ва кафтларини қизғиш рангга бўяшини айтганди. Соғлом ва бақувват бўлган қиз доим эркаклар у ҳақида нималар дейишини, бошқа аёллар билан солиштирганда унга қандай қарашларини билишга жуда қизиқарди. Экипажда юриш, Жирард авенюдаги чиройли уйда яшаш, Каупервудларникидек уйларга меҳмонга бо-



## Теодор Драйзер

риш – булар ҳаммаси унинг учун жуда катта аҳамиятга эга эди; бироқ ўша йилларнинг ўзидаёқ у ҳаётнинг маъноси фақат шулардагина эмаслигини тушунарди. Бу нарсаси йўқ одамлар ҳам яшаяпти-ку. Шундай бўлса-да, бойлиги ва ўзининг бошқа одамлардан устунлиги қизнинг бошини айлантитарди. Рояль олдида ўтирар экан, кўчада сайр қилаётганида ёки кўзгу олдида турганида ўзининг гўзаллиги, мафтункорлигидан, эркаклар учун бу нима эканлиги ва бошқа аёллар унга ҳасад қилишлари тўғрисидаги фикрдан қизнинг қувончи ичига сиғмасди. Бир хил пайтларда бечора, хунуккина қизларни кўрганида у ачиниб кетар, баъзан эса гўзаллик ёки жамиятдаги ўрни билан рақобатлашмоқчи бўлган қизларга нисбатан тушунарсиз ғараз ҳисси уйғонарди. Баъзан шундай бўлардики, кўзга кўринадиган оилаларнинг қизлари Честнат стритдаги бой дўконларда учрашиб қолганларида ёки паркда экипажда айланиб юришганида яхшироқ тарбияланганларини ва буни ўзлари яхши билишларини ишот қилгандек, бурунларини кўтариб олишарди. Бундай учрашувларда иккала томон ҳам бир-бирларига йўқ қилиб юборгудек назар билан қарарди. Савлати қуруқ, олифта йигитлар унинг эътиборини ўзига тортмаса-да, Эйлин юқори табақага интиларди. У ҳақиқий эркак ҳақида орзу қиларди. Вақти-вақти билан “гўёки тўғри келадиган” эркаклар учраб қолар, бироқ одатда улар отасининг танишлари, майда сиёсий арбоблар ёки жамиятда ўзидан баланд бўлмаган маҳаллий қонун чиқарувчи органларнинг аъзолари бўлиб, қизнинг уларга қизиқиши тезда йўқолиб, бу эркаклар дарров жонига тега бошларди. Кекса Батлер асл юқори табақадан бўлганлардан ҳеч кимни танимасди. Бироқ жаноб Каупервуд... У жуда кучли, назокатли ва ўзини тута биладигандек туюларди. Каупервуд хонимга қараб туриб Эйлин кўпинча, бу аёл роса бахтли бўлса керак деб ўйларди.

**З**аём билан бўлган операциядан сўнг “Каупервуд энд Компани” фирмасининг раҳбари бўлган Фрэнк Каупервуднинг мартабаси ошиши охир-оқибат маънавий, молиявий ва бошқа кўп масалаларда унга катта таъсир килган одам билан учрашувига олиб келди. Бу бошқа бировларнинг қўлида ўйинчоқ бўлган, айнан ўз иродасизлиги сабаб муҳим шахсга айланган, шаҳарнинг янги ғазначиси Жорж Стинер эди. Бу ўринга ўтгунига қадар жаноб Стинер кўчмас мулклар сотиш бўйича комисионер ва майда суғурта агенти бўлиб ишларди. Бу турдаги ҳеч узоқни кўра билмайдиган, ақли ҳам жуда кучли эмас, ташаббускор бўлмаган, ҳеч қандай иктидори ҳам йўқ бундай кимсалар ҳар қадамда минглаб учрайди. Бутун ҳаёти давомида у бирорта ҳам янги фикр айтмаган. Тўғри, ҳеч ким уни ёмон одам деб айтолмасди. Ташқи кўринишидан у қандайдир зерикарли, тунд кўринар, бироқ бунинг сабаби фақат сирти эмас, ички дунёси ҳам эди. Ҳаворанг-кулранг, доим сувланиб турадиган кўзлар, сийрак сариқ сочи, юпка, ҳиссиз лаблар.

Стинернинг бўйи баландгина бўлиб, деярли олти фут чикар, елкадор, бироқ қандайдир кўполроқ эди. Унинг бироз букчайиб юриш одати бўлиб, салгина қорин ҳам қўйганди. Унинг нутқи одатда газеталардаги ва калтабин гаплардан, тижоратдаги ғийбатлардан иборат эди. Танишлари ва қўни-қўшнилари унга ёмон муносабатда эмасди. Уни виждонли ва кўнгилчан деб ҳисоблашарди, аслида ўзи шундай ҳам эди. Унинг хотини ва

## Теодор Драйзер

тўртта боласи ҳам одатда шундай одамларнинг хотини ва болалари каби эди.

Бироқ шуларнинг барига қарамай – сиёсий нуқтаи назардан, айнан шу, ярим асрдан бери Филадельфияда тажриба қилиниб келинаётган маълум сиёсий усуллар сабаб Жорж Стинер вақтинча халқнинг диққат марказида бўлиб қолганди. Биринчидан, Жорж Стинернинг қарашлари ҳукмрон партия қарашлари билан бир хил эди; шаҳар кенгаши аъзолари ва Стинернинг округидаги корчалонлар уни вафодор, бунинг устига, сайловолди кампанияси пайтида овоз йиғишда жуда фойдали бўлган одам сифатида билишарди. Иккинчидан, у нотик сифатида ҳеч нарсага арзимаса-да – чунки у ўзича бирорта ҳам фикр айта олмасди, уни баққоллар, темирчи ёки қассобларнинг кайфиятларини билиш учун юбориш мумкин эди: у ҳамма билан дўстлашиб кета олар ва натижада сайлов натижалари ҳақида аниқ бир хулосани айтиши мумкин эди. Бундан ташқари, унга бир нечта сийқаси чиққан “Республика партияси (эндигина ташкил топган, бироқ аллақачон Филадельфия ҳукумати тепасида турган партия) сизнинг овозингизга муҳтож, штатга бу муттаҳам-демократлар раҳбарлик қилишига йўл қўйиб бўлмайди” каби иборани “ўргатиб қўйиш” мумкин эди, у ҳар куни мана шу жумлалардан фойдаланарди. Нега йўл қўйиб бўлмаслигини Стинернинг ўзи ҳам тушунтириб бера олмасди. Улар кулчиликни ҳимоя қилишади. Улар савдосотиқ озодлиги учун курашишади. Бунинг эса Филадельфия шаҳри ижро ва молия органларига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ҳеч қачон унинг хаёлига ҳам келмасди. Бу ишларда демократлар айбдорми, айбдор эмасми – бундан нима ўзгарарди?

У пайтларда шаҳарнинг сиёсий тақдирини Кўшма Штатлар сенатори Марк Симпсон деган одам, Кўшма Штатлар сенатори Эдвард Мэлиа Батлер ва кўмир сотувчи бой савдогар ҳамда молия дунёсидаги корчалонлардан бири Хенри Молленхауэрлар бошқарарди. Уларнинг бутун

бир айғокчилар штати, югурдаклари, гап ташувчилари ва ўзи қўйган “кўғирчок”лари бор эди. Стинер ҳам шу одамлар сирасидан бўлиб, сиёсий фитналарнинг овозсиз ишлайдиган машиналаридаги кичкинагина ғилдирак эди, холос.

Бу каби одам бошқа шаҳарда ғазначи бўла олиши амри маҳол эди, бироқ Филадельфия аҳолиси ўзларининг кундалик ишларидан бошқа ҳамма нарсага беларво қараш билан ажралиб турарди. Аҳолининг катта қисмида, баъзи истисноларни олмаганда, сиёсий қараш деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Сиёсат бутунлай нияти бузук ишбилармонлар қўлига бериб қўйилганди. Мансаблар кўрсатган хизматлари учун у ёки бу шахслар, у ёки бу гуруҳлар ўртасида таксимланарди. Бундай “сиёсат” қандай тугадини ким биларди дейсиз!

Хуллас, вақт ўтиши билан аввалига муниципалитет аъзоси, кейин ўз округининг корчалонларидан бири ва ниҳоят, муниципалитет раиси, шахсий ҳаётда эса тош кони ва ғишт заводининг эгаси бўлган Эдвард Стробикнинг кўзи олдида Жорж Стинер муҳим шахсга айлана борди. Стробикнинг ўзи эса бу сиёсий раҳнамоларнинг энг ашаддий ва кучлиси бўлган Ҳенри Молленхауэрнинг югурдаги эди. Молленхауэр муниципалитетдан ўзи учун нимадир ундирмоқчи бўлса, Стробик унинг учун ишончли қурол бўлиб хизмат қиларди. Молленхауэрнинг кўрсатмасига биноан Стинер муниципалитетга сайланган, кимга овоз бериш буюрилса, сўзсиз ўшанга овоз берадиган бўлгани учун уни йўллар бошқармасига бошлиқ ёрдамчиси этиб қўйишганди. Бу ерда у Эдвард Мэлиа Батлернинг назарига тушди ва унга майда-чуйдаларда ёрдам бериб юрди. Бироз вақт ўтиб эса Батлер бошчилигидаги республика партияси сиёсий қўмитаси шаҳар ғазначиси ўрнига юмшоқ табиатли, гапга қулоқ тутадиган ва айни пайтда содиқ одам керак, деб топди ва шундай қилиб Стинернинг номи сайлов бюллетени рўйхатига тушиб қолди.

## Теодор Драйзер

Жорж Стинер ҳисобчи сифатида кучли бўлса-да, молия масалаларида анча оксарди; бироқ ҳамма нарсага қодир бўлган триумвират қўлидаги қурол бўлган юрисконсулт Риган истаган пайтда унга фойдали маслаҳат бера олмайдими? Албатта, беради.

Шундай қилиб, Стинернинг номзодини ўтказиш кийин кечмади. Номзодлар рўйхатиغا тушишнинг ўзиёқ сайланиш билан тенг эди. Ва Филадельфияга авваламбор ҳаққоний бошқарув кераклиги ҳақида бир неча ҳафта давомида саёз гаплар билан чиқиш қилганидан сўнг Стинерни расмий равишда юқоридаги лавозимга тасдиқлашди. Шу билан иш битди.

Агар Филадельфия, ўша пайтда бошқа бирор шаҳарда бўлгани каби молия тизими ёки тўғрироғи, бундай тизимнинг ўзи йўқлигидан азоб чекмаётган бўлганида, Жорж Стинернинг бошқарувчилик ва молия масалаларидаги қобилияти бу ўринга қанчалик мос келиш-келмаслигида аҳамиятсиз бўларди. Гап шундаки, солиқ бошқармаси ва ғазначисига шаҳарга тегишли бўлган мулкни шаҳардан ташқаридаги сейфларда сақлаш ҳуқуқи бериларди, айтиб пайтда эса бу пуллар шаҳарга фойда олиб келиши кераклигини улардан ҳеч ким талаб ҳам қилмасди. Айтиб ўтилган юқоридаги шахсларга улар бу жойдан кетган тақдирларида, фақат асосий капитални қайтариш мажбурияти юкланарди. Шу йўл билан тўпланган ёки бошқа бир манбадан олинган маблағлар шаҳар ғазначилигида сақланиши кераклиги ҳеч қаерда қайд этилмаганди. Бу пулларни қўпайтиришга сарф қилиш, банкларга депозитга қўйиш ёки шахсий корхоналарни таъминлаш учун ишлатиш мумкин бўлиб, фақат асосий капитал қайтарилса кифоя эди. Албатта, бундай молиявий сиёсат расман тасдиқланмаган, бироқ бу ҳақда ҳамма сиёсий гуруҳлар, матбуот ва йирик финансистлар ҳам билишарди. Бунга нуқта қўйишга қандай эришиш мумкин эди?

Эдвард Мэлия Батлер билан иш борасида ҳамкорлик қила бошлаган Каупервуд беихтиёр ва ўзи англамаган ҳолда ножўя, тубан ишларга аралашиб қолганди. Етти йил бурун “Тай энд Компани” идорасидан кета туриб, у ўзига ортиқ биржа ўйинларида қатнашмасликка сўз берганди. Эндиликда эса у яна шу ишга – фақат олдингидан ҳам кизғинроқ берилган, чунки у энди ўзи учун эмас, “Каупервуд энд Компани” учун ишлар ва ўзининг янги миждозлари – хизматига борган сари кўпроқ мурожаат қилаётганларнинг талабларини қондириш истагида ёнарди. Бу одамларнинг ҳаммасида, оз бўлса-да, пуллари бор эди. Уларнинг бари пинҳона ахборотларга эга бўлиб, улар Каупервуднинг номи кўплаб сиёсат арбобларига маълумлиги ва ишонса бўладиган одам бўлгани учун унга гаровга у ёки бу акцияларни сотиб олишни топширишарди. Ҳа, у чиндан ҳам шундай эди. Шу пайтга қадар у биржада чайқовчилик қилмаган ва ўз ҳисобига ўйнамаганди. У ҳатто кўп ҳолларда шу йиллар давомида ўз олдига қўйган қоида – бировларнинг вазифаларинигина бажариш билан қатъий чекланиб, бирор марта ҳам биржада ўз номидан чиқмагани учун ўзини овутиб келарди. Мана энди, унинг олдига аслида биржа ўйинидан ҳеч фарқи бўлмаса-да, бироқ бир хил бўлмаган таклиф билан Жорж Стинернинг ўзи келибди.

Шу ерда изоҳлаб кетиш лозимки, Фуқаролар урушидан анча бурун ва уруш даврида Филадельфия ғазнасида нақд маблағ бўлмаган пайтда шаҳар мажбуриятлари деб аталадиган, бошқачасига йилига олти фоиз ҳисобидан, муддати баъзан бир ойда, баъзан уч, баъзан олти ойда тугайдиган векселларни чиқариш йўлга қўйилганди. Векселларнинг муддати маблағнинг миқдори ва газначининг фикрича, шаҳар мажбуриятларни қачон сотиб олиб, уларни ёпишига боғлиқ бўлиб, бу майда савдогарлар ва йирик пудратчилар билан ҳисоб-китоб қилишнинг одатдаги усули эди. Бироқ шаҳар идораларини таъминловчиларга

## Теодор Драйзер

нақд пул керак бўлиб қолган тақдирда йирик пудратчилар кутиш ва белгиланган муддат ўтгунига қадар ушлаб туриш имкониятлари бўлган ҳолда одатда бу векселларни юзига тўқсондан ҳисоблашни кўзда тутишлари керак бўларди. Албатта, бу турдаги тизим майда савдогарлар учун зиён келтирса-да, йирик пудратчилар ва банкир идоралари учун фойдали эди, чунки шаҳар бу мажбуриятлар бўйича ўз вақтида тўлашига шубҳа бўлиши мумкин эмасди, уларнинг мутлақ ишончли тарзда йилига олти фоизи энг яхши тақлиф эди. Банклар ва даллоллар агар кутиб туришга имкониятлари бўлса, майда савдогарлардан бир долларга тўқсон цент ҳисобида мажбуриятларни сотиб олиб, охир-оқибат катта фойда қилар эдилар.

Шаҳар ғазначиси аввалига ўз ватандошларидан кимнидир зиёнга киритгиси келмади – эҳтимол, ўша пайтда ғазначиликда чиндан ҳам тўлаш учун нақд пул бўлмаган. Бироқ кейин бу мажбуриятларнинг чиқарилиши ўзини оқламади, чунки шаҳар хўжалигини тежамлироқ олиб бориш мумкин эди. Бироқ бу пайтга келиб мажбуриятлар – бунини бемалол тасаввур қилиш мумкин – маклерлик идоралари, банкирлар ва йирик чайқовчилар учун катта фойда олиш манбаига айланиб қолганди ва шунинг учун шаҳар молия сиёсати уларнинг чиқарилишини албатта кўзда тутарди. Бироқ бу нарсанинг орқа томони ҳам бор эди. Вужудга келган шароитдан фойдаланиш учун қўлида мажбурият бўлган йирик банкирнинг “ўз одами” ҳам бўлиши керак эди, яъни у шаҳарнинг сиёсатдон корчалонлари билан яхши муносабатда бўлиши талаб қилинарди. Акс ҳолда, у нақд пулга муҳтож бўлиб, ўз мажбуриятлари билан шаҳар ғазначисининг олдига келганида, ҳисоб-китоб қилишнинг имкони бўлмай қоларди. Бироқ у мажбуриятларни ҳукмронлик қилаётган нияти бузуқ бирор банкир ёки маклерга берса, унда бошқа гап! Шаҳар ғазначилиги уларни тўлаш учун дарров маблағ топа оларди. Ёки агар, албатта, “ўзига тегишли” маклер

ёки банкир бунга рози бўлса, уч ойга берилган ва сотиб олинishi керак бўлган векселларнинг муддати яна кўп йилларга чўзилар ва улар бўйича илгаригидек йилига олти фоиз тўланарди.

Шаҳар кассасининг сирли ва жинойий равишда талон-торож қилиниши шундай давом этарди. “Пул йўқ!” – бу формула ҳамма фирибгарликларни яшириб турарди. Кенг омма ҳеч нарса билмасди. Қаердан ҳам билсин? Газеталарнинг кўплари ҳукмронлик қилаётган корчалонлар қўлида бўлгани учун етарлича зийракликни намоён қилишмасди. Қай даражада бўлса ҳам сиёсий нуфузи бор одамлар орасида бу сунистеъмом қилишларга қарши курашувчилар чикмаётганди. Уруш даврида шаҳар мажбуриятларининг йилига олти фоизли қопланмаган умумий қиймати икки миллиондан ошиб кетиб, жанжал чиқиши эҳтимоли юзага келди. Бундан ташқари, омонатчилардан баъзилари пулларини қайтаришларини талаб қила бошлашди. Ва ана шу муддати ўтган қарздорликни қоплаш ҳамда “ёпиқ қозон ёпиқлигича қолиши” учун шаҳар маъмурияти номинали юз доллар бўлган фоизли сертификатлар кўринишидаги қарийб икки миллионлик (маблагнинг аниқ суммаси талаб қилинмасди) заём чиқаришга қарор қилди, бу сертификатларни қисмларга бўлиб, олти ойдан кейин, ўн икки ва ўн саккиз ойдан кейин сотиб олиш мумкин бўларди. Сотиб олиш учун амортизация фонди ажратилган сертификатлар очик савдога қўйган, улардан тушган пулларга эса муддати аллақачон ўтиб кетган ва сўнгги пайтларда ҳар хил ғийбатларга сабаб бўлган мажбуриятларни сотиб олиш кўзда тутилганди.

Бу комбинациядан мақсад биридан олиб иккинчисига тўлаш экани очик-ойдин кўриниб турарди. Аслида эса муддати ўтган мажбуриятларни пул тўлаб қайтариб олиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Асосий режа ўша гуруҳдаги финансистларнинг ўзлари шаҳар ғаз-



## Теодор Драйзер

насини талон-торож қила олишларига қаратилганди: сертификатлар “керак одамларга” шаҳарнинг қарзини тўлашга лаёқати пастлигидан улар очик бозорда кетмаслигини рўқач қилиб, юзи тўқсон доллардан ва ҳатто ундан арзонроққа сотилаётганди. Қисман шундай ҳам эди. Уруш эндигина тугаган, пулнинг кадри баланд эди. Капиталистлар, агар уларга шаҳар заёми сертификатлари тўқсон доллардан берилмаса, қаердан бўлса ҳам юқори фоиз олишлари мумкин эди. Бироқ шаҳар маъмурияти билан боғлиқ бўлмаган ва унинг фаолиятига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладиган бир гуруҳ сиёсатдонлар ва бир қатор газета ва сиёсатдан йироқ турадиган баъзи финансистлар мамлакатдаги ватанпарварлик туйғулари таъсири остида заёмни ўз номиал қийматида тарқатишни талаб қилишаётганди. Шунинг учун ҳам уни чиқариш тўғрисидаги қарорга керакли пункт қўшишга тўғри келди.

Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, бу ҳолат сиёсатчилар ва молия вакилларининг заём облигацияларини тўқсон доллардан олишга умид қилиб тузган махфий келишувларини йўққа чиқарарди. Энди улар қандай қилиб бўлса ҳам шаҳарнинг муддати ўтиб кетган мажбуриятларида ушланиб қолган ўз пулларини чиқариб олишлари керак эди. Биргина йўл – биржанинг ҳамма сир-асрорини тушунадиган маклер топиш лозим бўларди. Бу маклер янги шаҳар заёмини тарқатишда уни фойдали пул тикиш йўли деб кўрсатиб, ташқарида шу йўл билан сертификатларнинг донасини юз доллардан сотган бўларди. Келажакда заёмнинг нархи тушиб кетган тақдирда – шундай бўлиши турган гап эди – улар хоҳлаганларича сертификат сотиб олишлари ва қулай шароит туғилиши билан уларни шаҳарга ўз номинал нархида тўлашлари мумкин бўларди.

Айни шу пайтда шаҳар ғазначиси ўрнига ўтирган ва бундай мураккаб муаммони ечиш учун етарли кобилиятга эга бўлмаган Жорж Стинер жуда қаттиқ хавотирга тушиб қолди. Эски шаҳар сертификатларининг кўпи қўлида

бўлган ва энди уларни кўп нарсалар ваъда қилаётган Ғарб корхоналарига тикиш учун ўз пулларини олмоқчи бўлаётган Ҳенри Молленхауэр Стинер ва шаҳар мэрининг олдига келиб кетди. Симпсон ва Батлер билан бирга у ҳам “катта учлик” гуруҳи ичида эди.

– Мен бу муддати ўтган мажбуриятлар билан тўлган вазиятдан чиқиб кетиш вақти келди деб ҳисоблайман, – деди Молленхауэр. – Менда уларнинг жуда катта нарх турадиган сони тўпланиб қолган, бошқаларда ҳам шундай. Биз қачондан бери индамай шаҳарга ёрдам бериб келдик, бироқ энди ҳаракат қилиш керак. Жаноб Батлер ва жаноб Симпсонлар ҳам шу фикрда. Янги заёмнинг сертификатларини фонд биржасида айлантиришга қўйиб, шу йўл билан пулларни реализация қилса бўлмайдими? Уста маклер бўлса, уларни паритет бараваригача кўтара олган бўларди.

Жорж Стинер Молленхауэрнинг бу ташрифидан жуда хурсанд бўлиб кетганди. Молленхауэр одамлар орасида кўп кўринавермас ва агар шундай қиладиган бўлса, ўзини шунга яраша тутарди. У энди шаҳар мэриникида ҳам, шаҳар кенгаши раисиникида ҳам бўлиб, улар билан суҳбатда худди Стинер билан бўлгандек, ўзини жуда баланд тутарди. Ахир улар Молленхауэр учун шунчаки югурдак боладек эди-да!

Молленхауэрнинг нега Стинерга қизиқиб қолгани ва уникига ташрифи, ғазначининг бундан кейинги ҳаракатлари қандай катта аҳамиятга эгалигини тушуниб олиш учун озгина олдинги сиёсий шароитга назар солиш керак бўлади. Жорж Стинер қай бир даражада ўзининг малайи, ҳомийлиги остидаги одам бўлса-да, Молленхауэр уни яқиндан билмасди. Тўғри, у Стинерни илгари бир неча марта кўрган ва у ҳақида эшитган, яқинлари уни “ажойиб йигит”, ҳеч қачон айтилмаган нарсани қилмайди, ҳеч кимга зарари тегмайди, деб ишонтирганларидан кейингина уни номзодлар рўйхатига киритишга рози бўлганди. Мол-

## Теодор Драйзер

ленхауэр илгари бошқа маҳаллий бошқарувлар пайтида ҳам шаҳар ғазначиси билан алоқада бўлиб турар, бироқ бу ишни шунчалик эҳтиёткорлик билан қилардики, бундан ҳеч ким хабар топмасди. Бу одам сиёсат борасида ҳам, молия дунёсида ҳам кўзга кўринган шахс эди. Шунга қарамай, Батлер бўлмаса, Симпсон ўйлаб чиққан режа – сиёсат ва тижорат дунёсидаги сохта шахслар ёрдамида шаҳар ғазначилигидан секингина, ҳеч қандай жанжалларсиз иложи бор нарсанинг ҳаммасини суғуриб олиш режаси – уни сира хижолатга солмаганди.

Шундай қилиб, биз ҳозир тасвирлаётган воқеалардан бир неча йил бурун шу мақсадда шаҳар кенгаши раиси Эдвард Стробик, ўша пайтдаги шаҳар мэри Эйса Конклин, муниципалитет аъзолари – Томас Уайкрофт, Жейкоб Хармон ва бошқа кўплаб одамлардан иборат алоҳида агентура ташкил қилинганди. Бу одамлар ҳар хил сохта номлар остида шаҳар хўжалиги учун керак бўладиган ҳамма нарса: тахталар, тош, темир, пўлат, цемент ва бошқа нарсалар билан савдо қиладиган – бу қалбаки номлар ортида турганлар учун албатта катта фойда келтирадиган бир қатор фирмалар ташкил қилишганди. Бу фирмалар шаҳарни виждонли ва ҳалол таъминотчилар қидириш муаммосидан озод қилганди.

Каупервуд ҳақидаги ҳикоямизнинг давоми шу “фирмалар”нинг камида учтаси билан боғлиқ бўлгани учун уларнинг фаолияти ҳақида қисқагина тўхталиш керак бўлади. Уларни Молленхауэрнинг ишчан гумашталаридан бири бўлган Эдвард Стробик бошқарарди. У ўттиз беш ёшлардаги озғиндан келган, соч-кўзи қора, мўйловли эркак эди. У олифтагарчилик билан жимжимадор кийнардди – йўл-йўл шим, оппоқ жилет, қора визитка ва ипак цилиндр. Ўта қийкириқ фасондаги безакли ботинкаси доим ялтирагудек тоза бўларди. Ўта озодалиги учун унга “олифта” деб лақаб қўйишганди. Шунга қарамай, бу одам яхшигина иқтидорли бўлиб, кўплар яхши кўрарди.

Ҳамкасблари жаноб Томас ва Хармонларнинг ташқи кўриниши унингчалик хушбичим ва ярақлаган эмасди. Жамоат ичида ҳаммани зериктириб қўядиган Хармон молия масалаларини яхши тушунарди. Узун бўйли ва сарикдан келган, кўзлари жигарранг, кўринишидан дилгирликка мойил бўлган бу одам ўзига яраша ақлли бўлиб, унча катта бўлмаган қўламдаги ва жиноят кодекси нуқтаи назаридан хавфсиз бўлган исталган қаллобликни қилишга тайёр эди. У жуда ҳам айёр эмас, бироқ қандай йўл билан бўлса-да, юқори лавозимга интиларди.

Бу фойдали, лекин жуда ҳам обрўли бўлмаган триумвиратнинг охирги аъзоси Томас Уайкрофт баланд бўйли, қотмадан келган, кўкарган юзлари бужмайган ва кўзлари ичига ботиб кетган бўлиб, бечораҳол кўринишига қарамай, жуда ақлли эди. Касби аслида металл кукувчи бўлган бу одам худди Стинер каби сиёсий арбоблар сафига тасодифан кириб қолган, чунки ўзини фойдали қилиб кўрсата олганди. Қуйида энди айтиб ўтиладиган, Стробик бошчилик қиладиган триумвиратнинг ҳар хил ва ўзига хос ишларида иштирок этиб, у бироз мол-дунё тўплай олишга ҳам эришганди.

Молленхауэрнинг қўл остидагилар ташкил қилган фирмалар ҳали муниципалитетнинг эски таркиби бўлган пайтдаёқ гўшт, қурилиш материаллари, фонарь устунлари, шағал – хуллас, шаҳар хўжалигига керак бўладиган ҳамма нарса билан савдо қилишарди. Шаҳар томонидан топширилган пудратни йўқ қилиб бўлмайди, бироқ уни олиш учун аввал шаҳар ўз-ўзини бошқарув аъзоларидан кимларнингдир оғзини мойлаш зарур, бунинг учун эса пул керак. Молларни сўйиш ёки фонарь устунларини қуйиш билан фирманинг ўзи шуғулланиши шарт эмас. У фақат шу ишни ташкиллаштириши, савдо патентини олиши, шаҳар ўзини ўзи бошқарув идорасидан етказиб бериш учун пудрат олишлари (бу ҳақда, албатта, Стробик, Хармон ва Уайкрофтлар ғамхўрлик қилишади), кейин эса

## Теодор Драйзер

пудратни ўртада турган фирмага фойданинг келишилган қисмини ажратиб, етказиб берадиган кушхона ёки металл заводи раҳбарларига ишониб топширишлари мумкин. Ўз навбатида, бу улуш бўлинадиган ва қисман Молленхауэр ва Симпсонларга улар бошқарадиган сиёсий клуб ёки бошқармага ихтиёрий равишда қилинаётган хайр-эҳсон сифатида тақдим этилади.

Бу ишларнинг ҳаммаси оддийгина ва маълум даражада қонуний қилиб бажариларди. Кушхона ёки металл заводининг эгалари ўзлари пудратга эриша олишлари мумкинлиги тўғрисида орзу ҳам қила олмасди. Айни пайтда шаҳар кассасига раҳбарлик қилаётган ва кушхона ёки металл заводи эгасига керакли зарур миқдордаги пулларни етказиб бериш ёки пудратни бажаришни таъминлаш учун фоиз ҳисобига қарзга пул берадиган Стинерми ёки бошқа бировми, нафақат ўз чўнтагига соладиган бир-икки фоизни (ундан олдингилар ҳам шундай қилишарди), балки фойдадан ҳам яхшигина улушини олишарди. Стинерга ёрдамчи қилиб мўмингина ва сир сақлай оладиган “ўз одамларини” тавсия қилишганди. Стробик, Хармон ва Уайкрофтлар Молленхауэр учун ишлаб, вақти-вақти билан шаҳар маблағидан ажратилган пулларни лозим бўлмаган жойга сарфлашларининг ғазначи учун иссиғ-совуғи йўқ эди. Унинг вазифаси уларга пул қарз бериш эди.

Нима бўлганда ҳам, ишлар давом этаётганди. Жорж Стинер шаҳар ғазначилигига номзодликка мўлжалланганидан анча илгарироқ унинг шу мансабга ўтиришига кафил бўлган одамлардан бири Стробик (бу ўз-ўзидан қонунга хилоф эди, чунки Пенсильвания штати конституциясига кўра бирорта ҳам расмий шахс бошқасига кафил бўла олмасди) унга сайланишига қарашиб юборган одамлар ундан қонунга зид ҳеч нарса талаб қилмасликларини, бироқ у бу одамларнинг айтганларини қилиши, шаҳар бюджетининг ошириб юборилишига қаршилик кўрсатмаслиги, хуллас, ўзини боқаётган қўлни

тишламаслиги кераклигига шама қилиб қўйганди. Ва бундан ҳам тушунарлироқ қилиб, бу мансабга ўтириши билан унга ҳам нимадир тегишини билдиришганди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Стинер бир умр кашшокликда яшаганди. У суғурта ишлари ва қўчмас мулк олди-сотдиси бўйича агент бўла туриб, зўрға кун қўраётганда сиёсат билан шуғулланаётганлар моддий жиҳатдан ўсиб бораётганини кўриб турарди. Сиёсатдонларнинг малайи сифатида унинг зиммасига жуда оғир ишлар юкланганди. Бошқа сиёсий арбоблар шаҳарнинг янги ҳудудларида ажойиб уйлар сотиб олган, Нью-Йорк, Харрисберг ёки Вашингтонга дам олиб келишарди. Ёз фаслида улар ўз аёллари ёки жазманлари билан шаҳар ташқарисидаги меҳмонхоналарда ҳордиқ чиқаришар, унга эса омади чопган одамлар доирасига киришга ҳамон йўл йўқ эди. Табиийки, берилган ҳамма ваъдалар унга ёқди ва у ҳаракат қилаётганидан хурсанд эди. Ниҳоят у ҳам фаровон ҳаётга эришади!

Молленхауэр уникига келиб, шаҳар заёмлари сертификатлари курсини паритетгача кўтариш кераклиги тўғрисида гапирганида (Молленхауэрнинг Стробик ҳамда бошқалар орқали ғазначи билан бўлган муносабатларига бу суҳбатнинг тегишли жойи бўлмаса-да) Стинер хўжайиннинг буйруқ оҳангини эшитибок, ўзининг сиёсий лаганбардор эканига имзо қўйишга шошилди ва тўлиқроқ маълумот олиш учун Стробикнинг олдига югурди.

– Менинг ўрнимда сиз нима қилган бўлардингиз? – сўради у Молленхауэр ғазначининг олдига борганидан аллақачон хабар топган, бироқ унинг ўзи бу ҳақда гап очишини кутиб ўтирган Стробикдан. – Жаноб Молленхауэр заём биржада юришини ва паритетгача кўтарилишини, яъни сертификати юз доллардан кетиши тўғрисидаги истагини билдирди!

На Стробик, на Хармон ва на Уайкрофт очик бозорда тўқсон доллардан баҳоланадиган шаҳар заёмлари сер-

## Теодор Драйзер

тификатлари қандай қилиб биржада юз доллардан сотилишини билмасди, бироқ Молленхауэрнинг котиби Эбнер Сэнгстек Стробикка ёш Каупервуднинг олдига боришни маслаҳат берди: нима бўлганда ҳам Батлернинг ўзи у билан иш қилади, Молленхауэр эса, афтидан, ўзининг шахсий маклерини бу ишга тортишни хоҳламаётган экан, Каупервудга мурожаат қилиб кўрса бўлмайдими?

Фрэнк Каупервуд Жорж Стинернинг қабулига бориш тўғрисида таклиф олганининг сабаби ана шу эди. Ўзини Стинернинг хонасида кўрган ва унинг орқасида Молленхауэр ва Симпсонлар турганидан ҳали беҳабар бўлган Фрэнк бу ёноклари туртиб чиққан, оёғини ғалатирок босаётган одамни бир кўришдаёқ ғазначининг молия масалаларида ҳали ёш бола эканини тушунди. Эҳ, тўрт йилгина шу одамнинг маслаҳатчиси, ягона маслаҳатчиси бўла олса эди!

– Салом, жаноб Стинер!.. – деди Каупервуд Стинер унга қўлини чўзганида юмшоқ тилёғламалик билан. – Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман. Сиз ҳақингизда жуда кўп эшитганман.

Жорж Стинер Каупервудга қийинчилик нимада эканлиги тўғрисида эзмаланиб сўзлай бошлади. Гапни узоқдан бошлаб, дам ўтмай тутилиб, олдинда турган қийинчиликлардан кўрқиб кетаётганини тушунтирди.

– Тушунишимча, асосий вазифа шуки, бу сертификатларнинг нархини оширишга эришиш керак. Мен уларни истаган партиядан ва сиз истаганчалик тез муддатда босиб чиқаришим мумкин. Айни пайтда икки юз минг долларли қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга етарли суммани чиқариб олишни хоҳлайман.

Каупервуд ўзини аслида ҳеч қандай касаллиги йўқ, бироқ катта ҳақ эвазига уни эшитиб, тинчлантиришларини хоҳлаётган беморни тинглаётган шифокордек хис этаётганди. Фонд биржасининг найранглари унга таниш эди. У заёмларни сотиш таг-туғи билан унинг қўлига

ўтса, шаҳар учун ҳаракат қилаётганини сир саклай олса ва ниҳоят, Стинер унинг биржада “буқа” ролида ҳаракат қилишига йўл қўя олса, яъни амортизация фонди учун сертификатларни сотиб олиб, шу пайтнинг ўзида курс кўтарилиши билан эплаб сота олса, у ҳолда энг йирик чиқаришларда ҳам зўр натижаларга эриша олишини жуда яхши биларди. Бироқ у якка ҳолда ҳаракат қилиб, ўз одамларига эга бўлиши керак...

Каупервуднинг миясида эҳтиётсиз биржа корчалонларини қандай қилиб нархни пасайтиришга ўйнашга мажбурлаш режаси туғила бошлади: фақат уларни бу заёмларнинг сертификатлари муомалада исталганича борлиги ва агар улар хоҳлашса, сотиб олишга улгуришлари мумкинлигига ишонттира олса бўлди. Кейин эса улар тушуниб қолишади ва ҳамма сертификатлар Каупервуднинг қўлида эканлигини, уларни олишнинг иложи йўқлигини кўришади! Бироқ у ўз сирини дарров очмайди. Йўқ, ҳеч қанақасига! У сертификатларнинг нархини паритетгача кўтаради, кейин эса уларни сотувга қўяди. Ана ўшанда бу иш орқали пулни супуриб олади!

Каупервуд бу ишларнинг орқасида шаҳар сиёсатининг корчалонлари, Стинернинг ортида эса анча ақлли ва катта аҳамиятга эга бўлган одамлар туришганини жуда яхши тушунадиган даражада ақлли эди. Бироқ нима бўпти? Улар Стинер орқали мурожаат қилиб, қанчалик эҳтиёткорона ва айёрлик билан ҳаракат қилишибди! Балки маҳаллий сиёсатчилар даврасида Каупервуднинг номига эътибор орта бошлагандир?! Бу эса келажакда унга кўп нарсада ёрдам беради.

– Жаноб Стинер, гап бундай, – деди у ғазначининг гапларини эшитиб ва у яқин йилларда шаҳар заёмининг қанча қисмини сотишни хоҳлаётганини билгач. – Мен бу ишни бажаришга бажонидил рози бўламан. Бироқ буларнинг ҳаммасини ўйлаб кўриш учун менга бир-икки кун керак бўлади.



## Теодор Драйзер

– Албатга, албатга, жаноб Каупервуд, – жавоб берди дарҳол жаноб Стинер. – Шошиладиган жойи йўқ. Фақат бирор қарорга келишингиз билан менга маълум қилинг. Айтганча, сиз қанча комиссия оласиз?

– Жаноб Стинер, биласизми, фонд биржасида биз – маклерлар риюя қилишимиз керак бўлган маълум ставкалар бор. Бу – облигация ёки мажбуриятларнинг номинал қийматининг тўрт фоизи. Тўғри, мен қатор қалбаки битимлар тузишим керак бўлади (қандай битим эканини сизга кейинроқ тушунтириб бераман), бироқ бу гаплар иккимизнинг орамизда қоладиган бўлса, сиздан ҳеч нарса олмайман. Жаноб Стинер, сиз учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан, бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Бироқ бир-икки кун ўйлаб олишимга рухсат берсангиз.

Улар қўл сиқишиб, хайрлашишди: Каупервуд – олдида йирик молиявий операция турганидан мамнун, Стинер эса ишонса бўладиган одам топилганидан хурсанд эди.

**Б**ир неча кунлик ички муҳокамалардан сўнг бир тўхтамга келди. Каупервуд ишлаб чиққан режа тижорат ва молиявий комбинацияларда ниманидир фарқлай оладиган одам учун тушунарли бўлиб, тушунмаган одамга эса қоронғилигича қоладиган иш эди. Ғазначи авваламбор шаҳар маблағини Каупервуднинг конторасига депозитга қўйиши керак бўларди. Шундан сўнг унинг ихтиёрига ёки ўз китоблари бўйича у истаган пайтда олиши мумкин бўлган кредит қўйиш билан шаҳар заёми сертификатларининг маълум бир партиясини, масалан, бошланишига икки юз минг доллар ўтказиши керак. Чунки айнан шунча маблағни тезроқ сотиш мақсадга мувофиқ бўлиб, шундан сўнг Каупервуд бу сертификатларни сотувга қўйиб, уларни паритетгача кўтариш чорасини кўриши керак бўларди. Бу ҳолда шаҳар ғазначиси уларни биржадаги нархлар рўйхатига киритишни сўраб, фонд биржаси қўмитасига расмий илтимос билан мурожаат қилади. Каупервуд эса бу илтимосни кўриб чиқишни тезлаштиради.

Керакли рухсат олингандан сўнг Стинер Каупервуд орқали, фақат Каупервуд билан барча шаҳар заёми сертификатларини сотади. Кейин эса Стинер амортизация фонди учун Каупервуд қанча лозим топса, шунча сертификат (гўёки уларнинг нархини паритетгача кўтариш учун) сотиб олишига рухсат беради. Бунга эришиш учун (заём сертификатларининг маълум бир сони муомалага чиқарилгандан сўнг) балки яна уларни кўп партиядо сотиб

## Теодор Драйзер

олиш ва биров вақт ўтиб яна сотувга қўйиш керак бўлиб қолиши мумкин. Сертификатларни фақат номинал бўйича сотиш кўрсатилган қонунга озгина аҳамият бермасликка тўғри келади, бу дегани сертификатлар паритетгача кўтарилмагунча сохта ва олдиндан келишилган битимлар ҳисобга ўтмайди.

Каупервуд бундай режанинг анча афзалликлари борлигини Стинерга сездириб қўйди. Охир-оқибат сертификатлар ҳар қанақасига паритетгача кўтарилишини ҳисобга олиб, ҳамма қатори Стинерга ҳам уларни заёмлар сотувининг бошида арзонга харид қилиш ва нархи ошгунча ушлаб туришга ҳеч ким халал бермайди. Каупервуд ҳар ойнинг охирида ўзи билан ҳисоб-китоб қилиш шарти асосида бажонидил Стинер номига кредит очади. Бу ҳолда эса ҳеч ким ундан сертификатларни чиндан ҳам сотиб олишни талаб қилмайди. Каупервуд маълум бир маржа ҳисобига Стинернинг ҳисоб-китобини масалан, ўнта пунктгача олиб боради ва Стинер пуллар унинг чўнтагида, деб ҳисоблаши мумкин. Ва бу амортизация фонди учун сертификатларни жуда арзон нархда сотиб олиш мумкинлигини айтмаса ҳам бўлади, чунки Каупервуд заёмларнинг асосий ва захира чиқарилишини тасарруф этган ҳолда, сотиб олишга қарор қилган пайтда уларнинг ўзи истаган миқдорини бозорга ташлайди ва бу билан биржага босим ўткази. Кейинчалик эса балки нархлар кўтарила бошласа ҳам керак. Агар биржада ўз-ўзидан кўтарилиш ва пасайишга олиб келадиган заёмларнинг чиқарилишини узмай қўлида ушлаб тура олса, охир-оқибат шаҳар ўзининг бутун альпари заёмларини сотишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, бунинг устига, бундай сунъий тебранишлар ҳисобига яхшигина “соққа” ишлаб олиш имкони бор. Каупервуд айнан шу йўл билан фойда олишга катта умид қилаётганди. У чиндан ҳам альпари<sup>1</sup> заём

---

<sup>1</sup> Қимматли қоғоз ёки валюта айрибошлаш курсининг номинал қийматига мос келишини англатувчи атама.

сертификатларини сотиш бўйича қилган келишувлари учун шаҳар уни оддий ширинкома билан тақдирлайди (бу биржа кўмитаси билан тушунмовчиликлар чиқмаслиги учун керак). Бошқа нарсалар, масалан, бир неча марта қилинишига тўғри келадиган сохта келишувлар масаласида у биржа ўйинларини билишига ишониб, қилган меҳнати учун ўзини ўзи тақдирлай олишига ишонади. Агар Стинер Каупервуднинг биржа найрангларида шерикчилик қиладиган бўлса, у жуда хурсанд бўлади.

Тушунмаган одамга коронғи бўлган бу комбинация тажрибали биржачилар учун очиқ-ойдин кўриниб турарди. Битта ёки бир гуруҳ одамларнинг назорати остида бўлган бойликлар ҳақида гап кетганда биржада азалий найранглар ишга солинарди. Бу комбинация кейинчалик “Ири”, “Стандард Оил”, “шакар”, “ун” ва бошқа акциялар билан бўлган комбинациялардан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмасди. Каупервуд хали янги биржа аъзоси бўлгандаёқ бу ишлар қандай қилинишини тушунганди. У Стинер билан биринчи марта учрашган пайтда йигирма саккизга кирганди. У билан охириги марта “ҳамкорлик қилганда” эса ўттиз тўрт ёшга тўлганди.

Кекса ва ёш Каупервудлар уйларининг қурилиши ҳамда “Каупервуд энд Компани” банкирлик контораси олд томонининг қайта қурилиши жуда жадал кетаётганди. Идоранинг олд томони қадимий Флоренция услубида ишланган бўлиб, тепага қараб ингичкалашиб кетган деразалар қўйилган, ажойиб ўймакор устунлар ва кўнғир мрамртош орасига жимжимадор нақшинкор эшик ўрнатилганди. Унча баланд бўлмаган, аммо бежирим эшикнинг ўртасига ёниб турган машъала кўтарган ингичка, нозик қўл мохирона зарб қилинганди. Элсуорт бундай қўлни қадимда Венецияда пул алмаштирадиган дўконларнинг пешлавҳаларида тасвирлашгани, бироқ ҳозирги пайтда бу рамзнинг илк маъноси эсдан чиқиб кетганини тушунтирди.

Бинонинг ичкари томони силлиқланган ёғочдан қи-

## Теодор Драйзер

линган бўлиб, ёгочнинг замбуруғи гуллар ҳосил қилганди. Дераза ойналари кўплаб чўзикроқ, узунчок, тўртбурчак ва думалоқ шишалардан иборат ва ялтираб турарди. Газ рожок (шоҳсимон найча)лари римликларнинг чироқларига ўхшатиб ясалган, сейф эса галати кўринса-да, безак вази-фасини ўтарди: у идоранинг ичкари қисмида мрамар таг-ликка ўрнатилган, лакланган кумуш-кулранг устига эса олтин билан “Каупервуд энд Компани” номи ўйиб ёзил-ганди. Жуда дид билан ишланган бутун бино бекиёс фа-ровонлик, улуғворлик ва ишончилиқдан дарак бериб ту-рарди.

Бино тайёр бўлганда Каупервуд уни кўздан кечириб, кўнгли тўлганидан Элсуортни мақтаб қўйди:

– Менга ёқди! Жуда чиройли! Бу ерда ишлашнинг ўзи роҳат! Агар уйимиз ҳам шундай чиқадиган бўлса, жуда зўр бўларди!

– Мақташга шошилманг, улар ҳали битгани йўқ! Аммо жаноб Каупервуд, сизга ёқса керак деб ўйлайман. Уйингизнинг ўлчами унча катта бўлмагани учун бош қотиришимга тўғри келди. Отангизнинг уйи эса осонроқ битяпти. Лекин сизники...

Элсуорт шу сўзлар билан йигитга бинодаги вестибюль, катта ва кичик меҳмонхоналар кенг ва улкан кўриниши учун нималар қилганини айта кетди.

Қурилиш тугаганида, чиндан ҳам ҳар икки уй жуда чиройли, ён-атрофдаги хонадонлардан бутунлай фарқ қилиши маълум бўлди. Хонадонларни эни йигирма фут бўлган яшил ўтлоқ ажратиб турарди. Архитектор тю-дорлар мактабидан анчагина нарса олган, кейинчалик Филадельфия ва бошқа Америка шаҳарларидаги кўпгина хонадонларни ажратиб турган жимжимадорликдан қоч-ганди. Айниқса, паст ва кенг равоқларда жойлашган эшик-лар ва биттаси Фрэнкнинг иккинчи қаватига ва иккитаси ота уйининг олд қисмига ўрнатилган учта ғайриоддий шаклдаги шиша фонар жуда чиройли чикқанди.

Ҳар иккала уйнинг олди тарафидаги биринчи қаватида ташки девордан чикиб турган чуқур ўйиқли тоқчасимон деразалар бўлиб, улар кўча томондан пастгина нақшинкор панжара билан ҳимояланганди. Панжараларга чирмашиб ўсадиган гулларни қўйиш мумкин бўлар, кейинчалик худди шундай қилинганди ҳам ва яшилга бурканиб турган ойналар кўча томондан жуда ёқимли кўринарди. Тоқча ортига Каупервудлар стуллар қўйишди.

Иккала уйнинг пастки қаватида қарама-қарши жойлашган қишки боғ ҳам бор эди. Умумий ҳовлининг ўртасида эса диаметри саккиз фут бўлган оқ мрамрдан ишланган фаввора, ўртасида эса севги маъбудининг ҳайкалчаси бўлиб, ундан жилдираб сув оқиб турарди. Атрофи туйнукли баланд гранит рангидаги ғиштли девор билан ўралган ва усти оқ мрамр билан безатилган ҳовлининг ҳамма ёғига бахмалдек майин ям-яшил майса экилган бўлиб, юмшоқ гиламга ўхшаб турарди. Бошидан режаланганидек, иккала уй ўзаро кишда ойна билан ўраб қўйиладиган яшил устунлардан иборат галерея билан боғланганди.

Элсуорт энди хоналарни ҳар хил даврларга оид услубда жиҳозлай бошлаган ва бу нарса келажакда Фрэнк Каупервуднинг бадий диди ўсишида катта роль ўйнаган, унинг буюк санъат дунёси ҳақидаги тасаввурини кенгайтирганди. Унинг Элсуорт билан архитектура ва жиҳозларнинг услублари, ёғоч турлари, нақшларнинг ишлатилиши, матоларнинг асллиги, парда ва дарпардалардан тўғри фойдаланиш, жиҳозлар устидан фанерлаш ва паркетларнинг турли кўринишлари тўғрисида қилган суҳбатлари ўзига жуда фойдали бўлганди.

Элсуорт архитектура билан бирга декорация санъатини ҳам ўрганган бўлиб, америка халқининг бадий диди масаласида кўп фикр юритарди. Унинг назарида бу дид вақтлар ўтиши билан ўзгариши керак эди. Ўша пайтда

## Теодор Драйзер

ҳаммага урф бўлган роман услубидаги дала ҳовлиларнинг катта иморатлар билан уйғунлашуви ёш архитекторнинг жонига текканди. Нимадир янгилик киритиш вақти келганди. Бу янгилик нима бўлишини унинг ўзи ҳам яхши билмасди, бироқ Каупервудлар учун лойиҳалаган уйи ажойиб, содда ва кўзни қувонтирадиган бўлиб чиққанидан жуда хурсанд эди. Шу сифатлари билан бу икки уй кўчадаги бошқа уйлардан яққол ажралиб турарди. Элсуортнинг режасига кўра Фрэнкнинг уйидаги пастки қаватда ошхона, зал, кишки боғ, буфет ҳамда асосий киравериш хонаси, ички зина ва унинг тагида гардероб хонаси жойлашган; иккинчи қаватда эса – кутубхона, катта ва кичик меҳмонхоналар, Каупервуднинг ишлайдиган хонаси, ҳожатхона ва ваннахона билан уланган Лилианнинг будуари жойлашганди.

Учинчи қаватда ажойиб жиҳозланган ваннахона ва гардероб хоналари билан бирга болалар хонаси, хизматкорлар ва меҳмонлар учун бир нечта хоналар бор эди.

Элсуорт Каупервудни энг нафис шакллардаги мебель, дарпарда, шкафлар, жавон, тумбочка ва турли роялларнинг эскизи билан таништирди. Улар биргаликда ёғочнинг кизил, ёнғок, инглиз қарағайи, “қуш кўзи” каби турлари ва уларни қайта ишлаш йўллари муҳокама қилишди. Элсуорт “буль” типидagi мебельни тайёрлаш жуда усталикни талаб қилиши ва уни Филадельфияда яшаш мақсадга мувофиқ эмаслигини тушунтирди: қадама нақшлар иссиқ ва намликда тоб ташлаб, ёрилиб кета бошларкан. Архитектор яна ёғочга қайта ишлов беришнинг баъзи турлари мураккаблиги ва қимматлиги ҳақида гапириб, Фрэнкка катта меҳмонхона учун олтин суви югуртирилган мебель, кичкинаси учун безакли газлама, емакхона ва кутубхона учун французча ренессанс, бошқа хоналар учун эса – қаердадир ҳаворангли, қаердадир табиий рангли “қуш кўзи” ва яна ўйма ёнғок ёғочидан жиҳоз яшашни таклиф қилди.

Элсуортнинг гапи бўйича, гулкоғоз ва гиламлар мебель матоси билан уйғунлашиши, бироқ ранги бир хил бўлиши керак эмас. Кичкина меҳмонхонадаги рояль ва нота шкафчаси ҳамда залдаги очиқ жавон, шкаф ва тумбалар (агар бу Фрэнкни нархи билан чўчитиб юбормаса!) “буль” ёки “маркетри” услубида ясалса, чиройли бўлади.

Элсуорт яна учбурчак рояль буюртма қилишни таклиф қилди, чунки тўртбурчак рояль одамнинг кайфиятига салбий таъсир қиларкан. Каупервуд унинг гапларини берилиб тингларди. Унинг кўзи олдида аллақачон шинам, савлатли уй намоён бўлаётганди. Элсуортнинг айтишича, расмлар, агар Фрэнк уларни сотиб олишни кўзда тутаётган бўлса, оғир ўйма зарҳал югуртирилган рамкаларга солиниши керак; агар Фрэнк бутун бир расмлар галереясини ташкил қилмоқчи бўлса, унинг тагига кутубхонани жойлаштириш мумкин, китобларни эса иккинчи қаватдаги кутубхона билан кичик меҳмонхона ўртасида жойлашган катта меҳмонхонага жойлаштира бўлади. Кейинчалик, Фрэнк чиндан ҳам рассомликка қизиқиб кетганда, у Элсуортнинг шу фикрини амалга оширди.

Шу пайдан бошлаб у санъат асарлари ва амалий санъат маҳсулотлари – расмлар, бронза, ўймакорлик ишларига жуда қизиқа бошлади ва янги уйининг шкафлари, тумбалари, столлар ва жавонларини шу нарсалар билан тўлдириб ташлади. Филадельфияда бундай нарсаларнинг асл нусхасини топиш жуда қийин эди, магазинларда эса улар бутунлай сотилмасди ҳам. Тўғри, кўпгина хонадонларда эгалари узоқ саёҳатлардан келтирган шу каби шахсий буюмлар тикилиб ётарди, бироқ ҳозирча Каупервуд шаҳарнинг “энг зўр оилалари” билан етарли даражада алоқада эмасди.

Ўша йилларда америкалик икки ҳайкалтарош – Пауэрс ва Хосмерлар машҳурлик чўққисида бўлиб, Фрэнкда уларнинг асарлари бор эди. Бироқ Элсуортнинг айтишича,



хайкалтарошлар жуда зўр эмас, у Фрэнкка бирорта қадимий хайкалнинг нухасини сотиб олишни маслаҳат берди. Каупервуд ниҳоят Торвальдсеннинг уни хайратга солган иши “Давиднинг калласи” ва қай бир даражада замонавийлик уфуриб турган Хэнт, Сюлли ва Хартларнинг бир нечта пейзажларини сотиб олишга муваффақ бўлди.

Бу турдаги уйнинг, албатта, ўз эгаларига ҳам нуқси уради. Биз ўзимизни яшаш жойларимиз ва буюмларимиздан ташқаридаги, ҳатто юқори турадиган шахс деб ҳисоблаймиз, бироқ ўртамизда шундай боғлиқлик борки, бунинг таъсирида нарсаларимиз худди биз уларни акс эттиргандек, бизни ўзларида акс эттиришади. Одамлар ва нарсалар бир-бирларига фазилатлари, нозик хислатлари ва кучларини ўзаро билдириб туради. Одамни ҳақли равишда унгагина тегишли бўлган, унинг учунгина хос нарсасидан айириб кўринг-чи, нима бўлади: кўз олдингизда на бахтли ва на бир омадсиз одам намоён бўлади; ҳамма ҳуқуқи ва унга тегишли нарсалар қайтарилмагунча худди инсиз ўргимчакка ўхшаб, ўзига кела олмайди.

Янги уйи қад кўтараётганига қараб Фрэнк ўзининг муҳим ўринга эгалигини яхши англаб борарди, шаҳар ғазначиси билан кутилмаганда ўрнатилган алоқалар эса унинг учун ланг очилган омад эшиклари каби эди. У шаҳар бўйлаб бир жуфт чопқир отда айланар, отларнинг ялтираб турган эгар-жабдуқлари отбоқар ва аравакашнинг ғамхўрлигидан дарак берарди. Элсуорт янги уйларнинг орқа томонидаги тор кўча томонга ҳар икки оила фойдаланиши учун кенг отхона ҳам қурдирганди. Фрэнк хотинига янги уйларига кўчиб ўтишлари билан унга “виктория” – ўша пайтларда очик ва пастак тўрт ғилдиракли экипаж шундай аталарди – сотиб олиб беришни ваъда қилганди: ахир улар энди меҳмондорчиликка кўп боришади. У яна танишларининг сафини кўпайтириш зарурлиги, шунинг учун энди кўп зиёфатлар уюштиришларини айтарди. Синглиси Анна ва укалари – Жозеф ҳамда Эдвардлар билан бирга зиёфатлар

чакиришганда, улар иккала уйдан фойдаланадиган бўлишди. Аннага муносиб куёв топилса-чи? Жо ва Эдлар ҳам ўзларига фойда келтирадиган жуфт топади, деб умид қилиш керак, чунки улар тижоратда кўп нарсага эришишлари даргумон. Лекин ҳар эҳтимолга қарши, уриниб кўришса бўлади.

– Сенга бу нарсалар унча маъқул эмасми? – сўради Фрэнк хотинидан зиёфатлар ҳақидаги гапдан сўнг.

Лилиан сал жилмайиб қўйди.

– Ўрганиб кетаман, – жавоб қилди кейин.

**Ш**аҳар ғазначиси Стинер ва Каупервудлар орасидаги битимдан сўнг мураккаб сиёсий-молия машинаси уларнинг режаларини амалга ошириш учун ишлай бошлади. Ўн йил давомида ёпилиши керак бўлган олти фоизли сертификатлардаги икки юз минг доллар шаҳар ўз-ўзини бошқариш идорасининг дафтаридаги ёзув бўйича “Каупервуд энд Компани” банк конторасининг ҳисобига ёзилганди. Каупервуд заёмларни тўқсон доллардан юқори нарх бўйича унча катта бўлмаган партиялар билан таклиф қила бошлади. Шу билан бирга, у капитални бундай жойлаштириш катта фойда келтиришига одамларни ҳар қанақасига ишонтиришга уринарди. Сертификатларнинг курси аста-секин ошиб бораётганди ва улар ниҳоят юз долларгача кўтарилгач, Фрэнк икки юз минг долларлик сертификатларнинг ҳаммасини катта миқдорда сотиб юборди. Стинер хурсанд эди. Ҳисобидаги донаси юз доллардан кетган икки юзта сертификат унга икки минг доллар фойда келтирганди. Бу ноқонуний, жиноий йўл билан топилган фойда эди, бироқ Стинернинг виждони азобланмаётганди. Унда виждон ўзи бормиди, ёки йўқ, бу ҳам номаълум эди. У бахтли келажак ҳақида орзу қиларди.

Каупервуднинг қўлида шундай кўзга кўринмас, бироқ бақувват куч яширинганини тасаввур қилиш қийин эди. Шу ўринда у эндигина йигирма тўққизга қадам қўйганини ҳам унутмаслик керак. Табиат томонидан иқтидор ато этилган ва акция, сертификат, облигациялар ва нақд пуллар кўринишидаги баҳайбат суммаларни мазза қилиб,

худди шахмат ёки шашка ўйнаётгандек бошқараётган одамни кўз олдингизга келтириб кўринг. Ундан ҳам яхшиси, шахмат ўйинининг ҳамма сирларидан хабардор, шахмат доскасига тескари ўтириб, бир вақтнинг ўзида ўн тўртта ракиби билан ўйнай оладиган, навбатма-навбат юриш эълон қиладиган, доскадаги ҳамма фигураларнинг ўрнини эслаб қолувчи ва албатта ғолиб бўлувчи шахмат устасини кўз олдингизга келтиринг. Албатта, Каупервуд у пайтлари унчалик кучли эмасди, бироқ унга нисбатан шундай ўхшатиш ўринли бўларди. Унинг ички сезгиси пулларни нима қилиш кераклигини айтиб турарди – у нақд пулларни бир жойда депозитга қўйса, бир вақтнинг ўзида улардан кредит учун ва айланмадаги чеклар учун база сифатида бошқа кўплаб жойларда фойдалана оларди. Натижада яхшилаб ўйлаб кетма-кетликда бажарилган шу каби операциялар натижасида у ихтиёрига келиб тушган дастлабки суммадан ўн ва йигирма баравар ортиққа сотишга қодир эди. Каупервуд нархларни ошириш ва тушириш ўйинининг тамойилларини беихтиёр ўзлаштириб олганди. У нафақат кундан-кунга, йилдан-йилга шаҳар сертификатларининг курсини пасайтириш ва ошириш (албатта, у шаҳар ғазначисига ўз таъсирини ўтказишни саклай олган тақдирдагина) йўлларини билар, балки бу заём ёрдамида банкларда илгари тушига ҳам кирмаган шундай кредитлар олиши мумкин эдики... Юзага келган шароитдан биринчи бўлиб отасининг банки фойдаланди ва Фрэнкнинг кредитини кенгайтди. Маҳаллий сиёсий корчалонлар ва ишбилармонлар – Молленхауэр, Батлер, Симпсон ва бошқалар унинг муваффақиятига ишонч ҳосил қилиб, шаҳар заёми билан чайқовчилик қила бошладилар. Каупервуд Молленхауэр ва Симпсонларга шахсан бўлмаса-да, шаҳар заёмининг чиқиши билан боғлиқ ишни муваффақият билан бажара олган одам сифатида танилганди. Улар Каупервудга мурожаат қилиб, Стинер жуда оқилона йўл тутганини айтишарди. Фонд

## Теодор Драйзер

биржасининг қондасига кўра ҳамма битимлар кун охирида яқунланиши ва эртаси кун охирида эса балансланишни такозо қиларди; бироқ янги ғазначи билан келишув Каупервудга бу қондага амал қилмаслик ҳуқуқини берган бўлиб, унинг ихтиёрида заёмлар чиқиши билан боғлиқ бўлган ҳамма битимлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун кейинги ойнинг биринчи санасигача вақт, баъзида эса бутун ўттиз кун бор бўларди.

Қолаверса, буни моҳиятига кўра ҳисобот деб бўлмасди, чунки ҳамма қоғозлар унинг қўлида қоларди. Заёмнинг кўлами жуда катта бўлгани учун Каупервуднинг ихтиёридаги маблағ ҳам катта бўлиб, трансферт<sup>1</sup> деб аталадиган нарсалар ва баланс ҳисоботлари ойнинг охиригача оддий расмиятчилик бўлиб қоларди. Фрэнкда шаҳар заёми сертификатларидан чайқовчилик мақсадларида фойдаланиш, уларни худди ўзиникидек истаган банкка депозитга қўйиш имконияти бўлиб, шу йўл билан номинал қийматининг етмиш фоизи миқдоридан нақд пул олиши мумкин эди ва у сира виждони қийналмаган ҳолда шундай қиларди ҳам. У ойнинг охиридагина ҳисоб берадиган шу йўл билан топилган пуллардан Каупервуд бошқа биржа операцияларида фойдаланар, бундан ташқари эса бу пуллар яна янги қарз олиш имконини берарди. Фрэнкнинг ресурслари энди ҳаддан ташқари ошиб кетган бўлиб, фақат вақт ва ўз кучи ҳамда топқирлиги уларнинг чегараси бўлиб хизмат қиларди. Шаҳарнинг сиёсий корчалонлари бу ишлар Каупервуд учун қанчалик даражада қайнар хумча бўлганини тасаввур ҳам қилолмас, чунки улар Фрэнкнинг устомонлигини билишмасди. Стинер олдиндан шаҳар мэри Стробик ва бошқалар билан гаплашиб олганидан сўнг Каупервудга йил давомида шаҳарнинг ўзини ўзи идора қилиш китоби бўйича унинг номига икки миллион ўтказиб туришини айтганида, Фрэнк бир оғиз ҳам сўз

---

<sup>1</sup> Бу ерда: қайд қилинган қимматбаҳо қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқининг бир шахсдан бошқасига берилиши.

демади – у хайратдан қотиб қолганди. Икки миллион! Ва у бу пулларни хоҳлаганча сарфлаши мумкин! Уни молия маслаҳатчиси қилиб чақиринди, у маслаҳат берди ва бу маслаҳатни қабул қилишди! Ажойиб!..

Каупервуд виждони қийналиб юрадиган одамлар сирасига кирмасди. У ҳали ҳам ўзини виждонли сармоядор деб ҳисобларди. Ахир у ўзининг ўрнида бўлиши мумкин бўлган одамдан кўра шафқатсизроқ бўлгани йўқ.

Айтиб ўтиш керакки, Стинернинг шаҳар маблағлари билан амалга оширган устомонликлари маҳаллий корчалонларнинг кўнка темир йўли назорати масаласида тутган ўрнига алоқадор эмасди. Бу масала шаҳар молиявий ҳаётидаги янги ва ҳаяжонга солувчи бир қадам эди. Бу ишга якка ҳолда таваккал билан ҳаракат қиладиган Молленхауэр, Батлер ва Симпсон каби кўплаб етакчи финансист ва сиёсатчилар қизиқаётганди. Бу сафар уларнинг ўртасида ҳеч қандай келишув йўқ эди. Тўғри, бу масалага чуқурроқ ёндашганларида, эҳтимол, ўртага бегона одамнинг аралашувига йўл қўймасликка қарор қилишган бўларди. Бироқ у пайтда Филадельфияда кўнка темир йўл линиялари ҳали кам бўлиб, кейинчалик юзага келган йирик бирлашмаларни ташкил этиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Шунга қарамай, Каупервуд билан қилган битимидан хабар топган Стробик Стинернинг олдига келиб, унга ўзининг янги режасини тушунтириб берди. Уларнинг барчаси, биринчи навбатда Стробик билан Стинернинг ўзи Каупервуднинг ортидан кун кўради. Каупервуд билан бирга у ва Стинер, тўғрироғи, Стинернинг махфий вакили (Стробик бу бизнесда очик иштирок этишга журъат қилолмади) кўнка темир йўли линияларидан бирининг акцияларидан кўпроқ сотиб олиб, унинг устидан назоратни ўз қўлларига олишса, бунга нима халал беради? Стробик кейин муниципалитетдан янги линиялар ўтказишга рухсат ололса, бу янги линиялар нима бўлганда ҳам уларнинг қўлларига ўтади. Тўғри, Стробик

## Теодор Драйзер

кейинчалик удаласа, Стинерни ишдан четлаштиришга умид қилганди. Ҳозир эса кимдир тайёргарлик ишларини олиб бориши керак-ку, нега энди буни Стинер қила олмас экан? Айни пайтда Стробик бундай “иш” жуда эҳтиёткорлик талаб қилишини, чунки унинг бошликлари доим зийрак туришларини ва агар шахсий манфаат учун шундай ишга аралашганини билиб қолишса, уни сиёсий фаолиятини давом эттириш имкониятидан маҳрум қилишлари мумкинлигини яхши биларди. У эса фақат шу орқалигина бойлик орттириши мумкин. Яна ёдда тутиш лозимки, истаган ташкилот, масалан, ҳаракатдаги шахар линияларидан бирига эгалик қилувчи компания линияни узайтириш учун рухсат сўраб муниципалитетга ариза билан чиқиш ҳуқуқига эга. Бу нарса шахар фаровонлиги учун хизмат қилади, шунинг учун ҳам бундай аризалар қондирилади. Бунинг устига, Стробик бир вақтнинг ўзида ҳам кўнка темир йўли акционери ва ҳам шахар мэри бўла олмайди. Каупервуд норасмий ҳолда Стинерга хизмат қиладиган бўлса, унда бошқа гап!

Стинер Стробикнинг номидан Каупервудга тушунтириб берган бу режа йигитнинг шахар ҳукуматига бўлган қарашларини бутунлай ўзгартириб юборганди.

Каупервуд Эдвард Батлер билан унинг агенти сифатида яққа ҳолда ишлаётгани ва у на Молленхауэр ва на Симпсон билан ҳали бирор марта учрашмаганига қарамай, шахар заёмлари билан ишлаб, аслида уларга хизмат қиляётганини сезиб турарди. Бошқа томондан эса Стинер унинг олдига келиб зимдан кўнка темир йўллари акцияларини сотиб олишни таклиф қилганида, Фрэнк унинг ўзини тутишидан бу иш тоза эмаслиги ва Стинер ҳам, ўзи ҳам буни қонунга қарши деб билишини дарров тушунганди.

– Каупервуд, айтинг-чи, – биринчи марта бу ҳақда гап бошлаётиб (улар бу пайтда Олтинчи ва Честнат кўчаларининг бурчагида жойлашган шахар бошқармасининг эски биносидаги Стинернинг хонасида ўтиришар ва ол-

диндан келадиган фойдани ўйлаб, ғазначининг кайфияти аъло эди) – муомалада кейинчалик, маблағ етарли бўлса, шу йўлни қўлга киритадиган бирорта кўнка темир йўлининг қоғози йўкми?

Каупервуд бундай қоғозлар борлигини биларди. Унинг ўткир зеҳни бунда қанчалар имкониятлар борлигини ҳам жуда яхши тушуниб турарди. Аста-секин омнибуслар йўқолиб бораётган, кўнканинг энг яхши маршрутлари қўлга олиб бўлинганди. Шунга қарамай, кўчалар етарлича бор, шаҳар эса кун эмас, соат сайин ўсиб борарди. Бу эса келажакда катта нарсаларни ваъда қиларди. Таваккал қилиб, агар кутиш имконияти бўлса, ҳозирда мавжуд қисқа линияларга истаган нархни тўлаб, кейинчалик одам кўп жойлашган ва бой районларга йўл ўтказиб, уларни узайтириш мумкин эди. Каупервуднинг хаёлида аллақачон кейинчалик “туганмас занжир” ёки “қабул қилиш мумкин бўлган формула” деб аталган назария туғилган бўлиб, бунинг маъноси шундай эди: узоқ муддатли тўлов шарти билан у ёки бу нарсани сотиб олиб, нафақат харидорни қониқтириш, балки меҳнатлари учун ўзини тақдирлаш мақсадида акциялар ёки облигациялар чиқариш, кейин эса бунда шу йўл билан келадиган, бошқа ишларга сарфлаш мумкин бўлган маблағ ҳақида айтмай туриб, уларга асосланиб янгидан-янги акциялар чиқаришда чексиз давом этиш!

Кейинчалик бу нарса оддий иш усулларидан бири бўлиб қолади, бироқ у пайтларда Каупервуднинг фикри янгилик эди ва у ўз режасини ҳозирча сир сақлаётганди. Шунга қарамай, Стинер бу ҳақда гап очганида у суюниб кетди, чунки кўнка темир йўллари маблағ билан таъминлаш унинг орзуси эди ва бир куни келиб қўлига олганида бу ишни қойиллатиб бажаришига ҳам амин эди.

– Ҳа, албатта, Жорж, – вазминлик билан жавоб берди у. – Қўлда пул бўлса, вақти келиб яхшигина ишлаб олиш мумкин бўлган икки-учта линия бор. Мен



## Теодор Драйзер

аллақачон биржада кимдир уларнинг акция пакетларини таклиф қилишини сезгандим. Биз ана шу акцияларни сотиб олсак бўларди, кейин эса кўрамиз: балки, акция эгаларидан бирортаси яна ўз пакетини сотишни ўйлаб қолар. Грин-стрит ва Коутс-стрит линиялари назаримда яхшига ўхшаяпти. Агар ҳозир бу ишга тикиш учун уч-тўрт юзим бўлганида, у билан шуғулланардим. Темир йўлни назорат қилиш учун акционерлик капиталининг ўттиз фоизчасигина кифоя қилади. Кўп акциялар ҳеч қачон умумий мажлисларда бўлмайдиган ва овоз беришда қатнашмайдиган одамларнинг қўлида тарқалиб кетган. Менимча, йўл устидан назоратни қўлга олиш учун икки юз ёки уч юз кифоя бўларди.

Каупервуд улар вақти келиб худди шу йўл билан қўлга киритишлари мумкин бўлган яна бир линияни айтиб ўтди. Стинер ўйланиб қолди.

– Бу жуда катта пул, – журъатсизгина деди у. – Майли, ҳали бу ҳақда яна гаплашамиз.

У дарҳол Стробик билан маслаҳатлашгани кетди.

Каупервуд бу ишга тикиш учун Стинернинг икки юз ёки уч юз минги йўклигини яхши биларди. Бу пулни у фақат биргина йўл билан – айнан фоизлардан воз кечиб, шаҳар ғазнасидан олиши мумкин. Бироқ бу ишни юрак ютиб ёлғиз ўзи қила олмаса керак. Унинг орқасида кимдир турса керак, албатта. Молленхауэр, Симпсон ёки ҳатто Батлердан бошқа ким бўлиши мумкин? Батлер тўғрисида Каупервуднинг ишончи комил эмас эди, мабодо у бу ерда ҳам зимдан туриб “триумвират”ни бошқармаётган бўлса! Бунинг нимаси ажабланарли? Сиёсатдаги корчалонлар доим шаҳар ғазнасини ўмаришган ва Каупервуд ҳозир фақат бу ишда ўзини қандай тутиши кераклиги тўғрисидагина ўйларди. Стинернинг фитнаси муваффақиятли ўтадиган бўлса, унга нима хавф солади ўзи? Бу режа иш бермайди деб ўйлашга асос борми? Бироқ шундай бўлганда ҳам Каупервуд фақат агент сифатида ҳаракат қилади-

ку! Бунинг устига, у Стинернинг манфаатлари йўлида бу пулларни ишлатаркан, агар ишлар яхши кетадиган бўлса, унинг ўзи ҳам бир нечта линиялар устидан назорат қилишга эришиши мумкин.

Каупервуд бу ерда яқин жойдаги янги уйининг ёнидан ўтган Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалар линиясига энг кўп қизиқаётганди. Ишда ушланиб қолган ёки экипажни кутишни хоҳламаган ҳолларда Каупервуд бу линиялардан фойдаланарди. У қизил ғишдан қурилган уйлар бор гавжум кўчалардан ўтарди ва вақти келганда, шаҳар ўсиши билан жуда даромадли бўлиши керак эди. Бироқ ҳозир бу кўча жуда қисқа. Мана шу линияни олишга эришиб, уни Батлер, Молленхауэр ёки Симпсонлар линияси билан боғлай олса, у ҳолда қонун чиқарувчи мажлисдан қурилишни давом эттириш учун рухсат олишга эришиш мумкин. Фрэнк аллақачон таркибига Батлер, Молленхауэр, Симпсон ва унинг ўзи кирган концернни кўз олдига келтираётганди. Бу таркиб билан улар хоҳлаган нарсаларига эришишлари мумкин. Бироқ Батлер саховатпеша эмас. У билан гаплашиш учун қўлда етарли маблағ бўлиши керак. У ушбу комбинация одамни қизиқтирадиган нарса эканлигига ўз кўзи билан ишониши керак. Бундан ташқари, Каупервуд кўнка темир йўли акцияларини сотиб олиш бўйича Батлернинг агенти эди ва агар айнан мана шу линия катта фойда ваъда қилса, унинг акциялари нега биринчи бўлиб ўзига таклиф қилинмаганига қизиқиб қолиши мумкин.

Каупервуд, яхшиси, йўл бутунлай ўзиники бўлмагунча кутиб туришга қарор қилди. У ҳолда бошқа гап: у Батлер иккиси худди капиталист капиталист билан гаплашгандек гаплашади. Фрэнк ўз орзуларида аллақачон унча кўп бўлмаган, бундан ҳам яхшироғи, унинг ўзи, Каупервуд назорат қилаётган шаҳар темир йўлининг бутун бир тармоғини кўраётганди.

**В** акт ўтган сари Фрэнк Каупервуд ва Эйлин Батлер бир-бирларини яқиндан билиб олишаётганди. Танишлари доираси борган сари кенгаяётган, ўз ишлари билан доим банд бўлган Фрэнк қизга ўзи хоҳлаганча эътибор қила олмаётган бўлса-да, бу йил уни кўпроқ учратаётганди. Эйлин ўн тўққизга тўлган бўлиб, улғайган ва ҳаётга қарашлари ҳам мустақилроқ бўлиб қолганди. Масалан, у уй тутиш масалаларида яхши ва ёмон диднинг фарқига бориб қоганди.

– Отажон, нахотки бир умр мана шу молхонада яшасак? – дея отасига ёзғирди у бир куни дастурхон атрофида ўтиришганда.

– Қизик, бу уйнинг нимаси ёмон экан? – деди столга яқин ўтириб, овқатланаётганида бегоналар бўлмаса қиладиган одати – сочикни ошхўрак қилиб тутиб олган Батлер. – Бу ерда ҳеч бир ёмон нарсани кўрмаяпман. Бу ерда онанг билан бу ерда ёмон яшамаяпмиз.

– Отажон, бу уй дабдала эканлигини ўзингиз ҳам биласиз!.. – гапга аралашди Нора. Бу йили у ўн етти ёшга тўлган, опаси сингари дадил, журъатли эди, фақат ҳаётни опасидан ҳам камроқ тушунарди. – Ҳамма шундай деяпти. Қаранг, атрофдаги уйлар ҳаммаси ҳашамдор.

– Ҳамма гапиряпти?! Ҳамма гапиряпти! Бу “ҳамма” ким экан, мен билиб қўйай-чи? – киноя билан жаҳли чиқиб сўради Батлер. – Менга масалан, уйимиз ёқади. Бу ерда яшашга ҳеч кимни мажбур қилиб ўтирганимиз йўқ. Ким бу “ҳамма” деганингиз? Уйимнинг нимаси ёмон экан?

Уй тўғрисида гап кетганида агар Батлер индамай, ирландчасига кинояли жилмайиши билан чекланса, масала шу ерда якун топарди. Бироқ бу сафар ундай бўлмади.

– Отажон, уйимиз ҳеч нарсага ярамаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, – қатъий қилиб деди Эйлин. – Нега жаҳлингиз чиқяпти? Уйимиз эски, хунук, ифлос! Жиҳозларимиз тўкилиб тушай деяпти. Мана бу эски рояльни эса аллақачон ташлаб юбориш керак эди. Мен энди унда чалмайман. Каупервудларникида, масалан...

– Уйимиз эски?! Шунақами?!.. – хитоб қилди Батлер, ғазабланиб кетганидан унинг ирландча акценти кескин чиққанди. – Ифлос?! Шунақами?! Қандай жиҳозимиз тўкилиб тушай деётган экан? Қани, кўрсат-чи, қаери тўкилиб тушяпти!

Жаноб Батлер қизи ўзларини Каупервудлар билан солиштиргани учун койимокчи бўлди-ю, улгурмади: гапга Батлер хоним аралашди. Тўладан келган, юзи кенг ирландиялик бу аёл доим жилмайиб турар, бир пайтлар кулранг бўлган кўзлари анча нурсизланиб қолган, сариқ сочлари эса оқариб кетганди. Пастки лабининг ёнида, чап ёноғида катта сўғали ҳам бор эди.

– Болалар, болалар!.. – хитоб қилди аёл (ўзининг тижоратда ва сиёсатда эришган барча муваффақиятларига қарамай, жаноб Батлер хотини учун ҳали ҳам ёш боладек эди). – Нега жанжаллашяпсизлар? Етар, бас қилинг! Отангизга помидор узатиб юборинг.

Овқатланиш пайтида уларга ирландиялик аёл хизмат қиларди, лекин шунга қарамай, идишларни стол бўйлаб бири иккинчисига узатишарди. Стол тепасида пастгина, ажи-бужи қилиб ясатилган оқ чинни шамлар кўринишидаги ўн олтита газли рожокли люстра осилиб турарди. Эйлиннинг эстетик ҳисларини ҳақоратловчи буюмлардан бири ана шу кандил эди.

– Ойи, сиздан неча марта хато гапирмасликни сўрадим!.. – ялингудек оҳангда деди онасининг нутқидаги

## Теодор Драйзер

хатолар доим гашига тегадиган Нора. – Эсингиздами, гапираётганда эътиборли бўлишга ваъда бергандингиз?

– Онангга қандай гапиришни ўқитишга ким сенга рухсат берди?!.. – кутилмаган бу юзсизликдан Батлернинг газаби қайнаб кетди. – Қулоғингга қуйиб ол: онанг ҳали дунёга келмасингдан олдин ҳам шундай гапирган! Агар у бир умр хизматингни қилмаганида, сен ҳозир мақтанаётганинг – ўзингни чиройли тутишни билмаган бўлардинг! Буни кулоғингга қуйиб ол, эшитяпсанми! У ҳамма дугоналарингдан ҳам минг марта яхши, сурбет қиз!

– Ойи, отам нималар деб ташлаётганини эшитяпсизми?.. – онасининг орқасига яшириниб олиб, ўзини кўриқиб кетган ва ҳақоратланганга солди Нора.

– Эдди! Эдди! – эридан ўпкalandи Батлер хоним, кейин Норага юзланди. – Нора, болажоним, отанг бундай ўйламаслигини ўзинг биласан-ку! Тўғрими?

Батлер хоним қизининг бошини силаб эркалаб қўйди. Ўзининг нутқи саводсизлигига қизи эътироз билдирганидан у сира хафа бўлмаганди. Батлернинг ўзи ҳам қизини сурбет деганига энди пушаймон қилаётганди. Худойим, бу болақайлар одамнинг сабр-тоқатини тугатишади-я! Марҳамат қилиб айтинглари-чи, бу уйнинг нимаси яхши эмас?

– Дастурхон тепасида бундай шовкин кўтаришнинг ҳожати йўқ, – эслатди қоп-қора, текис таралган сочининг ўртасидан қийшиқ фарқ очилган, тикка мўйлови калта қирқилган йигитча Кэлем. Унинг бурни бироз танқайган, қулоқлари диккайиб турган бўлса-да, хушрўйгина ва ўзига яраша ақлли эди.

У ва Оуэн иккаласи ҳам уй чиндан яхшимас ва ёмон жиҳозланганини кўриб туришарди, бироқ ота-оналарига бу ердаги ҳамма нарса ёқар, шунинг учун мулоҳазакорлик ва оилаларида тинчликни саклаш мақсадида улар бундай пайтларда жим туришни афзал кўришарди.

– Биздан кўра камбағалроқ одамлар чиройли уйларда

яшаётганида, мана шу эски кулдада яшашимизга тўғри келиши менга алам қилади. Ҳатто қандайдир Каупервудлар ҳам...

– Мунча Каупервудлар, Каупервудлар деб битта гапни чайнадинг! Нега бу Каупервудларга ёпишиб қолдинг!.. – қип-қизариб кетган юзини Эйлинга буриб бақирди жаноб Батлер.

– Ҳатто ўшаларнинг уйи ҳам бизникидан анча яхшироқ. Бўлмаса Каупервуд сизнинг агентингиз!

– Каупервудлар! Каупервудлар! Улар тўғрисида эшитишни ҳам хохламайман! Мен Каупервудлардан ўрганмоқчи эмасман! Ажойиб уйи бўлса бўлаверсин! Нима ишим бор? Менинг уйим – ўз уйим! Мен шу уйда яшашни хоҳлайман! Бу ердан индамай кўчиб кетиш учун узоқ яшамаганман! Агар бу ер сенга ёкмаётган бўлса, ўзинг яхши биласан: сени бу ерда ушлаб турмоқчи эмасман! Қаерга хоҳласанг, ўша ерга кўчиб кетавер! Мен эса бу ердан қимирламайман!

Оилада бундай жанжаллар бўлганда арзимаган нарсага ҳам жаҳли чиқиб кетадиган Батлер одатда хотини ва болаларига қўлини мушт қилиб бақирарди.

– Хотиржам бўлаверинг, яқинда кетаман бу ердан!.. – жавоб берди Эйлин. – Худога шукур, бу ерда бир умр яшайман!

Унинг кўз олдига Каупервудларнинг уйидаги ажойиб мехмонхона, кутубхона ва будуарлар келди: Аннанинг айтишича, уйларининг пардозлаш ишлари тугаб қолаёзган экан. Каупервудларнинг учбурчакли рояли эса қандай ажойиб: тилла билан ишлов берилиб, пушти ва хаворанг лак билан бўялган! Уларда ҳам шундай ажойиб нарсалар бўлса нима қилади? Улар Каупервудлардан ўн баробар бой бўлишса керак. Бироқ у жонидан ҳам ортик кўрадигани отасининг қарашлари эса эскича. Одамлар отаси ҳақида қўпол ирландиялик пудратчи деб тўғри айтишади. Унинг бойлигидан нима наф?! Айнан мана шу нарсадан

## Теодор Драйзер

Эйлиннинг кони қайнарди: отаси ҳам бой ва айни пайтда замонавий ҳамда нозик дидли бўлса, нима қиларкин-а? Эҳ, хафа бўлишдан нима наф? У отаси ва онасига қарам экан, ҳаёти эскича давом этаверади. Фақат кутиш қолади. Бу шароитдан чиқишнинг бир йўли – яхши одамга турмушга чиқиш бўлиши мумкин. Бироқ кимга?

– Бўлди, беҳудага тортишманглар!.. – деб қўйди Батлер хоним яраштириш оҳангида. У Эйлинни нима хафа қилаётганини жуда яхши тушуниб турарди.

– Нега биз ҳам яхши уй курсак бўлмайди? – ўз гапида туриб олди қиз.

– Ёки шунга қайтадан курсак-чи? – онасининг кулогига шивирлади Нора.

– Тсс! Жим бўл! Ҳамма нарсанинг ўз вақти бор, – Норага қаради Батлер хоним. – Мана кўрасан, бир куни биз ҳам худди шундай қиламиз. Энди югур, бор, дарсингни қил. Етар, сафсатани бас қилинглар!

Нора ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди. Эйлин жим бўлиб қолганди. Унинг отаси шунчаки ўжар, гапга қулоқ солмайдиган одам. Барибир у жуда яхши одам! Қиз отасини айтган гапларига пушаймон қилдириш учун лабларини чўччайтирди.

– Бўлди, бўлди, – ҳамма туриб кетгандан сўнг деди Батлер; у қизининг ўзидан жаҳли чиққанини билар ва уни бирор нарса билан юмшатиши кераклигини тушуниб турарди. – Менга бир рояль чалиб бер-чи, фақат яхшироқ нарсани чал!

Жаноб Батлер қизининг иқтидори ва техникаси кўринадиган, ўзини ҳайратга соладиган шовкинли ўйноқи пьесаларни афзал кўрарди. Мана, унинг тарбияси қизига нима берди: Эйлин бу қийин нарсаларни қанчалик тез ва дид билан чалади!

– Агар хоҳласанг, янги рояль сотиб олишинг мумкин. Магазинга бориб, танлай қол. Менга қолса, шу ҳам яхши, бироқ сенга ёқмаётган бўлса, билганингни қила қол.

Эйлин отасининг кўлини енгил сиқиб кўйди. Отаси билан бахслашишнинг нима кераги бор? Ахир бутун уй, бутун оилавий атмосфера ўзгартиришни талаб қилиб турганда биргина янги рояль нима берарди? Шундай бўлса ҳам, қиз Шуман, Шуберт, Оффенбах, Шопен пьесаларини чала бошлади, қария эса хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, ўйчан кулимсирарди. Эйлин баъзи нарсаларни берилиб ва қизгин ижро этар, ўзининг жисмоний кучи, энергиясининг ошиб-тошиб туриши ва кеккайишига қарамай, у нозик хис қила оларди. Бироқ отаси буларни сезмасди. У қизига, оқила, соғлом ва мафтункор қизига қараб, унинг ҳаёти қандай бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ҳаёлларга берилганди. Бирорта бой йигит – яхши тарбия олган, жуда бой, тадбиркорлик иқтидори бор йигит уйланади, отаси эса қизига бир уюм пул қолдиради.

Янги уйга кўчиб ўтиш муносабати билан Каупервудлар катта тантана уюштиришди: меҳмонлар аввал Фрэнкникида йигилишиб, кейинроқ рақс тушиш учун бу ердан кенгроқ ва ҳашаматлироқ бўлган катта Каупервудникига ўтишлари керак эди. Уйнинг пастки қаватида катта ва кичик меҳмонхоналар, рояль қўйилган хона ва қишки боғ жойлашганди. Элсуорт бу ерни шундай режалаштиргандики, улар концертлар, рақс тушиш ва рақслар орасида айланиб туриш учун етарли даражада – бир сўз билан айтганда, меҳмонлар кўплигида фойдаланса бўладиган даражада кенг эди. Ёш ва кекса Каупервудлар қурилиш бошиданок иккала уйдан биргаликда фойдаланишни кўзда тутгандилар. Иккала уйда ҳам айнан бир хизматчи, боғбон ва кир ювувчилар ишларди. Фрэнк болалари учун тарбиячи аёл ҳам ёллаганди. Бироқ ҳали ҳамма нарса ҳам тўла йўлга қўйилмаганди: масалан, эшик оғаси Ҳенри Каупервуднинг шахсий хизматчиси вазифасини ҳам бажарар, овқат тепасида гўшт кесар, бошқа хизматкорларга раҳбарлик қилар ва керак бўлиб қолган ҳали у уйда, ҳали бу уйда ишларди. Умумий отхонага



## Теодор Драйзер

отбоқар ва аравакаш қараб турар, иккита экипаж керак бўлганда уларнинг иккаласи ҳам отга ўтиришарди. Хуллас, бу хўжалик юритишнинг қулай ва режали тизими эди.

Тантанани ўтказишга тайёргарлик ишларига Каупервуд жуда муҳим масаладек қараётганди, чунки тадбиркорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, зиёфатга жамиятнинг энг сара одамларини таклиф қилиш, ижтимоий сабабга кўра эса уни ўзига хос тарзда ўтказиш керак эди. Шунинг учун узок ўйлангандан сўнг аввал Фрэнкнинг уйига, кейин катта Каупервудникига ўтишини ҳисобга олиб, жаноб Тай ва унинг рафикаси, Сидерлар, Батлерлар, Молленхауэрлар ва улардан ҳам нозикроқ меҳмонлар, масалан, Артур Райверс, Сенека Дэвис хоним, эр-хотин Тренор Дрейклар, Фрэнкнинг танишлари – ёш Дрекселлар ва Кларкларни таклиф этишга қарор қилинди.

Каупервудлар бу оқсуякларнинг ташриф буюришларига жуда ишонмаётган бўлишса-да, бироқ уларга таклифнома жўнатиш керак эди. Кечкурунга бориб яна бошқа обрўли меҳмонларнинг келиши кутиладиган бўлди. Бу иккинчи рўйхатдан Фрэнк режалаштирган Анна, Каупервуд хоним, Эдвард ва Жозефларнинг танишлари ўрин олганди. Иккинчи рўйхат “асосий” ҳисобланаётганди. Жамиятнинг энг обрўли аъзолари, ёшларнинг зўрлари, илтимос, кўндириш билан таъсир ўтказиш мумкин бўлганларнинг ҳаммаси таклифга кўнишлари керак бўларди. Батлерларнинг оиласи – катталар – уларнинг келишини жуда ҳам хоҳлашмаётган бўлса-да, болаларни ҳам кундузги, ҳам кечкурунги зиёфатга таклиф қилмаслик мумкин эмасди. Фрэнк ўйлаганидек, Анна ва Лилиан ҳам Эйлинни келаётган меҳмонлар учун жуда ҳам тўғри келадиган шерик эмас, деб қарашаётганди.

– Бу қиз довдирга ўхшайди, – навбат Эйлин исмига келганида келинойисига қараб деди Анна. – Ўзини ким деб ўйлайди, ҳатто ўзини қандай тутишни ҳам билмайдикун! Отаси-чи! Ҳм-м!.. Отам шунақа бўлса, мен озгина

камтарроқ бўлардим!

Ўзининг янги будуаридаги ёзув столи олдида ўтирган Каупервуд хоним қошларини чимирди:

– Анна, мен баъзан Фрэнкнинг иши юзасидан шундай одамлар билан муомала қилишим кераклигидан жуда қийналиб кетаман. Батлер хоним бирам зерикарли хотин! Жуда юраги тоза аёл, лекин шунчалик қолокки! Эйлин эса йўнилмаган таёкка ўхшайди. Ўзини жуда эркин тутати. У бизникига келиши билан роялга ўтиради, айниқса, Фрэнк уйда бўлганида шундай қилади. Унинг ўзини қандай тутиши менга қизиқ эмас, бироқ назаримда, бу Фрэнкнинг гашига тегадиганга ўхшаб кўринади. Чаладиган пьесалари ҳам қандайдир ўйноқи. Ҳеч бирор жиддий ва нозик нарса чалмайди.

– Менга эса унинг кийиниши сира ёқмайди, – келинойисининг фикрини давом эттирди Анна. – Устига биррам ғайриоддий нарсаларни кийиб олишни яхши кўради. Эсиз, буни кўрмагансиз. Тасаввур қилинг: четида қора хошияси бор қип қизил жакет, бошида каттакон қип-қизил пат қадалган ва деярли белигача етадиган тасма тақилган шляпа кийиб олган! Отда айланиш учун зўр кийим! Ўзига ишонч билан ўтириб олганини-чи! Қўллари-чи! Унинг қўлларини қандай тутишини кўрсангиз эди – мана бундай қилади, – Анна Эйлин қўлларини қандай қилишини кўрсатиб берди. – Қўлларига сарик қўлкоп кийиб олган, бир қўлида жилов, иккинчисида қамчин. Айтганча, отни бошқарганида, худди телбага ўхшайди, хизматчи Уильям эса ўриндикда сакраб кетади, эсиз, буни ўз кўзингиз билан кўрмагансиз-да! О Худойим, у ўзини ким деб ўйлайди-я!..

Анна нафрат билан масхаралаб қўйди.

– Нима бўлганда ҳам, уни таклиф қилишга мажбурмиз: бунга имкон бермайдиган йўлни кўрмаяпман. Бироқ ҳозирданок унинг бу ерда ўзини қандай тутаетганини кўз олдимга келтиряпман: бурнини осмонга кўтарганча ўзини кўз-кўз қилиб хонама-хона юради!

## Теодор Драйзер

– Чиндан ҳам ўзини қандай қилиб шунақа тутиш мумкин, ҳеч тушунмайман, – гапида давом этди Анна. – Мана, Нора эса менга ёқади. У анча чиройлироқ. Ва ўзини ҳам катта тутмайди.

– Менга ҳам Нора ёқади, – қайнсинглисининг гапини маъкуллади Каупервуд хоним. – У жуда ҳам ёқимтой ва менимча, опасидан анча келишганроқ.

– Ҳа, албатта! Гапингизга тўла қўшиламан!

Шуниси қизиқки, уларнинг эътиборини айнан Эйлин тортар ва ўзининг ғайриоддийлиги билан қизиқиш уйғотарди. Уларнинг гапларида қайсидир маънода жон бор эди, Эйлин чиндан ҳам гўзал бўлиб, бу жиҳат унга ўзини атрофдагилардан юқорироқ кўришига халал бермасди. Ҳаддан ортиқ иззатталаб бўлган бу қиз ичида ўзи енгмоқчи бўлган камчиликлари билан мақтаниб, атрофдагиларнинг диққатини тортар, кўпларнинг эса асабига тегарди. Одамлар унинг ота-онасини оқсуяқлар табақасига кўтарилиш учун (ва асоссиз бўлмаган ҳолда) нолайиқ деб ҳисоблашлари ва бу нарса унга ҳам тегишли экани қизга алам қиларди. Йўқ, унинг бошқалардан кам жойи йўқ! Мана, масалан, шундай қобилиятли ва жамият поғонасида тез кўтарилаётган Каупервуд буни тушунади. Вақт ўтиши билан Эйлин Фрэнк билан анча яқинлашиб олганди. Йигит унга доим ёқимли муомала қилар ва бажонидил суҳбатлашарди. У қачон бўлса ҳам қизнинг уйига келганида ёки уни ўзининг уйида кўрганида, қиз билан бир неча оғиз гаплашиб олишга шароит топарди. Одатда у қизга жуда яқин келар ва унга қувноқ ҳамда дўстона назар билан қарарди.

– Хўш, Эйлин, ишлар қалай? – сўрарди у ва Эйлин йигитнинг эркалатувчи назарини ҳис қиларди. – Отангиз, онангиз қалай, яхши юришибдими? Отда айланиб келдингизми? Бу яхши. Мен сизни бугун кўргандим. Жуда мафтункор эдингиз.

– Жаноб Каупервуд, нималар деяпсиз!

– Чиндан ҳам жуда ажойиб эдингиз! Сизга амазонка жуда ярашаркан. Олтинранг сочларингизни эса узоқдан танийман.

– Менга бундай гапларни айтмаслигингиз керак. Мени шуҳратпараст қилиб қўйяпсиз, ота-онам шусиз ҳам мени доим шуҳратпарастсан деб уришишади.

– Уларга кулоқ солманг! Жуда мафтункор эдингиз деяпман ва бу – ҳақиқат. Аслида, сиз доим жозибалисиз.

– О-о!

Қизнинг кўксидан бахтли хўрсиниқ отилиб чикди. Юзига қизил югурди. Жаноб Каупервуд нима деётганини билади. У ҳамма нарсани билади, у жуда кучли одам! Кўплар ундан хайратланади, шу жумладан, ўзининг отаси, онаси ҳам ва унинг эшитишича, ҳатто жаноб Молленхауэр ва жаноб Симпсонлар ҳам шундай экан. Унинг уйи-чи: қандай ажойиб, идораси ҳам зўр! Бироқ энг асосийси, йигитнинг хотиржамлик билан мақсад сари интилиши қиздаги ҳаловатсиз кучни мувозанатлаштириб турарди.

Хуллас, Эйлин ва синглиси таклифнома олишди, жаноб Батлер ва Батлер хонимларга эса жуда юмшоқлик билан зиёфатдан кейин бўладиган бал ёшлар учун эканини шама қилиб қўйишди.

Каупервудларникига жуда кўп одам келди. Меҳмонларни дам ўтмай бир-бирларига таништиришарди. Уй эгалари камтарлик билан Элсуорт қандай қилиб олдидаги вазифани уддалай олганини меҳмонларга тушунтириб беришарди. Келганлар усти ёпик галереяда айланиб юриб, иккала уйни томоша қилишди. Таклиф қилинганларнинг кўпи аллақачон бир-бирларини танишарди. Улар кутубхона ва емакхонада сокин суҳбатлашиб ўтиришарди. Кимдир гап отар, кимдир дўстининг елкасига уриб қўяр, бошқа гуруҳда эса кулгили латифалар айтишарди. Кеч кирганда меҳмонлар уйларига тарқалишди. Кўк ипакдан қўйлак ва худди шу рангдаги духобадан жимжимадор бурмали пелеринка кийган Эйлиннинг кийими ҳаммага

## Теодор Драйзер

ёкиб кетди. Унинг сариқ-олтинранг сочлари кўк духоба шляпа остига йиғилган бўлиб, битта жингалаги елкасидан тушиб турарди. Эйлин табиатан жуда дадил эмасди, бироқ одамлар худди шундай дейишлари унга ёқарди.

– Сиз бугун ажойибсиз, – киз ёнидан ўтиб кетаётганида деди Каупервуд.

– Кечкурун бундан ҳам бошқача бўламан!.. – жавоб берди киз ва енгил, мағрур қадамлар билан емакхонага ўтиб, эшик орқасида кўздан йўқолди. Нора онаси билан бирга Каупервуд хоним билан гаплашиб, ушланиб қолишди.

– Вой, уйларингиз қандай чиройли! – хайрат билан хитоб қилди Батлер хоним. – Гапим ёдингизда турсин: бу ерда жуда бахтли бўласиз! Менинг Эддим ҳозир яшаётган уйимизни сотиб олганида, унга “Эдди, биласанми, биз учун бу уй жуда яхши, Худо ҳаққи!” дегандим. У менга нима деб жавоб берган деб ўйлайсиз? “Нора, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам сен учун жуда яхши бўладиган нарса йўқ!” деган эди. Шундай деб, чўлп этиб лабларимдан ўпиб қўйган эди! Ўйлаб кўринг-а, шундай бахайбат одам ўзини ёш боладек тутуди!

– Батлер хоним, менимча, бу жуда ёқимли, – жавоб берди Каупервуд хоним, уларнинг гапларини ҳеч ким эшитиб қолмадимикин деб атрофга асабий алангларкан.

– Онам шундай нарсаларни гапириб беришни жуда яхши кўради, – гапга аралашди Нора. – Ойи, кетдик, ошхонани кўрайлик!

– Майли, янги уй сизларга бахт келтирсин. Мана, мен ўз уйимизда доим бахтли бўлганман. Сизга ҳам чин дилдан шуни тилайман!

Батлер хоним шу гапларни айтаётиб, самимий жилмайиб қўйди ва лапанглаганча хонадан чиқди.

Кечкурун соат етти ва саккизлар орасида Каупервудлар оилавий шоша-пиша овқатланиб олишди. Соат тўққизда яна меҳмонлар кела бошлашди, бироқ энди булар ҳар хил

одамлар эди: гунафшаранг, каймоқранг, пушти ва кулранг кўйлак кийиб олган қизлар шоша-пиша тўқилган рўмоллари ва кенг доломанларини қора костюм кийиб олган хамроҳларининг қўлларига ташлаётган эди. Совук кўчадан дам-бадам яқинлашган экипажларнинг эшиги очилиб ёпилгани эшитиларди. Каупервуд хоним эри ва Анна билан меҳмонларни зал эшиги олдида кутиб олишаётган, кекса Каупервудлар эса ўғиллари Жозеф ва Эдвард билан меҳмонларни уйнинг нариги томонида кутиб олишаётганди. Лилиан шлейф<sup>1</sup> билан тикилган ва бўйни чуқур тўртбурчак ўйимли “сўлиётган атиргул” рангидаги кўйлагида чиройли кўринар, кўйлакнинг ўйимидан чиройли тўрли кофтаси ҳам кўриниб турарди. Унинг қомати ва юзи ҳали ҳам чиройли, бироқ бир неча йил бурун Фрэнкнинг юрагини ёндирган мусаффолиги ва нозиклигини йўқотганди. Аннани чиройли эмас деб бўлмаса-да, келишган ҳам эмасди – кичкинагина, қорачадан келган, бурни танқайган ва чакноқ кўзлари қора эди. Унинг юзида мустақиллик, қатъият, ақл-идрок ва афсуски, одамларга нисбатан такаббуруна қараш ўз ифодасини топганди. У ҳам бугун жуда дид билан кийинганди. Ялтироқ безаклар ёпиштирилган қора кўйлаги ўзи ҳам қорача эканига қарамай, унга жуда ярашган бўлиб, сочига қадалган қизил атиргул ҳам жуда мос тушганди. Аннанинг қўллари ва елкалари нозик бўлиб, чиройли эди. Қув кўзлари, дадил ҳаракатлари, зукко ва топқир суҳбатдошлиги уни жозибали килиб кўрсатса-да, буларнинг бари бефойда, чунки ўзи айтгандек, “эркакларга кўғирчоқлар ёқади”.

Ёшларнинг галаси билан опа-сингил Батлерлар – Эйлин ва Норалар ҳам кириб келишди. Эйлин укаси Оуэннинг қўлига қора тўрли нозик шолрўмоли билан қора ипак доломанини бериб қўйди. Нора билан эса Кэлем – гавдаси келишган, жилмайиб турувчи, бутун туриши зўр

<sup>1</sup> Хотин-қизлар кўйлагининг узайтириб тикилган орқа этаги.

## Теодор Драйзер

карьерга килишга қодир эканлигини айтиб турувчи йигит келганди. Норанинг эғнида тўпигини зўрға беркитиб турган оқ ипақдан тикилган нисбатан калта кўйлак бор эди. Белини кенг тасма сиқиб турар, сочлари ҳам шундай тасма билан боғланганди. Ҳаяжонланганидан кўзлари порлаётган Нора жуда чиройли эди.

Бироқ унинг кетидан бошни айлантирар даражадаги қора атласдан тикилган чиройли либосда опаси ҳам келаётганди. Унинг думалок, ажойиб қўллари ва елкалари очиқ бўлиб, кўкраги ва орқаси жуда чуқур ўйилганди. Кўкраклари баланд ва бели бироз кенг Эйлин айна вақтда майин ҳаракатлари билан ажралиб турарди. Корсажининг чуқур учбурчак ўйими ва кумушранг йўли бор қора тўр билан безатилган кўйлаги уни яна ҳам очиб юборганди. Қиз оқ-пушти, тўлароқ ва йўнилгандек чиройли бўйнига қора қахрабо маржон тақиб олганди. Юзидаги нозик қизилликни ёноғига ёпиштирилган қора ясама холи яна ҳам бўрттириб турарди. Олтинранг сочлари пешонаси тепасидан шиширилиб, орқасидан иккита қилиб ўрилган ва бўйнига тушиб турган қора тўрға турмакланганди. Сал қорайтирилган қошлари сочининг ғаройиб рангини бўрттириб турарди. Эйлин меҳмонлар орасида бироз кишининг ғашига тегадиган даражада кўринаётганди, бироқ бу унинг пардозини натижасида эмас, балки ичида қайнаб-тошаётган ички бир кучидан эди. Одамлар орасида ўзини ижобий кўрсатишга қилган ҳаракати Эйлин учун тескари хизмат қиларди: унинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий эркинлигини хиралаштириб қўярди. Бироқ ҳаёт уни доим қарама-қарши ҳаракат қилишга ундарди.

– Лилиан!

Анна секингина келинойисининг қўлидан тутди. Эйлин ҳам қора кийимда эканлиги ва уларнинг иккаласидан ҳам чиройлироқ кўринаётганидан у хафа бўлиб кетганди.

– Кўряпман, – ярим товушда жавоб берди Каупервуд хоним, кейин Эйлинга мурожаат қилди. – Мана, қайтиб

келибсизлар! Кўча совук бўлса керак-а?

– Тўғриси, сезмадим. Уйингиз бирам чиройлики!

Қиз нурга чўмган хонани ва меҳмонлар галасини кўздан кечира бошлади. Нора эса шу захоти Анна билан гаплашишга тушиб кетди.

– Биласизми, энди бу кўйлакни кия олмайман, деб ўйлагандим! Уятсиз Эйлин ҳеч менга ёрдам бергиси келмади!

Эйлин тезгина Фрэнк онаси билан турган жойга қараб кетди. У елкасидан шлейфни ушлаб турган атлас тасмани тушириб, шошилмай уни тўғрилади. Табиатан такаббурлигига қарамай, қизнинг кўзларида шотланд овчаркасиники каби ялинганнамо вафодор ифода пайдо бўлиб, текис оппоқ тишлари кўзни олгудек ялтираётганди. Каупервуд ҳар бир зотли ҳайвон тушунгандек, қизни жуда яхши тушунди.

– Қандай мафтункорлигингизни айтишга тилим ожиз! – худди қачондан бери ораларида уларнинг ўзларигагина маълум бўлган боғлиқлик бордек шивирлади у қизга. – Сиз – оловсиз, сиз – қўшиқсиз!

Нега бу сўзларни айтаётганини йигитнинг ўзи ҳам тушунмасди. Унинг шеъриятга қизиқиши йўқ эди. У аввалдан тайёрланмаганди, бироқ Эйлинни вестибюлда кўриши билан унинг бутун фикри-хаёли ва ҳиссиётлари жўшиб кетганди. Қизнинг бу ерда пайдо бўлиши уни тишларини маҳкам сиқиб, кўзларини ярим юмишга мажбур қилганди. Унинг бутун бадани тортишиб, Эйлин яқинлашгани сари юз ифодаси қатъийлашиб борарди. Бироқ шу захоти иккала қизни улар билан рақс тушишга ёзилишни истаётган йигитлар ўраб олишди ва Каупервуд вақтинча Эйлинни кўздан йўкотди.



**Х**аётдаги ҳар қандай ўзгаришлар уругини фахмлаш мушкул, чунки улар инсоннинг ўзида чуқур илдиз отган бўлади. Каупервуд хоним ва Анна бал тўғрисида оғиз очишлари билан Эйлин отасининг барча бойлиги билан шу пайтгача эришганидан ҳам ёркинроқ тарзда намоён бўлгиси келди. Бугун у юзлашадиган одамлар қиз аввал қатнашиб юрган одатдаги давралардагига нисбатан солиштириб бўлмайдиган даражада анча нозиктаъб ва талабчан эди. Бундан ташқари, Каупервуд энди унинг учун жуда катта аҳамият касб этаётган бўлиб, дунёда ҳеч нарса уни йигит ҳақида ўйламасликка мажбур қила олмасди. Бир соат бурун Эйлин бу ерга келиш учун отланаётганида ҳам, фикру хаёли фақат хонадоннинг ёш соҳибиди бўлди. Асосан Фрэнк учун пардоз қилди. Қиз унинг ўзига синовчан назар билан, эркалагандек қарашини унута олмаётганди. Бир сафар Каупервуд унинг қўлларини мақтаганди. Бугун эса у “одамни маҳлиё қиладиган” деб атади. Эйлин бугунги оқшом йигитда кучли таассурот қолдириш қанчалик осон бўлишини, ўзининг аслида қанчалик яхши эканини кўрсатиб қўйгиси келаётганди.

Эйлин кечқурун соат саккиздан тўққизгача бўлган вақтни ойна олдида нима кийишни ўйлаб ўтказган ва фақат тўққиздан чорак ўтгандагина тайёр бўлганди. Унинг кенг ва катта кийим шкафига иккита баланд ойна ўрнатилган бўлиб, учинчи ойна эса гардеробхонасининг эшигида эди. Эйлин ойна олдида туриб ўзининг яланғоч қўллари ва елкасига, келишган қоматига қарар, ўйчанлик билан

чап елкасидаги чукурчани, гоҳ бугун учун танлаган юрак кўринишидаги кумушранг боғичларини кўздан кечирарди. Корсетини аввалига қаттиқ тортиб боғлаш кийин бўлди, ҳатто хизматкор аёл Кетлин Келлидан Эйлиннинг жаҳли чикиб кетди. Шундан сўнг қиз бутун диққатини сочига қаратди ва уни қандай турмаклашга қарор қилиши ҳам анча вақт олди. Эйлин қошларини бўяди, пешонаси очик бўлиши учун сочини сал шиширди. Маникюр қиладиган қайчи билан қора пластирдан айлана қирқиб, ёноғига хол қилиб ёпиштирмоқчи бўлди. Ниҳоят, ясама холнинг тўғри ўлчами ва қаерга ёпиштириш ҳам ҳал бўлди. Қиз бошини у томонга, бу томонга айлантириб, соч турмаги, бўялган қошлари, елкалари ва ясама холининг туришини текшириб кўрди. Эҳ, қани энди уни шу пайтда бирорта эркак кўрса! Бироқ ким? Бу фикр худди чўчиб кетган сичқон эпчиллик билан инига қайтиб кетгани сингари зумда ғойиб бўлди. Табиатан қатъийлигига қарамай, Эйлин у, яъни ўзи учун аҳамиятли бўлган ягона эркак ҳақида ўйлаганда кўрқиб кетарди.

Шундан сўнг қиз кўйлак танлашга тушди. Кетлин унинг олдига бешта кўйлакни ёйиб кўйганди. Бу нарсалар одамга қанчалар қувонч бахш этишини Эйлин яқиндагина тушуна бошлаган ва ота-онасининг рухсати билан кийим-кечакка берилганди. У ялтираб турган ёқутлар тикилган, қаймоқранг тўрли боғичлари ва шлейфи бор сариқ-олтинранг кўйлакка анчагача термулиб, уни нари суриб кўйди. Кейин эса оқ-қора йўл-йўл, кимирлаганда аралашиб, ажойиб кулранг ҳосил қиладиган ипак кўйлагини кўздан кечира бошлади. Яхшилаб қараб кўргач, жуда кийгиси келса-да, уни ҳам суриб кўйди. Олдига ёйиб кўйилган кўйлаklar орасида оч жигарранг лифли ва оқ ипак бурмали, қаймоқранг атласдан тикилган ва ниҳоят ялтироқ тангачали қора кўйлак бўлиб, Эйлин охиргисида тўхталди. Тўғри, қиз аввалига бундан яхшиси бўлмаса керак деб қаймоқранг кўйлакни кийиб кўрди, бироқ

## Теодор Драйзер

қошининг бўёғи ва ясама холи кўйлаққа мос тушмас экан. Шунда у кумуш-қизилранг тангачалари бор қора ипак кўйлагини кийиб, дарров шунда тўхталишга қарор қилди. Бел қисмида бурма қилинган кумушранг тўр унга жуда ёқиб кетганди. Либосларга тўр билан ишлов бериш шу пайтда энди урфга қираётганди. Эскиликка ёпишиб олган модапараст аёллар ҳали тан олмаган бу фасондан Эйлин ҳайратда эди. Кўйлақнинг шитирлашидан унинг бутун баданига титроқ кирди; у қаддини ростлаб, бошини орқага ташлади: кўйлақ унга жуда ярашганди. Кетлин қизнинг буйруғи билан корсетни яна ҳам тортиб боғлагандан сўнг қиз шлейфни сал кўтариб, қўли устига ташлади ва яна ойнага қаради. Барибир нимадир етишмаётгандек эди. Албатта-да! Бўйнига бирор тақинчоқ тақиш керак. Қизил маржон шодасини тақсамикин? Бу ҳам тўғри келмайди. Эйлиннинг кумуш гардишли, майда тошлар терилган, онаси берган маржони ва онасига тегишли олмос шодаси бор бўлиб, бироқ на униси ва на буниси эғнидаги кўйлагига мос тушарди. Ниҳоят қизнинг ёдига ўзига сира ёқмайдиган қора қаҳраболи маржони тушди – ҳозир у жуда тўғри келади! Бу фонда унинг ияғи жуда нозик, текис ва оппоқ кўринади!

Қиз мамнун ҳолда бўйинини кўллари билан силаб кўйди ва қора тўрли мантильясини беришларини сўраб, астари қизил, қора ипакдан тикилган узун доломанини кийди. Пардоз тугаганди.

Қиз келишига бал ўтказиладиган зал тўлиб бўлганди. Эйлин у ерда учратган ёш йигит ва қизлар унга жуда қизиқарли бўлиб туюлди; уни шу заҳоти хушторлари ўраб олишди. Уларнинг ичида уддабуронроқ ва жасурроқлари бу қизда ички бир оташ яширинганини дарров ҳис қилишганди. Улар қизни асалга ёпишган оч пашшалардек ўраб олишди. Кавалерлар рўйхати тўлай деб қолганида, агар жаноб Каупервуд у билан рақс тушмоқчи бўлса, бирорта ҳам рақсга вақт қолмаётгани қизнинг ёдига тушди.

Охирги меҳмонларни кутиб олаётган Каупервуд жинсларнинг ўзаро муносабатлари қанчалик нозик ва ғаройиб нарса эканлиги ҳақида ўйлаётганди. Икки жинс! У бу муносабатларни қандайдир қонун бошқаришига ишончи комил эмас эди. Эйлин Батлер билан солиштирганда хотини рангсиз ва ёши ўтгандек кўринарди, унинг ўзи яна ўн ёшга улғайганида эса хотини бутунлай қариган бўлади.

– Ҳа, Элсуорт бу иккала уйни ажойиб қилиб қурди, у ҳатто кутганимиздан ҳам аъло чикди!.. – деди Каупервуд ёш банкир Ҳенри Хэйл Сэндерсонга. – Тўғри, иккала уйни бирлаштириш унинг вазифасини енгиллаштирди, бироқ мени уйимда анча қийналди, ахир бунисининг ўлчами кичикроқ. Отамнинг уйи бундан кенгроқ. Ҳаммага Элсуорт мени қўшимча қурилган уйга жойлаштирди, деяпман!

Кекса Каупервуд меҳмонлардан яшириниш имкони борлигига хурсанд бўлиб, дўстлари билан ўз уйининг ошхонасига қараб кетди. Фрэнк унинг ўрнига туришига тўғри келди, буни ўзи ҳам хоҳлаётганди. Балки, энди Эйлин билан рақс тушиш имконияти бўлиб қолар. Хотини рақс тушишни жуда ҳам ёқтиравермайди, бироқ уни ҳам бир марта таклиф қилиш керак бўлади. Анави ерда Сенека Дэвис хоним унга қараб жилмайяпти – Эйлин ҳам. Жин урсин, у қанчалик чиройли-я! Қандай киз-а!..

– Рақс тушишга энди жой ҳам қолмаган бўлса керак-а? Қани, бир кўрай-чи!..

Фрэнк кизнинг олдида тўхтаркан, киз унга зарҳал монограммали кичкина дафтарчани узатди. Залда оркестр ўйнаётганди. Ҳозир рақс ҳам бошланади. Девор бўйлаб ва пальмалар ортига енгил зарҳал стуллар қўйиб чиқилганди. Фрэнк кизнинг кўзларига – хаяжонланиб турган, ҳаётга чанқоқ кўзларга тикилди.

– Жой қолмаган-ку! Қараб кўрай-чи... Тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи. Майли, етади. Кўп рақс туша олмасам ҳам керак. Бунчалик муваффақият қозониш ёқимлидир?!

## Теодор Драйзер

– Учинчи раксга унча ишонмаяпман, ниманидир чалкаштириб юбордим, шекилли. Агар истасангиз, сиз учун қолдираман.

Эйлин ёлғон гапираётган эди: у ҳеч нарсани чалкаштирамаганди.

– Сиз, афтидан, бу кавалерингизга унча қизикмайсиз, шекилли, – деди Фрэнк ва сал кизаргандек бўлди.

– Йўк, – Эйлиннинг ҳам юзи ловуллади.

– Жуда яхши! Раксни эълон қилишганда сизни топиб оламан. Сиз – ажойибсиз. Бироқ сиздан қўрқаман...

Фрэнк кизга синовчан караб қўйиб, нари кетди. Эйлиннинг кўкси бир кўтарилиб тушди. Бундай қизиби кетган ҳавода нафас олиш баъзан қийин бўлиб қолади!

Ракс тушар экан (Фрэнкнинг шериги аввал хотини, кейин Сенека Дэвис ва Уокер хонимлар бўлишди), йигит узокдан Эйлинга қарашга муваффақ бўлар ва қизнинг ҳар сафар, айниқса, бугун ўзи қаршилиқ қила олмайётган кучи, гўзаллиги ва жўшқин кайфиятидан қалби қувончга тўларди. Бу қиз қанчалик ёш-а! Қанчалик мафтункор! Хотини бу қиз ҳақида қанчалик ёмон гаплар айтмасин, Фрэнк ўзининг дангал, жўшқин, шубҳасиз, табиатиға бошқа ҳар қандай аёлдан кўра шу қиз кўпроқ тўғри келишини ҳис қилиб турарди. Бу қиз бироз соддарок – буни Фрэнк очик-ойдин кўриб-билиб турибди, бироқ уни ҳамма нарсани тушунишга ўргатиш учун кўп куч кетмайди. Қиз унга қандайдир бир улуғ куч билан (жисмоний эмас, ҳиссий маънода) таъсир кўрсатаётганди. У бошдан-оёқ ҳаётга муҳаббат билан йўғрилганди. Ракс тушаркан, Эйлин унинг ёнидан кўзлари чарақлаб, оппоқ тишлари маржондек ярқираб ўтар ва Каупервуд ҳар сафар шу пайтгача ўзига нотаниш бўлган ўткир ҳайрат ҳиссини туярди: у тинмай қиз томон интилаётганди. Қизнинг бутун борлиғи, ҳар бир ҳаракати жозибага тўла эди.

– Хўш, Эйлин, кейинги раксингиз бўшми? – учинчи тур бошланишидан олдин унинг олдига яқинлашиб

сўради Фрэнк. Қиз ҳозиргина рақсни тугатиб, ўз кавалери билан мум суртилган паркети ойнадек ялтираётган катта мехмонхонанинг олис бурчагида ўтирганди. Дид билан қўйилган пальмалар бу бурчакни яшил ғорга ўхшатиб турарди.

– Мени кечирасиз деб умид қиламан, – дея мулозамат қилди Фрэнк Эйлиннинг кавалерига қараб.

– Албатта, – жавоб қилди йигит ўрнидан тураётиб.

– Ҳа, бу рақс бўш, – жавоб берди Эйлин. – Келинг, шу ерда ўтириб турамиз; ҳозир бошланиб қолади. Сиз қарши эмасмисиз?.. – кўзни олгудек жилмайиш билан олдинги кавалерига юзланди қиз.

– Маъзур тутинг! Сиз билан вальс тушиб, жуда маза қилдим!

Шу гапдан сўнг йигит нари кетди. Каупервуд қизнинг ёнига ўтирди.

– Янглишмасам, бу ёш Ледокс, шекилли? Мен бирга рақс тушганингизни кўриб турдим. Назаримда, ўйнашни яхши кўрасиз, шекилли?

– Жуда яхши кўраман.

– Мен эса бу қизиқарли машғулот бўлса-да, ўзим ҳақимда бундай дея олмайман. Ҳаммаси ким билан рақс тушишга ҳам боғлиқ. Каупервуд хоним ҳам рақсни унча ёқтирмайди.

Лириан ҳақидаги гап қизга ўзининг аёлнинг олдидаги устунлигини эсига солди.

– Менимча, жуда яхши рақс тушсангиз керак. Мен ҳам сизни кузатдим.

Эйлин бу гапни айтиб қўйиб, ичида ўзини койиди. Чунки гаплари бироз ғашга тегадигандек, деярли қўполдек чиққанди.

– Чинданми? Сиз ҳам мени кузатдингизми?

– Ҳа!

Фрэнк жуда ҳаяжонланиб кетган: Эйлин беихтиёр унинг ҳаётига кириб келганди – тўғрироғи, йигит йўл

## Теодор Драйзер

кўйса, кириб келган бўларди; шунинг учун унинг бу саволи жуда бўш чиққанди. У нимадир дейиш, ўзаро яқинлаштирадиган бирор гапни айтишга ҳаракат қилар, бироқ сўз топа олмаётганди. Ўзи эса жуда кўп нарсаларни айтгиси келаётганди.

– Жуда илтифотлисиз, – узоқ жим қолгандан сўнг деди йигит. – Бироқ мени кузатишга сизни нима ундади?

Фрэнк қизга кулимсираб қараб турарди. Яна мусиқа янгради. Ракс тушадиганлар ўринларидан тура бошлашди. Йигит ҳам турди. Йигит саволига жиддий тус бермоқчи эмасди, бироқ ҳозир, Эйлин жуда яқинида турар экан, у қизнинг юзига қаттиқ тикилди ва юмшоқ қатъият билан яна сўради:

– Хўш, бунга сизни нима ундади?

Улар пальмалар тагидан чиқиб келишди. Фрэнк чап қўли билан қизнинг белидан кучди. Ўнг қўлининг кафти билан эса узатилган қўл кафтидан ушлади. Эйлиннинг чап қўли йигитнинг елкасида бўлиб, ўзи йигитга жуда яқин ва унинг кўзларига тикиларди. Улар вальс оҳангига монанд чирпирак бўлиб айланишар экан, киз нигоҳини четга олиб, унинг саволига жавоб бермади. Қизнинг ҳаракатлари худди капалакнинг парвозидек енгил эди. Фрэнкнинг ўзи ҳам қандайдир кутилмаган енгилликни ҳис қилаётганди. У қизнинг эпчиллиги билан баҳслашгиси келиб кетди. Қизнинг қўллари, коматига ёпишиб турган қора кўйлагидаги ялтироқ юлдузчалар, унинг чиройли бўйни ва олтинранг сочлари йигитнинг эс-хушини олиб кўйганди. Қиздан соғломлик, ёшлик уфуриб турар ва йигитга ажойиб бўлиб туюлаётганди.

– Саволимга ҳали ҳам жавоб бермадингиз, – қизнинг ёдига солди Фрэнк. – Қандай гўзал мусиқа!

Йигит Эйлиннинг қўлини сиқди.

Эйлин ийманибгина унга қаради: қувноқ, дадил эканлигига қарамай, киз Фрэнкдан кўрқарди. Йигит бу ердагиларнинг ҳаммасидан устунлиги аниқ эди. Ҳозир

ракс тушаётиб, Фрэнк қизга жуда яқин турган пайтда кўзига жуда ўқтам кўриниб кетди. Қизнинг асаби бунга дош бермай, орқасига қарамай қочиб кетгиси келди.

– Нима қиламиз, йўқ бўлса йўқ-да, – йигит бироз истехзо билан жилмайди. Фрэнк шундай оҳанг ва ўзининг яширин ҳисларига шама қилиб, унга интилаётганини билдириб, қитиғига тегиш унга ёқади деб ўйлаётганди. Бироқ ҳиссиётларини бу тарзда тушунтириш нимага олиб келади?

– Шунчаки рақсга қанчалик яхши тушишингизни кўрмоқчийдим, – бироз қуруқ оҳангда деди қиз. Ораларида бўлиб ўтган гапдан кўркиб кетган қиз энди ҳиссиётларини сездирмасликка уринаётганди. Фрэнк ундаги бу ўзгаришни сезди ва жилмайиб қўйди. Бу қиз билан рақсга тушиш қандай ёқимли! Рақсдан шунчалик завқланиш мумкинлигини у олдин ҳеч қачон сезмаганди.

– Сизга ёқаманми? – оркестр тинганда кутилмаганда қиздан сўради у. Бу саволдан Эйлиннинг бутун баданига титроқ турди. У ёқасига тикилган муз бўлагидан ҳам шунчалик титраб кетмаган бўларди. Савол, албатта, андишасизларча эди, бироқ унинг оҳанги ҳар қандай андишасизликни истисно қиларди. Эйлин кўзларини Каупервудга тикка қаратди, бироқ йигитнинг нигоҳига дош бера олмади.

– Ҳа, албатта, – овозидаги титроқни яширишга уриниб, жавоб берди қиз ва мусиқа тугаганидан ва йигитдан нари кетиш мумкинлигидан қувониб кетди.

– Менга шунчалик ёқасизки, шунинг учун сизга озгина бўлса ҳам ёқаманми ёки йўқми, буни билиш мен учун муҳим.

Йигитнинг овозида ҳам ёлвориш, мулойимлик ва ҳатто ғам бордек эди.

– Ҳа, албатта, – такрорлади қиз ўзига келишга ҳаракат қилиб, – ўзингиз ҳам буни биласиз.

– Менга худди сиздек мени ёқтирадиган одам керак, – ўша оҳангда гапида давом этди Фрэнк. – Ишониб



## Теодор Драйзер

очик гаплаша оладиган одам керак. Илгари бу ҳақда ўйламасдим, бироқ ҳозир бунга муҳтожман. Қандай ажойиб эканингизни ўзингиз ҳам билмайсиз!

– Керак эмас, – йигитнинг гапини бўлди Эйлин. – Мен, мен... Вой, худойим, нималар қиляпман ўзи?..

Қиз ўзига яқинлашиб келаётган йигитга кўзи тушиб, гапида давом этди:

– Ундан узр сўрашим керак. Бу рақсни унга ваъда қилгандим.

Каупервуд тушуниб, нари кетди. У қизиб кетган, асаблари таранг эди. У бевафолик қилганини, жуда бўлмаганда, хаёлан шуни ўйлаганини тушунарди. Умумахлоқ кодекси қоидаларига кўра, бундай қилишга унинг ҳаққи йўқ эди. Бу нарса унинг атрофидагилар: кизнинг отаси, масалан, ўзининг ота-онаси ёки атрофидагиларнинг истаган бирортаси тушунадиган меъёрларга қарама-қарши эди. Гарчи бу меъёрлар кўп ҳолларда махфий бузилиб турсада, доим кучида қолаверарди. Ҳали мактабда ўқиётган пайтида бир қизни жувонмарг қилган одам ҳақида гап кетганида, унинг синфдошларидан бири “Одам дегани бундай қилмайди!” деб бақирганди.

Нима бўлганда ҳам, бўлиб ўтган бу ҳодисалардан сўнг йигитнинг кўз олдидан Эйлиннинг қиёфаси кетмай қолди. Бу воқеа унинг жамиятдаги ва молия соҳасидаги ўрнини чалкаштириб юбориши мумкинлиги хаёлига келган бўлса-да, йигит ғалати қизиқиш билан атайлаб, ундан ҳам баттари ўзи хайрат билан кузата туриб, режали равишда юрагидаги эҳтирос оловини алангалатаётганини билиб турарди. Вақти келиб эҳтимол, ўзини ҳам ёндириб юбориши мумкин бўлган оловни алангалатиш ва буни яна атай ва берилиб амалга ошириш!..

Эйлин зериккандек елпиғичини ўйнатиб қора сочли, юз тузилиши нозик ёш талаба-юристининг гапларига қулок тутиб ўтирарди. У узоқда Норани кўриб қолиб, йигитдан узр сўраб, синглисининг олдига қараб юрди.

– Вой, Эйлин!.. – хитоб қилди Нора. – Сени ҳамма ёқдан кидириб чиқдим. Қаерга йўқ бўлиб кетдинг?

– Рақс тушаётгандим, албатта. Сенингча, яна қаерда бўлишим мумкин? Мени залда кўрмадингми?

– Йўқ, кўрмадим, – гап қандайдир муҳим нарса ҳақида кетаётгандек, нохуш оҳангда деди Нора. – Сен ҳали бу ерда кўп қолмоқчимисан?

– Охиригача бўлса керак. Яна кўраман.

– Оуэн соат ўн иккида уйга кетишини айтганди.

– Нима бўпти! Мени бирортаси кузатиб кўяди. Сенга ёқяптими?

– Жуда ҳам. Вой, биласанми, нима? Охирги рақс давомида мен бир аёлнинг кўйлагини босиб олдим. Шунақа жажли чиқиб кетди! Менга шунақа ёмон қарадики!

– Кўркма, азизам, у сени еб кўймайди. Ҳозир қаерга кетяпсан?

Эйлин синглисига доим бироз опаларча ғамхўрлик билан гапирарди.

– Кэлемни топмоқчиман. У мен билан кейинги турда рақс тушиши керак. У нима ўйлаётганини биламан: олдимдан суғрилиб чиқиб кетмоқчи, бироқ бунга йўл кўйиб бўпман!

Эйлин жилмайди. Нора ажойиб эди. Бунинг устига ақлли! У опасининг кўнглидан ўтаётган гапларни билса, нима деб ўйлаган бўларди! Эйлин орқасига ўгирилди – уни тўртинчи кавалер кидириб юрганди. Ўзини бепарво тутиши кераклиги ёдида турган қиз у билан қувноқ гаплаша кетди. Бироқ қулоқлари остида йигит кўндаланг кўйган савол – “Сизга ёқаманми?” ва ўзининг ишончсизлик билан, лекин чиндан айтган “Ҳа, албатта!” деган жавоби жаранглаб турарди.

**Э**хтироснинг ривожланиб бориши – ўзига хос бир жараён. Ақлли ва нозик табиатли одамларда эхтирос одатда улар ўз эътиборларини қаратган нарсанинг фази-латларидан ҳайратланишдан бошланади. Ақл-идрок билан яшайдиган эсли-хушли худбин одам эса, кўп нарсани талаб қилади. Шунга қарамай, ҳаётни севадиган одамга – хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл – худди шундай худбин табиатли одам билан ўзаро мос келиши келажакда кўп нарсаларни ваъда қилади.

Каупервуд табиатан туғма идрок билан иш кўрадиган худбин одам, бунга қайсидир даражада инсонларга нисбатан меҳрибонлик ва кўнгилчанлик муносабатлари ҳам аралашиб кетганди. Худбинлик ва ақлий қизиқишларнинг устун келиши, назаримизда, санъатнинг ҳар хил турларида фаолият олиб боришга яхши шароит яратиб беради. Молия соҳасидаги фаолият ҳам иқтидорли ва худбин одамлар фаолиятининг мураккаб мажмуидир. Каупервуд табиатан финансист эди. Табиат яратган нарсалар, уларнинг гўзаллиги ва мураккаблиги олдида ҳаётнинг моддий томонини буткул унутиб, маҳлиё бўлиб қолиш ўрнига у тез фикрлаши туфайли тинмайдиган молиявий ҳисоб-китобларига зарар етказмаган ҳолда борлиқнинг барча хузур-ҳаловатидан завқлана олиш қобилиятидек бахтга мушарраф бўлганди. Аёллар, ахлоқ-одоб, яъни гўзаллик, бахт, тўлақонли ҳаётга чанқоқлик билан чамбарчас боғлиқ нарсалар тўғрисида ҳаёл сура туриб, у мавжуд ижтимоий тузумни ҳозирги кўринишда сақлаб

қолишга уринишдан бошқа асоси бўлмаган ягона севги, бир никоҳлилиқ ҳақидаги ғояга шубҳалана бошлади. Нега кўпчилиқ одамлар айнан фақат битта хотинга уйланиш ва ўлгунча ўшанга содиқ қолиш керак, деган фикрга келишган? Йигит бу саволга жавоб топа олмасди. Унинг ўша пайтдаёқ Европада кўп гапириладиган эволюция назариясининг нозик томонлари ҳақида бош қотириб ўтиришга хоши йўқ эди. У жуда банд одам эди. Бундан ташқари, бу ғоянинг тўғри эмаслигини исботловчи ҳолатларни ҳам кўп кузатганди. Эр-хотинлар бир-бирларига ўла-ўлгунча вафодор бўлишмаган, минглаб шароитларда содиқ қолишган бўлса ҳам, буни ўз ихтиёрлари билан қилишмаган. Баъзи одамларга оиладаги ва жамият орасидаги омадсизликларини ювиб кетишда ўткир ақллари ёрдам берган; бошқалар эса ўзларининг калтафаҳмликлари, камбағалликлари ёки жозибалари бўлмагани сабаб бир умр завқ-шавксиз ҳаёт кечиришга маҳкумдирлар. Бадбахтларча туғилиб қолиш, ўзларининг иродасизликлари ва топқир эмасликлари уларни бошқа шароитда ажойиб бўлиши мумкин бўлган азобли ҳаётдан ё тинмай азоб чекишга ёки бир парча арқон, ўқ ёхуд заҳар ёрдамида қутулишга ҳаракат қилишга мажбур қилган.

“Мен ҳам ўлишни афзал кўрган бўлардим”, деди хаёлан кичкинагина бошпанада ўзи ҳам касал бўлган хизматкор аёл қарамоғида, ўрнидан тура олмайдиган даражада оғриган камбағал бир одамнинг ўн икки йил ёлғизликда азоб чеккани ҳақида газетада ўқиб қолган Каупервуд. Юрагини тешиб ўтган игнагина бу одамнинг ердаги азобларига нуқта қўйганди. “Жин урсин бундай ҳаётни! Ўн икки йил! Нега у бу ишни касаллигининг иккинчи ёки учинчи йили қилмаган экан?” Яна аниқ кўриниб турибдики – бунинг исботи ҳар қадамда учраб турибди, бутун қийинчиликларни куч – ақлий ва жисмоний куч ҳал қилади. Ахир саноатдаги ва молиявий магнатлар шу ҳаётда нима хоҳлашса, шуни қила олишади – қилишяпти-

## Теодор Драйзер

ку! Каупервуд бунга биринчи марта амин бўлмаётганди. Бунинг устига, бу ночор қонун ва ахлоқ посбонлари деб аталмиш матбуот, черков, полиция ва биринчи навбатда кўнгилли насихатгўйлар пастки қатламда ифлосликни кўрганда ғазабдан жазовага тушадиганлар, иш ҳукумат кўлида бўлган кучли одамларга тегишли бўлгудек бўлса, оғзини очишга ҳам кўркиб, мабодо ўша одам тойиб кетгудек бўлса, улар энди ҳеч нарсдан кўркмай ўшанга ташланишарди. Эҳ, бу ҳолда қандай шовкин солинади! Ҳамма ёққа жар солинарди! Қандай иккиюзламачилик! “Одамлар, бу ёққа, бу ёққа! Қаранглар, ҳатто жамиятнинг энг юқори поғонасидагиларни ҳам қандай жазо кутади!” Бу ҳақда ўйлаётиб, Каупервуд жилмайди. Қандай мунофиқлик! Қандай риёкорлик! Бироқ дунё шундай тузилган ва у буни тузата олмайди. Ҳамма нарса ўз навбати билан кетаверсин! Унинг вазифаси – ҳаётда ўз ўрнини топиш ва уни ушлаб қолиш, ўзи ҳақида “ҳамма синовларга бардош бера оладиган одамшаванда ва улуғвор”, деган номни яратишдир. Бунинг учун куч керак. Ва тезкор ақл. Унда эса униси ҳам, буниси ҳам бор. “Энг аввало ўз истакларим!” – бу Каупервуднинг шиори эди. Каупервуд бу шиорини омади юришганлар ўрни учун курашга олиб кетаётган қалқонига кўркмай ёзиб қўйиши мумкин эди.

Бироқ айти пайтда у энди Эйлин билан қандай муносабатда бўлишни ҳам ҳал қилиб олиши керак; аслида кучли ва мақсади сари интиладиган одам бўлган Каупервуд бу масалада ҳам ўзини йўқотиб қўймаганди. Унинг учун бу ҳар куни дуч келадиган мураккаб молиявий муаммолардан кўп фарқ қилмайдиган масала бўлиб, жуда ҳал қилиб бўлмайдигандек туюлмаётганди. Нима қилиш керак? У хотинини ташлаб, Эйлин билан кета олмасди, бу тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Уларни ҳаддан ташқари кўп нарса боғлаб турарди. Нафақат одамлар нима деб ўйлашидан кўркиш, балки ота-онасига ва болаларига бўлган меҳри ҳамда молиявий

томондан мулоҳазалар ҳам уни маҳкам ушлаб турарди. Бундан ташқари, ўзи буни хоҳлайдими, бунга ҳам ишончи комил эмасди. У ўзининг кундан-кунга ўсиб бораётган иш борасидаги қизиқишларидан воз кечишни асло ўйламаётганди, бироқ Эйлиндан ҳам дарров воз кечиб кўя қолмоқчи эмасди. Қизда уйғонган ҳиссиётлар унга жуда кўп хурсандчиликлар ваъда қилаётганди: Каупервуд хоним энди уни на жисмонан, на маънан қониқтирар ва мана шу нарса унинг Эйлинга қизиқиб қолишига етарлича баҳона эди. Нимадан кўркади? У бу шароитдан ўзига ҳеч қандай гард юқтирмай чиқиб кета олади. Бироқ баъзида унга бу шароитда ўзларини тутишнинг беҳавотир йўлини топа олмайдигандек туюлар ва шу сабаб у кўпинча ўйчан бўлиб қоларди. Чунки у қизга бутун борлиғи билан интилаётганини ва ўзида ташқарига қизиқни талаб қилаётган кучли бир эҳтирос бош кўтараётганини сезиб турарди.

Каупервуд хотини ҳақида ўйлаганида, нафақат ахлоқ, балки моддият билан боғлиқ гумонларни ҳам кўнглидан ўтказди. Лилиан бева қолгач, йигитнинг жўшқин эҳтирослари олдида ўзини боса олмаган бўлса-да, кейинчалик йигит унинг оммавий қадриятларга амал қиладиган, оддий иккиюзламачи эканини тушуниб қолганди: у фақат одамлар кўзигагина ўзини совуққон тутарди, холос. Йигит яна хотинининг вақти-вақти билан пайдо бўладиган ва ўзини тута олмайдиган эҳтиросларидан уялишларини ҳам тушуниб қолган; бу эса кучли, ҳукмрон табиатли, доим мақсади томон олга ҳаракат қилувчи Каупервуднинг ғашига тегарди. Албатта, йигит тўғри келган одамга Лилианга бўлган ҳислари ҳақида гапириб бермоқчи эмасди, бироқ нега уларнинг бир-бирларининг кўзига қараб ўз муносабатлари ҳақида индамасликлари, жисмоний яқинликлари ҳақида гапирмасликлари керак? Нега бир нарса ҳақида ўйлаб, бошқа нарсани бажариш керак? Тўғри, Лилиан ўз ҳолича унга содиқ эди – сокин,

## Теодор Драйзер

ҳиссиз, фақат ақл билан иш кўради; ўтган кунларига назар ташлаб, Фрэнк баъзи бир онларни айтмаганда, уни бошқача ҳолда кўрганини эслай олмайди. Лилиан ўз ҳолича тушунадиган бурч ҳисси унинг эрига муносабатида алоҳида ўрин тутарди. Лилиан бурч масаласини ҳаммадан юкори кўярди. Ана ундан кейин эса одамларнинг фикри ва давр руҳи талаб қиладиган бошқа нарсалар турарди. Эйлин эса, аксинча, бурчни ҳис қиладиганлардан эмасди ва афтидан, жўшқин, эҳтиросли табиати уни одамлар орасидаги ҳамма қабул қилган шартларга амал қилмасликка мажбурларди. Албатта, ўзини қандай тутиш қоидалари бошқа қизлар каби унга ҳам ўргатилган, бироқ у бу қоидалар билан ҳисоблашишни истамасди.

Охирги уч ой ичида Фрэнк билан Эйлин янада яқинлашиб қолишди. Ота-онаси ва одамлар унинг қалбини тўлдирган ҳисларга қандай қарашини жуда яхши тушунсада, шунга қарамай, фақат битта нарса ҳақида ўйлар ва фақат шуни истарди. Эндиликда бу ўйларга чуқур киришиб, амалда бўлмаса-да, хаёлан чуқур муносабатга киришиб кетгач, Каупервуд унинг кўзига борган сари ҳар томондан яхши кўриниб кетаётганди. Каупервуднинг нафақат жисмоний фазилатлари (кучли эҳтирос бундай чекловларни билмайди), балки ички барқарорлиги ҳам худди ёруғлик парвонани ўзига тортгандек, қизни ўзига тортаётганди. Йигитнинг кўзларида ирода кучи билан яширинган бўлса-да, кучли ва ҳамма нарсага қодир эҳтирос олови ёниб турарди.

Хайрлашаётиб, Фрэнк унинг қўлидан ушлаганда, қизнинг баданида электр токи югураётгандек бўлар, хайрлашганларидан сўнг эса у йигитнинг кўзига қарашга қийналганларини эсларди. Вақти-вақти билан йигитнинг кўзларидан қандайдир ҳалокатли қувват таралаётганга ўхшарди. Кўплар, айниқса эркаклар, йигитнинг кўзларидаги совуқ шуълага дош бера олишмасди. Уларнинг наздида бу нигоҳлар ортида ҳамма нарсани кўриб турган

яна бир жуфт кўз яширингандек туюларди. Ҳеч ким Каупервуд нима ҳақда ўйлаётганини билишга кодир эмасди.

Кейинги ойларида Эйлин йигитга яна ҳам боғланиб қолди. Бир куни кечқурун қиз Каупервудларникида рояль олдида ўтирганида – хонада бошқа ҳеч ким йўқ эди – йигит унинг олдига келиб энгашиди-да, қизнинг лабларидан ўпди. Дераза пардалари ортидан совуқ, қор ёққан кўча ва милтиллаётган газ фонарлари кўриниб турарди. Каупервуд уйга вақтли келган ва Эйлиннинг рояль чалаётганини эшитиб, шу хонага кирганди.

Эйлиннинг эғнида шарқона усулда оловранг ва кўк кашта тикилган ажойиб кулранг жун кўйлак бор эди. Кўйлагининг рангига мос оловранг ва кўк патлар билан безатилган кулранг шляпаси қизнинг гўзаллигини янада бўрттириб кўрсатарди. Опал, зумрад, ёкут ва олмос тошлар билан безатилган тўрт ёки бешта узук – ҳар ҳолда улар жуда кўп эди, қизнинг клавишлар устида югураётган бармоқларида ялтираб кўринарди.

Йигит хонага кириб келаркан, қиз ўтирилмасдан турибоқ ким келганини сизди. Каупервуд унинг ёнига яқинлашди ва Эйлиннинг Шуберт пайдо қилган орзуга тўла кўзларидаги ифода бутунлай бошқа бир ифодага алмашиб, жилмайиб унга қаради. Каупервуд кутилмаганда энгашиб, қизнинг лабларига ёпишди. Йигитнинг ипақдек мўйлови юзига тегишидан қизнинг бутун танасида титроқ турди. У роялни чалишдан тўхтади, кўкраги бир кўтарилиб тушди; қанчалик кучли бўлмасин, нафаси ичига тушиб кетганди. Юраги дукурлаб уриб кетди. У “Оҳ!” ёки “Керак эмас!” деб хитоб қилмади, балки ўрнидан туриб, дераза олдига борди ва пардани кўтариб, ўзини кўчани томоша қилаётганга солди. Назарида ҳозир бахтдан ҳушидан кетиб қолаётгандек туюларди. Каупервуд унинг орқасидан келди. У Эйлиннинг белидан кучиб, қизнинг қизариб кетган юзига, жилваланиб турган кўзлари ва қирмизи лабларига қаради.



## Теодор Драйзер

– Мени севасанми? – шивирлади у; уни қуршаб турган кучли эҳтирос натижасида саволи катъий ва ҳукмронларча янгради.

– Ҳа! Ҳа! Ўзинг биласан-ку!

Йигит юзини қизнинг юзига босди, қиз эса қўлларини кўтариб унинг сочларини силай бошлади. Кучли бахт хисси, бу қизга, унинг танасига эга бўлиш ва севиш хисси Фрэнкнинг борлигини чулғаб олганди.

– Сени севаман!.. – у бу сўзларни шундай айтдики, овозидан ўзи ҳам ҳайрон қолди. – Буни тушунмаётгандим, ҳозир англадим. Сен қанчалар чиройлисан! Мен ақлдан озай деяпман.

– Мен ҳам сени севаман, – жавоб берди қиз. – Ўзимни бошқаролмаяпман. Бундай қилишим керак эмаслигини биламан, бироқ... Оҳ!.. – Эйлин қўллари билан йигитнинг бошларидан ушлаб қоронғилашиб кетган кўзларини унинг кўзларидан узмай, лабларини йигитнинг лабларига босди. Сўнгра тезда ундан четлашиб, яна кўчага қарай бошлади, Каупервуд эса хонанинг нариги томониغا ўтди. Улар бутунлай ёлғиз эдилар. Йигит қизни яна бир марта ўпса бўлармикин деб ўйлаб турганда эшикда Нора – у Аннанинг хонасида эди, кўринди, қизнинг кетидан эса Каупервуд хоним ҳам кириб келди. Бир неча дақиқадан кейин Эйлин ва Нора уйларига кетишди.

**Б**ундай тугал ва аниқ севги изҳоридан кейин Каупервуд ва Эйлиннинг муносабатлари, албатта, янада яқинлашиши керак эди. Эйлин олган диний тарбиясига қарамай эҳтиросларига қарши бора олмаётганди. Ҳамма қабул қилган диний қарашлар ва тушунчалар уни тўхтата олмаётганди. Унинг тасаввурида охирги тўққиз ёки ўн йил ичида севадиган одами қандай бўлиши кераклиги аста-секин жонланиб борди. Бу кучли, келишган, кўнгли очик, омади юришган, ҳаётни ундан кам севмайдиган одам бўлиши керак. Қизнинг кўнглини забт этишга кўп йигитлар ҳаракат қилиб кўрди. Унинг идеалига ҳаммадан кўпроқ муқаддас Тимофей черковидаги Давид ота тўғри келарди, бироқ у уйланмасликка қасам ичган руҳоний эди. Улар бир-бирларининг ҳиссиётлари ҳақида билиб туришган бўлса-да, бу ҳақда бирор марта ҳам ўзаро сўз очишмаганди. Кейин Фрэнк Каупервуд пайдо бўлди ва тез-тез учрашиб туришлари, суҳбатлари натижасида аста-секин йигит қизнинг орзуларидаги образга айлана борди. Қиз унга бамисли қуёшга интилган сайёралардек интиларди.

Албатта, бу пайтда қарши турувчи кучлар ҳаракатга келса нима бўларди, буниси номаълум. Баъзида бундай ҳиссиётлар ва муносабатлар бошланиши биланок йўқ қилиб юборилади. Инсоннинг ҳар қандай табиати ҳам қайсидир даражада таъсирга берилади, ўзгаради, бироқ унга таъсир қилувчи кучлар жуда бақувват бўлиши керак. Ушлаб турувчи бақувват куч одатда диний ва маънавий

## Теодор Драйзер

томондан сингдирилган кўрқув бўлмаса ҳам, моддий зарар кўришдан кўркиш бўлиши мумкин; бироқ бойлик ва жамиятдаги ўз ўрнига эга бўлиш эса одатда буни ҳам йўққа чиқаради. Ахир пулинг кўп бўлганда ҳамма нарса осон ҳал қилинади! Эйлин ҳеч нарсадан кўркмаётганди. Каупервуд ҳам на маънавий, на диний тушунчалар билан ҳисоблашишга ўрганмаганди. У бу кизга қараб туриб, бутун оламни қандай алдаб, ўзининг обрўсига доғ туширмаган ҳолда унинг муҳаббатидан баҳраманд бўлиб юриш ҳақидагина ўйларди. У кизни бутун борлиғи билан севиб қолганди.

Иш юзасидан у Батлерларникида кўпроқ бўлишига тўғри келар ва у ерда ҳар сафар Эйлинни учратарди. У кизга биринчи марта муҳаббат изҳор қилганидан сўнг бу ерга келганида Эйлин пайт топиб унинг олдига келиб, қўлини сиқди ва тезгина қайноқ бўса олишга эришди. Кейинги сафар эса йигит кетаётганида у бирдан дарпарда ортидан чиқиб келди.

– Севгилим!.. – кизнинг товуши нозик, ялинчоқ оҳангда эди.

Каупервуд ўгирилиб, Батлернинг хонаси томонга ишора қилди. Бироқ Эйлин ўрнидан қимирламай, унга қўлини чўзганча турарди; Фрэнк дарҳол у томон юрди. Шунда киз қўлларини унинг бўйнига ташлади-ю, йигит ҳам уни бағрига тортди.

– Сени жуда кўргим келди!

– Мен ҳам! Мен ҳаммасини тўғрилайман. Мен фақат бирга бўлишимиз ҳақида ўйлаяпман!..

Йигит кизнинг кучоғидан бўшалиб, чиқиб кетди, киз эса ойна олдига югуриб бориб, унинг изидан қараб қолди. Фрэнк бу ерга яқин жойда яшагани учун яёв кетаётганди. Эйлин анча пайтгача унинг кенг елкалари, келишган гавдасидан кўз узолмай қараб турди. У қанчалик тез ва ишонч билан қадам ташлайди-я! О, мана ҳақиқий эркак! Унинг Фрэнки! Қиз уни аллақачон ўзиники деб ҳисоблаётганди!

Эйлин Ойна олдидан нари кетиб, рояль олдига ўтирди ва ўйга чўмганча қандайдир куйни чала бошлади.

Ҳамма нарсанинг йўлини топа оладиган ва пулдан сира қийналмаган Фрэнк Каупервуд учун ушбу вазиятдан чиқиш йўлини топиш жуда осон эди. Ёшроқ пайти ҳар хил “маишатхона”ларда санкиб юрганида, кейинчалик уйланганидан сўнг ҳам тўғри йўлдан сал оғишига тўғри келганда, у ахлоқсизлик саналувчи ишлар бўладиган ҳамма яширин туйнукларни ўрганиб чиққанди. Филадельфияда – ўша пайтга келиб ярим миллиондан кўпроқ аҳолиси бўлган шаҳарда – севишган жуфтликни одамларнинг кўзидан яшира оладиган ўртамиёна меҳмонхоналар етарлича эди. У ерда яна кўринишидан савлатли бўлса-да, маълум пул эвазига учрашув ташкил қилишга рухсат берадиган уйлар эгалари ҳам топиларди. Янги ҳаётни дунёга келтиришдан сақлайдиган воситаларга келсак, улар Каупервудга анчадан бери жумбоқ эмас, уларнинг ҳаммасини биларди. Унинг шиори эҳтиёткорлик ва яна эҳтиёткорлик эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки Каупервуд тезлик билан нуфузли ва обрўли одамга айланиб бораётганди. Эйлин, албатта, ўз эҳтироси уни қаерга олиб боришини англамаётган, англаса ҳам, бу тасаввур жуда ғира-шира эди; бу севгининг чегараси қаерда эканини у билмасди. Эйлин севгига чанқоқ эди, у ўзини эркалатишларини хоҳлар, қолган нарсалар тўғрисида ўйламасди ҳам. Унинг ўй-хаёллари худди сичқонларга ўхшарди: қоронғи бурчакда бошини чиқариб туради-да, ҳар қандай шовқин бўлиши билан лип этиб орқасига кириб кетади. Каупервуд билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса унга ажойиб бўлиб кўринаётганди. Йигитнинг севгиси ўзи хоҳлаган даражада эканига қизнинг ишончи комил эмас эди; бироқ вақти келиб шунақа ҳам бўлар! Эйлин ўз туйғулари билан бошқа бир аёл – Каупервуд хонимнинг ҳуқуқларига тажовуз қилаётганини тушунмасди, унга худди бундай эмасдек туюларди. Фрэнк яна Эйлинни ҳам севадиган бўлса, Каупервуд хоним нима йўқотади?

## Теодор Драйзер

Ўзини тия олмаслик ва эҳтиросдан туғилган бундай ўз-ўзини алдашни қандай тушунтириш мумкин? Бундай ҳодисаларга ҳар қадамда дуч келамиз. Эҳтирослар доимийдир ва унча катта бўлмаган жонзот – инсондан ташқарида содир бўлаётган нарсалар табиатнинг унга бефарқлигини кўрсатади. Биз эҳтирос қамоқ, касаллик, ҳалокатга олиб келишини яхши биламиз, аммо яна биламизки, бу нарсаларнинг ҳеч бири инсон табиатининг абадий интилишига таъсир қилмайди. Наҳотки бунга қарши мақсадига етишга интилаётган шахснинг тутқич бермас иродаси ва кучидан бошқа қонун йўқ бўлса? Агар шундай экан, бу ҳақда чиндан ҳам ҳамма, истисносиз ҳамма билиши керак! Биз ўшанда барибир олдингидек ҳаракат қилаверардик, бироқ ҳар ҳолда Худонинг одамларнинг ишларига аралашуви ҳақидаги бўлмағур хомхаёллар йўқ бўлиб кетарди.

Шундай қилиб, Эйлиннинг қизгин эҳтироси бундай учрашувлар билан боғлиқ бўлган кўркув ва таваккални ёдидан чиқариб, улар учраша бошладилар ва ажойиб онларни бир-бирларининг кўзларига термулиб ўтказдилар. Йигитнинг уйидаги ҳеч ким кўрмаган тасодифий бир неча дақиқалик учрашувлардан сўнг улар шаҳар ташқарисидаги махфий учрашувларга ўтишди. Каупервуд ўзидан кетиб ҳамма ишини ташлаб кўядиганлар тоифасидан эмасди. У кутилмаганда келган эҳтирос ҳақида қанча кўп ўйлагани сари ўзидаги бу ўзгаришлар ишига, фикрларига кириб боришига йўл қўймаслиги ҳақидаги қарори ҳам мустаҳкамланиб борарди. Идорасида тўққиздан тушлиқдан кейинги учгача жуда диққат билан ишлаш талаб қилинарди. Бироқ ишга берилиб кетган Каупервуд соат кечки беш яримгача у ерда ушланиб қоларди. Аммо бунга жуда ҳам зарурият бўлмагани учун унинг ҳафтасига икки марта уч яримдан беш ярим ёки олтигача йўқлиги ҳеч кимнинг кўзига ташланмасди. Эйлин ҳам деярли ҳар куни соат уч яримдан соат беш ёки олтигача ёлғиз

бир жуфт учкур от кўшилган аравада айланиб келиш ёки отаси Балтимордаги машхур чайқовчидан қизи учун сотиб олган отини миниб келишни одат қилганди. Каупервуд ҳам тез-тез экипажда ёки отда айлангани боис уларга Уиссахикон дарёси бўйида ёки Скайкилд йўлида учрашув белгилаш кулай эди. Яқинда барпо қилинган паркда куюк ўрмондагидан ҳам хилватроқ бурчаклар кўп эди. Тўғри, йўлда доим бирорта таниш инсонни кўриб қолиш эҳтимоли бўларди, бироқ ҳақиқатга яқин бирон баҳонани тўқиш қийин эмасди! Аслида бунга ҳожат ҳам йўқ эди, бундай тасодифий учрашувлар ҳеч кимда шубҳа уйғотиши мумкин эмасди.

Бу севги қиссаси аввалига шундай – севги изҳорлари, ўзаро ваъда беришлар, жиддий, охирги қадамни кўйиш ҳақида ҳеч ўйламай ва бунинг устига аллақачон яшил тусга бурканган паркда соя-салқинда отда юришлар билан кеча бошлади. Бундай ҳаёт қувончи Каупервудда аввал сира ҳис этмаган янги эҳтиросларни уйғотди. У Фронт стритга Лилианни кўргани бориб юрган пайтлар аёл жуда яхши эди ва ўша пайтда Фрэнк ўзини сўзсиз бахтиёр ҳисоблаганди, бироқ ўша даврдан бери ўн йил ўтди ва буларнинг ҳаммаси унутилиб кетди. Никоҳдан сўнг у бирон кучли эҳтиросни ҳис этмади, бирортаси билан узоқ муносабатда ҳам бўлмади ва бирдан қутилмаганда ишдаги катта муваффақиятлари орасида ҳам жисмонан, ҳам руҳан ёш бўлган, эҳтиросли орзуларга тўла Эйлин пайдо бўлганди. Фрэнк ҳар қадамда қиз жуда дадил эканлигига қарамай, у яшаётган ҳисоб-китобли ва шафқатсиз дунё ҳақида ҳеч нарса билмаслигини тушуниб бораётганди. Отаси кизига истаган буюмини совға қилар, онаси ва акалари, айниқса, онаси эркататар, синглиси эса уни орқада қолдириб кетаётганди. Эйлин қандайдир аҳмоқона иш қилиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Нима бўлганда ҳам, у жуда мулоҳазали ва жамиятда юқорига кўтарилиш хоҳиши ҳам зўр эди. Олдида бахтли

## Теодор Драйзер

ҳаёт кучок очиб турган ва тез орада уни бирорта келишган ва ҳар томонлама тўғри келадиган йигит билан никоҳ кутаётган бўлса, унга ман қилинган нарсалар тўғрисида ўйлашнинг нима кераги бор?..

– Эйлин, сен турмушга чиққанингдан сўнг бу ерда маза қилиб яшаймиз, – дерди кўпинча онаси. – Бутун уйни таъмирлаб, қайта қурамиз, мабодо буни вақтлироқ бошлаб қолмасак. Эддини шунга мажбур қиламан, агар у хоҳламаса, ўзим бошлайман. Хотиржам бўлаверишинг мумкин.

– Қайта қуришни ҳозир бошлайверса ҳам бўларди, – жавоб берарди Эйлин.

Жаноб Батлер ўзига хос бўлган қўпол эркалаш билан қизининг елкасига қоқиб қўйиб, “Нима, уни учратдингми?” ёки “Нима, у ҳали деразанг тагида ўралашмаяптими?” деб сўрарди. Агар қизи “Йўқ” деб жавоб берадиган бўлса, қария яна: “Ҳечқиси йўқ, хафа бўлма, ҳали учратасан, бундан баттар хафагарчиликлар бўлади! Қизим, сендан айрилишим жуда оғир бўлади! Отангнинг уйида қанча хоҳласанг, шунча яшашинг мумкин ва ёдингда тут: истаган пайтингда бу ерга қайтиб келишинг мумкин”, – дерди.

Эйлин отасининг ғашига тегишларига унчалик эътибор беравермасди. У отасини яхши кўрарди, бироқ айтаётган гапларининг сийқаси чиққанди. Булар ҳаммаси одатдаги бир-бирига ўхшаш ва, албатта, ёқимли кунлар эди.

Бироқ ажойиб баҳор кунларида, ям-яшил дарахтлар орасида у эҳтирос билан ўзини Каупервуднинг эркалашларига асира қилди! У ўзини бутунлай йигитга топширадиган кун яқинлигини ҳис қилмаётган, Фрэнк ҳозир уни эркалаб, ўз севгиси ҳақида сўзлаб берарди, холос. Вақти-вақти билан йигит ўзидан шубҳаланиб қоларди. Ўзига борган сари кўпроқ эркинлик бериб юбораётгани табиийдек туюларди. Бироқ олийжаноблик нуқтаи назаридан у бир куни Эйлинга бу эҳтирослар уларни қаерга олиб бориши ҳақида айтди. Қиз бунга рози

бўладими? У ўзи нима қилаётганини билладими? Дастлаб Эйлин кўркиб кетди, нима дейишни билмай қолди. Устига қора амазонка, олтинранг сочларини яшириб ипак шляпа кириб олган қиз калта хипчин билан оёғига урганча йигитнинг саволи ҳақида ўйлаб қолди. Йигит у нима қилаётганини билиш-билмаслигини сўраяпти. Ва у йигитни чиндан ҳам севадими? Улар отларини катта йўлдан йигирма қадамча наридаги тезоқар ариқ олдидаги қуюқ ўтлоқда қолдиришган бўлиб, ҳозир қиз шу ариқнинг қирғоғида худди отлар яхши боғланганмиди, деб қараётгандек, Фрэнк билан бирга турарди. Бироқ қизнинг нигоҳлари отларда бўлса-да, ҳеч нарсани илғамас, хаёли бошқа ёқда эди. У Каупервуд ҳақида, костюми унга қандай ярашгани ва бу дақиқалар қандай ажойиблиги ҳақида ўйлаётганди. Унинг оти ҳам қандай чиройли! Эндигина пайдо бўлаётган барглар уларнинг бошлари устида ажойиб яшил тўр ҳосил қилганди. Чор атроф ўрмон бўлиб, улар бу ўрмонни яшил тангачалардан тикилган парда орқали кўраётгандек эдилар. Кулранг тошларнинг усти яшил мох билан қопланган, жилдираб ирмоқ оқар, дарахтларда баҳорнинг биринчи қушлари – малиновка, сайроқи қораялоқлар ва бигизтумшуклар тинмай чуғурлашарди.

– Миттивойим менинг, – деди Каупервуд, – ўзи нималар бўлаётганини тушунапсанми? Мен билан учрашиб нималар қилаётганинг тўғрисида ўзингга ҳисоб беряпсанми?

– Менимча, ҳа!

Қиз оёғига хипчини билан бир уриб, жим бўлиб қолди, кейин нигоҳларини барглар орасидан ҳаворанг осмонга қадади.

– Менга қара, азизам!

– Истамайман!

– Менга қара, жоним, сендан бир нарсани сўрашим керак!

– Фрэнк, мени мажбур қилма! Мен бундай қила олмайман.



## Теодор Драйзер

– Йўқ, қиласан, қилишга мажбурсан!

– Қарай олмайман!

Йигит кизнинг қўлларидан ушлади, у орқага тисарилди, бироқ шу заҳоти яна йигитга яқинлашди.

– Қани, энди кўзларимга қара!

– Йўқ, қарай олмайман!

– Менга қара, Эйлин!

– Мендан буни сўрама! Сўраган ҳамма саволингга жавоб бераман, бироқ мени ўзингга қарашга мажбур қилма!..

Фрэнк меҳр билан унинг ёноқларини силади. Кейин қўлини кизнинг елкасига қўяркан, Эйлин боши билан унинг елкасига суянди.

– Қувончим менинг, қандай ажойибсан!.. – ниҳоят гап бошлади Фрэнк. – Сендан воз кечишга кучим етмайди. Нима қилишим кераклигини жуда яхши биламан, ўзинг ҳам балки биларсан. Бироқ мен бундай қила олмайман. Сен меники бўлишинг керак. Шундай бўлса-да, буни билиб қолишса, иккаламиз учун ҳам ёмон бўлади. Гапларимни тушуняпсанми?

– Ҳа, тушуняпман.

– Акаларингни яхши танитайман, бироқ кўринишидан улар жуда қатъиятли одамлар. Ва улар сени жуда яхши кўришади.

– О, албатта!

Фрэнкнинг охирги сўзлари кизнинг ҳамиятига тегиб-роқ кетганди.

– Бу ерда нималар бўлаётганини билиб қолишса, менинг куним битган бўларди. Нима деб ўйлайсан, вақти келиб... нимадир бўлиб қолса, улар қандай йўл тутишади?

У кизнинг чиройли юзига қараб, жим бўлиб қолди.

– Бироқ ҳеч нарса бўлмайди! Жуда чуқурлашиб кетмасак бўлди.

– Эйлин!

– Сенинг юзингга қарамайман! Сўрама ҳам! Қарай олмайман!

- Эйлин! Жиддий гапиряпсанми?

- Билмайман! Фрэнк, мендан сўрама!

- Нахотки биз шу ерда тўхтаб қола олмаслигимизни тушунмаётган бўлсанг! Ўзинг тушунасан. Бу охири эмас. Ва агар... – йигит хотиржам ва бепарво оҳангда қизга ман қилинган учрашувлар техникасини тушунтира бошлади.

- Мабодо кутилмаган бахтсиз бирор ҳодиса туфайли сиримиз очилиб қолмаса, кўркишингнинг ҳожати йўқ. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. У ҳолда, ҳолимиз яхши бўлмайди. Каупервуд хоним ўлиб қолса ҳам ажримга рози бўлмайди – негаям ажрашаркан! Агар ҳамма нарса ҳозир мен режалаштираётгандек бўлса, агар бир миллион йиға олсам, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаммасини тугатишга тайёрман. Мен бутун умр ишламоқчи эмасман. Ўттиз беш ёшимда ҳамма ишга нуқта қўйишни режалаганман. У пайтга бориб етарли пулим бўлади ва саёхатга чиқишни бошлайман. Бирок бир неча йил кутиб туришга тўғри келади. Ёлғиз бўлганинда... ота-онанг тирик бўлишмаганида (қизик, бу гапни эшитиб, Эйлиннинг бир туки кимирламади!) бошқа гап эди.

Йигит жим бўлиб қолди. Эйлин ҳали ҳам ўйланганча оёғи остида оқаётган ирмоққа қараб турар, хаёли эса узоқларда – уларни Фрэнк ва ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмайдиган қандайдир қаср жойлашган кирғокқа яхтада олиб кетаётган денгизда эди. Унинг ярим юмук кўзлари олдидан шу бахтли дунё ўтаётганди; у Фрэнк Каупервуднинг сўзларини худди сеҳрлангандек тингларди.

- Ўлай агар, бошқа йўлини кўрмаяпман! Бирок сени севаман!

- Ҳа, ҳа!.. – ҳаяжондан титраб жавоб берди қиз. – Мен ҳам сени севаман! Ва ҳеч нарсадан кўркмайман!

- Мен Ўнинчи кўчадан ижарага уй олдим, – деди Фрэнк отга ўтиришгандан сўнг жимликни бузиб. – Ҳали жиҳозлангани йўқ, бирок гап бунда эмас. Бир аёлни кўз остига олиб турибман, уйга ўша қараб туради.

## Теодор Драйзер

– Ким экан у?

– Эллик ёшлардаги бир бева хотин. Ақлли, жуда ёқимли ва тажрибали. Мен уни эълон бўйича топдим. Ҳаммаси тайёр бўлганда кириб кўришинг мумкин. У билан кўп мулоқотда бўлмайсан. Баъзан холос. Розимисан?

Қиз унинг саволига жавоб бермай, ўйланганча йўлида давом этди. Йигит қанчалик уста-я, қайишмай мақсади сари кетарди!

– Келасанми? Қўрқадиган нарса йўқ. У аёл билан бемалол танишасан. Ишонса бўладиган аёл. Эйлин, келасанми?

– Тайёр бўлганда айтгин, – ниҳоят жавоб берди қиз.

Эҳтирос инжикликлари! Найранглар! Жасорат! Севги мехробига қилинган қурбонликлар!

Орадан кўп вақт ўтмай, Каупервуд ваъда қилган, уларнинг севги сирларини қўриқлаш учун мўлжалланган бошпана тайёр бўлди. Бу уйга, афтидан, яқиндагина оғир йўқотишни бошидан кечирган бева аёл қараб турарди. Эйлин у ерга тез-тез бориб турадиган бўлди. Бундай жойда ва бундай шароитда у севгилисига ўзини бутунлай топшириши қийинчилик туғдирмасди: қиз қалбидаги шиддатли эҳтиросга ортиқ қаршилиқ қила олмаётганди. Унинг қилмишини севгиси билан оқлаш мумкин эди, чунки дунёда унга чиндан ҳам Фрэнкдан бошқа эркак керак эмасди. Қизнинг бутун ўй-хаёллари, ҳамма ҳис-туйғулари унга аталган эди. Эйлин келажакда улар иккови бир умрга ажралмайдиган онларни тасаввур қиларди. Ахир Каупервуд хоним ўлиб қолиши ёки Фрэнк ўттиз беш ёшга етиб, миллион йигса, хотинини ташлаб кетиши мумкин эмасми? Ҳаммаси қандайдир йўл билан ҳал бўлади. Табиатнинг ўзи унга шундай эркакни ато этган.

Эйлин йигитга сўзсиз ишонарди. Йигит унга ўзи ғамхўрлик қилиши ва бирор фалокат бўлишига йўл қўймаслигини айтганида, у йигитнинг сўзларига заррача шубҳа қилмади. Эйлиннинг гуноҳи ҳақидаги гуноҳлар ҳақида руҳонийлар истиффор келтирадиган жойларда кўп эшитади. Бир нарса ажойибки, насронийлик дунёси қандайдир бир мантиқий усталик билан оддий севиб қолиш ва унинг никоҳ билан туталланиши деб аталадиган севгидан

## Теодор Драйзер

Ўзга севги бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келган. Насронийликнинг ғояси – “Битта ҳаёт – битта севги”. Ва мана шу тор доира ичига бутун дунёни сигдирмоқчи бўлади. Мажусийлар учун эса бундай тасаввурлар бегона бўлган. Қадимги дунёда ажралиш учун алоҳида бир сабаб қидиришга ҳожат бўлмаган. Ибтидоий дунёда жинсларнинг бирлашувига авлод қолдириш учун муддат сифатидагина қаралган. Энг янги замоннинг оиласи эса шубҳасиз, агар у ўзаро интилиш ва яқинликка асосланган бўлса, дунёдаги энг ажойиб институтлардандир. Бироқ бундан ниҳояси унчалик бахтли бўлмаган бошқа севгини гуноҳкор қилиш керак, деган маъно чиқиши керак эмас. Ҳаётни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди ва одамлар бундай уринишлардан воз кечишлари керак. Бир умрлик бахтли ҳаёт курганлар шундай толе насиб этгани билан ўзини қутлаб, бахтига муносиб бўлсинлар. Ҳаётда бундай нарсалардан бебаҳра қилинганлар ҳам марҳаматга муносиблар. Бундан ташқари, мулоҳазаларимиз ва назарияларимизга боғлиқ бўлмаган табиатнинг асосий қонунлари ўз кучида қолади. Бир турдаги зарралар бир-бирига тортилади. Инсон табиатидаги ва мижозиддаги ўзгаришлар ўзаро муносабатларда ҳам ўзгаришларга олиб келиши муқаррар. Тўғри, баъзи одамларни ақидалар, бошқаларни эса кўркув ушлаб туради. Бироқ шундай одамлар ҳам топиладик, уларда табиат ҳукмронлик қилади ва бундайлар учун на кўркув ва на бошқа нарсалар бор. Жамият даҳшатдан кўллларини осмонга чўзади. Бироқ асрдан асрга, Елена, Мессалина, Дюбарри, Помпадур, Ментенон ва Нелл Гвин каби аёллар пайдо бўлиб, эркак билан аёл ўртасида илгари мумкин бўлган муносабатлардан кўра озодроқ йўлни кўрсатганлар.

Каупервуд ва Эйлин бир-бирларига жуда боғланиб қолишганди. Эйлинни яқиндан билиб олган Каупервуд умрининг қолган қисмини биргаликда бахтли ўтказиши мумкин бўлган ягона аёл мана шу эканига амин бўлганди.

Қиз ёш, ишонувчан, орзуга тўла ва довюрак эди. Бир-бирларига биринчи марта интилган ондан бери ўтган бутун шу ойлар давомида Фрэнк қизни хотини билан солиштиришдан тўхтамади. Шу пайтгача ўзи ғира-шира ҳис этиб юрган – хотинидан қониқмаслик ҳисси тобора аниқроқ сезилиб бораётганди. Тўғри, у ҳали ҳам болаларидан хурсанд ва уйи ҳам ажойиб эди. Охирги йиллари у хотинидан камми-кўпми рози эди, бироқ ҳозир унинг норозилиги борган сари ўсиб борарди. Хотини Эйлингга ҳеч ҳам ўхшамасди: на ёшлиги, на кизикқонлиги ва на ҳар хил таомилларга нафрат билан қараши буткул фарқ қиларди. Одатда Каупервуд ўзини вазмин тутарди, бироқ ҳозир вақти-вақти билан асабийлашиб кетадиган бўлиб қолганди. Гап Лилианнинг ташқи кўринишига тегишли саволлардан бошланарди: одатдаги “Нега?” деган саволлар аёл кишини хафа қилмай қўймайди. Нега у кўйлагига мос қизил шляпа сотиб олмади? Нега у кўпроқ вақтини очик ҳавода ўтказмайди? Бир айланиб келиш унинг учун жуда фойдали бўларди. Нега у бирор иш қилмаяпти? Фрэнк ўзини нега бундай тутаётгани тўғрисида ўйлаб кўрмаётганди бироқ Лилиан ҳаммасини сезиб турар, бу саволларнинг ҳақиқий сабабини тушунар ва ўзини ҳақоратлангандек ҳис қила бошлаганди.

– Намунча нега, нима учун деяверасан? – аччиқланиб деди аёли бир куни. – Тирноқ остидан кир кидиришими бу? Аслида жуда яхши сезиб турибман, шунчаки мени аввалгидек севмай қўйдинг, холос..

Хотинининг кутилмаган бу гапидан ҳайратга тушган Каупервуд стулга суяниб қолди. Бу ғалаён сабаби хотини Эйлин ҳақида билиб қолганидан эмас, балки ўзи тинмай дакки бергани учун бўлса керак; бироқ Фрэнкнинг бунга ишончи комил эмасди. У Лилианни хафа қилиб қўйганига бироз виждони қийналгандек бўлди ва ундан узр сўради.

– Вой, арзимаган гап, – жавоб берди хотини. – Бунақа нарсаларга аҳамият бермайман. Бироқ менга борган сари

## Теодор Драйзер

кам эътибор бераётганингни сезиб турибман. Качон қарамай, иш, иш, иш! Ишинг тўғрисида бир сония ҳам ўйламай тура олмайсан.

Каупервуд енгил тортиб, хўрсиниб қўйди. Демак, у ҳеч нарсадан шубҳа қилмаяпти!

Бироқ Эйлин билан тобора яқинлашиб борган сари у хотиним бошқаларга ўралашиб юрганимдан гумонсирамаяптимикин, деб ортиқ хавотирланмай қўйди. Баъзан эса бу вазиятнинг эҳтимолий оқибатларини мулоҳаза билан кузатаркан, шундай бўлгани яхшийди, деган ўйга ҳам борарди. Ахир хотини ўз ҳақини ҳимоя қила оладиганлардан эмас. Унинг табиатини билгани учун Фрэнк баъзан балки ўзи бошида кўрққанидек оилаларининг бузилишига унчалик қаршилиқ ҳам қилмас, деб ўйларди. Лилиан ажралишга рози бўлиши ҳам мумкин. Эҳтирос ва бахтга чанқоқлик йигитнинг ҳатто одатдагидек ақл билан мулоҳаза юритишига ҳам ҳалал бераётгандек эди.

Йўқ, дерди у ўзига, гап унинг оиласида эмас, балки Батлерларда. Эдвард Мэлия Батлер билан уни ишга оид масалалар чамбарчас боғлаб турарди. Қария Фрэнк Каупервуд билан маслаҳатлашмай туриб ҳеч ким билан бирорта келишувни амалга оширмасди. Батлер Пенсильвания кўмир компанияси, “Делавэр-Гудзон” канали, “Морис-Эссекс” канали ва Ридинг темир йўли корхоналарининг пайчиси (шериги) эди. У Филадельфия темир йўлларининг аҳамиятини тушуниб, қўлидаги қимматбаҳо қоғозларни иложи борича қимматроққа сотиб, тушган маблағни маҳаллий линияларга тикишга қарор қилди. Молленхуэр ва Симпсонларнинг шундай қилишаётгани унга маълум эди, ахир маҳаллий ишларни улардан бошқа ким яхшироқ тушунади?

У ҳам Каупервуд каби қўлида кўнка темир йўли акцияларининг етарли сонига эга бўлса, охир-оқибат Молленхуэр ва Симпсонлар билан ҳамкорлик қилишга

эришиш мумкин, деб ҳисобларди. У ҳолда эса қўшма темир йўллар учун фойдали бўлган конунларга тегишли органлар орқали осон эришилади. Улар янги линияларни ўтказиш ва аллақачон қурилганларини давом эттиришга рухсат олишади. Батлернинг қимматбаҳо қоғозлари билан бажариладиган операциялар, шаҳар кўнка темир йўлининг тасодифий акция пакетларини сотиб олиш вазифалари Каупервуднинг зиммасидаги ишлар ҳисобланарди.

Жаноб Батлер ўша пайтда ўғиллари Оуэн ва Кэлем орқали янги линия ўтказиш ва бунинг учун зарур рухсатни олиш устида ҳаракат қилаётганди; конун чиқарувчи мажлис унга керакли резолюцияни қабул қилиши учун Батлер сахийлик билан акция пакетлари ва нақд пулларини тарқатарди. Бироқ бу иш осон эмас эди, чунки юзага келган шароитдан чиқариш мумкин бўлган фойда кўпларга, шу жумладан, Каупервудга ҳам аниқ эди; бу ерда бойлик орттириб олиш манбаини кўриб у, албатта, ўзининг фойдаси тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиб қўйганди: яъни у сотиб оладиган акцияларнинг бир қисмигина Батлер, Молленхауэр ва бошқа мижозларнинг қўлига тушарди. Бошқачасига айтганда, у нафақат Батлер ёки бошқа бировга фойда келтиришга, балки ўзига ҳам фойда олишга уринарди.

Мана, нима учун ўзлари панада қолишни афзал кўрган Стробик, Уайкрофт ва Хармонлар номидан келган Жорж Стинернинг таклифи унга қизиқарли бўлиб туюлганди! Стинернинг режаси шундан иборат эдики, шаҳар кассасида Каупервуд номига йилига икки фоиз ҳисобидан кредит очилади (эҳтиёткорлик юзасидан Стинер ўртада турган одам орқали ҳаракат қилиши керак эди). Каупервуд бу пулга Шимолий Пенсильвания компаниясидан катта фойда келтирмайдиган ва унча узун бўлмаган (бир ярим мил) ҳамда ундан қисқа муддатли фойдаланишга рухсат берилган сабабли жуда ҳам юқори қийматга эга бўлмаган Фронт стритдан ўтган кўнка линиясини сотиб олиши



## Теодор Драйзер

керак эди. Жуда усталик билан бажарилган бу иш учун Каупервуд мўмай даромад – ҳамма акцияларнинг йигирма фоизини олди. Стробик ва Уайкрофт контрол пакетларни қаердан сотиб олишни билишарди, бироқ бу ерда чакқонлик билан ҳаракат қилиш керак эди. Келажакда бу режа қуйидагиларни назарда тутарди: шаҳар кассасидан олинган пуллар лицензияни чўзиш ва линиянинг ўзини узайтириш учун ишлатилади; кейин эса акцияларнинг катта пакети чиқарилиб, “ўз” банкларидан бирига гаровга қўйилади: шу йўл билан шаҳар ундан олинган қарзни қайтариб олади, улар эса линия келтирадиган фойдани чўнтакларига урадилар. Акциялар бу фирибгарликнинг аъзолари орасида йўқ бўлиб кетишини ва ҳамма меҳнатлари учун унга нисбатан кам улуш қолишини ҳисобламаса, Каупервуд учун бу режа амалга ошириш мумкин бўлган иш эди.

Бироқ Каупервуд ҳеч қачон ўз ҳақини қўймасди. Бу пайтга келиб унда ўзига хос ишбилармонлик, ахлоқи шаклланганди. У бу турдаги манфаатпарастлик ҳаракати ёки бойиш ўғрилики деб аталган тақдирдагина ўғирлик қилиш мумкин эмас, деб ҳисобларди. Бу иш оқилона бўлмасди – хавфли эди, шу сабаб ёмон иш саналарди. Фойда кўриш ёки шунинг ортидан бойиб кетиш шубҳа ва муҳокамаларни туғдириши мумкин эди. Каупервуднинг фикрича, ахлоқ агар иқлим ўзгартирмаса, ҳеч бўлмаганда шароитдан келиб чиқиб ўзгаради. Филадельфияда (албатта, маҳаллий сиёсатдонлар ичида, бутун шаҳар аҳолиси ичида эмас) шундай анъана юзага келгандики, унга кўра агар вақти келганда шаҳар кассасига қайтарадиган бўлса, ғазначи шаҳарнинг пулларидан текинга фойдаланиши мумкин. Ғазначилик ва ғазначи бу ҳолда атрофида текинхўрлар, яъни муттаҳамлар ва сиёсий арбоблар текин даромад умидида айланаётган асалга тўла ари уяси ва асалариларнинг подшосини ёдга соларди. Стинер билан бўлган келишувнинг биттагина ёқимсиз томони шу эдики,

на Батлер, на Молленхауэр, на Симпсон, яъни Стинер ва Стробикларнинг деярли “бошлиқлари” бу ҳақда ҳеч нарса билишмасди. Стинернинг ўзи ва унинг ортида турганлар шахсий кизикишларидан келиб чиқиб, у, яъни Каупервуд орқали ҳаракат қилишгаётганди. Дунё буюклари бу ҳақда эшитиб қолсалар, ғазабланишлари мумкин эди. Агар у Стинер ёки маҳаллий корчалонлардан бири билан иш олиб боришни рад қиладиган бўлса, фақат ўзига ёмонлик қилган бўларди, чунки истаган бошқа банкир ёки маклер бажонидил унинг ўрнини босиши мумкин эди. Бундан ташқари, Батлер, Молленхауэр ва Симпсонлар бу ҳақда билиб қолади, демасликка ҳеч қандай асос мавжуд эмасди.

Бу ерда яна шуни айтиб ўтиш керакки, Каупервуд Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалардаги кўнка линиясидан ўта туриб, бу жуда одамни ўзига тортадиган нарса экан, деб ўйлаб қолди, фақат керакли маблағни топиш керак эди. Дастлаб бу линиянинг қиймати беш юз минг долларга баҳоланган бўлиб, бироқ кейинроқ, уни қайта жиҳозлаш мақсадида, икки юз эллик минг долларлик кўшимча акция сериялари чиқарилганди ва энди компания фоизларни тўлашда анча қийинчиликларни бошидан кечираётганди. Акцияларнинг кўп қисми майда акция эгалари ўртасида тарқатилган бўлиб, назорат пакетига эга бўлиш ва бошқарув раиси сифатида сайланиши учун Каупервудга икки юз эллик мингдан кам бўлмаган маблағ керак бўларди. Бу линияни қўлга киритиш орқали у акцияларга бутунлай эгалик қилиши мумкин эди, масалан, қанча ололса, шу миқдордаги йирик суммани отасининг банкига вақтинча қўйиб туриб, ўша пулга янги акциялар чиқариши, кейин эса уларнинг ёрдамида маҳаллий қонун чиқарувчи мажлис аъзоларини сотиб олиши ва шу йўл билан рухсат олиб, линияни узайтиришга эриша оларди. Шундан сўнг эса ё янги нарсалар сотиб олиш ёки бошқа компаниялар билан келишув йўли орқали ўз ишини кенгайтириши мумкин бўлади.

## Теодор Драйзер

“Сотиб олиш” сўзи бу ерда ишга оид атама бўлиб, ғирт америкача маънода қўлланган, чунки штатнинг қонун чиқарувчи мажлиси тушунчасини “пора” сўзи билан боғламаган одамнинг ўзи йўқ эди. Гаррисбергдаги молиявий доираларнинг вакили бўлган паст бўйли, қорачадан келган, эгнидаги ажойиб кийимлари ва ўзини назокатли тутишлари билан олифтагарчилик қиладиган ирландиялик Тэрэнс Рэлихеннинг (ўз вақтида у беш миллионлик заёмни жойлаштириш масаласида Каупервуднинг олдига келганди) айтишича, штатнинг пойтахтида пулсиз ёки унинг эквиваленти, яъни қимматбаҳо қоғозларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Овоз олиш ёки қўллаб-қувватлашлари учун ҳар бир қонун чиқарувчи мажлиснинг сал бўлса-да кучга эга бўлган аъзоси оғзини мойлаш керак. Агар Каупервуд бирор комбинация қилишни ўйлаётган бўлса, ирландиялик у билан бу ҳақда гаплашиб кўришдан хурсанд бўлишига шама қилганди. Каупервуд Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалардаги кўнка темир йўли линиясини сотиб олиш режаси ҳақида кўп бора ўйлар, бироқ бу ишни бошлашга ҳеч журъат қила олмаётганди. Унинг бошқа ишлари ҳам кўп эди, бироқ бу жуда ўзига тортадиган ғоя бўлиб, фикру хаёли шунда бўлиб қолди.

Шимолий Пенсильвания линияси билан найранг қилиш учун Стинер таклиф қилган кредит Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалардаги линия билан бўладиган ҳийлани ҳам ишонарли қиларди. Шаҳар ғазначилигининг қизиқишларидан келиб чиқиб, Каупервуд бу пайтда шаҳар заёми облигациялари курсини кўз юммай кузатиб турарди: биржада нархи тушиб кетиши кутилаётган пайтда у йирик пакетларни сотиб олар, курслари кўтарилаётганини сезса, кичик-кичик партияларда жуда катта эҳтиёткорлик билан сотарди. Бу манипуляциялар учун унинг ихтиёрида яхшигина миқдорда нақд пул бўлиши керак эди. У доим биржада синиш бўлмасин-да, деган хавотирда эди, чунки

бу нарса унинг қўлидаги барча кимматбаҳо қоғозларнинг нархи тушиб кетишига олиб келар, бунинг устига, ундан қарздорлигини ёпишни ҳам талаб қилишган бўларди. Тўғри, ҳеч қандай бўрон хавф солмаётгандек эди, Каупервуд ҳам рўй бериши мумкин бўлган эҳтимолий фалокатдан қоча олишига умид қиларди, бироқ барибир маблағини ортиқча сочиб юборишни истамаётганди. Эндиликда кўп нарса ўзгарганди. У шаҳар маблағидан бир юз эллик минг доллар олиб, уларни Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалардаги линияга сарф қилса, бу Каупервуд ўз маблағини сочяпти, деган маънони англамайди, чунки Стинернинг янги таклифи бошқа ишларни бажариш учун катта кредит сўраб ғазначига мурожаат қилишига йўл беради. Бироқ нимадир юз берса-чи? Ўшанда бир гап бўлар...

– Фрэнк, – деди бир куни соат тўртдан сўнг – идорадаги иши ниҳоясига етган пайтда олдига кирган Стинер (улар андан бери бир-бирларини исми билан чақира бошлашганди), – Стробикнинг назарида, Шимолий Пенсильвания линияси билан боғлиқ иш тайёр ва қабул қилиб олишимиз мумкин. Акцияларнинг назорат пакети Колтон деган кимсанинг, Айк Колтон эмас, Фердинанд Колтоннинг қўлида эканини аниқладик. Қизик исм-а?

Бу пайтга келиб семириб кетган Стинер мулойим жилмайди. Тасодифан шаҳар ғазначилигига ишга ўтиб қолганидан бери унинг ҳаётида катта ўзгаришлар бўлганди. Бу мансабга ўтирганидан сўнг у чиройли кийина бошлади, бутун шахсияти шу қадар хотиржамлик ва ўзига ишончга чулгандики, агар сиртдан қараса, ўзини ўзи таний олмаган бўларди. Унинг кичкина кўзлари энди олазарақ боқмас, доимий хавотири энди вазминлик билан алмашганди. Стинер ўзининг семиз оёқларига юмшоқ чармдан яхши тикилган ботинка кийиб олган, таранг танаси ва семиз сонларини аъло даражада тикилган кулранг-жигарранг костюм бекитиб турар; унинг пардозини ўткир учли оқ ёқа

## Теодор Драйзер

ва жигарранг ипак бўйинбоғи якунлаганди. Кенг кўкраги аста-секин думалоқ коринга ўта бошлаган бўлиб, қорнида оғир тилла занжир осилиб турар, оппоқ қадама енгларида эса йирик-йирик ёкут кўзли катта тилла запонкалар ялтираб турарди. Стинер бир қарашда пуштиранг, семиз киши эди. Бир сўз билан айтганда, ҳузур-ҳаловатда яшаши кўриниб турарди.

У оиласи билан Тўққизинчи кўчадаги икки қаватли ёғоч уйдан Спринг-Гарден-стритдаги тошдан қурилган кенг уйга кўчиб ўтганди. Хотини ҳам бошқа маҳаллий сиёсатдонларнинг рафиқалари билан борди-келди қила бошлаган, болалари эса бир пайтлар унинг ушалмас орзуси бўлган ўрта мактабда ўқишаётганди. Айни пайтда шаҳарнинг турли қисмларида Стинернинг вақти келиб қимматли кўчмас мулк бўлиши кутилаётган ўн тўрттами, ўн бештами, арзон ер участкаси бор, унинг ўзи эса фақат қоғоздагина мавжуд икки корхона – Жанубий Филадельфия металлургия жамияти ва “Америка моллари ва чўчкаси” компаниясининг яширин аъзоси эди. Бу икки корхонанинг фаолияти шундан иборат эдики, улар шаҳардан пудрат олиб, уларни фақат буйрукни бажариб, ортиқча савол беравермайдиган металл қуйиш устахоналари ва гўшт дўконларининг камтар эгаларига ишониб топширишарди.

– Ҳа, ғалати исм, – Стинернинг гапига қўшилди Каупервуд. – Демак, у акциялар эгасими? Мен доим бу линия ўзини оқламайди, деб ўйлардим: у жуда ҳам қисқа. Уни Кенсингтон мавзеси томонга уч милча давом эттириш керак.

– Тўппа-тўғри, – Каупервуднинг фикрига қўшилди Стинер. – Колтон ўз акциялари учун қанча хоҳлаётганини Стробик сизга айтмадимми?

– Олтмиш саккиз доллардан, дегандек бўлди.

– Яъни ҳозирги курс бўйича! Иштаҳаси ёмон эмас-ку, а? Бу нарх билан, Жорж, – Каупервуд дарҳол Колтоннинг қўлидаги акциялар нарҳини миясида ҳисоблаб чиқди,

– бу фақат пакети учун бир юз йигирма мингни ташкил қилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳали судья Китчен, Жозеф Зиммермен, сенатор Доновэнлар бор.

Каупервуд Пенсильвания сенатининг аъзосини кўзда тутаётгани.

– Хуллас, бу иш сизга арзонга тушмайди. Яна линияни давом эттириш учун ҳам қанча кетади. Менимча, бу анчагина зарар келтиради!

Каупервуд бу линияни ўзи хоҳлаётган Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалардаги линия билан бирлаштириш қанчалик осон бўлиши мумкинлигини ўйлаб қолди ва бироз жим туриб, сўради:

– Жорж, айтинг-чи, нега ҳамма комбинацияларингизни Стробик, Уайкрофт ва Хармонлар орқали қиласиз? Ахир, бошқаларни кўшмасдан, иккаламиз шу ишни қила олмаймизми? Менимча бу иккаламиз учун ҳам жуда фойдали бўларди!

– Албатта, албатта!.. – хитоб қилди Стинер ва унинг думалоқ кўзлари суҳбатдошига ялинганнамо тикилганча қолди. Каупервуд унга ёқарди ва у доим Каупервуд билан фақат ишбилармон сифатида эмас, балки инсон сифатида ҳам яқинлашгиси келарди.

– Мен ҳам шуни ўйлай бошлагандим, Фрэнк. Бироқ уларнинг бу ишларда тажрибаси мендан ортиқроқ, ахир улар бу иш билан қачонлардан бери шуғулланишади. Мен эса ҳали унча яхши тушунмайман.

Каупервуд сиртида сездирмаса-да, ичида жилмайиб кўйди.

– Жорж, тупуринг уларга!.. – дўстона оҳангда гапида давом этди сўнг. – Иккаламиз биргалиқда улардан кўп нарса биламиз ва бу ишни улардан яхшироқ уддалаймиз. Нима деяётганимни жуда яхши биламан. Ҳеч бўлмаганда, кўнка билан комбинацияни олинг. Уни иккаламиз Уайкрофт, Стробик ва Ҳармонлар билан бирга амалга оширгандан кўра яхшироқ уддалаган бўлардик. Улар

## Теодор Драйзер

жуда ҳам донишманд эмас. Пулни сиз беряпсиз, улар эмас. Уларнинг киладиган иши фақат бутун ишни қонун чиқарувчи мажлис ва муниципалитетдан олиб ўтиш, холос. Бунинг устига, қонун чиқарувчи мажлисда улар бошқалардан кўра, масалан, мендан кўра ортиқроқ нарсага эришишмайди. Ҳаммаси Рэлихен билан келишувга боғлиқ, бунга эса маълум бир суммани ажратиш керак. Шаҳар кенгаши масаласига келсак, Филадельфияда бирорта ҳам Стробик у ерга кира олмайди.

Каупервуд бирорта йўлни назорат қилишни қўлга ололса, Батлер билан гаплашиб, уни ҳамкорликка қўндиришига умид қилаётганди. Бу нарса Стробикни ҳам, унинг “дум”ларини ҳам тинчитиб қўйган бўларди.

– Сизга Шимолий Пенсильвания билан боғлиқ режаларингизни ўзгартиришни таклиф қилмоқчи эмасман. Бу, эҳтимол, сизга ноқулай бўларди. Бироқ бошқа комбинациялар ҳам бор-ку! Балки келажакда иккаламиз бирорта ишни биргаликда қилармиз! Бу сиз учун жуда фойдали бўлади ва мен учун ҳам! Шаҳар заёмида биз яхшигина ишлаб олдик, буни рад қилмасангиз керак.

Иккаласи чиндан ҳам ёмон ишлашмаганди. “Китлар”га теккан улушни айтмаганда ҳам, Стинер янги уйи, ер участкалари, банкдаги ҳисоби, яхши костюмлари, ўзининг бутунлай ўзгарган дунёқарашини билан Каупервуднинг шаҳар заёми сертификатлари билан амалга оширган муваффақиятли манипуляцияси учун унинг олдида қарздор эди. Биз тасвирлаётган вақтга келиб, ҳар бири икки юз минг доллар бўлган тўртта облигация сериялари чиқарилганди; Каупервуднинг бу облигациялари айланмаси уч миллионга етган, чунки у нарх-наводан келиб чиқиб, ошган ва пасайганини ҳисобга олиб, уларни гоҳ сотар, гоҳ сотиб оларди. Жорж Стинер эндиликда камида бир юз эллик минг долларлик бойликка эга эди.

– Бу ерда, шаҳарда, озгина куч сарф қилиб, жуда катта фойда келтириши мумкин бўлган битта линияни биламан,

– ўйчан ҳолда давом этди Каупервуд. – У жуда қисқа ва Шимолӣ Пенсильвания линиясига ўхшаб, жуда кичкина ҳудудга хизмат қилади. Уни давом эттириш керак. Агар иккаламиз шу линияни ўзимизники қила олсак, уни Шимолӣ Пенсильвания ёки бошқа бир йўл бошқаруви билан кўшишимиз мумкин бўларди. Шу йўл билан идора ишлари, хизматчи ва бошқа харажатлардан анча маблағ тежаб қолган бўлардик. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, катта капитал айланмасида доим фойдали иш топиш мумкин.

Каупервуд жим бўлиб қолди ва келажак унга нималарни тайёрлаб қўйгани тўғрисида ўйлаб, ўзининг ажойиб жиҳозланган кабинети деразасидан ташқарига қарай бошлади. Бу дераза бинонинг аввал одамлар яшаган, ҳозир эса идораларга берилган ичкаридаги биносига қараганди. Ҳовлида нимжон майсалар кўкара бошлаганди. Уйнинг кизил девори ва эски ғиштли тўсиқ Нью-Маркет стритдаги бир пайтлар кубалик улгуржи савдогар бўлган Сенека тоғаси қора танли хизматкори билан келган уйларини ёдига соларди. Деразага қараб туриб, Каупервуд худди қаршисида тоғасини тирик кўраётгандек бўлди.

– У ҳолда, – хўракка алданиб жиддийлик билан деди Стинер, – иккаламиз шу линияга эга чиқсак-чи?! Маблағ томонидан, менимча, бу операцияга ёрдам бера оламан. Сизнингча, бизга қанча маблағ керак бўлади?

Каупервуд бу сафар ҳам сирли қилиб жилмайиб қўйди.

– Анигини ҳозир айта олмайман, – бироз жим туриб, жавоб берди у. – Бу масалани яхшилаб ўрганиб чиқишим керак. Гап шундаки, шусиз ҳам шаҳар ғазнасидан чакана пул олмадим. Сизга маълумки, номимда шаҳар заёмлари операцияси учун берилган икки юз миллион доллар бор. Бундай комбинация учун яна икки юз минг ёки уч юз минг керак бўлади. Агар мана шу ҳолат бўлмаганда эди...

Каупервуд тушунарсиз бўлган биржа ваҳималари, мамлакатдаги умумий ҳолатга боғлиқ бўлмаган, балки



## Теодор Драйзер

америкаликларнинг табиатларидан келиб чикиб Америка учун оддий нарса бўлган тушқун нарсалар ҳақида ўйлаб колди.

– Шимолий Пенсильвания линияси билан боғлиқ ишлар тугаганда эди, – Каупервуд иягини ишқалади ва ипақдек олифта мўйловини силаб қўйди. – Мендан ортиқ ҳамма нарсани сўрайверманг, Жорж, – деди Каупервуд ҳамсухбати гап қайси линия ҳақида кетаётгани тўғрисида бош қотиришга тушганини кўриб. – Ва ҳеч кимга бир оғиз ҳам сўз айтиш йўқ! Аввал ҳаммасини ўзим текшириб кўраман, кейин иккаламиз гаплашамиз. Менимча, бу ҳақда сал кейинроқ, Шимолий Пенсильвания линияси билан боғлиқ ишларнинг ҳаммаси яхши тугагандан сўнг шуғуллансак, оқилона иш бўлади. Ҳозир ишим жуда кўп, шу сабаб бошқа иш қила олмайман. Ҳозирча жим турингчи, кейин кўрамиз!..

Каупервуд столи устига энгашаркан, Стинер ўрнидан турди.

– Фрэнк, ишни бошлаш керак, деган қарорга келишингиз билан мен сиз учун зарурий суммага кредит очаман!.. – хитоб қилди Стинер Каупервуд бу ишни бошлашга шошилмаётганини кўриб ҳайрон бўлганча.

Аслида эса бошқа фойдали комбинацияларда бўлганидек, бу ерда ҳам Стинернинг қўллаб-қувватлашига ишонса бўларди. Бу иктидорли, удабурон Каупервуд иккаловини бой қилса, нима бўларкан-а?

– Фақат сиз Стайерсни хабардор қилиб қўйинг: у сизга чек юборади. Стробик тезлик билан ҳаракат қилишимиз керак, деяпти.

– Жорж, бу иш билан албатта шуғулланаман, – Стинерни ишонтирди Каупервуд. – Ҳаммаси жойида бўлади. Менга бемалол ишонаверинг!..

Стинер шимини тўғрилаш учун семиз оёқларини силкитиб қўяр экан, Каупервудга қўлини узатди.

Стинер янги режа устида бош қотирганча кўчага

чикди. Гап бўлиши мумкин эмас: агар у Каупервуд билан тил топиша олса, унга бойлик оқиб келиши аниқ. Бу одам жуда омадли ва жуда ҳам эҳтиёткор. Унинг янги уйи, ажойиб идораси, ўсиб бораётган шуҳрати, жаноб Батлер ва бошқалар билан бирга ҳаётга татбиқ қилаётган айёрона комбинациялари – буларнинг бари Стинерда Каупервудга нисбатан катта ҳурмат уйғотаётганди. Кўнка темир йўлининг яна битта линияси! Улар бу линияни ҳам ва Шимолий Пенсильванияни ҳам эгаллашади! Агар бундан кейин ҳам шундай давом этаверса, Жорж Стинер ҳаётни суғурта қилиш ва кўчмас мулк сотиш бўйича бечора агент магнат, ҳа, ҳа, ҳақиқий магнатга айланади!..

Шу орзулар қанотида ҳаёли осмонларга учиб кетиб бораркан, у фуқаролик бурчи ва жамоат ахлоқи деган тушунчалар борлигини бутунлай унутганди!

**Я**кин бир ярим йил ичида Каупервуд Стинерга, Стробикка, Батлерга, Ван-Ностренд штати ғазначиси, Гаррисбергдаги “молиявий доиралар вакили” деб аталадиган кимса Рэлихенга ва бу жентелменлар дўстона алоқада бўлган турли банкларга кўплаб махфий хизматлар кўрсатди. Стинер, Стробик, Уайкрофт, Ҳармонлар учун ва ўзини ҳам унутмаган ҳолда у Шимолий Пенсильвания линияси билан боғлиқ ишни бажарди, шундан сўнг эса бу йўлга қарашли бутун акцияларнинг бешдан бир қисмига эга чикди. Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалардаги кўнка линиялари акцияларини сотиб олиш ва шу билан бирга фонд биржасида акцияларнинг кизғин ўйинида қатнашиш учун Стинер билан ҳамкорликда иш бошлади.

1871 йилнинг ёзида, Каупервуд ўттиз тўрт ёшда эканлигида, унинг банкирлик идораси икки миллион долларга баҳоланиб (бундан деярли ярим миллиони унга тегишли эди) ва, афтидан, у тез кунлар ичида истаган америкалик бойга рақобатчи бўла олиши мумкин эди. Ғазначиси Стинер бўлган шаҳар беш юз минг доллар сумма билан унинг омонатчиси эди. Ғазначиси Ван-Ностренд бўлган штат икки юз минг доллардан ортиқ пулини унга ишониб қўйганди. Боуд кўнка темир йўл акцияларининг эллик минг долларли акциясини, Рэлихен ҳам худди шунча акцияни сотиб олганди. Сиёсатчиларнинг бир тўдаси ва уларнинг “дум”лари ўз пулларини Каупервудда сақлашарди.

Эдвард Мэлия Батлернинг банкда қимматли қоғозлар гарови эвазига очилган жорий ҳисоб варағи баъзида бир

юз эллик мингга етарди. Каупервуднинг бошқа банклар олдидаги қарзлари унинг қандай қимматбаҳо нарсаи гаровдалигидан келиб чиқиб, етти юздан саккиз минг долларгача эди. Ҳар бир ипини синчковлик билан тўқиб, синовдан ўтказган кумушранг индаги ўргимчак сингари иш бўйича ажойиб алоқалар тўрининг марказида турган Каупервуд ҳам атрофида нима бўлаётганини зийраклик билан кузатиб турарди.

У бошқаларига нисбатан иштиёқ билан қилаётган иш – кўнка темир йўллари акцияси ва биринчи ўринда – назорати кўли остида бўлган Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалар линиясининг акцияларини манипуляция қилиш эди. Стинернинг Каупервуд банкирлик идорасида очилган аванс кредити орқасидан, айниқса, бу линиянинг акциялари паст баҳоланаётган пайтда у ҳамма акцияларнинг эллик бир фоизини ўзи ва Стинер учун сотиб олишга эришди ва энди бу йўлдан ўзи истаганча фойдаланиши мумкин эди.

Бунинг учун у кейинчалик молиявий доираларда “Ўзига хос” дея номлашган усулни қўллашига тўғри келган, бироқ у акцияларни ўзи белгилаган баҳода сотиб олган эди. У аввалига ўз агентлари орқали гўёки унга тегишли фоизлар тўланмагани сабабли келиб чиққан зарарни қоплаш учун компанияга қарши қатор даъволар кўзгади.

Сохта одам кўлида унча катта бўлмаган акциялар пакети, компания ишлари бўйича васийлик тайинлаш керак-керакмаслигини аниқлаш учун тафтиш ўтказилишини сўраб судга илтимоснома, бу компания акцияларини курсдан уч, беш, етти ва ўнта пунктга паст нарҳда тақлиф қилинаётган биржада бир вақтнинг ўзида ҳар томондан ҳужум уюштириш – бу ҳаракатларнинг ҳаммаси биргаликда кўрқиб кетган акционерларни ўз қогозларини бозорга ташлашга мажбур қилди. Банклар кўнканинг бу линияси жуда хавфли иш, деган хулосага келишиб, компаниядан қарзларини ёпишни талаб қила бошлашди.

## Теодор Драйзер

Каупервуднинг отаси ишлайдиган банк ўз пайтида йўлнинг асосий акционерларидан бирига ссуда берган бўлиб, ҳозир у ҳам пулини қайтаришни талаб қилаётганди. Кейин эса (яна сохта шахслар орқали) йирик акционерлар билан мунозаралар бошланганди: уларга юзага келган шароитдан ўз акцияларини юзтасини қирқ доллардан сотиб чиқиб кета олиш имконияти берилармиш. Бу гаплар қаердан пайдо бўлаётганини билишнинг ҳеч қандай имкони йўқ ва бу гапларда ҳақиқатдан зарра нишон бўлмаса-да, улар йўл жуда ёмон аҳволда, деган фикрга келишганди. Яхшиси, ундан қутулиш керак!

Каупервуд билан Стинернинг пуллари тайёр эди ва улар акцияларнинг эллик бир фоизига эга бўлишди. Бирок Каупервуд Шимолий Пенсильвания линиясини олишда ишлатган найрангини қўллаб, майда акционерлардан олиш мумкин бўлган ҳамма нарсани билдирмай сотиб олди, эллик бир фоизга тенг бўлган назорат пакети унинг қўлида қолди, яна йигирма беш фоизнинг эгаси эса Стинер эди. Каупервуд бундан роҳатланаётганди, чунки у энди ўзининг анчадан бери кўнглига тугган орзуси, яъни айнан шу линияни Шимолий Пенсильвания линияси билан қўшиб юбориб, ҳар бир эски линияга учта янги акция чиқариш, назорат пакетидан ташқари уларнинг ҳаммасини сотиш, қўлига тушган маблағ ёрдамида кўнка темир йўлининг бошқа компанияларига шерик бўлиб кириш, янги қўлга киритган қоғозларининг қийматини ошириб юбориш ва ниҳоят уларни ана шу ошган нархда сотиш имкониятини кўраётганди. Қисқача айтганда, Каупервуд кейинчалик Америка хўжалигининг яна бошқа муҳим тармоқларини эгаллаб олган ва шахсий бойлик орттириш ниятида уни бутунлай ўзига бўйсундирган илк учта жасур савдогарлардан бири эди.

Бир нечта линияни қўшиб юбориш масаласига келсак, Каупервуднинг режаси шундай: икки компаниянинг қўшилиб кетиши ҳақида овоза тарқатиш, қонун чиқарув-

чи органлардан линияларни давом эттиришга рухсат олишга ҳаракат қилиш, диққатни тортадиган реклама брошюраларини, кейинроқ эса йиллик ҳисоботларни ҳам чоп этиш ва натижада ўзининг кундан-кунга ортиб бораётган пул маблағлари имкои берадиган даражада фонд биржасидаги акцияларнинг нархини ошириб юбориш эди. Бу операциянинг қийинлиги шунда эдики, бундай катта партиядаги (ярим миллиондан ортиқ бўлган суммага) акция тарқатиш ва сотишга ёрдам берувчи имконият яратиш ҳамда яна ярим миллионлик акцияни ўзида қолдириш учун жуда катта капиталга эга бўлиш керак эди. Бундай ҳолларда биржада сохта талаб ва сохта савдони уюштиришнинг ўзи етарли эмас. Бундай сунъий ажиотаж одамларни чалғитиб акцияларнинг бир қисми сотилишига ёрдам берганда, уларни бутунлай сотиб бўлиш учун узок вақт курсни ушлаб туришга тўғри келади. Агар ушбу шароитда бўлганидек, Каупервуд беш мингта акцияни сотиб, беш мингтасини ўзига қолдирса, у сотган акцияларининг курсини маълум даражада ушлаб туриш учун бор кучини сарфлаши керак бўларди, акс ҳолда, қўлида қолган акциялар нархи ҳам тушиб кетиши муқаррар эди.

Мабодо доим қилинганидек, у акцияларини банкка гаровга қўйиб, улар учун олган пулларини бошқа ишга сарфлаганда, акцияларининг курси бирдан тушиб кетса, банк ўзининг қизиқишларини ҳимоя қилиб, яна қўшимча кафолат ёки қарздорликни бутунлай ёпишини талаб қилган бўларди. Бу эса унинг найранги ўтмагани ва ўзи банкрот ҳолатида, деган маънони билдирарди. Ҳозир Каупервуд курси тинмай тебраниб турган шаҳар заёми чиқиши муносабати билан ўта мураккаб кампанияни ўтказаетганди, бироқ айти шароитда бу тебранишлар унинг учун айти муддао, чунки охир-оқибатда у бундан бойиб оларди.

Енгил бўлмаган янги вазифа, қанчалик ўзига тортма-

## Теодор Драйзер

син, икки баробар зийракликни талаб қиларди. Каупервуд акцияларни юкори курсда сотиб, шаҳар ғазначисидан олган қарзини қайтариши мумкин. Ўз акциялари Каупервуднинг олдиндан кўра била олиш хислати, ҳатто узоқ келажак ва усталик билан тузилган рисола ва ҳисоботлардан ҳам фойда чиқара олиш натижасида устига ёзиб қўйилган қиймат бўйича ёки ундан сал арзонроқ баҳоланади. Фрэнкнинг бошқа кўнка темир йўллари линиясига тикиши мумкин бўлган пуллари ҳам бўлади. Ҳатто вақти келиб у кўнка темир йўлларининг бутун тизими устидан раҳбарликни қўлга киритиши мумкин ва ўшанда у миллионер бўлади. Каупервуднинг узоқни кўра олиши ва ўта ақллигидан дарак берувчи ҳийлаларидан бири шунда эдики, бор линияларни узайтириш ёки янги тармоқларни ўтказишда у ҳар сафар мустақил корхоналар яратарди. Айтайлик, узунлиги икки-уч мил бўлган линияга эгалик қила туриб ва уни яна ўша кўчанинг ўзида, яна шунча узоқликка чўзмоқчи бўлса, Каупервуд бу янги участкани бор акционерлик жамиятига бермас, балки бу қўшимча икки-уч миллик кўнка темир йўлини назорат қилувчи янги компания тузарди. Бу ишни у маълум бир суммага ҳисоблаб чиқиб, унга акция ва облигациялар чиқарар ва бу янги линияни ўтказишни бошлаб, тезроқ ишга тушириш имконини берарди. Бу ишни тугатиб у шўба корхонани аввалги компанияга қўшиб юборар ва бу орада акция ҳамда облигацияларнинг янги серияларини чиқарарди. Ҳатто қўлида ишловчи укалари ҳам акасининг фаолияти қанчалик кенг кўламдалигини билмас ва унинг буйруқларини кўр-кўрона бажарарди. Жозеф баъзида Эдвардга: “Ҳмм! Фрэнк, ҳар ҳолда нима қилаётганини тушунса керак”, – деб кўярди.

Бошқа томондан эса Каупервуд ўзининг амалдаги барча мажбуриятлари вақтида ва ҳатто вақтидан илгари тўланаётганини диққат билан кузатиб борарди, чунки ҳаммага ўзининг тўлашга қодир эканлигини кўрсатиб

кўйиш унинг учун муҳим эди. Дунёда яхши обрў ва мустаҳкам мавқедан кимматлироқ нарса йўқ. Унинг узоқни кўра билиши, эҳтиёткорлиги ва интизоми банкирлик уйлари раҳбарларига ёқар ва у чиндан соғлом фикрловчи ҳамда ўткир тадбиркор деган ном қозонганди.

Шунга қарамай, 1871 йил ёзига келиб, вазиятини жуда таҳликали деб бўлмаса-да, Каупервуднинг ресурслари майда-чуйда бўлиб кетганди. Ўзига доим йўлдош бўлган муваффақият таъсири остида у ўз молиявий ҳийлаларини яхши назорат қилмай қўйганди. Аста-секин ҳамма режалари амалга ошишига ишонган ҳолда Фрэнк отасини ҳам кўнка темир йўли билан қилинаётган найрангларда иштирок этишга кўндирди. Кекса Каупервуд Учинчи миллий банк маблағларидан фойдаланиб, қисман ўғлига пул бериб туриши ва дарҳол пул керак бўлиб қолганда унга кредит очиб бериши керак эди. Аввалига кекса Каупервуд бироз асабийлашди, бу таклифга шубҳа билан қаради, бироқ вақт ўтиб, бу унга фойдадан бошқа ҳеч нарса келтирмаганини кўриб, жасорати ошди ва ўзини дадилроқ тута бошлади.

– Фрэнк, – баъзида кўзойнаги устидан ўғлига қараб сўрарди у, – қуюшқондан чикиб кетишдан кўркмайсанми? Охирги пайтларда жуда катта қарз оляпсан.

– Агар ресурсларимни ҳисобга оладиган бўлса, отажон, аввалгидан кўп эмас. Йирик ишларни катта кредитсиз қилиб бўлмайди. Ўзингиз буни мендан яхши биласиз.

– Албатта шундай-ку, бироқ... Масалан Грин ва Коутс линияларини олайлик, кўзингга қара, ўша ерда ботиб қолма.

– Йўқ. Мен бу компаниянинг шароитлари билан жуда яхши танишман. Унинг акциялари эртами-кечми, кўтарилиши керак. Ўзим уларни кўтараман. Агар керак бўлса, бу йўлни ўз линияларим билан қўшиб юборишгача ҳам бораман.

Кекса Каупервуд ўғлига ажабланиб қараб қолди. Дунё дунё бўлиб ҳали бундай кўркмас, дадил комбинаторни кўрмаган бўлса керак!



## Теодор Драйзер

– Отажон, мендан хавотир олманг! Агар кўрксангиз, яхшиси, олган қарзларимни тўлашимни талаб қилинг. Истаган банкир акцияларим ҳисобига менга қарз беради. Мен шунчаки фойда сизнинг банкингизга тушсин деётгандим.

Ҳенри Каупервуд кўнди. Бундай далилларга қарши у ўғлига ҳеч нима дея олмади. Унинг банки Фрэнкка анча кредит берди, бироқ бу миқдор бошқа банклардан кўпроқ эмас. Ўғлининг ишларига тиккан пуллар масаласида эса агар ноқулай вақт юзага келиб қолса, Фрэнк отасини олдиндан огохлантириб қўйишга ваъда берди. Фрэнкнинг укалари ҳам доим унинг айтганларини қилишар ва уларнинг қизиқишлари ҳам акалариники билан чамбарчас боғлиқ эди.

Кундан-кунга бойиб кетаётган Каупервуд тобора қулочини кенг ёзиб яшаётганди. Каупервуднинг санъатга ишқибозлигини эшитган Филадельфиянинг антиқа моллар билан савдо қиладиган сотувчилари унга тинмай мебель, гобеленлар, гиламлар, санъат асарлари ва расмлар – аввалига Америка, кейинроқ эса фақат чет эл усталарининг асарларини таклиф қилишарди. Унинг ўз уйида ҳам, отасининг уйида ҳам чиройли нарсалар ҳали етарли эмасди, бунинг устига, ҳали Ўнинчи кўчадаги уй ҳам бор бўлиб, йигит бу уйни ҳам иложи борича ясаатишни хоҳлаётганди. Эйлин доим уйи ҳақида хоҳламайгина гапирарди. Чиройли нарсаларни яхши кўриш (ўзи балки бунинг тушунмас ҳам) қиз табиатининг ўзига хос бир томони эди. Уларнинг махфий учрашувлари ўтадиган жой файзли ва чиройли жиҳозланган бўлиши керак. Икковлари ҳам бунга ўзларини ҳақли ва муносиб деб ҳисоблашарди.

Шундай қилиб, бу уй аста-секин чиндан ҳам хазинага айлана бораётганди: баъзи хоналар ҳатто Фрэнкнинг уйидагидан ҳам бойроқ эди. У бу ерда ўрта аср черков руҳонийларининг ибодат вақтида қиядиган либослари, гиламлар, гобеленларни йиға бошлади. Қирол Георг

даврига хос – Италия уйғониш даври ва Людовик XIV услуби таъсири остида бироз ўзгартирилган Чеппендейл, Шератон, Хеплуайт жиҳозларини сотиб олди. У чинни, ҳайкаллар, грекча вазалар, фил суягидан қилинган япон ўймакорлигининг ажойиб коллекциялари билан танишди. Санъат асарларини олиб келишга ихтисослашган “Кейбл ва Грей” фирмаси эгасининг ёш шериги Флетчер Грей бир куни XV асрга оид гобеленни таклиф қилиш учун Каупервудникига келди. Антика нарсаларнинг ҳақиқий ишқибози бўлган бу йигит ўзининг гўзал нарсаларга бўлган қизғин муҳаббатини Каупервудга ҳам юқтириб кета олди.

– Ҳаворанг чиннининг аниқ бир рангинигина яратиш учун элликта даврни санаб ўтишади, жаноб Каупервуд!.. – деди Грей. – Биз гиламларнинг камида еттита мактаби ва даври – форс гиламлари, армани гиламлар, араб, фламанд, замонавий поляк, венгер гиламлари ва бошқаларни биламиз. Бир куни келиб бу иш билан қизиқиб қолсангиз, сизга маълум бир давр учун характерли бўлган ёки ҳамма даврларга доир бўлган бутун гиламлар тўпламини сотиб олишни маслаҳат берган бўлардим. Улар қандай ажойиб! Баъзи коллекцияларни ўз кўзим билан кўрганман, бошқалари ҳақида эса фақат ўқиганман.

– Мени ўз ҳою ҳавасларингизга эргаштириш сиз учун қийин бўлмайди, – деди Каупервуд. – Сиз ёки санъат бир куни мени хонавайрон қилсангиз керак. Ўзи табиатан санъатга безътибор эмасман, сиз Элсуорт ва Гордон Стрейк билан (Каупервуд рассомлик санъати жону дили бўлган таниш йигитни кўзда тутаётганди) мени адо қиласизлар. Стрейкнинг хаёлига ажойиб фикр келиб қолибди. У менга вақт ўтказмай, ҳар хил мактаб ва даврларга оид бўлган санъат асарларини йиғишни таклиф қиляпти. Унинг ишонтириб айтишича, таникли рассомлар асарларининг баҳоси вақт ўтиши билан ортиб бораркан ва ҳозир бир неча юз мингга сотиб олган буюмларим келажакда мил-

## Теодор Драйзер

лионларга баҳоланаркан. Бирок у менга америкалик рас-  
сомлар билан шуғулланмасликни маслаҳат беряпти.

– Ракобатчимни макташ манфаатимга зид бўлса-да,  
у тўғри айтибди!.. – хитоб қилди Грей. – Бирок бу ғояни  
амалга ошириш учун жуда катта пул керак.

– Жуда ҳам катта эмас. Ва бу ҳар ҳолда бирданига  
қилинмайди. Бундай нарсани амалга ошириш учун йиллар  
керак бўлади. Стрейкнинг айтишича, ҳозир ҳам турли  
мактабга доир санъат асарларини тўплаш ва кейинчалик  
уларни яхшироғи чикиб қолса, алмаштиришнинг имкони  
бор экан.

Сиртдан хотиржам кўринишига қарамай, Каупервуд-  
нинг кўнгли доим ниманидир изларди. Аввалига унинг  
ягона интилиши бойлик ва аёл гўзаллиги эди. Энди эса  
у санъатни севиб қолди ва бу нарса осмондаги тонгнинг  
биринчи нурлари каби ажойиб эди. У аёл гўзаллиги  
хаётда энг бебаҳо нарсалар билан қуршалган бўлиши  
кераклигини ва ҳақиқий гўзаллик учун муносиб ягона  
фон – ҳақиқий санъат эканини тушуна бошлаганди. Бу  
қиз, ҳали жуда ёш ва гўзаллик уфуриб турган Эйлин  
Батлер илгари унга бу даражада хос бўлмаган гўзалликка  
интилишни уйғотганди. Инсон табиатининг ўзаро таъсири  
натижасида пайдо бўладиган энг нозик реакцияларни  
аниқлашнинг иложи йўқ, чунки ҳайратланаётган нарсамиз-  
нинг бизга қай даражада таъсир қилишини ҳеч ким  
билмайди. Каупервуд билан Эйлин ўртасида пайдо бўлган  
севги – бир стакан тоза сувдаги ёрқин бўёқ томчиси ёки,  
тўғрироғи, мураккаб кимёвий бирикмага киритилган но-  
маълум кимёвий нарсадир.

Қисқача айтганда, ёш бўлишига қарамай, Эйлин  
Батлернинг шахсияти кучли эди. Унинг деярли ўйламасдан  
қиладиган шухратпарастлиги эса ўзича оиласининг доим  
бир хил тусдаги муҳитига нисбатан исёни эди, холос.  
Бир нарсани ёддан чиқармаслик керакки, Батлерларнинг  
оиласида туғилиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам улар сингари

хаётга мешчанларча муносабат билдирувчи ҳам айна дамда шу мухит курбони эди. Энди эса Каупервуд билан муносабатлари туфайли у илгари ўзи ҳатто тушида ҳам кўрмагани – бойлик ва жамиятдаги юқори мавқенинг инсонга берадиган афзалликларини тушуниб олганди. Масалан, у Фрэнк Каупервуднинг хотини бўлгандан сўнг юқори доираларда эришадиган муваффақиятлари ҳақидаги орзулар оғушида маст эди! Учрашувлари давомида кизга тобора яққол кўринаётган Фрэнкнинг ўта ақллиги, йигитнинг аниқ фикрлари ва ўғитларини эшитиб, унинг идрокдан борган сари ҳайрати ошаётгани-чи! Унинг молиявий фаолият, жамиятдаги ўрни, санъат ҳақидаги орзу ва режалари қандай буюк! Асосийси, асосийси эса – киз унга, у эса Эйлингга тегишли! Шундай дақиқалар бўлардики, ҳайрат ва бахтдан қизнинг боши айланиб кетарди.

Шу билан бирга, айна пайтда Филадельфияда унинг отасини собиқ чиқинди ташувчи (отасининг эски танишлари “тўнг кўнғизи” деб лақаб кўйишганди) эканини эслашлари, уйдаги дидсизликка қарши бефойда уринишлари, ўзининг юқори поғонадаги кимсаларнинг уйларига кириш ҳукуки йўқлиги – буларнинг ҳаммаси қизнинг навқирон қалбида ота уйдаги мухитга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотарди. Уйдаги ҳаётни Каупервудларнинг хонадонидagi ҳаёт билан солиштириб бўлмайди. У отасини яхши кўради, бироқ отаси қанчалар қоқоқ! Ва мана шу ажойиб инсон, севгилиси уни севишни ўзига эп кўрди, у шунчалар илтифотлики, ҳатто уни ўзининг келажакдаги хотини сифатида кўряпти! Худойим, фақат шу нарса рўёбга чиқса эди!

Қиз аввалига Каупервудлар орқали жамиятда ўзидан юқори турувчи олий табақадаги ёшлар, айниқса, йигитлар билан танишишни орзу қилаётганди – назарида гўзаллиги ва бой меросхўр эканлиги уларни кизиқтириши керак эди. Бироқ бу ишончи ўзини оқламади. Каупервудларнинг

## Теодор Драйзер

ўзлари ҳам Фрэнкнинг иқтидори ва ўсиб бораётган бойлигига қарамай, ҳали юқори табақадагилар даражасига етишмаганди. Аслида, уларга олдиндан кўрсатилаётган эътиборни айтмаса, улар бундан ҳали анча йироқ эдилар.

Шунга қарамай, Эйлин Каупервуднинг ҳозирги шароитдан чиқадиган йўлни топа олиши ва у учун буюк келажак яратишини ичидан ҳис қилиб турарди. Бу одам ҳали ўзи ҳам кўзи етмаётган поғоналарга эришади, қизнинг бунга ишончи комил. Унда – ноаниқ бўлса-да, Эйлин ўйлаётганидан ҳам кўп нарса ваъда қилаётган яширин бир куч бор.

Қиз бойликка, жиҳозларга, жамиятдаги юқори ўринга зўр иштиёқ билан орзуманд эди. Майли, агар йигит унга тегишли бўлса, буларнинг ҳаммасига, албатта, етишади. Тўғри, олдиларида бир қарашда ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар турибди, бироқ улар икковлари ҳам мақсад сари интилувчан одамлар. Улар ўрмонзордаги икки қоплон каби бир-бирини топишганди. Қизнинг ҳали етилмаган, ярми шаклланган ва ярми ифодаланган фикрлари ўз кучи жиҳатидан йигитнинг жасур интилишларидан кам эмасди.

– Назаримда, отам шунчаки яшашни билмайди, – деди бир куни қиз Фрэнкка. – Бу унинг айби эмас. Отамнинг ўзи ҳам бунга тушунади, шунингдек, ўз ҳаёғимни қура олишимни ҳам тушунади. Неча йилдан бери уни ўша эски уйимиздан суғуриб олишга ҳаракат қиламан! Кўчиб кетишимиз кераклигини у жуда яхши тушунади. Бироқ, бундан ҳам ҳеч қандай иш чикмайди.

Қиз жим бўлиб қолди ва жасур ва ўткир нигоҳи билан Фрэнкка тик қаради. Фрэнк қизнинг аниқ, силлиқ ва нуқсонсиз чиройини севарди.

– Хафа бўлма, миттивойим, – деб жавоб берди у. – Вақти келиб ҳаммаси яхши бўлади. Ҳозир бу чигалликдан қандай чиқишни билмаяпман, бироқ, назаримда, Лилианга очиғини айтишим керакка ўхшаяпти. Кейин келгуси режаларни ўйлаб кўраман. Шундай йўл тутишим керакки,

болаларим бундан азият чекишлари керак эмас. Уларни етарлича таъминлаб қўйишга имкониятим бор ва Лилиан мени тинчгина қўйиб юборса, ажабланмайман. У ҳар хил ғийбат ва гап-сўзлардан қочади, бунга деярли ишончим комил.

Фрэнк бу нарсаларга амалий жиҳатдан ва эркак сифатидагина ёндашаётган бўлиб, ўз ҳисоб-китобини Лилианнинг болаларга бўлган меҳри устига кураётганди.

Эйлин йигитга савол назари билан қаради. Якин одамнинг ғамини маълум бир даражада ҳис эта билиш унга ҳам хос эди, бироқ айти пайтда у ҳар қандай ҳиссиётни ортиқча деб билаётганди. Лилиан ҳеч қачон унга дўстона муносабатда бўлмаган, уларнинг ҳаётий қарашлари буткул фарқли эди. Каупервуд хоним қизнинг бунча ўзини осмонда тутишини тушунмас, Эйлин эса Лилиан Каупервуднинг шунчалик танноз ва ланжлигини ҳазм қила олмасди. Ҳаёт от миниш, экипажда сайр қилиш, рақс тушиш, ўйин-кулги қилиш учун берилган. Ва яна олифтагарчилик, бировнинг жиғига тегиш, ноз-карашма қилиш учун берилган! Бу аёлга қараш бирам ёқимсиз: Каупервуд каби шундай ёш, ажойиб инсоннинг хотини – эридан беш ёш катта ва иккита боланинг онаси бўлгани майли, ўзини шундай тутадик, гўё энди унинг учун романтика ҳам, завқланиш-у, ҳаёт қувончлари ҳам йўқдек! Албатта, Лилиан Фрэнкнинг тенги эмас. Унга Эйлин каби ёш хотин керак ва ҳаёт уларни бирлаштириши лозим. О, ўшанда улар жуда бахтли яшай бошлайдилар!

– Эҳ, Фрэнк, ҳаммаси жой-жойига тушса эди!.. – туриб-туриб хитоб қиларди қиз. – Нима деб ўйлайсан: умид қилсак бўладими ёки йўқ?

– Умид қилсак бўладими? Бўлмаса-чи! Фақат бунинг учун вақт керак. Агар Лилианга бор гапни айтиб берсам, ўзи ҳам у билан қолишимни хоҳламайди. Фақат, менга қара, жуда эҳтиёт бўл! Агар отанг ёки акаларинг билиб қолишса, шаҳарда катта жанжал, балки ундан ҳам баттарроқ нарса

## Теодор Драйзер

бўлади. Улар мени ўша заҳоти ўлдиришади ёки бутунлай хонавайрон қилишади. Очигини айт, ўзинг ҳамма нарсани тарозига солиб кўряпсанми?

– Бир дақиқа ҳам бунни ёдимдан чиқарганим йўқ. Агар нимадир содир бўлса, мен ҳамма нарсани рад қиламан. Улар ҳеч нарсани исбот қила олишмайди. Эртами-кечми, барибир бир куни келиб сеники бўламан!

Бу суҳбат Ўнинчи кўчадаги уйда бўлиб ўтаётганди. Мажнундек севиб қолган Эйлин Фрэнкнинг юзини эркалаб силади.

– Севгилим, сен учун ҳамма нарсага тайёрман, – деди у. – Ҳатто ўлимга ҳам розиман! Сени шундай севаманки!..

– Ўзимнинг жоним, бўлди, бўлди, бу сенга хавф солмайди. Ўлишингга тўғри келмайди. Фақат эҳтиёт бўлгин...

**К**аупервуд ва Эйлинларнинг ўзаро интилишлари ва бир-бирини тушунишлари бўшашмай, аксинча, янада мустаҳкамланиб, махфий алоқалари бир неча йил давом этгач, дахшатли воқеа содир бўлди. Бу фалокат кутилмаганда, тиниқ осмонда бирдан чакмоқ чаккандек ва инсон иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берди. Аввалига бу шунчаки ёнғин, бунинг устига, Филадельфиядан узоқ жойда содир бўлган – машҳур 1871 йил 7 октябридаги Чикаго ёнғини, шаҳар, тўғрироғи, унинг савдо-сотик районини бутунлай ёндириб юборган аланга бўлиб, бу фалокат Америка молия дунёсида узоқ давом этмаган бўлса-да, кучли ваҳима уйғотганди. Шанба куни бошланган ёнғин кучи чоршанбагача ҳам камаймай, банклар, савдо корхоналари, бандаргоҳ, темир йўл омборлари ва одамлар яшайдиган бутун бир мавзеларни йўқ қилиб юборди. Ёнғиндан энг катта зарарни суғурга компаниялари кўрган эди, тез орада уларнинг кўпчилиги тўловлар тўлашни тўхтатиб қўйди. Бунинг натижасида зарарларнинг бутун оғирлиги чет эл саноатчилари ва Чикаго билан иш олиб борадиган улгуржи савдогарлар ҳамда чикаголик тижоратчиларга тушди. Чикаго ўша пайтнинг ўзидаёқ материкдаги истаган шаҳар билан баҳслаша оладиган ажойиб идоралари ва уйларнинг эгалари ёки ижарачилари бўлган шарқий штатларнинг кўпгина капиталистлари ҳам катта зарар кўришаётганди. Чикаго билан алоқа узилиб қолган ва Нью-Йоркдаги Уолл стрит, Филадельфиядаги Учинчи кўча ва Бостондаги



## Теодор Драйзер

Стэйт стритлар биринчи хабарларданок шароитнинг жиддийлигини ҳис қилишганди. Шанба ва якшанба кунлари ҳеч нарса қилиб бўлмасди, чунки биринчи хабарлар биржа бекилгандан кейин келганди. Бироқ душанба куни янгиликлар тинмай оқиб кела бошлади. Шу заҳотиёқ темир йўл, давлат, шаҳар акция ва облигациялар эгалари, бошқа сўз билан айтганда, ҳар хил кўринишдаги ва разряддаги қимматбаҳо қоғозлар эгалари нақд пул олиш эвазига уларни бозорга ташлай бошлашди. Банклар, табиийки, қарзларни тўлашни талаб қилишарди ва натижада фонд биржасида кўлами жиҳатидан икки йил бурун Нью-Йоркда содир бўлган “Қора Жума”га тўғри келадиган ваҳималар кўтарилди.

Ёнғин ҳақидаги хабар келганда на Каупервуд, на отаси шаҳарда эди. Улар бир нечта банк ходими билан куришни давом эттириш учун қарз сўралаётган шаҳар ташқарисидаги кўнка темир йўл линияси трассасини кўргани кетишганди. Келгусидаги линиянинг анчагина узоқ қисмига кабриолетда бориб, якшанба куни кечкурун Филадельфияга қайтиб келишаркан, улар газетчи болаларнинг кичкирган товушларини эшитишди:

– Тезкор хабар! Тезкор хабар! Чикаго ёнғини ҳақида муфассал маълумотлар! Тезкор хабар! Чикаго ёнғин ичиди! Тезкор хабар!

Якшанба кунининг ниҳояси бўлган бу ғира-ширада шаҳарда хаёлга чўмгандек кайфият ҳукмрон бўлиб, ҳавода ва дарахтларнинг япроқларида ёзнинг охирлаб бораётгани аллақачон сезилиб турар, бу ҳол фалокатдан хабар бераётгандек, одамнинг юрагини сиқарди.

– Эй, болакай! – атрофга қулоқ солиб, бурчакдан қўлтиғида бир тўп газета билан чиқиб келган жулдурвоқини ёнига чақирди Каупервуд. – Нима гап? Чикагода ёнғинми?!

Отаси ва бошқа ишбилармонлар билан кўз уриштириб олиб, у қўлини газетага чўзди, сарлавҳаларга кўз югуртириб, шу сониядаёқ фалокатнинг кўламини баҳолади.

## ЧИКАГО ЁНГИН ИЧИДА!

Кеча оқшомдан буён шаҳарнинг савдо-сотик қисми шиддатли аланга ичида колмоқда. Банклар, савдо бинолари ва жамоат бинолари кулга айланган. Тўғридан-тўғри телеграф алоқалари бугун тушки соат учдан бери узилган. Фалокатнинг тез орада тугашига ҳеч қандай умид йўқ.

– Менимча, ишлар жиддийга ўхшайди, – ҳамроҳларига қараб, хотиржамлик билан деди Каупервуд; унинг кўзлари ва овозида совуқ ва қатъий нимадир сезилгандек бўлди. Сал ўтиб, у отасига шипшиди:

– Агар банклар ва биржа идоралари биргаликда ҳаракат қилмаса, бу нарса ваҳима бошланишига олиб келади.

Каупервуднинг кўз олдида тезлик билан ўз қарзлари аник намоён бўлди. Отасининг банкида кўнка темир йўл линияларининг юз минглик акциясини кўйган, улар эвазига олтмиш фоиз олинган. Қўлидаги эллик минг долларлик шаҳар сертификатлари заёмига эса етмиш фоиз олинган. Бу қимматбаҳо қоғозлар билан биржа операцияларини ўтказиш учун кекса Каупервуд унга қирқ минг доллардан кўпроқ нақд пул берганди. “Дрексель энд Компани” банкирлик уйи Фрэнкка юз минг долларлик суммага кредит очганди; уларнинг бирдан кўнгилчан бўлиб қолишларига ишониш қийин албатта, қарзини тезлик билан узишини талаб қилишади. “Жей Кук энд компани” ҳам унга бир юз эллик минглик кредит берган. Улар ҳам, шубҳасиз, дарҳол тўлаб қўйишни сўрашади. Кичикроқ тўртта банк ва учта биржа идорасидан унинг эллик минг долларча қарзи бор эди. Ишларидаги шаҳар ғазначисининг иштироки эллик минглар атрофида ифода этиларди, агар бу очилиб қолса, жанжалдан қочиб бўлмайди; штат ғазначиси ҳам унинг идорасига икки юз минг қўшганди. Бундан сўнг эса яна юзлаб беш ва ўн минг долларгача бўлган майда ҳисоб-китоблар бор эди. Биржадаги ваҳима нафақат омонатларни талаб қилиш ва ссудаларни қоплашга, балки қимматбаҳо қоғозлар курсига ҳам ёмон таъсир қилади. Қимматбаҳо

## Теодор Драйзер

қоғозларини қандай сотса экан? Мана, масала нимада! Қандай қилиб уларни курсидан пастрок нархда сотса бўларкин? Акс ҳолда, бу нарса унинг бутун борини ютиб кетади ва у сўзсиз хонавайрон бўлади...

Фрэнк олдида турган қийинчиликлар ҳақида ўйлаб, ташвишга тушганча уй-уйларига тарқалаётган дўстлари билан хайрлашар экан, бу шароит унга қандай хавф солаётганини дарҳол ҳисоблаб чиқди.

– Отажон, уйга кетаверинг, мен бир нечта телеграмма жўнатишим керак (у пайтлари телефон ҳали кашф қилинмаганди). Мен тезда қайтаман ва вазиятни биргаликда ўйлаб кўрамиз. Аҳволимиз жуда ёмон! Ҳеч кимга бир оғиз гапирманг, аввал иккаламиз маслаҳатлашиб оламиз. Ҳаракат режасини тузиб чиқиш керак бўлади.

Кекса Каупервуд юзида хавотирли ифода билан соқолини чимдий бошлаганди. У диққати ошганча агар ўғли банкрот бўлса, ўзининг тақдири қандай кечиши ҳақида ўйлаётган, чунки ўғлининг ишларига чуқур аралашиб кетганди. Қариянинг юзи ваҳимадан бўзарди, чунки ўғлининг хохишига қулоқ тутиб, у ҳам чегарадан анча ўтиб кетганди. Агар Фрэнк банкнинг талаби билан эртагаёк бир юз эллик минг долларлик қарзини ёпа олмаса, бутун жавобгарлик ва бутун шармандалик отасининг бўйнига тушади.

Фрэнк эса шаҳар ғазначиси билан алоқаси натижасида ва ёлғиз ўзи биржадаги қимматли қоғозлар курсини ушлаб тура олмаслиги сабаб янада мураккаблашган шароит ҳақида берилиб ўйлаётганди. Унга ёрдам бера олиши мумкин бўлганларнинг ўзлари танг аҳволда эдилар. Вазият жуда ёмон эди. “Дрексель энд компани” охириги пайтларда темир йўл акциялари курсини кўтариб юборган ва улар устидан йирик ссуда олганди. “Жей Кук энд компани” Шимолий Тинч океани темир йўлини маблағ билан таъминлаётган бўлиб, бор кучи билан бу йирик трансконтиненталь линиянинг қурилишида

бошкалар иштирок этишига йўл қўймасликка ҳаракат қилаётганди. Албатта, ҳозир уларнинг ўзлари ҳам жуда қийин шароитда қолишган. Биринчи хавотирли хабарлар келиши билан ўзларининг бошқа қоғозларини кутқариш учун улар энг умидлироқ бўлган қимматбаҳо нарсалар – ҳукумат облигациялари ва шунга ўхшаган воситаларни сотишга тушишади. “Айиқлар” ўлжани дарров ҳис қилиб, виждонлари қийналмасдан нархларни тушириб, ҳамма нарсани сотишни бошлайди. Фрэнк эса улардек ҳаракат қила олмайди. Бундай қиладиган бўлса, панд еб қолиши мумкин, унинг учун эса асосийси – вақтдан ютиш. Эҳ, унинг уч кун, бир ҳафта, ўн кун вақти бўлса эди, момақалдироқ наридан ўтиб кетган бўларди.

Фрэнк, энг аввало, Стинер унинг ишига тиккан ярим миллион доллардан хавотирда эди. Кузги сайловлар яқинлашиб қолган, Стинернинг номзоди бу ўринга икки марта сайланган бўлса-да, учинчи марта ҳам қўйилганди. Шаҳар ғазначилигида очилиб қолиши мумкин бўлган суиистеъмол қилишлар эса жуда жиддий оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмасди. Стинернинг иш фаолияти ниҳоясига етиб, ўзи жиноятчилар ўрнида бўлиб қолиши мумкин эди. Республикачилар партияси учун эса бу ҳол сайловда муваффақиятсизликни англатарди. Каупервуд ҳам четда қола олмайди: у бу ишларга жуда чуқур кириб кетганди. Агар жанжал бошланадиган бўлса, у республика партияси корчалонлари олдида жавоб бериши керак бўлади. Кучли босим ўтказилса, у аниқ банкрот бўлади, у ҳолда нафақат унинг сиёсатдон ишбилармонлар ўзлари учун эҳтиёткорлик билан сақлаб қўйган бу “қўриқхоналар” – кўнка темир йўлларини қўлга киритмоқчи бўлгани, балки бу ишларни шаҳар ғазначилигидан ноқонуний қарз олиш йўли билан қилгани ҳам билиниб қолади ва шу сабаб энди улар сайловда ютқизишлари мумкин бўлади. Бундай ишларга улар панжа орасидан қараб ўтиришмайди. Унинг бу пуллар учун йилига икки фоиз (у эҳтиёт юзасидан кўп

## Теодор Драйзер

битимларга ана шундай пунктни қўшганди) тўлаганман ёки мен фақат Стинернинг агенти сифатида ҳаракат қилганман, деган гаплари ёрдам бермайди. Оддий одамлар, балки, ишонишлари мумкин эди, бироқ бунга тажрибали сиёсатчиларни осонликча ишонтириб бўлмайди. Улар бундан баттарларини ҳам кўришган.

Бир нарсагина Каупервудни бутунлай руҳи тушиб кетишдан сақлаб турарди: у шахридаги сиёсатчи корчалонлар қандай ҳаракат қилишларини жуда яхши биларди. Уларнинг ҳар бири, қанчалик юқори ўринда ўтирган бўлмасин, бундай кийин дақиқаларда кибрларидан кечишади, чунки ҳаммалари шаҳар уларга берадиган енгилликлардан фойда кўради. Батлер, Молленхауэр ва Симпсонлар (Каупервуд буни жуда яхши биларди) гўёки қонунийдек кўринган, бироқ “ўзлариникилар” орасида тақсимланадиган пудратлардан ва шаҳардан солиқлар – ер солиғи, сув солиғи ва бош солиқлар кўринишида йиғиб олинадиган ва шу учлик ҳамда баъзи бошқа одамлар тавсия қилган банкларда сақланадиган катта суммалар орқасидан бойишарди. Банклар халқнинг пулларини сейфда сақлаб бериб, шаҳарга хизмат кўрсатяпти, деб ҳисобланарди; шунинг учун улар бу омонатлар бўйича фоиз тўлашмас, бироқ уларни муомалага қўйиб юборишарди. Бироқ кимнинг манфаати учун?

Каупервуднинг юқоридаги донғи чиққан учликдан хафа бўлишига ҳеч қандай асос йўқ эди, бу одамлар у билан жуда яхши муносабатда эдилар, бироқ нега улар шаҳарнинг ҳамма киримларидан фойдаланиш бўйича ўзларини монополистлар, деб ҳисоблашади? Каупервуд на Молленхауэрни, на Симпсонни шахсан танимасди, бироқ улар ҳам Батлер каби унинг шаҳар заёмини чиқариш бўйича ҳийласидан ёмон бойиб олишмаган. Яна унга энг қайишадиган бўлиб Батлер қоляпти. Агар ҳаммаси ёмон томонга айланиб кетса ва Каупервуд унга ўзининг ҳамма қаргаларини очадиган бўлса, у шароитнинг қалтислигини

хисобга олиб, Фрэнкка ёрдамга келиши мумкин. Фрэнк агар Стинернинг ёрдами билангина сири ҳамма ёкка очилмай бу шароитдан чикиб кетишнинг иложини қила олмаса, шу йўлни танлашга аҳд қилди.

Бироқ ҳаммасидан олдин, ўйларди Фрэнк, ҳаракат режасини тузиб, Стинернинг олдига бориш ва ундан кўшимча уч юз, тўрт юз минг ссуда сўраш керак. Стинер ҳамиша гапга кўнувчанлиги билан ажралиб турарди, ҳозирги шароитда эса кассасидаги ярим миллионлик камомад ҳаммага овоза бўлиб кетмаслиги қанчалик муҳим эканини яхши тушунади, албатта. Кейин эса яна иложи борича кўпроқ пул топиши керак. Бироқ қаердан? Банк директорлари, акционерлик компаниялари бошлиқлари, йирик биржачилар ва бошқа турдаги ишбилармонлар билан гаплашиб кўриш лозим бўлади. Батлерга бериши керак бўлган юз минг долларни талаб қилишни кекса пудратчи бироз орқага суриб туришга рози бўлади, албатта.

Каупервуд уйига шошилди ва остонадаёқ экипаж тайёрлашларини буюриб, Стинерникига қараб жўнади. Аксига олиб, Стинер шаҳарда эмас экан – дўстлари билан Чезапик кўрфазига ўрдак отиш ва балиқ овлагани кетган экан: бир неча кундан кейингина келармиш. Ҳозир эса у кичкинагина шаҳарча яқинида ботқоқда дайдиб юрибди.

Каупервуд шу шаҳар яқинидаги телеграф пунктига шошилиш хабар юборди ва янада ишончлироқ бўлиши учун Стинернинг тезроқ қайтиб келишини сўраб, ўша округнинг бир неча ерига такрор хабар юборди. Бироқ шунга қарамай, Стинернинг вақтида етиб келишига унинг ишончи комил эмасди ва энди нима қилишни ҳам билмаётганди. Унга ёрдам, қаердан бўлса ҳам тез кўмак керак эди! Бирдан хаёлига яхши фикр келиб қолди. Батлер, Молленхауэр ва Симпсонлар – кўнка темир йўлларининг йирик акционерлари! Улар биржадаги нархларни кўтариш учун бирлашишлари ва шу орқали ўз қизиқишларини

## Теодор Драйзер

ҳимоя қилишлари керак. Улар “Дрексель энд компани”, “Кук” ва бошқа банклар билан музокарага киришишлари ҳамда улардан бозорни қўллаб-қувватлашларини талаб қилишлари мумкин. Улар биргаликда акцияларни сотиб олиб, вазиятга таъсир ўтказишса бўлади, бундай қўллаб-қувватлашлар ёрдамида Фрэнк унга ўзининг ўнгланиб олишга имкон берадиган миқдордаги қимматбаҳо қозғозларини сота олиши мумкин, фақат бу эмас, балки нархларни пасайтиришга эришиб, яхшигина пул ишлаб олишнинг ҳам имкони туғилади. Бу ажойиб фикр эди, бироқ камчилиги шунда эдики, унинг рўёбга чиқишига умуман ишонч йўқ эди.

Каупервуд ўзи ва Стинернинг сирларини очишига тўғри келаётганидан ташвишга тушган ҳолда шу заҳотиёқ Батлернинг олдига боришга қарор қилди.

У экипажга ўтириб, Батлерниқига қараб кетди. Кекса пудратчи бу пайтда дастурхон атрофида ўтирарди. У газетчиларнинг қичкириб айтган тезкор хабарларни эшитмаган ва Чикагодаги катта ёнғин ҳақида ҳам ҳали ҳеч нарса билмасди.

Хизматкор келганини эълон қилганида Батлер ўрнидан туриб, жилмайганча Каупервуднинг қаршисига чиқди.

– Ҳуш келибсиз! Ўтиринг. Нима ичасиз: чойми, қаҳваими?

– Миннатдорман. Бироқ ҳозир жуда шошиб турибман, – жавоб берди Каупервуд. – Сиз билан бир неча дақиқа гаплашиб олмақчи эдим, кейин яна борадиган жойларим бор. Кўп вақтингизни олмайман.

– Нима ҳам дердим, шундай экан, хизматингизга тайёрман.

Батлер бўйнига қистирилган сочиқни ошхонага қўйиш учун чиқиб кетди. Ичкарида дастурхон атрофида ўтирган Эйлин ҳам Каупервуднинг овозини таниган ва сергак тортганди. Уни қандай қилиб кўрса бўларкан? Шу пайтда нега отасининг олдига келди экан? Дарҳол ўрнидан

туриб караш унга нокулай эди, бироқ киз Каупервуд кетгунча у билан бир-икки оғиз гаплаша олишга умид қилаётганди. Каупервуд ҳатто шу аҳволда – бошига осмон тушиб кетгудек шароитда ҳам хотини, болалари ва бошқа нарсалар қатори киз ҳақида ҳам ўйлаётганди. Агар Фрэнк хонавайрон бўлишдан қутулиб қола олмаса, атрофидаги одамларнинг ҳаммасига оғир бўлади. У буларнинг бари нимага олиб келишини аниқ айтолмасди, чунки булут уфқдан энди босиб кела бошлаганди.

Каупервуд ўзини бутунлай сокин тутганча, қайта-қайта юзага келган шароит ҳақида ўйларди. Унинг юзида хотиржамлик акс этар, кўзлари одатдагидан совуқроқ порларди.

– Демак, кулоғим сизда, – деди Батлер хонага қайтиб кираркан. Унинг юзида ҳаётдан, бутун дунёдан мамнунлик ифодаси бор эди. – Нима бўлди? Умид қиламанки, жиддий ҳеч нарса содир бўлмаган. Бугун кун жуда яхши!

– Ўзим ҳам бирон жиддий нарса йўқ деб умид қиламан, – жавоб берди Каупервуд. – Бироқ сиз билан гаплашиб олишим керак эди. Тепага хонангизга чиқсак, яхши бўларди...

– Ўзим ҳам шуни таклиф қилмоқчи бўлиб тургандим, – деди Батлер. – Ҳа, айтганча, сигарам ҳам юкорида.

Улар зина томонга қараб кетишди: Батлер олдинда, Каупервуд ундан кейин. Кекса пудратчи зинадан кўтарила бошлаганда ошхонадан ипак кўйлагини шитирлатиб Эйлин чиқиб келди. Унинг пешонасидан ва орқасидан тепага қараб таралиб, бошининг энг тепасига жимжимадор ўрилган сочи ажойиб малларанг тожни ҳосил қилганди. Унинг юзлари ёнар, тўқ қизил кўйлак остидан кўриниб турган елкаси ва қўллари кўзни олгудек оппоқ эди.

Қиз нимадир рўй берганини дарров сезди.

– А, жаноб Каупервуд, яхши юрибсизми? – отаси зинадан кўтарилишда давом этар экан хитоб қилди қиз ва йигитга қўлини чўзди. У Фрэнкни бир-икки оғиз сўзлашиш



## Теодор Драйзер

учун ушлаб қолишга ҳаракат қилаётган, бепарво ҳол сўраши эса атрофдагиларни чалғитиш учун эди.

– Азизим, нима бўлди, тинчликми? – отаси юқори айвончага чиқиб борганда шивирлади у. – Кўринишинг жуда ташвишли...

– Кўркинчали ҳеч гап йўқ, асалим, – жавоб берди Фрэнк. – Чикагода ёнғин ва эртага бу ерда ҳам катта шовшув кўтарилади. Отанг билан шу масалада гаплашиб олишим керак.

Қиз кўркиб кетиб, ҳамдардлик билан “Вой!” деркан, Каупервуд қўлини олиб, Батлернинг кетидан юрди. Эйлин мехмонхонага кириб ўтираркан, хаёлга чўмди: у ҳали бирор марта Каупервуднинг юзида бунчалик жиддий ифодани кўрмаганди. Худди мумдан ясалгандек хотиржам юз-кўзлари ҳам мумдек, қарашлари совуқ ва ўткир!.. Чикаго ёняпти! Бунинг Фрэнкка нима алоқаси бор? Ёнғин билан унинг нима иши бор?

Йигит ҳеч қачон кизга ўз ишларидан гапирмасди: барибир у ҳам Каупервуд хонимдан кўра кўпроқ нарса тушунмаган бўларди. Бироқ шунга қарамай, у хавотирга тушиб қолди; ахир буларнинг ҳаммаси назарида ўзи узилмас ришталар билан боғланган Фрэнкка ҳам тегишли.

Мумтоз адабиётни айтмаса, адабиётларнинг бари бизга фақат бир хил кўринишдаги жазманлар – ноз-қарашмали, пулга ўч, асосий мақсади фақат ўз тўрига эркакларни илинтириш бўлган аёлларни тасвирлайди. Журналистлар ва замонавий брошюраларнинг муаллифлари ҳам ахлоқ масалалари борасида худди шу фикрни қўллаб-қувватлашади. Ўйлаш мумкинки, Яратган ҳаёт устидан цензура ўрнатганда, цензорликка энг эскилик тарафдорларини қўйган. Бироқ ҳисоб-китобгагина ўрнатилмаган ҳақиқий севги ришталари ҳам бор. Аксарият ҳолларда ишвалар қилиш ва ёлғон ишлатиш аёлларга бегона. Ҳиссиётларига қулоқ солган ва чиндан ҳам севадиган оддий аёл худди ёш бола каби айёрликка

кодир эмас; у доим ўзини қурбон қилишга тайёр ва иложи борича кўпроқ беришга ҳаракат қилади. Севги давом этар экан, у фақат шундай тарзда қолади. Ҳиссиётлар ўзгариши мумкин, бироқ жазман аёллар кўпинча ўзларини қурбон қила олишлари, севган инсонига ўзларини бутунлай бахшида қилишлари ва ғамхўрликлари билан ажралиб турадилар. Қонуний никоҳнинг тескариси бўлган ана шундай муносабатлар мустаҳкам никоҳдаги эр-хотинлик муносабатларига вайрон қилувчи таъсир кўрсатган. Инсон – у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, бундай беғаразлик ва ўзини бахшида қилишга уринишлар олдида таъзим қилмаслиги иложсиз.

Батлернинг ортидан юқорига кўтариларкан, Каупервуд юзага келган шароитни қайта-қайта ўйлаб кўраётганди.

– Марҳамат, ўтиринг! Бирор нарса ичамизми? Ҳа, айтганча, сиз ичмайсиз-ку... Эсимда, эсимда! Ҳеч бўлмаса, сигарадан олинг. Демак, нега бугун кайфиятингиз йўқ?

Аҳоли кўп жойлашган мавзе томондан “Тезкор хабарлар! Тезкор хабарлар! Чикагодаги ёнғин ҳақида батафсил маълумотлар! Бутун шаҳар ёнғин қўйнида!” деган қичқириқлар эшитиларди.

– Мана, нимадан сиқилияпман, – бу бақириқларга қулоқ солиб туриб деди Каупервуд. – Янгиликни эшитдингизми?

– Йўқ. Бу газетачилар нима деб бақиришяпти?

– Чикагода катта ёнғин бўляпти!..

– Ҳа-а... – деди Батлер, ҳали ҳам бу ҳодисанинг маъносини тўла англамай.

– Шаҳарнинг бутун асосий қисми олов ичида, жаноб Батлер, – тундлик билан гапида давом этди Каупервуд, – ва эртадан қолмаёқ бизда молиявий силкинишлар бошланади. Сиз билан шу ҳақда гаплашгани келгандим. Капитал маблағлар билан боглиқ шароитингиз қанақа?

Батлер Каупервуднинг юзидаги ифодадан жуда даҳшатли фалокат юз берганини тушунди. Кенг чарм креслосининг суянчиғига ўзини ташларкан, у катта кў-

## Теодор Драйзер

лини кўтариб, оғзи ва иякларини беркитди. Унинг йирик кўзлари бароқ қошлари остидан порлаб турарди. Бошини калта қиркиб олинган оппоқ соч қоплаганди.

– Мана, гап нимада экан,– деди у. – Демак, сиз эртага бизда ҳам бўрон бошланади деб ўйлайсизми? Ўзингизнинг ишларингиз қанақа?

– Агар оғзи катта пулдорларимиз совуққонлик билан туриб беришса ва ваҳимага тушишмаса, ишларим ҳар ҳолда яхши бўлади. Эртага, тўғрироғи, бугун ҳаммамиз ақл билан иш қилишимиз керак бўлади. Ахир ҳаммамиз чинакам биржа ваҳимаси арафасида турибмиз. Жаноб Батлер, ҳақиқатнинг кўзига тик қарашингиз керак! Бу ваҳима кўп давом этмайди, бироқ қисқа вақт ичида ҳам кўпгина фалокат юз бериши мумкин. Эртага биржа очилган дақиқадан қимматбаҳо қоғозлар ўн ёки ўн беш пунктга тушиб кетади. Банклар қарзларни тўлашни талаб қила бошлайди ва фақат олдиндан келишиб олишгина уларни бундай қадам ташлашдан ушлаб қолиши мумкин. Бироқ бирорта одам ҳам ёлғиз ўзи уларга таъсир ўтказа олмайди. Бу ерда бир гуруҳ одамларнинг биргаликдаги ҳаракати бўлиши керак. Сиз жаноб Симпсон ва жаноб Молленхауэр билан банкларнинг корчалонларини бирлашишга ва бозорни қўллаб-қувватлашга кўндириб, бунга эришишингиз мумкин. Бутун кўнка темир йўллари зарба остида қолади. Агар курс ушлаб турилмаса, уларнинг акциялари пастга тушиб кетади. Бу йўлларга катта пул тикканингиздан хабарим бор. Шунинг учун сиз, Молленхауэр ва бошқалар чорангизни кўриб кўясиз, деб ўйладим. Яшириб ўтирмайман, акс ҳолда, менга ҳам ёмон бўлади. Мен ёлғиз кураша олиш даражасида кучли эмасман.

Фрэнк Батлерга Стинер тўғрисидаги ҳақиқатни қандай очишни билмай боши қотаётганди.

– Ҳа, яхши иш бўлмаяпти, – ўйчанлик билан деди қария.

У ўзининг ишлари хақида ўйлаётганди. Бу вахималар, албатта, унга фойда бермайди, бироқ унинг шароити у даражада кўрқинчли эмас. У банкрот бўлишдан кўркмаса ҳам бўлади. Албатта, ишларини тартибга солиб олишдан олдин унда озгина йўқотишлар бўлиши мумкин, бироқ бу жуда жиддий йўқотиш бўлмайди. Бироқ кекса Батлер ҳеч нарсани йўқотишни истамасди.

– Қандай қилиб шунчалик кийин аҳволга тушиб қолдингиз? – қизиқиб сўради у. Батлер Каупервуднинг нега кўнка темир йўли компанияларининг тор-мор бўлишидан шунчалик кўрқаётганига қизиқаётганди. – Бу ишларга сиз ҳам ҳиссангизни қўшганмисиз?

Каупервуднинг олдида Батлерга ёлғон айтсинми ёки ростини гапириш керакми, деган савол пайдо бўлди. Йўк, ёлғон гапириш таваккал қилиш бўлади. Агар Батлернинг унга раҳми келиб қўллаб-қувватламаса, у касодга учраши мумкин ва у ҳолда ҳақиқат барибир юзага чиқади.

– Жаноб Батлер, мен сиздан ҳеч нарсани яшириб ўтирмакчи эмасман, – қариянинг самимий муносабатига умид қилиб, йигит Батлерга дадил ва ишонч билан қаради. Унинг шу қараши қарияга жуда ёқарди. Баъзан ўз ўғиллари қаторида у Каупервуд билан ҳам фахрланиб кўярди. Бундан ташқари, у ёш банкир айнан унинг орқасидан шу даражага кўтарилганини ҳам ҳис қиларди.

– Сизга мен ҳам анча пайтлардан бери кўнка темир йўлларининг акцияларини (фақат ёлғиз ўзим учун эмас) сотиб олиб келаётганимни айтиб қўйишим керак. Ҳозир айтмоқчи бўлаётган маълумотимни, балки, ошкор этишим керак эмасдир, бироқ у ҳолда мен бу вазиятдан асраб қолмоқчи бўлаётганим – сиз ва кўпгина бошқа одамларга зарар келтириб қўяман. Менга, албатта, кузги сайловлар натижасига қизиқишингиз маълум. Ва мен Стинер ҳамда унинг баъзи дўстлари учун кўп акция сотиб олганимни сиздан яширмакчи эмасман. Бунинг учун маблағ доим шаҳар ғазнасидан кетган, демоқчи ҳам эмасман, бироқ

## Теодор Драйзер

кўп ҳолларда шундай бўлган бўлса керак. Касод бўлишим Стинерга, республика партиясига ва сизга ҳам қандай таъсир қилишини яхши тушунаман. Албатта, жаноб Стинер бу комбинацияни ёлғиз ўзи ўйлаб чиқмаган ва мен бу ерда бошқалардан кўра камроқ жазога лойиқ эмасман, бироқ буларнинг ҳаммаси бошқа ишлардан келиб чиқиб бўлган. Сизга маълумки, мен Стинернинг таклифи билан шаҳар заёмини тарқатганман ва шу операциядан кейин Стинернинг дўстларидан бири менга уларнинг маблагини кўнка темир йўлларига тикишни таклиф қилганди. Ўшандан бери улар учун шу ишни қилиб келяпман. Шахсан ўзим Стинердан йилига икки фоиз ҳисобидан катта маблағ қарз олганман. Яна бошқа нарса: аввалига ҳамма ишлар худди ана шу йўл билан ёпиларди ва мен ҳеч қанақасига ўз айбимни бошқаларга ағдармоқчи эмасман. Жавобгарлик менга тушади ва мен жавоб беришга тайёрман, бироқ фалокатга учрайдиган бўлсам, Стинернинг номига доғ тушади ва бу гап бутун шаҳар бошқарувидагиларга ҳам ошкор бўлади. Албатта, банкрот бўлишни хоҳламайман ва бунинг учун ҳеч қандай асос ҳам йўқ. Агар ваҳима таҳдиди бўлмаганда, ишларим аввал ҳеч қачон шунчалик яхши бўлмаганди, деб айтган бўлардим. Бироқ ҳозир менга ёрдам берилмаса, бўронга дош бера олмайман. Ва яна менга ёрдам кўлини чўза оласизми, шуни ҳам билмоқчиман. Агар шу вазиятдан чиқиб кетсам, шаҳар ғазначилигининг пулини тезда қайтариш учун ҳамма чораларни кўраман, деб ваъда бераман. Афсуски, жаноб Стинер ҳозир шаҳарда эмас экан, акс ҳолда, уни гапларимни тасдиқлаши учун ёнингизга олиб келган бўлардим.

Каупервуд Стинерни ўзи билан олиб келиш ҳақида бир туки килт этмай ёлғон гапираётганди. У аслида мабодо бўлиб-бўлиб ва унга қулай вақтда бўлмаса, шаҳар ғазначилигига пулларни қайтармоқчи ҳам эмасди. Бироқ айти пайтда унинг гаплари ишонарли ва виждонан айтилаётгандек чиқди.

– Жаноб Стинер сизнинг ишингизга қанча тикканди?  
– сўради жаноб Батлер. Ишларнинг бундай тескарисига айланиб кетганидан у бироз эсанкираб қолганди. Бу гапларнинг ҳаммаси Каупервуд ва Стинернинг номларига соя солиб қўйганди.

– Беш юз минг долларга яқин.

Қария креслода ўтирганча гавдасини ростлади.

– Наҳотки шунчалик кўп бўлса?.. – оғзидан чиқиб кетди унинг.

– Шунга яқин... Балки, кўпроқ ёки камроқдир, анигини билмайман.

Кекса пудратчи Каупервуд айтган гапларнинг ҳаммасини диққат билан эшитаркан, бу ишлар республика партиясининг қизиқишларига ва ўзининг шаҳар бошқаруви билан келишувларига қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаётганди. У Каупервудни хурмат қиларди, бироқ ҳозир йигитнинг айтганлари шубҳали ва жуда нопок кўринаётганди. Батлер секин ҳаракат қиладиган, шошилмай мулоҳаза юритадиган одам эди, бироқ бирор масала ҳақида фикрлайдиган бўлса, уни охиригача ҳал қиларди. Филадельфия кўнка темир йўлларига у ҳам яхшигина маблағ – саккиз юз минг доллардан кам бўлмаган пулни тикканди. Молленхауэрники ундан ҳам кўп. Бу ишга сенатор Симпсон қанча тикканини эса у билмайди. Лекин Каупервуд ўз вақтида унга сенатор ҳам бундай акцияларнинг йирик пакетига эга эканини айтган. Уларнинг кўпчилигида бундай қоғозларнинг кўпи Каупервудники сингари ҳар хил банкларга гаровга қўйилганди, улар учун олинган пуллар эса бошқа ишларга тикилганди. Қарзларни тўлаш талаби уларнинг ҳеч бирига яхшилик келтирмасди, бироқ бу учликнинг ҳеч бири шу қадар ёмон аҳволда эмасди. Агар улар ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳамма чораларни кўрса, ҳеч бир дахмасасиз, эҳтимол, бироз зарар билан бу вазиятдан чиқиб кета олишлари мумкин. Агар Каупервуд унга Стинер бу ишга

## Теодор Драйзер

етмиш беш ёки юз минг кўшган деганда, жаноб Батлер унча аҳамият бермаган бўларди. Буни бир амаллаб ҳал қилиш мумкин эди. Бироқ беш юз минг!..

– Жуда катта пул!.. – деди Стинернинг бу дадиллигидан ҳайратланиб, бироқ Каупервуднинг бу билан боғлиқ найрангларида хали беҳабар бўлган Батлер. – Буни яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Агар эртага ваҳима бошланадиган бўлса, биз бир дақиқани ҳам йўқота олмаймиз. Бозорни ушлаб туришимиздан сизга фойда бўладими?

– Жуда катта фойда бўлади, – жавоб берди Каупервуд, – аслида, бошқа йўллар билан яна пул топишимга тўғри келса ҳам. Айтганча, менда сизнинг юз минг долларлик жамғармангиз бор. Нима деб ўйлайсиз, у сизга яқин кунларда керак бўлиб қолиши мумкинмикин?

– Балки...

– Бу пуллар менга ҳам керак бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас ва уларни ўзимга жиддий зарар етказмаган ҳолда дарров қайтара олмасам керак, – деди Каупервуд. – Ва бу бутун занжирнинг звеноларидан биттаси холос. Агар сиз, сенатор Симпсон ва жаноб Молленхауэр учалангиз бирлашиб – ахир акцияларнинг кўпи сизларнинг кўлингизда-ку, жаноб Дрексель ва жаноб Кукка таъсир кўрсата олсангиз, шароитни сал юмшатган бўлардингиз. Мендан қарзни ёпишни талаб қилишмаса, шароитдан яхши чиқиб кетаман, биржада курс бирдан тушиб кетмаса, у ҳолда ҳеч ким мендан буни талаб қилмайди. Акс ҳолда эса ҳамма қимматбаҳо қогозларим қадрсизланади ва бунга бардош беролмайман.

Кекса Батлер ўрнидан турди.

– Иш жиддий экан... Стинер билан ош-қатиқ бўлиш керак эмасди. Қайси томондан қараса ҳам, барибир хунук иш бўлибди. Жуда ёмон иш бўлибди, – қатъийлик билан деди кария. – Шунга қарамай, кўлимдан келганини қиламан. Кўп нарса ваъда қилмайман, бироқ мен сизга

доим яхши муносабатда эдим ва мабодо бошқа йўлим қолмаса, сизни бу шароитда қолдириш ниятида эмасман. Жуда ёқимсиз ҳолат, жуда ёқимсиз! Ва яна, шахримизда бундай ишларни ёлғиз мен ҳал қилмаслигим ёдингиздан чиқмасин!

Бу сўзларни айтarkan, кекса Батлер чиндан ҳам Каупервуд буни ўз жонини қутқариш учун қилган бўлса-да, манфаатларига таҳдид ва сайловлар тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириб, яхши иш қилгани ҳақида ўйлаётганди. Нима бўлганда ҳам, Батлер йигит учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишга қарор қилди.

– Мен бу воқеаларни яхшилаб ўрганиб чиқмагунимча Стинер ва шаҳар газначилиги билан боғлиқ бу воқеани ҳамма ёққа овоза қилмай туришнинг иложи борми? – эҳтиёткорона сўради Каупервуд.

– Ваъда бера олмайман, – жавоб берди Батлер, – бироқ менга боғлиқ ҳамма нарсани қилиб кўраман. Бироқ сиз бир нарсадан хотиржам бўлишингиз мумкин: бу воқеа сизнинг фойдангиз учун зарур бўлган чегарадан узокрокка бормади.

У ҳозирнинг ўзидаёқ, мабодо Каупервуд банкротга учрайдиган бўлса, Стинернинг жинояти оқибатларидан қандай кутулиш йўлларини ўйлай бошлаганди.

– Оуэн!.. – эшикни очиб, зинанинг панжарасидан эгилганча ўғлини чақирди у.

– Ҳа, ота?

– Дэнга кабриолетни тайёрлаб, йўлак олдида кутиб туришни буюр. Ўзинг эса кийин: мен билан борасан.

– Хўп, ота.

Батлер хонасига қайтиб кирди.

– Ҳа-а-а! Арзимаган сабаб билан шунча ғавғо! Чикаго-да ёнгин, мен эса бу ерда, Филадельфияда муаммога қолиб ўтирибман! Ана, холос!

Каупервуд ўрnidан туриб, эшикка қараб йўналди.

– Сиз қаёққа?



## Теодор Драйзер

– Уйга кетяпман. Мен кўришмоқчи бўлган бир нечта одам келиши керак эди. Агар рухсат берсангиз, кечроқ яна бир кириб ўтардим.

– Ҳа, ҳа, албатта, – жавоб берди Батлер. – Менимча, соат ўн иккиларга қайтиб келаман. Майли, хайр! Демак, ҳали яна кўришамиз. Нима билсам, сизга ҳаммасини айтиб бераман.

Жаноб Батлер негадир хонасига қайтиб кириб кетди ва Каупервуднинг ёлғиз ўзи зинадан тушиб келди. Дарпарда олдида турган Эйлин ишора билан уни чакирди.

– Азизим, умид киламанки, жиддий ҳеч нарса бўлгани йўқ, – бугун кўзлари қандайдир жуда жиддий бўлган йигитнинг юзига қараб сўради қиз.

Ҳозир севги изҳор қилиб ўтирадиган пайт эмас эди, Каупервуд бунини хис қилиб турарди.

– Йўқ, – деярли совуқ оҳангда деди у. – Ҳеч қандай кўрқинчли нарса йўқ.

– Фақат, Фрэнк, менга қара, ишларингни деб мени эсингдан чиқариб қўйма! Эсингдан чиқмайдими? Рост-а? Ахир сени жуда севаман!

– Йўқ, йўқ, эсимдан чиқармайман! – жиддийлик билан тез жавоб берди йигит. Гап оҳангидан унинг хаёли узоқдалиги сезилиб турарди. – Ўзинг биласан-ку: ахир сени ёддан чиқара оламанми? – У кизни ўпишга чоғланганида, қандайдир шитирлаш уни чўчитиб юборди.

– Т-с-с!

Каупервуд эшик томонга йўналаркан, Эйлин уни севги тўла нигоҳи билан кузатиб қолди. Фрэнкнинг бошига бирор ғам-ташвиш тушган бўлса-я? Ахир дунёда бахтсизликлар камми? Унда Эйлин нима қилади?

Қизни ҳаммадан ҳам шу нарса қийнаётганди. У нима қилади, Фрэнкка қандай ёрдам бериш мумкин? Бугун унинг ранги оқариб кетган, жуда чарчаган кўринади...

**К**аупервуд тушиб қолган вазиятни ёритиб бериш учун ўша пайтда Филадельфиядаги Республикачилар партияси билан Жорж Стинер, Ҳенри Молленхауэр, сенатор Марк Симпсон ва бошқалар ўртасидаги алоқалар ҳақида қисқача айтиб ўтишимиз керак бўлади. Кўриб ўтганимиздек, жаноб Батлер Каупевудга жуда яхши муносабатда бўлиб, уларни одатдаги ишга оид кизиқишлар боғлаб турарди. Стинер Каупервуднинг қўлида кўр қурол бўлиб хизмат қиларди. Молленхауэр ва сенатор Симпсонлар Батлер билан шаҳар ишларига ўз таъсирини ўтказиш борасида рақобатлашарди. Симпсон штатнинг қонун чиқарувчи мажлисида керак бўлиб қолган тақдирда шаҳар бошқарувидан маҳаллий сайлов қонунларини ўзгартиришни, шаҳар муассасаларининг уставларини қайта кўриб чиқиш, сиёсий ташкилотлар ва алоҳида шахслар фаолиятини тафтиш қилишни талаб қила оладиган Республикачилар партияси вакили эди. Симпсоннинг хизматида бир қатор обрўли газеталар, акционерлик жамиятлари, банклар бор эди. Обрўли ва ҳурматли одам бўлган Молленхауэр филадельфиялик немислар, бир нечта америка оилалари ва кўплаб йирик акционерлик жамиятларининг вакили эди. Учаласи кучли, эпчил одамлар бўлиб, сиёсат бобида хавфли рақиблар ҳам саналарди. Жаноб Симпсон ва жаноб Молленхауэрлар Батлернинг ирландияликлар, бир нечта маҳаллий партия бошлиқлари ва унга худди ўзларининг маънавий бошлиғидек ишонадиган ҳурматли католиклар

## Теодор Драйзер

орасидаги обрўсига кўп умид қилишарди. Батлер ҳам тарафдорларини уларга нисбатан эътиборлилиги, ёрдами, хайрихоҳлиги билан сийлаб турарди. Бунинг учун шаҳар унга мукофот сифатида Молленхауэр ва Симпсонлар орқали кўчаларга тош ётқизиш, кўприклар қуриш, канализациялар ўтказиш учун йирик пудратлар берарди. Бироқ бу пудратларни ўзи кўзга кўринган арбоби бўлган ҳамда уни боқадиган Республикачилар партиясининг ишлари батартиб ва макбул ҳолатда бўлсагина олиши мумкин эди. Бошқа томондан, нега бу ҳақда айнан у Молленхауэр ва Симпсонлардан кўра кўпроқ қайғуриши керак – ахир Стинерни у қўймаган-ку?! Хизмат юзасидан ғазначи асосан Молленхауэрга бўйсунарди.

Бўлаётган воқеалардан жуда хавотирга тушиб қолган жаноб Батлер ўғли билан кабриолетга ўтираркан, мана шулар ҳақида ўйлаётганди.

– Олдимга ҳозиргина Каупервуд келиб кетди, – деди у ўғли Оуэнга. Ўғли охириги пайтларда молия ишларини яхши тушуна бошлаган, сиёсий ва жамоат ишларида эса ўзи жуда ҳам кучли шахс бўлмаса-да, отасидан ҳам кўра яхшироқ тушунаётганди.

– У жуда ҳам қийин шароитда қолганини айтяпти. Эшитяпсанми, – “Тезкор хабарлар! Тезкор хабарлар!” деган қичқирикларни эшитиб, кўшиб қўйди жаноб Батлер. – Чикаго ёнғин ичида. Эртага биржада ваҳима кўтарилади. Темир йўл акцияларимиз ҳар хил банкларга гаровга қўйилган. Эҳтиёт бўлиб туришимиз керак, акс ҳолда, қарзларимизни тўлаб қўйишимизни талаб қилиб қолишади. Эртага шундай бўлиб қолмаслигининг ҳаракатини қилишимиз керак. Каупервудда юз минг долларим бор, бироқ у бу пулни ҳозир қайтариб олмаслигимни илтимос қияпти, бундан ташқари, ишга яна Стинернинг пуллари ҳам тикилганини айтяпти.

– Стинернинг пуллари?.. – хайрон бўлди Оуэн. – У нима, биржада ўйнайдими? Каупервудда унинг пули кўп эканми?

Стинер ва унинг лайчалари ҳақидаги гаплар унинг ҳам қулоғига етиб келганди, бироқ у аҳамият бермай, отасига бу ҳақда гапиришга улгурмаганди.

Батлер ўғлининг саволига дарров жавоб бермади.

– Кам эмас, – ниҳоят деди ота. – Очиғи, ҳатто жуда кўп: беш юз мингга яқин. Агар бу маълум бўлиб қолса, катта шовкин кўтарилади.

– Ўҳ-хў!.. – деб юборди ҳайратга тушган Оуэн. – Беш юз минг доллар! Вой Худойим! Наҳотки Стинер шунча пул йиға олган бўлса? Виждонан айтадиган бўлсам, шу ишни қилишга унинг ақли етганига ишонмаган бўлардим!

– Бўлди, бўлди, шошма, – деди Батлер, бу қандай юз берган бўлиши мумкинлигини яхшироқ тасаввур қилишга уриниб. – Ҳали ҳамма гапни билмаймиз. Балки, Стинер аввалига бунча кўп олмоқчи бўлмагандир. Ҳали ҳамма нарса жой-жойига тушиши мумкин. Пуллар ҳар хил ишларга тикилган. Каупервуд ҳали банкрот бўлгани йўқ. Ва пуллар ҳам ҳали йўқолмади. Энди уни кутқариш учун нима қилиш кераклигини ўйлаш керак. Агар у алдамаётган бўлса (шу пайтгача у ҳали ёлғон гапирмаганди), бу шароитдан чиқиб кетиши мумкин, фақат эртага эрталаб шаҳар темир йўлларининг акциялари оёғи осмондан бўлиб кетмаса бўлди. Мен ҳозир Молленхауэр ва Симпсонлар билан кўришмоқчиман; Каупервуд улар билан гаплашиб кўришни сўраганди. Балки, банклар бозорни ушлаб туришлари учун уларга таъсир ўтказа оларман. Каупервуднинг ўйлашича, агар эртага курсни ушлаб туриш учун бу акцияларни сотиб ола бошласак, ўз активларимизни мустаҳкамлар эканмиз.

Оуэн Каупервуд ҳақида ҳамма билганларини эслай бошлади. Унинг фикрича, Каупервудни яхшилаб ўқитиб қўйиш керак эди. Буларнинг ҳаммаси унинг иши, Стинерники эмас, бунга Оуэннинг ишончи комил. Уни ҳайратда қолдираётган нарса отаси буни кўрмаётгани ва Каупервуддан жаҳли чиқмаётгани эди.

## Теодор Драйзер

– Отажон, сизга бир нарсани айтиб кўймоқчиман, – биров тантаналироқ оҳангда юзланди у отасига, – Каупервуд акцияларини Стинердан олган пулига сотиб олган ва энди ботқоққа ўтириб қолди. Агар ёнгин чиқмаганда, бу билинмай ўтиб кетарди, бироқ ҳозир у яна сиз, Молленхауэр, Симпсон ва бошқалар уни кутқариб қолишингизни хоҳлаяпти. У яхши йигит, унга муносабатим ёмон эмас. Бироқ унинг кўрсатмаси билан ҳаракат қилишингиз ақлсизлик бўлади. У шусиз ҳам керагидан ортик нарсани кўлига олган. Яқинда Фронт стрит линияси ва Грин ва Коутс линияларининг катта қисми унга тегишли эканини, бундан ташқари, у яна Стинер билан биргаликда Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчалар линияларига ҳам эга чиққанини эшитгандим. Бироқ бунга ишонмай, сиздан шу ростми-йўқми, сўрамоқчи бўлиб тургандим. У ҳар икки ҳолатда ҳам ўзи учун акцияларнинг назорат пакетини яшириб кўйган деб гумонсираяпман. Стинер фақат югурдак: Каупервуд уни хоҳлаган кўйига сола олади.

Бу гапларни айтarkan, Оуэннинг кўзларида бахиллик ва адоват учқунлари чакнади: Каупервуднинг бор нарсасини кимошди савдосида сотиб, ўзини эса кўнка темир йўллари акционерлигидан ҳайдаш керак! Оуэн бу ишнинг бошида туришга анчадан бери иштиёқманд эди.

– Биласанми, – аста жавоб берди жаноб Батлер, – доим бу йигитни ақлли деб ўйлардим, бироқ шунчалик айёрлиги хаёлимга келмаганди. Ҳаммасини ипидан игнасигача ўйлаб чиққан экан. Ўзинг ҳам, англашимча, анойи эмассан-а? Майли, ҳаммасини яхшилаб тарозига солиб кўришимиз керак, балки, бу ишни уддалай олармиз. Бу ерда битта жуда ўзига хос ҳолат бор. Авваламбор, Республикачилар партиясини ёддан чиқармаслигимиз керак. Ўзинг биласан, муваффақиятимиз у билан чамбарчас боғлиқ...

Жаноб Батлер жим бўлиб қолди ва ўғлига қаради.

– Агар Каупервуд банкрот бўлса ва пуллар кассага қайтмаса... – қария бирдан гапини тўхтатди. – Бу воқеада мени хавотирга солаётган нарса – фақат Стинер ва шаҳар ғазначилиги. Агар ҳеч қандай ҳаракат қилмасак, Республикачилар партияси кузда кийналиб қолади, шу билан бирга эса баъзи пудратларимиз ҳам йўққа чиқиши мумкин. Ноябрда сайлов борлиги ёдингдан чиқмасин! Мен ундан ўша юз мингни олсаммикин ёки йўқми, деб ўйлаб турибман. Қарзларимни ёпиш учун эрталаб пул керак бўлади.

Ғалати рухий ҳолат: Батлер ниҳоят эндигина шароитнинг бутун оғирлигини ҳис қила бошлаганди. Каупервуд олдида берилиб ўз муаммолари ҳақида гапирганида у шу даражада йигитнинг шахси ва ўзининг унга бўлган яхши муносабати таъсирида эдики, бу воқеа унинг қизиқишларига қандай таъсир қилиши ҳақида ўйламаганди ҳам. Ва мана эндигина, кечки соф ҳавода, орзулари билан банд ва Каупервудни аяш тўғрисида ўйламаётган Оуэн билан суҳбатлаша туриб, Батлер воқеаларга очиқ кўз билан қараб вазиятни тўғри таҳлил эта бошлади. У Каупервуд Республикачилар партиясини жиддий обрўсизлантиргани ва шаҳар ғазначилигини, шу билан бир қаторда, унинг – Батлернинг шахсий қизиқишларини ҳам хавф остига қўйганига амин бўлди. Бироқ нима бўлганда ҳам, қария Каупервудни яхши кўрар ва уни тақдир ҳукмига ташлаб қўймоқчи эмасди. У ҳозир Каупервудни, шу билан бирга, Республикачилар партияси ва ўз ишларини ҳам қутқариш учун Молленхауэр ва Симпсонларнинг олдига кетаётганди. Бироқ қандай шармандалик! У қаттиқ ранжиб, газабланаётганди. Қандай найрангбоз йигит бу! Шундай ҳийлалар қилиши мумкинлигини ким ўйлабди дейсиз! Шунга қарамай, ҳатто ҳозир ҳам Батлер Каупервудга ҳурматини йўқотмаганди. У агар ҳали уни қутқаришнинг имкони бўлса, бунинг учун нимадир қилиши лозимлигини ҳис этиб турарди. Ҳатто

## Теодор Драйзер

агар бошқалар ҳам унга ачиниб ҳаракат қиладиган бўлса, охирги дақиқаларгача унинг юз минг доллар ҳақидаги илтимосини бажариши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

– Ота, тўғриси айтсам, нега Молленхауэр ёки Симпсонлардан кўра кўпроқ безовталанишингиз кераклигини тушунмаяпман, – бироз жим туриб сўради Оуэн. – Агар Каупервудни кутқариш учун учалангиз ҳаракат қилмоқчи бўлсангиз, бу сизнинг ишингиз: бироқ ўлай агар, бу нега кераклигини тушунмаяпман. Албатта, бу воқеа сайловларгача ошкор бўлиб қолса яхши иш бўлмайди, бироқ ўшангача жим туришнинг иложи йўқми? Кўнка темир йўлига тиккан пулларингиз сайловлардан кўра муҳимроқ ва агар шу ишни қўлингизга ола билсангиз, сайловлар ҳақида ўйламасангиз ҳам бўларди. Маслаҳатим: агар эртага тонгданоқ акциялар курси жуда тушиб кетадиган бўлса, юз минг долларингизни талаб қилиб, банкларнинг талабини қондириш керак. Бунинг ортидан Каупервуд банкрот бўлиши мумкин, бироқ бу сизга зарар етказмайди. Сиз биржага бориб унинг акцияларини сотиб оласиз. Агар унинг ўзи олдингизга шу таклиф билан келса, ҳайрон бўлмасдим. Сиз Молленхауэр ва Симпсонларга таъсир ўтказишингиз керак: улар Стинерни кўрқитиб қўйиб, Каупервудга бир доллар ҳам қарз бермаслигини талаб қилишсин. Агар шу ишни қилмасангиз, у Стинернинг олдида бориб, яна пул олади. Стинер жуда чуқурлашиб кетибди. Балки, Каупервуд ўз улушини сотишни хоҳламас, бу унинг иши, бироқ ишлари орқага кетса керак ва ана шунда унинг биржадаги бор акцияларини сотиб оласиз. Ўйлашимча, у ҳаммасини сотиб юборади. Стинернинг ана шу беш юз мингини деб ташвишланишингизнинг ҳожати йўқ. Ўша пулларни Каупервудга беришга уни ҳеч ким мажбур қилмаган. Қандай хоҳласа, шундай кутулаверсин! Тўғри, партия зарар кўриши мумкин, бироқ бу энг муҳими эмас.

Молленхауэр билан бирга газеталарга босим ўтказасизлар ва улар сайловлар тугагунча индамай туришади.

- Шошма, бироз шошмай тур! – деди ўғлига кекса пудратчи ва яна хаёлга чўмди.



**Х**енри Молленхауэр Эдвард Батлер каби шаҳарнинг янги қисмларидан бирида, Брод стритда янги ва чиройли кутубхонадан узоқ бўлмаган жойда яшарди. Унинг уйи кенг ва ўша даврнинг янги бой одами яшаши учун жуда мос – тўрт қаватли, деворининг сирти сариқ ғишт ва оқ тош билан қопланган, аниқ бир услубга эга бўлмаган, бироқ кўзни қувонтирадиган бино эди. Кенг зинапожлар юқорига, ўртасида оғир нақшинкор эшик ўрнатилган, ёнида эса оч ҳаворанг нозик гулсаватлар билан безатилган тор деразалари бор кенг айвонга олиб чиқарди. Бу уйнинг барча йигирмата хонаси паркет полли ва ўша давр учун жуда қиммат бўлган ёғоч панеллар бор эди.

Бинонинг биринчи қаватида зал, катта меҳмонхона ва ўлчами ўттиз квадрат футдан кам бўлмаган, эман дарахти ёғочи билан ишланган ошхона бор эди. Иккинчи қаватда эса уй эгасининг ўзларини мусиқачилар деб тасаввур қиладиган қизлари учун рояль қўйилган хона, кутубхона, Молленхауэрнинг хонаси ва ваннахона ҳамда унча катта бўлмаган қишки боғ уланиб кетган хотинининг будуари жойлашганди. Молленхауэрни шаҳарда жуда муҳим инсон ҳисоблашар ва у ҳам ўзини шундай санарди. Молиявий ва сиёсат ишларида у жуда зийрак эди. Аслида немис, тўғрироғи, келиб чиқиши немисларга бориб тақалувчи америкалик бўлса-да, ташқи кўриниши оддий америкаликлардан фарқ қилмасди. Нигоҳларида ўткир ақли совуқ нур сочиб турарди. У баланд бўйли бўлиб,

миктидан келганди. Бакувват кўкраги ва кенг елкалари гоҳ думалок, гоҳ чўзинчокрок кўринадиган чиройли бошига жуда мос эди. Жонли, синчков ва ўткир нигоҳлари устида дўнг пешонаси якқол кўзга ташланар, бурни, оғзи, ияги, семиз ва текис бўйни – бир сўз билан айтганда, йирик, маъноли юзи бу одам нима хоҳлашини билиши ва ҳар қандай тўсикка қарамай, албатта, ўз сўзини ўтказишидан гувоҳлик бериб турарди.

Эдвард Мэлиа Батлер билан Молленхауэрни яқин дўстлик (агар икки ишбилармон ўртасида дўстлик бўлиши мумкин бўлса) боғлаб турарди. Марк Симпсонга эса у тахминан бир йўлбарс иккинчи йўлбарсни қандай ҳурмат қилса, шундай муносабат кўрсатарди. У юксак қобилятларнинг кадрига етар ва агар ўйин виждонан олиб бориладиган бўлса, доим унда иштирок этишга тайёр эди. Акс холда, унинг маккорлиги чегара билмасди.

Якшанба оқшомида Молленхауэр на Эдвард Батлерни, на унинг ўғлини кутмаётганди. Филадельфия бутун бойлигининг учдан бир қисмига эга бу одам кутубхонасида мутолаа қилиб ўтирар ва қизларидан бирининг роялда чалаётган мусикасини тингларди. Хотини ва яна икки кизи черковга кетишганди. Молленхауэр табиатан уйда ўтиришни хуш кўрарди. Умуман якшанба оқшомлари сиёсатчилар дунёсида ҳар хил мажлислар ўтказишга қулай вақт саналгани учун Молленхауэр Республикачилар партиясидан бирорта оғайниси келиб қолишини кутаётганди. Шунинг учун ҳам хизматкори жаноб Батлер ва унинг ўғли келганини маълум қилганида, у ҳатто суюниб кетди.

– Кимни кўряпман! – Батлер билан саломлашди у қўлини узата туриб. – Жуда хурсандман! Оуэн ҳам сиз биланми? Ишлар қалай, Оуэн? Жентельменлар, сизларни нима билан меҳмон қилсам экан? Нима чекишни афзал кўрасизлар? Бошида бир рюмкадан ичиб оламиз. Жон, – хизматкорига юзланди у, – бизга ўткирроқ бирон нарса

## Теодор Драйзер

беринг!.. Мен Каролинанинг рояль чалишига кулок солиб ўтиргандим. У сизлардан хижолат бўлди, шекилли.

У Батлерга кресло суриб қўйди, Оуэнга эса столнинг нариги томонидан жой кўрсатди. Бир дақиқа ҳам ўтмай, хизматкор виски шишалари, вино ва ҳар хил сигаралар солинган кутичалар терилган ажойиб кумуш патнис кўтариб кирди. Оуэн вино ва чекишдан ўзини тиядиган янги ишбилармонлар гуруҳига кирарди. Отаси эса чегарадан чиқмаган ҳолда унисидан ҳам, бунисидан ҳам тотиб турарди.

– Уйингиз жуда файзли-да! – келишининг сабабини ҳали айтмай туриб, хушомад қилди Батлер. – Якшанбада кечкурунлари ҳеч қаерга бормаслигингиз ажабланарли эмас. Шаҳарда нима янгиликлар?

– Билишимча, ҳеч гап йўқ, – хотиржам жавоб берди Молленхауэр. – Ҳаммаси кўнгилдагидек кетяпти. Бироқ менимча, сиз нимадандир хавотирдасиз?

– Ҳа, бироз, – кўлидаги содали коньякни ичиб тугатаркан, жавоб берди Батлер. – Хавотирли хабарлар бор. Кечкурунги газеталарни ўқимадингизми?

– Йўқ, ҳали ўқимагандим, – Молленхауэр креслосида қаддини кўтарди. – Бугун кечкурунги сони чиқдими? Нима ҳодиса юз берибди?

– Чикагодаги ёнғинни ҳисобга олмаса, ҳеч нарса. Афтидан, эртага эрталаб фонд биржасида тўполон бошланади.

– Нималар деяпсиз? Мен эса ҳеч нарса эшитмадим. Демак, кечки газеталар сони чиқибдими? Хўш, хўш... Нима, шундай катта ёнғин эмишми?

– Айтишларича, бутун шаҳар ёнғин ичида экан, – деди машҳур сиёсат арбобининг юзидаги ифодани кизиқиб томоша қилаётган Оуэн.

– Ҳа... Мана бу янгилик! Газета олиб келтириш керак. Жон!.. – баланд овозда чақирди у ва хизматкор пайдо бўлиши билан буюрди. – Менга қаердан бўлса ҳам газета

топиб келинг! Нега у вокеалар бу ердаги ишларда ҳам акс этиши мумкин деб ўйлаяпсиз? – хизматкори кетгандан кейин яна Батлерга мурожаат қилди Молленхауэр.

– Биласизми, мен охирги дақиқаларгача ҳеч нарса билмаган бир ҳолат бор экан. Дўстимиз Стинер, биттаси тахмин қилаётгандек, ишлар яхши бўлиб кетмаса, ўз кассасида яхшигина суммани тўлдира олмайди, – хотиржамлик билан тушунтирди Батлер. – Бундай воқеа эса, ўзингиз яхши биласиз, сайловлар олдидан яхши таассурот уйғотиши даргумон...

Батлер кўкимтир ақлли кўзлари билан Молленхауэрга тикилди, у ҳам ўз навбатида ўткир қараш билан жавоб қилди.

– Буни қаердан эшитдингиз?.. – совуккина оҳангда сўради Молленхауэр. – Наҳотки у атайин камомад қилган бўлса? Сизга у қанча олгани ҳам маълумми?

– Мўмайгина, – аввалгидек вазминлик билан жавоб берди Батлер, – тушунишимча, беш юз минг долларга яқин. Бу ҳали камомад эмас. Бироқ келажакда ишлар нимага айланиб кетади, номаълум.

– Беш юз минг доллар?! – ҳайрат билан хитоб қилди Молленхауэр ўзини тутишга уриниб. – Бўлиши мумкин эмас! У қачондан бери пул олишни бошлаган экан? Ва уларни нима қилган?

– Учинчи кўчадаги ёш Каупервудга, шаҳар заёмини сотишни амалга оширган йигитга беш юз минг қарз берган экан. Бу пулга улар ўз манфаатлари йўлида ҳар хил найрангларни қилишган, асосан кўнка темир йўл акцияларини сотиб олишган.

Кўнка темир йўллари тўғрисида гап кетганда Молленхауэрнинг қилт этмаётган юзи бир сапчиб тушгандек бўлди.

– Каупервуднинг фикрича, бу ёнғин эртага биржада ваҳима уйғотаркан ва у яхшилаб қўллаб-қувватланмаса, шароитдан чикиб кета олмаслигидан қўрқяпти. Агар у

## Теодор Драйзер

банкротга учраса, шаҳар ғазнасида беш юз минг доллар камомад чиқади, уни кейин тўлдириб бўлмайди. Стинер шаҳарда эмас экан, Каупервуд олдимга уни қўллаб-қувватлашимни илтимос қилиб келибди. Тан олишим керак, ўз вақтида у баъзи ишларимни бажариб берган ва энди ёрдам беришимга ишониб келибди. Яъни сиз ва сенаторни йирик банкларга таъсир ўтказиб, шу йўл билан эртага биржадаги нархни ушлаб туришга кўндиришимга умид қилаётган экан. Акс ҳолда, Каупервудга ҳалокат хавф соляпти ва бундан келиб чиқадиган жанжал бизга сайловларда зарар етказиши мумкин. Назаримда, у ҳеч қандай ўйин қилмаяпти, шунчаки иложи борича ўзини қутқаришга уриняпти ва менга, тўғрироғи, бизга ҳам панд бермасликка ҳаракат қиляпти.

Батлер гапини тугатди. Ўта писмиқ ва ҳийлагар Молленхауэр бу қутилмаган хабардан хавотирга тушиб қолганини асло сездирмади. Бироқ Стинерда заррача ҳам молиявий ёки ташкилотчилик қобилияти йўқлигига доим ишончи комил бўлгани учун жуда қизиқиб қолганди. Демак, унинг лайчаси унга билдирмай, ғазначиликнинг маблағларидан яширинча фойдаланган ва энди жавобгарликка тортилиш хавфи остида турибди! Каупервудни эса Молленхауэр фақат сиртдан, заёмлар билан операцияни ўтказиш учун таклиф қилинган одам сифатидагина танирди.

Бу операциялардан кимлардир, шу жумладан, Молленхауэр ҳам бойлик орттирган. Бу банкир Стинерни чув туширган ва ундан олинган пулга кўнка темир йўллариининг акцияларини сотиб олган! Бундан келиб чиқадики, унда ва Стинерда бундай қоғозлар жуда кўп бўлса керак – Молленхауэрни жуда қизиқтириб қўйган вазият шу эди.

– Беш юз минг доллар!.. – Батлер сўзини тугатганда яна такрорлади у. – Ҳа-а, йирик сумма! Агар биттагина бозорни ушлаб туриш билан Каупервудни қутқариш

мумкин бўлганида эди, эхтимол, унга ёрдам берардик, бироқ жиддий ваҳима кўтариладиган бўлса, бу ишдан натижа чикмайди. Агар бу йигит пулга эхтиёжманд бўлиб, биржада эса қимматбаҳо қоғозларнинг нархи тез тушиб кетадиган бўлса уни кутқариш учун яна бир қатор кўшимча ишларни қилиш керак бўлади. Бу менга тажрибадан маълум. Мабодо унинг пассиви қандай эканини билмайсизми?

– Йўқ, билмайман, – жавоб берди жаноб Батлер.

– У сиздан пул сўрамади, шундайми?

– Фақат шароити аниқ бўлмагунча ундаги юз мингимни сўрамай туришимни илтимос қилди.

– Стинер чиндан ҳам шаҳарда эмасми? – қизиқди табиатан ишонувчан бўлмаган Молленхауэр.

– Каупервуд шундай деб тасдиқлади. Текшириб кўриш учун бирортасини юборишимиз мумкин.

Молленхауэр бу шароитдан қандай қилиб оқилона тарзда чиқиб кетишни ўйлаётганди. Агар шу йўл билан Каупервудни, шунингдек, ғазначи ва Республикачилар партияси шарафини асраб қолиш мумкин бўлса, қимматбаҳо қоғозлар курсини ушлаб туриш чиндан ҳам энг зўр йўли. Стинер газнага беш юз минг долларни қайтаришга мажбур бўлади, бунинг учун эса у акцияларини сотади, ана шунда Молленхауэр уларни сотиб олса-чи? Бироқ... афтидан, бу ерда Батлернинг қизиқишларини ҳам ҳисобга олиш керак. У нимани талаб қилиши мумкин?

Молленхауэр Батлер билан суҳбатдан билдики, агар шунча суммани йига олса, Каупервуд етмаётган беш юз минг долларни ўрнига қўйишга тайёр. Унинг кўнка темир йўлининг ҳар хил линияларидаги улуши ҳақида ҳали гап очилгани йўқ. Бироқ Каупервудни шу йўл билан кутқариб қолиш ва ҳатто шу ҳолда ҳам, унинг беш юз минг доллар топиб, уни Стинерга қайтиб бериш истаги ва имкони бўлишига қандай ишониш мумкин? Унга ҳозир нақд пул керак, бироқ ваҳима бостириб келаётганда ким унга шунча

## Теодор Драйзер

пул беради? У эвазига қандай гаровни таклиф қилиши мумкин? Бошқа томондан, Каупервуд ва Стинер яхшилаб қистовга олинса, улар ўзларининг темир йўл акцияларини жуда арзонга бериб юборишлари мумкин. Агар Молленхауэр бу акцияларни ола билса, кузги сайловларда партия ғалаба қозонадими, ютқизадими – унга фарқи йўқ. Аслида у ҳам Оуэн каби ютқизишдан қочиш мумкин деб ҳисоблаётганди. Тўғрироғи, олдинги йиллардагига ўхшаб ютуқни сотиб олса бўлади. Стинернинг камомадини (агар Каупервуднинг муваффақиятсизлиги туфайли у камомадчи бўлиб қолса), шубҳасиз, сайлов ғалабаларигача яшириб туришнинг иложи бор. Бирдан унинг хаёлига келиб қолди: Стинерни кўрkitиб, Каупервудга ортик қарз бермаслик ҳақида огоҳлантирилса, кейин ундаги кўнка темир йўллари акциялари, шу билан бирга барча акция эгалари, жумладан, Батлер ва Симпсонларнинг ҳам акциялари нархи кескин пасайтирилса, ундан ҳам яхши бўларди. Бу линиялар вақти келиб Филадельфияда бойишнинг энг асосий манбаи бўлиб қолади. Бироқ ҳозир ўзини шундай тутиши керакки, гўё уни биринчи ўринда яқинлашиб қолган сайловларда партияни қутқариш муаммоси қизиқтираётгандек бўлсин.

– Мен, албатта, сенатор номидан қарор қабул қила олмайман, – ўйланиб гап бошлади Молленхауэр, – ва унинг бу борадаги қарашларини билмайман. Бироқ шахсан ўзим, агар бу бирон фойда келтирадиган бўлса, қимматли қоғозлар курсини ушлаб туриш учун менга боғлиқ ҳамма нарсани қилишга тайёрман. Сабаби банклар мендан ҳам қарзларимни узишни талаб қилади. Бироқ ҳозир биринчи навбатда Каупервуднинг ишлари чиндан ҳам чаппасига кетадиган бўлса, буни сайловгача овоза қилмай туришга эришишимиз керак. Чунки бозорни ушлаб туришга уринишимиз муваффақиятли чиқади дейишимизга ҳеч қандай ишонч йўқ-ку, тўғрими?

– Ҳеч қандай!.. – ҳўмрайганча тасдиқлади Батлер.

Оуэнга эса Каупервуд аллақачон тамом бўлганга ўхшаб кўринаётганди. Бироқ шу пайт эшикни тақиллатиб қолишди. Газетага юборилган хизматкорнинг ўрнига оксоч аёл кириб, сенатор Симпсон келганини маълум қилди.

– Ҳизрни йўқласак ҳам бўлар экан!.. – хитоб қилди Молленхауэр. – Чакиринг! Ҳозир унинг фикрини билиб оламиз.

– Менимча, сизларни ёлғиз қолдирсам яхши бўлади, – деди Оуэн отасига. – Мен Каролина хонимнинг олдига бориб, менга бирон кўшиқни айтиб беришини сўрайман. Ота, сизни кутиб тураман.

Молленхауэр йигитга рухсат бергандек жилмайиб кўйди ва Оуэн чиқиб кетар экан, эшик олдида сенатор Симпсонга тўқнаш келди.

Дунёга жуда кўп кизикарли инсонларни берган Пенсильванияда ҳали ҳеч ким шу пайтгача сенатор Симпсондек гуллаб-яшнаб кетмаганди. Уни ҳозир илиқ кутиб олаётган Батлер ва Молленхауэрларга қарама-қарши ўларок, у ташқаридан жуда нурсиз кўринарди: бўйи пас-таккина, Молленхауэр олти фут, Батлер эса беш фут ва ўн бир дюйм бўлгани ҳолда унинг бўйи беш футу тўққиз дюйм бўлиб, башараси анави иккаласиникидан фарқли ўларок тумшайгандек кўринарди. Унинг кўз қарашлари Батлерники каби самимий ва Молленхауэрники каби кибрли эмасди. Бироқ нигоҳлари фавқулодда ақлли порлаб турарди. Кўзлари гаройиб, чуқур жойлашган бўлиб, қоронғи бурчакдан туриб ўлжасини пойлаётган мушукнинг кўзларини эсга соларди. Симпсоннинг бир тутам қора сочи чиройли пешонасига тушиб турар, юзи эса соғлиғи яхши бўлмаган одамларники каби бўзаринқираган эди. Сиртдан шунақа кўринишига қарамай, бу одамда ўзига хос, ўжар, чексиз куч яширинган бўлиб, мана шу куч ёрдамида у одамларни ўзига бўйсундира оларди. Симпсон вазмин, шалвираган, қўллари совуқ ва силлик,



## Теодор Драйзер

зўрға жилмаядиган одам бўлса-да, бироқ маъноли қараши ташки кўринишидаги ҳамма камчиликни ювиб юборарди.

– Хайрли кеч, Марк, сизни кўраётганимдан хурсандман, – саломлашди жаноб Батлер.

– Салом, Эдвард, – паст товушда жавоб берди меҳмон.

– Азизим сенатор, вақт сизни ҳеч ўзгартиролмайди, ҳалиям ўша-ўшасиз. Сизга нима қуяй?

– Йўк, Ҳенри, ҳеч нима ичмайман, – жавоб берди Симпсон. – Уйга кета туриб сизникига бир неча дақиқага киргандим. Хотиним шу яқин орада, Кэвеноуларникида эди, ҳали унга ҳам кириб кетишим керак.

– Сенатор, қандай вақтида келганингизни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз, – меҳмон ўз ўрнига ўтираркан, гап бошлади Молленхауэр. – Жаноб Батлер ҳозиргина менга сиз билан кўришмаганимиздан бери юз берган сиёсий тусдаги бир қийинчилик ҳақида гапириб берганди. Чикагодаги ёнғин ҳақида эшитган бўлсангиз керак, албатта?

– Ҳа, менга бу ҳақда ҳозиргина Кэвеноу айтиб берди. Афтидан, аҳвол жуда жиддийга ўхшайди. Эртага эрталаб нархлар кескин тушиб кетса керак.

– Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйляяпман, – меҳмоннинг гапини маъқуллади Молленхауэр.

– Мана кечки газета ҳам келди!.. – қўлида газета билан кириб келаётган хизматкорни кўриб, хитоб қилди Батлер.

Молленхауэр газетани қўлига олиб, стол устига ёйди. Бу Америкада чикқан тезкор хабарлардан бири эди. Йирик ҳарфлар билан терилган сарлавҳалар шаҳарда кеча бошланган ёнғин соат сайин янада кенгаяётганидан хабар берарди.

– Даҳшат, – деди Симпсон. – Чикагога одамнинг ичи ачишиб кетяпти. У ерда дўстларим кўп. Умид қиламизки, аҳвол аслида бу ерда ёзишаётганчалик даҳшатли эмас.

Симпсон ҳамма ерда ва ҳамма шароитда дабдаба билан гапиришни яхши кўрарди.

– Жаноб Батлернинг менга ҳозиргина айтиб берган гаплари маълум даражада шу фалокат билан боғлиқ, – деди Молленхауэр. – Ғазначиларимизнинг шаҳар пулларидан йилига икки фоиз хисобидан қарз бериш одатлари сизга маълум...

– Хўш, нима бўпти?

– Хуллас, маълум бўлишича, жаноб Стинер Учинчи кўчадаги ёш Каупервуд – заёмларимизни сотиш билан шуғулланган йигитга шаҳар маблагидан яхшигина қарз берган экан.

– Нималар деяпсиз?! – ўзини ажабланганга солиб хитоб қилди жаноб Симпсон. – Кўп берган эканми?

Сенаторнинг ўзи ҳам Батлер ва Молленхауэр каби шу манбанинг ўзидан яхшигина пул қиларди.

– Стинер, афтидан, унга беш юз минг долларга яқин қарз берган ва Каупервуд ҳозирги шароитга дош бера олмаса, у ҳолда Стинерда шунча камомад чиқади. Ўзингиз яхши тушунасиз, бундай ҳодиса сайловчиларда ёмон таассурот қолдиради. Каупервуд жаноб Батлердан юз минг қарз экан ва бугун унинг олдига гаплашгани келибди. Бу шароитдан чиқиб кетиши учун Жаноб Батлер орқали у биздан ёрдам сўраяпти. Акс ҳолда, Молленхауэр қўли билан маъноли қилиб ишора қилди – у банкротга учрайди.

Симпсон ўзининг ингичка қўли билан лаблари ва иягини силаб қўйди.

– Бу ярим миллион долларни нима қилишган экан? – кизикди у.

– Бу уддабуронлар ташқарида пул қилишган, – истехзо билан деди Батлер, кейин бош бармоғини жилетининг ўмизига тикаркан, қўшиб қўйди. – Шунинг ичида яна кўнка темир йўллари акцияларини ҳам сотиб олишган, шекилли.

Молленхауэр ва Симпсонлар истар-истамас жилмайиб қўйишди

– Хўш, хўш... – деди Молленхауэр.

## Теодор Драйзер

Сенатор Симпсон жим турар, факат юзидаги ифодагина у берилиб ўйлаётганини сездириб турарди. У ҳам бир гуруҳ сиёсатчи ва ишбилармонларга бундай илтимос билан мурожаат қилиш, бунинг устига, инкироз бостириб келаётганда, қанчалик бефойда экани ҳақида ўйлаётганди. Тўғри, бирдан унинг хаёлига келиб қолди, битта йўли бор: у, Батлер ва Молленхауэр биргаликда Каупервудни қўллаб-қувватлашади, бунинг эвазига миннатдорлик тариқасида у ўзининг бор қўнка темир йўллари акциясини уларга беради. Шу ҳолда, балки, ғазначи билан бўлган масалада ҳам индамай кетиш мумкин; бироқ бошқа томондан, биринчидан, Каупервуд акцияларини сотишга рози бўлишига ва иккинчидан, Батлер ва Молленхауэр шу шартга кўнишларига қандай кафолат бор? Батлер бу ерга Каупервуд учун ёрдам сўраб келган бўлса керак. Молленхауэр эса доим у билан зимдан рақобатда бўлиб келган. Улар сиёсий аренада ҳамкорлик қилишса-да, молиявий мақсадлари тубдан фарқ қиларди. Уларнинг молиявий қизиқишлари бир хил эмасди, Батлер билан Молленхауэрлар ҳам шундай эди. Кейин Каупервуд жуда ҳам содда эмас. Ва унинг айбини бу ишда Стинернинг айби билан қиёслаб бўлмайди: ахир пул берган Стинер-ку, Каупервуд эмас. Миясига келган бу фикрни ҳамкасбларига айтиш керакми ёки йўқми, деган савол берди сенатор ўзига ва шу захоти йўқ, бўлмайди, деган қарорга келди. Бундай ишда ҳамкорлик қилишига ишониш учун Молленхауэр жуда ҳам ҳийлагар одам. Яхшиси, ёлғиз ҳаракат қилиш керак. Ҳозирча эса улар Стинердан Каупервудни беш юз мингни қайтаришга мажбур қилишни талаб қилиб туришади. Агар бу ишдан ҳеч бир натижа чикмаса, партия учун Стинерни қурбон қилишга тўғри келади. Каупервудга келсак, унинг ишлари ҳақидаги аниқ ахборотнинг борлиги биржадаги сохта шахслар ёрдамида яхшигина ишлаб олиш имконини беради. Бу одамлар аввалига Каупервуд тушиб қолган ёмон шароит ҳақида гап тарқатишади, кейин эса

унга ўз акцияларини жуда арзонга сотишни таклиф қилишади. Бу Каупервуд деганлари Батлерга вақтини топиб мурожаат қилмабди.

– Гап бундай, – анча вақт жим тургандан сўнг гап бошлади сенатор. – Мен, албатта, жаноб Каупервудга жуда ачинапман ва уни кўнка темир йўллари акцияларини сотиб олгани учун айбламоқчи эмасман, чунки унинг бунга имконияти бор эди. Бироқ очиғини айтсам, айниқса, шундай нозик пайтда унга қандай ёрдам бериш мумкинлигини кўрмаяпман. Сизларни билмадим-у, бироқ мен қанча хоҳлаганим билан биров учун ўзимни ўққа тутиб беришга ҳаққим йўқ. Биз аввал бир нарсани ҳал қилиб олишимиз керак: партия пул кеткизишимиз лозим бўлган даражада хавф остидами?

Гап нақд пул сарфи ҳақида кетиши билан Молленхауэрнинг юзи тундлашди.

– Мен ҳам, афтидан, жаноб Каупервудга бирор ёрдам бера олмасам керак, – хўрсиниб деди у.

– Жин урсин!.. – хитоб қилди жаноб Батлер ва ўзига хос бўлган юмор билан кўшиб қўйди: – Мен ҳам ундан ўзимнинг юз минг долларимни қайтариб оламан, шекилли! Эртанги кунни шундан бошлайман.

Бу сафар на Симпсон ва на Молленхауэр ҳатто мийиғида қулиб қўйишни ҳам ўзларига эп кўришмади. Улар юзларида тантанали ифода билан қилт этмай туришарди

– Шаҳар газначилигидан олинган пулга келадиган бўлсак, – бироздан сўнг гап бошлади жаноб Симпсон, – бу ишни яхшилаб ўйлаб кўришимиз керак. Агар жаноб Каупервуд банкротга учраб, газначилигимиз шунча пулни йўқотадиган бўлса, биз жуда қийин аҳволга тушиб қоламиз. Бу Каупервуд деганлари биринчи ўринда қайси кўнка темир йўлларига кизиқаркан? – шунчаки кизиққандек сўради Симпсон.

## Теодор Драйзер

– Очиги, хабарим йўк, – жаноб Батлер Молленхауэрникига келишаётганда Оуэн йўлда айтган гапни очмасликни афзал кўрди.

– Бироқ Каупервуд банкрот бўлишидан олдин Стинерни етмаётган пулни жойига қўйишга мажбур қила олсак ҳам, барибир катта кўнгилсизликлардан қутула олмаймиз, – деди Молленхауэр. – Бошқа томондан эса агар Каупервуд унинг зарарни тўлдиришини кутаётганимизни тушуниб қолса, албатта, дарров ўз ишини ёпса керак. Хуллас, бу ерда оқилна бир иш қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, Каупервуд билан ишини бир ёкли қилмагунича нимадир қиладиган бўлсак, дўстимиз Эдвардга нисбатан адолатсизлик бўлади.

У Батлернинг Каупервуддаги пулини кўзда тутаётганди.

– Албатта, албатта, – деди муросали оҳангда жуда ўтқир сиёсий сезгирликка эга бўлган жаноб Симпсон.

– Хотиржам бўлинглар: юз мингимни эртагаёқ қайтариб оламан!.. – қўшиб қўйди Батлер.

– Агар хавотирларимиз рост ва ўринли бўлса, менимча, бу фалокатни сайловлар тугагунча яшириб туриш учун бор кучимизни сарфлашимиз керак бўлади. Газеталарни жим қилиш мумкин. Бироқ мен яна бир нарсани таклиф қилмоқчи эдим, – деди Симпсон Каупервуд жуда осонлик билан сотиб олган акциялар эсига тушиб, – юзага келган шароитни ҳисобга олиб, шахар ғазначисини бошқа ҳеч кимга ссуда бермаслик тўғрисида огоҳлантириб қўйиш керак. Бўлмаса, Каупервуд ундан яна пул талаб қилиши мумкин. Ҳенри, унга таъсир қилиш учун сизнинг сўзингиз етарли бўлади.

– Яхши, у билан гаплашиб кўраман, – тунд ҳолда жавоб берди Молленхауэр.

– Менимча эса керак бўлса, уларнинг ўзлари бу вазиятдан чиқиб кетсин, – деди Батлер Каупервуднинг бу уч сиёсий арбобга ёрдам сўраб янглишгани ҳақида ўйларкан.

Каупервуднинг жаноб Батлер ва молия дунёсининг бошқа корчалонлари уни шундай қийин дақиқаларда кўллаб-кувватлашади, деган умиди мана шу тарзда чилпарчин бўлганди.

Батлер билан хайрлашгандан сўнг Каупервуд одатдаги ўзига хос ишчанлиги билан унга ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа одамларни қидириб кетганди. Стинер хонимдан эри ҳақида бирор хабар келиши билан дарров унга етказишини илтимос қилди. Фрэнк “Дрексель энд Компани” банкирлик уйидан Уолтер Лани, “Жей Кук энд Компани”дан Эвери Стоунни ва Жирард миллий банкининг президенти Дэвисонни топиб, юз бераётган ходисаларга уларнинг фикрларини билмоқчи ҳамда Дэвисон билан ўз маблағлари ва кўчмас мулки ҳисобидан қарз кўтариш масаласи ҳақида гаплашиб олмоқчи бўлаётганди.

– Фрэнк, сизга ҳеч нарса айта олмайман, – қатъий такрорлади Уолтер Ли. – Эртага нималар юз беришини мен билмайман. Ишларингизни тартибга солиб олаётганингиз жуда яхши. Бу керак нарса. Ҳамма нарсада сизга ёрдам беришга тайёрман. Бироқ катталар маълум бир тоифадаги қарзларни қоплашни талаб қилиш керак дейишса, демак, биз бўйсунимиз керак бўлади, иложимиз йўқ. Мен вазиятни юмшатиш учун иложи борича бор кучимни сарфлайман. Бироқ Чикаго чиндан ҳам ер юзидан йўқ бўлиб кетган бўлса, нима бўлган тақдирда ҳам, суғурта компаниялари ёки уларнинг бир қисми осмонга учиб кетади, унда эса... эхтиёт бўлинг! Менимча, қарздорларингиз қарзини қайтаришини ўзингиз талаб қилсангиз керак?

– Жуда зарур бўлган ҳолдагина.

– Ҳа, бизда ҳам бу ишга худди шундай қарашади!

Улар қўл бериб хайрлашди. Бу йигитларнинг ўртасида ўзаро дўстона ришталар бор эди. Ли оксуяклардан бўлиб, туғма хушмуомалалик фазилатига эга эди, бу унинг соғлом фикрлаши ва бой ҳаётини тажрибага эга бўлишига халал бермасди.

## Теодор Драйзер

– Фрэнк, сизга бир нарсани айтиб қўймоқчиман, – хайрлашув олдидан деди у. – Анчадан бери сиз кўнка темир йўллари масаласида ҳаддан ошиб кетганингизни айтмоқчи бўлиб юргандим. Агар акцияларингизни саклаб қола олсангиз, жуда зўр бўлади, бироқ ҳозиргидек қийин дақиқаларда, бундан оғзингиз куйиб қолиши мумкин. Сиз шу қоғозлар орқали ва шаҳар заёмлари облигацияларидан жуда тез пул қилишга ўрганиб қолгансиз.

Ли дўстининг кўзига тик қаради ва икковлари жилмайиб қўйишди.

Стоун, Дэвисон ва бошқалар билан ҳам тахминан шунга ўхшаш суҳбат такрорланди. Каупервуд келгунига қадар уларнинг барчаси яқинлашаётган фалокат ҳақида эшитиб бўлишганди. Ҳеч ким эртанги кун нима олиб келиши мумкинлигини ишонч билан айта олмасди. Бироқ яхши нарсадан умид йўқ эди. Каупервуд яна Батлерникига боришга қарор қилди, чунки унинг аллақачон Молленхауэр ва Симпсонлар билан учрашиб бўлганига амин эди.

Айни пайтда Каупервудга нима дейишга боши қотаётган Батлер йигитни хушмуомалалик билан кутиб олди.

– Ҳа-а, қайтиб келдингизми! – Фрэнкни кўриб, хитоб қилди у.

– Ҳа, жаноб Батлер. Очиғини айтишим керак, уришишларим бефойда бўлди.

– Мен ҳам ҳеч нарса чикмайдими деб кўрқаман, – эҳтиёткорона гап бошлади жаноб Батлер. – Молленхауэр, афтидан, ўзининг фойдаси учун бозорни ушлаб турмоқчи ва мен ҳам шундай қилса керак деб ўйлайман. Симпсоннинг ҳам ўзи ҳимоя қиладиган қизиқишлари бор. Мен ҳам, албатта, ўзим учун сотиб оламан.

Жаноб Батлер, афтидан, фикрини бир жойга тўплаб олиш учун тўхтаб қолди.

– Мен ҳали мажлис ўтказиш учун йирик капиталистлардан бирортаси билан учрашганим йўқ, – сўзларни танлаб-танлаб гапида давом этди Батлер. – Улар кутиб

туришмоқчи ва эртага эрталаб шароит қандай бўлишини кўришмоқчи. Нима бўлганда ҳам, сизнинг ўрнингизда бўлсам, руҳимни чўктирмасдим. Агар иш тескарисига айланиб кетса, улар, балки, ўз қарорларини ўзгартиришар. Стинер ҳақидаги бор гапни уларга айтиб беришимга тўғри келди. Жуда қийин вазият, бироқ улар сизнинг кутулиб чиқа олишингизга ишонишяпти ва шунда ҳаммасини ҳал қиласиз. Мен ҳам шунга умид қиламан. Сиздаги жамғармамга келсак, кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла, деганлар. Агар иложини топсам, уни сўрамайман. Бироқ бу ҳақда эртага гаплашамиз. Айтганча, сизнинг ўрнингизда мен Стинердан ортиқ пул олишга уринмасдим. Буларнинг ҳаммаси шусиз ҳам жуда хунук кўриняпти.

Каупервуд шу заҳоти бу одамлардан ёрдам кутиш бефойдалигини тушунди. Уни безовта қилган ягона нарса – Стинернинг тилга олиниши бўлди. Наҳотки улар ғазначи билан кўришган бўлса, огоҳлантиришган бўлса? У ҳолда Батлернинг олдига келгани омадсиз юриш бўлибди; бироқ эртага уни банкротлик кутаётган бўлса, у нима қилиши мумкин эди? Ҳеч бўлмаганда бу жаноблар унинг қандай шароитда эканини билишади. Уни бутунлай бурчакка қисиб қўйишганда у яна Батлерга мурожаат қилади ва ўшанда унга ёрдам бериш-бермаслик уларнинг ишлари! Агар улар рад қилиб, Каупервуд чирпирак бўлиб кетадиган бўлса, Республикачилар партияси мағлубиятга учраса, улар фақат ўзларидан бошқа ҳеч кимни айблай олишмайди. Энди йигит улардан ўзиб, Стинер билан биринчи бўлиб учрашиши керак ва у ўзини калтак остига қўймайдиган даражада ақлли бўла олишига умид қилишдан бошқа иложи йўқ.

– Жаноб Батлер, ҳозир жуда ёмон вазиятдаман, – деди Фрэнк Батлернинг юзига тик қараб. – Лекин ишонманки, ундан чиқиб кета оламан. Ҳар ҳолда, шунга умид қиламан. Сизни безовта қилиб қўйганимдан жуда пушаймонман. Мен сиз – жентельменлар, албатта, ёрдам



## Теодор Драйзер

беришни лозим деб топасизлар ва кўмак берасизлар, деб умид қилгандим. Бироқ иложи йўқ бўлса, на чора. Ўзим ҳали баъзи чораларни кўришим мумкин. Бундан ташқари, умид қиламанки, мендаги жамғармангизни талаб қилмай турсиз.

Каупервуд тезлик билан чиқиб кетаркан, Батлер ўйланиб қолди. “Бу йигит жуда ақлли, – ўзича ўйлади у. – Унга жуда ачинапман. Бироқ у ҳали бу шароитдан чиқиб кетиши эҳтимолдан холи эмас”.

Каупервуд шошиб уйига кетди; отаси ҳали ётмаган, гамгин ўйларга ботиб ўтирарди. Ўрталарида жуда самимий суҳбат бўлди: ота ва ўғил бир-бирларини ярим сўзданоқ тушунардилар. Фрэнк отасини жуда яхши кўрарди. У отасининг паст табақадан кўтарилиш учун тинмай ҳаракат қилишини ҳис қилар ва болалигидан уни фақат эркалитиб, эътибор билан қараганини бир дақиқа ҳам унутмасди. Унинг Учинчи миллий банкдан олган кредитини, агар биржада курслар жуда тушиб кетмаса, қоплаш мумкин бўлади. Бу ссудани у нима қилиб бўлса ҳам қайтариши керак. Бироқ отасининг кўнка темир йўлига кўшган ва унинг ўзиники билан бирга ўсиб, умумий ҳисобда икки юз мингга етган пуллар-чи, уларни қандай кутқариб қолса бўлади? Акцияларнинг гаровга қўйилганига анча бўлган, улар учун олинган кредитлар эса бошқа мақсадлар учун ишлатилганди. Бу ссудалар олинган банкларга қўшимча гаров киритиш керак. Ссуда, ссуда ва ссуда, бу муаммоларнинг охири йўққа ўхшайди. Стинерни унга яна икки ёки уч юз минг беришга мажбур қила олса эди! Бироқ юз бериши мумкин бўлган молиявий қийинчиликлар олдида бу энди жиноят бўлган бўларди. Энди ҳамма гап эртанги кунда қолди.

Тўққизинчи октябрь, булутли душанба тонги отди. Каупервуд куёшнинг биринчи нурлари кўриниши билан ўрнидан туриб, ювиниб соқолини олди ва кийиниб, галерея орқали отасининг олдига борди. Қария кечаси билан

ухламаган ва ҳозир ҳам уйғоқ эди. Унинг оқариб кетган қоши ва сочлари тўзғиган, бакенбардлари ҳам бир аҳволда эди. Кўзларида чарчок акс этар, юзлари бўзарганди.

Каупервуд отасининг қанчалар хавотирда эканини дарров пайқади. Отаси бир пайтлар унга Элсуорт топиб келтирган чиройли ёзув столи олдида ўтириб, ўзининг актив ва пассивларини ҳисоб-китоб қилаётган жойидан бошини кўтарди. Каупервуднинг ичи ачишди. У отасини ташвишга тушган ҳолда кўрганида доим эзилиб кетар, ҳозир эса унга ёрдам беришга ҳам ожиз эди. Икковлари бу янги уйни қуришганида, у отаси учун қийин кунлар ўтиб кетганига ишонганди.

– Ҳисоб-китоб қиляпсизми? – иложи борича отасининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб одатдаги ҳазил оҳанги билан сўради у.

– Ўз маблағларимни ҳисоблаб қўйяпман, мабодо... – Кекса Каупервуд ўғлига савол назари билан қараб қўйди.

Фрэнк жилмайди:

– Отажон, безовта бўлишнинг ҳожати йўқ! Айтдим-ку: шундай қилдимки, Батлер ва унинг дўстлари бозорни ушлаб туришга мажбур бўладилар. Райверс, Таргул ва Ҳарри Элтинжлардан биржада қоғозларимни сотиб юборишларини илтимос қилдим – ахир улар энг яхши маклерлар. Улар жуда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишади. Мен бу ишни Эд билан Жога топшира олмасдим, чунки улар менга нима бўлаётганини дарров тушуниб олишарди. Бу йигитлар эса худди қоғозларнинг курсини тушираётгандек ҳаракат қилишади, аслида эса жуда ҳам туширмайди. Биржага шунча акция ташлашим керак бўладики, уларни ўн пунктга пастроқ сотиб, беш юз минг доллар қилиб олишим керак. Эҳтимол, қоғозлар бундан тушиб кетмас. Ҳозир бирор нарса дейиш қийин. Ахир курснинг тушиши бир умр давом этмайди-ку! Айни пайтда йирик суғурта жамиятлари нима қилмоқчи эканини билганимда эди! Тонгги газеталарни ҳали келтиришмадими?

## Теодор Драйзер

Каупервуд кўнгироқ килмоқчи бўлди, бироқ ҳали эрта бўлгани учун хизматкорлар турмаган бўлиши мумкин деб ўйлаб қолди. Ўзи кўча эшик олдида борди: у ерда “Матбуот” ва “Паблик лежер” ётарди. Газеталарнинг биринчи бетига қараб, йигитнинг юзи ўзгарди. Матбуотда катта қилиб жуда тунд кўринишдаги Чикагонинг плани берилган, қора бўёқ билан шаҳарнинг ёнаётган қисми белгиланганди. Фрэнк ҳеч қачон Чикагонинг шундай батафсил планини кўрмаганди. Планадаги оқ бўшлиқ – Мичиган кўли, мана, шаҳарни деярли учта баравар қисмга – шимолий, ғарбий ва жанубий қисмларга бўлиб турадиган дарё. Каупервуднинг кўзига бирдан шаҳар ғалати планлаштирилган ва нимаси биландир Филадельфияга ўхшаб кетгандек кўринди. Шаҳарнинг икки ёки уч квадрат мил бўлган савдо қисми шаҳарнинг уч асосий қисми бириккан жойда, дарёнинг асосий ўзанидан жанубга қараб, жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий шохобчалари қўшилиб кетгандан сўнг кўлга қуйиладиган жойда жойлашганди. Бу марказдаги катта квартал эди, картада берилиши бўйича у бутунлай ёниб битганди. “Чикаго бутунлай ёнғин ичида!” деган ёзув катта ҳарфлар билан бутун бир саҳифага ёзилганди. Шундан сўнг барча тафсилотлар, ким бошпанасиз қолгани, бутун боридан айрилганлар сони келтирилганди. Кейин эса бу ёнғиннинг шарқий штатларга қандай таъсири бўлиши мумкинлиги ҳақида гап кетарди. Суғурта жамиятлари ва саноатчилар, эҳтимол, бундай катта зарарни кўтара олмасликлари ҳақида ҳам фикрлар айтилганди.

– Жин урсин! – тундлик билан тўнғиллади Каупервуд. – Нима жин уриб шу биржа ишларига аралашиб қолдим ўзи?!

Каупервуд меҳмонхонага қайтиб кириб, газеталарни ўқишга тушди. Сўнгра ҳали эрта эканига қарамай, отаси билан идорага қараб кетди. У ерда Фрэнкни аллақачон почта кутиб турарди – у ёки бу ишни бекор қилиш, ёки қоғозларни сотиб юбориш таклифлари билан ўндан ортиқ

хат келганди. Фрэнк тик турган ҳолда мактубларни кўриб чиқаркан, югурдак бола яна учта хат келтирди. Улардан бири шаҳарда пешинга яқин бўлишини хабар берган Стинердан эди. Унинг ёзишича, олдинроқ келишга асло улгурмас экан.

Каупервуд бир вақтнинг ўзида ҳам кўркув, ҳам енгилликни ҳис қилди. Бир қатор қарздорликларини ёпиш учун йирик сумма унга соат учгача керак бўлади. Ҳозир ҳар бир дақиқа қимматли. Стинерни вокзалда ушлаб, ҳаммадан олдин гаплашиб олиши керак. Ҳа, бугун жуда оғир, югур-югур ва жуда тиғиз ўтадиган кун.

Каупервуднинг келишига Учинчи кўча ҳар бир дақиқаси ғанимат бўлган банкир ва биржачилар билан тўла эди. Шошиб бораётган қадам товушларининг шиддати дунёнинг юзлаб хавотирдаги ва юзлаб хотиржам, беташвиш одамлари орасидаги фарқни ажратиб турарди.

Биржада ҳам шундай муҳит ҳукмрон эди. Бонг овози эшитилиши билан залда чидаб бўлмайдиган шовкин кўтарилди. Бонг овози тинар-тинмас, маҳаллий биржа корпорациясини ташкил қиладиган икки юзтача одам қандайдир тушуниб бўлмайдиган овозлар чиқариб, кимдир қоғозларини сотишга уриниб, кимдир эса аксинча, шу пайтдаги фойдали таклифдан фойдаланиб қолиш учун югуриб кетди.

Бу ерда иштирок этаётганларнинг кизиқишлари шунчалик турли-туман эдики, ташқаридан кузатиб турган одам бу ерда қай бири – сотишми ёки сотиб олиш фойдалими, тушуна олмасди.

Райверс ва Таргуллар одам энг кўп жойда бўлиб туриш ҳақида кўрсатма олишганди, Каупервуднинг укалари – Жозеф ва Эдвард эса акцияларни тўғри келадиган нархда сотиш имкониятини қараб, шу атрофда тез-тез юриб туришга қўйилди. “Айиқлар” берилиб курсни туширар, ҳамма нарса Молленхауэр, Симпсон ва Батлерларнинг агентлари ҳаракат қиладими ёки йўқми, бошқа биржачи-

## Теодор Драйзер

лар кўнка темир йўли акцияларини қўллаб-қувватлайди-ми ва бу қоғозлар қандайдир қийматни сақлаб қоладими ёки йўкми, шунга боғлиқ эди. Бир кун олдин Батлер Каупервуд билан хайрлашаётиб, қўлларида келган ҳамма ишни қилишларини айтганди. Улар охириги имконият борича акцияларни сотиб олишади. У, албатта, бозорни тинмай ушлаб туришга ваъда беролмас ва Молленхауэр ва Симпсонлар учун ҳам жавоб бермасди. Уларнинг ишлари қай аҳволда эканини ҳам билмасди.

Каупервуд одамларнинг ҳаяжони энг чўққисига чиққанда кириб келди. У ҳали эшик олдида эканлигидаёқ нигоҳлари билан Райверсни кидира бошлади, бироқ шу дақиқада бонг уриб, битимлар тўхтади. Бутун оломон биржанинг котиби янги келган хабарларни эълон қиладиган айвонча томонга қаради. Чиндан ҳам бу ўттиз саккиз ёшлардаги, қорачадан келган, оддий мулозимларникидек юзи жуда ақлли эмаслигидан дарак бериб турган эркак ўз жойида турар, орқасида эса ланг очик эшик кўринарди. Унинг ўнг қўлида бир бўлак қоғоз оқариб кўринаётганди.

– Бостондаги Америка ёнғиндан суғурта қилиш жамияти қарзини тўлашга қодир эмаслигини эълон қилади.

Яна бонг овози жаранглади. Ва шу заҳоти илгаригидан ҳам баландроқ шовқин кўтарилди. Агар шу булутли тонгда биржа очилишидан бир соат ўтмай, битта суғурта компанияси синган бўлса, кейинги беш-олти соат ичида нималар бўларкин? Бу дегани Чикагодаги куйиб қолганлар ўз ишларини тиклай олишмайди. Бу банклар банкрот бўлган компаниядан ҳамма қарзларини коплашни аллақачон талаб қилишди ёки талаб қилишяпти дегани. Мингталиқ ва беш мингталиқ – Шимолий Тинч океани, Иллинойс-Сентрал, Ридинг, Лейк Шор ва Уобеш темир йўл компаниялари акциялари пакетларини ва Каупервуд сотган заём облигацияларини борган сари арзонроққа тақлиф қилаётган қўрқиб кетган “буқа”ларнинг бақирчақирлари бу ишга боғлиқ бўлган барча одамларнинг юрагини зирқиратаётганди.

Бир неча дакика давом этган тинчликдан фойдаланиб, Каупервуд Артур Райверснинг олдига якинлашди; бироқ у ҳам ҳеч нарса айта олмади.

– Менимча, Молленхауэр билан Симпсонларнинг гумашталари нархларни жуда ҳам ўзларини уринтирмасдан ушлаб турибди, шекилли!.. – безовталиқ билан деди Каупервуд.

– Улар Нью-Йоркдан хабар олишди, – хўмрайганча жавоб берди Райверс. – Бу ҳолда энди ҳаракат қилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Тушунишимча, у ерда яна учта суғурта компанияси синай деб турибди. Исталган дақиқада уларнинг сингани тўғрисида айтиб қолишлари мумкин.

Улар бундан кейин нима қилишларини муҳокама қилиб олиш учун бир зумга бу дўзахдан ташқарига чиқишди. Стинер билан келишувга кўра, улар иккаласи ҳам яхшигина ишлаб олган биржа ўйинларига боғлиқ бўлмаган ҳолда Каупервуд юз минг долларлик шаҳар заёми облигацияларини сотиб олиши керак эди. Фақат пасайиб кетаётган курсни ушлаб туриш керак бўлган тақдирдагина шундай қилиш лозим бўларди. Каупервуд ҳозир олтмиш минг долларга облигация сотиб олиб, улар билан бошқа ердан олган ссудаларини ёпмоқчи бўлди. Стинер тезлик билан бу сумманинг ўрнини тўлдирди ва яна унга нақд пул ҳам беради. Нима бўлганда ҳам, бу комбинация унга ёрдам беради ёки жуда бўлмаганда, маълум бир вақтга бошқа қоғозларини ушлаб туришга ва уларни курслар бутунлай тушиб кетгунича сотишга имкон беради. Эҳ, ҳозир пасайишга ўйнаш учун унинг маблағи бўлганида эди! Бундай ўйин унга банкрот бўлиш хавфини туғдирмаса бўлгани! Ҳатто шу хавфли дақиқаларда ҳам Каупервуд ҳозир унга банкрот бўлиши хавфини туғдираётган шу шароит бошқа пайтда унга катта фойда келтирган бўлиши мумкинлигини тушуниб турарди. Бироқ ҳозир у бундан фойдалана олмасди. Бир вақтнинг ўзида ҳам у томонда, ҳам бу томонда туришнинг иложи йўқ. Сен ёки “айиқ”сан

## Теодор Драйзер

ёки “буқа” – иложсизлик уни “буқа” бўлишга мажбур қилаётганди. Ғалати шароит, бироқ ҳеч нарса қилишнинг иложи йўқ! Унинг уддабуронлиги ҳозир бефойда эди.

Яна бонг овози эшитилганда Фрэнк уйини гаровга қўйиб пул олишни умид қилаётганди – бир банкир билан учрашиш учун кетмоқчи бўлиб турганди. Ва яна музокаралар тўхтади. Артур Райверс ўзининг штатнинг қимматбаҳо қоғозлари ва шаҳар заёмининг облигациялари сотилаётган жойидан туриб (бу облигацияларни у энди сотиб ола бошлаганди) Каупервудга маъноли қараб қўйди. Шу дақиқада унинг олдига Ньютон Таргул югуриб келди.

– Ҳамма сизга қарши!.. – хитоб қилди у. – Бундай аҳволда сотишга уринишнинг ҳам ҳожати йўқ. Бари бефойда! Улар сизни гангитмоқчи бўлишяпти. Танглик чегарасига етди. Бир неча кундан кейин бурилиш бўлади. Балки, унгача чидаб бера оларсиз? Мана, янги кўнгилсизликка тайёрланинг.

У нигоҳи билан биржа кўмитаси котиби яна пайдо бўлган айвончага имо қилди.

– Нью-Йоркдаги Шаркий ва Ғарбий ёнгиндан суғурта қилиш жамиятлари ўзларининг тўловга кодир эмасликларини эълон қилишяпти!

Бутун зал бўйлаб чўзик “Ў-ў-ў-ҳ!” деганга ўхшаш товуш эшитилди. Котиб тинчлик сақлашга чақириб, болғачаси билан столни тақиллатди.

– Рочестердаги ёнгиндан суғурта қилиш “Ири” жамияти тўловга лаёқатсизлигини эълон қилади!

Яна “Ў-ў-ў-ҳ!” деган овозлар келди. Болғачанинг тақиллаши эшитилди.

– Нью-Йоркдаги Америка кредит компанияси тўловларни тўхтатди!

“Ў-ў-ў-ҳ!” Бўрон авжида эди.

– Хўш, нима дейсиз? – сўради Таргул. – Бундай довулга қарши туриш ақлданми? Сиз сотишни тўхтатиб, бир неча кун туриб бера олмайсизми? Яхшиси, пасайишга ўйнасангиз бўлмайdimи?

– Ҳозир биржани ёпиш керак эди, – тўнғиллади Каупервуд. – Шу энг зўр йўл бўларди. Акс ҳолда, ҳеч нарса қилиб бўлмайди.

У шошилганча ўзига ўхшаган вазиятда қолган бир гуруҳ биржачилар томонга яқинлашди: балки, улар йигитнинг фикрини рўёбга чиқариш учун бирга ҳаракат қилишар. Бу нарса аҳволи ҳозир яхши бўлиб турган ва яхшигина фойда қилаётганлар учун қаттиқ зарба бўларди. Бироқ Каупервуднинг улар билан нима иши бор! Иш – ўз номи билан иш! Қимматбаҳо қоғозларни жуда ҳам паст нарҳда сотиш ақлсизлик эди ва Фрэнк агентларига сотишни вақтинча тўхтатишни буюрди. Агар банкирлар унга бутунлай бошқача бир хизмат кўрсатишни исташмаса, фонд биржаси ёпилмаса, Стинерни унга тезлик билан уч юз минг доллар кредит беришга кўндира олмаса, у тамом бўлади.

Каупервуд бир дақиқани ҳам бой бермай, идоралари Учинчи кўчада жойлашган бир нечта банкирлар ва биржачилар билан учрашиш учун кетди ҳамда уларга биржанинг ёпилишини талаб қилишни таклиф қилди. Ўн иккига бир неча дақиқа қолганда эса Стинерни кутиб олиш учун вокзалга қараб кетди. Аксига олиб уни вокзалда учратмади. Балки Стинер бу поездга улгурмагандир. Аммо Каупервуд бу ерда бир шумлик борлигини сезиб, аввал шаҳар бошқармасининг биносига, кейин эса Стинернинг уйига боришга қарор қилди. Балки, у қайтиб келган, бироқ Каупервуд билан учрашишдан қочаётган бўлса-чи?

Стинерни шаҳар бошқармасидан топа олмаган Каупервуд унинг уйига ҳайдашни буюрди. Ва Стинер билан йўлакда учрашиб қолиб, ҳатто ажабланмади ҳам. Стинернинг ранги оқариб кетган бўлиб, кайфияти йўқлиги яққол кўриниб турарди. Каупервудни кўриб унинг ранги баттарроқ оқариб кетди.

– Ие, салом, Фрэнк! – ўзини йўқотиб қўйиб деди у. – Қаердан келяпсиз?



## Теодор Драйзер

– Жорж, нима бўлди? – ўз навбатида сўради Каупервуд.  
– Сизни Брод стрит вокзалида учратаман деб умид қилгандим.

– Ҳа, аввалига ўша ерда тушмоқчи эдим, – деди Стинер (унинг кўриниши жуда аҳмокона эди), – кейин эса уйга келиб кийиниб кетишга улгуриш учун Ғарбий станцияда туша қолдим. Бугун қиладиган ишларим жуда кўп. Энди олдингизга ўтмоқчи бўлаётгандим.

Каупервуднинг шошилишча телеграммасидан кейин бу гаплар аҳмокона бўлиб эшитилаётганди, бироқ ёш ишбилармон ўзини бу гапларни эшитмаганга солди.

– Жорж, менинг экипажимга ўтиринг, – Стинерга таклиф қилди у. – Иккаламиз жиддий гаплашиб олишимиз керак. Биржада ваҳима бошланиши мумкин деб сизга телеграмма юборгандим. Шундай бўлди. Бир дакикани ҳам йўкота олмаймиз. Акциялар курси жуда ҳам тушиб кетди ва банклар қарзларимни қоплашимни талаб қила бошлашди. Сиз менга йилига тўрт ёки беш фоиз ҳисобидан уч юз эллик минг қарз бера оласизми, шунга билишим керак. Охирги центигача сизга қайтараман. Ҳозир менга пул сув ва ҳаводек зарур. Пулсиз тамом бўламан. Жорж, бу нима дегани, тушуняпсизми? Менинг бор активларим охирги долларгача музлатилади, шу билан бирга сизнинг кўнка темир йўлларига тикканларингиз ҳам! Уларни реализация қилиш учун сизга бера олмайман ва шаҳар ғазначилигидан олинган қарзлар билан боғлиқ бу воқеа ҳам жуда хунук кўринади. Сиз кассадаги етишмовчиликни ёпа олмайсиз, бу нимага олиб боришини ўзингиз, албатта, жуда яхши тушуниб турибсиз. Иккаламиз чув тушиб қолдик. Мен сувдан қуруқ чиқишингизни истайман, бироқ буни ўзингизнинг ёрдамингизсиз қила олмайман. Кеча жамғармаси масаласида жаноб Батлерга мурожаат қилишга мажбур бўлгандим ва бошқа манбалардан ҳам пул топиш учун бор кучимни сарф қиламан. Бироқ қўрқаманки, агар ёрдам беришдан бош тортсангиз, бу шароитдан чиқиб кета олмайман.

Каупервуд жим бўлди. Стинер рад жавоби беришидан олдин унга иложи борича бор вазиятни тушунтириб беришга интилаётганди: Фрэнкнинг ахволи ҳам яхши эмаслигини билиб кўйсин.

Аслида эса Каупервуд ўзига хос зийраклик билан шубҳа қилаётган нарса содир бўлган: Стинерни ундан олдин кутиб олишганди. Бир кун олдин Батлер билан Симпсон кетганларидан сўнг Молленхауэр ўзининг котиби, чакконгина Эбнер Сэнгстекни чакириб, унга ғазначини топишни буюрди. Сэнгстек Стинер билан бирга овга кетган Стробикка шошилишча телеграмма юбориб, унга Стинерни Каупервудга қарши қайрашни маслаҳат берди. Ғазначиликдаги камомад фош қилиб бўлинган. У, яъни Сэнгстек Стробик ва Стинерларни Каупервуддан олдинроқ учратиш учун Уилмингтонда кутиб олди ва бор гапни батафсил айтиб берди. Стинер ҳам жиний жавобгарликдан кўриб Каупервудга ссуда беришни тўхтатиши керак эди. Агар Стинер ким биландир кўришгиси келса, ўша одам, энг аввало, Молленхауэр бўлиши шарт! Стробикдан улар эртаси куни пешинда келишни мўлжаллаётгани тўғрисида жавоб телеграммасини олган Сэнгстек уларни кутиб олгани Уилмингтонга борди. Мана, нима учун Стинер вокзалда эмас, уйга бориб кийиниб келишни баҳона қилиб (аслида эса Каупервуддан олдин Молленхауэр билан кўришиш учун) шаҳардан ташқарида тушиб қолганди. У ўлгудек кўриб кетган ва вақтдан ютмоқчи бўлаётганди.

– Йўк, Фрэнк, бундай қила олмайман, – зўрға гапирарди Стинер. – Шусиз ҳам жуда ёмон аҳволдаман. Молленхауэрнинг котиби Уилмингтонда бизни кутиб олиш ва мени айнан шу ишни қилмасликка огоҳлантириш учун келган экан. Улар қанча пул тарқатганимни билишади. Ё ўзингиз ёки бошқа кимдир уларга бу ҳақда айтган. Мен Молленхауэрга қарши бора олмайман. Ўзимда бор барча нарсалар учун ундан қарздорман.

## Теодор Драйзер

– Менга каранг, Жорж! Ҳозир нима қилсангиз ҳам, партия олдидаги бурчларингизни айтиб сизни йўлдан уришларига йўл кўйманг. Сиз жуда ёмон аҳволдасиз, мен ҳам. Агар ҳозир мен билан ўзингизни қутқариш чорасини кўрмасангиз, сизни ҳеч ким қутқармайди – ҳозир ҳам, кейин ҳам! “Кейин” кеч бўлиши ҳақида сизга гапирмаяпман ҳам. Мен бунга кеча кечқурун, жаноб Батлердан иккаламизга ёрдам сўраб борганимда ишонч ҳосил қилдим. Улар кўнка акцияларимиз билан боғлиқ қизиқишимиздан хабардор ва нима қилиб бўлса ҳам бизни шилиб олишмоқчи – ҳамма гап ана шунда! Бу ўйинда рақиблар бир-бирини ғажиб ташлайди ва иккимиз ўзимизни қутқариш учун ҳимояланишимиз ёки бирга жарликка кулаб кетишимиз керак – сизга айтмоқчи бўлган гапим шу, холос. Сизнинг тақдирингиз Молленхауэрни мана шу фонарчалик ҳам қизиқтирмайди. Уни сиз менга берган пуллар безовта қилмаяпти, балки улардан ким пул қилади ва қанча, деган савол қизиқтиради. Наҳотки тушунмаяпсиз: улар кўнка темир йўлларини қўлга олаётганимизни билиб қолишган ва бу уларга ёқмаяпти. Акцияларимизни тортиб олишлари билан биз улар учун йўқ бўламиз, шуни унутманг! Агар маблағларимиз ҳавога учадиган бўлса, сиз тамом бўлган одамсиз ва мен ҳам: бизга ёрдам бериш учун ҳатто сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқиб ҳам ҳеч ким пинагини бузмайди. Жорж, бу ҳақиқатни тушуниб етишингизни истайман. Молленхауэр сиздан талаб қилаётгани учунгина “йўқ” дейишдан олдин сўзларимни яхшилаб ўйлаб кўринг.

Каупервуд ўз иродасининг кучи билан ғазначини у Каупервудни қутқара оладиган ягона қадамни босишга мажбур қилиш учун (охир-оқибат ғазначига бундан ҳеч бир фойда бўлмаса-да) Стинерга қаттиқ тикилиб қаради. Ҳайратланарлиси, айти пайтда Стинер уни асло қизиқтирмаётганди. Стинер унинг учун кимнинг қўлига тушса, ўша одам хоҳлаганча юрадиган шахматдаги пиёда эди. Ва Молленхауэр, Симпсон ва Батлерларга ўчакишиб,

у ҳозир шу пиёдали ушлаб қолмоқчи бўлаётгани. У худди илон қуёнга тикилгандек, Стинерни ўзига бўйсундириш ва кўрқувдан чала ўлик ҳолидаги бу одамда ўзини ўзи қутқариш ҳиссини уйғотишга уриниб, қаттиқ тикилиб турарди.

Бироқ Стинер ўзини бутунлай йўқотиб қўйган ва энди унга ҳеч нарса таъсир қила олмасди. Унинг юзлари кўкариб кетган, қовоқлари шишиб, кўзлари ич-ичига ботиб, қўллари ва лаблари ҳўл бўлиб кетган эди. Худойим, у қандай кунларга қолди-я!

– Чиндан ҳам шундай, Фрэнк! – алам билан хитоб қилди Стинер. – Сиз ҳақсиз, биламан. Бироқ сизга бу пулни берсам, қандай аҳволда қолишимни ўйлаб кўринг. Ахир улар мени тириклайин еб қўйишади! Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Батлер билан учрашмаганингизда эди! Аввал мен билан гаплашишингиз керак эди!..

– Қаерлардадир ўрдак отиб юрган бўлсангиз, сиз билан қандай гаплашаман, Жорж! Сиз билан боғланиш учун ҳамма ёққа телеграмма юбордим! Нима қилишим керак эди? Ҳаракат қилишга мажбур эдим. Бундан ташқари, Батлер мен билан дўстона муносабатда бўлади деб ўйлагандим. Ҳозир Батлерга мурожаат қилганим учун мени айблаб ўтиришнинг мавриди эмас: шароитдан чиқиб кетиш керак. Иккаламиз ҳам ёмон вазиятга тушиб қолдик. Гап бу шароитдан чиқиб кета оламизми-йўқми, шу ҳақда кетяпти. Биз, бошқалар эмас, шуни тушунапсизми? Батлер мен сўраган нарсани: Молленхауэр ва Симпсонларни қимматбаҳо қогозларнинг курсини ушлаб туришга кўндиришни ё хоҳламади, ёки қўлидан келмади. Улар ҳозир айна тесқарисини қилишяпти. Ахир улар ўз ўйинларини ўйнашяпти ва мақсадлари – бизни шилиб олиш. Наҳотки шуни тушунмаяпсиз? Улар йикқан-терганларимизнинг барини тортиб олишмоқчи. Жорж, ўзимизни ўзимиз қутқаришимиз керак, мана, олдингизга нега келганман! Агар менга уч юз эллик, жуда бўлмаганда, уч юз минг

## Теодор Драйзер

доллар бермасангиз, иккаламиз ҳам тамом бўламиз. Ва, Жорж, юридик жихатдан сизга оғирроқ бўлади, чунки менинг ҳеч қандай жавобгарлигим йўқ! Бирок гап бунда эмас. Мен ўзимни ҳам, сизни ҳам кутқармоқчиман, улар нималар дейишмасин, бизга қарши нималар қилишмасин, бизни бир умрга пул муаммосидан кутқарадиган нарсани биламан. Ва иккаламизнинг фойдамиз учун бундан фойдаланиш сизнинг қўлингизда. Наҳотки ўзингиз тушунмаяпсиз? Мен ўз бизнесимни кутқармоқчиман, ана шунда сизнинг номингизни ҳам, пулларингизни ҳам кутқариб қоламиз.

Каупервуд, ниҳоят Стинерни кўндира олдим деган умидда жим бўлди, бироқ Стинер аввалгидек иккиланиб турарди.

– Нима ҳам қила оламан, Фрэнк?.. – заифгина овозда эътироз қилди у. – Мен Молленхауэрга қарши бора олмайман. Агар сиз сўраётган нарсани қиладиган бўлсам, улар мени судга беришади. Улар шундай қила олишади. Йўқ, Фрэнк! Мен у қадар кучли эмасман. Агар улар ҳеч нарса билишмаганда эди, бу гапларни уларга айтмаганингизда эди, балки унда бошқача бўларди, бироқ ҳозир...

Стинер бошини тебратди, унинг кулранг кўзларида чексиз изтироб бор эди.

– Жорж, – дея гап бошлади Каупервуд, рад этиб бўлмайдиган далиллар билангина нимагадир эришиши мумкинлигини тушунган ҳолда, – қилган ишим ҳақида бошқа гаплашмаймиз. Мен нима қилиш керак бўлса, шуни қилдим. Сиз аллақачон хотиржамлигингизни йўқотдингиз ва тўғрилаб бўлмайдиган хатога қўл уришга тайёр турибсиз. Аммо бунга йўл қўя олмайман. Мен шаҳар ғазнасининг беш юз минг долларини сизнинг манфаатингиз учун шу ишга тикдим – ўз манфаатим учунлиги қисман ҳақиқат, аммо сизники...

Бу фикр ҳақиқатга унча тўғри келмасди.

- ...Ва мана шундай дамда иккиланяпсиз, ўз манфаатингизни ҳимоя қилиш керакми-йўқми, буни билмайсиз. Сизни тушунишдан бош тортаман! Ахир бу инкироз, Жорж! Акциялар ҳар қанақасига тушиб кетяпти, тахдид остида колган фақат биз эмасмиз. Биржада ёнгин туфайли ваҳима авжида ва ўзини ҳимоя қилиш учун нимадир қилмаган одамнинг бу вазиятдан соғ чиқиши даргумон. Сиз Молленхауэрнинг олдида ғазначилик лавозими учун қарздорман деяпсиз ва у нимадир қилишидан чўчиянсиз. Ўзингиз ва мен тушган вазиятни яхшилаб ўйлаб кўринг ва агар банкрот бўлмасам, у сизга ҳеч нима қилолмаслигини тушуниб оласиз. Бироқ ўзимни банкрот деб эълон қилсам, сизга нима бўлади? Сизни суддан ким қутқариб қолади? Молленхауэр ёки бошқаси югуриб келиб, газнага сиз учун ярим миллион доллар қўйишини тасаввур қила оласизми? У бундай қилмайди. Агар Молленхауэр ва бошқалар сизнинг манфаатингиз билан ҳисоблашса, нега бугун мени биржада қўллаб-қувватлашмади? Неғалигини биламан. Улар бизнинг кўнка темир йўллари акцияларимизга кўз олайтиришяпти, ундан кейин сизни қамоққа ташлайдими-йўқми, буни уларни қизиқтирмайди. Аклингизни ишлатинг ва менга қулоқ тутинг. Мен доим сизга содиқ бўлганман, буни инкор этолмайсиз. Мен орқали пул ишладингиз, яна мўмайгина пул! Яхшилаб ўйлаб кўринг, Жорж, газнага боринг ва қандайдир қарор қабул қилишдан аввал менга уч минг долларга чек ёзиб беринг. Бу ишни бажариб бўлгунча бирор кимса билан учрашманг, гаплашманг ҳам. Кўй ўғриси ҳам, кўзи ўғриси ҳам барибир ўғри. Менга бу чекни ёзиб беришингизни ҳеч ким тақиқлай олмайди. Пуллар қўлимда бўлиши билан бу балодан қутуламан ва бир ҳафта, узоғи билан икки ҳафтада уларни сизга тўлик қайтараман – унгача ваҳима ҳам, шубҳасиз, босилади. Бу пуллар газнага қайтарилгач, нариги беш юз минг ҳақида ҳам келишиб оламиз. Уч ойдан кейин, балки, ундан

## Теодор Драйзер

аввалроқ ҳамдир, шундай иш қиламанки, сиз дефицитни ёпишга қодир бўласиз. Аслида, буни икки ҳафтада қила оламан, фақат оёққа туриб олай! Менга бор-йўғи вақт керак, холос. Сармоянгизни йўқотмайсиз ва агар пулларни қайтарсангиз, ҳеч ким сизга ташвиш тугдирмайди. Улар ҳеч қачон ошқора жанжал қилишмайди. Хўш, нима қилмоқчисиз, Жорж? Худди сизни бунга мажбурлай олмаганимдек, Молленхауэр ҳам менга чек ёзиб беришингизга монелик қила олмайди. Такдирингиз ўз қўлингизда. Айтинг, бу ёғига нима қилмоқчисиз?

Стинер жар ёқасида турган бўлса-да, ҳали ҳам ўйланиб иккиланаётганди. У ҳаракат қилишдан ҳайиқар, Молленхауэрдан, Каупервуддан, ҳаётдан, ўзидан кўрқаётганди. Унга хавф солаётган ваҳима ҳақидаги хаёллар нафақат унинг мол-мулки, балки жамиятдаги ва сиёсат дунёсидаги ўрни билан ҳам боғлиқ эди. Камдан-кам одамгина молиявий қудрат нима эканини тушунади. Бошқаларнинг бойлиги устидан ҳукмронлик қилиш нима эканини, жамият ҳаётининг манбаи ва алмаштириш воситаси бўлган нарсага эгалик қилиш нима эканини ҳамма ҳам тушунмайди. Бироқ буни тушуниб етган одамлар эса бойликка эга бўлиш учунгина пулга интилишмайди. Одатда одамлар пулга ўзларини маълум ҳаётий қулайликлар билан таъминлаш воситаси деб қарашади, бироқ финансист учун пул фаровонликнинг тақсимланиши устидан назорат воситаси, обрўга, кучга, ҳукмронликка эга бўлиш воситасидир. Стинердан фарқли ўлароқ, Каупервуднинг пулга муносабати ана шундай эди. Шу боис ҳам у доим Каупервудга унинг номидан ҳаракат қилишига йўл қўйиб берган; аммо айна пайтда, Каупервуд унга шароитдан чиқиб кетишнинг ягона йўлини кўрсатиб турганида, Стинер кўрқиб ўтирибди. Унинг фикрлай олиш қобилияти Молленхауэрнинг ғазаби ва ўчи таҳдид солиб турганидан, Каупервуднинг банкротга учраши мумкинлиги ва ўзининг фалокатни мардларча қарши ола

билмаслигидан хира тортганди. Каупервуднинг туғма финансистлик истеъдоди ҳам ҳозир унда ишонч уйғота олмасди. Бу банкир жуда ёш ва тажрибасиз, Молленхауэр эса ёши каттароқ ва бойроқ эди. Симпсон ва Батлерлар ҳам шундай эди. Бу одамлар ўз бойликлари билан енгилмас кудрат тимсоли саналарди. Бундан ташқари, Каупервуднинг ўзи унга хатар хавф солаётгани, уни боши берк кўчага киргизиб қўйишганини тан олмадими? Бошқа ҳеч қандай иқроор Стинерни шунчалик кўрқитмаган бўларди, бироқ Каупервуд шундай қилишга мажбур эди, чунки Стинернинг хатар билан юзма-юз келишга юраги дов бермаётганди.

Шунинг учун ҳам экипажда ғазначиликка кетаётган Стинер ранги баттароқ оқарганча букчайиб ўтирар, фикрини жамлолмаган, ўзининг вазияти ва ундан чиқишнинг ягона йўлини тез ва аниқ кўз олдига келтиришга курби етмайдиган аҳволда эди. Каупервуд яна бир марта таъсир ўтказишга ҳаракат қилиш учун у билан бирга ғазначиликка кириб борди.

– Хўш, Жорж, – тикка сўради у, – мен жавоб кутяпман. Вақт кутиб турмайди. Биз бир дақиқа ҳам кута олмаймиз. Менга пул беринг ва бирпасда бу шароитдан чиқиб кетаман, бўладими? Яна бир маротаба қайтараман: ҳар бир дақиқа ғанимат. Бу жанобларнинг кўрқитишига эътибор берманг. Улар ўзларининг фойдалари учун ўйин олиб боришяпти – улардан ибрат олинг.

– Фрэнк, бундай қила олмайман, – бўшашган оҳангда ниҳоят жавоб берди Стинер. Молленхауэрнинг қаҳрли ва ҳукмдорона ифодаси акс этган юзини кўз олдига келтириб, у ўзининг келажаги ҳақидаги кўрқувни ҳам унутди. – Ўйлаб кўришим керак. Дарров ҳеч нарса қила олмайман. Сиз келишингиздан бир неча дақиқа бурун Стробик мен билан хайрлашганди ва унинг ўйлашича...

– Худо ҳаққи, Жорж!.. – жаҳл билан хитоб қилди Каупервуд. – Нега менга Стробик ҳақида айтиб ўтирибсиз?!



## Теодор Драйзер

У билан нима ишимиз бор?! Ўзингиз ҳақингизда ўйланг! Сизга нима бўлиши тўғрисида ўйланг! Гап сизнинг тақдирингиз хусусида кетяпти. Стробикнинг фикрлари ҳақида эмас!

– Фрэнк, ҳаммасини тушуниб турибман, – гапида туриб олди бечора Стинер, – бироқ, очиги, буни қандай қилишни билмаяпман. Чин сўзим! Ўзингиз бу вазиятдан чиқиб кета олишингизга ишонмаётганингизни айтиб турибсиз, яна уч юз минг доллар... уч юз минг доллар-а! Йўқ, Фрэнк. Бундай қила олмайман! Ҳеч иложи йўқ. Бундан ташқари, аввал Молленхауэр билан гаплашиб олишим керак.

– Худойим, қандай бемаъни гапни гапиряпсиз!.. – Каупервуд ниҳоят портлади. У ғазначига ошқора нафрат билан тикилди. – Майли! Чопинг Молленхауэрнинг олдига! Унга фойда бўлиши учун ўзингизни қандай бўғизлаш кераклигини ҳам сўранг! Менга яна уч юз минг қарз бериш мумкин эмас, лекин ғазначиликдан олинган беш юз мингга таваккал қилиш мумкин-а? Сизни тўғри тушундимми? Ахир сиз очикчасига бу пулларни йўқотишга уриняпсиз, у билан эса бошқаларини ҳам. Менимча, сиз шунчаки ақлдан озибсиз. Молленхауэрнинг биттагина сўзи сизни ўлгудек кўрқитиб юборибди ва ҳозир ҳаммасини: бойлик, обрў ва жамиятдаги ўрнингизни киморга тикишга тайёрсиз! Мен хонавайрон бўлсам, сизга нима бўлишини тушунасизми? Сизни камокқа тикишади, Жорж! Сизга нима қилиш кераклигини кўрсатган Молленхауэрингиз эса шарманда бўлганингиздан кейин сиз учун ҳеч нарса қилмайди! Эслаб кўринг: сизга ёрдам бермаганмидим? Охирги дақиқаларгача ишларингизни яхши олиб бормадимми? Миянгизга нимани куйишди, шун билгим келяпти! Нимадан кўрқасиз?

Стинер яна ишониш қийин бўлган бирор баҳона айтмоқчи бўлиб турганида хонага идорасининг бошқарувчиси Альберт Стайерс кириб келди. Стинер шунчалик хаяжонда эдики, унинг кирганини дарров сезмади.

Каупервуд эса унга эски танишидек мурожаат қилди:

– Ҳа, Альберт, нима демоқчи эдингиз?

– Жаноб Сэнгстек жаноб Молленхауэрнинг буйруғи билан жаноб Стинерни кўрмоқчи.

Бу дахшатли исмни эшитиши билан Стинер сўлиган япроқдек букчайиб қолди. Бу Каупервуднинг назаридан четда қолмади. У Стинердан уч юз минг доллар олиш умиди пучга чиқаётганини тушунди. Шундай бўлса-да, ортга чекингиси келмади.

– Ҳуш, Жорж, – Стайерс Сэнгстекка Стинер уни қабул қилишга тайёрлигини айтишга чиқиб кетганида деди Каупервуд, – ҳамма нарса тушунарли. Бу одам сизни гипноз қилиб қўйибди. Қаттиқ кўрқиб кетганингиз учун ўзингизни бошқара олмаяпсиз. Майли, ҳамма нарса қандай бўлса, шундайлигича қолсин: мен яна қайтиб келаман. Фақат, Худо ҳаққи, ўзингизни қўлга олинг. Қартага нима тикилганини ўйланг. Агар яхшилаб ўйлаб кўрмасангиз, ҳаммаси нима билан тугагини айтдим. Менга кулоқ солсангиз, мустақил, бой одам бўласиз. Акс ҳолда, сизни камоқ кутяпти.

Каупервуд ғазначилиқдан чикқанидан сўнг Батлернинг олдига боришдан олдин яна бир марта банкир ва биржачилардан ёрдам сўрашга уриниб кўрмоқчи бўлди ва уни кутиб турган енгил рессорли кабриолетига сакраб чикди. Бу тўриқ отга қўшилган сариқ рангдаги ва ичида ҳам сариқ чармдан ўриндиги бор чиройли экипаж эди. Каупервуд гоҳ у бинонинг олдида, гоҳ бунисининг ёнига тўхтаб, ясама бепарволик билан банклар ва биржа идораларининг зинасидан югуриб чиқиб келар, бироқ ҳаракатларининг ҳаммаси бесамар бўлаётганди. Унинг гапларини диққат билан, ҳатто ачингандек эшитар ва шу заҳотиёқ шароитнинг нозиклигига ишора қилинарди. Жирард миллий банки ссудани бир соатга бўлса ҳам чўзишни рад қилди ва Каупервуд биржа курси тушиб кетиши билан келиб чикқан фарқни ёпиш учун

## Теодор Драйзер

кечиктирмай, ўзининг қимматбаҳо қоғозларидан қалин боғламини юборишига тўғри келди. Соат иккида кекса Каупервуддан чопар келди: Учинчи банкнинг раиси сифатида у бир юз эллик минг долларлик қарзни қоплашни талаб қилишга мажбур экан. Фрэнк гаровга қўйган акциялар банк директорларининг фикрича, етарли даражада ишончли эмас экан. Каупервуд тезлик билан ўзининг шу банкдаги эллик минглик жамғармасига чек ёзиб берди ва унга идорасида сақлаётган йигирма беш минг доллар нақд пулни қўшди, “Тай энд Компани” фирмасидан эллик минг долларлик ссудасини ёпишларини талаб қилди, қанчалар умид боғлаётгани – Грин ва Котус кўнка линиялари акцияларини номинал нархининг учдан бирига сотди. Шу йўл билан тўплаган суммаларини Учинчи миллий банкка жўнатди.

Кекса Каупервуднинг кўнгли жойига тушганга ўхшайди, бироқ айти пайтда жуда қайғуга чўмганди. Пешин пайтида ўз қоғозлари эвазига қанча олиши мумкинлигини билиш учун жўнади. Бу тарзда йўл тутиб, у қисман ўзини обрўсизлантириб қўяётган бўлса-да, бироқ ота сифатида юраги ачишиб кетаётган, бундан ташқари, шахсий манфаати ҳақида ҳам ўйлаши керак эди. У уйини гаровга қўйиб, жиҳозлар, экипажлари, ер участкаси ва акциялари учун гаровга ссуда олиб юз минг доллар қилиб, ўзининг банккага Фрэнкнинг номига қўйди. Бироқ бундай кучли довулда бу ишониб бўлмайдиган лангар эди. Фрэнкка тўловларини кечиктириши учун камида уч-тўрт сутка керак эди.

Ушбу машъум кун соат иккида ўз вазиятини яна бир марта тарозига солиб кўраётган Фрэнк Каупервуд хўмрайганча пичирлади: “Йўк, бу Стинер менга уч юз минг ссуда бериши керак, вассалом! Энди эса Батлерни кўришим керак, бўлмаса, идора ёпилгунча у яна ўз жамғармасини талаб қилиб қолади”.

У яна экипажига сакраб чиқиб, ақлдан озгандек Батлерникига қараб кетди.

**К**аупервуд Батлер билан суҳбатлашган пайтдан бери анча нарса ўзгарганди. Қария ўша пайтда Каупервуднинг Молленхауэр ва Симпсонлар билан биргалашиб биржадаги кимматбаҳо қоғозлар курсини ушлаб туриш таклифига дўстона рози бўлганди. Бироқ эрталаб, ана шу тарихий душанба куни, шусиз ҳам чалкаш бўлиб турган вазият Батлерни фикрини тубдан қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилган янги бир кўнгилсиз ҳодиса билан янада мураккаблашиб кетди.

Ўша куни соат тўққизда – Каупервуд Стинерни ёрдам беришга ундаётган пайтда, жаноб Батлер уйдан чиқиб экипажига ўтирай деётганда, почтальон унинг қўлига тўртта хат тутқазди ва жаноб Батлер уларни кўриб чиқиш учун ушланиб қолди. Биринчи хат майда пудратчи О’Хиггинсдан, иккинчиси – камбағаллар фондига қилган хайр-эҳсонлари учун миннатдорлик билдириб ёзган Батлерларнинг пири, муқаддас Тимофей черковининг руҳонийси Михаил отадан, учинчиси – қайсидир жамғарма юзасидан “Дрексель энд Компани” компаниясидан ва тўртинчиси сифатсиз қоғозга, саводи ҳаминқадар бўлган, афтидан, аёл киши томонидан ёзилган имзосиз хат эди. Мактубда ноаниқ дастхат билан тушуниш қийин бўлган ажи-бужи ҳарфларда шундай ёзилганди:

“Мухтарам жаноб! Сизга шу нарсани маълум қиламанки, қизингиз Эйлин ўзига мос келмайдиган эркак – Фрэнк Каупервуд исмли ишбилармон одам билан бирга юрибди. Агар ишонмасангиз, Ўнинчи кўчадаги

## Теодор Драйзер

931-ракамли уйни кузатинг. Шунда ўз кўзларингиз билан гувоҳ бўласиз”.

Мактуб қаердан келганини тахмин қилиб кўриш учун на ёзган одамнинг имзоси, на бирон-бир бошқа белги бор эди. Батлер дарров шу уй атрофида яшайдиган бирортаси бўлса керак, деб тахмин қилди. Қария баъзан ғайриоддий сезгирлик қобилияти билан ажралиб турарди. Мактуб чиндан ҳам муқаддас Тимофей черковининг муридларидан бири, унда кўрсатилган манзил яқинида яшовчи киздан эди. У Эйлинни юзидан танир ва унинг кийимлари ҳамда ажойиб пардози учун ўлгудек ёмон кўрарди. Рангпар, ориқдан келган, доим нимадандир норози юрадиган бу киз бегоналар ҳаётини кузатишни ўзи учун бурч деб биладиган аёллар сирасига кирарди. Каупервуд томонидан махфий ижарага олинган уйнинг қияламасига жойлашган хонадонда яшаётиб, доим йўлакни кузатаркан, у аста-секин нима гаплигини (ҳар ҳолда, унга шундай туюлганди) тушуна бошлади. Ундан фақат гумонларини мавжуд фактлар билан тўлдириш ҳамда ўша топкирлиги билан уларни бир-бирига боғлаш талаб қилинарди, холос. Унинг уринишлари маҳсули эндиликда Батлернинг кўз ўнгида яққол ва жуда хунук намоён бўлган мактуб эди.

Ирландияликлар чуқур мулоҳазали ва айни пайтда омилкор ҳамдир. Ҳар қандай ирландияликнинг ноқулай вазиятга тушиб қолганида биринчи қиладиган иши – ундан чиқиб кетишнинг йўлини топиш ва бу нарсага жуда катта муаммо деб қарамасликдир. Батлер мактубга илк бор кўз югуртирганида, баданида гўё чумоли ўрмалаётгандек эти жимирлади. Жағлари беихтиёр жипслашди, кулранг кўзлари қисилди. Наҳотки шу рост бўлса? Акс ҳолда, кимдир шунчалик аниқ қилиб: “Агар ишонмасангиз, ўнинчи кўчадаги 931-ракамли уйни кузатинг”, – дея ёзишга журъат қилармиди? Ахир манзил аниқ ёзилганининг ўзи рад қилиб бўлмайдиган исбот эмасми? Ва бу ерда гап кечагина унинг олдига ёрдам сўраб келган,

у шунча кўп яхшилик қилган одам ҳақида кетяптими? Батлернинг табиатан суст, аммо етарлича расо зехнида қизининг ўзгача ва мафтункор киёфаси гавдаланди-ю, шундагина Фрэнк Алжернон Каупервуднинг қандай инсон эканини аниқ тушунди. Қандай қилиб Батлер бу аблаҳнинг макрини билмай қолди? Чиндан ҳам ораларида нимадир бор бўлса, қандай қилиб Каупервуд ва Эйлин буни на сўз, на ҳаракат билан сездириб қўйишмади?

Ота-оналар кўпинча ўз фарзандларини жуда яхши билишларига амин бўлади ва вақт бу янглиш фикрни фақат мустаҳкамлайди. Шу пайтгача ҳеч қандай ёмон нарса бўлгани йўқ ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Улар фарзандларини ҳар куни, бироқ меҳр-муҳаббат хиралаштириб қўйган кўзлари билан кўришади. Мана шу меҳр кўр қилган кўзлари билан улар фарзандларини борира кўраётганларига ва қанчалик жозибадор бўлмасин, фарзандлари йўлдан оздирадиган нарсалардан сўзсиз ҳимояланганига ишонадилар. Мэри – яхши қиз, тўғри, бироз танतिकрок, бироқ у қандай ёмон иш қилиши мумкин? Жон – софдил, мақсадга интиладиган йигит, наҳотки у ёмон йўлга кириб кетиши мумкин бўлса? Ва бирдан фарзандларининг сирлари очилиб қолса, кўп ота-оналарнинг ҳайратдан ёқа ушлаши ачинарли. “Менинг Жоним! Менинг Мэрим! Бундай бўлиши мумкин эмас!..”

Бироқ шундай бўлиши мумкин. Ва ҳатто аниқ. Тажрибаси кам, ҳаётни яхши тушунмайдиган кўп ота-оналарнинг дийдаси қотиб, жаҳлдор бўлиб қолади. Фарзандларига бор меҳрини бергани ва бутун умрини қурбон қилганини эслаб, ўзларини ҳақоратлангандек ҳис этади. Ҳаётдаги бундай баланд-пастликлар, ҳар қадамда дуч келадиган хавф-хатарлар ва инсон руҳида юз берадиган сирли жараёнлардан бутунлай руҳлари тушиб кетади. Бошқа бировлар – ҳаётнинг қаттиқ синовларидан ўтганлар ёки табиатан зийрак бўлганлар эса бу каби воқеаларга донишмандларча муносабатда бўладилар ва

## Теодор Драйзер

бу ерда кураш бефойда эканини билиб, агар иложи бўлса, яширин чоралар билан ёмон нарсани кўрмасликка ҳаракат қиладилар ёки шароитни ўйлаб кўриш учун бу ҳолатга вақтинча кўникадилар. Ҳар бир фикрлайдиган одам биладики, ҳаёт – ечиб бўлмайдиган топишмоқ; бошқалар эса бўлмағур ўйлар билан ўзини овутади, яна бекорга ҳаяжонланиб, ўзидан кетиб қолади.

Хуллас, ақли ва тажрибали инсон бўлган Эдвард Батлер уйининг зинасида турганча, қўлида кизига дахшатли айблов кўйиб, арзон қоғозга ёзилган хатни ушлаб турарди. У хаёлан Эйлиннинг болалигини кўз олдига келтирди (Эйлин унинг катта қизи эди). Ўтган шу йиллар ичида у кизига қанча ғамхўрлик қилганди! У ажойиб қизча эди; унинг олтинранг бошчасини отаси тез-тез кўксига босар, кўпол бармоқлари билан унинг нозик ёноқларини минг марталаб силарди! Энди эса Эйлин ҳозир йигирма уч ёшда, у гўзал, бебош ва ўлгудек ўжар...

Кекса Батлернинг кўнглини маъюс, бемаъни хаёллар эгаллаб олди, у нима қилишни, буларнинг барига қандай қарашни, нима қарорга келишни, қандай ҳаракат қилишни билмаётганди. Ниҳоят, бу ерда ким айбдор, ким айбсизлиги ҳали номаълум, ўйлади Батлер. Эйлин, Эйлин! Унинг Эйлини! Агар хотини буни билиб қолса, кекса онанинг юраги буни кўтара олмайди. Йўқ, хотини ҳеч нарса билмаслиги керак, ҳеч нарса! Балки, унга айтиш керакмикин?

Оҳ, ота қалби! Дунёдаги меҳр-муҳаббат чалкаш ва ҳеч ким юрмаган сўқмоқларга етаклайди. Онанинг севгиси ҳамма нарсага қодир, худбинона ва айни пайтда беғараз. У ҳеч нарсага боғлиқ эмас. Эрнинг хотинига ёки ошиқнинг маъшуқасига бўлган севгиси – яқдиллик, ўзаро муҳаббатнинг ширин ришталари, ғамхўрлик ва эркалатиш мусобақасидир. Отанинг ўғли ёки қизига муҳаббати (у мавжуд бўлса) сахийлик билан борини бериш, ҳеч бир ўлчовсиз, ўрнига ҳеч нарса тама қилмасдан беришдир.

Бундай ҳиссиёт олийжанобликдир, у ҳеч нарса талаб қилмайди, фақат сахийлик билан беришга ҳаракат қилади. “Ўғлимнинг иши юришса бўлгани! Қизим бахтли бўлса, шунинг ўзи кифоя!” Ким бундай гапларни эшитмаган, ким ота-оналарнинг донолиги ва севгисини ифодаловчи бундай сўзлар ҳақида ўйлаб кўрмаган?

Шахар марказига кетаётиб, Батлер ўзининг ажойиб, лекин, суст ва бироз ибтидоий ақли билан бу кутилмаган шумхабарнинг эҳтимолий оқибатларини тезгина ўйлай кетди. Нега Каупервуд ўз хотинидан қоникмайди? Нега энди унга Батлернинг уйига кириб олиб, номуносиб бўлган бу ишни қилиш керак бўлиб қолди? Бу ишда Эйлин қай даражада гуноҳкор? Қизи жуда ҳам тентак эмас, ўз ҳаракатларига жавоб бериши керак эди. Бундан ташқари, у католик, ҳар ҳолда шундай тарбияланган. Бутун шу йиллар давомида у черковга борган, тавба қилиш ва маросимларда қатнашган. Тўғри, охириги пайтларда Батлер кўп бора қизининг черковга боришга жуда хошиш билдирмаётгани ва якшанба кунлари уйда қолиш учун баҳона излаганларига гувоҳ бўлганди. Бироқ кўпинча борарди. Энди эса... Шу ерга келганда Батлер чалкашиб кетиб, яна барини бошидан ўйлаб кўрарди.

У зинадан секин идорасига кўтарилиб, столи олдига ўтирди ва яна ўйлашни бошлади. Соат ўнга бонг урди, кейин ўн бирга. Ўғли иш юзасидан бир неча марта олдига кирди, бироқ отасининг кайфияти йўқлигини кўриб, уни холи қолдирди. Соат ўн иккига бонг урди, кейин бир бўлди. Каупервуд келгани тўғрисида унга хабар беришганда, у ҳамон ўй суриб ўтирарди.

Каупервуд Батлерни уйдан топа олмай ва Эйлинни ҳам учратмагач, идорасига боришга шошганди. Шу бинонинг ўзида йирик акционерлардан бири Фрэнкнинг ўзи бўлган бир нечта кўнка темир йўлларининг бошқармаси ҳам бор эди. Бино одатдагидек бухгалтерлар, ҳисобчилар, йўл назоратчилари, кассир ва бошқалар учун ажратилган



## Теодор Драйзер

хоналарга бўлинганди. Оуэн Батлер ва отаси бинонинг ичкарисидаги кичкина, бироқ чиройли жиҳозланган кабинетларни эгаллашганди: бу ерда буюк ишлар амалга ошириларди. Каупервуд бу ёкка келаркан, бирон фалокатни олдиндан сезган кўплаб инсонлар каби йўлда унинг ҳам юрагига гашлик чўкканди – Эйлин ҳақидаги ўйлар хаёлидан кетмаётганди. У ўзларини боғлаб турган ноодатий муносабатлари ва ҳозир қизнинг отасидан ёрдам сўрашга кетаётгани ҳақида ўйларди!

Зинадан кўтариларкан, у яна бир бор оғир гашликни ҳис қилди, бироқ бунга эътибор бериб ўтирмади. Батлернинг нигоҳиданоқ унга нимадир ёмон таъсир қилганини тушунди. Батлер уни одатдагидек саломлашиб қарши олмади, зимдан ўқрайиб қараркан, унинг юзида илгари Каупервуд ҳеч қачон кўрмаган қаҳр борлигини сезди. Фрэнк шу заҳотиёк гап фақатгина Батлернинг ўз жамғармасини сўрамай, унга ёрдам беришни хоҳламаётганида эмаслигини тушунди. Нима бўлганикин? Эйлинми? Шундай бўлса керак. Уларни бирга кўриб қолишгандир. Хўш, нима бўпти шунга? Бу ҳали ҳеч нарсани исботламайди. У бир оғиз сўз билан ҳам ўзини сотиб қўймайди. Бироқ Батлер ўз жамғармасини қайтариб беришни талаб қилади. Қўшимча заём масаласида эса сўзсиз бунга ҳам нуқта қўйиш кераклиги кўриниб турибди.

– Жаноб Батлер, жамгармангиз масаласида қандай қарорга келганингизни билиш учун кирган эдим, – доимгидек бемалол гап бошлади Каупервуд. На ўзини тутишидан, на юз ифодасидан у бир нарсани сезганини тахмин қилиш ҳам мумкин эмасди. Жаноб Батлер (улар хонада ёлғиз эдилар) йигитга қошлари тагидан тикилиб қаради.

– Менга пулларим керак!.. – кескин ва кўрслик билан деди у. Қизи Эйлиннинг номусини ерга урган бу сурбет иккиюзламачини кўргач, Батлернинг қачонлардан бери ўзини намоён қилмаган ғазаби қайнаб кетганди. Қария йигитга тикилди.

– Ўзим ҳам вазият ўзгариб кетганидан келиб чиқиб, пулингизни қайтаришимни талаб қилиб қолсангиз керак, деб ўйлагандим, – хотиржамлик билан, овози ҳам титрамай жавоб қилди Каупервуд. – Тушунишимча, ҳамма нарса хонавайрон бўляпти, шекилли.

– Ҳа, шундай ва, ўйлашимча, тез орада тартибга тушмаса керак. Пул менга бугуноқ керак. Кутиб тура олмайман!

– Яхши, – деди жуда нозик вазиятда эканини аниқ сезиб турган Каупервуд.

Қариянинг кайфияти ёмон эди. Нимагадир Каупервуднинг шу ерда экани унинг асабига тегяпти, балки ҳатто ўзини ҳақоратлангандек сезяпти.

Каупервуд ҳамма гап Эйлинда эканига энди шубҳа қилмаётганди: Батлер бирор нарса билади ёки жуда бўлмаганда шубҳаланяпти. Ўзини шошаётганга солиш ва бу суҳбатга чек қўйиш керак.

– Жуда афсусдаман, – деди у. – Тўловни бироз ортга суриб туришингизга умид қилаётгандим, бироқ ҳечкиси йўқ. Пул тайёрлаб қўйилган. Мен тезлик билан бериб юбораман.

Йигит ўтирилиб, эшикка қараб юрди. Батлер ўрnidан турди. У ҳаммаси бошқача бўлади деб кутганди. У Каупервуднинг айбини очиб ташламоқчи, балки юзига тарсаки туширмоқчи ҳам бўлаётганди. У Фрэнкнинг газабини келтирадиган нимадир деб, унинг айбини юзига айтмоқчи эди. Бироқ йигит одатдагидек бепарво-самимий қиёфада чиқиб кетди.

Қария қаттиқ ҳаяжонда, чексиз ғазабланиб, кайфияти тушиб кетганди. У қўшни хона билан ўзининг хонаси ўртасидаги кичкина эшикни очиб, қақирди:

– Оуэн!

– Ҳа, ота?

– Пул олиб келиш учун Каупервуднинг идорасига кимнидир юборгин.

## Теодор Драйзер

– Демак, жамғармангизни кайтариб олишга қарор қилдингизми?

– Ҳа.

Оуэн отасининг ғазабланаётганидан хайрон бўлди. “Бу нимани англатиши мумкин?” сўради у ўзидан ва отаси билан Каупервуд ўртасида бирор нима бўлгандир, деб ўйлади. У столи олдига қайтиб келиб талабнома ёзди ва хизматчини чақирди. Батлер дераза олдига келиб, кўчага қарай бошлади. У қаттиқ ғазабда, аччиғидан кутургудек аҳволда эди.

– Ит!.. – хириллаб юборди у ўзи ҳам кутмаган ҳолда. – Қараб турсин, бир доллар ҳам қолдирмайман, ич кийимигача ечиб оламан! Қамокқа тикаман! Мен уни йўқ қиламан! Йўқ қиламан!..

Қария қўлларини мушт қилиб, тишини ғичирлатди.

– Мен унинг жазосини бераман! Унга кўрсатиб қўяман! Ит! Ярамас махлуқ!

Жаноб Батлер умрида бу қадар ғазабни ҳис қилмаган, аёвсиз қасд олишни истамаганди. У нима қилишни ўйлаб, хонасида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Эйлинни сўроқ қилиш керак – мана, нимадан бошлаш керак! Қизи рад қилади, бироқ агар унинг юзидан шубҳалари тўғри эканини сезса, Каупервуднинг адабини беради! Шаҳар ғазначиси билан воқеанинг ўзи бунинг учун кифоя. Тўғри, расман Каупервуднинг ҳеч қандай жавобгарлиги йўқ, бироқ Батлер шундай қила оладикки, бу ярамас соғ қолмайди!

Шундай қарор қилгач, жаноб Батлер хизматчисига тез қайтиб келишини Оуэнга айтиб қўйишни буюриб кўчага чиқди-ю, кўнкага ўтириб уйига кетди. Эшиги олдида у қаергадир кетишга тайёр бўлиб турган катта кизини учратди. Қизнинг эгнида кип-қизил духобадан тикилган кўйлак ва бошида жуда чиройли шляпа бор эди. Эйлин оёқларига оловранг чарм ботинка, қўлларига эса узун бинафшаранг чарм қўлқоп кийганди. Унинг кулоқларида

узун тим қора қахрабо – охирги пайтларда у қахрабога қизиқиб қолганди – зирак осилиб турарди. Қизини бу аҳволда кўрган кекса ирландиялик жуда ноёб патли қушни катта қилганини янада яхшироқ тушунди.

– Эйлин, каерга отландинг? – ичидаги кўркув, ғам ва аламини яширишга уриниб, сўради у қизидан.

– Кутубхонага, – хотиржам жавоб қайтарди қиз, бироқ шу заҳоти отасига нимадир бўлганини ҳис қилди. Унинг юзи ғалати оқариб кетган, жуда маъюс ва ҳорғин кўринарди.

– Бир дақиқага хонамга чиқкин, – деди Батлер. – Сен билан гаплашиб олишим керак.

Эйлин отасининг гапига ҳам қизиқиб, ҳам ажабланиб кулок солди. Қизик, отаси у билан ўз хонасида гаплашиши керак бўлиб қолибди, яна у кетаётган пайтда! Батлернинг гап оҳанги ва кўриниши бу ғайриоддий таклифнинг ортида ёқимсиз суҳбат турганини англатарди.

Ўз даврининг ахлоқий қондаларини бузган ҳар бир инсон сингари Эйлин ҳам вақти-вақти билан Фрэнк билан муносабатлари очилиб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қоларди. Оиласи унинг қилмишига қандай қараш мумкинлигини у кўп ўйлаган, бироқ аниқ тасаввур қила олмаганди. Отаси – жуда қатъиятли инсон. Тўғри, у отасининг оилада бирор кишига, айниқса, унга нисбатан совуқ ёки шафқатсиз муносабатда бўлганини сира кўрмаган! Отаси доим уни шундай яхши кўрганки, ҳеч қачон ҳеч нима уни қизидан совитолмайдиганга ўхшарди. Бироқ яна ким билади...

Батлер катта оёқларини салмоқ босиб, зинадан биринчи бўлиб юқорига кўтарила бошлади. Эйлин унинг орқасидан борарди; у девордаги кўзгуга қарашга улгурган ва энди ўзининг қандай чиройлилиги ва уни нима кутаётган бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаётганди. Отаси ундан нима хоҳлаяпти? Қандай суҳбат бўлиши мумкинлигини ўйлаб қизнинг юзидан қон қочди.

## Теодор Драйзер

Батлер қизиб кетган хонасига кириб, ўзининг бошқа жиҳозларга ўлчами тўғри келмайдиган ва ёзув столигагина мос тушадиган катта чарм креслосига чўкди. Столнинг олдида, деразанинг рўпарасида мехмонлар учун кресло турарди. Батлер юзини яхшироқ кўриб туришни истаган одамларни шу креслога ўтиришга таклиф қиларди. Эйлин кириб келганда у қўли билан ўша креслони кўрсатди:

– Анави ерга ўтир!

Эйлин отаси нима демоқчи бўлаётганини ҳали ҳам тушунмай, креслога ўтирди. Унинг Каупервудга берган ваъдаси ёдида эди: ҳар қандай ҳолатни рад этиш. Агар отаси сўроқ қилиш ниятида бўлса, хомтама бўлмасин, барибир бундан фойда йўқ! Фрэнк олдидаги ягона бурчи – ҳаммасини рад қилиш.

Эйлиннинг чиройли юзи қатъийлашди. Икки қатор майда оппоқ тишлари каттиқ жипслашганидан Батлер қизи зарбани кутиб, эҳтиёт бўлишга шайланганини тушунди. Шунинг ўзиёқ қизининг айбдорлигини тасдиқлашидан кўркқан ота яна ҳам чуқурроқ қайғуга ботди, уялди, газабланди ва ўзининг бахтсизлигини баттарроқ ҳис қилди. У сюртугининг чап чўнтагини тимирскилаб, бир даста қоғоз чиқарди ва унинг ичидан кўриниши оддийгина бўлган ўша машъум хатни олди. У мактубни конверт ичидан чиқараркан, йўғон бармоқлари титрарди. Эйлин отаси нима кўрсатмоқчи бўлаётганини тушунмай, унинг юзи ва қўлидан кўзларини узмай турарди. Ниҳоят, Батлер ўзининг улкан қўлида жимитдек туюлаётган қоғозни олиб, кизига узатди:

– Ўқи!

Эйлин қоғозни олди ва бир сония енгиллик сезди: ниҳоят нигоҳини отасидан бошқа томонга қаратиши мумкин. Бироқ бу ҳиссиёт шу заҳоти йўқолди: ахир ҳозир яна отасининг кўзига қарашига тўғри келади.

“Муҳтарам жаноб! Сизга шу нарсани маълум қиламанки, қизингиз Эйлин ўзига мос келмайдиган эркак —

Фрэнк Каупервуд исмли ишбилармон одам билан бирга юрибди. Агар ишонмасангиз, Ўнинчи кўчадаги 931-рақамли уйни кузатинг. Шунда ўз кўзларингиз билан гувоҳ бўласиз”.

Иродали эканлигига қарамай, Эйлиннинг юзи оқариб кетди, бироқ шу оннинг ўзидаёқ юзига қон тепди.

– Бу ёлғон!.. – отасининг кўзига тик қараб, хитоб қилди у. – Ким мен ҳақимда шундай ифлос гапларни ёзишга журъат қилди? Қандай юзсизлик! Ким бу аблах?

Кекса Батлер қизига тикилиб турарди. Қизининг чираниши уни алдай олмаганди. Агар Эйлин чиндан ҳам айбсиз бўлганида, ҳайратдан, аламдан сакраб туриб кетган бўларди. Ҳозир эса у юзига мағрурлик ниқобини кийишга шошилганди. Батлер унинг қизиққонлик билан қилаётган қаршилиги ортидаги ҳақиқатни ўкиди.

– Мен бу уйни кузатиб туришни буюрмаганимни сен қаердан биласан? – истехзо билан сўради Батлер. – У ерга кирмаганингни ҳеч ким кўрмаганини қаердан биласан?

Севгилисига берган қатъий ваъдасигина Эйлинни бу тузоққа тушишдан ушлаб қолди. Унинг ранги оқариб кетди, бироқ шу заҳоти кўз олдида агар сирлари очилиб қолса, нима дейишини сўраётган Фрэнкнинг қиёфаси пайдо бўлди.

– Бу ёлғон!.. – титроқ товушда хитоб қилди қиз яна. – Мен ҳеч қачон бундай рақамли уйда бўлмаганман ва у ерга кирганимни ҳеч ким кўрмаган! Ота, қандай қилиб мендан шубҳаланишингиз мумкин?

Кўнглини Эйлиннинг айбдорлигига бўлган ишонч билан қоришиб кетган шубҳа ўртаётганига қарамай, жаноб Батлер қизининг жасурлигидан ҳайратда қолаётганди: ўзини ҳимоя қилиш учун қандай қатъийлик билан ёлғон сўзлаяпти-я! Қизнинг гўзаллиги шу ерда асқатди ва отасининг кўзи ўнгида уни юқорига чиқариб қўйди. Ахир, кап-катта қизни қандай қойиши мумкин? Ахир у отаси хаёлан тасаввур қилаётгандек ўн яшар қизча эмас энди!

## Теодор Драйзер

– Эйлин, менадан ҳеч нарсани яшириш керак эмасди, – деди у. – Алдаш яхши эмас. Дин ёлғонни ман қилган. Агар шундай бўлмаса, бундай хатни ким ёзган бўлиши мумкин?

– Бироқ бу тухмат, – ўзини ғазабланганга солиб деди Эйлин. – Ва ўйлашимча, бундай шубҳалар билан мени ҳақорат қилишга ҳаққингиз йўқ. Мен у уйда бўлмаганман ва Каупервуд билан юрмаганман! Худойим! Ахир уни яхши билмайман ҳам, ҳар замонда бир одамлар орасида кўраман.

Батлер хўмрайиб бош чайқади:

– Қизим, бу мен учун жуда катта зарба! Катта зарба, – такрорлади у. – Гапларингга ишонишга тайёрман. Бироқ агар алдаётган бўлсанг, қандай ёмонлиги ҳақида ҳам ўйламай туrolмаяпман. Мен ҳеч кимга бу уйни кузатиб юришни буюрмаганман. Хат бугун эрталаб келди. Ва у ерда ёзилган гаплар, афтидан, рост эмас. Шундай эмаслигига умид қиламан. Бироқ энди бу ҳақда гаплашмаймиз. Агар унда заррача ҳақиқат бор бўлиб, жуда чуқурлашиб кетмаган бўлсанг ва ҳали руҳингни куткара олсанг, мен онанг, синглинг, акаларинг ҳақида ўйлашингни илтимос қиламан, ақлли қиз бўл. Сени тарбиялаган черковни ёдингда тут, номусинг ҳақида ўйла. Тушун: агар бирор тентаклик қилиб қўйган бўлсанг ва одамлар буни билиб қолишса, Филадельфия қанчалик катта, кенг бўлмасин, бу ерда бизга жой қолмайди. Акаларинг ёмонотлиқ бўлиши керак эмас, улар шу шаҳарда ишлашади. Бир кун келиб, Нора иккинги хам оила қуриш ҳақида ўйлайсиз. Агар бу ерда ёзилганлар ҳақиқат бўлса ва у эртами-кечми юзага чиқиб қолса, одамларнинг кўзига қандай қарайсан ва қандай яшайсан?

Юрагини босиб ётган ғамгин ва ўзи ўрганмаган ҳиссиётлар таъсирида қариянинг овози бўғиқ эшитиларди. У қизининг айбдорлигига ишонгиси келмас, бироқ шунга қарамай, мактубдаги гаплар ростлигини ҳам тушуниб

турарди. У иродали ва эътиқодли инсон сифатида килиши керак бўлган иш, яъни қизини жазолашни хоҳламаётганди. Бошка ота бўлганда, ўйларди Батлер, бу шароитда қизини уйдан хайдаб чиқарар, ё ҳамма гапнинг тагига етиб, Каупервудни ўлдирган бўларди. Бироқ у бундай қилмайди. Агар қасос олиш керак бўлса, ундан финансист сифатида, сиёсатчи сифатида қасд олади: уни молия дунёсидан ва сиёсатдан сиқиб чиқаради.

Эйлинга нисбатан қатъий бир чора кўриш ҳақида эса у ўйлашга ҳам қодир эмасди.

– Отажон, – гап бошлади Эйлин, ўзининг бор қобилиятини ишга солиб, усталик билан бегуноҳ қиз ролини ўйнашга ҳаракат қиларкан, – айбдор эмаслигимни била туриб қандай қилиб шу гапларни гапиряписиз? Қасам ичаман!

Бироқ кекса ирландиялик қизининг ёлғондакам арази остидаги ҳақиқатни уқиб олди ва энг гўзал орзуларидан бири чил-чил синаётганини сезиб турарди. У жамиятда олиб борадиган фаолиятида ҳам, бахтли турмуш қуриши борасида ҳам Эйлиндан кўп нарса кутаётганди. Қизи рози бўлса, у билан ўзини бахтиёр ҳис этиши мумкин бўлган ажойиб йигитлар кўп эди, у отасига кексайганида эрмак бўладиган ажойиб набиралар туғиб берган бўларди.

– Қизим, ортиқ бу ҳақда гаплашмаймиз, – чарчаган товушда деди у. – Сен доим юрагимнинг бир қисми эдинг ва бу гапга ишонишим кийин бўляпти. Худонинг ўзи кўриб турибди: ишонгим келмаяпти. Энди ёш бола эмассан ва агар аҳмоқлик қилаётган бўлсанг, сени тўхтата олмайман. Сени уйдан хайдаб юборишим мумкин эди – кўп оталар шундай қилган бўларди, бироқ мен ундай қила олмайман. Бироқ сен чиндан ҳам шундай иш қилаётган бўлсанг, – эътирозга шайланган Эйлинни тўхтатиш учун қўлини кўтарди Батлер, – ёдингда тут: эртами-кечми, ҳақиқатни билиб оламан ва у ҳолда мен ва менга шу озорни етказган одам учун Филадельфия тор бўлиб қолади. Шунгача етиб



## Теодор Драйзер

бораман!.. – таҳдидли оҳангда кахрини билдирди жаноб Батлер ўрнидан тураётиб, – етиб бораман ва ўшанда...

Қариянинг ранги оқариб кетди, у тескари қараб олди. Эйлин Фрэнк ҳозир дуч келаётган ҳамма нохушликларига қўшимча яна отаси билан куч синашиши ҳам тўғри келишини тушунди. Отаси шунинг учун кеча кечкурун унга шундай жаҳл билан қараганмикин?

– Агар биров сен ҳақингда ёмон гап айтаётганини билиб қолса, онанг ғамдан адо бўлади, – титроқ товушда давом этди Батлер. – Бу одамнинг оиласи: хотини, болалари бор. Сен уларга ёмонлик қилишинг керак эмас. Шусиз ҳам уларни, агар хато қилмаётган бўлсам, якин келажакда катта нохушликлар кутяпти.

Батлернинг жағлари қаттиқ қисилди.

– Сен чиройли қизсан, ёшсан. Сен бойсан. Сени рафиқам дейишни ўзларига шараф деб билиши мумкин бўлган ўнлаб йигитлар бор. Нимани ўйлаётган бўлсанг ҳам, нима қилсанг ҳам, ҳаётингни бекорга барбод қилма. Менинг юрагимни ҳам адо қилма!

Табиатан ёмон бўлмаган Эйлин зиддиятли ҳиссиётлар – фарзандлик меҳри ва Каупервудга бўлган севгиси ўртасида қийналиб кетаётган, додлаб юборишдан ўзини зўрға ушлаб турарди. Бутун қалби билан отасига ачинаётган бўлса-да, Фрэнкка бўлган севгиси ва садоқати ҳам камаймаётганди. У яна нимадир демоқчи, исёнини билдирмоқчи бўлар, лекин бу бефойда эканини ҳис қилиб турарди. Ота эса қизи ёлғон гапираётганини биларди.

– Отажон, бошқа айтадиган гапим йўқ, – деди Эйлин ўрнидан тураётиб.

Дераза ортида қоронғи туша бошлаганди. Пастда эшик ёпилгани эшитилди – Батлернинг ўғилларидан бири қайтиб келган бўлса керак. Эйлин кутубхонага боргиси келмай қолди.

– Барибир менга ишонмайсиз. Бироқ яна қайтараман: менга тўхмат қилишган.

Батлер қизининг жим бўлишини сўраб, кўлини кўтарди. Эйлин ўзининг шармандали алоқалари отасига сир эмаслиги ва азобли суҳбатлари тугаганини тушунди. У ўгирилиб, уятдан қизарганча хонадан чиқиб кетди. Батлер қизининг қадам товушлари узоқлашиб тингунча кутиб турди. Шундан сўнг ўрнидан туриб, йирик муштини сиқди.

– Аблах!.. – овозини чиқариб деди у. – Аблах! Бор пулимни, охирги долларимгача сарф қилиб бўлса ҳам, сени Филадельфиядан сиқиб чиқараман!..

**К**аупервуд хаётида биринча марта иззат-нафси таҳқирланган ота билан боғлиқ ўзига хос ҳолатга дуч келди. Батлерни айнан нима шундай аҳволга солганини аниқ билмаса-да, ҳар ҳолда бу Эйлин билан боғлиқ эканини сезиб турарди. Каупервуднинг ўзи ҳам ота эди. Кичкина Фрэнкдан у жуда ҳам ҳайратланмасди. Бироқ боши атрофида ёғдули гардиши бордек оппоқкина, кичкина Лилианни у жонидан ортиқ кўрарди. У ажойиб, жозибали қиз бўлади, ўйларди Каупервуд ва қизининг ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлашга интиларди. У қизига “кўзлари мунчок”, “оёқ эмас, мушукнинг панжаси”, “кўллари ҳам кўғирчоқникидек” дея таъриф беришни ёқтирарди. Қизча отасини яхши кўрар, у қаерда бўлмасин – кутубхонадами, меҳмонхонадами, хонасидами ёки дастурхон устидами, қачон бўлса-да, уни қидириб юрар ва тинмай саволга тутарди.

Қизига бўлган муносабати Фрэнкни Эйлиннинг хатти-ҳаракати Батлерда уйғотиши мумкин бўлган туйғуларни тушуна олишига сабаб бўлди. У ўз-ўзидан агар кичкина Лилиан билан шундай ҳодиса рўй берса, нима қилган бўлардим, деб сўраётганди. Бироқ у агар қизи Эйлиннинг ёшида бўлса, ўзини ҳам, қизини ҳам қийнаб қўйишига ишонмаётганди. Ахир болалар эртамикечми, катталарнинг бағридан учирма бўлади ва агар бола табиатан ўжар бўлса ва уни бошқаришларини истамаса, ота уни эплаши жуда қийин.

Каупервуд бошига қанча бало ёғилганини эслаб, маъюслик билан жилмайиб кўйди. Чикагодаги ёнғин, Стинернинг бевақт кетиб қолиши, Батлер, Молленхауэр ва Симпсонларнинг Стинер ва унинг ҳаётига бутунлай бефарқликлари... Энди эса, балки, унинг Эйлин билан алоқалари ҳам очилиб қолгандир. У сирлари очилганига ишончи комил эмасди, бироқ ички сезгиси шундай эканини айтиб турарди. Каупервудни ҳозир энг ташвишга солаётган нарса – агар отаси гап очадиган бўлса, Эйлин ўзини қанақа тутаркин, ўзини қандай оқларкин деган савол эди. Бир амаллаб у билан хабарлаша олганида эди! Агар Батлерга унинг жамғармасини қайтариши керак бўлса ва бугун бўлмаса, эртага талаб қилинадиган бошқа қарзларини ҳам ёпиши шарт бўлса, бир дақиқани ҳам йўқотиб бўлмайди. Ёки тўлаши керак, ёки ўзини банкрот деб эълон қилиши керак. Батлернинг ғазаби, Эйлин, ўзига хавф солаётган ҳалокат – ҳаммаси вақтинча орқа планга ўтди. Унинг фикри биттагина нарса – ўзининг молиявий аҳволини қандай қутқариб қолиши мумкинлигида тўхтади.

Каупервуд Жорж Уотерменни, бу пайтга келиб бой бўлиб қолган қайнағаси Дэвид Уиггинни, ўтган йиллари бирга иш қилишларига тўғри келган йирик мануфактура савдогари Жозеф Зиммерменни, бой ва йирик ишбилармон бўлган собиқ судья Китченни, Пенсильвания штатининг газначиси, кўнка темир йўллари акцияларига қизиқадиган Фредерик Ван Ностренд ва бошқа кўплаб танишлари билан кўришишга ошиқди. У мурожаат қилган одамларнинг баридан фақат биттасигина унга ёрдам беришга қодир эмасди, бошқаси кўрқди, учинчиси ундан қандай қилиб кўпроқ шилишни ўйлади, тўртинчиси бир қарорга кела олмай, ҳал қилиш учун жуда кўп вақт сўради. Ҳамма унинг вазияти аслида қандайлигини билиб турар, барчага ўйлаб кўриш учун вақт керак, унда эса айнан ана шу фурсат йўқ эди. Судья Китчен унга ўттиз минг қарз

## Теодор Драйзер

бериб туришга рози бўлди – арзимаган сумма! Жозеф Зиммермен йигирма беш мингдан ортиғини беришга таваккал қила олмади. Каупервуд акцияларини икки баравар суммага гаровга қўйиб, жами етмиш беш минг долларгина йиға олишига амин бўлди. Бироқ бу кулгили рақам эди! У ҳар бир долларни ҳисобга олиб қайтадан ҳисоблашга тушди ва шундай хулосага келдики, қўлидаги бор нақд пулнинг устига унга камида яна икки юз эллик минг керак, акс ҳолда, у ишини ёпишига тўғри келади. Эртага соат иккигача ҳаммаси маълум бўлади. Агар у ўнглана олмаса, Филадельфиядаги ўнлаб бухгалтерия ҳисобининг асосий китобларида унинг номи ёнида “банкрот” сўзи пайдо бўлади.

Яқингинада орзуларида осмонда юрган одам учун бу ёмон ниҳоя эмас! Биринчи навбатда у Жирард миллий банкининг юз минг долларлик ссудасини узиши керак. Бу Филадельфиядаги энг йирик банк бўлиб, қарзини тўлаш орқали банк корчалонларининг ўзига яхши муносабатини сақлаб қолиб, келгусида ҳам уларнинг хайрихоҳликларига умид қилса бўлади. Ҳозир эса у қаердан пул топиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаётганди. Бироқ анча ўйлагандан сўнг у ўша куни кечқуруннинг ўзида судья Китчен ва Зиммерменларга улар гаров учун қарз беришга рози бўлганлари – акцияларни бериб, улардан чек ёки нақд пул олишга қарор қилди. Кейин эса Стинерни унга эрталаб биржада сотиб олгани шаҳар заёми сертификатининг нархи бўлган олтмиш минг долларга чек беришга мажбур қилади. Ундан йигирма беш мингини банкка етмаётган пулга қўшиш учун олади. Ва ўшанда унинг ихтиёрида яна ўттиз беш минг қолади.

Бундай режанинг ягона салбий томони – у сертификатлар билан бўлган воқеанинг келгусида яна ҳам чалкашиб кетишига асосланганди. Уларни эрталаб сотиб олган Каупервуд амортизация фондига топширмади (уларни Каупервуднинг идорасига соат бир яримда

келтиришганди), балки навбатдаги қарзини ёпиш учун шу заҳоти гаровга қўйди. Агар Каупервуд синиш хавфи остида экани ва сертификатларни ўз вақтида сотиб олишига ишончи комил эмаслиги ҳисобга олинса, бу қалтис кадам эди. Бироқ бошқа томондан, ўйларди Каупервуд ўзи ва шаҳар ғазначиси ўртасида (ноқонуний, албатта) битим бор ва шу сабаб у банкрот бўлган тақдирда ҳам бундай комбинацияни расман оклаш мумкин, чунки у ўз битимларини ойнинг охиригача баланслашга мажбур эмас. Агар у куйиб қолса ва амортизация фондида бу облигациялар бўлмаса, у облигацияларни одатда кечроқ топширган ва шунинг учун уларни шунчаки эсидан чиқарган, деб айтиши мумкин. Агар шу йўл билан ана шу ҳали топширилмаган облигациялар учун чек ола билса (конун ва ахлоқни четга қўйиб турадиган бўлса), унинг қилмишини асосли деб топиш мумкин бўлади. Тўғри, шаҳар яна олтмиш минг доллар йўқотади. Бироқ ғазначиликка беш юз минг доллар камомад хавф солиб турганда, олтмиш минг доллар нима бўпти? Демак, камомад беш юз олтмиш минг бўлади, шу! Каупервуднинг доимий эҳтиёткорлиги бу ерда зарурият билан тўқнашди ва у Стинер уч юз минг доллар беришдан батамом бош тортмагунча бу чекни қолдиришга қарор қилди – бу ҳолда у чекни талаб қилишга ҳаққи бор. Тўғрироғи, Стинер облигациялар амортизация фондига топширилганми ёки йўқлигини ҳатто сўрамаса ҳам керак, агар сўраса, алдашга тўғри келади, холос!

Каупервуд яна экипажига ўтириб конторасига қайтиб борди: бу ерда уни ўйлаганидек Батлернинг ёзма талаби кутиб турарди. Фрэнк шу заҳотиёк отаси унга ўзининг банкида очган юз минг долларлик кредитга чек ёзиб, Батлерга юборди. Бу пайт орасида шаҳар заёми облигацияларини сотмаслик ва сотиб олмаслик, чунки алоҳида буйруқ келмагунча бу келишувлар ҳисобга олинмаслиги тўғрисида огоҳлантириб, Стинернинг

## Теодор Драйзер

котиби Альберт Стайерсдан яна хат келди. Каупервуд шамол каердан эсаётганини дарров тушунди. Стинер Батлер ёки Молленхауэр билан маслаҳатлашган ва улар уни огоҳлантириб, кўрқитишга шошган. Шунга карамай, Каупервуд тўғри шаҳар ғазначилигига қараб йўл олди.

Каупервуд билан учрашганидан сўнг Стинер яна Сэнгстек, Стробик ва йигитни яхшилаб кўрқитиб кўйиш учун унинг олдига юборилган бошқа одамлар билан гаплашганди. Бу суҳбатлар натижасида ғазначи Каупервуднинг бутун режаларига қарши бўлиб олди.

Стробикнинг ўзи ҳам хавотирга тушиб қолганди. У, Уайкрофт ва Ҳармонлар ҳам шаҳар ғазначилигининг маблағларидан фойдаланишарди – тўғри, камрок, чунки Каупервуднинг молиявий кўлами уларга хос эмас эди ва энди улар қарзни бўрон туришидан олдин тўлашлари керак эди. Агар Каупервуд банкрот бўлса ва Стинерда камомад чиқадаган бўлса, бутун бюджетни текширишлари мумкин ва у ҳолда уларнинг найранглари ҳам юзага чиқиб қолади. Мансабини суиистеъмол қилишда айбланмаслик учун нима қилиб бўлса ҳам пулларни қайтариш керак.

– Молленхауэрнинг олдига боринг, – Каупервуд кетиши билан Стинерга маслаҳат берди Стробик, – ва унга ҳаммасини очик гапиринг. У номзодингизни маъқуллаган ва сизни ғазначининг ўрнига жойлаштирган. Унга қандай шароитда эканингизни айтинг ва нима қилишни сўранг. У йўлини топади. Ёрдам бергани учун унга ўз акцияларингизни таклиф қилинг. Шу ишни қилишингизга тўғри келади. Каупервудга эса, жин урсин, бир доллар ҳам берманг! У сизни ҳозир қандай чиқишни билмаётганингиз – жарга итарганини ёдингиздан чиқарманг! Ниҳоят, агар Молленхауэр сизга ёрдам беришдан бош тортадиган бўлса, ҳеч бўлмаганда Каупервудни пулни ғазнага қайтаришга мажбур қилсин. Молленхауэр унга таъсир ўтказа олади.

Стробик яна кўплаб далиллар келтирди ва у кетиши билан Стинер Молленхауэрникига қараб югурди. У

шунчалик кўркиб кетганидан нафаси бўғилиб, бу америкалик немис, буюк финансист ва сиёсатчининг оёғига йикилишга тайёр эди. Қанийди, жаноб Молленхауэр унга ёрдам беришга рози бўлса! Шунда бу муаммодан кутулиб, камокка тушмасликка умид бор!

– Вой, Худойим! Худойим-ей! – шивирларди у Молленхауэрникига шошаркан. – Нима қилсам экан-а?

Жуда кучли мактабни ўтаган қатъий сиёсатчи ва ишбилармон Ҳенри Молленхауэрнинг тутган йўли бу мураккаб шароитда ҳар бир капиталист танлайдиган йўл эди. Батлер айтган нарсаларни бирма-бир эслаб, Молленхауэр биринчи бўлиб бу шароитдан қандай фойда кўриши мумкинлигини чамалаб кўрди. Ўзини фош қилиб қўймаган ҳолда, агар бунинг иложи бўлса, Стинернинг қўл остидаги кўнка темир йўллари акцияларига эга чиқиш керак. Бу акцияларни биржа маклерлари орқали бирорта сохта одамнинг номига, кейин эса унинг, Молленхауэрнинг номига ўтказиш қийин эмас. Бунинг учун эса ғазначи бугун олдига келганда уни яхшилаб эзиш керак; ғазнадаги беш юз минг камомадни эса қандай ёпиш мумкинлигини Молленхауэр ҳали тасаввур ҳам қила олмаётганди. Каупервуд ўз қарзини ёпа олмаса керак. Нима бўларди, шаҳар бу ҳолда зарар кўради, бироқ сайловлар тугагунча жанжални босди-босди қилиб туриш керак. Агар партиянинг бошқа раҳнамолари Молленхауэр кутгандек меҳрибонлик кўрсатишмаса, Стинер сирини очилишидан, суд, молларининг мусодара қилинишидан ва ҳатто камокдан ҳам қутулиб кета олмаса керак. Тўғри, жамоатчиликнинг ғазаби сал босилгандан кейин губернатордан суд қарорини юмшатишни илтимос қилиш мумкин. Бу ерда Каупервуднинг ҳам иштироки борми-йўқми, бу Молленхауэрни қизиқтирмаётганди. Йўқлиги юздан бир фоиз бўлса керак. Бу одам яхшигина айёр ва эҳтиёткор. Аслида, айбни Каупервудга тўнкаб, ғазначини қутқариб қолишнинг имкони топилса ва шу



## Теодор Драйзер

билан партиядаги доғни олиб ташлаш мумкин бўлса, Молленхауэр қаршилиқ қилмайди, албатта. Бироқ аввал бу биржачининг Стинер билан ўзаро муносабатларини билиб олиш ва йўл-йўлакай унинг ғазначи лавозимида ўтириб олиб йикқан-терганларининг барини қўлга киритиш керак бўлади.

Молленхауэрнинг олдига кириб келган Стинер бутунлай кучдан қолиб, креслога йиқилди. Унинг мияси ишламаётган, асаблари бутунлай ишдан чикқан, қўрқув унинг борлигини бутунлай эгаллаб олганди.

– Нима демоқчисиз, жаноб Стинер? – ғазначи унинг олдига нега келганини тушунмагандек оҳангда сўради Молленхауэр.

– Мен жаноб Каупервудга берган ссудаларим масаласида гаплашгани келгандим.

– Гап нимада ўзи?

– Унинг мендан, тўғрироғи, шаҳар газначилигидан беш юз минг доллар қарзи бор. Менга маълум бўлишича, у хонавайрон бўлиш арафасида, бундай вазиятда эса пулларни қайтара олмайди.

– Банкрот бўлади деб сизга ким айтди?

– Жаноб Сэнгстек, кеча жаноб Каупервуднинг ўзи ҳам олдимга келганди. Унинг айтишича, фалокатдан қоча олиши учун унга яна пул керак экан. Ва у мендан яна қўшимча уч юз минг доллар сўради. Бу сумма унга жуда ҳам кераклигини айтди.

– Зўр-ку!.. – ёлғондакам ҳайратланиб хитоб қилди Молленхауэр. – Бироқ сиз, албатта, рози бўлмагансиз. Шусиз ҳам муаммоларингиз тиқилиб ётибди. Агар нега рад қилаётганингизга кизикадиган бўлса, уни менинг олдимга юборинг. Ва унга ортиқ бир доллар ҳам берманг. Акс ҳолда, иш судгача борадиган бўлса, сизни аяб ўтиришмайди. Шусиз ҳам сизга қандай ёрдам бериш мумкинлигини билмай ўтирибман. Бироқ энди унга пул бермайдиган бўлсангиз, балки, бирон нима ўйлаб то-

пармиз. Ваъда бермайман, албатта, лекин ҳаракат қилиб кўрамиз. Фақат билиб қўйинг: бу иш учун шаҳар газначилигидан ортиқ бир доллар ҳам сарфланиши керак эмас. Ўзи бу иш аллақачон хунук кўриниш олиб бўлган.

Молленхауэр Стинерга огоҳлантирувчи назар билан қараб қўйди. Эзилиб кетган Стинер эса ўз раҳнамосининг сўзларида раҳмдиллик оҳангларини сезиб, креслосидан сирғаниб пастга тушди ва унинг олдига тиз чўкиб, худди хочга михланишдан олдин ибодат қилгандек қўлларини осмонга чўзди.

– О, жаноб Молленхауэр, – нафаси қайтиб ва йиғламсираганча минғирлади у, – ишонинг, мен ҳеч бир ёмон иш қилмоқчи эмасдим! Стробик ва Уайкрофтлар мени бу қонуний эканлигига ишонтиришди. Каупервуднинг олдига мени ўзингиз юборгандингиз. Мен фақат бошқалар нима қилса, ўшани қилдим – ҳар ҳолда, назаримда шундай туюлганди. Мендан олдин ишлаган жаноб Боуд ҳам худди шундай йўл тутганди: у бу ишларни “Тай энд Компани” фирмаси орқали қилган экан. Жаноб Молленхауэр, менинг хотиним, тўртта болам бор. Кичкинам энди етти ёшда. Жаноб Молленхауэр, ўшаларни ўйланг! Улар учун менинг ҳибсга олиншим нимани англатишини ўйлаб кўринг! Қамоққа тушишни хоҳламайман! Мен ноқонуний иш қиялман деб ўйламагандим. Бор-будимни бераман. Акцияларимни олинг, уйларимни, ер участкаларимни – ҳамма нарсамни олинг; фақат мени бу фалокатдан қутқаринг! Мени панжара ортига ташлашларига йўл қўйманг!

Ҳазначининг оқариб кетган қалин лаблари титрар, юзидан тинмай қайноқ кўз ёшлари қуйиларди. Бу ақл бовар қилмайдиган, айна пайтда жуда инсоний ва ҳақиқат бўлган тасвир намоиши эди. Қанийди, буюк сармоядор ва сиёсий арбоблар ўз ҳаётий тафсилотларини ҳеч бўлмаганда бир марта аниқ очиб беришса!

Молленхауэр Стинерга хотиржам ва ўйчан қараб турарди. У бундай ожиз кимсаларни, ўзидан номуссизроқ,

## Теодор Драйзер

бирок уникидек ақл ва жасурликдан мосуво одамлар билан кўп бора юзма-юз келган, улар ҳам худди шундай ёлворишган – албатта, ҳаммаси ҳам тиз чўкмаган, бирок барчаси иродаси ва руҳи синган одамлар эди. Бу бой ва ҳаётгий тажрибаси кўп одамнинг назарида ҳаёт жуда чалкаш нарса эди. Бундай ахлоқ ва маънавий ҳиссиётлар билан нима қилиш керак? Бу Стинер ўзини виждонсиз, уни – Молленхауэрни эса виждонли деб ҳисобляпти. Мана, унинг қаршисида туриб, ўз жинойтлари учун афсусланяпти ва унга худди руҳонийга сиғинган каби сиғиняпти. Молленхауэр эса ўзининг ҳам худди Стинер каби номуссизлигини билади, фақат у айёр, узокни кўра билади ва эҳтиёткор. Гап Стинернинг ахлоқсизлигида эмас, гап шундаки, у кўркоқ ва тентак. Унинг асосий айби – шу.

Шундай одамлар борки, улар ҳақиқий ҳаётдан узок ва ажралиб қолган қандайдир сирли ҳуқуқлар кодекси, инсон ахлоқининг қандайдир идеаллари бор, деб тасаввур қилишади. Бирок у – Молленхауэр, улар бу қоидаларни ҳаётга татбиқ қилишганини кўрмаган, агар шундай бўлса, бу уларни молиявий (ахлоқий эмас!) ҳалокатга етаклаган бўларди. Бу бемаъни идеалга ёпишиб олган одамлардан ҳеч қачон буюк арбоблар чикмаган. Улар доим фақат орзу қиладиган камбағал бечора бўлиб қолишган. Жуда хоҳлаган тақдирда ҳам, Молленхауэр Стинерни бу нарсаларни тушунишга мажбур қила олмасди ва у бунга интилмаётгани ҳам. Албатта, Стинернинг хотини ва болаларига одам ачинади! Хотини бечора ҳам эрига ўхшаб нимагадир эришиш учун кўп ишлашига тўғри келган бўлса керак. Ва кутилмаганда бу фалокат, уларнинг барча ишларини йўққа чиқарган Чикаго ёнғини! Қизиқ шароит! Унда меҳрибон ва раҳмдил илоҳий тақдир борлигига шубҳа уйғотадиган нимадир бўлса, бу очик ҳа-вода осмондан кутилмаганда ёғиладиган бўрон – тез-тез кўпчиликка вайронагарчилик ва мусибат келтирадиган

молиявий, ижтимоий ва исталган ҳолат бўларди.

– Стинер, ўрнингиздан туринг, – бироз жим тургач, хотиржам товушда деди Молленхауэр. – Бунчалик бўшашманг. Йиғлашнинг кераги йўк: кўз ёши бу ерда ёрдам бермайди. Фикрингизни бир жойга тўплаб, ҳолатингизни ўйлаб кўринг. Эҳтимол, шу даражада умидсизликка ҳожат йўқдир.

Молленхауэр гапида давом этаркан, Стинер яна креслосига ўтирди ва кўз ёшини даструмолига артиб, жимгина йиғлашда давом этди.

– Стинер, ҳозир ҳеч нарса ваъда бера олмайман, натижаси учун ҳам ваъда бермасам-да, иложи бор ишнинг борини қиламан. Шаҳримизда ҳар хил сиёсий кучлар ҳаракат қилади. Балки, сизни кутқара олмасман, бироқ уриниб кўраман. Сиз эса менга ишонишингиз керак. Мен билан олдиндан маслаҳатлашмай туриб, ҳеч кимга ҳеч нарса деманг ва ҳеч нарса қилманг. Вақти-вақти билан нима қилишингиз кераклигини айтиб, олдингизга котибимни юбориб тураман. Ўзим чақирмагунимча, олдимга келманг. Гапларимни тушундингизми?

– Ҳа, жаноб Молленхауэр.

– Энди кўз ёшингизни артиб олинг. Идорамдан кўзингизда ёш билан чиқиб кетишингиз ноқулай. Ғазначилигингизга кетаверинг, мен эса олдингизга Сэнгстекни юбораман. Нима қилишни ундан билиб оласиз. Унинг айтганларини бажаринг. Хабар қилишим билан дарров олдимга етиб келинг.

Баҳайбат, ўзига ишонган Молленхауэр хотиржам ўрнидан кўзғалди. Унинг сезилар-сезилмас ваъдалари Стинерни ўзига келтирганди. Молленхауэрнинг ўзи буюк, ҳар нарсага кодир Молленхауэрнинг бу оғир вазиятдан чиқиб кетишига ёрдам беради. Охир-оқибат, балки, қамокқа тушишдан ҳам қутулиб қолиши мумкин. Ғазначиликка қараб кетаётган Стинернинг ҳали кўз ёшларидан кизариб турган юзида бир неча дақиқадан ке-

## Теодор Драйзер

йин ҳозиргина бошидан кечирган ходисаларнинг бошқа изи қолмади.

Бирор соат ҳам ўтмай, шаҳар ғазначилигига бугуннинг ўзида иккинчи бор кичкинагина, қорамағиздан келган, ўнг оёғи ориқ, тағлиги қалин пойабзал кийган Эбнер Сэнгстек кириб келди. Ёноқлари чиққан бу одамнинг жуда ақлли кўринадиган юзида қарашлари ўткир, бироқ писмиқона кўзлари ёниб турарди. Сэнгстек Молленхауэрнинг котиби ролига жуда мос тушарди. Юзига бир қараган одам у Стинерни хўжайинининг кўрсатмаларига амал қилишига мажбур қила олишига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Ҳозир Стинерни тезлик билан кўнка темир йўллари акцияларини Батлернинг “Тай энд Компани”даги маклерлари орқали Молленхауэрнинг майда гумашталаридан бири номига, кейин эса ўз навбатида, хўжайиннинг номига ўтказишга кўндириш унинг вазифаси эди. Бу қогозлар учун Стинер оладиган озгина пул ғазначилиқдаги камомадни ёпишга кетиши керак эди. “Тай энд Компани” ишни шундай олиб бора оладикки, бу қогозлар ҳеч кимнинг қўлига тушмайди ва оддий биржа операциясидек кўринади.

Сэнгстек хўжайинининг кизиқишларидан келиб чиқиб, Стинернинг ишлари қай аҳволдалигини текширишга ҳам улгурган ва йўл-йўлакай Стробик, Уайкрафт ва Ҳармонлар ғазначилиқдан нима учун пул олишганини ҳам билиб олганди. Бошқа бир одам орқали бу учликка ҳам танлов таклиф қилинган экан: ёки қўлларида бор акцияларни сотиш ёки суд олдида жавоб бериш. Уларга кўнгилчанлик қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди: улар ниҳоят Молленхауэрнинг сиёсий машинасидаги майда ғилдиракчалар эди, холос. Сэнгстек Стинерга ўз молмулкани ҳеч кимга ўтказмасликни ва ҳеч кимнинг, айниқса, Каупервуднинг маслаҳатига қулоқ солмасликни қатъий буюриб, жўнаб кетди.

Ишларнинг бунақасига айланиб кетгани Молленхауэрга ёқиб кетганини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Энди

Каупервуд унга мурожаат қилишга мажбур бўлса керак. У шундай қилмаса ҳам, яқингинада Каупервуд асосий ролни ўйнаган ишларнинг кўпи энди Молленхауэрнинг қўлида. Энди рости ёлғон гаплар билан қолганларини ҳам қўлга кирита олса, Симпсон ва Батлер кўнка темир йўллари ҳақида оғиз ҳам оча олишмайди! Унинг бу ишдаги улуши энди нафақат бошқа акция эгалариникидан кўп, балки катта қудратга айланади.

**К**аупервуд душанба куни, кечки пайт яна Стинернинг олдига келганда аҳвол ана шундай эди. Ғазначи ўз хонасида ёлғиз, тушкунликка тушган, ақлдан озгудек ҳолатда ўтирарди. У Каупервудни яна бир марта кўришга мушток, бироқ айна пайтда у билан учрашишдан кўрқаётгани ҳам.

– Жорж, – пайсалга солмай, гап бошлади Каупервуд, – менинг бир дақиқа ҳам вақтим йўқ ва сизга охириги марта айтиш учун келдим: банкрот бўлишимни хоҳламасангиз, менга уч юз минг қарз беришингиз керак. Бугун ишлар жуда чаток. Мен бутунлай ёмон аҳволдаман. Узоқ вақт бундай давом этиши мумкин эмас.

Каупервуд Стинернинг юзига тикилди ва унинг юзида кўрқув ва оғрикли ҳамда инкор этиб бўлмайдиган ўжарликни кўрди.

– Чикаго ёняпти, лекин тез орада уни янгидан қуришни бошлашади. Ва ўшанда ишлар бошқача тус олади. Шунинг учун ақлингизни йиғиб олинг ва менга ёрдам беринг. Кўрқувга йўл берманг!

Стинер креслосида асабийлик билан ғимирлаб кўйди.

– Бу сиёсатдонлар сизни кўрқитишларига йўл кўйманг. Бу ваҳималар бир неча кундан кейин босилади ва сиз билан янада бойиймиз. Молленхауэр билан кўришдингизми?

– Ҳа.

– Хўш, у сизга нима деди?

– Ўзим кутган гапни айтди. У менга сиз билан бирор ишни амалга оширмасликни буюрди. Фрэнк, мен бундай

қила олмайман, тушуняпсизми – қила олмайман!.. – бақирди Стинер ўрнидан сакраб тураркан. У қаттиқ асабийлашганидан, ҳатто бир жойда ўтиролмаётганди. – Бундай қила олмайман! Улар мени бурчакка тикиб қўйишди, бизнинг ҳамма ишимиз уларга маълум экан. Менга қаранг, Фрэнк, – Стинер кўлини силтади, – сиз мени бу фалокатдан қутқаришингиз керак! Сиз менга ўша беш юз минг долларни қайтаришингиз керак, акс ҳолда, мен тамомман! Агар қарзни қайтармасангиз ва банкрот бўлсангиз, мени қамокқа тикишади. Менинг эса хотиним ва тўртта болам бор. Мен бунга чидай олмайман. Сиз ўзингизни йўқотиб қўйдингиз! Аслида таваккал қилишга ҳақким йўқ эди! Агар сиз мени кўндирмаганингизда, бундай таваккалга қўл урмаган бўлардим. Аввалига бу нима билан тугашини тасаввур ҳам қилмагандим. Етар, Фрэнк! Мен бундай қила олмайман! Сизга ўзимнинг ҳамма акцияларимни бераман, сиз эса менга беш юз минг долларни берасиз ва шу билан орамиз очик!

Стинер жим бўлиб, қўли билан терлаб кетган пешонасини артди ва ялинчоқ нигоҳини Каупервудга тикди. Каупервуд эса, ўз навбатида, унга совуқ назар билан тикилиб қолди. У инсон табиатини яхши билар ва ваҳима пайтида одам ўзини ғалати тутишидан ажабланмасди. Бирок ҳозир Стинернинг ўзини тутиши ҳаммасидан ошиб тушганди.

– Жорж, мен кетгандан сўнг яна ким билан кўришингиз? Олдингизга кимлар келганди? Сэнгстекка нега керак бўлиб қолибсиз?

– У менга Молленхауэр айтган гапларни айтди. Ҳеч кимга ҳеч қандай шароитда бошқа қарз бермаслик, асосийси, беш юз минг долларни иложи борича тезроқ қайтариб олишни буюрди.

– Наздингизда Молленхауэр сизга ёрдам бермоқчи, шундайми?.. – сўради Каупервуд бу одамга бўлган нафратини яширишга беҳуда уриниб.



## Теодор Драйзер

– Умид қиламанки, шундай. Фрэнк, у бўлмаса яна ким менга ёрдам бера олади? Молленхауэр шахримиздаги буюк кучлардан бири.

– Менга қаранг, Жорж, – Стинерга тикилиб туриб, яна гап бошлади Каупервуд. Бироз жим туриб, сўнг давом этди, – Молленхауэр кўнка темир йўллари акцияларингизни нима қилишни буюрди?

– “Тай энд Компани” орқали сотиш ва пулларини ғазначиликка қўйишни буюрди.

– Кимга сотиш керак экан? – сўради Каупервуд Стинернинг охирги сўзларини диққат билан ўйлаб кўриб.

– Саволингиз ғалати – ким хоҳласа, ўшанга бўлса керак.

– Ҳаммаси тушунарли, – деди Каупервуд гап нимадалигини англаб. – Ўзим ҳам шундай деб ўйлаётгандим. Жорж, улар сизни талон-торож қилишяпти, бор бойлигингизни ўзлаштириб олишмоқчи. Молленхауэр бурнингиздан ип ўтказиб олибди. У ҳозир сизнинг талабингизни қондира олмаслигимни, яъни беш юз минг долларни қайтара олмаслигимни яхши билади. Шунинг учун ҳам у ҳамма акцияларингизни биржага ташлашга мажбур қилмоқчи, у ердан қандай ўмаришни эса яхши билади. У ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганига ишончингиз комил бўлаверсин. Сиз унинг гапига кулоқ солишингиз билан мен унинг чангалида бўламан, ҳар ҳолда у, тўғрироғи, улар – Батлер, Симпсон ва Молленхауэрлар шундай деб ўйлашади. Улар учаласи биргаликда бутун шаҳар кўнкасини қўлларига олишмоқчи, буни биламан, ҳис қилиб турибман. Буни қачондан бери кутаётгандим. Молленхауэр сиз ҳақингизда ўйлаётгани ҳам йўқ. Гапим эсингизда турсин: акцияларингизни сотишингиз билан у сизга қизиқмай ҳам қўяди. Кўнка темир йўлларига алоқангиз бўлмай қолгандан кейин наҳотки у сиз учун нимадир қилади, деб ўйлаётган бўлсангиз? Бўлмаган гап! Агар шу гапларга ишонаётган бўлсангиз, Жорж, демак,

мен ўйлагандан ҳам кўра тентакроқ экансиз! Ақлингизни йиғиштириб олинг! Ўзингизни шу даражада йўқотиб қўйишингиз керак эмас-ку, ахир! Ақлингизни йиғинг ва хатарнинг юзига тик қаранг. Сизга ҳаммасини тушунтириб бераман. Агар мени қўллаб-қувватламасангиз, агар узоғи билан эртага эрталабгача уч юз минг доллар бермасангиз – мен тамом бўлган одамман ва сиз ҳам! Аслида эса, ишларимиз жуда ҳам ёмон эмас. Акцияларимиз бугун аввалгидан каттароқ қийматга эга. Тушунсангиз-чи, ахир, жин урсин: бу акциялар амалда бор темир йўллар акциялари. Йўллар – фойда келтирадиган иш. Ўн еттинчи ва Ўн тўққизинчи кўчаларнинг линиялари ҳозирнинг ўзида кунига минг доллар фойда келтиряпти. Сизга яна қандай исбот керак? Грин ва Коутс линияси ҳар куни беш юз доллар келтиради. Жорж, сиз кўрқоқлик қиляпсиз. Бу аблаҳ найрангбозлар сизни кўрқитиб қўйишибди. Сизда ўзингиздан олдин ишлаган Боуд ва Мэртагларга ўхшаб қарз бериш ҳуқуқи бор. Улар доим шу билан шуғулланишган. Сиз бу ишларни Молленхауэр ва унинг атрофидагиларнинг манфаати учун қилаётганингизда ҳаммаси жойида эди! Шаҳар газначилигининг маблағларини банкка қўйиш нималигини ўйлаб кўрамиз. Ахир бу ҳам ўша ссуданинг ўзи эмасми?

Каупервуд амалда кенг қўлланиладиган шаҳар маблағларининг бир қисмини масалан, амортизация фондиди, жуда кам фоиз билан ёки умуман фоизсиз Молленхауэр, Батлер ва Симпсонлар билан боғлиқ бўлган банкларга депозитга қўйишни кўзда тутаётганди. Бу уларнинг “қонуний” қиримлари ҳисобланарди.

– Жорж, кутулиб қолишингиз учун мавжуд охириги имкониятдан воз кечманг! Куролингизни ташламанг! Бир неча йилдан кейин миллионларингиз бўлади ва умрингизнинг охиригача қўлингизни қовуштириб ишламай ўтиришингиз мумкин. Биттагина иш қолади – қўлингизда борини асраш. Ишонтириб айтаманки, мен банкрот бўлишим билан улар сиздан воз кечишади ва

## Теодор Драйзер

камалишингизга бемалол йўл қўйиб беришади. Жорж, сизнинг ўрнингизга ким шаҳар ғазначилигига беш юз минг доллар беради? Молленхауэр ёки Батлерми ёки бошқасими, шу пайтда шунча пулни қаердан олади? Ҳозир буни тасаввур қилиш қийин. Улар бундай қилмоқчи ҳам эмас. Мен тамом бўлганимдан сўнг навбат сизга келади, бироқ мени эмас, сизни жиноятчи сифатида таъқиб қилишади. Жорж, улар менга ҳеч нарса қила олмайди. Мен шунчаки маклерман. Сизни чақирмаганман. Олдимга ўзингиз, ўз хоҳишингиз билан келгансиз. Агар менга ёрдам бермасангиз, сизнинг кунингиз битди, тўппа-тўғри қамоққа кетасиз, буни сизга очиқ айтяпман. Жорж, нега ўзингизни ҳимоя қилмаяпсиз? Нега бунга уриниб кўришни ҳам хоҳламаяпсиз? Сизнинг хотинингиз, тўртта болангиз бор, улар ҳақида ўйлашга мажбурсиз. Менга яна уч юз минг берсангиз, нима ўзгариб қолиши мумкин? Агар сизни жавобгарликка тортишса, камомад беш юз мингми, саккиз юз минг долларми, бунинг фарқи йўқ. Асосийси, шу пулни қарзга берсангиз, суд тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. У ҳолда менга банкротлик хавф солмайди. Бир ҳафта, ўн кундан кейин бўрон тўхтади ва биз яна бой бўламиз. Худо ҳақки, ўзингизни қўлга олинг! Ўзингизни босиб олиб, ақл билан иш қилинг.

Каупервуд жим бўлиб қолди, чунки Стинернинг юзи кўрққанидан бўзариб кетаётганди.

– Фрэнк, бундай қила олмайман!.. – ингради у. – Сизга айтяпман – қила олмайман! Улар мени виждони қийналмасдан йўқ қилиб ташлашади. Сиз бу одамларни билмайсиз.

Стинернинг бундай шармандаларча ожизлигида Каупервуд гўё ўз тақдирининг аянчли ҳукмини ўқигандек бўлди. Бундай одам билан нима қилиш мумкин? Қандай қилиб уни ўзига келтирса бўлади? Йўқ, бари бефойда!

Каупервуд нафрат, мағрурона бепарволик ва барча ўғитларни рад этишини англатувчи ишора билан эшик томонга йўналаркан, остонада яна тўхтади:

– Жорж, чин кўнгилдан сизга, ўзимга эмас, сизга ачинаман. Мен эртами-кечми, қайтиб келаман. Бой бўламан. Бироқ Жорж, сиз ҳаётингизда энг катта хато қиляпсиз. Сиз камбағал бўлиб қоласиз, камаласиз, бироқ ўзингиздан бошқа ҳеч кимни айблай олмайсиз. Биржа билан боғлиқ бу аҳвол ёнғин туфайли содир бўлди. Менинг ишларим, ваҳима сабаб биржадаги қимматбаҳо қоғозларнинг нархи тушиб кетганини ҳисобга олмаса жой-жойида. Сиз эса бу ерда кўлингизда пул туриб, қандайдир фитначилар сизни кўрқитишларига йўл қўйиб ўтирибсиз. Уларни қизиқтирган нарса – фақат сизни қандай қилиб бўлса ҳам шилиб олиш. Тушунинг: улар сизни қутқариши мумкин бўлган биттагина қадамни кўйишингиздан ушлаб туришибди. Икки ёки уч ҳафтадан кейин сизга беш барабар қилиб қайтаришим мумкин бўлган қандайдир уч юз минггина пул учун сиз касод бўлишимга, ўзингизни эса камокқа тикишларига тайёрсиз. Сизни умуман тушунмаяпман, Жорж! Сизнинг аклингиз жойида эмас! Сиз ҳали ўлгунча пушаймон қиласиз!

Каупервуд, балки, сўзларим охириги дақиқада таъсир қилиб қолар деб бироз кутди, бироқ Стинер ҳали ҳам бирор нимани ўйлашга қодир эмаслигини кўриб, бош чайқаб қўйди ва чиқиб кетди.

У ўз ҳаётида биринчи марта руҳан чарчаганини, ундан ҳам кучлироғи – умидсизликни ҳис қилди. У юнон мифологиясидаги орқасидан фурия (қасос олувчи учта маъбудадан биттаси) юрувчи одам ҳақидаги афсонага қулиб қарарди. Бироқ ҳозир чиндан ҳам ўзининг ортидан фалокат юрганга ўхшайди. Жуда ҳам ўхшаяпти. Бироқ у ўзини кўрқитишларига йўл қўймайди.

Мана шу оғир кечинмалар исқанжасида ҳам у бошини баланд кўтарганча елкаларини тўғрилаб, одатдагидек дадил қадам билан чиқиб кетди.

Стинернинг хонасига ёндош хонада у канцелярия бошқарувчиси ва шаҳар ғазначисининг котиби Стайерсни

## Теодор Драйзер

учратиб қолди. Каупервуд унга доим дўстона муносабатда бўлар ва кўп бора шаҳар заёмига тегишли иккинчи даражали ишларни бирга муҳокама қилганди, чунки Стайерс молия операцияларининг нозик томонларини ҳамда ҳисоб-китобни бошлиғидан кўра яхшироқ тушунарди.

Стайерсни кўриб Каупервуд кутилмаганда ўзи олтмиш минг долларга сотиб олган шаҳар заёми сертификатларини эслаб қолди. Фрэнк уларни амортизация фондига топширмаган ва бунга имкони йўқлиги учун қўлида яна маълум миқдордаги пул бўлмагунча яқин кунларда топширмақчи ҳам эмас эди. Гап шундаки, у бу сертификатларни шошилиш тўловларни қоплаш учун тўлаган, уларни қайта сотиб олиш учун эса на пули, на хоҳиши бор эди. Қонун бўйича Каупервуд тезлик билан бу сертификатларни шаҳар газначилигига депозитга қўйиши ва фақат шундан кейингина газначидан улар учун компенсация олиши мумкин эди. Бошқача айтганда, Каупервуд шахсан ўзи ёки агентлари орқали сотиб олган сертификатларини банкка ёки бошқа бир молиявий идорага топширгани тўғрисида маълумотни унга топширмагунча, шаҳар газначисининг бу турдаги операцияга пул тўлашга ҳаққи йўқ эди. Аслида эса, на Каупервуд, на Стинер шу пайтгача бу қонунга риоя қилишганди. Каупервуд амортизация фонди учун истаган суммага шаҳар заёми сертификатини сотиб олиб, уни хоҳлаган ерида гаровга қўйиб, унга ҳеч кимдан ҳеч қандай тасдиқсиз шаҳар газначилигидан кераклича компенсация оларди. Ойнинг охирида газначилик одатда ҳар хил манбалардан дефицитни ёпиш учун қанча керак бўлса, шунча сертификат йиға олар, бироқ – бу нарса жуда кўп марта қайтариларди – сертификатлар гаровга қўйиб олинган пуллар Каупервудга унинг биржа найранглари учун керак бўладиган бўлса, дефицитга умуман панжа орасидан қараларди. Албатта, бу қонунга зид эди, бироқ на Каупервуд ва на Стинер қонун билан ҳисоблашишни хоҳламасди.

Айни пайтдаги кийинчилик шунда эдики, Каупервуд Стинердан сертификатларни сотиб олиш ва сотишдан тўхтаб туриш тўғрисида буйрук олганди; бу буйрук унинг шаҳар газначилиги билан муносабатини қатъий расмий макомга солиб қўйганди. Тўғри, сертификатни охирги марта хат олишидан олдин сотиб олганди, бироқ Каупервуд уларни фондга топширмаганди. Ҳозир эса у ўзи сарф қилган суммага чек топиши керак эди; бироқ оининг охирида балансларни ҳисоблашнинг эски ва қулай тизими, эҳтимол, йўқ бўлиши мумкин-ку! Стайерс ундан сертификатларни топширгани тўғрисида банкнинг тилхатини сўраб қолиши мумкин. У ҳолда Фрэнк олтмиш минг долларнинг чекини ўла қолса ҳам кўрмайди, чунки унинг қўлида қоғоз йўқ ва бундан келиб чиқадики, уларни депозитга қўйишнинг иложи йўқ. Агар Стайерс ҳеч нарса талаб қилмаса, у ҳолда Каупервуд керакли чекни олади, бироқ кейинчалик бундай фирибгарлик суд иши учун асос бўлиши мумкин. Агар Каупервуд банкрот бўлгунича сертификатларни топширмаса, уни кейин муттаҳамликда айблашлари мумкин.

Бироқ, ўз-ўзига деди Каупервуд, у банкрот бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар у иш олиб борадиган атиги бир нечта банк ўз қарашини ўзгартириб, ундан қарзларини қоплашини талаб қилмай турса, у қутулиб қолади. Қизик, агар Фрэнк нима қилиб бўлса ҳам ўзига керакли чекни олса, Стинер шовқин кўтарармикин? Бунга шаҳарнинг корчалонлари қандай қарашади? Агар Стинер иш кўзгайдиган бўлса, бу ишни бошлайдиган прокурор топилармикин? Йўқ, бундай бўлмаса керак ва умуман бу ерда қўрқадиган ҳеч нарса йўқ. Истаган суд маклер ва мижоз – Каупервуд ва Стинер ўртасидаги битимни эътиборга олади. Ва, умуман, пул унинг қўлида бўлгандан кейин Стинернинг бу маблағни эсга олиш эҳтимоли юздан бирга тенг. Бу сумма қопланмаган мажбуриятларга қўшиб юборилади.

## Теодор Драйзер

Бу фикрлар Каупервуднинг хаёлидан чакмоқ тезлигида ўтди. Таваккал қилиб кўриш керак. У котибнинг олдига яқинлашди.

– Альберт, менга қаранг, – паст овозда деди у, – эрталаб амортизация фонди учун шаҳар заёмининг олтмиш минг долларлик сертификатини олгандим. Эртага чек учун одам юбораман, ундан ҳам яхшиси, чекни ҳозир ёзиб бера қолинг. Операцияларни тўхтатиш хақидаги билдириш хатингизни олдим. Ҳозир идорамга кетяпман. Сиз шунчаки донаси етмиш беш-саксон доллардан саккиз юзта облигацияни амортизация фондига киритиб қўйишингиз мумкин. Тўлиқ рўйхатни эса сизга кечроқ юбораман.

– Хўп бўлади, жаноб Каупервуд, – дарров розилик билдирди Альберт. – Эшитишимча, акцияларнинг курси жуда пасайиб кетаётганмиш-а? Сизга бу нарса таъсир қилмагандир?

– Қисман таъсир қилди, Альберт, – жилмайиб жавоб берди Каупервуд Стайерс чек ёзаётганида.

Ҳозир ахмоқона тасодиф туфайли Стинер хонасидан чиқиб келиб, чек берилишига тўсқинлик қилса-я? Аслида, бу қонуний операция! Унинг, яъни Каупервуднинг бу чекни олишга ҳақи бор, албатта, облигацияларни амортизация фондининг сақловчисига депозитга қўйган тақдирда.

Каупервуд Альбертнинг бланк қоғозини тўлдиришини ҳаяжон билан кутиб турарди ва чек кўлига тушгандан кейингина енгил тортиб хўрсиниб қўйди. Олтмиш минг доллари бор, кечкурун эса унга ваъда қилинган етмиш беш минг доллари бўлиши мумкин. Эртага яна ўзи қарздор бўлган Китчен, Уолтер Ли, “Жей Кук энд Компани”, “Кларк энд Компани” фирмаларининг вакиллари (бу рўйхат жуда узун эди) билан кўришиб, ишлар қандайлигини билиши керак бўлади. Вақтдан юта олса эди. Ҳеч бўлмаса, бир ҳафтага вақтни чўза олса эди!

**Б**ундай тиғиз пайтда орқага суриш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмасди. Дўстлари қарзга берган етмиш беш минг ва Стайерсдан ундиргани – олти миш мингни Каупервуд Жирард миллий банкидаги қарзини қоплашга ишлатди; қолган ўттиз беш минг долларни эса уйдаги сейфига солиб қўйди. Кейин у охириги марта банк ва молия арбобларига ёрдам сўраб мурожаат қилди, аммо рад жавобини олди. Аммо ҳатто ана шу энг оғир пайтларда ҳам Каупервуд бўшашмаётганди. У ўз хонасининг деразасидан кичкина ҳовлига қараб, хўрсиниб қўйди. Яна нима қилиш мумкин?

У отасини нонуштага таклиф қилиб, хат жўнатди. Иккинчи мактубни эса ўзи жуда яхши кўрадиган, ўзининг тенгдоши бўлган йигит – юрисконсулт Ҳарпер Стежерга юборди. Каупервуднинг ақли борган сари вақтдан ютиш учун янги ва янги режаларни ишлаб чиқаётган, бироқ банкрот бўлишдан қочишнинг иложини кўрмаётган эди. Ундан ҳам баттари – унинг шаҳар ғазначилиги билан фирибгарликлари очилиб қоладиган бўлса, нафақат ижтимоий, ҳатто сиёсий жанжал ҳам чиқиши мумкин. Унга хавф солаётган энг кўрқинчли нарса, бу – шаҳар маблағини талон-торож қилишда иштирок этганликда айбланиши мумкинлиги эди. Рақобатчилари бу ишни кўпиртириб юбориш учун яхшигина ҳаракат қилишади. Албатта, банкрот бўлгандан кейин ҳам у оёққа тура олади, бироқ бу осон бўлмайди! Отаси бўлса... Отасини ҳам тинч қўйишмайди. Балки, у банк директорлиги вазифасидан кетишга мажбур бўлар.



## Теодор Драйзер

Каупервуднинг хонасига идоранинг югурдаги кириб, Эйлин Батлер ва у билан бир пайтда Альберт Стайерслар келганини хабар қилганда, йигитнинг хаёли мана шу ўйлар билан банд эди.

– Мисс Батлерни таклиф қил, – деди Каупервуд ўрнидан кўзгагиб. – Жаноб Стайерсга эса кутиб туришини айт.

Эйлин қатъий, шахдам қадамлар билан кириб келди. Эгнидаги тўқ кизил тугмачали чиройли тилларанг-кўнғир либоси унинг гўзал қоматини яна ҳам бўрттириб турарди. У бугун бошига узун патли кичкинагина жигарранг шляпа кийиб олган бўлиб, ўз назарида бу шляпа унга жуда ярашарди. Бўйнида эса уч қатор тилла мунчоқ бор эди. Кўлларига одатдагидек қўлқоп, кичкина оёқларига эса ажойиб ботинка кийиб олган эди. Кўзларида болаларча ғамгин ифода бор бўлиб, у ҳар қанақасига буни яширишга уринаётганди.

– Севгилим!.. – деди у кўлларини Фрэнкка чўзиб. – Нима бўлди? Кеча кечкурун сендан ҳамма нарса ҳақида сўрагим келаётганди! Наҳотки сенга банкротлик хавф солаётган бўлса? Отам ва Оуэн кечкурун шу ҳақда гаплашишди.

– Айнан нималар дейишди? – кизни кучиб, унинг хавотирга тўла кўзларига хотиржамлик билан тикиларкан сўради Каупервуд.

– Вой, биласанми, отамнинг сендан жуда жаҳли чиққан. У биздан гумонсираяпти. Кимдир унга аноним хат ёзибди. Кеча кечкурун у мени сўроқ қилди, лекин ҳеч нарсага эриша олмади. Мен ҳаммасини рад қилдим. Бугун эрталаб бу ерга икки марта келиб кетдим, сен эса йўқ экансан. Отам сени мендан олдинроқ кўриб қолса, ҳаммасини айтиб қўясан деб роса кўрқдим.

– Эйлин, мен айтаманми?

– Йўқ, албатта, йўқ! Бундай ўйламадим. Тўғриси, нима ўйлаганимни ўзим ҳам билмайман. Азизим, шундай хавотирдаманки! Туни билан ухламадим. Ўзимни кучли

деб ўйлардим, сен учун жуда хавотирландим! Биласанми, отам нима қилди: юзимни яхшироқ кўриш учун ойнанинг рўпарасидаги, столининг ёнидаги креслога ўтқазиб қўйиб, менга ўша хатни кўрсатди. Биринчи дақиқаларда шошиб қолдим ва ҳозир нималар деганимни эслолмаяпман ҳам.

– Ҳар ҳолда нималар дединг?

– “Бу қандай шармандалик! Бу ёлғон!” дедим, шекилли. Бироқ дарров гапирмадим. Юрагим худди темирчининг болғасидек ураётганди. Отам юзимдаги ифодадан ҳаммасини тушунди деб кўрқаман. Ҳатто нафасим бўғилиб қолай деди.

– Отанг ақлли одам, – деди Каупервуд. – У ҳаётни билади. Ҳозир қандай кийин шароитда эканимизни энди ўзинг кўриб турибсан. Яхшиям, у аввал хатни сенга кўрсатибди, дарров уйни кузатишни бошламабди. Афтидан, бундай қилиш унга кийин бўлса керак. Ҳозир эса у ҳеч нарсани исботлай олмайди. Аммо ҳаммасини билади, уни алдаб бўлмайди.

– Нега у ҳаммасини билади деб ўйлаяпсан?

– Кеча у билан кўришгандим.

– Отам сенга бирон нима дедими?

– Йўқ. Аммо унинг юзини кўрдим: қарашининг ўзи кифоя бўлди.

– Азизим! Бироқ мен отамга ҳам ачиниб кетяпман!

– Албатта. Мен ҳам ачинапман. Бироқ энди кеч. Бу ҳақда аввалроқ ўйлаш керак эди.

– Лекин мен сени жуда севаман! Оҳ, азизим, отам мени ҳеч қачон кечирмайди! У мени жонидан ортиқ яхши кўради. У билиши керак эмас! Мен ҳеч нарсани тан олмайман! Бироқ... вой Худойим, Худойим!..

Қиз қўлларини кўксига босди, Каупервуд эса уни овутишга уриниб, кўзларига тикилди. Эйлиннинг киприклари пирпираб, лаблари титрарди. У отаси учун, Фрэнк учун, ўзи учун ҳам эзилиб кетаётганди. Фрэнк қизга қараб туриб, Батлернинг оталарча муҳаббати қудрати-

## Теодор Драйзер

ни, шу билан бирга, кекса пудратчининг ғазаби кудрати ва хатарини ҳис қилди. Бу ерда қанча турли вазиятлар аралашиб кетган ва ҳаммаси қандай ҳалокат билан тугаши мумкин эди!

– Бўлди, бўлди! – деди у. – Энди бунинг фойдаси йўқ. Менинг кучли, жасур Эйлиним қани? Сени кучли деб ўйлагандим. Наҳотки янглишган бўлсам? Ҳозир кучли бўлишинг мен учун жуда муҳим.

– Чинданми?

– Бўлмаса-чи!

– Кўнгилсизлик кўпми?

– Мени, азизам, банкрот бўлиш кутяпти, шекилли.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Ҳа, жонгинам, шундай! Мен боши берк кўчага кириб қолдим. Ҳозирча чиқиш йўлини кўрмаяпман. Ҳозир отам билан Стежер – юристимни кутяпман. Бу ерда кўп қолиш ҳозир сенга тўғри келмайди. Отанг ҳам истаган дақиқада келиб қолиши мумкин. Эртага куннинг иккинчи ярмида сен билан каердадир учрашишимиз керак. Уиссахикон кирғоғидаги Ҳиндулар қоясини биласанми?

– Биламан.

– Эртага соат тўртда ўша ерда бўла оласанми?

– Ҳа.

– Фақат орқангдан кузатишмаяптими, қарагин. Агар соат тўрт яримгача келмасам, мени кутма. Бу мени кузатишаётганига гумон қилганимни билдиради. Кўрқадиган нарса йўқ, лекин эҳтиёт бўлиш керак. Энди эса, азизам, бора қол. 931-уйга энди бора олмаймиз. Бошқа бирор жойни қидириб кўриш керак бўлади.

– Азизим, буларнинг ҳаммаси қанчалар даҳшатли!

– Ҳечкиси йўқ, Эйлин, сен катта қизсан ва ўзингни қўлга ола биласан. Бу мен учун жуда муҳимлигини кўриб турибсан.

Каупервуд қизнинг олдида биринчи марта шундай кайфиятсиз ҳолда эди.

– Яхши, азизим, яхши! – деди Эйлин уни кучоклаб, ўзига тортаркан. – Менга бемалол ишонишинг мумкин! Фрэнк, сени шундай севаманки! Шунга ғамдан адо бўл-япман! Эхтимол, банкрот бўлмассан ҳам? Бироқ бунинг бизга нима кизиғи бор, азизим, ахир ҳеч нарса ўзгармайдик, тўғрими? Ахир бундан севгимиз камайиб қолмайдик? Сен учун ҳамма нарсага тайёрман, азизим! Ҳамма нарсада сенга қулоқ соламан. Ишонавер! Мендан ҳеч ким ҳеч нарса била олмайди!

Эйлин йигитнинг ранги кетган, тунд чехрасига тикиларкан, кўнглида севган одами учун курашга тайёрлиги борган сари кучайиб борарди. Унинг севгиси гуноҳ, ахлоқсиз, ноқонуний севги эди. Бироқ бу муҳаббат эди! Қонун юз ўтирган севгига эса одатда оташин жасорат хос бўлади.

– Мен сени севаман! Фрэнк, жуда ҳам севаман! – шивирлади у.

Фрэнк ўзини унинг кучоғидан бўшатди.

– Боракол, севинчим, бор! Ёдингда тут – эртага соат тўртда! Мен сени кутаман. Асосийси, ҳеч кимга индама. Ҳеч кимнинг олдида ҳеч нарсани бўйнингга олма.

– Хотиржам бўл.

– Мендан хавотир олма. Ҳаммаси яхши бўлади.

Каупервуд бўйинбогини тўғрилаб, эндигина стулга ўтирганида хонага ранги девордек оппок, ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўйган Стинернинг идора бошқарувчиси кириб келди.

– Жаноб Каупервуд, кеча мен сизга ёзиб берган чек эсингиздами?.. Жаноб Стинер айтяптики, бу ноқонуний экан, ундай қилишга ҳаққим йўқ экан. У ҳамма жавобгарликни бўйнимга юклаш билан мени кўрқитяпти. Унинг айтишича, мени жиноятда иштирок этишда айблаб қамашлари мумкин экан ва агар чекни қайтармасам, мени қамокқа тикармиш. Жаноб Каупервуд, ахир мен ҳали ёшман. Эндигина яхши яшашни бошладим. Хотиним,

## Теодор Драйзер

кичкина ўғлим бор. Нахотки Стинер мен билан шундай қилишига қўйиб берсангиз? Сиз менга бу чекни қайтиб берасиз-а? Тўғрими? Мен усиз ғазначиликка қайтиб бора олмайман. Унинг айтишича, сизни банкротлик кутаётган экан, буни билган экансиз ва мендан чек олишга ҳаққингиз йўқ экан.

Каупервуд йигитга қизиқсиниб қараб турарди. У фалокат элчилари қанчалик турли кўринишда эканидан ҳайратда эди. Ҳа, агар бахтсизлик келадиган бўлса, ҳар томондан бостириб келади. Қўл остидаги одамга бундай айб қўйишга Стинернинг ҳаққи йўқ. Чек билан бўлган операция ноқонуний эмасди. Афтидан, ғазначи кўрқувдан бутунлай эсдан оғиб қолган, шекилли. Тўғри, Каупервуд шаҳар заёми облигацияларини ортиқ сотиб олмаслик ва сотмаслик тўғрисида кўрсатма олган, бироқ бу кўрсатма ўша партия сотиб олингандан кейин келган ва акс кучга эга эмас. Стинер нима қилиб бўлса ҳам ўша чекни қайтариб олиш учун ўзидан кўра ақллироқ бўлган бечора котибини кўрkitган. Кўрқок! Кимдир тўғри айтган экан: тентак одам қилиши мумкин бўлган пасткашликнинг чегараси йўқ!

– Альберт, Стинернинг олдига бориб, унга бунинг имкони йўқ экан деб айтинг. Шаҳар заёмининг облигациялари ундан буйруқ келгунча сотиб олинган, буни фонд биржасининг протоколларидан бемалол текшириш мумкин. Бу ерда ноқонуний ҳеч нарса йўқ. Мен бу чекни олишга ҳақлиман ва мурожаат қилишим мумкин бўлган исталган суд бу ишни менинг фойдамга ҳал қилади. Стинерингиз бутунлай калласини еб қўйибди. Мен ҳали банкрот бўлганим йўқ. Сизга ҳеч қандай суд иши таҳдид солмайди, агар шунга ўхшаган нарса содир бўлса, мен сизни ҳимоя қилиш йўлини топаман. Чекни қайтариб бера олмайман, чунки у менда эмас, бироқ бўлганда ҳам уни бермасдим. Чунки бу билан мени аҳмоқ қилишларига йўл қўйиб берган бўлардим. Жуда афсусдаман, бироқ сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман.

– О, жаноб Каупервуд! – Стайерснинг кўзларида ёш йилтиради. – Стинер мени ишдан хайдаб юборади! Қўйган гаров пулимни мусодара қилади ва кўчага хайдаб чиқаради! Менинг маошдан бошқа ҳеч нарсам йўқ!

Стайерс қўлларини силтай бошлади, бироқ Каупервуд фақат ачиниб бошини чайқаб қўйди.

– Альберт, ҳаммаси сиз айтаётганчалик даҳшатли даражада эмас. Стинер фақат кўркитяпти. У сизга ҳеч нарса қила олмайди. Бу адолатсизлик ва ноқонуний бўлади. Сиз бунинг учун уни судга беришингиз мумкин. Мен сизга ёрдам бериш учун қўлимдан келганини қиламан. Бироқ олтмиш минг долларлик чекни сизга бера олмайман, чунки у менда эмас, тушунапсизми? Бу ерда қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Қайтараман: чек менда эмас. У облигациялар тўлови учун кетди. Бу облигациялар ҳам қўлимда эмас. Улар амортизация фондида ёки яқин вақт ичида ўша ерда бўлади.

Каупервуд бу гапни айтиб юборганидан афсусланиб, тўхтаб қолди. Охирги сўзларни билмай айтиб юборди; бунақа ҳолат унда жуда камдан-кам бўлар, ҳозир эса бунга вазиятнинг жуда оғирлиги сабаб бўлган эди. Стайерс ялинишда давом этди, бироқ Каупервуд бу ялинишларнинг бари бефойдалигини такрорлади. Ниҳоят кўрқиб, руҳи тушиб кетган йигит қайтиб кетди. Унинг кўзлари жикка ёш эди. Каупервуд унга чин дилдан ачинди.

Стайерснинг орқасидан эшик ёпилишга улгурмай, Каупервудга отаси келгани тўғрисида хабар беришди. Қария жуда эзилган ҳолатда эди. Шу яқин орада улар Фрэнк билан тонг отгунча суҳбатлашган, бироқ суҳбатларининг маҳсули келажакка ишончсизлик ҳиссигина бўлди, холос.

– Хайрли кун, отажон! – отасининг кайфияти йўқлигини сезиб, кулиб салом берди йигит. Қутулиб кета олишига ишонч йўқлигини ҳозир ўзи ҳам тушунган, бироқ бунга бўйнига олганидан нима фойда?

– Хўш, ишлар қалай? – кўзларини зўрға кўтариб ўғлига қаради Ҳенри Каупервуд.

## Теодор Драйзер

– Нима десам экан, даҳшатли булутлар босиб келяпти. Ота, мен ўз кредиторларимни чакириб, улардан муҳлат беришларини сўрамоқчиман. Бошқа йўл йўқ. Озгина бўлса-да сумма топа олиш имконим йўқ. Мен Стинер фикридан қайтар деб ўйлагандим, бироқ бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳозиргина унинг котиби бу ердан чиқиб кетди.

– Нега келган экан? – сўради катта Каупервуд.

– Кеча сотиб олган шаҳар заёмларининг тўлови учун менга берилган олтмиш минг долларлик чекни унга қайтариб беришимни сўраб келган экан.

Фрэнк бу облигацияларни гаровга қўйгани, чекни Жирард миллий банкидан қарздорлигини қоплаш учун ишлатгани ҳамда яна ўзига ўттиз беш минг нақд олиб қолганини отасидан яширди.

– Ҳа, буниси энди ортикча, – кекса Каупервуднинг жаҳли чиқди. – Уни ақлли йигит деб юрардим. Ахир бу мутлақо қонуний иш-ку! Облигацияларни сотиб олишни тўхтатиш кераклигини сенга қачон айтди деяпсан?

– Кеча ўн иккилар атрофида.

– У ақлдан озибди, – деди қария қисқагина қилиб.

– Биламан, булар ҳаммаси Молленхауэр, Батлер ва Симпсонларнинг иши. Улар кўнка темир йўллари акцияларимга кўз тикишяпти. Лекин ҳеч нима қила олишмайди! Мабодо ишим юзасидан васий белгиланиб ва ваҳима тингандан кейин бўлмаса! Бу қоғозларни сотиб олиш хукуқининг катта қисми менинг кредиторларимга берилади. Агар хоҳлашса, ана ўшалардан сотиб ола қолишсин! Мана бу беш юз минг доллар билан бўлган воқеа бўлмаса, хавотирланмасдим. Кредиторларим мени кўллаб-қувватлашган бўларди. Бироқ бу овоза қилиниши билан... Яна сайловлар ҳам яқинлашиб қолган! Дэвисон билан муносабатимни бузгим келмагани учун бу облигацияларни гаровга қўйганимни сизга айтиб қўйишим керак. Мен етарлича пул йиғиб, уларни қайтиб

сотиб олмокчи эдим. Ахир, улар аслида амортизация фондида бўлиши керак эди.

Катта Каупервуд гап нимада эканини дарров тушуниб, хўмрайди.

– Фрэнк, бу ишларинг билан ўзингни катта хатарга қўйяпсан!

– Бу шунчаки расмиятчилик, – жавоб берди Фрэнк. – Ким билади, балки, уларни қайтиб сотиб олмокчи бўлгандирман. Ҳа, агар соат учгача улгурсам, шундай қилишга ҳаракат қиламан. Илгари тажрибамда бундай воқеалар бўлганди: амортизация фондига сертификатларни топширгунимча саккиз, ўн кунлар ҳам ўтиб кетарди. Ҳозиргидек ваҳима шароитида ўзим маъқул кўрган усулда ҳаракат қилишга ҳақлиман.

Катта Каупервуд иягини сийпалади. Ўғлидан эшитган гаплари уни жуда хавотирга солаётган, бироқ бу шароитдан чиқиб кета олиш йўлини ҳам кўрмаётганди. Ўзининг ҳам шахсий маблағлари тугади. У бакенбардларини ишқалаб, деразадан ям-яшил ҳовлига қаради. Балки, бу чиндан ҳам фақат расмиятчиликдир – ким билади? Шаҳар газначисининг бошқа маклерлар билан молиявий муносабатлари Фрэнккача ҳам бир тартибга солинмаганди. Бу – ҳар бир банк хизматчисига маълум нарса. Балки, бу ерда ҳам шу одатни эътиборга олишар? Айтиш қийин! Нима бўлганда ҳам, бу таваккал иш ва жуда ҳам тоза эмас. Агар Фрэнк облигацияларни олиб, уларни рисоладагидек депозитга қўйишга улгурганида эди...

– Сенинг ўрнингда уларни қайтиб сотиб олишга уринган бўлардим, – маслаҳат берди кекса Каупервуд.

– Қўлимдан келса, шундай қиламан.

– Қанча пулинг бор?

– Умумий ҳисоблаганда йигирма мингча. Тўловлар тўхташини ҳисобга олиб, қўлимда ҳам озгина нақд пул ушлаб туришим керак.

– Кечқурун менинг қўлимда ҳам саккиз-ўн минг бўлиб қолади.



## Теодор Драйзер

Қария бу пулни уйини қайта гаровга қўйиб топмоқчи эди.

Каупервуд отасига хотиржамлик билан қараб турарди. У ҳамма гапни айтиб бўлган, ортиқ айтадигани қолмаганди.

– Кетганингиздан кейин яна охириги марта Стинерни кўндиришга ҳаракат қилиб кўраман, – деди Фрэнк. – Унинг олдида Харпер Стежер билан бормоқчиман, у мана шу дақиқаларда келиб қолиши керак. Агар Стинер гапида туриб олса, ҳамма кредиторларга хабарнома юбораман, биржа котибига ҳам хабар бераман. Нима бўлганда ҳам, отажон, умидсизликка тушманг! Ўзингизни қўлга олишни урдалайсиз. Мен жарликка қараб кетяпман, Стинернинг озгина ақли бўлса эди... – Фрэнк жим бўлиб қолди. – Бу тентак ҳақида гапиришнинг нима кераги бор!

Каупервуд ойнага қараб, анави лаънати хат бўлмаганида, Батлернинг ёрдами билан ҳаммасини ҳал қилиш осон бўлиши мумкинлигини ўйлади. Батлер, шубҳасиз, унга ёрдам берган бўларди. Бирок энди...

Отаси кетиш учун ўрнидан турди. Тушқунлик кайфияти худди безгак каби унинг бутун баданини тешиб ўтаётган эди.

– Хўш, хўш, – секин пичирлади у.

Каупервуд отасини кўриб азобланиб кетаётганди. Қандай шармандалик! Унинг отаси-я!.. Фрэнк ич-ичидан юраги тўлиб кетаётганини ҳис қилди, бироқ бир дақиқа ўтибоқ ўзини босиб олди ва одатдагидек тез ва аниқлик билан ишлари ҳақида ўйлай бошлади. Отаси чиқиб кетиши билан Каупервуд Харпер Стежерни чақиришларини сўради. Улар қўл беришиб кўришгач, шу заҳоти Стинернинг олдида қараб жўнашди. Бирок Стинер худди ҳавоси чиқиб кетган шар каби бўшашиб қолган, уни ўзига келтиришнинг иложи йўқ эди. Каупервуд ва Стежер ҳеч нарсага эришолмай, қайтиб кетишди.

– Фрэнк, менимча ғам чекишингизга ҳали эрта, – деди Стежер. – Биз қонун асосида бу ишни сайловгача, балки ундан ҳам узоқроқкача чўзиб турамиз, бу пайтда эса ҳамма шов-шувлар тинчийди. Шунда сиз кредиторларингизни йиғиб, уларнинг ақлини киргизиб қўйишга ҳаракат қиласиз. Улар Стинер қамокқа тушиб қолган тақдирда ҳам, ўзларининг қимматбаҳо коғозларидан айрилишни исташмайди.

Стежер Каупервуд гаровга қўйган олтмиш минг долларлик облигациялардан беҳабар эди. У яна Эйлин Батлер ва қизнинг отаси қаттиқ ғазаблангани ҳақида ҳам ҳеч нима билмасди.

•

**Ш** у вақт орасида яна бир воқеа бўлиб ўтдики, Каупервуд бундан хабарсиз қолди. Почтальон жаноб Батлерга қизи ҳақидаги аноним хатни олиб келган куни Каупервуд хоним ҳам худди шу мактуб нусхасини олган, бироқ унда негадир Эйлиннинг номи қайд этилмаганди.

“Афтидан, эрингиз бошқа аёл билан юриши сизга номаълум бўлса керак. Агар ишонмасангиз, Ўнинчи кўчадаги 931-уйни кузатинг”.

Душанба куни эрталаб Каупервуд хоним гулзорда гулларга сув куйиб юрганида, ходима аёл унга хат келтириб берди. Ўша куни эрталаб Лилианнинг кайфияти жуда яхши, чунки тунда бўлиб ўтган гап-сўзлардан хабари йўқ эди. Илгари ҳам баъзи-баъзида Фрэнк молиявий бўҳронларга дуч келган, бироқ улар ҳеч қандай зарарсиз ўтиб кетарди.

– Эни, хатни кутубхонага стол устига қўйинг. Кейин ўқийман.

Лилиан бу қандайдир кечага таклифнома бўлса керак, деб ўйлаётганди. Бир неча дақиқадан сўнг у шошилмай – у шошилишни ҳам билмасди – гулчелакни жойига қўйиб, кутубхонага қараб йўналди. Хат баҳайбат столнинг безакларидан бири бўлган яшил чарм тагликнинг устида ётарди. Лилиан конвертни қўлига олиб, қизиқиб кўздан кечирди (у арзон қоғоз эди) ва хатни очди. Ўқиб кўргач, бироз ранги оқариб, қўллари салгина титради. Эҳтирос билан севишга қодир бўлмагани каби унинг қалбига каттик изтироб чекиш ҳам бегона эди.

Аёл ўзини ҳақоратлангандек ҳис қилди, сўнг хайратга тушди, асосийси, кўрқиб кетганди, бироқ ўзини йўқотиб қўймади.

Каупервуд билан ўн уч йиллик ҳаёт уни кўп нарсага ўргатганди. У эрининг худбинлигини, фақат ўзини ўйлашини ва уни илгаригидек севмаслигини ҳам яхши тушунарди. Унинг бир пайтларги ёшлари орасидаги фарқдан хавфсираши ўзини оқлади. Маълум бир вақтлардан бери Фрэнк уни илгаригидек севмас ва аёл буни доим ҳис қилиб турарди. Бунинг сабаби нима экан, деб баъзан ўз-ўзидан сўрарди Лилиан ва бу савол кўпинча бунинг сабаби ким экан деган маънода жарангларди. Балки, иш эрини шу қадар домига тортиб, у бутунлай молиявий ишларига шўнғиб кетгандир...

Бу хат Лилианнинг ҳукмронлиги тугади деган маънони билдирадими? Фрэнк уни ташлаб кетиши мумкинми? У қаерга боради? Нима қилади? У, албатта, ёрдамга муҳтож эмас, чунки ўзининг маблағи бор ва уни Фрэнкка ишониб топшириб қўйган. Бироқ бу бошқа аёл ким? Ёшми, чиройлими, унинг жамиятдаги ўрни қанақа? Наҳотки бу... Каупервуд хонимнинг нафаси қайтиб кетгудек бўлди: наҳотки... Лилиан ўзи ҳам сезмай оғзини очганча қолди: наҳотки бу Эйлин Батлер бўлса?..

Лилиан мактубга тикилганча ҳаёлига келган бу фикрни нари ҳайдай бошлади. Эйлин ва Каупервуднинг ҳар қанча эҳтиёткорлигига қарамай, уларнинг бир-бирига интилаётганини у кўп марта сезганди. Каупервуд Эйлинни ёқтирар ва доим уни ҳимоя қиларди. Лилианнинг ўзи ҳам кўп марта уларнинг табиатан бир-бирига ўхшашига ҳайрон қолганди. Фрэнк ёшларни яхши кўрарди. Бироқ Эйлин жамият поғонасида ундан анча пастда туради, бунинг устига, Фрэнк уйланган ва иккита фарзанди бор... Унинг жамиятдаги ҳамда молиявий дунёдаги ўрни мустаҳкам ва обрўли, бу эса анча жиддий нарса. Шунга қарамай, Каупервуд хоним ўйланиб қолди: қирк ёш, икки бола, кўз

## Теодор Драйзер

остида ажинлар ва сени илгаригидек севишмайди деган фикр ҳар қандай, ҳатто бой ва мустақил аёлларни ҳам ўйлашга мажбур қилиб қўяди. У, албатта, Каупервудни ташлаб кетиши мумкин, бироқ қаёққа? Одамлар нима дейди? Болалар нима бўлади? Лириан эрини ноқонуний алоқада қўлга тушира оладими? Ўзи буни хоҳлайдими?

Айни пайтда аёл тушундики, у Фрэнкни ҳеч қачон худди бошқа аёллар эрини севганчалик севмаган. Унинг ҳислари севги эмасди. Бутун шу йиллар давомида у эрини ўз ҳаётининг ажралмас қисми деб билган ва эри ҳам ўз навбатида, вафодор бўлиш даражасида унга боғланган ёки жуда бўлмаганда, ишлари билан шунчалик бандки, мана бу хатда ёзилгандек, ҳеч қандай ифлос алоқалар уни руҳий барқарорликдан чиқара олмайди, фаолиятига таъсир қилмайди деб ҳисобларди. Афтидан, у янглишган, шекилли. Энди нима қилади? Нима дейди? Нима қилиши керак? Жуда ҳам ўткир бўлмаган зеҳни шундай вазиятда унга ёрдамга келай демасди. У на келажак ҳақида ўйлай олар ва на кураша оларди.

Ўртамиёна ақл энг яхши ҳолатда оддий механизмни эслатади. Унинг функциялари устрицалар, тўғрироғи, моллюскаларнинг функцияларига ўхшайди. Ўзининг фикрловчи сифон аппаратчаси ёрдамида у борлик ва шароитларнинг буюк уммонига дуч келади. Бироқ бу аппаратча шунчалик кам сувни ютади, уни шунчалик кам ҳайдайдики, унинг иши чексиз ҳаёт деб аталмиш сувли кенгликда акс этмайди. Бундай ақл борлиқнинг қарама-қаршиликларини сезмайди. Ҳаётини бўрон ва ожизликларнинг жаранги, мабодо тасодифан бўлиб қолмаса, уларга етиб бормайди. Тинчгина ўтаётган умр давомида бирдан қўпол ва ўйлашга мажбур қиладиган факт (айни ҳолда юқоридаги хат!) содир бўлиб қоладиган бўлса, у ҳолда бундай ақлда азобли кечинмалар бошланади, унинг ишлаб турган ритми бузилади. Сифон аппарати кераклича ишламай қўяди. У қўрқув ва азобни

Ўзига торта бошлайди. Яхши бириктирилмагаи қисмлари худди ифлосланган машинадек кисирлайди ва ҳаёт ёки сўнади ёки зўрға давом этади.

Каупервуд хонимнинг ақли ўртамиёна эди. Аслида, у ҳаётни умуман билмас ва ҳаёт ҳам уни ҳеч нарсага ўргатмаганди. Унинг ақли атрофда бўлаётган ҳодисаларни қабул қилмасди. У Эйлин Батлердан фарқли ўлароқ, ҳаёт уфуриб турадиган жўшқинликдан умуман мосуво эди, аммо ўзини худди у каби ҳисобларди. Бироқ бу нотўғри эди. Лилиан осойишталикнинг қадрига етадиганларнинг наздида ажойиб аёл эди. Бошқа турдаги одамлар учун эса унинг ҳеч қандай жозибаси йўқ эди. У на одамни ўзига тортар, на кучли эди. Фрэнк Каупервуд никоҳининг биринчи кунлариданок, нега ўзи бунга уйландим, деб бекорга ўз-ўзини сўроққа тутмаганди. Ҳозир у ўзига бундай саволлар бермас, чунки ўзининг ўтмишдаги хатолари ва омадсизликларини кавлаштиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисобларди. Унинг фикрича, бирон масалада пушаймон бўлиш бемаънилик эди. У фақат олдинга қарар ва келажак ҳақида ўйларди.

Нима бўлганда ҳам, Каупервуд хоним айна пайтда чуқур қайғуга ботди. У ғамгин ўйлар қуршовида ҳамма ёқни мақсадсиз кезиб чиқаётганди. Хатда унга Каупервуднинг хиёнатини ўз кўзи билан кўриш учун ўша уйга бориш маслаҳат берилганди, бироқ аёл шошмай туришга қарор қилди. Агар бундай қиладиган бўлса, 931-уйни қандай кузатиш кераклигини ўйлаб кўриши керак. Фрэнк бундан ҳеч қанақасига хабардор бўлиб қолиши мумкин эмас. Агар бу Эйлин Батлер бўладиган бўлса (аслида у бўлмаса керак), унинг ота-онасига хабар бериш керак. Бироқ бошқа томондан, бу ўзини кулгига қўйиш бўлган бўларди.

Лилиан иложи борича тушлик пайти ўзининг ичида кечаётганларни ташқаридагиларга сездирмасликка ҳаракат қилди, бироқ Каупервуд тушликка келмади. У

## Теодор Драйзер

шунчалик банд бўлиб, вақтини ҳар хил одамлар, отаси ва бошқа ишбилармонлар билан суҳбатлашиб ўтказаётгани боис Лилиан уни душанба ва кейинги кунлар ҳам кўрмади.

Сешанба куни соат икки яримда Каупервуд ўзининг ҳамма кредиторларини чақириб, соат беш яримда у ишларини васийликка топширишига келишилди. Бирок ҳатто шу пайтда ҳам, асосий кредиторлари (улар ўттизтача одам эди) билан юзма-юз турганда ҳам, унга ҳеч қандай фалокат юз бермагандек туюлган, буларнинг бари вақтинчалик қийинчиликлардек эди. Тўғри, ҳозирги манзара жуда қайғули эди. Унинг шаҳар ғазначилигидан қарзи масаласи катта шов-шувга сабаб бўлади. Агар Стинер индамасликни афзал кўрмаса, у гаровга қўйган шаҳар заёми облигациялари ҳам ундан кам овоза бўлмайди. Нима бўлганда ҳам, Каупервуд барибир ўзини куни битган одам деб ҳисобламаётганди.

– Жентльменлар, – деди у доимгидан ҳам аниқроқ, ишончлироқ бўлган нутқини тугатаётиб, – ишлар қандайлигини энди ўзингиз кўриб турибсиз. Бу қоғозлар ҳозир ҳам аввалгидан арзон эмас, чунки улар ўзи тимсоли бўлган моддий аҳамиятини йўқотмаган. Агар менга ўн беш ёки йигирма кун вақт берсангиз, шубҳасиз, ўз ишларимни тартибга келтира олган бўлардим. Ва аслида бу ишни қила оладиган ёлғиз одамман, чунки биржадаги аҳвол менга маълум. Биржа яқинда жойига тушади. Фақат бу эмас, балки биржа ишида кутилмаган кўтарилишлар бўлади. Менга фақат вақт керак. Ҳозирги шароитда вақт – ҳамма нарса. Ҳозир илтимос қилаётганим шуки, менга ўн беш кун ёки йигирма кун, агар мумкин деб топсангиз, бир ой муҳлат беришингизга умид қилсам бўладими? Менга керак бўлаётгани – ана шу вақт.

Каупервуд пардалар атай тушириб қўйилган хонадан чиқиб, кредиторлар бемалол муҳокама қилиб олишлари учун хонасига кириб, эшикни кулфлади.

Бу одамлар орасида унинг учун туриб беришга тайёр дўстлари ҳам бор эди. Каупервуд бир соат, икки, уч соат

кутди, улар ҳамон муҳокама қилишарди. Ниҳоят унинг олдига Уолтер Ли, судья Китчен, “Жей Кук энд Компани” фирмасининг вакили Эвери Стоун ва яна бир нечта одам кириб келишди. Бу ишлар қандайлигини тўлиқ ҳал қилиш учун тузилган қўмита эди.

– Фрэнк, бугун энди ҳеч нарсани ҳал қилишнинг иложи йўқ, – вазминлик билан деди Уолтер Ли. – Кўпчилик ҳисоб-китоб тафтишини талаб қиляпти. Шаҳар газначиси билан бўлган бу ишларда нималардир ноаниқ қоляпти. Афтидан, нима бўлганда ҳам, сиз вақтинча ўзингизни тўловга қодир эмас деб эълон қилишингизга тўғри келади; кейинчалик ўз ишингизни давом эттириш учун сизга имконият берилиши эҳтимолдан холи эмас.

– Жентльменлар, жуда ҳам афсусдаман, – ўзини тутиб жавоб берди Каупервуд. – Менга қолса, қандай қилиб бўлса-да, тўловларни бир соатга ҳам тўхтатмасликни афзал кўрардим, чунки бу нимани англатиши менга маълум. Агар менга тегишли бўлган қимматбаҳо қоғозларни уларнинг ҳозирги пайтдаги бозор нархи билан кўриб чиқадиган бўлсангиз, менинг активим пассивдан кўра кўпроқлигига амин бўласиз. Бироқ бундан нима фойда? Агар идорамнинг эшиги ёпиқ бўлса, менга ишонмай кўйишади. Мен ишимни давом эттиришим керак эди.

– Фрэнк, дўстим, – унинг қўлини дўстона сиқиб деди Уолтер Ли, – мен ўзим сизга қанча керак бўлса, шунча вақт берардим. Бироқ бу қари тентаклар қалбларига қулоқ солгилари келмаяпти. Улар ваҳимадан ўлгудек кўрқиб кетишяпти. Афтидан, уларнинг ўзлари ҳам қийин аҳволда, шунинг учун уларни ҳам айблаш керак эмас. Сизнинг яна оёққа туриб олишингизга шубҳа қилмаяпман, тўғри, ишингизни ҳозир тўхтатмай турсангиз яхши бўларди. Бироқ бу жаноблар билан ҳеч нарса қилишнинг иложи йўқ. Жин урсин, бу ерда банкрот бўлиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўн кунлардан кейин қоғозларингизнинг нархи яна кўтарилиб кетади.



## Теодор Драйзер

Судья Китчен ҳам Каупервудга ҳамдардлик билдирди. Бироқ бундан унга енгиллик бермади. Уни ишини ёпишга мажбур қилишаётганди. Идора китобларини текшириш учун эксперт-бухгалтер таклиф қилишга келишиб олинди. Бироқ бу вақт орасида Батлер шаҳар ғазначилиги билан можарони ҳаммага ошкор қилиши, Стинер эса унинг шаҳар заёми облигациясини сотиб олиш билан боғлиқ охириги операцияси ҳақида судга мурожаат қилиши мумкин.

Каупервудга фойдалари тегишини истаётган олтита дўсти у билан эрталаб соат тўртгача қолиб кетишди, бироқ у барибир идорасини ёпишига тўғри келди. Бу ишни қилгач, Каупервуд ўзининг бойлик ва машхурлик тўғрисидаги орзуларига зарба етгани ва бу, эҳтимол, тўлиқ ютказиш бўлиши мумкинлигини ўйлади.

Ниҳоят, ўз ётоқхонасида ёлғиз қолгач, у кўзгуда ўзига қаради. Унинг юзи оқариб кетган ва ҳорғин, бироқ аввалгидек кучли ва мардонавор эди. “Жин урсин! – хаёлан деди у. – Уларнинг менга кучи етмайди! Мен ҳали ёшман! Бу вазиятдан чиқиб кетаман! Албатта, чиқиб кетаман. Йўлини топаман!”

Оғир ўйларга толганча худди хохламаётгандек, у секин ечина бошлади. Сўнгра каравотга чўзилди ва бир неча дақиқа ўтиб, бундай вазият учун қанчалар ғалати бўлмасин – у қотиб ухлаб қолди. Унинг табиати шундай эди: отаси ухлай олмай безовталанганча хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келаётганда у бемалол ухлаб ётган бўларди. Кекса Каупервудга ҳамма нарса қора рангда кўринаётган, келажак бутунлай умидсизликка тўла эди. Ўғлида эса озгина бўлса ҳам умид бор эди.

Лириан Каупервуд эса айни шу пайтда ўз ётоғида бошига тушган қайғудан нима қилишни билмай тўлғаниб ётарди. Отаси, эри, Анна ва қайнонасининг узук-юлук гапларидан у Фрэнкнинг банкрот бўлиш остонасида эканини тушунганди. Анигини ҳали ҳеч ким билмасди. Тушунтириб бериш учун эса Фрэнк ҳаддан ташқари

банд эди. Ҳаммасига Чикагодаги ёнгин айбдор эди. Шаҳар ғазначилиги билан боглиқ муаммо эса ҳали тилга олинмаётганди. Фрэнк копконга тушиб қолган ва энди кутулиш учун бор кучи билан курашаётганди.

Шу оғир дақиқаларда Каупервуд хоним эрининг хиёнат қилгани ҳақидаги хатни вақтинча унутди, тўғрироғи, у ҳақда ўйламай қўйди. У қўркиб кетган, саросимада эди. Унинг кичкина ажойиб дунёси енгилгандек эди. Ҳаёт уларнинг чиройли ошиёнини у ёқдан-бу ёққа иргитаётгандек эди. Назарида Лилиан ўринга ётиб, ухлаши керакдек туюлди, бироқ кўзлари катта очик ва ўй-хаёллардан боши оғриб кетганди. Бир неча соат бурун Фрэнк уни қатъият билан хавотир олмасликка ундаб, хотини барибир ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини айтган ва Лилиан нима қилишни билмай чиқиб кетганди: унинг бурчи қандай, у нима қилиши керак? Қабул қилинган одоб қоидалари унга эрининг олдида қолишни буюрарди. Ва у шундай қилишга қарор қилди. Дин ҳам, ўрганган одатлари ҳам шуни тақозо этарди. Болалар ҳақида ўйлаш керак. Уларнинг ҳеч айби йўқ. Агар ҳали иложи бўлса, Фрэнкни ортга қайтариши керак. Бу ўтиб кетади. Бироқ... қандай оғир зарба!



**Ф**онд биржаси ва умуман Филадельфияда “Фрэнк Каупервуд энд Компани”нинг ўз қарзларини тўлай олмаслиги тўғрисидаги хабар катта шов-шув кўтарди. Бу жуда кутилмаган ҳодиса бўлиб, гап жуда катта сумма устида кетаётганди. Каупервуд ҳаммаси бўлиб бир миллион икки юз эллик минг доллар қарз бўлган, унинг активлари эса зўрға етти юз эллик мингга етарди. Каупервуднинг балансини тузиш учун жуда кўп меҳнат сарфланганди; бу баланс расман эълон қилинганда акцияларнинг курси яна учта пунктга тушиб кетди, эртаси куни бу ҳақда газеталарда катта ҳарфли сарлавҳалар билан кўплаб мақолалар берилди. Каупервуд ўзини батамом банкрот деб эълон қилмоқчи эмасди. У тўловларни вақтинча тўхтатиб туриш, биров вақт ўтгандан сўнг эса кредиторлари билан келишиб, яна ишини очиш ниятида эди. Бунга икки нарса қарши бўлаётган эди: биринчиси, шаҳар маблағидан кулгили тарзда паст фоизга олинган – ғазначиликда ишлар қандай йўлга қўйилганининг исботи бўлган беш юз минг доллар; иккинчидан, олтмиш минг долларлик чек масаласи. Молиявий салоҳияти Каупервудни кўлидаги акцияларни кейинчалик унга ишини қайта давом эттиришига ёрдам бериши керак бўлиши учун йирик кредиторлари номига ўтказишга ундади. Яна ўша Ҳарпер Стежер “Жей Кук энд Компани”, “Эдвард Кларк энд Компани”, “Дрексель энд Компани” ва яна бошқа банкирлик уйларига кўпроқ ҳуқуқ берадиган ҳужжатларни тайёрлади. Каупервуд агар майда кредиторларнинг жаҳли чиқиб, бу қарорни қайта кўриб

чиқиш учун уни судга берадиган бўлишса, бу унчалик катта роль ўйнамаслигини жуда яхши тушуниб турарди – бу ерда биринчи ўринда йирикрок кредиторларнинг талабларини қондириш муҳим эди. Бу уларга хуш ёқади ва кейинчалик ҳамма нарса жой-жойига тушгандан сўнг айнан мана шу йирик кредиторлар унга ёрдам беришлари эҳтимоли катта. Бундан ташқари, бундай қийин пайтда даъволарнинг кўп бўлиши биржа ва одамларнинг кайфиятлари ўзига келгунча вақтни чўзиб туриш учун зўр восита, шунинг учун Каупервуд ҳатто даъволарнинг кўпроқ бўлишини хоҳлаётганди. Икковлари даъволарнинг сонини ҳисоблаб чиқишгандан сўнг Стежер тундлик билан жилмайиб қўйди – бу пайтда кулиш ноўрин бўлса-да, у ўзини тутиб тура олмади.

– Чиндан ҳам зўр, Фрэнк, – хитоб қилди у. – Сиз яқин кунларда шунчалик кўп даъво ичида қолиб кетасизки, уларни тешиб ўтиб бўлмайди. Ҳамма кредиторларингиз бир-бири билан тинмай кураш олиб боради.

– Мен фақат вақтдан ютмоқчиман, менга бошқа нарса керак эмас, – жавоб берди Каупервуд.

Шундай бўлса-да, у ҳаётида биринчи марта ўзини жуда тушкун ҳис қилаётганди, чунки шунча йиллардан бери бутун кучи ва ақлини сарфлаган иши энди йўқ эди. Безовталигининг асосий сабаби, у шаҳар ғазначилигидан олган беш юз минг доллар эмасди – у бу заём тўғрисидаги хабар жамоат фикри ҳамда молия дунёсини кўзғатиб қўйишини билган бўлса-да, бироқ бу қонуний, жуда бўлмаганда ярим қонуний операция эди. Асосий сабаб – амортизация фондига ўз вақтида топширмаган ва уларни қайтиб сотиб олиш учун керак бўлган маблағ унга осмондан тушганда ҳам, у ҳозир топшира олмайдиган шаҳар заёмининг олтмиш минг долларлик сертификатлари эди. Сертификатлар унинг қўлидан чиқиб кетганини инкор қилиб бўлмасди. Каупервуд бу вазиятдан қандай чиқиб кетиш ҳақида куну тун ўйлаётганди.

## Теодор Драйзер

Ҳозир қилиши мумкин бўлган ягона нарса – Молленхауэр ёки Симпсоннинг олдига бориш деган қарорга келди ниҳоят Каупервуд. У на унисини ва на бунисини шахсан танирди, бироқ Батлер билан ораси бузилгандан сўнг унинг бошқа борадиган одами ҳам йўқ эди. Бориб уларга шундай дейди: “Ҳа, айти пайтда беш юз минг долларни қайтариш имконига эга эмасман, бироқ кейинчалик менга қарши ишимни давом эттиришни ман қиладиган жиноят иши очилмаса, бу пулларни охириги центигача қайтариб беришга ваъда бераман”. Агар бунга рози бўлишмаса ва фаолиятига тузатиб бўлмайдиган зарар етказилса, у ҳолда улар бу пулни Фрэнк қачон қайтариш лозим деб топса, шунда берилишини кутиб ўтиришаверсин, афтидан, бу ҳеч қачон содир бўлмаса керак!

Бироқ виждонан айтганда, қанчалик кучли бўлишмасин, ҳатто улар ҳам суд ишини қандай тўхтатишлари мумкин? Буни Фрэнкнинг ўзи ҳам тушунмаётганди. Бухгалтерлик китобларида у шаҳар газначилигидан шунча миқдорда қарз экани ёзилганди, шаҳар газначилиги китобларида эса беш минг доллар Каупервудда эканлиги қайд қилинганди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан жамоат фондларини текшириб турадиган Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам берувчи фуқаролик ассоциацияси деб аталувчи маҳаллий ташкилот ҳам бор эди. Каупервуднинг шаҳар маблағини ўзлаштириб олиши бу ташкилотнинг назаридан четда қолмайди ва ана шунда жамоат текшируви ташкил қилиниши мумкин. Бу иш ҳақида аллақачон кўп юридик шахслар, масалан, ҳозир унинг ҳисоб-китобларини текшираётган кредиторлар билган бўлиши керак.

Нима бўлганда ҳам, Каупервуд Молленхауэр ёки Симпсон билан учрашишга қарор қилди. У аввалига Ҳарпер Стежер билан гаплашиб олмоқчи бўлди. Хуллас, идораси беркилганидан сўнг бир неча кун ўтиб, Фрэнк Стежерни чақирди ва унга ишлари жойига тушмагунча облигацияларни амортизация фондига қайтармоқчи

эмаслиги тўғрисида индамаган ҳолда бу операция тўғрисида гапириб берди. Ҳарпер Стежер юриши негадир яқинда ит борлигини сезаётган мушукнинг юришига ўхшаса-да, баланд бўйли, ориқдан келган, жозибали, овози ёқимли ва хулқ-атвори чиройли йигит эди. Унинг чўзиқдан келган нозик юзи одатда аёлларга жуда ёқадиган хилидан эди. Стежернинг кўзлари хаворанг, сочлари қўнғир тусда бўлиб, кизғиш рангда товланарди. Унинг ингичка қўллари билан оғзи ва иягини беркитиб турадиган одати бўлиб, одамга сирли тикилиб туриши ҳамсухбатарида кучли таассурот қолдирарди. Бу чин маънодаги қаҳри қаттиқ одам бўлиб, унинг қаҳри қаттиқлиги ҳаракатларида эмас, балки дунёдаги ҳамма нарсага бутунлай бефарқлигида акс этарди. Унинг учун ҳеч қандай муқаддас нарсанинг ўзи йўқ эди. У камбағал эмасди, камбағалликда ҳам туғилмаган эди. Табиат унга ўткир ақл берган ва бу ақл асосан унинг ишидаги ҳаракатлантирувчи мақсадга – яна ҳам кўпроқ бойлик орттириш ва машҳурликка эришишга қаратилганди. Каупервуд билан шерикчилик қилиш унга бойиш учун катта йўл очиб берди. Бундан ташқари, Каупервуд уни қизиқтирарди ҳам. Ўз мижозларидан бошқа ҳеч ким уни шунчалик қизиқтирмасди.

– Жиноят ишини қўзгатаверсин, – тажрибали юрист сифатида шароитни дарров тушуниб деди у. – Айблов шунчаки расмий бўлади. Агар иш судга етиб борганда ҳам, бунга ишончим комил эмас, айблов камомад ёки маблағнинг ишончли шахс томонидан ўзлаштириб олиншига бориб тақалади. Айни шароитда ишончли вакил сиз бўлгансиз. Ва сиз учун вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли – чекни Стинерга билдирган ҳолда ва унинг розилиги билан олганингизга касамёд қилишингиздир. Шу ҳолда, менимча, сизга ўз ҳуқуқингиздан фойдаланганингиз тўғрисидаги ғирт расмий айблов эълон қилинади ва, назаримда, сиз билан шаҳар газначиси ўртасида ҳеч қандай расмий келишув бўлмагани учунгина айблов ҳукмини

## Теодор Драйзер

чикарадиган маслахатчилар кенгаши топилмаса керак. Бироқ нима бўлганда ҳам, бир нарса дея олмайман – маслахатчилар кенгаши нима дейиши мумкинлигини олдиндан ҳеч билиб бўлмайди. Бу нарса фақат иш кўрилаётган пайтида маълум бўлади. Ҳамма нарса суд кимга кўпроқ ишонишига – сизгами ёки Стинергами – ва шахар корчалонларининг ҳамма балога тўғаноқ бўладиган одамни топа олишига, шунингдек, Стинерни кутқариш хоҳишлари қай даражада эканига боғлиқ. Ҳамма гап яқинлашиб келаётган сайловларда. Агар бу ваҳималар бошка пайтда бўлганида эди...

Каупервуд кўл ишораси билан Стежерни тўхтатди: буни унинг ўзи ҳам биларди.

– Ҳаммаси сиёсатчиларимиз қандай ҳаракат қилишни лозим кўришларига боғлиқ. Мен эса уларга жуда ҳам ишонмайман. Жуда мураккаб вазият. Ҳозир энди бу иш ҳақида индамай кетиб бўлмайди.

Суҳбат Каупервуднинг уйида, унинг хонасида бўлиб ўтаётганди.

– Нима бўлса бўлар, – кўшиб кўйди у. – Ҳарпер, айтинг-чи, агар мени ишончнома берган шахснинг хусусий мулкани ўзлаштириб олганликда айблашадиган бўлса ва суд мени айбдор деб топадиган бўлса, менга нима хавф солади?

Стежер ўйлаб қолиб, иягини қашиди.

– Нима десам экан, – деди у ниҳоят, – жуда жиддий савол бердингиз. Қонун бўйича бир йилдан беш йилгача, бироқ бундай ишлар учун одатда уч йилдан ортиқ беришмайди. Албатта, сизнинг ҳолатингизда...

– Э-эй, кўйсангиз-чи, – ранжиган кўйи унинг гапини бўлди Каупервуд. – Менинг ишим бошқаларникидан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмайди ва буни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Агар жаноб сиёсатчилар буни камомад деб биладиган бўлса, демак, шундай деб аталади.

Каупервуд ўйланиб қолди, Стежер эса шошилмай у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У ҳам ўйлаётганди.

– Стежер, айтинг-чи, мени иш бутунлай ёпилгунча, яъни ҳамма инстанциялардан ўтиб бўлмагунча қамашадими ёки йўқми? – дангал сўради Каупервуд.

– Биласизми, бундай турдаги суд жараёнларида, – қулоғини қашиганча иложи борича юмшокроқ гапиришга ҳаракат қилиб деди Стежер, – муҳокаманинг биринчи босқичларида ҳали қамокқа чап бериб туриш мумкин, бироқ суднинг айблов ҳукми чиққандан сўнг бу жуда қийин, ҳатто иложи йўқ. Қонун бўйича фақат қамокдагина ишни қайта кўриш ва шикоят аризасининг асослилигини тасдиқлаш учун рухсат олиш мумкин, бунга эса одатда беш кун кетади.

Ёш ишбилармон деразага тикилиб қолди, Стежер эса кўшиб кўйди:

– Жуда мураккаб иш бўляпти.

– Бўлмасам-чи! – жавоб қилди Каупервуд ва ичида кўшиб кўйди: “Қамок! Беш кун қамокда бўлиш!..”

Бошқа нарсаларни ҳам қўшиб эътиборга олинадиган бўлса, бу Каупервуд учун жуда қаттиқ зарба эди. Шикоят аризасининг асослилиги тасдиқланмагунча – агар бундай тасдиқлаш умуман бўлса, беш кун қамокда ўтириш! Йўқ, нима қилиб бўлса ҳам, бундан қочиш қилиш керак. Қамок! Ахлоқ тузатиш қамоғи!

Каупервуднинг сармоядор сифатидаги обрўсига ҳалокатли зарба берилганди.



Учала сармоядор: Батлер, Молленхауэр ва Симпсон биргаликда тўпланиб, муҳим муаммоларини ҳал қилиб олишлари кераклигига амин бўлишди, чунки вазият борган сари хавфли тус олиб бораётганди. Учинчи кўчада Чикагодаги ёнгин шусиз ҳам ёмон бўлиб турган молиявий аҳволига хунук таъсир қилгач, банкрот бўлгандан сўнг Каупервуд Стинер ёрдами биланми ёки Стинер Каупервуд ёрдамидами, шаҳар газначилигидан беш юз минг доллар ўғирлагани ҳақида гап тарқалганди. Энди фақат уч ҳафтадан сўнг бўладиган сайловлар ўтиб бўлмагунча бу иш тўғрисида қандай қилиб лом-мим демай туриш масаласи турарди. Банкирлар ва маклерлар Каупервуд банкрот бўлишини била туриб, шаҳар газначилигидан, яна Стинерга хабар қилмаган ҳолда қандайдир чек олгани тўғрисида пичир-пичир қилишарди. Бундан ташқари, бу ишлар металл қуювчи завод эгаси, Филадельфияда ўта ҳалоллиги ва юксак ахлоқи билан танилган Скелтон Уит раиси бўлган Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам фуқаролик ассоциацияси номли машҳур ташкилотгача етиб боради, деган хавф ҳам пайдо бўлганди. Скелтон Уит анча йиллардан бери Республикачилар партиясининг ҳукумат тепасида турган гумашталарида партиявий виждонни уйғотиш мақсадида кузатув олиб бораётганди. Бу ҳаётга бурч нуқтаи назари билан қарайдиган, ҳеч қандай пасткашликларни қабул қилмайдиган, Яратганининг қонунлари одамлар қабул қилган тартиблардан кўра юқорироқ туришини исботлашга интилиб, ўз танлаган

йўлидан оғишмай юрадиган жиддий ва катъиятли инсон эди.

Бу ассоциация аввалига солиқ аппаратидаги суистеъмолчиликларни йўқ қилиш мақсадида тузилганди. Бироқ кейинчалик сайловлар орасидаги даврда тинмай ўз фаолиятини кенгайтириб борди: унинг фойдалилиги вақти-вақти билан газеталардаги мақолаларда, гоҳида эса одатда Батлер, Молленхауэр ва Симпсон кабиларнинг орқасига яширинган ва шундан сўнг ўзини батамом хавфсизликда деб ҳис қилган иккинчи даражали бирон шаҳар арбобининг шошилиш айбига иқроп бўлиши билан тасдиқланарди. Шаҳар ғазначилигининг маблағлари суистеъмол қилинишига аралашган Каупервуд конторасининг тўловларни тўхтатиши, кўпгина сиёсатчи ва банкирларнинг фикрича, ҳозир қиладиган иши йўқ бўлган ассоциация учун айнан боп иш эди.

Каупервуднинг тақдирини ҳал қиладиган кенгаш у банкрот бўлганидан беш кун ўтиб, сенатор Симпсоннинг Риттенхауз сквер – Филадельфиянинг молия дунёсидаги таниқли одамлари яшайдиган район марказидаги уйида бўлиб ўтди. Келиб чиқиши квакерлар (христиан динининг протестант мазҳабига тегишли киши) оиласидан бўлган Симпсон ўзидаги рассомлик ва туғма сармоядорлик иқтидоридан сиёсатда ўз таъсирига эга бўлиш йўлида кенг фойдаланарди. У пул билан кучли ва фойдали бўладиган сиёсий ихлосмандни ёллаш мумкин бўлган ҳолда жуда сахий бўлиб кетар, тафтишчилар, судьялар, Республикачилар партияси вакиллари ва бошқа бошқарув ўринларига унинг айтганларини сўзсиз бажарадиганларни бемалол кўярди. У қудрати билан Молленхауэр ва Батлердан анча юқорида турар, чунки у штат ва бутун ҳукумат вакили саналарди. Республикачилар партияси бошлиқлари бутун мамлакат бўйлаб сайловолди кампаниясини бошлашга тайёрланиб, Пенсильвания штати бу партияга нисбатан қайси позицияда эканини билмоқчи бўлишса,

## Теодор Драйзер

айнан сенатор Симпсонга мурожаат қилишарди. Ва Симпсон ҳам уларнинг ҳамма саволларига батафсил жавоб берарди. Штатнинг сиёсий аренасидан аллақачон бутун ҳукумат сиёсий аренасига кадам қўйган Симпсон Қўшма Штатларнинг Вашингтондаги сенатида кўзга кўринган шахслардан бўлиб, молиявий масалалардаги ҳамма кенгашларда муҳим овозга эга эди.

Симпсон эгаллаб турган Венеция услубида қурилган тўрт қаватли уй ғайриоддий архитектура деталларининг кўплиги – жимжимадор дераза, аркали эшик, деворларига рангли мрамрдан ишланган медальонлари билан ажралиб турарди. Сенатор Венециянинг оташин мухлиси эди У Афина ва Римга боргани сингари Венецияга ҳам тез-тез сафар қилиб турар ва у ердан кўплаб ўтган даврларга оид санъат асарларини олиб келарди. У рим императорлари ҳайкаллари ҳамда Қадимги Юнонистон аҳолисининг расомлик ғояларидан кизгин гувоҳлик берувчи афсонавий худолар ҳайкаллариининг бутун қолган фрагментларини яхши кўрарди. Ажойиб уйининг антресолида Симпсон коллекциясининг энг қимматбаҳо хазинаси: баландлиги тўрт фут бўлган конус шаклидаги монолит устига Паннинг калласи ўрнатилган ўймакор мрамар таглик сақланарди. Монолит ёнида тиззасигача бўлинган ва, эҳтимол, бир пайтлар яланғоч нимфага тегишли бўлган кичкина оёқчалар турарди. Монолит ва нимфанинг оёқларини ушлаб турган таглик худди шу мрамар бўлагидан ўйилган ва атиргуллар билан ўралган буканинг бош чаноғи билан безатилганди.

Симпсоннинг қабулхонаси Калигула, Нерон ва бошқа рим императорларининг бюстлари билан тўла эди. Зина бўйлаб эса қурбон қилинган ҳайвонларни меҳробга олиб келаётган нимфа ва қоҳинларнинг намоёиши тасвирланган берельеф кетарди. Уйнинг узок бурчакларидан бирида мусиқа жаранглайдиган соат осилган бўлиб, у ҳар чорак соатда ғалати оҳангда маҳзун жарангларди. Хо-

наларнинг деворларига фламанд гобеленлари осилган, бал ўтказиладиган хона, кутубхона, катта ва кичик мехмонхоналарда итальян уйғониш даврининг ўймакорлик билан безатилган жиҳозлари қўйилганди. Сенатор ўзини рассомлик соҳасининг билағони деб санамас ва шу сабаб шахсий дидига ишонмасди, бироқ унинг ҳамма расмлари буюк рассомлар қаламига мансуб эди. Уни расмлардан ҳам кўра ҳайкалчалар кўпроқ қизиқтирарди.

Симпсон ашаддий коллекционер эмасди, бироқ айрим камёб нусхалардан у жуда завқланарди. У ер-бу ерга ташлаб қўйилган йўлбарс ва леопард терилари, ҳўкиз териси ёпиб қўйилган диван ва устига оддий мато ўрнига ўйма тери ҳамда сахтиён тўшалган столлар унинг уйини жуда нафис, шоҳона безаб турарди.

Симпсоннинг ажойиб ошхонасида жакоб услубига рия қилинган бўлиб, вино ертўласига эса Филадельфиянинг энг яхши мутахассиси жавоб берарди. Сенатор Симпсон катта зиёфатлар беришни яхши кўрар, унинг эшиклари банкет ёки бал ўтказиш учун кенг очилганда бу ерда жамиятнинг энг юқори табақаси йигилганига амин бўлиш мумкин эди.

Бугунги кенгаш ўз ҳамкасбларини кувноклик билан кутиб олган ва навбатдаги суҳбат унга ёқимли бўлишига ишончи комил сенаторнинг кутубхонасида бўлиб ўтаётганди. Стол устига сигаралар, вино, вискининг турли хил навлари териб қўйилганди. Молленхауэр ва Симпсон Батлернинг келишини кутаркан, куннинг ҳар хил масалалари тўғрисида фикр алмашиб сигара чекар ва ҳар бири ичида ўз хаёли билан банд эди.

Батлер яқинда округ прокурори жаноб Дэвид Петтидан олтмиш минг долларлик чек операцияси тўғрисида эшитганди. Айни пайтда Стинер ҳам бу ҳақда Молленхауэрга айтганди. Ва Молленхауэр (Батлер эмас!) шу заҳоти Каупервуднинг аҳволидан фойдаланиб, партияни айбловдан қутқариб қолиш ҳамда айни пайтда

## Теодор Драйзер

Каупервуднинг кўнка темир йўллари акцияларини (албатта, Батлер ва Симпсонга билдирмаган ҳолда) айёрлик билан кўлга киритиш мумкинлигини ўйлаб қолганди. Бунинг учун фақат Каупервудни судга тортиш билан кўрkitиб қўйиш кифоя.

Кўп ўтмай кеч қолгани учун узр сўраб, Батлер кириб келди. У ўзининг шахсий муаммосини хотиржамлик ниқоби ортига яширишга уриниб, сўз очди:

– Ҳаёт шунақа экан-да! Ҳамма банклар ўз кредитлари учун гаров талаб қиляпти!

У стол устидан сигара олиб, чека бошлади.

– Вазият чиндан ҳам жуда яхши эмас, – жилмайиб жавоб берди сенатор Симпсон. – Жаноблар, марҳамат, ўтиринглар. Мен бир неча соат бурун “Жей Кук энд Компани” банкирлик уйидан Эвери Стоун билан гаплашган эдим. Унинг айтишича, Учинчи кўчада Каупервуднинг банкрот бўлишида Стинернинг хизмати борлиги ҳақида гапириляпти ва керакли чоралар кўрилмаса, газеталар бу ҳақда шов-шув кўтариб ташлайди.

– Бу янгилик тез кунда Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам фуқаролик ассоциациясининг бошлиги жаноб Уитнинг кулоғига етиб боришига шубҳа қилмайман. Жентельменлар, ҳозирнинг ўзида қандай ҳаракат қилишимизни ҳал қилиб олишимиз лозим. Биринчидан, ортиқча шов-шувсиз Стинернинг номзодини рўйхатимиздан ўчириб ташлашимиз керак. Бу ҳодисанинг жуда жиддий оқибатлари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, бунинг олдини олиш учун ҳозироқ кўлимиздан келадиган ҳамма чорани кўриб қўйишимиз зарур.

Молленхауэр сигарасини ичига тортиб, ҳаворанг-кулранг тутун чикарди. У жим турар, гўёки рўпарадаги девордаги гобеленни томоша қилаётганга ўхшарди.

– Агар жуда қисқа вақт ичида ўзимиз ишни судда кўриб чиқиш масаласини кўтармасак, буни бошқа бир одам жуда хунук ҳолда амалга ошириши кўриниб турибди, –

ҳамкасблари жим турганини кўриб, гапида давом этди сенатор Симпсон. – Менинг фикрим шундай: таъқибни бошқа биров (эхтимол, бу ўша шаҳар ассоциацияси бўлар) бошлагунича кутиб турамиз, шундан кейин эса гўё ўзимиз буни анчадан бери ўйлаб юргандек судга мурожаат қиламиз. Ҳозир энг муҳими – вақтдан ютиш: шунинг учун мен иложи борича шаҳар ғазначилиги китобларига мурожаатни қийинлаштиришни таклиф қиламан. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам тафтиш бошланадиган бўлса (ўйлашимча, шундай бўлади ҳам!) у иложи борича фактларни секинроқ аниқлашига ҳаракат қилиш керак.

Сенатор муҳим масалалар борасида ўз маслакдошларига киноя билан гапириш керак эмас деб ҳисоблар ва бундай шароитда дабдабали нутқ сўзлаш одатига қарамай, ҳамма нарсани ўз оти билан аташни афзал кўрарди.

– Менимча, ақлли таклиф, – деди Батлер креслосига чуқурроқ ўрнашиб олиб, ўзининг ёмон кайфиятини ҳар қанақасига билдирмасликка уриниб. – Одамларимиз тафтишни уч ҳафталарга чўза олишларига шубҳа қилмайман. Билишимча, улар шошилишни ёқтирмайди.

Шу гапларни айтаркан, жаноб Батлер қандай қилиб гапни Каупервуд томонга буриб юборишни ўйлар ва иложи борича тезроқ, бироқ ҳеч ким уни, Батлерни партиянинг қазикишларига қарши чиқяпти, дея айбламайдиган тарзда йигитга нисбатан суд ишини кўзғашни маслаҳат бериш ҳақида ўйлаётганди.

– Ҳа, ёмон фикр эмас, – хотиржам тасдиқлади Молленхауэр сигара тутунини бурқситаркан ва қандай қилиб йигит билан кўришмагунча Каупервуд ва унинг жинояти ҳақидаги гапни кўтармаслик ҳақида бош котирааркан.

– Биз эҳтиёж туғилган заҳоти ҳаракат қилишимиз учун диққат билан бунинг режасини тузиб чиқишимиз керак, – яна гап бошлади сенатор Симпсон. – Мен бу иш бир ҳафтага қолмасдан, балки ундан ҳам эртароқ маълум

## Теодор Драйзер

бўлади, деб ўйлайман, шунинг учун вақтни ўтказмаслик керак. Маслаҳатим: шаҳар мэри шаҳар ғазначилигига хат ёзиб, бу масала бўйича тушунтириш хати ёзиб беришларини сўрасин, ғазначи эса бу хатга жавоб ёзсин; шундан сўнг мэр муниципалитет аъзоларининг розилиги билан ғазначини вақтинча ўз мансабидан четлаштирсин – менимча, бунга қонуна ҳаққи бор ёки жуда бўлмаганда, уни асосий ваколатидан маҳрум қилсин. Бироқ хатларимиз тайёр туради ва бизни ҳаракат қилишга мажбур қиладиган бўлса, биз тезликда уларни газеталарга босиб чиқарамиз.

– Агар жентльменлар қарши бўлишмаса, мен бу хатларни тайёрлашни ўз бўйнимга оламан, – хотиржам, бироқ тезлик билан гап қўшди Молленхауэр.

– Ҳа, бу ақлли эҳтиёткорлик бўлади, – бепарволик билан гап қўшди Батлер. – Айни вазиятда мабодо жавобгарликни яна бир бошқа бировга юклаб қўймасак, бошқа нарса қила олмаймиз ҳам. Мен айни шу масала бўйича фикримни билдирмоқчи эдим. Агар ҳамма нарсани ҳисобга оладиган бўлсак, биз у даражада ожиз аҳволда ҳам эмасмиз.

Батлернинг кўзлари тантанали чакнаб кетди, Молленхауэрнинг юзида эса безовталиқ аломати пайдо бўлди. Демак, Батлер билади, эҳтимол, Симпсон ҳам хабардордир!

– Бу билан нима демоқчисиз? – сўради сенатор Симпсон ва Батлерга қизиқиб қараб қолди. У чек билан бўлган воқеа тўғрисида ҳеч нарса билмас, чунки шаҳар ғазначилигининг фаолиятини жуда диққат билан кузатмас ва ўтган кенгашдан бери ўз ҳамкорларининг ҳеч бири билан ҳали учрашмаганди. – Наҳотки бирор бегона одамнинг бу ишга алоқаси бор бўлса?

Сенаторнинг сиёсатчи сифатида ўткир зеҳни тез ишлаб кетди.

– Ҳм-м!.. Бегона одам демаган бўлардим, – одоб билан гапида давом этди жаноб Батлер. – Мен Каупервуднинг ўзини назарда тутяпман. Сизлар билан охириги марта

кўришганимиздан бери маълум бир тафсилотлар пайдо бўлдики, бу йигит биз ўйлаганимизчалик жуда “оппок” эмас экан. Бу қалтис ишнинг сабабчиси унинг ўзи бўлганга ўхшайди ва Стинерни ҳам, қаршилигига қарамай, ўша тортган. Мен ўз хоҳишим билан шу иш билан шуғуллана бошладим ва менимча, Стинер бу ерда айбдор эмас. Баъзи нарсалардан хулоса шу бўлдики, Каупервуд Стинерни унга пул бермайдиган бўлса, қандай кўнгилсизликлар бўлиши мумкинлигини айтиб, бир неча марта кўрkitган ва шу яқин кунларда уни алдаб, яна йирик сумма олган. Бундан келиб чиқадики, у Стинердан кам айбдор эмас. Шаҳар унга шаҳар заёми облигациялари учун олтмиш минг доллар тўлаган, бу облигациялар эса амортизация фондида белгиланмаган. Энди ҳозир партиянинг обрўси хавф остида экан, нега биз Каупервуд билан пачакилашиб ўтиришимиз керак?

Каупервудга ёмон зарба берганига ишонч ҳосил қилган Батлер жим бўлди ва у янглишмаганди. Сенатор ва Молленхауэр ўта таажжубда эдилар, чунки биринчи кенгашда Батлер ёш банкир томонида тургандек кўринганди. Бироқ унинг ҳозир айтган гаплари шунчалик душманларча муносабат учун етарли асос бўлолмасди. Айниқса, Молленхауэр ҳайратда қолди, чунки Батлернинг Каупервудга яхши муносабатини у бир пайтлар ўз режаларини амалга оширишга тўсик деб биларди.

– Буни қаранг-а! – деди ўйчан Симпсон, оппок, нозик қўллари билан лабини силаганча.

– Ҳа, мен буни тасдиқлашим мумкин, – хотиржамлик билан деди Молленхауэр, ўзининг Каупервудни кўрkitиб, унинг кўнка темир йўллари акциясини тортиб олиш режалари барбод бўлаётганини кўриб. – Мен яқинда Стинер билан шу иш ҳақида суҳбатлашгандим: унинг айтишича, Каупервуд ундан яна уч юз минг тортиб олмоқчи бўлибди, бироқ бундан ҳеч нарса чикмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Стинернинг хабари ва розилигисиз олтмиш минг доллар олишга эришибди.



## Теодор Драйзер

– Лекин қандай қилиб?.. – ишонқирамай сўради Симпсон.

Молленхауэр Каупервуд қилган ишларини гапириб берди.

– Ҳа, мана, нима гап экан! – деди сенатор Молленхауэр гапини тугатганда. – Вой эпчилей! Демак, облигациялар амортизация фондига топширилмаган демоқчимисизлар?

– Ҳа, топширилмаган, – ҳозиржавоблик билан тасдиқлади Батлер.

– Яхши, бу бизга жуда кўл келади, – Симпсон енгил тортиб хўрсиниб қўйди. – Ҳамма нарсага балогардон бўладиган одам топилди. Бизга ана шу керак эди. Ушбу шароитда мен Каупервуднинг ёнини олишдан мақсадни кўрмаяпман. Аксинча, керак бўлса, уни ҳамманинг диққат марказида қилиб қўямиз. Шундан сўнг газеталар унинг соғлиғи тўғрисида сайрашаверсин. Ахир улар шунинг учун ҳам ишлайди. Биз эса ишни керак бўлган даражада ёритиб берамиз. Ана шунда ҳатто жаноб Уит аралашса ҳам, барча тафсилотлар аниқ бўлгунча сайловлар ўтиб бўлган бўлади. Мен бажонидил матбуотни ўз бўйнимга оламан.

– Хўш, шундай экан, бизнинг аралашувимиз ҳозирча шу билан тугаб туради, – деди Батлер, – бироқ мен Каупервуд Стинер билан бир хилда жазоланиши керак деб ҳисоблайман. У Стинердан кам эмас, балки кўпроқ айбдордир ва шахсан ўзим у қилмишига яраша жазоланишини истайман. Унинг жойи қамоқда ва уни қамоққа жўнатиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан.

Молленхауэр ва Симпсон одатда хушқайфият билан юрадиган ҳамкасбларига ажабланиб қараб қолишди; унинг бирдан Каупервудни жазолашга интилишига сабаб нима экан? Молленхауэр ва Симпсонларнинг фикрича (бошқа пайтда Батлер ҳам шундай деб ҳисоблаган бўларди), Каупервуд юридик ҳуқуқларни босиб ўтиб, инсон ҳуқуқларини поймол қилмаганди. Улар Каупервудни

унга бу ишларни килишига йўл қўйган Стинердан кўра камроқ айблашаётганди. Бироқ Батлер масалага бу нуқтаи назардан қараётган экан ва жиноят расман кўриниб турган экан, демак, улар ҳатто Каупервуд камокка тушишига тўғри келса-да, ҳамма ишни Республикачилар партияси томонга буриб юборгиси келиши табиий.

– Афтидан, сиз ҳақсиз, шекилли, – эҳтиётлик билан деди сенатор Симпсон. – Демак, хатларни тайёрлаб қўяверинг. Ҳенри, сайловларгача кимгадир қарши жиноят иши очилиши керак бўлса, у ҳолда Каупервудга қарши очиш мақсадга мувофиқ бўларди. Стинер ҳақида фақат охириги дақиқада, керак бўлиб қолгандагина гапириб ўтамиз. Бу ишни сизнинг зиммангизга топшираман, чунки жума куни мен Питтсбургга кетишим керак. Ҳеч нарсани унутмаслигингизга шубҳа қилмайман.

Сенатор ўрнидан турди. У доим ўз вақтини кадрларди. Батлер кенгашнинг натижасидан жуда хурсанд эди. Энди одамлар қарши чиққан тақдирда ёки Республикачилар партиясига қарши зарба бўлиб қолган тақдирда бу учлик Каупервудни аяб ўтирмайди. Муҳими шуки, норозилик овозлари тезроқ жаранглаши керак, шароитга қараганда, буни кутишга кўп вақт қолгани йўқ. Бу ишга Каупервуднинг шусиз ҳам ғазаби қайнаб юрган кредиторларини ҳам тортиш керак; уларнинг векселларини сотиб олиш ва шу орқали Каупервуднинг ишини қайта тиклашига ҳалал бериладиган бўлса, у тамом бўлади. Ҳа, ўйлади Батлер, у Эйлинни йўлдан уриб, айнитган кунни яхшилик билан эсга олмайди. Интиқом вақти яқинлашмоқда.

**К**аупервуднинг ҳамма кўрган ва эшитганлари шаҳар сиёсатдонлари уни ҳамма нарсага (яна яқин орада) балогардон килмоқчи экани тўғрисидаги хулосасини мустаҳкамлаётганди. Каупервуд ўз конторасини ёпганидан сўнг бир неча кун ўтиб унинг олдига Альберт Стайерс келган ва жуда муҳим янгиликларни айтиб берганди. Стайерс ҳали ҳам худди Стинер каби шаҳар ғазначилигида ишлаётган бўлиб, ғазначилик китобларини тафтиш қилиш билан шуғулланаётган Сэнгстек ва Молленхауэрнинг ишончли вакили бўлган одамга талаб қилинган тушунтиришларни бераётганди. Стайерс Каупервуднинг олдига олтмиш минг долларлик чек учун қўшимча маълумотлар олиш ва йўл-йўлакай ўзининг бу ишга бўлган алоқадорлиги тўғрисида ҳам гаплашиш учун келганди.

Маълум бўлишича, Стинер ўз бошқарувчисини суд билан кўрқитиб, ушбу сумманинг етишмаслигида уни айбдор қилаётган, кафил турганлар энди судда унинг ўрнига жавоб беришларига тўғри келишини таъкидлаётган экан. Каупервуд йигитнинг гапларини эшитиб кулиб юборди ва буларнинг бари бўлмағур нарса эканига Стайерсни ишонтирди.

– Альберт, – жилмайиб деди у, – сизни ишонтириб айтаманки, булар ҳаммаси бўлмағур гаплар. Сиз менга чек ёзиб берганингиз учун ҳеч нарсага жавобгар эмассиз. Биласизми, сизга юристим Стежер билан маслаҳатлашиб кўришингизни маслаҳат бераман. Сиздан бир цент ҳам

кетмайди ва у нима килишингиз кераклигини аниқ айтади. Энди эса ғазначиликка қайтиб боринг ва ортиқ хаяжонланманг. Мен сизга шунча кўп нохушликлар келтирганимдан афсусдаман, бироқ янги ғазначи келадиган бўлса, ўрнингизда қолишингиз мумкинлигига юздан биргина имкон бор.

Айни пайтда Каупервудни Эйлиндан келган мактуб ҳам жиддий ўйлашга мажбур қилаётганди. Эйлин хатида уйларида отаси йўқ пайти дастурхон устида бўлиб ўтган суҳбатни батафсил келтирганди. Оуэн Республикачилар партияси арбоблари: отаси, Молленхауэр ва Симпсонлар ноқонуний молиявий комбинацияси учун “уни (Фрэнкни) сиқиб қўйишмоқчи” экани тўғрисида гапирибди. Айнан қандай эканини Эйлин яхши тушунолмабди, фақат бу қандайдир чек билан боғлиқ экан.

Қиз безовталиқдан ақлдан озай деётганди. У хатида Каупервуддан уни камоққа тикмоқчи бўлишаётгани ростлиги ҳақида сўрарди. Унинг севгилисини! Унинг жону дили Фрэнкни-я?! Наҳотки у билан шундай бахтсизлик юз берса?

Мактубни ўқиб Каупервуднинг ковок-тумшуғи осилди, жаҳл билан тишларини ғижирлатди. Нимадир қилиш керак, балки Молленхауэр ёки Симпсон билан ёхуд ҳар иккиси билан ҳам учрашиб, улар орқали қандайдир келишувга келиш керак. Айни пайтда Каупервуд уларга нақд пул ваъда қила олмайди, фақат вексель бериши мумкин, балки, бу уларни қониқтирар. Наҳотки улар шундай арзимаган нарса – чек операцияси учун Каупервуднинг ҳаётини барбод қилишса? Ахир бу ерда ноқонуний ҳеч нарса йўқ. У ҳолда Стинер унга берган беш юз минг доллар ёки олдинги шаҳар ғазначиларининг шубҳали операциялари тўғрисида нима дейиш мумкин?! Қандай пасткашлик! Сиёсат нуқтаи назаридан жуда ақл билан ўйланган бўлса-да, бироқ бу қанчалар разилона режа ва унга қанчалар даҳшатли хавф таҳдид соляпти.

## Теодор Драйзер

Симпсон ўн кунга шаҳардан бошқа ёкка кетгач, Молленхауэр Батлернинг партия ишларида Каупервуднинг хатосидан фойдаланиб қолиш тўғрисидаги гапларини эслаб, ўзаро келишилган қадамларни кўйишни бошлади. Хатлар тайёр қилиб бўлинган ва уларни жўнатиш кутилаётганди. Бундан ташқари, юқорида тасвирлаб ўтганимиз – кенгашдан кейин Республикачилар партиясидаги майда югурдаклар ўз бошлиқларидан ўрнак олиб, бурчак-бурчаклардан чек билан боғлиқ воқеани айтиб, шаҳар ғазначилигидаги камомадга асосан Каупервуд айбдорлиги тўғрисида жар сола бошлагандилар.

Молленхауэр бир кўришдаёқ қандай кучли одам билан иш кўраётганини тушунди. Каупервудда кўркувдан асар ҳам йўқ эди. У ҳар доимгидек хотиржамлик билан шаҳар ғазначилигидан кам фоизларга пул қарз олиб тургани, биржа ваҳимаси унга ҳам таъсир қилгани ва айни пайтда қарзини қайтаришнинг имкони йўқлигини айтди.

– Жаноб Молленхауэр, кулогимга ғазначига шерик сифатида менга ҳам қарши иш кўзғашмоқчи бўлаётгани тўғрисидаги гаплар етиб келди. Мен шаҳар ҳокимияти бундай қилмаслигига ва бунга ўз таъсиригиз орқали йўл қўймаслигингизга умид қиламан. Ишларим ўта ёмон аҳволда эмас ва уларни бутунлай тартибга солиш учун менга бироз вақт керак, холос. Мен кредиторларимга қолган қарзларимни узиш учун бир долларга эллик цент нақд ва бир, икки, уч йилга векселлар таклиф қиламан. Шаҳар ғазначилигидан олган ссудам масаласига келсак, агар бирор битимга кела оلسак, мен бу пулни центигача қайтараман, фақат озгина вақт сўрамоқчиман, холос. Ўзингиз яхши тушунасиз, қимматбаҳо қоғозларнинг курси кўтарилиши керак ва кўрган зарарларимни айтмасак, яна ўзимни ўнглаб оламан. Менга маълум бўлишича, иш жуда чуқурлашиб кетган. Агар буйруқ бериб турганлар оғзини ёпмаса, газеталар истаган дақиқада шов-шув кўтаришлари мумкин, – Каупервуд Молленхауэрга маъноли қилиб

қараб қўйди. – Агар бу ишлар муҳокама қилинаётганда мен четда турсам, у ҳолда, албатта, доғ тушмаган ном билан тезроқ оёққа турган бўлардим. Шаҳар учун ҳам бунинг фойдали томони бор, чунки ўшанда бутун қарзимни ёпган бўлардим.

Каупервуд одатдагидек ўзига хос тарзда ёқимли ва сирли жилмайди. Уни биринчи марта кўриб турган Молленхауэрда бу, албатта, бошқача таассурот уйғотди. У молия оламининг бу ёш Дэвидига қизиқиш билан қараб турарди. Каупервуднинг таклифини қабул қилишнинг озгина имкони бўлганида, пуллар чиндан ҳам қайтарилади ва Каупервуд яна оёққа туради, деган озгина умид бўлганда ҳам, Молленхауэр ўз жавобини яхшилаб ўйлаб кўрган бўларди. Агар шундай бўлганида Каупервудни омон сақлаб қолишга эришган бор нарсасини унга ўтказди, деб умид қилиш мумкин эди. Бироқ ҳозирги юзага келган вазиятда, пайти келиб у ўзини ўнглаб олади, деган умид деярли йўқ эди.

Молленхауэр Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам бериш фуқаролик ассоциациясининг қимирлаб қолгани ва ишни текширишни бошлагани ёки шунга таралдуд кўраётгани тўғрисида эшитганди. Агар ассоциация бу ишга қўл урадиган бўлса, шубҳасиз, уни охиригача етказмай қўймайди.

– Жаноб Каупервуд, биласизми, – хушмуомалалик билан гап бошлади Молленхауэр, – гап шундаки, иш жуда чуқурлашиб, таъсир доирадан чиқиб кетган. Бу ишга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ. Лекин тўғри тушунган бўлсам, гап шаҳар ғазначилигидан қарзга олинган беш юз минг доллар ҳақида эмас, балки сиз яқинда олтмиш минг долларга олган чек ҳақида кетяпти. Жаноб Стинернинг таъкидлашича, чекни ноқонуний олган экансиз, у сизни ҳар қанақасига қоралаб ётибди. Бу ҳақда шаҳар мэри ва бошқа расмий шахслар ҳам билиб бўлишди ҳамда улар қандайдир чора кўриши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Менинг бундан хабарим йўқ.

## Теодор Драйзер

Молленхауэрнинг рост гапирмаётгани кўриниб турарди. Бу унинг кўлида югурдак бўлган шаҳар мэри ҳақида мужмал гапирганидан сезилиб турганди. Каупервуд бир оғиз сўзиданок буни тушунди. У қалбан кучли нафратни туйди, бироқ ўзини тутиб олиб, ҳурмат билан гапиришда давом этди.

– Тўғри, олтмиш минг долларга чекни, – сохта очиклик билан жавоб берди у, – ўзимни банкрот деб эълон қилиш арафасида олдим. Бироқ ўша чек жаноб Стинернинг кўрсатмаси билан олган сертификатларим тўлови учун мўлжалланган ва пуллар қонуний асосда менга тегишли эди. Кераклиги учун уларни талаб қилгандим. Бунинг нимаси қонунбузарлик экан?

– Агар операция ҳамма расмиятчиликларни ўрнига қўйиб бажарилганида, ноқонуний бўлмасди, – самимийлик билан Каупервуднинг гапига қўшилди Молленхауэр. – Тушунишимча, бу сертификатлар амортизация фонди учун олинган, бироқ улар фондга тушмаган. Буни қандай изоҳлайсиз?

– Оддий адашмовчилик билан, – худди Молленхауэрнинг ўзи каби самимий ва бегуноҳ оҳангда деди Каупервуд. – Агар мен қутилмаганда ўзимни қарз тўлашга қодир эмас деб эълон қилишимга тўғри келмаганда, сертификатлар ўша ерда бўларди. Ҳамма нарсани шахсан кузатишга имконим бўлмади. Бироқ бизда сертификатларни тезлик билан фондга топшириш тартиби ҳам йўқ эди. Жаноб Стинердан сўрасангиз, буни таъкидлайди.

– Шундайми?!.. – жавоб қилди Молленхауэр. – Бироқ Стинер билан бўлган суҳбатдан менда бошқа фикр уйғонганди. Нима бўлганда ҳам, сертификатлар амортизация фондида йўқми, бу қонун нуқтаи назаридан бутунлай бошқа нарсани англатади. Шахсан ўзим бу масалага исталган республикачидан ортиқ қизиқмаганман. Очиги, сизга қандай ёрдамим тегишини кўрмайман. Сизнингча, бу ишда нима қилиб бера олишим мумкин?

– Агар очикчасига гаплашишга тайёр бўлмасангиз, Жаноб Молленхауэр, – куруккина оҳангда деди Каупервуд, – мен учун нимадир қиласиз деб ўйламайман. Мен Филадельфия сиёсатидаги янги одам эмасман. Ва уни кимлар ҳаракатга келтириши ҳам менга маълум. Сиз мени судга бериш ҳақидаги ғояни йўққа чиқариб, яна оёққа туриб олишимга вақт бера оласиз, деб ўйлагандим. Олтмиш минг доллар учун оладиган жиноий жавобгарлигим шаҳар ғазначилигидан аввал олганим – беш юз минг доллар учун оладиган жавобгарликдан кўп эмас, ҳатто камрок. Биржадаги бу ваҳимани мен тарқатмаганман. Чикагони мен ёқмаганман. Жаноб Стинер ва унинг дўстлари мен билан иш юзасидан муносабатда бўлиб, кам фойда кўришгани йўқ. Наҳотки шаҳарга қилган шунча хизматларимдан сўнг ўзимни қутқаришга уринишга ҳаққим йўқ эди? Наҳотки шунча фойда келтирганим – шаҳар бошқармасининг менга нисбатан кечиримли бўлишига умид қилишим мумкин эмасди?! Мен шаҳар заёмининг паритетини қўллаб-қувватлардим. Жаноб Стинер менга қарз берган пуллар масаласига келсак, унинг шикоят қилишга ҳаққи йўқ – у бу ишдан жуда юқори фоизалар олган.

–Тўппа-тўғри, – деди Молленхауэр Каупервуднинг кўзига тик қараб ва бу йигитнинг ўзини тута билиши, ақлининг тиниклигига беихтиёр тан бериб. – Мен бу ишлар қандай бўлганини жуда яхши биламан. Жаноб Стинер, шу билан бир қаторда, шубҳасиз, бутун шаҳар бошқармаси ҳам, сиздан беҳад миннатдор бўлиши керак. Мен муниципалитет фаолиятига аралаша олмайман. Билган нарсам шуки, сиз қайсидир бир сабаб билан жуда чигал шароитга тушиб қолгансиз ва баъзи гуруҳларда жамоатчилик фикри сизга жуда қарши. Шахсан ўзим на у томон ва на бу томоннинг фикрини қўллаб-қувватламайман ва агар ҳеч нарса қилиб бўлмайдиган вазият юзага келмаганида, қўлимдан келган ёрдамни беришдан бош тортмасдим. Бироқ энди нима қилиш мумкин?



## Теодор Драйзер

Республикачилар партияси сайловлар арафасида жуда қийин аҳволда қолди. Ва бунинг жавобгарлиги, беихтиёр бўлса-да, сизга боғлиқ, жаноб Каупервуд. Жаноб Батлер менга номаълум сабабларга кўра, сизга нисбатан жуда ёмон муносабатда. У эса сиёсатда жуда катта таъсирга эга...

“Батлер унга қандай озор етказишганини уларга ошкор қилганмикин?” ўйлади Каупервуд ва шу заҳоти бу фикрни ўзидан нари қилди. Бу жуда ишониш қийин бўлган тахмин эди.

– Сизга чин қалбимдан ҳамдардман, жаноб Каупервуд, бироқ қўлимдан келгани – жаноб Батлер ва жаноб Симпсонлар билан гаплашиб кўришингизни маслаҳат бера оламан, холос. Агар сизга ёрдам беришнинг бирор йўлини топишса, мен ҳам бажонидил уларга қўшиламан. Очиғи, бошқа ҳеч нарса таклиф қила олмайман. Шаҳарнинг ишларига сезиларли таъсир ўтказа олмайман.

Очиғини айтганда, Молленхауэр ана шу ерда йигит унга ўзининг қимматбаҳо қоғозларини таклиф қилади деб кутганди. Бироқ Каупервуд ундай қилмади. Фақатгина:

– Жаноб Молленхауэр, самимий кутиб олганингиз учун жуда миннатдорман, – деди. – Агар имкон топганингизда, менга ёрдам берган бўлардингиз, бунга ишонаман. Бироқ энди кучим етганча ўзим курашишимга тўғри келади, албатта. Кетишга ижозат беринг.

Каупервуд ўрнидан турди-ю, чиқиб кетди. У уриниши қанчалик умидсиз бўлганини энди тушунганди.

Бу пайтга келиб эса ғазначиликдаги воқеа ҳақидаги гап-сўзлар кўпайиб ва кенгайиб кетаётгани, лекин, афтидан, ҳеч ким буни аниқлаштириш учун қадам босмоқчи эмаслигини сезган Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам фуқаролик ассоциациясининг президенти жаноб Скелтон Уит Маркет стритдаги мажлислар залида ўзи раислик қиладиган, Филадельфиянинг ўнта одамидан иборат қўмитани чақиришга мажбур бўлди ва йиғилганларга Каупервуднинг банкротлиги ҳақида эълон қилди.

– Менимча, жаноблар, – гап бошлади у – ташкилотимиз учун шаҳарга ёрдам бериш ва унинг аҳолисига хизмат кўрсатиш, шу йўл билан биз ўзимиз учун танлаган номни оқлаш фурсати етди, фақат текширувни диққат билан олиб бориш ва бу ишнинг барча тафсилотларини очиш керак бўлади. Кейин эса фактларга таяниб, шу вазиятда содир бўлган мансабини суниестемол қилиш ҳолатларига чек қўйишни қатъий талаб қилиш керак. Бу иш осон эмаслигини биламан. Шаҳарда ҳам, штатда ҳам Республикачилар партияси ва у суянадиган одамлар, албатта, бизга қарши бўлишади. Партия етакчилари гап-сўздан кўркишади – бу сайлов пайтида уларнинг номзодлари ўтишига ҳалал бериши мумкин. Бироқ биз етарлича туриб берсак, бу билан катта ва фойдали иш қилган бўламыз. Жамиятимиз ҳаётида ҳамма нарса ҳам яхши ҳолатда эмас. Ҳуқуқ тамойиллари бутунлай топталишига йўл бериб қўйиш керак эмас. Уларга риоя қилишга ўрганиш керак. Шунинг учун ҳам бу масалани кўриб чиқиш учун кун тартибига қўйдим.

Жаноб Уит гапини тугатиб, жойига ўтирди ва кўмита тезлик билан масалани кўриб чиқишни бошлаб юборди. Биринчидан, “шаҳарда тарқалган ва шаҳар ўз-ўзини бошқарувининг обрўсига путур етказадиган гап-сўзларни текшириш” бўйича комиссия тузишга (кейинчалик кўмитанинг расмий баёнотида хабар берилганидек) қарор қилинди. Комиссияга эртаси куни кечқурунга чакирилган кўмита мажлисига текширув натижаларини тақдим қилиш вазифаси топширилди. Иккита мажлис ўртасида ўтган бир сутка ичида молия дунёсининг билимдонлари бўлган кўмитанинг тўртта аъзоси ўзларига топширилган вазифани бажариб, аниқ ишлаб чиқилган ҳисоботни топширди. Тўғри, ҳисобот фактларга айнан мос келмасда, шунчалик қисқа вақт ичида ҳақиқатга қанчалик яқинлашиш мумкин бўлса, шу даражада эди.

## Теодор Драйзер

“Маълум бўлишича (дейшларди ҳисоботда комиссия нима учун ташкил этилгани тўғрисида баён қилувчи кириш сўзидан кейин), бир неча йилдан бери шаҳар газначилигида шаҳар кенгаши тасдиқлаган заёмларни чиқаришда уларни сотиш бирорта биржа маклерига топширилган. Бу маклер қоида бўйича, вақти-вақти билан, одатда ҳар ойнинг биринчи санасида шаҳар газначисига сотилган облигацияларнинг суммаси ҳақида ҳисобот бериб турган. Ушбу ҳолда бундай маклер Фрэнк А. Каупервуд бўлиб, у билан муносабатда газначилик, афтидан, ҳатто ана шу тизимга ҳам риоя қилмаган. Охирги кунлардаги ҳодисалар: Чикагодаги ёнгин, ёнгин сабаб фонд биржасидаги қийматларнинг тушиб кетиши ва шу сабаб Фрэнк А. Каупервуднинг банкрот бўлиши ишни шу қадар чигаллаштириб юборганки, натижада комиссия газначиликда умуман тизимли ҳисобот топшириш амалга оширилганми-йўқми, аниқлашга эриша олмади. Бироқ жаноб Каупервуд шаҳар заёми облигацияларини бемалол банкларга гаровга қўйгани ва бошқа ишларни ҳисобга олиб, хулоса қилиш мумкинки, у ҳеч ким олдида ҳисоб бермаган ва унинг ихтиёрида доим шаҳарга тегишли бўлган нақд пул ва қимматли қозғозлар кўринишида юзлаб, минглаб долларлар бўлган ва улар орқали Фрэнк А. Каупервуд турли молиявий операцияларни бемалол бажараверган. Бахтга қарши, биз бу операциялар қандай натижаларга олиб келганини аниқлашга ҳали имкон топмадик.

Бу операциялардан баъзилари шундай бажарилганки, облигацияларнинг йирик партиялари улар ҳали чиқмасдан буруноқ гаровга қўйилган, қарз бераётган одамга эса канцеляриядан газначининг шунча облигация сонига ордер ёзилган ва расмийлаштирилган, деган тасдиқномаси берилган. Бундай йўллардан, афтидан, анча йиллардан бери фойдаланиб келинган ва бу ишлар шаҳар газначисининг иштирокисиз қилиш мумкин бўлмаганини ҳисобга олиб,

тахмин қилиш мумкинки, газначи билан жаноб Каупервуд ўртасида шаҳар маблағидан шахсий қизиқишлари учун ноқонуний фойдаланиш тўғрисида жиноий келишув бўлган.

Бундан ташқари, шаҳар юқорида айтиб ўтилган гаров операциялари учун оз бўлмаган фоизлар тўлаб келган, бу йўллар билан олинган пуллар эса газначи таклиф қилган биржа маклерининг қўлида қолган ва шундан келиб чиқиб, шаҳарга ҳеч қандай фойда келтирмаган. Қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар вақтинча тўхтатилган, шаҳар кассасида бўлиши керак бўлган пулларга эса жаноб Каупервуд наст нархда бу мажбуриятларнинг йирик партияларини сотиб олган. Натижада шаҳар заёми облигацияларининг қонуний эгалари ўзларига тегишли улушни ололмаган, шаҳар газначилиги эса беш юз минг доллардан ортиқ бўлган камомаддан ҳам ортиқроқ зарар кўрган. Айни пайтда шаҳар газначисининг ҳисоботини бухгалтер-экспертлар текширмоқда ва бир неча кундан кейин бу операциялар қандай ўтказилгани маълум бўлади. Умид қиламизки, бу ишнинг халқ орасида ошкор қилиниши бундай қораланадиган иш услубларига нуқта қўяди”.

Ҳисоботга жиноят кодексининг жамоатчилик ишончини суиистеъмол қилиш тўғрисидаги тегишли бандлари нусхаси ҳам қўшилганди. Шундан сўнг агар солиқ тўловчилардан ҳеч ким бу жиноятда иштирок этган шахсларга нисбатан суд иши қўзғашни истамайдиган бўлса, у ҳолда комиссия бундай ҳаракатлар ваколатига кирмаса-да, бу ишни ўз зиммасига олиши тўғрисида гапирилганди.

Ҳисобот тезлик билан газетага юборилди. Каупервуд ва Республикачилар партиясининг бошлиқлари ҳамма нарсага тайёр туришган бўлса-да, бу воқеа улар учун катта зарба бўлди. Стинер кўркувдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйганди. Газетада “Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам фуқаролик ассоциациясининг мажлиси” деб аталган сарлавҳани кўриши билан уни совуқ тер босиб кетди.

## Теодор Драйзер

Барча газеталар шаҳарнинг сиёсий ва молиявий корчалонлари билан шунчалик яқин алоқада бўлганларидан, очикчасига шарҳ беришга юраклари дов бермаганди. Газеталарнинг муҳаррир ва ноширлари барча тафсилотлар билан таниш эдилар, бироқ Молленхауэр, Симпсон ва Батлерлардан бу ҳақда катта шовқин кўтармаслик тўғрисида буйрук бўлди. Бу воқеа гўё шаҳарнинг ишларига ёмон таъсир кўрсатармиш, савдога зарар етказармиш ва ҳоказо... Филадельфиянинг номига доғ тушириш керак эмас. Хуллас, ўша ҳикоя такоррланаётганди!

Биринчи ўринда, албатта, савол пайдо бўлганди: асосий гуноҳкор ким – шаҳар ғазначисими, биржа маклерими, эҳтимол, уларнинг икковидир? Ҳақиқатан олганда ғазначиликдан қанча пул йўқолган? Улар қаерга кетган? Фрэнк Алжернон Каупервуд ким ўзи? У нега қамалмади? У қандай қилиб шаҳарнинг молия ташкилотларига раҳбарлик қилувчи одамларнинг ишончига шу даражада кира олган? Ўша пайтларда ҳали алоҳида шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятларини кўркмай шарҳлайдиган “сарик матбуот” даври келмаган бўлса-да, маҳаллий газеталар, ҳатто сиёсий ва молиявий магнатларга оёқ-қўллари билан боғланганлари ҳам бу ишга сукут сақлай олмадилар.

Кўп мақолалар чоп этила бошлади. Улар тантанали ва жуда босиқлик билан биргина одам катта шаҳарга ва обрўли сиёсий партияга қандай шармандалик келтириши мумкинлиги ҳақида ёзишарди. Ана шу пайтда Молленхауэр, Батлер ва Симпсонлар “ҳар эҳтимолга қарши” тузган режа – ҳамма айбни Каупервудга тўнкаб, шу йўл билан вақтинча бўлса-да, Республикачилар партиясини айбдан озод қилиб туриш ишга солинди. Ҳамма газеталар ва ҳатто Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам фуқаролик ассоциациясининг бош айбдор (агар бир ўзи бўлмаса) Каупервуд эканини айтишга тайёр турганини

кўриш кулгили эди. Тўғри, Стинер унга ссуда берибди, бунинг устига, шаҳар заёмларини сотишни унинг қўлига ишониб топширибди, бироқ негадир, (негалиги номаълум) Каупервуд ғазначининг ишончидан безбетларча фойдаланибди.

Шу айбловдан сўнг Каупервуднинг амортизация фондида бўлмаган облигациялар учун олтмиш минг долларга чек олгани тўғрисидаги тушунарсиз киноялар айтиларди; уларни тўлиқ тасдиқлашга ҳеч кимнинг юраги дов бермади, чунки газеталар ҳам, текширувни олиб борган комиссия ҳам штатнинг қонунлари тухмат учун қаттиқ жазо беришини яхши билишарди.

Керак бўлган пайтга муниципалитет матбуотга жуда яхши тайёрланган хат ёзишмаларини топширди. Хатларнинг бирида шаҳар мэри Жейкоб Борчардт жаноб Жорж Стинердан унинг ўзини ғалати тутишини тезда тушунтириб беришини талаб қиларди. Бошқа хат эса жаноб Стинернинг жаноб Борчардтга жавоби эди. Республикачилар партияси раҳнамолари бу хатлар партиянинг ўзини ҳар хил ғаразли шахслардан тозалашга бўлган ҳаракатининг исботи бўлиб хизмат қилади ҳамда ишни сайловлар тугагунча чўзиб туради, деб ҳисоблашаётганди.

### **ФИЛАДЕЛЬФИЯ ШАҲАР МЭРИНИНГ КАНЦЕЛЯРИЯСИ**

*18 октябрь, 1871 йил*

*Шаҳар ғазначиси жаноб Жорж Стинерга*

*Муҳтарам жаноб!*

*Бизга шаҳар ғазначилиги номидан ва, албатта, шаҳар мэрининг рухсати билан Сиз томонингиздан сотиш учун чиқарилган шаҳар заёми облигацияларининг маълум бир пакети назоратингиздан чиқиб кетгани, ушбу кўрсатилган облигациялар сотилишидан тушган пуллар шаҳар ғазначилигига келиб тушмагани тўғрисида маълумот берилди.*

Теодор Драйзер

Яна бизга маълум бўлишича, шаҳарга тегишли маблағнинг йирик суммаси контораси Учинчи кўчада бўлган бир ёки бир нечта биржа маклерлари ёки банкирларнинг қўлига келиб тушган ва бу биржа маклерлари ёки банкирлар жуда қийин молиявий аҳволда бўлишиб, натижада шаҳар маблағига катта зарар етган.

Шунинг учун мен, шаҳар мэри, агар бу маълумотлар чиндан ҳам рост бўладиган бўлса, ўзимга топширилган вазифа ва бурчимни ўташ учун вақтида чора кўриш мақсадида, Сиздан кечиктирмай бу маълумотлар ҳақиқатми ёки йўқлиги ҳақида хабар беришингизни сўрайман.

Сизга ҳурмат билан Филадельфия мэри Жейкоб Борчардт.

### **ФИЛАДЕЛЬФИЯ ШАҲАР ҒАЗНАЧИЛИГИ КАНЦЕЛЯРИЯСИ**

19 октябрь, 1871 йил

Ҳурматли Жейкоб Борчардтга!

Муҳтарам жаноб!

Бунни ёзиш билан шу ойнинг 18-санасида ёзган хатингизни олганимни маълум қиламан ва айти пайтда Сиз сўраган маълумотларни бера олмаслигимдан қаттиқ афсусдалигимни билдираман. Бахтга қарши, шаҳар газначилиги чиндан ҳам бир неча йил давомида шаҳар заёмининг сотилиши билан шугулланган ўша биржа маклерининг ўз бурчларини бузганидан келиб чиқиб, қийин аҳволга тушиб қолганини тасдиқлашга мажбурман. Яна шу нарсани Сизга маълум қиламанки, бу ҳолат содир бўлгандан бери шаҳарга хавф солаётган йўқотишларнинг олдини олиш ёки жуда бўлмаганда камайтириш учун қўлимдан келган ишни қиляпман.

Сизга чуқур эҳтиром билан Жорж Стинер.

**ФИЛАДЕЛЬФИЯ ШАҲАР МЭРИНИНГ КАНЦЕЛ-  
ЯРИЯСИ**

21 октябрь, 1871 йил

Шаҳар газначиси Жаноб Жорж Стинерга!

Муҳтарам жаноб!

Юзага келган шароитлар сабаб Сизга ҳали тарқатилмаган шаҳар заёмини чиқаришга рухсат берилган, лекин ҳали чиқарилмаган облигациялар бўйича муурожаатларни бизнинг канцелярияга юбориш сўралади.

Ҳурмат билан Филадельфия шаҳар мэри Жейкоб Борчардт.

Жаноб Жейкоб Борчардт имзо қўйган бу хатларни унинг ўзи ёзганмиди? Йўқ, ёзмаганди. Уларни Энбер Сэнгстек жаноб Молленхауэрнинг идорасида ёзиб чиққан ва жаноб Молленхауэр улар билан танишиб: “Тўғриси, шунда яхши бўлади, ҳатто жуда яхши бўлади”, – деб қўйганди.

Филадельфия шаҳрининг газначиси жаноб Стинер хатга ўзининг дипломатик жавобини ёзганмиди? Йўқ, ёзмаганди. Жаноб Стинер жуда тушкун аҳволда эди ва ҳатто бир куни ванна қабул қилаётиб йиғлаб юборганди. Бу жавоб хатини ҳам Энбер Сэнгстек ёзган ва қўл қўйиш учун жаноб Стинерга берганди. Жаноб Молленхауэр эса хат жўнатилишидан олдин кўриб чиқиб, “Яхши ёзилибди”, – деб қўйди. Ҳозир шундай пайт эдики, ҳамма каламуш ва сичқонлар ин-инларига яшириниб олишган, чунки қоронғиликдан уларга кўзлари ёниб турган мушук – жамоат фикри – қараб турарди. Фақат энг кўркмас ва донишманд каламушларгина ҳаракат қила олишаётганди. Бу давр мобайнида жаноб Молленхауэр, Батлер ва Симпсонлар бир неча кундан бери округ прокурори жаноб Петти билан Каупервудни расман қоралаб, Стинер сувдан қуруқ чиқишига имкон туғдириш йўллари ҳақида маслаҳат қилишаётганди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, жаноб Батлер Каупервудни судга тортишни талаб қилаётганди.



## Теодор Драйзер

Петти Стинерни оклашнинг иложи йўқлигини, чунки Каупервуднинг бухгалтерия китоблари Стинер учун кўнка темир йўллари акцияларини сотиб олиш тўғрисидаги ёзувлар билан тўлаллигини таъкидлаётганди. Каупервуд масаласида эса... “Менга ўйлагани беринглар!” – деётганди у.

Шундан сўнг улар Каупервудни қамаш керак эмасми ва агар керак бўлса, суд қилиш керак эмасми, деган масалани муҳокама қилишди, чунки қамалишининг ўзи унинг халқ олдида айбдорлиги ва йўл-йўлакай шаҳар ўз-ўзини бошқаруви нафратининг исботи бўлади ва шу йўл билан сайловлар тутагунча айна шароитда Республикачилар партияси ўйнаган шубҳали ролдан одамларнинг диққатини чалғитиб туради.

Бўлиб ўтган суҳбатлар натижасида 1871 йил 26 октябрь куни кечкурун Молленхауэр шаҳар советининг вакили бўлган Эдвард Стробикни шаҳар ғазначисининг таклифи билан заёмларни сотиш учун чақирилган Фрэнк Каупервуд камомад қилишда ва бировларнинг маблағини ўзлаштириб олишда айбланади, деган расмий ариза билан шаҳар мэрининг олдига юборишди. Айна пайтда шундай айб Жорж Стинерга ҳам қўйилгани ҳеч қандай аҳамият касб этмади. Ҳамма нарсага балогардон қилиб Каупервуд танланганди.

Уша пайтдаги Каупервуд билан Стинер орасида юзага келган катта тафовут бу ҳақда тўхталиб ўтишга арзийди. Стинернинг юзи қорайиб, лаблари кўкариб кетганди. Қамокқа тушиш эҳтимоли, буни ота-онаси, хотини, болалари, ҳамкасб ва дўстлари қандай қабул қилиши ҳақидаги қайғули фикрларга қарамай, Каупервуд хотиржам кўринар, бу унинг иродаси жуда кучлилигидан дарак берарди. Шу мусибатли давр мобайнида у бир сонияга бўлса-да, онгининг тиниқлиги ва мардонаворлигини йўқотмади. Одамни қийнайдиган ва кўп ҳолларда унинг ўлимига сабаб бўладиган виждон азоби Каупервудни ҳеч қачон қийнамаганди. Унинг учун гуноҳ деган тушунча йўқ эди. Унинг нуқтаи назарига кўра ҳаётнинг фақат икки томони: куч ва ожизлик бор эди. Адолат ва ноҳақлик-чи? Бундай фарқ унинг учун нотаниш эди. Тасавурида бу нарсаларнинг бари ўзи ўйлаб кўришни хоҳламайдиган метафизик мавҳумлик ҳисобланарди. Яхшилиқми, ёмонлик-чи? Бу – поплар пул ишлаш учун ўйлаб чиқарган бўлмагур нарсалар. Жамиятнинг яхши муносабатда бўлиши ёки, аксинча, унинг тескариси бўлган қувғин – бахтсизликка учраган инсоннинг кўпинча қувғин қилиниши нимани англатади? Ахир у ёки ота-онасида юкори доираларга кириш имкони бормиди? Йўқ! Демак, бу мусибатли кунлар ўтиб кетгандан кейин жамиятнинг уни яна қабул қилиши эҳтимолдан холи эмас-ку! Ахлоқ ёки ахлоқсизлик! Бўлмаган гаплар. Куч ва заифлик – мана бу бошқа гап. Агар инсон кучли бўлса, у доим ўзини

## Теодор Драйзер

ҳимоя қилиши ва бошқаларни ўзи билан ҳисоблашишга мажбур қила олиши мумкин. Агар кучсиз, заиф бўлса у орқага югуриши, жанг майдонидан қочиши керак.

Каупервуд кучли эди, буни ўзи ҳам биларди ва бир куни омади келишига ишончи комил эди. Гўё кимнингдир кўли (кимникилигини Фрэнк аниқ айта олмасди ва бу нарса уни метафизикада қизиқтирадиган ягона нарса эди) ҳар ерда ва ҳамма нарсада унга ёрдам берар, охириги дақиқада бўлса ҳам, ҳамма ишларини жой-жойига қўярди. Бу эса унинг олдида ажойиб имкониятларни очарди. Нега у шу қадар зийрак қилиб яратилган? Нега молия ишларида ҳам, шахсий ҳаётда ҳам шу қадар омади келди? У бунинг учун ҳеч нарса қилмаган, ҳеч қандай хизмат кўрсатмаган. Бу тасодифми?.. Унда руҳини ҳеч қачон тарк этмайдиган ўзига ишонч ҳисси, тўсатдан бир неча бор ҳаракатга туртки берган “ғойибона ички сезгиси”ни қандай тушуниш мумкин? Ҳаёт – очилмаган сирлардан иборат, бироқ нима бўлганда ҳам, у таркиб топган қисмлар куч ва ожизликдир. Куч галаба қилади, ожизлик ютқизади. Энди Каупервуд фақат ўзининг зийраклигига, ҳисоб-ки-тобларининг аниқлигига, тўғри фикрлашига суяниши мумкин эди, холос. Чиндан ҳам ҳаракатчан, олифта ва чиройли кийинган, мўйловлари буралган, эгнига яхшилаб дазмолланган костюм кийган, соқоли тоза қиртишланган юзи соғлом кизариб турган Каупервуд битмас-туганмас куч ва жасоратнинг тимсоли бўлса арзирди.

У Скелтон Уитнинг олдида ўзи бориб, бу ҳодиса юзасидан у ўзигача бўлган кўплар каби ҳаракат қилганини айтиб, ўзининг қарашларини тушунтирмоқчи бўлди. Уит унинг гапларини ишонқирамайгина эшитди У, масалан, олтмиш минг долларга сотиб олинган облигацияларнинг нега амортизация фондида йўқлигини тушунмади. Каупервуднинг бу одат тусига кирган нарсалар эканигини баҳона қилиши унга таъсир қилмади. Тўғри, жаноб Уит сиёсат дунёсидаги бошқа одамлар Каупервуддан кам

бойишмаганини тан олди ва йигитга уларни айблаб чиқишни таклиф қилди, бироқ Каупервуд ўйлаб ҳам ўтирмай, бу таклифни дарров рад қилди.

– Мен чақимчи эмасман, – жаноб Уитга тикка қараб деди у. Жаноб Уит эса бу гапга истехзо билан жилмайиб кўйди.

Жаноб Батлер бўлажак сайловлардан ҳадиксираётганига қарамай, галаба қилаётганди, чунки “ўша аблах” тўрга тушган ва ундан тез кунда озод бўла олмасди. Республикачилар партияси галаба қилган тақдирда Дэвид Петтингтон ўрнига округ прокурорлигига Батлернинг одами бўлган, унга бир неча марта юридик масалаларда маслаҳат берган ёш ирландиялик Деннис Шеннонни қўйиш режаланаётганди. Бошқа икки раҳнамо ҳам бу номзодга бажонидил рози бўлишди.

Бу Шеннон деганлари бўйи беш футу ўн дюйм, гавдаси спортчиларга хос келишган, сочлари оч рангда, кўзлари кўк йигит бўлиб, ақлли, жуда кучли юрист ва нотик эди. У ўзини Республикачилар партиясининг юқори ўринларига номзодлар рўйхатига қўшиб қўйган кекса Батлернинг яхши муносабатидан жуда фахрланар ва сайланиб қолган тақдирда кучи борича унинг айтганларини бажаришга ваъда берганди.

Бироқ Республикачилар партиясининг раҳнамолари учун асал идиши ичида бир қошиқ захар ҳам бор эди – Каупервуд қамалган тақдирда Стинерни ҳам шу қисмат кутаётганди. Шаҳар ғазначисини қутқариб қолиш мумкин бўлган ҳеч қандай йўлни топа олишмаётганди. Агар Каупервуд ёлғон йўли билан олтмиш минг долларни ўзлаштириб олган бўлса, унда Стинер беш юз минг долларни ўзлаштирган бўлиб чиқади. Бу беш йил қамок муддатини англатади. Стинер аънаналар бўйича ҳаракат қилганини исботлаб, айбини рад этиши, айбдорлигини тан олишдан қочиши мумкин, бироқ бу ҳам уни қутқара олмасди. Бирорта ҳам ҳакамлар ҳайъати яққол кўриниб

## Теодор Драйзер

турган фактларга қарши бора олмайди. Каупервуд масаласида эса жамоатнинг фикрига қарамай, ҳали айблов ҳукми чиқариладими-йўқми, номаълум эди. Бироқ Стинерга келсак, унинг айбланишига шубҳа йўқ эди.

Шу ўринда Каупервуд билан Стинерга расмий айблов эълон қилинганидан сўнг нималар бўлганини қисқача айтиб ўтиш лозим. Каупервуднинг юридик маслаҳатчиси Стежер жиноятни очиш бўйича ҳаракатлар бошланганини билиб қолибди. У миждозини ҳибсга олиш ҳақидаги буйруқни кутиб ўтирмай, ўзи суд органларига боришни ва шу билан агар уни олиб кетишга полиция келадиган бўлса, кўтариладиган шов-шувларнинг олдини олишини маслаҳат берди. Шаҳар мэри Каупервудни камокка олиш учун ордерга қўл қўйгач, Каупервуд Стежернинг кўрсатмаларига амал қилиб, у билан бирга жаноб Борчардтнинг олдига келди ва Марказий полиция бошқармасига ўзи боришини тасдиқлаш учун йигирма минг доллар (уни кафилликка олган одам Жирард миллий банкининг президенти жаноб Дэвисон эди) гаров пули тўлади. Шаҳар манфаатини ҳимоя қилиш учун шаҳар кенгаши раиси Стробик адвокат Марк Олдслоуни таклиф қилди. Мэр Каупервудга жуда қизиқиш билан қаради, чунки Филадельфиянинг сиёсий дунёсида янги шахс бўлган бу одам Каупервудни илгари билмасди. Каупервуд ҳам мэрга ҳурмат билан қараб қўйди.

– Бинойдек комедия, сэр, – хотиржам товушда деди Каупервуд ва Борчардт ҳам жилмайганча, шахсан ўзи бу воқеаларга шундай қийин пайтларда бўладиган расмий нарсалар деб қарашини айтди.

– Ахир ўзингиз ҳам бунақа нарсаларни яхши тушунасиз-ку, жаноб Каупервуд, – деди у гапини тугатиб.

– Ҳа, албатта, тушунаман! – кулимсираб деди Каупервуд.

Шундан сўнг марказий судда унча жиддийлик билан ўтмаган бир нечта дастлабки тергов бўлди, Каупервуд

унга айблов актини топширишганда ўзини гуноҳкор деб ҳисобламаслигини билдирди. Шу ернинг ўзида Каупервуднинг иши биринчи марта ноябрь ойида кўрилиши белгиланди ва Петти тузган айбноманинг мураккаблигини ҳисобга олиб, Каупервуд ишни судга узатиш масаласини ҳал қилувчи маслаҳатчилар олдида ҳозир бўлишни лозим кўрди. Бу ишларни жуда тантанали тарзда кўрсатмоқчи бўлаётган янги сайланган округ прокурори Шенноннинг кистови остида маслаҳатчилар иш бешинчи декабрь куни квартал сессиясининг Биринчи бўлими, яъни шу турдаги жиноят ишларини кўрувчи Пенсильвания судининг маҳаллий бўлими судьяси Пейдерсон раислиги остида кўриб чиқилишига қарор қилишди. Кутилганидек, Каупервуд устидан белгиланган суд мажлиси тантанали тарздаги кузги сайловлардан кейин ўтказилди.

Молленхауэр ва Симпсонларнинг сайловчи шахсига нисбатан куч ишлатиш ва бюллетенларни сохта-лаштиришдан ҳам ҳазар қилмаган жуда айёрона найранглари сабаб сайловлар Республикачилар партиясига, унинг издошлари ўтган сафардагидан камроқ овоз олишган бўлса-да, янги ғалаба келтирди. Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам фуқаролик ассоциацияси сайловларда ютқизганига қарамай (бу рақибларининг қаллоблик усуллари билан фойдалангани билан изоҳланди), ўзи асосий жиноятчи деб ҳисоблаган томонга қарши курашини давом эттираверди.

Бутун шу пайт давомида Эйлин Батлер ўзининг кучли табиатига хос диққат ва эҳтирос билан Каупервуд ишининг кутилмаган хулосаларини манаман деган газета мақолаларидан, шаҳарда оралаган миш-мишлар ёрдамида кузатиб борарди. Ҳиссиётлар аралашган жойда Эйлин фикрлашга ожиз қоларди: у Фрэнк билан тез-тез кўришиб турар ва йигит унга кўп нарсаларни, албатта, эҳтиёткорликни унутмаган ҳолда айтиб берарди. Шунинг учун газетадаги шов-шувлар ва уйида, дастурхон

## Теодор Драйзер

атрофида ҳамда бегоналар йигитни қанчалик ёмон тасвирлаганларига қарамай, у Каупервуднинг умуман бунақа эмаслигига ишончи қомил эди. Филадельфиянинг “Паблик лежер” газетасида Каупервудни расман тамагирликда айблашганидан сўнг чиққан ва Эйлин қирқиб олиб қўйган бир мақолагина қизни бироз овутиб, ўзига келтирди. Эйлин мақолани кўксига яшириб қўйди, чунки бу мисралар негадир ўзи севадиган Фрэнк у қадар жиноятчи эмаслиги ва унга бўҳтон қилишаётганининг исботидек туюлаётганди. Бу мақола эса аслида Шаҳар ўзини ўзи бошқарувига ёрдам фуқаролик ассоциацияси босиб чиқарадиган кўплаб манифестларидан бирининг қисқартирилган варианты эди. У ерда мана бундай деб ёзилган эди:

*“Бу иш, афтидан, қутилганидан анча жиддийга ўхшайди. Беш юз минг доллар камомад шаҳар заёми облигацияларининг сотилиши ва бу ҳақдаги маълум ҳисоботнинг йўқлиги сабаб эмас, балки шаҳар газначисининг ўз биржа маклерига берган ссудаси натижасида юзага келган. Бундан ташқари, қўмита биржа маклери томонидан сотилган шаҳар заёми облигацияларининг ҳар ойлик ҳисоботи ўтган ойнинг энг паст курси бўйича олиб борилгани, бу курс билан облигациялар чиндан ҳам сотилган курс ўртасидаги фарқни шаҳар газначиси ва биржа маклери ўзаро бўлиб олгани тўғрисида ишончли маълумотларга ҳам эга. Бундан келиб чиқадики, курсни туширишга эришиш учун вақти-вақти билан бозорга босим ўтказиб туриш уларнинг икковига ҳам керак эди. Шунга қарамай, қўмита биржа маклери жаноб Каупервудга қарши қўзғатилган суд ишини фақатгина жамоатнинг диққатини ҳақиқий айбдорлардан чалғитиш ва шу билан ишни ўзлари учун қулай ҳолда битириш мақсадида уларга имконият яратишга уриниш, деб баҳоломақда”.*

“Мана! – мақолани ўқигач, ўзига ўзи деди Эйлин. – Энди ҳаммаси тушунарли!” Бу сиёсатчилар, шу жумладан, унинг отаси ҳам (ўзи билан суҳбатдан сўнг киз буни тушунганди) ўз жиноятлари учун бутун айбни Фрэнкка тўнкашмоқчи. Франк асло тасвирлашаётганидек даҳшатли одам эмас. Ассоциациянинг ҳисоботида буни очиқ айтиб қўйишибди. Эйлин “...жамоатнинг фикрини ҳақиқий айбдорлардан чалғитишга уриниш...” деган сўзлардан хузурланаётганди. Ахир улар бирга гоҳ бир ерда, гоҳ бошқа ерда, асосан Олтинчи кўчадаги уйда бирга ўтказган бахтли дақиқаларида Фрэнк унга худди шуларни айтмаганмиди? Фрэнк унинг қалин сочларини силаб эркаларкан, бу воқеаларнинг ҳаммаси бутун айбни унга тўнкаш ва бу билан партияни ва қисман Стинерни ҳимоя қилиш учун сиёсий корчалонлар томонидан уюштирилганини айтарди. Каупервуд, албатта, бу шароитдан чиқиб кетади, бироқ Эйлин тилига эҳтиёт бўлиши керак. У жаноб Стинер билан узоқ вақт давомида иш ва иккаласи учун фойдали бўлган масалалар юзасидан муносабатда бўлганини рад қилмаган ва кизга уларнинг моҳиятини тушунтириб берганди. Эйлин ҳаммасини тушунган, ҳар ҳолда тушундим, деб ўйлаганди. Хуллас, Фрэнк нима қилиб бўлса ҳам қизни ўзининг айбдор эмаслигига ишонтира олган ва киз учун шунинг ўзи етарли эди.

Катта ва кичик Каупервудларнинг улар гуллаб-яшнаган пайтда қўшиб қурилган ва энди умумий фалокат пайтида бир-бири билан гамзода боғланган уйларига келсак, у ерда ҳаёт тўхтаб қолгандек эди. Бу ердаги ҳаётнинг манбаи Фрэнк Алжернон эди. У отасига куч-қувват бериб турар, укаларини йўлга солар, болалари ва хотинининг умиди, таянчи, Каупервудлар хонадонининг суянчиги, ғурури эди. У ҳамма учун омад, куч, интилишлар, бахт ва ғурурнинг тимсоли эди. Бироқ энди унинг чараклаб турган юлдузи хиралашиб қолган ва, афтидан, интиҳо кутбига ботиш арафасида эди.



## Теодор Драйзер

Ўшанда эрталаб келган машъум хат одатдаги ҳаётини худди бомба каби бутунлай ўзгартириб юборган Лириан Каупервуд ярим жонсиз ҳолатда юрарди. Мана, бир неча ҳафтаки, ўз вазифаларини илгаригидек бажариб юрар экан (ҳар ҳолда ташқаридан шундай кўринарди), Лириан жуда азобда эди. У жуда ҳам бахтсиз эди. У қирқдан ошган ва бу пайтга келиб, ҳаёти аслида мустаҳкам асосга ўрнатилган бўлиши керак эди, энди эса кимнингдир кучли қўллари уни яшаб турган ва гуллаб яшнаган тупроғидан юлиб олиб, гам ва камситишлар остида сўлиб қолиши учун иргитиб ташламоқда.

Катта Каупервуднинг ишлари ҳам тезлик билан ортга қараб кетаётган эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг ўғлига ишончи чексиз эди, бироқ у Фрэнкнинг қаердадир катта хато қилгани ва энди шунинг бадалини тўлаётганини тушуниб турарди. Қария, албатта, Фрэнк бизга маълум йўллар билан ўзини қутқаришга ҳакли деб ҳисоблар, бироқ ўғли маълум бир шароитлар қопқонига тушиб қолган, деган ўйдан жуда азобланиб кетаётганди. Фрэнк, отасининг назарида, жуда кам учрайдиган ақлли одамлар сирасига кирарди. Агар шаҳар ғазначиси, сиёсатдон корчалонлар билан топишмаганида, у жуда катта ютуқларга эришган бўларди. Кўнка темир йўллари ва чайқовчи сиёсатдонлар уни адо қилишди.

Бутун кун у бурчакдан бу бурчакка юраркан, кекса Каупервуд унинг юлдузи сўниб бораётгани, Фрэнкнинг ҳалокати унинг ҳам ҳалокати эканини, бу шармандаликлар – ўғлининг виждонсиз ҳаракатларда айбланиши унинг ҳам фожиаси эканини борган сари аниқроқ тушунарди. Бир неча ҳафта ичида унинг сочлари оқариб кетди, ранги кетиб, кўзлари киртайиб қолди. Қайтмас бўлиб кетган энг яхши кунларидан эсдалик бўлган бакенбардлари ҳам ўсиб кетганди. Унинг учун ягона овунч Фрэнкнинг Учинчи миллий банк билан бутунлай ҳисоб-китоб қилгани, ундан бир доллар ҳам қарзи қолмагани эди. Шундай

бўлса-да, қария банк бошқаруви ўғли шаҳар кассасини талон-торож қилишга ҳисса қўшган ва мана шу иши ҳозир газеталарда шов-шув бўлаётган одамни ўз сафида кўришни истамаслигини билиб турарди. Бунинг устига, Ҳенри Каупервуд қариб қолган, нафақага чиқадиган пайти ҳам келганди.

Бу ишнинг ечими Фрэнк жамоат маблагини ўзлаштиришда айбланиб, қамокқа олинган куни содир бўлди. Фрэнк қарияни Стежернинг бундан қочиб бўлмайди, деган гапи билан огоҳлантириб қўйганди ва у фалокат натижасида ерга кириб кетай деётган бўлса-да, доимгидек, банкка қараб йўл олди. Уйқусиз ўтган тундан кейин у уйдан чиқиш олдидан ишга бориши билан қўлига бериш учун бошқарув раиси Фруэн Кессон номига ўзини нафақага чиқариш ҳақида ариза ёзганди.

Эллик ёшлардаги гавдали, қомати келишган ва ёқимтой эркак бўлган жаноб Кессон қариянинг аризасини кўриб енгил торгди.

– Жаноб Каупервуд, айти пайтда сизга жуда оғирлигини яхши тушунаман, – дўстона оҳангда деди у. – Биз – мен бу гапни бутун бошқарув аъзолари номидан айтишга ҳаққим бор – сизга ҳамдардмиз. Ўғлингиз бу ишга қандай аралашиб қолгани бизга тушунарли. У шаҳар бошқаруви ишларига аралашиб қолган биринчи ва ягона банк ходими эмас. Бу қадимдан қолган тизим. Биз виждонан ишлаган ўттиз беш йиллик меҳнатингизни қадрлаймиз. Агар ҳозирги вақтинчалик қийинчиликларни енгишда сизга ёрдам бера олиш имконимиз бўлганда, бундан жуда мамнун бўлардик. Бироқ ўзингиз банк ходимисиз, бундай имкон йўқлигини жуда яхши тушунасиз. Ҳамма ёқда тўполон бўлиб ётибди. Бўрон бироз босилганини, ҳеч бўлмаса, қачон босилишини билиб бўлса эди...

Банк бошқаруви раиси жим бўлиб қолди, чунки жаноб Каупервуд билан шундай шароитда хайрлашиш банк бошқаруви учун ачинарли ҳолат эканини айтишга ўзини

## Теодор Драйзер

мажбур қила олмади. Яхшиси, жаноб Каупервуднинг ўзи айта қолсин.

Раиснинг нутқи давомида кекса Каупервуд ўзини зўрға ушлаб турди. Катта дастрўмолини олиб бурнини коқди, кейин креслода қаддини кўтариб, хотиржамлик билан қўлини стол устига қўйди. Бироқ унинг асаблари зўрға дош бериб турарди.

– Буни кўтара олмайман! – бирдан деди қария. – Илтимос, мени ёлғиз қолдиринг!

Олифта ва хушбичим Кессон ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди. У ўзи ҳозиргина гаплашган одам қай аҳволда эканини жуда яхши тушуниб турарди.

Унинг ортидан эшик ёпилиши билан кекса Каупервуд бошини қўлларига қўйди ва унинг бутун гавдаси йиғидан титрай бошлади. “Ҳеч қачон шунақа кунларни кўраман деб ўйламагандим!.. – ўзича пичирлади у. – Ҳеч қачон ўйламагандим!”

Шундан сўнг қария қайноқ, шўр кўз ёшларини артиб дераза олдига келди ва кўчага қараганча энди нима қилиш тўғрисида ўйлай бошлади.

**К**унлар ўтиб борар ва жаноб Батлер энди қизи билан қандай гаплашиш ҳақида борган сари кўпроқ бош қотираётганди. Қизининг “ичимдагини топ” хилидан экани ва отаси билан суҳбатдан қочишга уринаётгани у ҳали ҳам Каупервуд билан учрашиб турганидан дарак берарди. Бу эса эртами-кечми, очик жанжал билан тугаши мумкин эди. Батлер аввалига Каупервуд хонимнинг олдига бориб, уни эрига таъсир ўтказишга мажбур қилмоқчи ҳам бўлди, бироқ кейин ниятидан қайтди. Биринчидан, қизининг Каупервуд билан учрашаётганига ҳали ҳам тўлиқ ишончи комил эмас эди, иккинчидан, Каупервуд хоним эрининг хиёнати ҳақида билмаслиги ҳам мумкин. Шундан сўнг у Каупервуднинг ўзининг олдига бориб, кўрkitиb қўймоқчи ҳам бўлди. Бироқ бу охирги чора бўлиб, унинг ҳалигача бу борада ҳеч қандай исботи йўқ эди. Қидирув бюросига муружаат қилишга юраги дов бермади ва уйидагилардан бирортасига ҳам ишона олмади. Бир куни унинг ўзи Ўнинчи кўчадаги 931-уй атрофида кезиб юрди, бироқ фойдаси бўлмади. Уй ижарага берилган экан: Каупервуд у ердан чиқиб кетишга улгурганди.

Ниҳоят, Батлер қизини бирор ерга, унинг холаси яшайдиган – Бостон ёки Янги Орлеангами, меҳмонга юборишга қарор қилди. Бироқ жуда эҳтиёткорона ҳаракат қилиши керак, Батлер эса бундай ишларга уста эмас эди. Шунга қарамай, у секин тайёргарликни бошлаб юборди. У Янги Орлеанда яшовчи қайнсинглисига хат ёзиб, бу мактуб ҳақида индамаган ҳолда опасига қизини вақтинча уникага

## Теодор Драйзер

юборишини сўраб хат юборишни ва бир вақтнинг ўзида Эйлиннинг ўзига ҳам таклифнома жўнатишини илтимос қилди. Бироқ кейин хатни йиртиб ташлади.

Бир неча кун ўтиб, Батлер тасодифан Молленхауэр хоним ва унинг учала қизи: Каролина, Фелиция ва Альталар декабрнинг биринчи кунларида Париж, Ривьера ва Римда бўлиш учун Европага жўнаб кетаётганини эшитиб қолди. У Молленхауэрдан хотинини ўзи билан Нора ва Эйлинни, жуда бўлмаганда Эйлиннинг ўзини олиб кетишни таклиф қилишга кўндиришини илтимос қилмоқчи бўлди. Буни Батлер хоним эрини ёлғиз қолдиришни хохламаётгани, қизлар эса дунё кўриши кераклиги билан тушунтириш мумкин. Бу нарса Эйлинни маълум бир вақтга нарироқ қилиш учун қулай баҳона эди. Улар Европада камида ярим йил қолмоқчи эди.

Молленхауэр Батлернинг илтимосини бажонидил қабул қилди: иккала оила жуда яқин эди. Молленхауэр хоним ҳам хурсандчилик билан рози бўлди ва таклиф қабул қилинди. Нора хурсандчиликдан ҳайратда эди. У Европада бироз вақт яшашни орзу қилар ва бундай имкониятни қачондан бери кутарди. Эйлин ҳам Молленхауэр хонимнинг эътиборидан хурсанд бўлди. Агар бу таклиф бир неча йил аввал берилганида, у розилик билдиришга шошилган бўларди. Бироқ ҳозир бу таклифни у иккинчи даражали бўлса-да, Каупервуд билан учрашиши учун яна бир қаршилик деб қабул қилди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Батлер хонимнинг олдига келган Молленхауэр хоним таклифи ҳақида оғиз очишга улгурмасдан, Эйлин совуққина охангда уни рад этди.

– У бирга боришингизни жуда хохлаяпти, албатта, отанг бунга қаршилик қилмаса, – таъкидлади онаси. – Ишончим комилки, вақтни жуда яхши ўтказасизлар. Улар аввал Парижда яшаб, кейин эса Ривьерага жўнаб кетишаркан.

– Вой, қандай зўр! – хитоб қилди Нора. – Доим Париж-га боришни орзу қилардим! Сен-чи, Эйлин? Зўр бўлардида!..

– Негадир боргим келмаяпти, – жавоб берди Эйлин. Отасини умидвор қилмаслик учун у гапнинг бошиданок бу фикрга ҳеч қандай қизиқишини кўрсатмаётганди. – Бундан ташқари, кишки кийимларим ҳам йўқ. Яхшиси, кейинги сафар бораман.

– Эйлин, нималар деяпсан, ақлингни йиғсанг-чи!.. – ажабланди Нора. – Қишда чет элга боришни яхши кўраман деб, ўзинг минг марталаб айтгансан-ку? Энди қулай шароит туғилганда эса... Кўйлақларни ўша ерда ҳам тиктирсак бўлади.

– Чет элда ҳар ҳолда тўғри келадиган бирор нарса топилиб қолар, – Норанинг гапини тасдиқлади Батлер хоним. – Бундан ташқари, кетгунча яна икки ёки уч ҳафтача бор.

– Кузатувчи ёки маслаҳатчи сифатида бирорта эркак бирга боришини хоҳлашмаяптими? – сўради Кэлем.

– Мен ҳам хизматимни таклиф қилишга қарши эмасман, – босиқлик билан қўшиб қўйди Оуэн.

– Очиғи, билмайман, – Батлер хоним оғзидаги лукмани чайнаганча кулиб қўйди. – Ўзларидан сўрашингизга тўғри келади, болажонларим!

Эйлин сўзида туриб олди. Унинг боргиси келмаётганди. Бу жуда қутилмаган таклиф эди. Шу пайт кекса Батлер кириб келиб, ўзининг одатдаги жойига ўтирди. Гап нима ҳақида кетаётганини била туриб, ўзини бунга эътибор бермагандек тутди.

– Ахир сен қарши бўлмайсан-ку а, Эдвард? – сўради Батлер хоним қисқача тафсилотни тушунтириб.

– Қаршилиқ? – ясама қўпол ҳазил қилди Батлер. – Нима, ўзимга ўзим душманманми? Агар вақтинча сизларсиз яшаб турсам, ўзимни жуда бахтли ҳис қилган бўлардим!

## Теодор Драйзер

– Вой, мана, гап нимада!.. – хитоб қилди Батлер хоним.  
– Ёлғиз ўзинг шу ерда яшаётганингни тасаввур қиляпман!

– Ёлғиз бўлмасдим, гапимга ишонавер, – деди жаноб Батлер. – Шаҳримизда борсам хурсанд бўладиган уйлар жуда кўп, сизларсиз ҳам куним ўтади.

– Агар мен бўлмасам, сени остонасига яқинлаштирмайдиган уйлар ҳам кўп! – хотиржам товушда эрининг гапини бўлди Батлер хоним.

– Нимаям дердик, бу борада бахслашишга ҳожат йўқ, – жавоб қилди жаноб Батлер хотинига меҳр билан қараб кўяркан.

Эйлин гапида туриб олди. Нора ва онасининг барча уринишлари бекор кетди. Бироқ ўйлаган режаси амалга ошмаган Батлер ҳам бўш келмади. Эйлинни Молленхауэр хонимнинг таклифини қабул қилишга кўндира олмасликларига амин бўлгач, у бироз ўйлаб кўриб, изқувар ёллашга қарор қилди.

Ўша пайтларда машҳур изқувар Уильям Пинкертоннинг агентлиги шуҳрат қозонганди. Камбағал оиладан чиққан бу одам ҳаётда кўрган кўп қийинчиликларидан сўнг ўзига хос, лекин кўплар учун ёқимсиз касбда ўз ўрнини топганди. Аммо бирор нохуш вазият сабаб Пинкертоннинг хизматига иши тушганлар назарида унинг фуқаролар уруши пайтида ўзини ватанпарварларча тутгани ва Авраам Линкольнга яқинлиги энг яхши тавсиянома вазифасини ўтарди. Линкольн ҳокимият тепасида турган бутун вақтда Пинкертон, тўғрироғи, у танлаган одамлар президентни кўриклашганди. Пинкертон тузган ташкилотнинг Филадельфия, Вашингтон, Нью-Йорк ва бошқа кўпгина шаҳарларда бўлимлари бор эди. Батлер ташкилотнинг Филадельфия бўлими пешлавҳасини кўп бора кўрган, бироқ у ерга мурожаат қилишни сира хоҳламаётганди. Охири бир қарорга келгач, Батлер ташкилотнинг бош агентлиги жойлашган Нью-Йоркка боришни режалаштирди.

Кетишидан бир кун олдин жаноб Батлер эски одатига кўра бир кунга жўнаб кетаётганини билдирди. Лекин Нью-Йорккача темир йўл орқали беш соатлик йўл эди ва у шаҳарга кундузи соат иккида етиб келди. Бродвейнинг куйи қисмида жойлашган идорада Батлер директорни сўради ва уни эллик ёшлардаги баланд бўйли, сочлари оқ, кўзлари кулранг, гавдаси миқтидан келган, юзи ақлли, бироқ айёрлик уфуриб турган одам қабул қилди. У мижозлар билан сухбат давомида бармоқлари йўғон калта қўллари билан столни чертиб ўтираркан. У Батлерга жуда ҳам пўримдек туюлган тўқ жигарранг сюртук кийиб олган, бўйинбоғига эса тақа шаклидаги олмос тўғнағич қадалганди. Кекса жаноб Батлернинг ўзи доим камтаргина кулранг костюм кийиб юрарди.

– Хайрли кун! – деб саломлашди жаноб Батлер хизматкор бола уни ирландиялик эркак билан америкалик аёлнинг зурриёти бўлган, Мартинсон фамилияли бу одамнинг олдига олиб киргач.

Жаноб Мартинсон бунга жавобан бош ирғаб қўйди, кейин эса Батлерга бошдан-оёқ қараб чикди. Уни жамиятда кўзга кўринарли ўринга эга бўлган, табиатан кучли одам деб топиб, ўрнидан турди ва унга стул таклиф қилди.

– Марҳамат, ўтиринг, – қалин пахмоқ қошлари остидан келган одамни кузатар экан, таклиф қилди у. – Хизмат?

– Янглишмасам, сиз директорсиз-а? – сўради жаноб Батлер.

– Ҳа, сэр, Мен бу ерда директор ўрнидаман, – оддийгина қилиб деди Мартинсон.

– Идоранинг хўжайини, жаноб Пинкертоннинг ўзи ҳозир йўқми? – эҳтиёткорлик билан сўради Батлер. – Хафа бўлманг-у, бироқ мен шахсан у одам билан гаплашмоқчи эдим.

– Жаноб Пинкертон ҳозир Чикагода ва унинг бир ҳафта ёки ўн кунлардан кейингина келишини кутяпман, – жавоб берди Мартинсон. – Мен билан худди у каби



## Теодор Драйзер

бемалол очикчасига гаплашаверишингиз мумкин. Ҳозир унинг ўрнидаман. Бироқ яна ўзингиз биласиз.

Жаноб Батлер хаёлида суҳбатдошини баҳолаётгандек, бироз иккиланиб қолди.

– Менга қаранг, сиз оилалимисиз? – кутилмаганда сўради Батлер.

– Ҳа, сэр, хотиним ва иккита болам бор, – жиддийлик билан жавоб берди изкувар.

Тажрибали изкувар сифатида у ҳозир гап оила аъзоларидан бири: ўғли, қизи ёки хотинининг ёмон ахлоқи ҳақида кетишини тушунди. У бундай ҳодисаларни кўп учратганди.

– Биласизми, жаноб Пинкертоннинг ўзи билан гаплашмоқчи бўлгандим, бироқ унинг ўрнида бўлсангиз... – Батлер гапини тугатмади.

– Ҳа, сэр, ҳамма ишни мен олиб бораман, – деди Мартинсон. – Менга худди жаноб Пинкертонга ишонгандек ишонаверинг. Хонамга юринг. Ўша ерда бемалол гаплашамиз.

Жаноб Мартинсон ўрнидан туриб, Батлерни деразаси Бродвейга қараган хонага бошлаб кирди. Хонада усти текисланган огир стол ва тўртта стул турар, деворда шимолликларнинг ғалабаси билан тутаган фуқаролар урушининг эпизодлари тасвирланган бир нечта расм осиглиқ турарди. Батлер иккиланиб ўтирмай, Мартинсоннинг орқасидан кириб борди. Қизи ҳақида бегона одамга гапириш фикри қариянинг ичини ўртаётганди. Ҳатто шу пайтда ҳам ҳали гапирадими-йўқми, ҳал қилгани йўқ эди. У фақат “булар қандай одамлар эканлиги”га қўз ташлайди холос, ўзига ўзи дерди у, кейин эса ўйлаб кўради. У деразалардан бирининг олдига келиб, омнибуслар ва экипажлар тикилиб ётган кўчага тикилди. Жаноб Мартинсон секингина хона эшигини ёпиб қўйди.

– Хўш, хизмат, жаноб... – у шу осонгина йўл билан келган одамнинг фамилиясини билиб олмоқчи бўлди. Бу

унга одатда қўл келарди, бироқ Батлер ҳам анойилардан эмасди.

– Бу ишни бошласамми ёки йўқми, деб ҳали иккиланиб турибман, – деди секингина Батлер. – Бунинг устига, ҳали ҳамма нарса жойида бўлади, деган қарорга келганим йўқ. Мен баъзи бир нарсаларни... маълумотларни олишим керак эди... Бироқ буларнинг бари ўта шахсий...

Жаноб Батлер фикрини қандай қилиб аниқроқ тушунтириш учун ўйланиб, жим бўлиб қолди ва айна пайтда Мартинсондан кўз узмади. Мартинсон эса унинг руҳий ҳолатини жуда яхши тушуниб турар, у жуда кўп марта бундай ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганди.

– Авваламбор, менга гапиришга рухсат беринг, жаноб...

– Скэнлон дея қолинг, агар жуда билгингиз келаётган бўлса, – юмшоқлик билан унинг гапини бўлди Батлер. – Бошқа исмлардан ёмонроқ эмас, асл исмимни эса ҳозирча айтмай тураман.

– Майли, Скэнлон бўла қолсин, – деди Мартинсон ҳам юмшоқлик билан. – Бу ҳақиқий исмингизми-йўқми, менга барибир. Ўзим ҳам исмингизни айтмаслигингиз мумкин, демоқчи эдим. Бироқ бу нарса сизга қандай маълумот кераклигига боғлиқ. Ишингиз, ишонтириб айтаманки, сирлигича қолади, гўё сиз ҳеч ким билан ҳеч қачон гаплашмагансиз. Ташкилотимизнинг обрўси ишончга асосланади ва биз уни сунистеъмом қила олмаймиз. Ишончни йўқотиш қутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ходимларимиз орасида ўттиз йилдан ортиқ ишлаётган эркак ва аёллар бор, биз ҳеч қачон ҳеч кимни, мабодо жуда жиддий хатоси бўлмаса, ишдан ҳайдамаймиз, бироқ ишга ҳам жиддий хато қилмайдиган одамларни қабул қиламиз. Жаноб Пинкертон одамларни жуда яхши ажрата олади. Бизда ўзини ҳар қандай кишининг кўнглига йўл топа оладиган одам деб ҳисобловчилар ишлашади. Биз бир йилда Қўшма Штатларнинг ҳамма

## Теодор Драйзер

бурчакларида ўн мингдан ортик ишни бажарамиз. Ишни мижозга маъқул бўлган пайтгача олиб борамиз, холос. Ва фақат мижозга керак маълумотнигина билишга ҳаракат қиламиз. Керак бўлмаган ҳолда бегоналарнинг ишига аралашмаймиз. Агар керакли маълумотни ололмаслигимизга кўзимиз етса, бу ҳақда дарров мижозга хабар берамиз. Кўп ишлардан бутунлай воз кечамиз ва ҳатто бошламаймиз ҳам. Эҳтимол, сизнинг вазиятингиз ҳам шулар жумласидандир. Биз иш кетидан қувмаймиз ва бунини яширмаймиз ҳам. Сиёсий характердаги ёки шахсий қасд олиш мақсадидаги ишларни бажаришни умуман рад қиламиз, чунки бу нарсаларга аралашиб қолишни истамаймиз. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Сиз кўпни кўрган одамсиз. Мен ҳам. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, наҳотки бизникидек ташкилот бировнинг ишончини оқламаса?

Жаноб Мартинсон жим бўлиб қолди ва жавоб кутиб Батлерга қаради.

– Бундай бўлмаса керак, – деди Батлер. – Тўғри айт-япсиз. Бироқ шахсий муаммоларингни ошкор этиш осон иш эмас экан, – маъюслик билан деди Батлер.

Икковлари биров жим қолишди.

– Майли, – ниҳоят деди жаноб Батлер, – инсофли одам сифатида таассурот қолдирдингиз, менга эса ҳозир маслаҳат керак. Билиб қўйинг, яхшигина ҳақ тўлашга тайёрман ва мени қизиқтирган нарсани билиш қийин эмас. Мен яшайдиган шаҳарда яшайдиган бир одам бошқа бир аёл билан учрашадими, агар улар кўришишса, бу жой қаерда, шуни билишим керак. Менимча, бу иш сизлар учун қийин бўлмаса керак?

– Бундан осони йўқ, – жавоб берди жаноб Мартинсон. – Доим шунга ўхшаш топшириқларни бажарамиз. Жаноб Скэнлон, рухсат этинг, вазифангизни енгиллатмоқчиман. Керагидан ортик ҳеч нима айтишни истамаётганингизни тушуниб турибман ва биз ҳам сиздан ортикча маълумот билишни хоҳламаймиз. Биз, албатта, қайси шаҳарни

назарда тутаётганингизни ва ҳеч бўлмаганда, улардан бирининг исмини билишимиз керак – мабодо айтишни истамасангиз иккаласиники шарт эмас. Баъзида улардан бири, масалан, йигитнинг номини билган ҳолда, аёлнинг кўриниши қандайлиги ёки расмига қараб, бир неча вақтдан сўнг миждозни қизиқтираётган маълумотларни бера оламиз, бироқ маълумотлар аниқроқ бўлса, ишимизни осонлаштирган бўларди. Лекин сиз қандай лозим кўрсангиз, шундай қилинг. Қанча маълумотни лозим кўрсангиз, шунча нарсани айтинг ва мен сизни қизиқтирган маълумотни топиш учун бизга боғлиқ ҳамма нарсани қилишимизга кафиллик бераман.

– Ҳм-м! У ҳолда, – ниҳоят гап очишга қарор қилди жаноб Батлер, – сизга очигини айтаман. Менинг фамилиям Скэнлон эмас, жаноб Батлер. Мен Филадельфияда яшайман. У ерда бир тадбиркор бор, Каупервуд деган одам. Фрэнк А. Каупервуд...

– Бир дақиқа, – чўнтагидан блокнот ва қалам олар экан, унинг гапини бўлди Мартинсон. – Ҳозир ёзиб оламан. Номини нима дедингиз?

Батлер қайтарди.

– Хўш. Қулоғим сизда.

– Учинчи кўчада унинг идораси бор – “Фрэнк А. Каупервуд” – сўрасангиз, ҳамма кўрсатиб беради. Бу одам яқинда банкрот бўлди.

– Ҳа-а тушунарли!.. – гап қотди Мартинсон. – Мен у ҳақда эшитгандим. У шаҳар маблагини ишлатиб қўйганликда айбланаётганди. Сиз, афтидан, у ердаги изкуварлар сирингизни билиб қолмаслиги учун Филадельфиядаги бўлимимизга мурожаат қилмагансиз, шекилли, а? Шундайми?

– Худди шундай ва бу сиз эшитган ўша одам, – тасдиқлади Батлер. – Мен Филадельфияда бирор киши бу иш ҳақида билиб қолишини истамайман. Шунинг учун ҳам бу ерга келдим. Бу Каупервуд деганлари Жирард авенюдаги уйида яшайди. Уни топиш қийин эмас.

## Теодор Драйзер

– Албатта, – деди Мартинсон.

– Мен ана шу одам ва бир аёл, тўғрироғи, киз ҳақида...

Батлер жим бўлиб қолди ва қизининг исмини айтиш кераклигидан юзлари азобли буришиб кетди. У бу фикр билан ҳеч келиша олмаётганди – у қизини шунчалик яхши кўрар, у билан шунчалик фахрланардики! Унинг юрагида Каупервудга нисбатан нафрат қайнаётганди.

– Ўйлашимча, у қариндошингиз-а? – мулойимлик билан аста сўради Мартинсон. – Менга ортиқ ҳеч нарса айтишингиз шарт эмас, фақат қизнинг ташқи кўринишини тасвирлаб беринг. Бизга шунинг ўзи етарли бўлади.

У обрўли кекса одам билан иш кўраётгани ва мижоз жуда тушкун аҳволда эканини тушуниб турарди. Бунга Батлернинг бирдан тошдек қотган ғамгин чехраси гувоҳлик бериб турарди.

– Жаноб Батлер, менга очиғини айтаверишингиз мумкин, – қўшиб қўйди у. – Иккиланаётганингизни тушуниб турибман. Бизга фақат ишимизга керакли маълумотларнинг ўзи етарли, ортиғи шарт эмас.

– Ҳа, – деди Батлер хўрсиниб, – у қариндошим. Сизга очиғини айтаман: у қизим. Сиз ҳалол, ақлли одамга ўхшайсиз. Мен ўша қизнинг отасиман ва унга заррача ёмонлигим йўқ. Уни кутқаришга ҳаракат қиляпман, холос. Менга фақат ўша йигитнинг ўзи керак!

Батлернинг катта қўллари мушт бўлиб тугилди. Бу ҳолат Мартинсоннинг назаридан четда қолмади: унинг ўзи ҳам икки қизнинг отаси эди.

– Жаноб Батлер, ҳолатингизни яхши тушуниб турибман, – деди у, – ахир ўзим ҳам отаман. Биз сиз учун қўлимиздан келган ҳамма нарсани қиламиз. Агар қизингизни менга яхшилаб тасвирлаб берсангиз ёки айғоқчиларимиздан бирига уйингизда ёки идорангиздами, уни тасодифан бир мартагина кўришга рухсат берсангиз, жуда тез кунларда уларнинг орасида учрашув бўляптими ёки йўқми, айта оламиз, деб ишонтира оламан. Сиз билмоқчи бўлаётган нарса фақат шунинг ўзи, шекилли, тўғрими?

– Ҳа, – хўмрайиб деди Батлер.

– Жаноб Батлер, бу иш кўп вақт олмайди, узоғи билан бир ҳафта, ўн кун, икки ҳафта, бироқ ундан кўп эмас. Ҳаммаси агар биринчи кунлари ҳеч нарса билишнинг иложи бўлмаса, сиз яна қанча давом эттиришимизни хоҳлашингизга боғлиқ.

– Бу қанча вақт олса ҳам, ҳақиқатни билишни истайман, – алам билан деди Батлер. – Бир, икки, уч ой кетса ҳам, мен ҳаммасини билишим керак. Керак! – шу сўзлар билан Батлер қатъий қарор қилганини билдириб, ўрнидан турди. – Менга тажрибали, хушмуомала одамни юборинг. Яхшиси, ўзи ҳам ота бўлган одамни юборинг, агар сизда шунақаси бўлса ва тилини тийиб турадиган ҳам бўлсин.

– Жаноб Батлер, сизни тушуниб турибман, – жавоб берди Мартинсон. – Менга ишонаверинг. Сизга тўлиқ ишонса бўладиган энг яхши изкуварларни берамиз. Улар тилига жуда маҳкам. Бундай қиламиз: сизга олдин бир одамни юбораман, тўғри келадими, йўқми, ўзингиз кўрасиз. Унга ҳеч нарса айтмай тураман. Ўзингиз гаплашиб кўрасиз. Агар тўғри келадиган бўлса, унга нима гаплигини тушунтирасиз, ўзи нима қилишни билади. Агар ёрдам керак бўлса, мен яна одам юбораман. Сиз қаерда яшайсиз?

Батлер унга ўз манзилини айтди.

– Бу гаплар ҳаммаси орамизда қолади-а? – яна бир марта сўради у.

– Хотиржам бўлаверинг.

– Изкуварингиз қачон келади?

– Истасангиз, эртага боради. Менда биттаси бор, бугуноқ Филадельфияга жўнатишим мумкин. Ҳозир у кетганди, бўлмаса, ҳозирнинг ўзида чақирган бўлардим, гаплашиб олардингиз. Яхшиси, ўзим унга ҳаммасини тушунтириб бераман. Сиз безовта бўлманг. Қизингизнинг обрўси ишончли қўлларда.

## Теодор Драйзер

– Сиздан жуда миннатдорман, – бироз юмшаб, деди Батлер. – Жуда миннатдорман. Менга катта хизмат кўрсатган бўласиз ва бунинг учун яхши ҳақ тўлайман...

– Жаноб Батлер, бу ҳақда айтишнинг ҳожати йўқ, – унинг гапини бўлди жаноб Мартинсон. – Сиз ташкилотимизнинг ҳамма хизматларидан оддий тариф бўйича фойдаланишингиз мумкин.

Мартинсон Батлерни эшик олдигача кузатиб бориб, эшик унинг ортидан ёпилмагунча кутиб турди. Батлер жуда тушкун ва аянчли аҳволда чиқиб кетди. Ўйлаб кўринг-а: у ўз кизи, ўз Эйлини ортидан айгоқчи кўйса-я!

Эртаси куннинг ўзидаёқ Батлернинг конторасига узун бўйли, кўриниши тунд, сочлари ва кўзлари қоп-қора, юзи узунчок ва боши қирғийни эслатадиган одам кириб келди. У Батлер билан бир соатча гаплашиб, жўнаб кетди. Кечки пайт у яна келди, бу сафар Батлернинг уйида, унинг хонасида бир айёрлик билан Эйлинга кўз ташлашнинг йўлини қилди.

Батлер қизини чақиртириб, у отасининг олдига келганда ўша одамга яхшироқ кўриниши учун ўзи эшик олдида сурилиброқ турди. Айғоқчи ўзини худди кўчага қараётганга солиб, деразага осилган кишки дарпарда ортида турарди.

– Бугун кимдир Сисини миниб келдимиз? – қизидан сўради Батлер. Бу оилада ҳамма учун сеvimли бўлган от лақаби эди. Батлернинг режасига кўра, агар Эйлин айғоқчини сезиб қолса, уни от сотиш ёки сотиб олиш учун келган савдогар деб айтмоқчи бўлганди.

– Ҳеч ким чиқмади, шекилли, – жавоб берди Эйлин. – Ўзим ҳеч қаерга чиқмадим. Ҳозир сўраб кўраман.

– Кераги йўқ. Мен фақат от сенга эртага керак бўлмайдимиз, шуни билмоқчи эдим.

– Агар у сизга керак бўлса, усиз ҳам ишимни битира оламан. Менга Жерри ҳам бўлади.

– Яхши! Унда Сиси отхонада тураверсин.

Батлер эшикни хотиржам ёпиб қўйди. Эйлин отни сотиш ҳақида гап кетяпти, шекилли деб ўйлаганди. Бироқ отаси у билан маслаҳатлашмай отни сотиб юбормаслигини билгани учун шу заҳоти бу суҳбатни унутиб юборди.



## Теодор Драйзер

Қиз кетгандан сўнг Олдерсон парда оркасидан чиқиб келиб, унга ортик ҳеч нарса керак эмаслигини айтди.

– Билишим зарур бўлгани фақат шу эди, – деди у. – Менга нимадир маълум бўлиши билан ўзим сизга дарров хабар бераман.

Олдерсон жўнаб кетди ва у кетгандан сўнг ўттиз олти соат ўтиб, Каупервуднинг уйи ва контораси, Батлернинг уйи, Харпер Стежернинг контораси ва Каупервуд билан Эйлинларнинг ўзлари ҳам қаттиқ назорат остида эдилар. Аввалига бу иш учун олти одам керак бўлди, кейин Каупервуд Олтинчи кўчада ижарага олган иккинчи квартира ҳам фош бўлгач, у ерга еттинчи изкуварни қўйишди. Изкуварларнинг ҳаммаси Нью-Йоркдан жўнатилганди. Бир ҳафта ўтиб Олдерсон ҳаммасини билиб олди.

Изкувар Эйлин Батлер Каупервуд билан учрашган пайтида отаси тезлик билан ўша манзилга келиб, қизини айб устида қўлга тушириши учун хабар бериши ҳақида Батлер билан келишиб олганди. Батлер Каупервудни ўлдирмоқчи эмас эди – Олдерсон бунга умуман, жуда бўлмаганда кўзининг олдида шундай қилишига йўл қўймаган бўларди, бироқ бу аблахни энг ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, қизини олиб кетишига унга ҳеч ким қаршилиқ қила олмайди. Ана шундан сўнг Эйлин Каупервуд билан учрашмаяпман деб отасини ортик алдай олмайди! Ўзбилармонлик қила олмайди! У отасининг ҳукмига бўйсунушга мажбур бўлади. Ва қизи ё ўзи тузалади, ёки Батлер уни ахлоқ тузатиш муассасасига юборади! Синглиси ёки бошқа бир номусли қиз учун у қай томонлама ибрат бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг! Энди қизи Европагами ёки у буюрган бошқа жойгами, албатта, боради!

Батлер Олдерсонга ўз режаларини айтишга мажбур бўлди ва ўз навбатида Олдерсон унга шахсига тегадиган ҳамма зарбалардан Каупервудни химоя қилиш ҳам унинг вазифасига киришини айтди.

– Уни уришингиз ёки бошқача тарзда куч ишлатишингизга йўл қўя олмаймиз, – деганди у Батлер билан биринчи марта гаплашганда. – Бу коидаларимизга тўғри келмайди. Сиз улар учрашадиган уйга кирасиз, агар бунинг учун ордер керак бўлса, уни топамиз, бу ишга алоқангиз борлигидан, албатта, ҳеч ким хабар топмайди. Биз нью-йорклик бир кизни кидириб юрибмиз деб айтамыз. Бироқ сиз ичкарига менинг одамларимдан бири билан кирасиз. Улар жанжал қилишга йўл қўйишмайди. Сиз қизингизни олиб кетишингиз мумкин – уни олиб кетамиз, агар хоҳласангиз, йигитни ҳам олиб кетишингиз мумкин. Бироқ у ҳолда унга бирор айб тақашингиз керак бўлади. Бундан ташқари, қўшнилардан кимдир бу ҳолатни сезиб қолиши эҳтимоли ҳам бор, сиз эса атрофингизга қизиқувчан одамларни тўплаб олмасликка кафолат беролмайсиз.

Батлернинг ўзи ҳам гумонда эди. Албатта, бунақа ишнинг ошкор бўлиш эҳтимоли кучли. Бироқ у ҳақиқатни билгиси келаётган, Эйлинни кўрkitиб қўйиб, унга таъсир ўтказмоқчи бўлаётганди.

Шундай қилиб, Олдерсон бир ҳафтадан сўнг Эйлин ва Каупервудларнинг Олтинчи кўчадаги, афтидан, хусусий уйда учрашишларини билиб олди. Аслида эса бу уй жуда олий тоифадаги ҳақиқий учрашувлар макони ҳисобланарди. Фишдан қурилган тўрт қаватли уйда ўн саккизта хона бўлиб, бачканароқ бўлса-да, лекин тоза эди. Уйнинг талабгорлари нозиктаъб инсонлар бўлиб, бу ерга киришга рухсат фақат эски мижозларнинг тавсияси билангина бўларди. Бу нарса ҳамма ман қилинган ишлар учун одатда керак бўладиган сир сақлашнинг гарови эди. “Менга шу ерда учрашув белгиланган”, дейилса бўлди ва агар иккала томон ҳам таниш бўлса, уй бекаси меҳмонларни дарров қулай хоналарга жойлаштирарди.

Каупервуд бу уйни аввалдан билар ва улар Ўнинчи кўчадаги файзлигина квартиралари билан хайрлашишга тўғри келгандан сўнг у Эйлинга шу ерда учрашишни

## Теодор Драйзер

таклиф қилганди. Олдерсон бу жой ҳақида билгач, Батлерга унинг хоналаридан бировни излаб топиш жуда мушкуллигини тушунтирди. Бунинг учун қидиришга ордер талаб қилинар, ордерни олиш эса жуда қийин иш эди. Албатта, куч билан бостириб кириш мумкин - одатда шундай ҳам қилинади. Бироқ у холда уй эгалари ва мижозларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиш мумкин бўлади. Шовқиннинг олдини олишнинг ягона йўли уй бекасига яхшигина пул бериб келишиш эди.

- Бироқ айти вазиятда бундай қилишнинг ҳожати йўқ, - деди Олдерсон. - Назаримда, уй бекаси сизни қизиқтираётган одамга яхши муносабатда, шекилли. Менимча, яхшиси, таваккал қилиб, уларни кутилмаганда ушлашга ҳаракат қилиш керак. Операция раҳбаридан ташқари бизга яна уч ёки тўртта одам керак бўлади, - тушунтирди Олдерсон. - Уларнинг бири қўнғироқ чалиниб, эшик очилгандан сўнг даҳлизга киради, қолганлар эса унинг кетидан кириб, ёрдам кўрсатишади. Шундан сўнг тезлик билан қидиришни бошлаб, ҳамма эшикларни очиш талаб қилинади. Хизматкорларга келсак - агар улар бўлса, иложи борича жим туришга мажбур қилиш керак. Бунга баъзан пул орқали, баъзан эса жисмоний куч билан эришилади. Шундан сўнг изқуварлардан бири хизматкор сифатида олдин бир эшикни, кейин иккинчисини, учинчисини тақиллатишни бошлайди (Батлер бошқа изқуварлар билан унинг орқасидан юриши керак бўлади) ва эшик очилгач, улар қидираётган одамлар ўша хонада-ми, билиш мумкин бўлади. Агар тақиллатганда очишмаса, эшикни синдиришларига тўғри келади. Уй аҳоли зич жойлашган кварталда жойлашган, демак, у ердан ташқари эшик ёки орқа эшик орқали қочиш мумкин, у ерга ҳам одамларимиз қўйилган бўлади.

Бу ҳар қандай қаршиликка қарамай, тўполонда Эйлинни билдирмай олиб чиқиб кетиш имконини берадиган режа эди.

Батлерга у қадар ёқимли бўлмаган бу иш тартибини тушунтириб берилганда, қаттиқ хаяжонланди. У фақат қизи билангина гаплашиб, бошқа ҳаракатлардан воз кечишни ўйлаб қолганди. Унга ҳамма нарсадан хабардорлиги ва қизининг қаршилиги бефойда эканини айтади. Кейин эса унга икки йўлдан бири: ё Европага кетиш, ёки ахлоқ тузатиш пансионига боришни танлашни таклиф қилади. Бироқ ўзининг қўпол табиатидан келиб чиқиб ва қисман Эйлиннинг қизиққон ва ўзбошимчалигидан ҳадиксирагани учун Батлер бошқа йўлини танлади. У Олдерсонга яна бир марта ҳаммасини ўйлаб кўриб, Эйлин ва Каупервудлар шу ердалиги маълум бўлиши билан унга хабар беришларини сўради. Шунда дарров етиб келади ва изкуварлар ёрдамида Эйлинни фoш қилади.

Бу режа ёввойиларча ва хунук, қизини тўғри йўлга бошламоқчи бўлаётган ота учун мос келмайдиган фикр эди. Куч ишлатиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Бироқ Батлер буни тушунмаётганди. У қизини қўрқитмоқчи, силтаб ташлаш билан қизининг қилиқлари сира ақлга тўғри келмаслигини тушунишга мажбур қилмоқчи бўлаётганди.

Бир ҳафта кутиш билан ўтди ва ниҳоят Батлернинг асаблари таранг тортилган пайтда, улар кутаётган воқеа содир бўлди. Бу пайтга келиб Каупервудга расман айблов эълон қилинган бўлиб, у судни кутаётганди. Эйлин вақти-вақти билан унга отасининг йигитга муносабати қандайлигини етказиб турарди. Қиз бу гапларни отаси билан бўлган суҳбатлардан эмас (отаси қизига ҳамма гапни гапиравермас, у Каупервудни бутунлай йўқ қилишга қандай уринаётганини Фрэнкнинг ўзи билиб қолишини истамасди), балки эшитганларини Кэлем билан баҳам кўрган Оуэндан, Кэлем эса ўз навбатида ҳеч қандай шубҳага бормай, бу гапларнинг барини синглисига айтиб берганида биларди. Масалан, шу йўл билан қиз округ прокурори ўрнига ким сайланаётгани ва у Каупервуднинг

## Теодор Драйзер

ишида қандай ўрин эгаллашини (чунки бу одам Батлерларнинг уйида ва идораларида кўп бўларди) билиб олганди. Оуэн Кэлемга Шеннон, афтидан, Каупервудни “камочка тикиш” учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилишини, чунки “қариянинг” фикрича, бу адолатли бўлишини айтиб берганди.

Қиз яна отаси Каупервуднинг яна контора очишига халал бермоқчи эканини ҳам билганди.

– Жамиятнинг бу фирибгардан қутулиши бир бахт бўлади! – деди бир куни газетадан Каупервуднинг ҳамма суд инстанцияларида қандай курашаётгани тўғрисида ўқиб қолган Батлер ўғлига.

Оуэн укасидан отаси нега Каупервудга нисбатан шунчалик қаршилик қилаётгани сабабини билишбилмаслигини сўради. Бироқ Кэлем ҳам ҳеч нимани тушунмаётганди. Бу гапларнинг ҳаммаси Эйлин орқали Каупервудга етиб борарди. У шу йўл билан ўзини суд қилиши керак бўлган судья Пейдерсон Батлернинг қалин дўсти эканини, Стинерни, афтидан, қонун қабул қилган муддатгача қамаб, бироқ тез орада уни афв қилишга уриниб кўрмоқчи бўлишаётганини ҳам билиб олди.

Каупервуд илгаригидек ўзини тетик тутарди. У молия дунёсида қудратли дўстлари борлиги, агар суд уни айбловчи қарор чиқарадиган бўлса, ана шу оғайнилари уни озод қилиш тўғрисида губернаторга мурожаат қилишларини айтиб, Эйлинни ишонтирарди. Ва умуман, у ўзини қамаламан деб ҳисоблаётгани йўқ эди, чунки айблари етарли даражада асосланмаганди. Ҳамма гап шундаки, халқнинг норозилигидан кўрқиб қолган ва Батлер туртиб турган сиёсатдон корчалонлар у орқали мушкул аҳволдан қутулиб олишмоқчи. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Батлерга аноним хат келгандан кейин бошланганди.

– Азизам, агар отанг бўлмаганда, бу айбловни бир зумда ҳал қилган бўлардим, – деди йигит бир куни Эйлинга. – Молленхауэрнинг ҳам, сенатор Симпсоннинг

ҳам менга шахсий адовати йўқ, бунга ишончим комил. Тўғри, улар мендан кўнка темир йўлларини тортиб олмоқчи ва, табиийки, биринчи ўринда Стинернинг ишини енгиллатмоқчи. Бироқ отанг бўлмаганда, улар бунчалик чуқурлашиб кетмаган ва мени ўз курбонларига айлантирмаган бўларди. Бунинг устига, отанг бу Шеннон ва бошқа чурвақаларни хоҳлаганча ҳар қанақасига айлантиряпти. Ҳамма гап ана шунда! Улар бир нимани бошлаганларидан сўнг ўзларини тўхтата олмайди.

– Биладан, ҳаммаси мени деб бўляпти!.. – деди Эйлин. – Агар мен бўлмаганимда, отам ҳеч нарсадан шубҳаланмаганида, ўзи сенга ёрдамга келган бўларди. Баъзида шундай туюладики, гўё сенга мен бахтсизлик келтиргандекман. Энди нима қилишни ҳам билмаяпман. Агар бу ёрдам берадиган бўлса, ҳатто сен билан маълум вақт кўришмай туришга ҳам розиман, бироқ бу энди ёрдам бермаса керак. Фрэнк, сени жуда севаман! Сен учун ҳамма нарсага тайёрман. Одамлар нима деб ўйлаши, нима дейиши билан ишим йўқ. Сени севаман!

– Сенга шундай туюляпти, – қизга ҳазил қилди Каупервуд. – Сал ўтиб севмай қоласан. Бошқалар топилиб қолади.

– Бошқалар?!.. – хитоб қилди Эйлин, унинг овозида нафрат оҳанги бор эди. – Энди мен учун бошқалар йўқ. Менга фақат сен кераксан, Фрэнк! Агар бир кун келиб мени ташлаб кетадиган бўлсанг, ўзимни ўлдираман. Мана кўрасан!

– Эйлин, бундай гапларни гапирма! – Каупервуднинг жаҳли чикди. – Тентаклик қилма! Ўзингни ҳеч нарса қилмайсан. Сени севаман, биласан, ҳеч қачон ташлаб ҳам кетмайман. Бироқ ҳозир мени ташлаб кетсанг, ўзингга яхши бўларди.

– Оҳ, нималар деяпсан-а!.. – хитоб қилди қиз. – Сени ташлаб кетиш? Сенингча, шундай қилишга қодирманми? Бироқ ўзинг ташлаб кетадиган бўлсанг, гапимни ёдингда тут! Онт ичиб айтаманки, худди шундай қиламан!

## Теодор Драйзер

– Бўлди, етар! Жим бўл!

– Онт ичаман! Севгим ҳакки, онт ичаман! Ўзимнинг бахтим ҳакки, онт ичаман! Ўзимни ўлдираман. Менга фақат сен кераксан!

Каупервуд ўрnidан турди. Ўзи қизда уйғотиб қўйган эҳтирос ҳозир уни кўркитиб юборганди. Бу эҳтирос хавфли бўлиб, уларни қаергача олиб бориши номаълум эди.

Навбатчи изқувар Олдерсонга Эйлин ва Каупервуд Олтинчи кўчадаги уйга келишганини хабар берганда, ноябрнинг булутли кунларидан бири эди. Олдерсон Батлернинг идорасига бориб, уни тезда ўзи билан боришга таклиф қилди. Бироқ Батлер ҳали ҳам қизини шундай жойдан топишига ишона олмаётганди. Қандай даҳшат! Қандай шармандалик! У қизига нима дейди? Қизини айблашга унинг кучи етармикин? Каупервудни нима қилади? Ҳозир кўрадиган нарсаларини ўйлаб, жаноб Батлернинг қўллари қалтирай бошлади. Борадиган уйларига озгина қолганда, кўчанинг нариги томонида навбатчилик қилаётган бошқа изқувар кўринди.

Жаноб Батлер ва Олдерсон аравадан тушиб, навбатчи билан подъезд томонга қараб кетишди. Соат тўрт ярим бўлганди. Улар етиб келган уйнинг хоналаридан бирида ҳозир Каупервуд сюртук ва жилетсиз ўтириб олиб, Эйлиннинг гапларини тингларди. Улар учрашадиган хона оддийгина бўлиб, ўша пайтдаги урф бўйича жиҳозланганди. Ўша пайтлардаги фабрикантлар ишлаб чиқарадиган “ҳашаматли” мебеллар Людовиклардан бирининг даврига хос услубга таклидан ишланарди. Дарпардалар одатда кумуш ва олтин иплар билан тикилар, оғир, кўпинча қизил рангда бўларди. Гиламлар нақшларининг ёрқинлиги ва тукининг қалинлиги билан ажралиб турарди. Мебеллар, қандай ёғочдан қилинганидан қатъи назар, оғир, бахайбат ва безакларининг кўплиги билан одамни ҳайратга соларди.

Биз айтиб ўтган хонада ёнғоқ ёғочидан қилинган

каравот, гардероб, яшикли жавон ва шу ёғочдан ишланган пардоз столчаси турарди. Столча тепасида зарҳал рамкага солинган тўғри бурчакли кўзгу осифлиқ эди. Деворларда ҳам худди шундай зарҳал рамкаларда дидсиз расмлар ва яланғоч аёлларнинг суратлари бор эди. Қалин пуштиранг Брюссель гиламида катта саватдаги ҳаворанг гулларнинг расми акс этганди. Хона умуман ёруғ ва яхши жиҳозлангандек таассурот қолдирарди.

– Биласанми, баъзан ўйлаб кўриб кетяпман, – деди Эйлин, – ахир отам орқамиздан кузатиб юрган бўлиши мумкин. Агар отам бизни тутиб олса, нима қиламиз деб бир неча марта ўзимга ўзим савол бердим. Унда ҳеч қандай ёлғон ёрдам бера олмайди.

– Ҳа, албатта, – қизнинг гапига қўшилди Каупервуд. У доимгидек қизнинг чиройига маҳлиё эди. Эйлиннинг қўллари ва бўйни оппоқ, нозик бўлиб, катта-катта кўзлари ёниб турарди. У аёл гўзаллигининг тимсоли эди – ўзига тортадиган, нафис ва... ёқимтой.

– Бошга тушганни кўз кўради, – деди Фрэнк. – Маълум бир вақт учрашмай турсакмикин деб ўйлай бошлагандим. Очиғи, бу мактуб ақлимизни киритиши ва муносабатларимизни вақтинча тўхтатиш учун етарли бўлиши керак эди.

У пардоз столи олдида сочларини тартибга солиб турган Эйлинни кучоқлаб, унинг чиройли лабларидан ўпди.

– Эйлин, ўзимнинг таннозгинам, бироқ дунёда сендан гўзали йўқ, – қизнинг қулоғига шивирлади сўнг.

Айни шу пайтда Батлер ва иккинчи изқувар кириш эшигининг орқасида туришар, операцияни бошқаришни ўз қўлига олган Олдерсон эса қўнғироқни чалаётганди. Эшикни қора танли хизматкор аёл очди.

– Дэвис хоним уйдаими? – уй бекасининг фамилиясини айтиб, мулойим товушда сўради Олдерсон. – Мен уни кўрмоқчи эдим.



## Теодор Драйзер

– Мархамат, ичкарига киринг, – деди ҳеч нарсадан шубҳаланмаётган аёл даҳлизнинг ўнг томонидаги эшикни кўрсатиб. Олдерсон кенг соябонли юмшоқ шляпасини ечиб, ичкарига кирди.

Хизматкор аёл уй бекасини чақириш учун юқорига чиқишга улгурмай, у қайтиб бориб, эшикдан Батлер ва яна иккита изкуварни ичкарига киргизди. Улар қабул хонасига энди тўрт киши бўлиб киришди. Бир неча дақиқадан сўнг “хоним” (бундай гўшаларнинг бекасини шундай чақириш одат эди) пайдо бўлди. У баланд бўйли, тўладан келган ва келишгангина, оқ сочли, кўзлари ҳаворанг ва жилмайиши ёқимли аёл эди. Полиция билан тез-тез учрашиб туриши ва ёшликдаги бебошлик билан ўтган ҳаёти унда эҳтиёт бўлиш ва одамларга ишончсизлик ҳиссини уйғотганди. Ўз нонини ҳалол меҳнатга ҳеч қандай алоқаси йўқ йўл билан топишга ўрганган ва шундан ўзга ҳунарни билмайдиган бу хоним исталган бошқа касбдаги тадбиркор сингари биринчи ўринда полиция ва мижозлар билан келишиб яшашга уринарди.

Унинг эғнида ҳаворанг гулли кенг пеньюар бўлиб, унинг ўйиғи орасидан ичидаги қимматбаҳо ичкўйлак кўриниб турарди. Чап қўлининг ўрта бармоғини катта опал кўзли узук безатиб турар, кулоқларига оч ҳаворанг феруза кўзли зирак таққанди. Унинг пардозини оёғидаги ипак туфлилар охирига етказарди. Умуман айтганда, беканинг ташқи кўриниши уйининг мазмунига мос эди.

Қизини ўз комига тортган бу бузуклик муҳитидан Батлернинг қанчалар даҳшатга тушганини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Олдерсон изкуварлардан бирига ишора қилди ва у тезлик билан аёлнинг орқасига туриб, қочишининг олдини олди.

– Дэвис хоним, сизни безовта қилганимиздан жуда пушаймонман, – деди Олдерсон, – бироқ биз айни пайтда уйингизда бўлган бир жуфтликни кўришимиз керак. Гап уйидан қочиб кетган қиз ҳақида кетяпти. Ҳеч қандай

шовкин кўтарилмайди, биз уни топиб, олиб кетишимиз керак.

Дэвис хоним ранги оқариб, оғзини очганча қолди.

– Фақат бакира кўрманг, – аёлнинг шундай қилмоқчилигини кўриб, огоҳлантирди у. – Акс ҳолда чора кўришимизга тўғри келади! Одамларим уйни ташқаридан ўраб олишган. Бу ердан ҳеч ким чиқиб кета олмайди. Сизга жаноб Каупервуд деган исм танишми?

Хайриятки, Дэвис хоним асабий ва уришқоқ одамлар сирасига кирмас ва ҳаётга озми-кўпми, донишмандона нуқтаи назардан қарарди. У Филадельфияда ҳали полиция билан алоқа ўрнатишга улгурмаган, шунинг учун фош бўлишдан кўркарди. Бакиришдан нима фойда, ўйлади у. Уйни ўраб олишган, бу жуфтликни кутқариш учун яқин атрофда ҳеч ким йўқ. Аёл уларнинг ҳақиқий исмларини ҳам билмасди. Унинг учун улар жаноб ва хоним Монтегьюлар эди.

– Мен бундай одамни танимайман, – ҳаяжонланиб жавоб берди аёл.

– Ахир бу ерда тилларанг сочли қиз йўқми? – сўради Олдерсоннинг ёрдамчиларидан бири. – Ва кулранг костюм кийган, жигарранг мўйловли эркак? Улар ярим соат бурун келишганди. Наҳотки уларни сезмаган бўлсангиз?

– Ҳозир бутун уйда биттагина жуфтлик бор. Фақат бу сизлар қидираётган одамларми-йўқми, билмайман. Агар сизларга керак бўлса, улардан пастга тушишларини сўрайман. Фақат, худо ҳақки, шовкин кўтарманглар.

– Овозингизни чиқарманг ва ҳеч қандай шовкин бўлмайди, – деди Олдерсон. – Қўрқманг! Биз фақат ўша қизни топиб, олиб кетишимиз керак. Жойингизда қолинг. Улар қайси хонада?

– Иккинчи қават, иккинчи хонада. Балки, сизларни кузатиб кўйишимга руҳсат берарсизлар? Шунда яхши бўларди. Ўзим эшикни тақиллатиб, уларнинг чиқишини сўрайман.

## Теодор Драйзер

– Йўқ, бу ишни ўзимиз қиламиз. Сиз шу ерда колинг. Қўркишингизга ҳожат йўқ. Фақат жойингизда колинг, – яна қайтарди изқувар.

Олдерсон Батлерга қараб орқасидан юришга ишора қилди, бироқ Батлер шу онда бу хунук ишни бошлаб, катта хато қилганини тушуниб қолганди. У Каупервудни ўлдира олмас экан, хонага кириб Эйлинни у ердан чиқишга мажбур қилишидан нима наф? Уни пастга тушишга мажбур қилишганининг ўзи етади. Қизи отасига ҳамма нарса маълум эканини тушунади. Каупервудни одамларнинг олдида шарманда қилишнинг кераги йўқ дея қарор қилди Батлер. У бу сахнадан, ўзидан кўрқаётганди.

– Бу аёл у ерга чиқиб тушсин, – Дэвис хонимни кўрсатиб, хўмрайганча деди жаноб Батлер. – Сиз эса уни кузатиб боринг. Қизга менинг олдимга тушишни буюринг.

Гап қандайдир оилавий фалокат тўғрисида кетаётгани ва бу воқеадан эсон-омон чиқиб кета олишига умид қилган Дэвис хоним шу заҳоти юқорига йўналди. Олдерсон ва унинг шериклари ҳам унинг изидан кетишди.

Каупервуд ва Эйлин банд қилган хонанинг олдида боргач, аёл эшикни секин тақиллатди. Бу пайт иккаласи катта креслода ўтиришарди. Тақиллаган товушни эшитиб, Эйлиннинг ранги оқариб кетди ва сакраб ўрнидан турди. Бугун негадир эргалабдан ниманидир сезиб, унинг кўнгли ғаш бўлаётганди. Каупервуднинг юзида ҳам қатъий ифода пайдо бўлди.

– Кўркма, бу хизматкорлардан бири бўлса керак, – деди у. – Мен очаман. – Каупервуд эшикка қараб юрди, бироқ Эйлин уни тўхтатди.

– Шошмай тур, – қиз сал ўзига келиб шкафнинг олдида борди ва у ердан халат олиб, устига ташлади.

Тақиллаш яна такрорланди. Шундан сўнг Эйлин эшикни сал очди.

– Монтегью хоним, – ҳаяжон билан, бироқ ўзини босишга ҳаракат қилиб деди Дэвис хоним, – пастда қандайдир бир эркак сизни сўрапти.

– Мени?.. – ранги баттаррок оқариб хитоб қилди Эйлин. – Мени сўраётганига ишончингиз комилми?

– Ҳа, у сизни кўришни хоҳлаётганини айтди. У билан яна бир нечта одам бор. Менимча, қариндошларингиздан кимдир бўлса керак.

Эйлин ҳам, Каупервуд ҳам гап нимада эканини дарров тушунганди. Кимдир уларнинг изига тушган – ёки жаноб Батлер, ёки Каупервуд хоним – аниқроғи, жаноб Батлер бўлса керак. Каупервуд, энг аввало, Эйлинни қандай ҳимоя қилиш тўғрисида ўйлади. Ҳатто шу дақиқаларда ҳам у ўзи учун кўркмаётганди. Ҳар қандай аёл хавотири олдида Фрэнкда кўркувни тан олмайдиган жасурлик етарли эди. Батлер уни ўлдириш учун келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, бироқ Каупервуд кўркиб кетмади, ёнида қуроли йўқлигига қарамай, бу фикрни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади.

– Мен ҳозир кийиниб тушаман, – деди у Эйлиннинг оқариб кетган юзига қараб. – Сен шу ерда қол. Ва илтимос қиламан: ҳаяжонланма, ҳаммаси яхши бўлади. Фақат хотиржам бўл!.. Ҳаммасини менга кўйиб бер. Барига мен айбдорман ва ҳаммасини ўзим ҳал қиламан.

Каупервуд пальто, шляпасини ола туриб, кўшиб кўйди:

– Тезроқ кийин, мен олдинда бораман.

Дэвис хонимнинг ортидан эшик ёпилишга улгурмасдан, Эйлин шоша-пиша кийина бошлади. Унинг мияси охирги тезликка босилган мотор каби ишлаётган эди. Бу отам бўлиши мумкинмикан, ўз-ўзидан сўрарди қиз. Йўқ, йўқ, бу отаси эмас. Эҳтимол, уйда чиндан ҳам Монтегью фамилияли аёл бўлса керак. Бироқ агар бу отаси бўлса, қизининг қилмишини сир сақлаб, уйдагиларга айтмагани қандай яхши бўпти! Отаси қизини яхши кўради, буни Эйлин яхши биларди. Бундай вазиятга тушиб қолган қиз учун оиласида уни яхши кўришлари катта аҳамиятга эга. Эйлинни эса яхши кўришар, эркалатишарди. Қиз отаси ўзига ёки бошқа бировга нисбатан кўпол жисмоний куч

## Теодор Драйзер

ишлатиши мумкинлигини тасаввур қила олмасди. Бироқ ҳозир отаси билан қандай учрашади, унинг кўзига қандай қарайди? Кўз олдига келган отасининг қиёфаси унга нима қилиш кераклигини айтгандек бўлди.

– Йўқ, Фрэнк, – хаяжонланиб деди қиз, – агар бу отам бўлса, яхшиси, ўзим бораман. Унга нима дейиш кераклигини биламан. У менга ҳеч нима қилмайди. Сен эса шу ерда қол. Мен кўркмайман, чиндан ҳам кўркмайман! Агар керак бўлиб қолсанг, чақираман.

Фрэнк қизнинг ёнига келиб, унинг чиройли юзини иккала қўли орасига олиб, кўзларига жиддий тикилди.

– Сен кўркма, – деди у. – Мен пастга тушаман. Агар бу отанг бўлса, у билан жўнаб кет. Унинг ҳозир на сенга ва на менга нимадир қилишига ишонмайман. Кейин эса идорага кириб ўт, ўша ерда бўламан. Агар ёрдамим керак бўлса, хабар бер. Бирга бирор ечим ўйлаб топамиз. Ҳеч нимани тушунтириб ўтиришинг шарт эмас. Отангга бу ҳақда гапириб ўтирма.

Фрэнк сюртук ва пальтосини кийиб олишга улгурган, эшик олдида қўлида шляпаси билан турарди. Эйлин ҳам деярли кийиниб бўлган ва кўйлагининг орқасидаги малинаранг тугмачаларни зўрга қадарди. Каупервуд унга ёрдам бериб юборди. Қиз кийиниб тайёр бўлганида, Каупервуд яна қайтарди:

– Мен олдин юришимга рухсат бергин. У ерда ким борлигини билмоқчиман.

– Йўқ, Фрэнк, илтимос! – ботирлик билан қаршилик билдирди қиз. – Мени олдинга ўтказиб юбор. Бу – отам, биламан. Бошқа одам бўлиши мумкин эмас!

Шу пайтда қизнинг хаёлига отам акаларим билан келган бўлиши мумкин деган ўй келди. Бироқ у миясидан бу фикрни ҳайдашга ҳаракат қилди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

– Агар чақирсам, келасан, – гапида давом этди қиз. – Отам менга ҳеч бир ёмонлик қила олмайди. Сен бирга

борадиган бўлсанг, унинг жаҳли чиқиб кетиши мумкин. Мени кўйиб юбор, ўзинг эса шу ерда, эшик олдида туриб тур. Агар сени чақирмасам, демак, ҳаммаси жойида. Тушунарлими?

Каупервуд кизнинг гапларини мулоҳаза қилиб кўраётганида, унинг нозик қўллари йигитнинг елкаларида турарди.

– Яхши, – деди йигит ниҳоят, – бироқ мен ортингдан бораман.

Улар остонага яқинлашди ва йигит эшикни очди. Йўлакда Олдерсон ўзининг икки ёрдамчиси билан турар, улардан бир неча қадам нарида эса Дэвис хоним бор эди.

– Нима гап? – кескин тарзда Олдерсонга мурожаат қилди Каупервуд.

– Пастда бу хонимни кўришни хоҳлаётган бир жен-тльмен кутиб турибди, – жавоб берди изкувар, сўнг кўшиб кўйди. – Афтидан, унинг отаси бўлса керак.

Каупервуд Эйлинни ўтказиб юбориш учун четга ўтди. Сиридан бегона одамлар ҳам хабардор бўлишганидан ғазабланган киз тез чиқиб кетди. Унинг жасурлиги тутиб кетган, қаттиқ ғазабда эди – отаси қайси юрак билан уни кулгига кўйди экан?

Каупервуд кизнинг орқасидан бормоқчи бўлди.

– Сизга ҳозир у ерга боришни маслаҳат бермасдим, – йигитни огоҳлантирди Олдерсон. – Бу унинг отаси. Қизнинг фамилияси Батлер-а? Отасини сиз қизиқтирмаяпсиз, у қизини олиб кетмоқчи.

Бу огоҳлантиришга карамай, Фрэнк нарироққача борди ва майдончада тўхтаб қолди.

– Ота, нега бу ерга келдингиз? – Эйлиннинг овози эшитилди унинг кулоғига.

Батлернинг жавоби эшитилмади, бироқ бу одам қизини қанчалик яхши кўришини эслаб, Фрэнк бирдан хотиржам бўлди.

## Теодор Драйзер

Эйлин юзма-юз келганида отасига жаҳл билан гапирмоқчи бўлаётганди. Бироқ унинг қалин пахмоқ қошлари остида ичига чуқур ботган кулранг кўзларидаги қаттиқ изтиробни кўрди-ю, беҳад аламзадалигига қарамай, жим бўлиб қолди. Бу одамни жуда эзадиган ҳолат эди.

– Мен ҳеч қачон сени шундай жойдан топаман деб ўйламагандим, қизим, – гап бошлади Батлер. – Сен ўзингни кўпроқ ҳурмат қиласан, деб ўйлардим.

Унинг товуши титраб, узилиб қолди.

– Бу ерда ким билан бўлганингни биламан, – бошини ғамгинлик билан тебратиб, гапида давом этди Батлер. – Аблах! Ҳали унинг адабини бераман! Менинг буйруғим билан орқангдан пойлаб юришганди. Етиб келганим шундай шармандали кунлар бўлдим! Қандай шармандалик!.. Ҳозироқ мен билан уйга кетасан!

– Ҳамма гап ана шунда, ота, сиз ортимдан кузатиш учун одам ёллабсиз, – гап бошлади Эйлин. – Менинг назаримда, сиз...

Қиз жим бўлиб қолди, чунки отаси ғалати бир аҳволда, асабий, бироқ буйруқ бераётгандек ишора қилди.

– Бас қил! Жим бўл! – бақирди у қизига хўмрайган оппоқ қошлари остидан қараб. – Мен чидай олмайман... Мени гуноҳга бошлама! Биз ҳали ҳам шу маскан ичида турибмиз. У ҳам ҳали шу ерда. Зудлик билан уйга кетамиз!

Эйлин тушунди. Отаси Каупервуд ҳақида гапирётганди. Бу уни кўрkitиб юборди.

– Мен тайёрман, – безовталаниб жавоб қилди у.

Ғамдан адо бўлган Батлер олдинга қараб юрди. Ушбу дақиқаларни умри давомида ҳеч қачон унута олмаслигини у яхши ҳис қилиб турарди.

**К**аупервуддан қандай йўл билан бўлса-да, ўчимни оламан деб режалаштирган жаноб Батлер Эйлиннинг хатти-ҳаракатларидан қаттиқ ҳайратга тушди – гўё қизи бир кеча-кундузда бутунлай бошқа одамга айланиб қолгандек эди. Эйлин ўзини бемалол, қайтага одамнинг жиғига тегадиган тарзда тутаётганди. Батлер эса гуноҳ устида қўлга тушганидан сўнг унинг руҳан тушкунликка тушишини кутганди. Мана, ўша машъум уйдан чиқиб кетишаркан, у қизининг худди ўзи каби курашишга тайёр эканини тушунди. Эйлиннинг табиатида ҳам қатъийлик ўзи ва Оуэнникидан кам эмасди.

Қиз уларни уйга олиб кетаётган ёлланма аравада отасининг ёнида ўтирар, юзига гоҳ қизиллик югурар, гоҳ эса миясига келаётган турли ўйлардан ранги бўздек оқариб кетарди.

Энди яширадиган нарса қолмаган экан, Эйлин ортга чекинмасликка, отасига ўзининг Каупервуд билан муносабатини очиқ айтиб, шу йигитни севиши, бундай муносабатларга нисбатан қарашлари ҳақида айтмоқчи бўлди. Отам қандай хаёлларга бораётгани билан нима ишим бор деб ўйларди қиз. У Каупервудни севади; отасининг назарида эса бир умрга номусини йўқотган. Шундай экан, энди отаси нима дейиши барибир эмасми? Оталик муҳаббатига қарамай, у шунчалик паст кетибдики, қизининг орқасидан кузатибди, бутунлай бегона одамлар – изкуварлар ва Каупервуднинг кўзи олдида қизини шарманда қилди. Ахир шундан кейин



## Теодор Драйзер

у отасини илгаригидек яхши кўра оладими? Отаси хато қилди. Қизи қанчалик аҳмоқлик қилгани билан отасининг ўзи ундан бемаънироқ, номуносиброқ иш қилди, унинг бу ҳаракатини сира оқлаб бўлмайди. Қизини шарманда қилиб, унинг қалб сирларини очиб ташлаб, яна бегоналар – изкуварлар олдида нимага эришди? Эҳ, ётоқхонадан даҳлизгача бўлган бу бир неча қадам унинг учун қандай азобли бўлди! У отасини ҳеч қачон, ҳеч қачон кечирмайди! Отаси унинг ўзига нисбатан муҳаббатини ўлдирди. Бундан кейин ота-бола ўртасида аёвсиз кураш кетади!

Улар чурқ этмай кетишаркан, қиз кичкина муштини гоҳ очиб, гоҳ юмар, тирноқлари кафтига ботиб кетар, истехзо билан кулиб қўярди.

Қўпол тарзда қарши чиқиш фойда келтирадими-йўқми, деган саволга ҳанузгача жавоб топилмаган. Бу каби нарсалар фоний дунёга шу қадар хослигидан қонуният кўринишини олган. Балки, “ҳаёт” деб аталмиш манзара олдида қуллук қилишимиз керақдир ва буни аслида илмий изоҳлаб бериш ҳам мумкин. Бироқ у ҳолда буларнинг бари қандай қадр-қийматга эга? Бундай “манзара”нинг қиймати қандай? Масалан, Эйлин билан отаси ўртасида бўлиб ўтган воқеа нимага арзийди?

Кекса Батлер кетаркан, ўйларди: энди олдида турган асосий вазифа – қизи билан яккама-якка олишув ва бу нима билан тугагини Худо билади. У қизини нима қила олиши мумкин? Мана, икковлари якингинада бўлиб ўтган даҳшатли манзара таъсири остида кетишяпти ва қизи бир оғиз ҳам сўз айтгани йўқ. Эйлин ҳатто отаси нега ўша ерга боргани ҳақида сўрашга ҳам журъат қилди! Қизини жиноят устида қўлга тушириш ҳам бука олмади-ку, у қандай қилиб эга олади? Батлернинг аввалига жуда зўр кўринган режаси маънавий маънода тўлиқ муваффақиятсизликка учраганиди.

Улар уйга яқинлашди ва Эйлин аравадан тушди. Бўлиб ўтган воқеадан жуда таъсирланган кекса Батлер бирор

қарорга келишдан олдин аввал идорасига бориб келишга жазм қилди. Бироқ йўлда аравани тўхтатиб, у ёғига яёв кета бошлади. Католик черковининг олдига келганда, у ичкарига кириб, ибодат қила бошлади. Ғира-шира чўкаётган окшом, муқаддас идиш олдидаги мангу ўчмас чирок ёғдуси ва шамлар билан ўралган баланд, оқ меҳроб унинг туғёнларини босиб, руҳини анча тинчлантирди.

Батлер бироз вақт черковда бўлиб, сўнгра уйига қараб кетди.

Эйлин овқатланишга чиқмади, қариянинг томоғидан ҳам бир тишлам нон ўтмади. У ўз хонасига камалиб олиб ўйлайверди, ўйлайверди. “Беадаблар борадиган” уйда қўлга тушган Эйлин ҳақидаги хаёллар унга тинчлик бермаётганди. Тасаввур қилиш ҳам қийин: Каупервуд Батлерларнинг эркатой Эйлинини шунақа жойга олиб келибди! Дуолар ўз йўлига, бироқ ўзининг ишончсизлигига, Эйлиннинг қаршиликларига қарамай, қизини бу чоҳдан қутқариб олиши керак! Қиз Каупервудни унутиш учун маълум бир вақтга қаергадир кетиши зарур. Катта эҳтимол билан Каупервудни қамокка тикишади ва у шундай жазога лойиқ! Батлер шундай бўлиб чиқиши учун қўлидан келганини қилади. Бу – унинг бурчи! Мақсадига эришиши учун у шуни хоҳлаётганига ишора қилса, бас. У суд аъзоларини сотиб олиб ўтирмайди, бу жинойт бўларди, бироқ ишнинг тўғри ва ишончли даражада ўтишини кўра олади. Каупервудга жазо эълон қилингандан сўнг унга Худодан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Ҳеч қандай сармоядор дўстларининг ёрдами ҳам уни қутқара олмайди. Ҳамма инстанциядаги судьялар ўз фойдасини жуда яхши билишади. Шундан келиб чиқиб, улар ишга ҳозир ҳукумат тепасида ким турганига қараб муносабатда бўлишади – бунга эришиш эса Батлернинг қўлидан келади.

Бу пайтда Эйлин ушбу вазиятдан қандай чиқиб кетиш тўғрисида берилиб ўйларди. Уйга қайтаётганларида йўл бўйи жим кетаётганларига қарамай, у отаси билан

## Теодор Драйзер

Ўрталарида жиддий суҳбат бўлишини яхши тушуниб турарди. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Отаси унинг бирон ерга кетишини талаб қилади, Европага сафар масаласини яна кўтаради – Эйлин Молленхауэр хонимнинг бу борадаги таклифи отасининг навбатдаги айёрликларидан бири бўлганини энди тушунганди. Эйлин бориш-бормасликни ўзи ҳал қилади. Наҳотки у Каупервудни шундай кийин пайтда – суд арафасида ташлаб кетса? Йўқ, бундай бўлмайди! У Каупервуд билан нималар бўлаётганини билиб туриши керак. Яхшиси, уйдан қочиб кетади – қариндошлариникигами, дўстлариникигами, беғоналарникигами боради ва бошпана бериб туришларини сўрайди. Ўзининг озгина пули бор. Отаси вақти-вақти билан унга яхшигина пул бериб турарди. Кийим-кечагидан озроқ олади-да, яширинади. Уйидагилар бироз вақт усиз яшаганларидан кейин қайтишини сўрай бошлашади. Онаси бутунлай ақлдан озиб қолади. Нора, Кэлем ва Оуэн қайғу ва таажжубдан ўзларига келолмайди, отаси эса – нима ҳам дейиш мумкин – унга қарашнинг ўзи кифоя. Балки, қизининг қочиб кетиши унинг ақлини киргизиб қўяр. Эйлин ғайриоддий инжикликларига қарамай, бутун оиланинг фахри ва эркатойи эканини жуда яхши биларди.

Отаси бир неча кундан кейин гаплашиб олиш учун қизини ўз хонасига чақирганида, Эйлин ана шулар ҳақида ўйлаб юрганди. Шу куни жаноб Батлер қизи билан юзмаюз гаплашиб олиш учун ишдан вақтлироқ келди. Тўғри ўйлаган экан. Охириги пайтларда Эйлин кўчага чиқишни хоҳламайдиган бўлиб қолганди – жуда асабийлик билан ҳар хил кўнгилсизликларни кутаётганди. У ҳозиргина Каупервудга хат ёзиб, ундан мабодо изига тушишганини сезса ҳам, барибир эртага Уиссахиконда учрашишни сўраганди. У Каупервуд билан учрашиши керак. “Отам, – деб ёзарди қиз, – ҳали ҳеч нарса қилгани йўқ, бироқ нимадир қилишга ҳаракат қилса керак”. У Фрэнк билан шу ҳақда гаплашиб олиши зарур.

– Мен доим фақат сен ҳақингда ўйлаяпман, Эйлин, – қизи иккови унинг хонасига киришгандан сўнг ҳеч қандай кириш сўзисиз гап бошлади кекса Батлер. – Сен фалокат ёқасида турибсан. Ўзингни ўзинг хароб қилаётганингни кўриб, даҳшатга тушиб қоляпман. Ҳали кеч бўлмасидан сенга ёрдам бермоқчиман, болам. Ўтган шу пайт давомида ўзимни айблаб ётибман – балки, мен ёки онанг ниманидир нотўғри қилдикми, тарбиянгда ниманидир унутдикмикин, шундай аҳволга тушиб қолдинг! Албатта, буларнинг ҳаммаси учун виждоним қийналади. Ҳозир олдингда юраги адо бўлган одамни кўриб турибсан. Энди ҳеч қачон бошимни кўтариб юра олмайман. Қандай шармандалик! Шу кунларни кўриш учун яшаб келдимми?!

– Отажон, гапиришимга рухсат беринг, – ҳозир ўзининг Худо олдидаги, черков, отаси ва онаси олдидаги бурчлари тўғрисида насиҳат эшитиши мумкинлигидан чўчиркан, гап бошлади Эйлин. Бу гаплар илгари унга чиндан ҳам муҳим туюларди, бироқ бошқача қарашга эга Каупервуд билан мулоқот унинг фикрларини ўзгартириб юборганди. Улар бирга ота-оналар, болалар, эр, хотин, ака-ука, опа-сингиллар муносабатларини кўп муҳокама қилишганди. Каупервуднинг “Ҳодисаларнинг табиий ривожига аралашиб керак эмас”, деган позицияси қизга таъсир қилиб, унинг бутун дунёқарашини ўзгартириб юборганди. Эйлин ҳам борликка Каупервуднинг “Биринчи ўринда менинг хоҳишим”, деган қондаси оркали қарай бошлаганди. Фрэнк одамлар ўртасида уруш, жанжал, душманликка олиб келадиган турли ихтилофлар пайдо бўлишига афсусланар, бироқ бунга қарши курашиб бўлмайди деб ҳисобларди. Бир одам бошқасидан ўзиб кетади. Одамларнинг қарашлари ўзгаради – ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар ҳам шундан келиб чиқади. Ахлоқий жиҳатларга келадиган бўлсак, бировларда у бор, бошқаларда эса йўқ, бу билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Шахсан ўзи жинсий алоқада ҳеч бир ёмон

## Теодор Драйзер

нарсани кўрмайди. Агар эркак ва аёл бир-бирларига тўғри келадиган бўлса, у ҳолда уларнинг муносабатлари тоза ва ажойибдир. Эйлин – унинг хотини, никоҳсиз, бироқ севимли ва севувчи хотини – дунёдаги истаган аёлдан, уларнинг ҳатто кўпчилигидан кўра яхшироқ ва тозароқ. Инсон қайсидир жамиятда, қандайдир турмуш шароитида яшар экан, ўз даврининг маълум бир дунёқарашлари билан тўкнаш келади. Жамиятда ҳеч кимга ёмонлик қилмай, ўз ҳаёт йўлини енгиллатиш ва муваффақиятга эришиш учун ҳаммага тегишли бўлган қоидаларга – ҳеч бўлмаганда сиртдан – амал қилиш керак. Бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди. Фақат зийрак бўлиш керак! Қўлга тушдингми – тишингни тишингга босиб, индамай кураш. Каупервуд ҳозирги молиявий қийинчиликлари пайтида ўзини ана шундай тутаётганди. Уларни Олтинчи кўчада тутиб олишганида у шундай қилишга тайёр эди.

Ҳозир отасининг гапларини эшитаркан, шуларнинг бари яна бир бор Эйлиннинг ҳаёлидан ўтди.

– Ота, гапиришга рухсат беринг! Мен жаноб Каупервудни севаман, худди хотини каби севаман. У Каупервуд хоним билан ажрашганидан сўнг унга турмушга чиқаман. Сиз бизни тушунишни хоҳламаяпсиз. У мени севади ва мен ҳам уни севаман. Мен унга керакман.

Жаноб Батлер қизига ғалати аҳволда, унинг гапларини тушунмаётгандек тикилди.

– Ажралиш деяпсанми? – гап бошлади сўнг католик черковининг ақидалари ҳақида ўйларкан. – У хотини билан ажрашади, болаларини ташлайди ва буларнинг ҳаммаси сени деб бўладими? Сен унга кераксан, шунақами? – истехзо билан кулди Батлер. – Унинг хотини-чи? Болалари нима бўлади? Ўйлашимча, уларга отаси керак эмас, шундайми? Бу қанақа гап?

Эйлин жаҳл билан бошини силкиди.

– Ҳаммаси шундай, – жавоб берди қиз. – Фақат сиз тушунишни хоҳламаяпсиз!

Жаноб Батлер кулокларига ишонмади – умрида бунака ҳолатни эшитмаганди. Уни ҳайрат ва ғазаб чулғаб олди. У сиёсат ва тижоратнинг ҳамма нозик томонларини жуда яхши тушунарди, бироқ романтикада ҳеч нарсани тушунмасди. Буни каранг-а, унинг кизи католик бўлатуриб, шундай фикрласа! У бундай карашларни Каупервуддан бошқа яна кимдан олган бўлиши мумкин!

– Дунёкарашларинг анчадан бери шундайми, қизим? – кутилмаганда хотиржам товушда сўради у кизидан. – Бунака сафсатани қаердан олдинг? Уйда бундай гапларни эшитган бўлишинг мумкин эмас, буни аниқ биламан. Айтаётганларинг ақлдан озган одамнинг алахсирашига ўхшайди.

– Отажон, кўйсангиз-чи! – кекса отаси билан бу ҳақда гаплашиш бефойда эканлигига амин бўлиб, қизишиб кетди Эйлин. – Ахир ёш бола эмасман, йигирма тўрт ёшдаман. Сиз ҳеч нарсани тушунмаяпсиз: жаноб Каупервуд аёлини севмайди. У хотини билан ажрашмоқчи ва ўшанда менга уйланади. Мен уни севаман, у мени севади, шу холос!

– Шу холос?! Жуда яхши, – нима бўлса ҳам қизини тўғри йўлга бошлашга қарор қилиб қайтарди Батлер. – Демак, сен унинг хотини ва болалари билан ҳисоблашиб ўтирмоқчи эмассан? Унинг яқинда қамокқа тушиши ҳам сен учун аҳамиятсиз, шундайми? У йўл-йўл кўйлак кийгандан кейин ҳам, эҳтимол, уни аввалгидек, ҳатто кўпроқ яхши кўрсанг керак-а? (Қария киноя билан гапиришни жуда жойига кўярди!) Ҳечқиси йўқ, бундай бахт сени кутиб турибди!

Эйлин қизишиб кетди.

– Албатта, ўзим ҳам билгандим!.. – ғазаб билан кичкирди у. – Сиз фақат шуни орзу қилиб ётибсиз! Нималар қилаётганингизни биламан! Фрэнк ҳам билади! Сиз қилмаган жиноятлари учун уни қамокқа тикмоқчисиз. Ҳаммаси мени деб! Буни жуда яхши тушуниб турибман! Бироқ ҳаммаси беҳуда! Бу ишни қила олмайсиз!

## Теодор Драйзер

Каупервуд сиз ўйлагандан кўра ақлироқ, яхшироқ, уринишларингиздан ҳеч нарса чиқмайди! Сиз мен учун уни жазоламоқчисиз, лекин унга барибир. Нима қилиб бўлса ҳам, мен унга эрга тегаман. Уни севаман, уни кутаман ва унга турмушга чиқаман! Сиз эса истаганингизни қилаверинг! Бор гап шу!

– Сен унга турмушга чиқасан?! – ажабланиб ва бироз ўзини йўқотиб такрорлади Батлер. – Шунақами? Сен уни кутиб, унга турмушга чиқасанми? Сен уни, агар озгина виждонинг бўлса, у ҳозир ёнида бўлиши керак бўлган хотинидан, болаларидан тортиб оласанми? Сен унга хотин бўласанми? Отангни, онангни ва бутун оилани шарманда қилишдан уялмайсанми? Ие, бу гапларни сени тарбиялаган, ўстирган, сени одам қилган отангга гапиряпсанми? Агар мен ва доим меҳнатдан боши чиқмаган, йиллаб сенга ғамхўрлик қилган бечора онанг бўлмаганда, ҳозир ким бўлардинг? Лекин ўзингча биздан ақлироқсан-да, а! Ҳаётни мендан, сенга маслаҳат бериши мумкин бўлган бошқалардан яхшироқ биласан. Мен сени чинакам малика қилиб ўстиргандим ва мана раҳматинг! Мен, маълум бўлишича, ҳеч нарса тушунмас эканман, сен эса ўғри, камомадчи, банкрот бўлган одамга, алдоқчига, келажакдаги маҳбусга бўлган севгинг ҳақида гапириб ўтирибсан...

– Ота!.. – қатъий оҳангда отасининг гапини кесди Эйлин. – Бўлди, бошқа эшитишни истамайман. У ҳақда айтган гапларингизнинг бари ёлғон! Ортиқ бу ерда қолишни хоҳламайман!

Қиз ўрнидан туриб эшикка қараб йўналди, бироқ жаноб Батлер сакраб туриб, қизининг йўлини тўсди. Унинг пешонасидаги томирлари бўртиб, юзи ғазабдан қип-қизариб кетганди.

– Тўхта, у йигит билан ҳисоб-китобим ҳали тугагани йўқ, – қизининг кетишга отланганига эътибор бермай ва негадир уни тушунишига ҳануз ишонган ҳолда деди у.

– Ҳали у билан орани очик қиламан ва бу худди исмим Эдвард Батлер бўлгани сингари бор ҳақиқат. Ахир мамлакатимизда конун бор ва унга конун йўли билан тушунтириб қўйишларига, албатта, эришаман. Мен яхши одамларнинг уйига кириб олиб, уларнинг фарзандини ўғирлаш қандай бўлишини ҳали унга кўрсатиб қўяман!

Батлер нафасини ростлаб олиш учун жим қолди. Эйлин эса ранги оқарганча отасига қараб турарди. Баъзида отаси қандай кулгили бўлиб кетади-я! Каупервуд билан такқослаганда у қанчалик қолоқ одам. Буни қаранг-а, отасининг айтишича, Каупервуд уларнинг уйларига кириб олиб, уни ота-онасидан ўғирлаб кетганмиш. Қанақа бўлмағур гап, ахир Эйлиннинг ўзи унинг орқасидан кетди-ку! Бироқ отаси билан баҳслашишнинг фойдаси борми? Агар Эйлин гапида туриб олса, у нима қила олади?

Эйлин индамай, фақат отасига қараганча турарди. Бироқ Батлер ҳали чарчамаганди. У ғазабини тийишга уринаётган бўлса-да, ичидан қайнаб кетаётганди.

– Қизим, жуда ачиниб кетяпман, – Эйлин ортиқ қаршилик қила олмайди деган хаёлда хотиржамроқ овозда гап бошлади у яна. – Жаҳлим чиқиб кетди. Сени бу ерга чақирганимда бутунлай бошқа нарсани гапирмоқчи бўлгандим. Хаёлимдан бутунлай бошқа нарса ўтганди. Балки, мусиқани ўрганиш учун Европага кетасанми деб ўйлаётгандим. Ҳозир эс-хушинг жойида эмас. Дам олишинг керак. Бунинг учун энг яхши нарса – шароитни ўзгартириш. У ерда вақтингни жуда яхши ўтказган бўлардинг. Агар хоҳласанг, Нора бирга боради, яна собик устозинг Констанция ҳам бориши мумкин. Агар у ҳам борса, қарши бўлмасанг керак?

Европага бориш тўғрисида, яна Констанция билан (эски вариантни сал ўзгартириш учун бу сафар мусиқа ҳам қўшилганди) ҳақида эшитиб, Эйлиннинг қони қайнаб кетди, бироқ шу билан бир вақтда кулиб юборишдан зўрға ўзини тийди. Отасининг қизи ва Каупервуд ҳақидаги



## Теодор Драйзер

шунча айбловларидан сўнг бу гапларни айтиши қанчалар бемаънилик эди. Ўзига боғлиқ ишларни ҳал қилишда отаси қанчалар содда-я! Бу чиндан ҳам жуда кулгили эди. Бироқ айни пайтда ҳар қандай гап ортиқча эканини ҳис қилиб, қиз индамай кўя қолди.

– Отажон, ҳозир бу ҳақда гапиришнинг ҳожати йўқ, – бироз юмшаб гап бошлади у. – Ҳозир Европага боришни хоҳламайман. Филадельфиядан кетмоқчи эмасман. Сиз шунга уринаётганингизни биламан, бироқ ҳозир бу ҳақда ўйлай олмайман ҳам. Кета олмайман.

Батлернинг юзи тундлашди. Ўзининг ўжарлиги билан қизи нимага эришмоқчи бўляпти? Ушбу масалада отасидан ҳам кўра қайсарроқ бўлмоқчими? Бунинг имкони йўқ!

Бироқ кекса Батлер ўзини тутишга ҳаракат қилиб янада юмшоқроқ оҳангда давом этди:

– Эйлин, шунда ўзинг учун жуда яхши бўларди! Сен бу... воқеалардан кейин Филадельфияда қолишни ўйламаётган бўлсанг керак?..

У жим бўлиб қолди – Батлер бўлиб ўтган воқеалардан кейин демоқчи бўлаётганди. Эйлиннинг бу масалага қандай оғриқ билан қараётганини сезиб турарди. Батлер оталарча ғамхўрлик ҳақидаги фикрларига амал қилмай, унинг изидан пойлагани учун Эйлин, албатта, ўзини ҳақоратлангандек ҳис қиляпти. Бироқ бошқа томондан, қизининг қилмиши қандай уятли, шармандали!

– Қилган бу хатоингдан сўнг, – гапини тутатди қария, – бу ерлардан кетишни ўзинг хоҳлаб қоласан. Бошқа яна гуноҳ қилишни хоҳламайсан-ку! Бу ҳамма қонунларга – Яратганнинг қонунларига ҳам, инсоний қонунларга ҳам зид ҳолат.

Кекса Батлер қизи ўзи содир этган гуноҳни, бу фосиқлик эканини тушуниб етишини жуда хоҳлаётганди. Бироқ Эйлин бундай хаёллардан узоқда эди.

– Ота, сиз мени тушунмаяпсиз!.. – отаси гапини тутатиши билан умидсиз овозда гап бошлади Эйлин.

– Тушунишга қодир эмассиз. Менинг ўз қарашларим бор, сизнинг ўз қарашларингиз бор. Ва қалбимга буюра олмайман! Агар ҳақиқатни билмоқчи бўлсангиз – мен католик черковининг ақидаларига ортиқ ишонмайман. Ва бошқа гапим йўқ.

Эйлин шундай деди-ю, айтганларига пушаймон қилди. Бу гаплар оғзидан кутилмаганда чиқиб кетганди. Батлернинг юзида жуда умидсизлик ва маъюс ифода пайдо бўлди.

– Сен черков ақидаларига ишонмайсанми? – қайта сўради у.

– Йўқ, унчалик эмас. Сизчалик эмас.

Отаси бошини чайқади.

– Ичингга шайтон кириб олибди!.. – деди қария. – Қандай бахтсизликка учраганинг менга аён бўлди, қизим. Бу Каупервуд сени, танангни, руҳингни тамом қилибди. Нимадир қилиш керак. Жуда каттиққўл бўлгим йўқ, бироқ сен Филадельфиядан кетишинг керак. Бу ерда қолишинг мумкин эмас. Бунга йўл қўймайман! Чет элга ёки Янги Орлеанга, холангникига, қаергадир кетишинг керак. Бу ерда қолишингга йўл қўймайман, бу жуда хавфли. Бу гаплар ҳамма ёққа ёйилиб кетади. Кейин газеталар бунинг дарагини эшитади. Сен ёшсан, бутун ҳаётинг олдинда. Имонинг куйишидан қўрқиб кетяпман, бироқ ҳали ёш экансан, ақлингни йигиштириб оласан. Мен гапимдан қайтмайман. Бу сенинг ва черков олдидаги бурчим. Сен ахлоқингни ўзгартиришинг, бу одам билан ажралишинг керак. Бир умрга! Сенга уйланиш унинг хаёлида ҳам йўқ, бироқ у эринг бўлишни хоҳласа-да, бу Худонинг олдида ҳам, одамлар олдида ҳам гуноҳ саналган бўларди. Йўқ, бундай бўлмайди! У синган, у муттаҳам, ўғри! Агар унга турмушга чиқсанг, дунёдаги энг бахтсиз аёл бўласан! У сенга хиёнат қилади. У вафодорликка қодир эмас. Мен бундайларни яхши биламан!

Қария нафасини ростлаб олди: уни ғам бўғиб ташлаётганди.

## Теодор Драйзер

– Билиб кўй, сен жўнаб кетишинг керак! Сенга бу гапни яхшилик тилаб айтяпман, лекин итоат этишингни талаб қиламан! Мен фақат сенинг фойдангни ўйлаяпман. Сени яхши кўраман, бироқ жўнаб кетишинг шарт! Сени жўнатиб юбориш менга оғир, ўзимга қолса, аввалгидек биз билан яшайверганинг яхши эди. Кетишингдан ҳеч ким мендан ортиқроқ хафа бўлмайди. Бироқ кетишинг керак. Кетишинг онанга ғалати бўлиб туюлмаслиги учун ҳаракат қил, бироқ бу ердан жўнаб кетишинг керак, эшитяпсанми, керак!

Батлер пахмоқ қошлари тагидан қизига қараб жим бўлиб қолди. Қиз отасининг қарори ўзгармаслигини тушуниб турарди. Кекса Батлернинг юзида қатъий, бироқ ялингудек ифода бор эди. Эйлин ҳеч нима демади. Баҳслашишга ортиқ кучи йўқ эди. Барибир фойдасиз. Бироқ кетиш... Йўқ, у ҳеч қаерга кетмайди. Қиз буни аниқ биларди. Унинг асаблари тор каби таранг тортилган бўлиб, у отаси қаршисида ранги оқарганча қатъий турарди.

– Хўш, ўзингга керакли буюмларни сотиб ол, – гапида давом этди ота, қизининг қалбида нималар бўлаётганидан беҳабар ҳолда, – зарурий ҳамма нарсангни йиғиштир. Қаерга боришни ҳал қилганингни айтиб, жўнашга шошил.

– Йўқ, ота, мен ҳеч қаерга бормайман!.. – худди отаси каби қатъий жавоб берди қиз. – Мен ҳеч қаерга бормайман! Филадельфиядан ҳеч қаерга кетмайман!

– Сенинг фойданг учун керак бўлган нарсани сўраётганимда, гапимга қулоқ солишдан воз кечяпсанми, қизим? Сени тўғри тушундимми?

– Ҳа! – қатъий жавоб берди Эйлин. – Мен ҳеч қаерга бормайман! Мени кечиринг, бироқ мен ҳеч қаерга бормайман!

– Жиддий айтяпсанми? – хафа бўлиб, ғамгин оҳангда қайта сўради Батлер.

– Ҳа, ота, – шундай тундлик билан жавоб берди Эйлин.

– У ҳолда мен нима қилишни ўйлаб кўришим керак,

– деди қария. – Қандай бўлишингдан катъи назар сен қизимсан ва мен айтганимга қулоқ солмай, муқаддас бурч бўлган ишни бажармай, ўзингни бутунлай хароб қилишингга қараб ўтира олмайман. Ўйлаб кўришинг учун бир неча кун рухсат бераман, бироқ барибир жўнаб кетасан. Бошқа гапирадиган гапим йўқ. Бу мамлакатда ҳали қонунни бузадиганларга тегишли чоралар бор. Менга қанчалик оғир бўлмасин, сени қидириб топдим ва агар гапимга кирмайдиган бўлсанг, яна излаб топаман. Сен ахлоқингни ўзгартиришинг керак. Бундай ҳаёт кечиришингга йўл қўя олмайман. Энди сенга ҳаммаси тушунарли бўлгандир. Бу – охириги сўзим. Бу одамдан воз кеч ва мендан истаган нарсангни сўра! Сен менинг қизимсан ва мен сени бахтли кўриш учун ҳар нарсага тайёрман! Ҳа, шундай, бошқача бўлиши мумкинми, ахир? Агар фарзандларим учун яшамасам, менга ҳаётнинг нима кераги бор? Ахир сен учун, сизлар учун тинмай ишладим. Ўйлаб кўр, аклингни йиғ! Ахир қари отангни яхши кўрмайсанми? Эйлин, чақалоқлигингда ўзим сени тебратиб ўтирдим, мана шу кафтимга сигардинг. Мен яхши ота бўлдим, буни инкор қила олмайсан. Бошқа қизларга, дугоналарингга қара! Ахир улардан бирортасида сендан кўпроқ, ҳеч бўлмаса, сенчалик эришилган нарса борми? Сен хоҳишимга қарши бормайсан, бунга ишончим комил. Ахир, мени яхши кўрасан. Қари отангни яхши кўрасан-а? Тўғрими?

Батлернинг овози титраб кетди, кўзларига ёш келди. У жим бўлиб, буғдойранг катта қўлини Эйлиннинг елкасига қўйди. Отасининг ялинишлари қизнинг қўнглини бузиб юборди, айниқса, унинг ҳамма уринишлари бефойда эканини қиз тушуниб турарди. У Каупервуддан воз кеча олмайди. Отаси уни тушунишни хоҳламаяпти. У севги нималигини тушунмайди. Ахир у ҳеч қачон Эйлин каби севмаган.

## Теодор Драйзер

Батлер кизини кўндиришга ҳаракат қилишда давом этар, киз эса илгаригидек унинг олдида индамай турарди.

– Сизга бўйсунини хоҳлардим, отажон, – ниҳоят юмшоқлик билан жавоб қилди қиз. – Ишонинг, жуда хоҳлардим. Мен сизни яхши кўраман. Ва сиз айтганингизни қилишни жуда хоҳлардим. Бироқ бундай қила олмайман. Мен Фрэнк Каупервудни жуда ҳам севаман! Сиз бунни тушунмайсиз, тушунишни хоҳламаяпсиз.

Бу ном тилга олинishi билан Батлернинг лаблари қаттиқ қимтилди. У қизининг эҳтироси беқиёс эканлиги ва ўзининг унга таъсир ўтказаман деб қилган ҳаракати натижасиз бўлганини тушунди. Демак, бошқа нимадир ўйлаб топиши керак.

– Хўп, майли!.. – у шундай чексиз қайғу билан гапирдики, Эйлин чидай олмай, тескари ўгирилди. – Билганингни қил! Лекин хоҳлайсанми-йўқми, жўнаб кетишингга тўғри келади. Бошқа йўли йўқ. Мен эса Худодан фикринг ўзгаришини сўрайман, холос.

Эйлин аста хонадан чиқиб кетди, Батлер эса ёзув столининг олдига келиб, креслога чўқди.

– Бу қандай савдо бўлди?.. – шивирлади у. – Ҳаммаси чалкашиб кетди!

Эйлин Батлер оғир ахволда колганди. Табиатан жасур ва қатғий бўлмаган киз бунақа вазиятда қийинчиликларга бардош бера олмай, чекинган бўларди. Моҳиятан олганда, дўстлари ва танишлари кўплигига қарамай, шу оғир пайтда Эйлин суяна оладиган ҳеч ким йўқ эди. Чиндан ҳам айни пайтда у ҳеч бир савол-жавобсиз бошпана бериб турадиган ҳеч кимни эслай олмаётганди. Унинг турмушга чикқан, чикмаган, уни жуда ёқтирадиган дугоналари кўп эди, бироқ уларнинг ичида чинакамига яқин бўлган ҳеч ким йўқ эди. Айни пайтда унинг хаёли вақтинчалик бошпана топиши мумкин бўлган дугоналари орасида Мэри Келлигенга тўхталди. У анча йиллар олдин Эйлин билан ўқиган, ҳозир эса Филадельфия мактабларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишларди.

Келлигенларнинг оиласи унинг онаси – бева тикувчи Кэтрин Келлиген хоним (эри уйларни кўчириш бўйича мутахассис бўлиб, ўн йил бурун девор тагида қолиб вафот этганди) ва йигирма тўрт ёшли Мэймининг ўзидангина иборат эди. Улар Ўн бешинчи кўча яқинидаги Черри стритда яшашар эди. Келлиген хоним жамиятнинг юқори поғоналарига кўтарилган Батлерлар оиласи наздида у қадар ўз касбининг устаси ҳисобланмасди. Эйлин вақти-вақти билан унга оддий, уйда киядиган кўйлақлар, ичкўйлақ, капот ва пеньюарларни тикишга берар ва яна Честнат стритдаги энг зўр тикувчилар тиккан эски кийимларини қайта тўғрилатиш учун бериб турарди. Эйлин бу оиланинг аҳволи энг яхши бўлган пайтда Мэйми билан муқаддас

## Теодор Драйзер

Агата монастиридаги мактабга бирга борарди. Энди эса Мэйми ўз уйларига якин жойлашган мактабнинг олтинчи синфида дарс бериб, ойига кирк доллар маош оларди. Келлиген хоним эса ҳар доим бўлмаса-да, ора-орада кунига икки доллар топиб турарди. Улар яшайдиган уй ўзлариники эди. Уй гаровга қўйилмаган, бироқ кўринишидан уй эгаларининг маошлари ойига саксон доллардан ошмаслигидан дарак берарди.

Мэйми Келлигенни чиройли деб бўлмас, аксинча, онаси бу ёшида ундан чиройли бўлганди. Келлиген хоним эллик ёшида ҳам ёш кўринар, қувноқ, ҳаётсевар ва жуда ҳазилкаш инсон эди. Ақл ва тиришқоқлик жиҳатидан ҳам Мэйми онасидан ўта олмасди. У доим вазмин ва жиддий қиз бўлган, бу табиати оиласидаги вазиятдан бўлса керак. Аслида, табиатан ҳам у на жўшқинлиги, на жозибалилиги билан одамни ўзига тортарди. Бироқ шуларга қарамай, қиз яхши, виждонли, меҳрибон католик бўлиб, кўп одамларни дунёдан ажратиб қўядиган ғалати фазилат – бурч ҳиссига эга эди. Мэйми учун бурч (тўғрироғи, болаликдан ўзи эшитган ва измидан чиқмаган таълимот ҳамда қоидаларга риоя қилиш) биринчи ўринда турар, мана шу нарса унинг қувонч, тасалли манбаи эди. Ҳаётнинг маъноси эса унга черков, мактаб, дўстлари олдидаги бурчи ва бошқалар эди. Келлиген хоним Мэйми ҳақида ўйлар экан, кўпинча қизида бурчдан кўра эркакларни ром қиладиган аёллик жозибаси кўпроқ бўлганида эди деб орзу қиларди.

Онаси тикувчи эканига қарамай, Мэйми ҳеч қачон ўзига ярашадиган кийим киймас, мабодо шундай бўлиб қолса, ўзини бировнинг қўйлагини кийиб қолгандек ноқулай ҳис қиларди. Унинг бошмоқлари доим катта ва қўпол бўлар, ҳатто энг яхши матодан тикилган юбкаси ҳам эгнида қандайдир беўхшов, осилиб тургандек туюларди. Ўша пайтларда чиройли қоматда жуда ажойиб турувчи ёрқин тўкима жакетлар урфга кирганди. Бироқ бу ҳам Мэйми Келлиген учун эмас эди. Унинг ориқ қўллари ва

теп-текис кўкраги бу кийимда янада хунук кўринарди. Киядиган шляпалари ҳам на соч турмагига, на юзининг тузилишига тўғри келарди. Мэйми доим чарчаганга ўхшаб кўринар, бироқ бу нафақат жисмоний чарчок, балки туғма лоқайдликдан эди. Унинг бу бир хилдаги ҳаётига Эйлин Батлер ўзгача руҳ киргизарди.

Эйлинни эса Мэймининг онасининг тез тил топишадиган табиати, уларнинг уйидаги ўта озодалик, буюртмаларига Келлиген хонимнинг беҳад гамхўрлик билан қараши ва кизи иккови роялда мусиқа эшитишни яхши кўришлари ўзига тортарди. Қиз шовкин-сурондан кочиб, Мэйми Келлиген иккаласини бирдек қизиқтирадиган адабиёт ҳақида суҳбатлашиш учун уларникига келарди. Мэймига ҳам Эйлин ёқтирадиган китоблар – “Жейн Эйр”, “Кенелм Чиллингли”, “Трикотрин” ва “Малларанг бант” асарлари ёқиши жуда қизиқ эди. Вақти-вақти билан Мэйми дугонасига бу жанрдаги охириги асарларни таклиф қилар ва Эйлин доим унинг дидига қойил қоларди.

Мана шулар сабаб қийин пайтда Эйлин Келлигенларни эслаб қолди. Агар отаси уни сиқиб қўймоқчи бўлса ва вақтинча уни уйдан кетишга мажбур қиладиган бўлса, у Келлигенларникига кўчиб боради. Улар киздан ҳеч нимани сўраб ҳам ўтирмай, уйларига киргизишади. Батлерларнинг бошқа оила аъзолари Келлигенларни танишмас ва ҳеч қачон Эйлинни уларникидан қидириб ҳам ўтирмасди. Черри стритда у бемалол яшириниши мумкин ва бир неча ҳафта ҳеч ким қиз ҳақида эшитмайди.

Қизиғи, Батлерлар каби Келлигенлар ҳам Эйлиннинг шундай қилишга қодирлигига ишонишлари амри маҳол эди. Агар Эйлин чиндан ҳам уйдан кетишга мажбур бўлса, ҳар икки хонадондагилар ҳам буни Эйлиннинг навбатдаги ғаройиб қилмиши деб билишади.

Бошқа томондан, Батлернинг оиласидагилар Эйлиндан кўра ўзлари унга кўпроқ муҳтож бўлардилар. Эйлин доим оиласидагиларнинг кайфияти яхши бўлишига сабабчи эди ва у кетса, бу бўшлиқни тўлдириш осон бўлмасди.



## Теодор Драйзер

Масалан, кекса Батлерни олсак, яқинда кичкинагина бўлган қизи кўзни қамаштирадиган даражада гўзал маликага айланганди. У қизининг мактабга борган пайти, рояль чалишни ўрганганини яхши эслар, унинг фикрича, бу яхши тарбиянинг чўққиси эди. У қизининг юриш-туриши худди оқсуякларга хос тарзда ўзгариб бораётганини, ҳаётини тажрибаси ошаётганига гувоҳ бўларкан, ҳайратга тушарди. Эйлин аста-секин ҳар хил нарсалар тўғрисида хулоса қилишда ишонч билан гапирар ва ота қизининг гапларини берилиб тингларди. Эйлин санъат в адабиётни Оуэн ва Кэлемлардан кўра яхшироқ тушунар, одамлар ичида ўзини жуда яхши тута оларди. Қизи дастурхон қаршисига чикиб келганда Батлер унга ҳайрат билан боқарди. Мана шу унинг фарзанди бўлса-я! Бу туйғудан қариянинг кўнгли фаҳрга тўларди. Ахир бу ажойиб кийим-кечаклар учун қизига у пул бермаганми? У бундан кейин ҳам шундай қилади. Бир тирранча қизининг ҳаётини бузишига йўл кўймайди. Батлер ўз васиятномасини ҳам шундай тузмоқчи эдики, унинг бўлажак эри банкрот бўлиб қолган тақдирда қизи маблағсиз қолмасин. “Мана бу ҳақиқий леди! – кўпинча ҳайратланиб дерди ота. – Бугун биз қандай мафтункор оиламиз!” Овқат пайтида Эйлин отасининг ёнида ўтирар ва унга овқат солиб берарди. Бу Батлерга ёқарди. У кичкиналигида ҳам қизини доим ёнига ўтқизарди.

Онаси ҳам катта қизини жуда севар, Кэлем ва Оуэн эса унга акалик меҳрини берар, Эйлин эса ўзининг гўзаллиги ва қувноқ табиати билан оиладан оладиган меҳрга жавоб қайтарар, яқинлари бунини яхши тушунишарди. Эйлин бирикки кунгина йўқ бўлиб қолса, ҳамма нарса зерикарли бўлиб, ҳатто овқат ҳам бемазадек туюларди. Бироқ у қайтиб келгандан сўнг эса ҳаммаси жойига тушиб, яна ҳамма қувноқ бўлиб қоларди.

Эйлин, албатта, бунини жуда яхши сезарди. Энди у Европага боришдан қочиб, уйдан кетиб янги ҳаёт

бошламоқчи бўлаётганида, ўзининг оиладаги ана шу ўрнидан фойдаланмоқчи бўлаётгани. Отаси айтган гапларни яна бир бор ўйлаб кўриб, Эйлин тезлик билан ҳаракат қилишга қарор қилди.

Эртаси кун отаси идорасига кетганидан сўнг Эйлин айлангани кетаётгандек кийиниб, соат ўн иккиларгача Келлигенларникига бориб келмоқчи бўлди – Мэйми айна шу пайтда уйига овқатлангани келарди. Эйлин ўзининг мақсадини гап орасида қистириб ўтмоқчи бўлди ва агар улар қарши бўлишмаса, тезлик билан шу ерга кўчиб ўтишга қарор қилди. Баъзан унда савол туғиларди: нега шундай қийин аҳволга тушиб қолган Фрэнк унга бирга узоқларга қочиб кетишни таклиф қилмаяпти? Бироқ шу заҳоти жавобини ҳам ўзи берарди: нима қилиш кераклигини Фрэнкнинг ўзи яхши билади. Қиз унинг устига ёғилаётган муаммолардан азобланарди.

Келлиген хоним уйида ёлғиз бўлиб, Эйлинни кўргач, жуда хурсанд бўлиб кетди. Эйлин шаҳардаги янгиликлар ҳақида суҳбатлашаркан, уни бу ерга етаклаган масала тўғрисида қандай гап бошлашни билмай, рояль олдида ўтирди ва ғамгин бир пьесани чала бошлади.

– Эйлин, қандай ажойиб чаляпсиз! – деди кайфияти бирпасда ўзгарадиган Келлиген хоним. – Сизни эшитишни севаман. Қанийди, бизникига тез-тез келиб турсангиз! Охирги пайтларда умуман кўринмай кўйдингиз.

– О, Келлиген хоним, шу кунларда жуда банд эдим, – жавоб берди Эйлин. – Бу кузда ишларим шунчалик кўпайиб кетдики, бир дақиқа ҳам вақт топа олмадим. Ота-онам мени Европага юбормоқчи бўлишганди, лекин рад этдим. Вой, Худойим-ей! – хўрсинди қиз ва унинг бармоқлари ғамгин, романтик мусиқани чалиб, клавишлар узра югура кетди.

Эшик очилиб, Мэйми кириб келди. Дугонасини кўриб, унинг хунук юзи ёришиб кетди.

## Теодор Драйзер

– Кимни кўряпман, бу Эйлин Батлерми! – хитоб қилди у. – Қандай шамол учирди? Қаерда шунча йўқ бўлиб кетдинг?

Эйлин ўрнидан турди, қизлар ўпишиб кўришди.

– Мэйми, охирги пайтларда жуда банд эдим. Ҳозиргина ойинг билан шуни гаплашаётгандик. Қалайсан? Ишларинг қандай кетяпти?

Мэйми бажонидил мактабдаги ҳар хил муаммолар – синфда ўқувчилар сони ошиб, ишлар кунига кўпайиб кетаётгани ҳақида гапира кетди Миссис Келлиген дастурхон ёзаркан, қизи хонасига кириб кетди ва Эйлин ҳам унинг кетидан борди. Мэйми кўзгу олдида сочини тўғрилай бошлади, Эйлин эса хаёл сурганча унга қараб қолди.

– Эйлин, бугун сенга нима бўлди? – сўради Мэйми. – Кўринишинг бирам...

Қиз гапини тугатмай, дугонасига тикилганча қолди.

– Кўринишим қандай экан? – қайта сўради Эйлин.

– Нима десам экан?.. Қандайдир хафамисан, ўзингга ишонмаётгандек... Сени ҳеч қачон бу аҳволда кўрмагандим. Нима бўлди?

– Ҳеч нима, – жавоб берди Эйлин. – Шунчаки ўйланиб қолдим.

Қиз ҳовлига қараган дераза олдида турар ва бу ерда кўп яшай олармиканман деб ўйлаётганди. Уй жуда кичкина, ғарибона...

– Йўқ, Эйлин, бугун сенга нимадир бўлган!.. – деди Мэйми ва яқин келиб дугонасининг кўзларига тикилди. – Мазанг йўққа ўхшайди.

– Мени бир фикр қийнаяпти, – деди Эйлин, – шуни ўйлаб ётибман. Нима қилишни ҳам билмаяпман, ҳамма гап шунда.

– Нима ҳақда гапиряпсан? – сўради Мэйми. – Сенга нималар бўляпти? Нега менга айтишни истамаяпсан?

– Айтаман, фақат ҳозир эмас, – Эйлин бироз жим турди,

кейин бирдан сўради. – Нима дейсан, агар бироз вақт сизларникида яшаб турсам, онанг қарши бўлмасмикан? Айрим сабабларга кўра вақтинча уйдан кетишим керак.

– Нималар деяпсан, Эйлин?! – хитоб қилди дугонаси. – Қарши бўлиш?!.. Онам ҳам, мен ҳам қандай хурсанд бўлишимизни ўзинг жуда яхши биласан-ку! Эйлин, азизам, чиндан ҳам бизникида яшаб турмоқчимисан? Бироқ уйдан кетишга сени нима мажбур қиляпти?

– Мана шу сабабни маълум бир вақтгача ошкор қила олмайман. Сени деб эмас, онангни деб. Биласанми, бу нарсага онанг қандай қарашини ҳали билмайман, – қўшиб қўйди Эйлин. – Ҳозир ҳеч нима сўрама. Мен ўйлаб кўришим керак. Вой, худойим!.. Бироқ агар рухсат берсанглар, чиндан ҳам сизларникига кўчиб ўтмоқчиман. Онангга ўзинг айтасанми ёки мен айтайми?

– Йўқ, албатта, ўзим айтаман, – жавоб қилди Мэйми Эйлиннинг гапларидан ҳайратга тушиб. – Бироқ онамдан сўрашнинг ўзи кулгили! Онам нима деб жавоб беришини олдиндан биламан, ўзинг ҳам биласан. Нарсаларингни олиб келсанг бўлди! Агар ўзинг айтмасанг, онам ҳеч нарса сўраб ҳам ўтирмайди.

Мэйми жуда хурсанд бўлиб кетганди. У дугонаси билан кўпроқ бирга бўлгиси келаётганди. Эйлин дугонаси нега хурсанд бўлиб кетгани ва онаси ҳам нега қувонишини тушунганча унга ўйчан қараб турарди: у оиланинг доим бир хил ўтадиган кунларига янгилик киритади.

– Бироқ сизларникида эканимни ҳеч кимга айтишингиз керак эмас, тушунарлими? Бу ҳамма учун, биринчи навбатда ота-онам учун сир. Гапимга ишон: бунинг учун жиддий сабаблар бор. Ҳозир бу важ нима эканини сенга айта олмайман. Жим юришга ваъда бера оласанми?

– Ҳа, албатта! – бажонидил рози бўлди Мэйми, кейин хавотир ва қизиқиш билан яна саволга тутди: – Бироқ, Эйлин, уйингдан бир умрга кетмоқчи эмассан-ку, тўғри-ми?

## Теодор Драйзер

– Очиғи, ўзим ҳам билмайман, билганим – вақтинча кетишим керак. Шу, холос!

Эйлин жим бўлиб қолди ва Мэйми довдираганча яна дугонасига қаради.

– Ҳа! – деб юборди у. – Дунёда мўъжизалар асло тўхтамайди, тўғрими, Эйлин?! Бироқ биз билан яшамоқчи эканингдан роса хурсандман! Онамга ҳеч нима дейишнинг ҳожати йўқ. Ва, албатта, сен шуни хоҳласанг, ҳеч кимга ҳеч нарса демаймиз. Бизникига ҳеч ким келмайди ҳам, бироқ биров келиб қолса, кўринмаслигинг мумкин. Сенга катта хонада, менинг ёнимга жой қиламиз. Вой, зўр бўлади! Мен жуда хурсандман!

Мэймининг кўзлари ёниб, жуда жонланиб кетганди.

– Кетдик, тезроқ онамни хурсанд қиламиз.

Эйлин бир сония иккиланди: у тўғри қиялпанми-йўқми деб ўйлаб қолганди, бироқ сал ўтмай, икковлари Келлиген хонимнинг олдига чиқишди. Эшикнинг олдида Эйлин дугонасини олдин ўтказди ва Мэйми онасининг олдига югуриб борди:

– Ойижон, биласизми, нима гап?! Эйлин озгина вақт бизникида яшаб туради. Фақат буни ҳеч ким билиб қолмаслигини хоҳлаяпти. Яқин кунларда кўчиб ўтмоқчи.

Келлиген хоним кўлида шакар солинган идиш билан Эйлинга ўгирилди: унинг кўзларида ҳам ажабланиш, ҳам қувонч бор эди. У нега Эйлин бирдан уларникига кўчиб ўтмоқчи бўлаётганига қизиқаётганди. Бошқа томондан эса у қизни шунчалик яхши кўрардики, чиндан ҳам севиниб кетганди. Ахир нега қувонмасин? Машҳур Эдвард Батлернинг қизи улғайган, мустақил, ҳамма ерда ҳам шундай ҳурматли оиланинг вакили эмасми? Келлиген хоним Эйлинни уйдан кетишга мажбур қилаётган сабаб қандай эканидан қатъи назар, уларникига кўчиб ўтмоқчилигидан жуда мамнун эди.

– Эйлин, ота-онангиз сизни қандай қўйиб юбора олаётганини ҳеч тушунмаяпман. Бироқ уйимизда сиз азиз

меҳмонимиз бўласиз. Қанча хоҳласангиз, шунча туринг, бир умр бўлса ҳам майли.

Келлиген хоним мамнунлик билан жилмайди. Эйлин Батлер ундан кўчиб ўтиш учун рухсат сўраяпти! Келлиген хонимнинг уни илиқ кутиб олгани, дугонаси Мэймининг хурсандчилигини кўриб, Эйлин енгил торди. Шундан сўнг у бу ерда яшаши оила учун ортиқча чиқим бўлишини ўйлаб қолди.

– Бу ерга кўчиб ўтсам, рўзғорга ўз ҳиссамни кўшаман, албатта, – деди у Келлиген хонимга қараб.

– Эйлин, бўлмаган гап! – хитоб қилди Мэйми. – Бунга йўл қўймайман. Сен бу ерга кўчиб ўтиб, менинг меҳмоним бўласан.

– Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Агар пул тўлашимга рози бўлмасангиз, кўчиб ўтмайман! – қаршилиқ кўрсатди Эйлин. – Албатта, рози бўлишингиз керак.

У она-бола уни боқишга кучлари етмаслигини яхши биларди.

– Яхши, яхши, ҳозир бу ҳақда гаплашмаймиз, – гапга аралашди Келлиген хоним. – Қачон мумкин бўлганда кўчиб ўтиб, қанча хоҳласангиз, шунча қолинг. Мэйми, тоза сочиқ олгин!

Эйлин улар билан нонушта қилиб, кейин Каупервуд билан учрашувга кетди. У энг катта қийинчилик ҳал бўлганидан жуда хурсанд эди. У энди озод ва бу ерга қачон хоҳласа, шунда келавериши мумкин. Майда-чуйдаларини йиғиштириш, балки ҳатто ҳеч нарса олмай ҳам келавериши мумкин. Балки, Фрэнк унга бирор маслаҳат берар.

Бу орада Каупервуд уларни ўша машъум уйда тутиб олишгандан бери Эйлин билан учрашишга ҳаракат қилмаётган, бироқ ундан хат кутаётганди. Мактуб ҳам узоқ куттирмади. Бу одатдагидек умид, севги ва ғурурга тўла узун нома бўлиб, қиз оиласида бўлаётган ҳамма гапларни айтиб бериб, уйдан кетиш ҳақидаги режасини ҳам ёзганди. Қизнинг режаси Каупервудни хавотирга солиб қўйди.

## Теодор Драйзер

Эйлиннинг уйда, оиласи куршовида бўлиши бир, бироқ ёлғиз бўлиши бошқа нарса эди. Йигит уни қабул қилишга тайёр бўлмасдан туриб қизнинг уйдан кетиши мумкинлиги ҳеч қачон Фрэнкнинг хаёлига келмаганди. Агар у ҳозир шундай қиладиган бўлса, бунинг оқибати жуда нохуш бўлиши мумкин. Айти вақтда Каупервуд қизни жуда яхши кўрар, эҳтирос билан севар ва унинг бахти учун ҳамма нарсага тайёр эди. Агар қамокқа тиқишмаса, қизга ғамхўрлик қилишга ҳатто ҳозир ҳам қодир эди. Аслида қамокда туриб ҳам қизнинг ҳеч нарсага муҳтож бўлмаслиги учун ғамхўрлик қила олиши мумкин. Бироқ нима бўлганда ҳам, Эйлинни унинг тақдири ҳал қилингунча уйда бўлиб туришга кўндира олса, яхши бўларди.

У айти пайтда нима бўлганда ҳам, ҳамма қийинчиликлардан эсон-омон чиқиб кетиши ва яна бой одамга айланишига ишончи қомил эди. Ана шунда у хотини билан ажраша олади ва Эйлинга уйланади. Агар бундан бир иш чиқмайдиган бўлса, Эйлин билан бирор ерга кетади, шунинг учун, балки, қизнинг ҳозир уйдан чиқиб кетиши яхши бўлаётгандир ҳам. Бироқ бошқа томондан, унинг ишлари ҳозир шунчалик чалкашки, бунинг устига, Батлер қизини қидиришни бошлайдиган бўлса, буларнинг бари ёмон оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Қария очикчасига уни қизини ўғирлашда айблаши мумкин. Шунинг учун Каупервуд аввал қизни уйда қолишга, учрашувларни ва унга хат ёзишни вақтинча тўхтатиб туришга, нафақат шунга, балки чет элга кетишга кўндиришга ҳаракат қилмоқчи бўлди.

Каупервуд мана шу ўйлар билан, жуда хавфли деб ҳисоблаётган бўлса-да, қиз хатида белгилаган учрашув жойига қараб кетди.

– У ерда ўзингни яхши ҳис қиласанми? – Эйлиннинг Келлигенлар уйи ҳақидаги гапларини эшитиб сўради у кўришишганида. – Назаримда, улар жуда ночор одамларга ўхшаяпти-ку?

– Ҳа, бироқ мен уларни жуда яхши кўраман, – жавоб берди Эйлин.

– Ва сен уларнинг индамай юришларига ишонасанми?

– Ҳа, ҳа! Ишонаман, бутунлай ишонаман!

– Майли, ўзинг яхшироқ биласан, – хулоса қилди йигит. – Сени мажбур қилмоқчи эмасман, бироқ сенинг ўрнингда бўлганимда, отангга қулоқ солиб, чет элга кетишингни маъқул кўрган бўлардим. Отангнинг ҳам кўнгли тинчирди, мен эса бу ерда сени кутардим. Вақти-вақти билан хат ёзишиб турсак ҳам бўларди.

Бу гапларни эшитиб, Эйлиннинг қовоғидан қор ёғди. У йигитни шунчалик эҳтирос билан севардики, айрилиқ ҳақидаги фикр унинг учун юрагига пичоқ санчиш билан барабар эди. Унинг Фрэнки бу ерда фалокатга учраб ўтирибди, балки суд бўлар, у эса кетиб қолармиш! Ҳеч ҳам-да! Нахотки Фрэнк қизни у севганчалик кучли севмаса? Қандай қилиб у Эйлинга шуни таклиф қиляпти? Ўзи умуман севадими?

Қиз ҳозир ўзига шундай саволларни берарди. Эйлин айнан уларни янада яқинлаштирадиган қадамни қўймоқчи бўлаётганда, у қизни ташлаб кетмоқчи эмасми?

Қизнинг кўз олди қоронғилашиб кетди, у жуда ранжиганди.

– Қандай қилиб шу гапларни гапиряпсан?! – хитоб қилди у. – Мен ҳозир Филадельфиядан кетмаслигимни ўзинг жуда яхши биласан. Ёки шундай қийин пайтда ёлғиз ташлаб кетади деб ўйлаяпсанми?

Каупервуд қизнинг ранжиганини тушунди. У етарли даражада зийрак бўлиб, қизни ҳам эҳтирос билан севарди. “Худойим, нима бўлса бўлар, фақат у азоб чекмасин!” ўйлади у.

– Азизам, – шоша-пиша деди у қизнинг ғам чўккан кўзларини кўриб, – мени тушунмадинг. Мен ҳам сен нимани хоҳласанг ўшани хоҳлайман. Буларнинг ҳаммасини иккимиз ажрашмаслик учун ўйлаб топгансан – сен



## Теодор Драйзер

айтгандек бўла қолсин. Гапларимни унут! Уйдан кетишинг иккаламиз учун ҳам ёмон бўлади деб ўйлагандим, бундай эмас деб умид қиламиз. Отанг сени қанчалик яхши кўришини биласан ва унинг фикрини ўзгартира олишингга умид қиляпсан, тўғрими? Жуда яхши, Келлигенларникига кўчиб ўта қол! Бироқ, азизам, ёдингда тут: иккимиз ҳам жуда эҳтиёт бўлишимиз керак. Иш жиддийлашиб кетяпти. Агар уйингдан кетсанг ва отанг мени ҳамманинг олдида сени ўғирлашда айблайдиган бўлса, иккаламиз учун ҳам ёмон бўлади. Мени суд қилишлари учун битта шу айбловнинг ўзи етарли. Хўш кейин нима қиламиз? Ҳозирча камроқ учрашиб туришимиз керак. Чидай олганимиз даражасида камроқ. Агар отанг ўша хатни олган пайтида ақлимиз етиб, маълум вақт учрашмай турганимизда, ҳозир ҳаммаси бошқача тус олган бўларди. Ҳозир энди, албатта, ҳеч нарса қилиб бўлмайди, бироқ икки баравар эҳтиёт бўлишимиз керак. Гапимга қўшиласанми? Хуллас, ҳаммасини яна бир бошдан ўйлаб кўр ва нимани тўғри деб билсанг, ўшани қил. Бир қарорга келганинда менга айтарсан. Ва нима қилсанг ҳам, қарорингни маъқуллайман, тушундингми? – йигит қизни ўзига тортиб, ўпиб қўйди, кейин ёдига тушиб сўради. – Бироқ пулинг йўқ-ку, а?

Йигитнинг гапларидан тўлқинланиб кетган Эйлин бир дақиқа ўйланиб қолди, бироқ шу заҳотиёқ ўйлаган йўли тўғри эканига қарор қилди. Отаси уни жуда яхши кўради. Ҳеч қанақасига бировларнинг олдида қизининг сирини очмайди, унинг кетишидан очикчасига Каупервуднинг изига тушиш учун фойдаланмайди. Тўғрироғи, у қизининг уйга қайтишини сўрайди.

Эйлиннинг бу далиллари олдида Каупервуд ён босишга мажбур бўлди. Баҳслашишнинг нима фойдаси бор? Дунёда ҳеч ким қиз болани ўз севгилисини ташлаб кетишга мажбур қила олмайди.

Эйлин билан танишганидан бери биринчи марта Каупервуд чўнтагидан бир боғлам қоғоз пул олди.

– Мана бу, азизам, икки юз доллар, – деди у. – Бу бизнинг кейинги учрашувимизгача етади ёки менга яна ёзиб юборасан. Ҳеч нарсага зорикмаслигинг учун ҳаракат қиламан. Ва мени севмайди деб ўйлай кўрма! Бу бўлмаган гап эканини ўзинг яхши биласан. Сени жуда ҳам севаман!

Эйлин пулни олишни хоҳламади – унга ҳеч нарса керак эмас, бундан ташқари, уйда бироз тўплаганлари ҳам бор, бироқ йигит пул унга қанчалик керак бўлишини билгани учун қизни эшитишни ҳам истамасди.

– Етар бу ҳақда гапирма, жоним, – деди у. – Сенга пул керак бўлишини жуда яхши тушуниб турибман.

Эйлин ота-онасидан йирик пуллар олишга шунчалик ўрганган эдики, бу нарса унинг учун аҳамият касб этмасди. Фрэнк уни севади, уларнинг ораларида қандай ҳисоб-китоб бўлиши мумкин? Қиз бироз тинчланиб олгандан сўнг улар хат олди-бердиси масаласини ҳал қилишга ўтишди ва, энг яхшиси, бу иш учун ишонса бўладиган бирорта одам топишга қарор қилишди.

Хайрлашаётганда йигитнинг етарлича севишидан шубҳаланиб қолган қиз кўнгли яна жойига тушди. “Йўк, Фрэнк мени севади”, – ўйлади қиз ва юзида бахтли жилмайиш билан жўнаб кетди. Унинг суяниши мумкин бўлган Фрэнки бор ва у энди отасини ўқитиб қўяди!

Каупервуд қизни кузата туриб, бош чайқаб қўйди. Ҳозир Эйлин унинг учун ортикча муаммо эди, бироқ ундан воз ҳам кеча олмасди. Қизнинг севгиси туфайли юзага келган хомхаёллардан кечиб, ўзи уни шунчалик севиб турган тақдирда уни бахтсиз қиладими? Йўк! Нега бундай қилиши керак? Ахир ҳали ҳамма нарса яна яхши томонга ўзгариб кетиши мумкин. Агар Батлер яна изкуварларга мурожаат қиладиган бўлса, у ҳолда қиз унинг олдига келмагани маълум бўлади. Агар ўзини ўлим хавфидан қутқариш учун соғлом фикр ва совуққон ақлдан фойдаланишига тўғри келса, у махфий равишда Эйлиннинг қаердалигини Батлерларга айтиб беради.

## Теодор Драйзер

Бу кизнинг уйдан қочиб кетишига Фрэнкнинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдиради, уларга эса қизни уйга қайтишга кўндириш имконини беради. Балки, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетар, ким билади! Нима бўлганда ҳам, у қаршиликлар пайдо бўлиши билан қарши курашаверади.

Каупервуд шу заҳоти идорасига қараб кетди, Эйлин эса ўз режасини амалга ошириш мақсадида уйига жўнади. Отаси унга ўйлаб кўриш учун вақт берганди; балки, бу вақтни чўзар ҳам, бироқ Эйлин кутиб ўтирмайди. Қиз истаги доим бажо келтирилишига ўрганиб қолган, шу боис ҳозир ўз хоҳишига қарши бормаслик учун сабаб кўрмаётганди. Яқинда соат беш бўлади. У бутун оила аъзолари овқатлангани ўтиришини кутиб туриб, секингина уйдан чиқиб кетади.

Бироқ кутилмаган бир ҳодиса киз ўйлаган режасини амалга оширишига йўл қўймади. Уйда меҳмонлар бор – жаноб Стейнметс хотини билан келган экан. Стейнметс машҳур инженер бўлиб, Батлер билан ҳамкорликда ишлар, кўп пудрат ишлари учун лойиҳалар қиларди.

Бу пайт Шукрона байрами арафаси бўлиб, Стейнметслар Эйлин билан Норани уларнинг Уэст-Честердаги янги уйларига бир-икки ҳафта меҳмон бўлиб келишга кўндиришга уринишди. Бу уйнинг чиройли ва файзли экани тўғрисида кўп эшитишганди. Бу одамлар жуда ёқимли бўлиб, нисбатан ёш ва уйларида доим дўстлари йиғилиб туришарди. Эйлин қочиш борасида шошмай туриш ва таклифни қабул қилишга қарор қилди. Отаси у билан жуда самимий гаплашаётганди. Стейнметсларнинг келишгани ва уларнинг таклифлари отасига ҳам, Эйлин учун ҳам анча енгиллик туғдирганди.

Уэст-Честер Филадельфиядан қирқ мил нарида бўлиб, Эйлиннинг у ердан туриб Каупервуд билан учраша олиши амри маҳол эди. У шу заҳотиёқ Фрэнкка режаси ўзгарганини ёзиб юбориб, жўнаб кетди. Йигит ҳам фалокат наридан ўтиб кетганини тушуниб, енгил торди.

**Б**у пайтда Каупервуднинг иши кўриладиган кун ҳам якинлашиб келаётганди. Фрэнк суднинг далиллар қандайлигидан қатъи назар, унга айблов қарорини чиқариш учун ҳамма нарса қилишига ишончи комил, бироқ юзага келган вазиятдан қандай чиқиб кетиш йўлини қила олмаётганди. Фақат ҳамма нарсани ташлаб, Филадельфиядан чиқиб кетиш мумкин, бироқ бу ҳақда ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Ўзи учун келажакни таъминлаш ва молия дунёсидаги бир қатор шахслар билан дўстона алоқани ушлаб қолишнинг ягона йўли тезроқ суд қаршисида туриб айбланган тақдирда ҳам, дўстлари вақти келганда унга ёрдам беришларига умид қилиш эди, холос.

У Стежер билан суд таркибидагиларнинг унга нисбатан ён босишлари мумкинлиги тўғрисида кўп гаплашган, бироқ адвокат унинг гапига қўшилмаганди. Биринчидан, суд маслаҳатчиларини сотиб олиш осон эмас; иккинчидан, сиёсий қарашлари турлича эканига қарамай, кўпчилик судьялар виждонли ва партия раҳнамоларининг буйруғидан четга чиқишмайди, бу эса унча кўркинчли эмас. Ушбу жараёнда раислик қилиши керак бўлган судья Уилбер Пейдерсон – квартал сессиянинг қатнашчиси, Республикачилар партияси ҳомийлигида мансабига ўтирган, шундан келиб чиқиб Молленхауэр, Симпсон ва Батлерлардан бир умр қарздор бўлиб, бошқа томондан эса Стежернинг айтишича, виждонан ишлайдиган одам экан.

– Бу жаноблар нега сизни шунчалик жазолашни хоҳлашаётганини тушунмаяпман. Бутун штатга ибрат

## Теодор Драйзер

бўлиши учунми? Ахир сайловлар ўтиб кетди-ку, – дерди Стежер. – Айтишларича, агар Стинер қамаладиган бўлса, уни чиқариб олиш учун хозирдан ҳаракат қилишаётган экан. У, албатта, суддан қутула олмайди. Унга бир ёки икки йил, жуда бўлмаганда уч йил беришади, кейин эса муддатнинг ярмини ҳам ўташига улгурмай озод қилишади. Энг ёмон ҳолатда сизга ҳам шундай бўлади. Уни чиқариб, сизни қамокда қолдира олишмайди. Бироқ бунгача етиб бормайди, гапимга ишонинг. Биз биринчи инстанциядаёқ ютамиз, акс ҳолда, шикоят аризамиз штатнинг олий судида кўриб чиқилади. У ердаги судьялар бешталиги бу аҳмоқона фикрни асло қўллаб-қувватламайди.

Стежер айтаётган гапларига ўзи ишонар ва бу Каупервудни қувонтирарди. Ёш юрист шу пайтгача ишни жуда аъло даражада олиб бораётганди. Бироқ Батлер унинг изидан тушган деган фикр Каупервудга тинчлик бермасди. Бу ҳол ишни мураккаблаштираётган, Стежернинг эса бундан хабари ҳам йўқ эди. Адвокатининг некбин гапларини эшитаркан, Каупервуд Батлерни ёдидан чиқармади.

Бу ишнинг судда кўрилиши аҳолиси олти минг одамдан иборат бўлган бутун шаҳарни ҳаяжонга солди. Каупервудлар оиладаги аёллардан ҳеч ким судда иштирок этмайди деган қарорга келишганди. Газетачиларга лаққагина ўлжа бериб қўймаслик ниятида Фрэнк шунга қарор қилганди. Судга отаси боради – у гувоҳ сифатида керак бўлиб қолиши мумкин. Шунинг орасида Эйлиндан ҳам хат келди. У Уэст-Честердан келганини айтиб, Фрэнкка омад тиларди. Фрэнкнинг иши натижасидан беҳад хавотирдалиги учун у узокда қола олмай, Филадельфияга қайтиб келганини ёзарди. Фрэнк хоҳламагани учун у судда қатнаша олмас экан, унинг тақдири ҳал бўлаётган пайтда иложи борича яқинроқда бўлишга қарор қилибди. Агар уни оклашса, табриклаш учун, агар қамашса овутиш учун югуриб келишни хоҳлаётганмиш. У шунчалик

тез қайтиб келиши отаси билан ораларидаги низони чуқурлаштиришини яхши биларди, бироқ бошқачасига ҳеч нарса қила олмасди.

Лилиан хоним эса жуда қийин аҳволда бўлиб, аросатда қолганди. У гарчи Фрэнк буни хоҳламаса-да, эрини севувчи нафосатли аёл ролини ўйнашига тўғри келаётганди. Каупервуд ич-ичидан хотини унинг Эйлин билан алоқасидан хабар топганини сезиб турар ва очиқчасига гаплашиб олиш учун қулай пайтни кутаётганди.

Ўша машъум кун эрини эшиккача кузатиб қўйган Лилиан уни охирги йиллардагидек босиқлик билан қучоклаб қўйди, бироқ эри ҳозир қанчалик оғир синов арафасида эканини тушуниб турса-да, уни ўпиб қўйишга ўзини мажбурлай олмади. Фрэнкнинг ҳам хотинини ўпишга асло хоҳиши йўқ, бироқ буни намоёйиш қилиб ўтирмади. Кейин эса Лилиан бир амаллаб лабини унинг юзига босди ва деди:

– Ҳаммаси яхшилик билан тугайди деб умид қиламан!

– Лилиан, чиндан ҳам хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ, ҳаммаси зўр бўлади! – тетиклик билан деди Фрэнк.

У зинадан югуриб тушиб, илгари унга тегишли бўлган кўнка линияси ўтган Жирард авеню томонга қараб юрди ва вагонга сакраб чиқди. У Эйлин ҳақида, унинг ўзига қанчалик раҳми келаётгани, оилавий ҳаёти қанчалик кулгили бўлиб кетгани ҳақида, суд маслаҳатчилари соғлом фикрлайдиган одамлармикин деб ва яна бошқа нарсалар ҳақида ўйлаб кетаётганди. Агар иложи бўлмаса, агар... Ҳа, олдинда оғир кун турарди.

Учинчи кўчанинг бурчагида у вагондан тушиб, шошилганча ўз идорасига кириб кетди. Стежер уни аллақачон кутиб ўтирганди.

– Демак, Ҳарпер, ҳал қилувчи пайт етиб келди! – жанговар оҳангда деди Каупервуд.

Каупервуднинг иши кўрилиши керак бўлган тўртинчи сессия биринчи бўлимнинг суди машҳур Мустақиллик

## Теодор Драйзер

саройида (Олтинчи ва Честнат кўчаларининг бурчаги, юз йил бурун ҳам Филадельфиянинг суд ишлари ва маъмурий ҳаёти қайнаган жой) жойлашганди. Бу унча баланд бўлмаган, кизил ғиштдан қурилган икки қаватли бино бўлиб, марказий қисмида ё инглиз ёки голланд услубидаги оқ ёғоч минора бор бўлиб, унинг пойдевори квадрат, ўртаси доира ва тепа қисми саккизбурчак шаклида эди. Бинонинг ўзи марказий корпус ва ён томондаги “Т” ҳарфини ташкил қилган иккита қанотдан ташкил топганди. Тепа томонида ярим айлана шаклидаги майда ойналар ўрнатилган дераза ва эшиклари “колониал архитектура” услубида ишланган эди. Бу бинода ва ёнига қурилган “Давлат қаторлари” деган ном билан машҳур бўлиб, кейинчалик бузиб ташланган, бироқ ўша пайтда асосий корпуснинг орқа деворидан Уолнат стритгача чўзилган қўшимча биноларда шаҳар мэрининг канцелярияси, полиция бошлиғи, шаҳар газначиси, шаҳар кенгашининг заллари ва бошқа муҳим маъмурий идоралар ҳамда охириги пайтларда Филадельфияда кўпайиб кетган жиноят ишларини кўриб чиқадиган квартал сессия судининг тўртта бўлими жойлашганди.

Брод стрит ва Маркет стрит бурчагида қад кўтарган шаҳар бошқармасининг биноси у пайтда ҳали қурилмаганди.

Унча кенг бўлмаган суд залларига тантанали кўриниш бериш учун тим қора ёнғоқ дарахтидан супачалар қилинган бўлиб, у ерда ҳам ёнғоқ ёғочидан ишланган судьялар столлари турар, бироқ бу нарса унча ҳам муваффақиятли чиқмаганди. Столлар ҳам, суд маслаҳатчилари учун жойлар, тўсиқлар ҳам жуда катта бўлиб, хонанинг ўлчамига мос келмасди. Тўқ рангдаги ёнғоқ дарахтидан ишланган мебелларга мос қилиб негадир девор учун қаймоқранг танланган, бироқ вақт ўтиши билан улар чанг бўлиб, жуда мунгли тусга кирганди. Залларда агар стол устидаги газчиروқлар ва ўртада осиглиқ қандилни ҳисобга

олмаса на бирор расм, на бирор безак бор эди. Хаёллари фақат ўзларининг “ёғли” жойларини сақлаб қолишдагина бўлган суд нозирлари ва ижрочиларининг семиз гавдалари ҳам бу бечораҳол бинони безатмас эди.

Ҳозир Каупервуднинг иши кўрилиши керак бўлган залдаги иккита нозир судья кўлини узатадиган бўлса, унга сув узатиш учун бир-биридан олдин югуришарди. Улардан хомсемиз мажордомга ўхшаган биттаси “жаноби олийлари” кийиниш хонасига бориб келадиган бўлса, уни кузатиб юрарди. Унинг вазифаси судья залга кириб келаётганда “Суд келяпти – бош кийимлар ечилсин! Ҳамма ўрнидан турсин!” деб баланд овозда эълон қилиш эди. Судья ўтиргандан сўнг иккинчи нозир унинг чап томонида, суд маслаҳатчилари билан гувоҳлар ўриндиклари ўртасида туриб “Кулоқ солинглар! Кулоқ солинглар!” дея бошланиб, “Шикоят қилиш учун етарли асоси борлар яқин келишсин, уларнинг гаплари тингланади!” деган гаплар билан тугайдиган мажбуриятлар декларациясини тезлик билан айтиб ўтарди. Бирок бу ерда бу сўзлар худди ўз маъносини йўқотгандек туюларди. Одатланиб қолиш ва бепарволик уларни қандайдир тушуниб бўлмайдиган тез айтишга айлантириб қўйганди. Учинчи нозир эса муҳокама ўтадиган хонанинг эшиги олдида қоровул бўлиб турарди.

Нозирлардан ташқари залда яна стенограф ва нимжон, кичкинагина, юзлари сув қўшилган сутдек қонсиз, сочлари сийрак, соқоли чўчка ёғининг рангига ўхшаш, бир сўз билан айтганда, америкалаштирилиб, путури кетган Хитой мандаринига ўхшаш суд котиби ҳам бор эди.

Иш ҳали тергов инстанциясида бўлганда маслаҳатчилар Каупервудни судга бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилишган пайтдаёқ раислик қилган судья Уилбер Пейдерсон худди сельд балиги каби ориқ, ўзига хос кизик одам эди. У энг аввало ўта ориқлиги ва қонсизлиги билан кишининг диққатини ўзига тортарди. Суд иши техникаси



## Теодор Драйзер

ва конунларни жуда яхши билар, бироқ донишманд судьялар биладиган нарсалар, яъни ҳақиқий ҳаёт ҳақида, ҳамма ёзилган конунларга зид бўлган, баъзан эса уларнинг бутунлай адолатсиз эканлигини исботлайдиган ва судьядан адолатли бўлишни сўрайдиган шароитлар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эди.

Бу одам умуман ўйлашга қодир эмаслигига амин бўлиш учун бу ориқдан келган ўта расмиятчига, унинг оқарган жингалак сочларига, балиқники каби ҳаворанг-кулранг кўзларига, ҳеч қандай ифодасиз юзига бир марта карашнинг ўзи етарди. Тўғри, у сизга ишонмаган ва... сизни судга нисбатан ҳурматсизликда айблаб, жарима солган бўларди! У ҳар бир майда-чуйда муваффақиятдан фойдаланиб, ҳар бир кулай шароитдан фойда чиқара олиб, ўз партиясининг овозига кулдек кулоқ тутиб ва қудратли пойтахтга итоат этган ҳолда ҳозирги лавозимига эришганди. Аслида, бу унча катта ютуқ ҳам эмасди! У йилига бор-йўғи олти минг доллар маош олар, унинг камтарона машҳурлиги эса маҳаллий адвокатлар ва суд ижрочилари доирасидан ташқарига чиқмасди. Бироқ шундай бўлса ҳам, деярли ҳар куни жаноб Пейдерсон ишни кўриб чиққан судда мана бундай қарор чиқарилди деб хабар берган газеталарда ўз номини кўриб, катта қониқиш ҳис қиларди. Унинг назарида, бу хабарлар уни машҳур одамга айлантирарди. “Қаранглар, мен ҳаммага ўхшаган эмасман!” – ўзича ўйларди у кўпинча ва севиhib кетарди. Кун тартибида бирон-бир жиддий иш кўриб қолинганда, у судланувчилар билан омма ўртасида туриб ўзини чиндан ҳам жуда муҳим шахсдек ҳис қиларди. Тўғри, вақти-вақти билан кундалик ҳолатларнинг бири-бирига гайриоддий уланиб кетишига унинг ақли жуда ҳам етавермасди; бироқ нима бўлганда ҳам, у ҳар қандай ҳолатда конунни унутмасди.

Бундай воқеаларни ақлли одамлар қандай ҳал қилишганини билиш учун эски жараёнлар солинган папка

кавланса, кифоя. Бундан ташқари, ҳамма адвокатлар буюк уддабуронлардир. Улар судьянинг фикри ва қарашлари тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмай, унинг бурни тагига суд қарорларини тикиштиради.

– Судья жаноблари, Массачусетс штати суд қарорларининг ўттиз иккинчи томи, мана шу бети, ана шу қаторида Эранделнинг Бэннерманга қарши иши... – ва ҳоказо ва ҳоказолар. Бундай гапларни судларда қанча маргалаб эшитиш мумкин. Кўпинча бу ҳолатларда узок ўйлаб ўтиришга ортиқ тўғри келмайди ҳам. Қонуннинг муқаддаслиги кўкларга кўтарилади!

Стежер тўғри қайд этганидек, Пейдерсонни адолатсиз судья деб ҳам бўлмасди. Бироқ маълум бир партия томонидан сайланган (айни пайтда Республикачилар партияси томонидан) ҳар қандай судья каби у бошидан оёғигача партияга содиқ эди ва шу сабаб ҳам қатъий турарди.

Ўзининг ҳамма нарсаси учун партия раҳнамоларидан қарз бўлган Пейдерсон, Республикачилар партиясининг қизиқишларига ва хўжайинларининг фойдасига хизмат қилиш учун иложи борица ҳамма нарсага тайёр эди. Кўп одамлар виждон деб аталмиш механизмга чуқурроқ қараш учун ўзларини қийнаб ўтирмайдилар. Агар шунга жазм қиладиган бўлишса, одатда этика ва ахлоқнинг чалкашиб кетган толалари чигалини ечиш учун уларнинг ақллари етмайди. Улар давр руҳи ёки мулкдорлар айтаётган нарсаларга ишонадилар. Шу сабаб кимдир: “Руҳан концернларга содиқ бўлган судья”, – деган экан. Ва бундай судьялар тикилиб ётибди.

Пейдерсон ҳам шундайлар сирасига кирарди. У бойлик ва кучни эъзозларди. Унинг назарида жаноб Батлер, Молленхауэр ва Симпсонлар буюк одам эди, ким кучли бўлса, ўша одам ҳақ! У Каупервуд ва Стинер иштирок этган камомад ҳақида аллақачон эшитган ва ўзининг кўплаб сиёсий арбоблар билан танишлиги сабаб

## Теодор Драйзер

бу иш ҳақида умумий бир тасаввур ҳосил қилганди. Республикачилар партияси раҳнамоларининг фикрича, партия Каупервуднинг найранглари сабаб жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Унинг шарофати билан Стинер тўғри йўлдан шаҳар ғазначисига мумкин бўлгандан кўра анча узоқроққа кетиб қолган. Аслида, у ишнинг бош ташаббускори бўлса-да, бутун жавобгарлик ғазначини ана шу ҳалокатли йўлга бошлаган Каупервудга тушади. Бундан ташқари, Республикачилар партияси учун ҳамма нарсага балогардон одам керак эди ва Пейдерсонга шу гапнинг ўзи етарли эди.

Тўғри, ҳозир сайловлар ўтиб, партияга ҳеч қандай зарар етмагани маълум бўлгандан сўнг Пейдерсон нега Каупервудни шунчалик айблашмоқчи бўлаётганини унча тушунмаётган, бироқ партия раҳнамоларининг етарли асослари бор экан-да деб, бу масала устида бошини жуда ҳам қотирмаётганди. У ҳар хил манбалардан Батлернинг Каупервудга нисбатан шахсий ғарази борлиги ҳақида эшитганди. Гап нимада эканини ҳеч ким билмасди. Ҳамманинг фикрича, Каупервуд уни қандайдир найрангли ишга тортганмиш...

Нима бўлганда ҳам, Пейдерсон Республикачилар партиясининг манфаатлари ва унинг аъзоларини кўрқитиб қўйиш учун шу ишни қилиш кераклигини тушуниб турарди. Жамиятга яна ҳам кучлироқ ахлокий таъсири бўлиши учун Каупервуд Стинердан камроқ жазоланиши керак эмасди. Стинер эса ҳамма Республикачилар партияси ва суд қандай адолатли эканини билиб қўйиши учун бундай турдаги жинояти эвазига энг оғир жазога тортилиши керак эди. Кейинчалик эса губернатор хоҳлаб қолса ва партия раҳнамолари буни шипшитиб қўйишса, жазони юмшатиши мумкин.

Кенг омманинг назарида квартал сессия судьялари монастир пансионини тарбияланувчиларига ўхшарди, яъни дунёвий ишлардан ташқарида яшашар ва шаҳарнинг

## Сармоядор

сиёсий ҳаётида нималар бўлаётганини кўрмас, билмасди. Аслида эса улар ҳамма нарсадан хабардор, асосан ўз ўринлари ва ҳукмронликлари учун кимдан қарздор эканликларини яхши билишар ҳамда миннатдор бўлиш ҳам қўлларидан келарди.

**Х**ар доимгидек қоматини тик тутиб, Каупервуд (ишбилармон ва йирик сармойдор) отаси ва адвокати ҳамроҳлигида суд залига дадил кириб келганида, ҳамманинг нигоҳи унга қадалди. Залда йиғилганларнинг кўпчилиги: “Йўқ, бўлиши мумкин эмас, бундай одамни жиноятда айблаш мумкин эмас!” деб ўйлади. У, албатта, айбдор, бироқ қонунни четлаб ўтиш учун у иложини топа олиши ва маблағи борлиги ҳам шубҳасиз. Унинг адвокати Ҳарпер Стежер ҳам ҳаммага ақлли ва ишнинг кўзини биладигандек кўринаётганди.

Кун совуқ эди, уларнинг икковлари охири урфдаги узун ҳаворанг-кулранг пальто кийиб олишганди. Каупервуднинг ҳаво очиқ бўлганда петлицасига гул тақиб оладиган одати бор бўлиб, бугун эса ундан воз кечганди. Қалин матодан тикилган оч бинафшаранг бўйинбоғига ялтираб турган йирик зумрад кўзли тўғнағич тақилганди. Соатининг ингичка олтин занжирини ҳисобга олмаса, устида бошқа безаги йўқ эди. У ҳар доим хушчақчақ, бироқ ўзини тута биладиган, хушмуомала ва айни пайтда ўзига ишонган ва ишбилармон одамдек таассурот қолдирарди, бугун эса унинг бу фазилатлари, айниқса, ёрқинроқ кўзга ташланаётганди.

Каупервуд суддаги ўзини жуда қизиқтираётган ўзига хос шароитни бир қарашда дарров тушуниб олди. Унинг олдида ҳали ҳеч ким банд қилмаган суд трибунаси турар, трибунанинг ўнг томонида ҳали бўш бўлган суд маслаҳатчиларининг ўринлари, уларнинг орасида

эса судья креслосининг чап томонида, у hozир туриб кўрсатмалар бериши керак бўлган гувоҳларнинг жойи бор эди. Бу жойнинг орқа томонида тўладан келган суд нозири – Жон Спаркхивер деган одам суд аъзоларининг чиқишини кутиб турар, гувоҳга титилиб кетган Инжилни бериб, қасамёддан сўнг “Бу ёкка ўтинг” дейиш унинг вазифасига кирарди. Залда бошқа нозирлар ҳам бор эди. Биттаси судьялар столининг рўпарасидаги барьерга ўтаверишда, айбланувчи суд қарорини эшитадиган ва адвокатлар ҳамда судланаётганларнинг ўрни жойлашган жойда турар, бошқа нозир мунозаралар олиб бориладиган хонага олиб борувчи йўлакда ва ниҳоят, учинчи нозир одамлар киритиладиган эшикни кўриқларди.

Каупервуд гувоҳлар ўриндигида ўтирган Стинерни дарров пайқади. Ғазначи ўз ҳаёти учун шунчалик куйиб кетаётган эдики, ҳеч кимга ёмонлик истамаётганди. Аслида, у илгари ҳам бировга ёмонликни раво кўрмасди, hozир эса биров ҳавас қилмайдиган шароитга тушиб қолгач, Каупервуднинг маслаҳатига кирмагани учун жуда пушаймонда эди. Тўғри, ичида хали ҳам агар унга айблов эълон қилинадиган бўлса, Молленхауэр ва бошқа сиёсий арбоблар, албатта, губернаторнинг олдига чиқишади деган умид милтиллаб турарди. Стинернинг ранги кетиб, жуда озиб кетган, гуллаб-яшнаб юрган давридаги тўлалигидан асар ҳам қолмаганди. Унинг эгнида янги кулранг костюм ва жигарранг бўйинбоғ бўлиб, соқоли яхшилаб қириб олинганди. Каупервуднинг ўзига тикилиб турганини сезиб, у титраб кетди ва кўзини пастга олди, кейин эса ўзи билмаган ҳолда қулогини ишқалай бошлади. Каупервуд унга имо қилиб қўйди.

– Биласизми, Жоржга ачиниб кетяпман, – деди Фрэнк Стежерга. – Бу одам тоза аҳмоқ экан! Бироқ мен унинг учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим.

Каупервуд зимдан Стинер хонимга – юзлари сарик, даҳани учли, паст бўйли аёлга қаради. Аёл эгнига жуда

## Теодор Драйзер

хунук тикилган кўйлак кийиб олганди. “Стинер худди ўзига мос хотин топган экан”, – ўйлади Каупервуд. Жуда ҳам омадли бўлмаган ва, бунинг устига, норасо одамлар ўртасидаги никоҳлар уни доим ажаблантиролмаган бўлса-да, қизиқтириб келган. Стинер хоним ҳам, албатта, Каупервудни ёқтирмасди, чунки уни эрини адо қилган виждонсиз одам деб санарди. Энди улар яна қашшоқлашиб, ўзларининг катта уйларидан анча арзон бўлган квартирага кўчиш тараддудида эдилар ва аёл бор кучи билан ушбу қайғули ўйларни ўзидан нари итармоқчи бўларди.

Бир неча дақиқадан сўнг паст бўйли, семиз, одамдан ҳам кўра буқоғи бор каптарга ўхшаб кетадиган суд нозири ҳамроҳлигида судья Пейдерсон пайдо бўлди. Улар кириб келишлари билан нозир Спаркхивер ҳозиргина ўзи бошини кўйиб ётган суд столига уриб: “Ўрнингиздан туринг!” деб минғирлади. Дунёдаги ҳамма судларда бўлгани каби ҳамма ўрнидан турди. Судья олдидаги стол устида ётган бир қанча қоғозларни титкилай бошлади.

– Жаноб Протус, қайси иш биринчи эшитилади? – қисқа қилиб суд котибидан сўради у.

Ишни эшитишга тайёрланаётиб, адвокатларнинг майда-чуйда ишлари ҳал қилинаркан, Каупервуд суд деб аталувчи бу манзарани катта қизиқиш билан кузатишда давом этарди. Бу ердан ғолиб бўлиб чиқиб кетишни у шунчалар хоҳлаётган, уни шу деворлар ичига етаклаб келган бахтсиз тасодифлардан каттиқ аламзада эди. Буни очик кўрсатмаётган бўлса-да, судлардаги ҳар қандай жасур бошланишни қийинлаштирадиган бу лўттибозликлар, ғаламисликлардан доим қони қайнаб кетарди. Агар ундан қонун нима деб сўраладиган бўлса, Каупервуд қатъий қилиб: “Бу одамларнинг ғалати қилиқлари ва хатоларидан пайдо бўладиган тумандир; у ҳаёт денгизини қоплаб олади ва одамлардаги омонатгина тижорий ва оммавий жасорат кемаларининг эркин сузишига тўсқинлик қилади. Унинг ногўғри талқинлари заҳри ҳаётини дардларни авж олди-

ради, унинг тасодифий курбонлари зўравонлик ва тасодиф дея аталувчи тегирмон тошлари орасида эзгиланади. Қонун ғалати, ваҳимали, кишини ўзига тортадиган ва айна пайтда маъносиз кураш бўлиб, унда иродаси заиф, жоҳил ва тажрибасиз, шу билан бирга, айёр ва дарғазаб одамлар бошқалар – ҳуқуқшунослар қўлидаги пиёда, коптокка айланиб қолади. Ҳуқуқшунослар эса уларни кайфияти, бепарқлиги, хоҳишлари ва эҳтиёжларига кўра моҳирлик билан ўйнатади”, – деган бўларди. Бу манфурона тарзда давом этувчи ва руҳни бузувчи манзара бўлиб, ҳаёт ҳамда одамларнинг заифликлари, фирибгарлик, найранг, чоҳ ва тузук ҳақидаги оғрикли шарҳдир.

Энг яхши кунларида ўзида ҳам шундай бўлганидек, кучли одамларнинг қўлида қонун – қилич ва қалқон, анқов учун қопқон, қуваётган одам учун эса бўри уяси эканлигини Каупервуд яхши биларди. Қонунни исталган томонга буриш мумкин – бу ман қилинган нарса учун туйнук, ўзининг кўриш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлган одамнинг кўзига сочиш мумкин бўлган тупроқ, ҳақиқат ва унинг ҳаётга татбиқи, адолат ва ҳукм ўртасига, жиноят ва жазо орасига ўз-ўзидан тушадиган парда. Қонуншунослар – кўп ҳолларда одамлар сотиб оладиган ва сотадиган саводли малайлардир. Уларнинг қандай қилиб этика, ҳиссиётлар ҳақида баландпарвоз гапиришларини эшитиш, қандай қилиб бажонидил ёлғон гапиришлари, ўғрилиқ қилишлари, арзимаган баҳона билан ва истаган мақсадда фактларни бузиб гапиришларини кузатиш Каупервудни ҳар доим беҳад қизиқтирарди. Йирик қонуншунослар одатда Каупервуднинг ўзига ўхшаган энг буюк фирибгарлардир: улар ўргимчак каби айёрлик билан тўқиган тўрлари орасида жимгина ўтириб, одам кўринишидаги эҳтиётсиз чивинни кутишади. Ҳаёт – энг яхши бўлган ҳолда бешафқат, совуқ ва қаттиқ курашдир ва бу курашнинг қуролларидан бири – қонуннинг расмий томони. Бутун бу ғавголарнинг жирканчли вакиллари – қонуншунослардир.



## Теодор Драйзер

Каупервуднинг ўзи ҳам ҳамма кулфатдан ҳимояланиш учун истаган курулга ёпишгандек қонунга мурожаат қилганди; юристларни ҳам ўзини ҳимоя қилиш учун тўқмоқ ёки пичоқ танлагандек саралаганди. Каупервуд бу олам вакилларининг ҳеч бирини, ҳатто ўзига негадир ёкса-да, Ҳарпер Стежерни ҳам ҳурмат қилмасди. Уларнинг бари пичоқ, тўқмоқ, очқич каби фақат керак бўладиган куруллардир ва бундан ортиқ ҳеч нарса эмас. Улар ишни тугатганларидан сўнг ҳақларини бериб, эсдан чиқариб юборишади.

Судьяларга келсак, уларнинг кўпи бахтли тасодиф туфайли кўтарилиб қолган қобилятсиз ҳуқуқшунослар бўлиб, мабодо роллари алмашиб қолган тақдирда олдиларида қизиққонлик билан ваъзхонлик қиладиган ҳимоячиларга ютқизиб қўйишлари аниқ эди. Каупервуд судьяларни ҳурмат қилмасди, чунки уларни жуда яхши биларди. Улар орасида тез-тез тилёғламачилар, сиёсий мансабпарастлар, бировларнинг қўлларидаги гумашталар, молиявий магнатлар ва сиёсатдаги қорчалонларнинг оёғига йиқилувчи ҳамда керак бўлса, ўзларидан этик латта сифатида фойдаланишгача йўл қўювчи лаганбардорлар учрашини у жуда яхши биларди. Судьялар – бу беқарор дунёдаги кўпчилик каби тентак одамлардир. Ҳа, Каупервуднинг ўткир нигоҳлари қаршида турганларнинг кимлигини бир қарашда кўра олган, бироқ пинагини бузмай турарди. Каупервуд ягона қутулиш йўлини ўзининг гайриоддий ақлида кўраётган эди. Бу омонат дунё эзуликларга тўла эканига уни ҳеч ким ишонтира олмасди. У жуда кўп нарсани билар ва ўзининг нималарга қодирлигини яхши англади.

Ниҳоят майда-чуйда ишларни кўздан кечириб бўлган судья Филадельфия шахрининг Фрэнк А. Каупервудга нисбатан даъво ишини эълон қилишни буюрди ва қотиб жарангли овозда суд жараёни бошланганини эълон қилди. Округнинг янги прокурори Деннис Шеннон ва Ҳар-

пер Стежер шошилиб ўринларидан туришди. Стежер ва Каупервуд ҳамда Шеннон ва Стробик (Стробик Пенсильвания штати вакили сифатида даъвогар ўрнида эди) барьер ва суд трибунаси орасидаги ўралган жойнинг ичига ўтиришди. Стежер кўпроқ расмиятчилик юзасидан, судья Пейдерсондан ишни тўхтатишни таклиф қилди, бироқ унинг илтимоси рад қилинди.

Тезлик билан маслаҳатчилар кенгаши – шу ишни олиб бориш учун бир ойга чақирилган одамлардан ўн иккитасининг рўйхати тузилиб, томонлар кўриб чиқиши учун тақдим этилди. Бу инстанцияда рўйхат тузиш жуда оддий иш эди. У шундан иборат эдики, хитой мандаринига ўхшаган котиб алоҳида қоғозларга шу ойга маслаҳатчилар кенгашига юборилган ҳар бир номзоднинг (ҳаммаси бўлиб элликтача одам бор эди) фамилиясини ёзиб, бу қоғозчаларни айланаётган барабан ичига ташлар, бир неча марта айлантириб, қўлига тушган қоғозчани суғуриб оларди. Котибнинг қўли барабан ичига ўн икки марта кириб чиқди ва маслаҳатчилар кенгашининг ўн иккита аъзоси номини чиқарди. Бу одамлар фамилиялари эълон қилиниши билан ўз ўринларини эгаллашга таклиф қилинади.

Каупервуд бу жараёни жуда кизикиш билан кузатиб турарди. Ахир ҳозир уни суд қилишлари керак бўлган одамлардан кўра кўпроқ яна нима кизиктириши мумкин эди? Тўғри, буларнинг ҳаммаси тез юз бераётган ва бу одамларнинг ҳаммаси буржуазиянинг ўрта қатламига тегишли эканини сезишга улгурган бўлса-да, улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла олмади. Унинг кўзи олтмиш беш ёшлардаги, букчайган, соч-соқоллари оқариб кетган, қошлари пахмоқ, ранги кетган бир қарияга тушди. Бу одам Каупервудга табиатан кўнгилчан, ҳаётий тажрибага эга, агар шароит қўйиб берса, ишонарли далиллар билан ўз томонига оғдириб олиш мумкиндек туюлди. Бошқаси, афтидан, савдогар бўлса керак, паст бўйли, бурни нозик

## Теодор Драйзер

ва даҳани ўткир одамни Каупервуд негадир дарров ёк-тирмади.

– Бу одам маслаҳатчилар кенгашига кириши шарт эмасдир, – аста Стежердан сўради Каупервуд.

– Албатта йўқ, – жавоб берди Стежер. – Мен уни қабул қилмайман. Биз ҳам қораловчилар каби сабабини кўрсатмай, ўн бештагача номзодни рад қилиш ҳуқуқига эгамиз.

Маслаҳатчилар ўрни ниҳоят тўлганидан сўнг суд котиби ҳимоячи ва прокурорга устига ўн икки маслаҳатчининг фамилияси ёзилган қоғозлар қўйилган тахтачаларни узатди. Номзодларни биринчи бўлиб танлаш ҳуқуқи қораловчига берилгани сабабли Шеннон ўрнидан туриб тахтачани олди ва маслаҳатчилардан уларнинг касблари ёки қиладиган ишлари, судгача бу иш хусусида уларга нима маълум бўлгани ва айбланувчига хайрихоҳ ёки қарши эмаслиги ҳақида сўрай бошлади.

Стежер ва Шеннон молиявий масалаларга оз-моз бўлса-да ақли етадиган ва шундан келиб чиқиб, ана шу одатдагига ўхшамаган ишни тушунадиган ҳамда ўзини молиявий бўрондан ҳимоя қилишга уринаётган (бу Стежер учун керак эди) одамга нисбатан ҳеч қандай ғарази бўлмаган ёки (буниси энди Шеннон учун керак эди) Шеннон ишлатмоқчи бўлган ҳимоя воситаларига хайрихоҳлик билан қарайдиган одамларни танлашга ҳаракат қилаётганди.

Шеннон ҳам, Стежер ҳам маслаҳатчилар орасида бундай ҳолларда шаҳар ҳаёти деб аталмиш океанга ташланган суд тўрларини юқорига олиб чиқадиган майда ва ўртача балиқлар кўплигини дарров тушунишди. Булар асосан бой ҳаётий тажрибалари уларни маслаҳатчи вазифасини бажаришга лойиқ қилган корхона раҳбарлари, ҳар хил турдаги агентлар, сотувчилар, муҳаррирлар, инженерлар, архитекторлар, мўйначилар, баққоллар, савдогарлар, муҳбир ва бошқа соҳа вакиллари эдилар.

Жамиятда ўрни жуда юқори бўлганлар уларнинг орасида деярли йўқ эди, бироқ буларнинг кўплари соғлом ақл деб аталувчи ажойиб хислатга эга эдилар.

Бутун жараён давомида Каупервуд совуққонлик билан маслаҳатчиларнинг юзларини синчковлик билан кузатиб ўтирди. Унинг диққатини гул магазини эгаси бўлган ёш йигит тортди: рангпар, пешонаси мутафаккирларники каби кенг бўлган ва қўллари рангсиз бу одам Каупервудга унинг жозибаси олдида дош бера олмайдиган каби туюлиб, у буни Стежерга шивирлаб айтиб қўйишга шошилди. Биргина кўзлари айёргина яхудий-мўйнадўз рад қилинди, чунки унинг ўзи биржадаги аҳволни доим кузатиб борар ва кўнка темир йўли акцияларида икки минг долларни йўқотганди. Семиз, оқ-сарикдан келган, юзлари кип-қизил ва кўзлари ҳаворанг баққол Каупервудда ўжар тентак каби таассурот қолдирди. Унинг номзоди ҳам рад қилинди. Маслаҳатчилар орасида яна ориқдан келган, унча катта бўлмаган тайёр қўйлақлар магазинининг олифта директори ҳам бўлиб, у маслаҳатчилар кенгаши аъзоси вазифасидан қочиб қолишга ҳаракат қилаётгани учун Инжил билан қасам ичишни тан олмаслигини (аслида бундай эмасди) айтди. Судья Пейдерсон хўмрайса-да, бироқ уни қўйиб юборди. Кейин яна ўнта одам тўпланди – Каупервуднинг танишлари, Стинернинг танишлари ва ниҳоят, Каупервуднинг ҳаракатларидан газабланган, ўзларини республикачилар деб ҳисоблайдиганларнинг ҳаммасига кетишга рухсат берилди.

Ниҳоят, пешинга келиб иккала томон учун озми-кўпми маъқул келадиган маслаҳатчилар таркиби белгиланди.

**Р**оппа-роса соат иккида округ прокурори Деннис Шеннон ўз нутқини бошлади. У жуда оддий ва ҳатто мулойим оҳангда – унинг одати шундай эди – айти пайтда суд қаршисида турган жаноб Фрэнк А. Каупервуднинг биринчидан, ўғрилиқда, иккинчидан, камомадда, учинчидан, унга ишонган одамларнинг шахсий мулкларини ўзлаштириб олишда ва ниҳоят, тўртинчидан, маълум бир суммани, аниқроғи, бир минг саккиз юз етмиш биринчи йил тўққизинчи октябрда унинг номига ёзилган чек билан олинган олтмиш минг долларни йўқ қилиб юборганликда айбланишини эълон қилди. Юқорида айтиб ўтилган олтмиш минг доллар шахар заёми сертификатларининг маълум сонини сотиб олишга мўлжалланган бўлиб, жаноб Каупервуд агент ёки ишончли одам сифатида шахар газначисининг буйруғи ва у билан жаноб Каупервуд ўртасидаги келишувга кўра муддатли сертификатлар сотиб олиш мақсадида амортизация фонди учун сотиб олиши керак эди. Бироқ жаноб Каупервуд олган чекни белгиланган мақсадда ишлатмаган.

– Энди, жентльменлар, – яна ўша оҳангда гапини давом эттирди Шеннон, – жаноб Каупервуд айтиб ўтилган куни шахар газначисидан олтмиш минг олдими ёки олдими деган масалани кўриб чиқишдан олдин – ҳар ҳолда амортизация фондида бу суммадаги қимматбаҳо қоғозлар қайд этилмаган, – мен сизларга нима учун унга биринчидан – ўғирлангани, иккинчидан – камомади, учинчидан – ишончнома берган одамнинг мулкани ўзлаштириб олишда

ва тўртинчидан, чек бўйича олинган пулни қонунга ҳилоф равишда сарфлаш каби айбловлар қўйилаётгани тўғрисида айтиб ўтмоқчиман. Демак, юристлар тили билан айтганда, айбнома тўртта пунктдан иборатлигини кўриб турибсиз. Нега айнан тўртта эканини ҳозир тушуниб оласиз. Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам ўғрилик ва камомадда ёки фақат ўғриликда ва фақат камомадда айбдор саналиши мумкин. Ва мана, халқ манфаатини ифодаловчи прокурор баъзида айбланувчининг юқорида айтиб ўтилган иккала жиноятни қилган ёки қилмаганига эмас, балки иккала жиноятда айбдор бўлган шахс тегишли жазони олиши учун унинг гуноҳлари битта айблов пунктига тўғри келадими ёки йўқми деб иккиланиб қолади. Шундай ҳолларда жентльменлар, жиноятчининг айби, биз бу ерда қилганимиздек, алоҳида пунктлар бўйича қўйилади. Ушбу ишда бу тўртала пункт маълум бир даражада мос келади ва бир-бирини тасдиқлайди ва сизнинг бурчингиз (бу пунктларни ёритиб, сизларни гувоҳларнинг кўрсатмалари билан таништирганимиздан сўнг) айблов бир, икки, уч ёки тўртта пункт бўйича исботланганми ёки йўқ, шуни ҳал қилиш бўлади. Бу энди сизнинг нуқтаи назарингизга ёки, тўғрироғи, далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини қай даражада ишонарли деб топишингизга боғлиқ. Сизга маълумки, ўғрилик деб бировнинг пулини ёки молини эгасининг розилигисиз ўзлаштириб олишга айтилади, камомад деганда эса маълум бир шахс ихтиёрига ишониб топширилган мулк, биринчи навбатда, пулни у қасддан ўз манфаати учун ишлатиб юборишини тушунамиз. Ишониб топширган одамга тегишли бўлган мулкни ўзлаштириб олиш (яъни айбловимизнинг учинчи пункти) эса ўғриликнинг алоҳида бир кўринишидир: ишончнома берган шахс мулкни шу мулк ишониб топширилган одам ўғирлашидир. Тўртинчи пункт, яъни чек билан олинган пулни сарфлаб юбориш иккинчи пункт бўйича айбловнинг аниқланишидир ва бу маълум бир аниқ

## Теодор Драйзер

мақсад учун берилган чек асосидаги пулни ўзлаштириб олишни англатади. Бу тўртала айблов, жентльменлар, кўриб турибсизки, бир-бирига ўхшаш. Улар бир-бирига мос келяпти ва бир-бирини тасдиқляпти. Демак, халқ ўз вакили бўлган округ прокурори орқали айбланувчи жаноб Каупервуд ана шу тўртта пункт бўйича айбдор эканини таъкидляпти. Энди эса, жентльменлар, содир бўлган жинойтнинг тарихига ўтамиз. Шахсан менга айбланувчи жаноб Каупервуднинг молия дунёсида учраши мумкин бўлган энг маккор ва жинойткор одамлардан эканлиги кўриниб турибди, биз гувоҳлар кўрсатмалари асосида айнан шу нарсани исбот қилиб бермоқчимиз.

Суд жараёнини олиб бориш қондасига айбловчи иш билан таништираётганда унинг гапини бўлиш мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидадан фойдаланиб, Шеннон Каупервуднинг Стинер билан қандай танишгани, қандай қилиб унинг ишончига киргани, Стинер у пайтларда молия масалаларида у қадар билимдон бўлмагани ва бошқа нарсаларни узундан-узоқ қилиб гапира кетди. Хулоса ўрнида у Каупервуд олтмиш минг долларга чекни шаҳар ғазначисининг рухсатсиз қандай қилиб олгани, ғазначи, унинг гапи бўйича, бу ҳақда кейин билгани ва бу Каупервудни ўғриликда айблашга асос бўлишини; чекни олиб бўлгач, Каупервуд амортизация фонди учун олиши керак бўлган сертификатларни (агар умуман уларни олган бўлса) ноқонуний ўзлаштириб олгани ҳақида гапирди. “Мана шу фактларнинг бари, – деди Шеннон, – жаноб Каупервудни тўрттала пункт бўйича айбдор деб топишга асос бўла олади.

– Қўлимизда юқорида айтиб ўтганларимизнинг ҳаммасини тўғридан-тўғри исботлайдиган далиллар бор, – овозини кўтариб, гапини тугатди жаноб Шеннон. – Гап бу ерда қандайдир гап-сўзлар устида эмас, фақат фактлар ҳақида кетяпти. Гувоҳларнинг рад қилиб бўлмайдиган кўрсатмалари бу ишлар қандай амалга оширилганини

тушуниб олишингизга ёрдам беради. Агар бутун эшитганларингиздан кейин ҳам сиз бу одам бегунох, уни айблашаётган жиноятларни қилмаган деб ҳисоблайдиган бўлсангиз, у ҳолда уни оқлаш сизнинг бурчингиз. Ва, аксинча, агар гувоҳлар берган кўрсатмаларнинг тўғрилигига ишонсангиз, у ҳолда сизнинг бурчингиз уни гуноҳкор деб айблаш ва унга нисбатан айблов ҳукмини чиқаришдир. Эътиборларингиз учун раҳмат, жентльменлар!

Маслаҳатчилар бироз дам олиш умидида ўтирган жойларида қимирлаб олишди. Бироқ дам олишларининг иложи бўлмади, чунки Шеннон Жорж Стинерни чақирди. Ранги оқарган, шалвираган ва жуда ҳорғин Стинер ўрнидан туриб, шошилганча олдинга чиқди. У гувоҳлар ўтирадиган ўриндикқа ўтиргач, фақат рост гапиришга қасамёд қилиб кўлини Инжил устига қўяр экан, хавотир билан залга кўз югуртирди.

Аввалига унинг овози зўрға эшитилди. У гапининг бошида Каупервуд билан бир минг саккиз юз олтмиш олтинчи йилда – санаси эсида йўқ – танишганини айтиб берди. Бу унинг шаҳар ғазначилиги лавозимини биринчи муддатга (у илк бор бу ўринга бир минг саккиз юз олтмиш тўртинчи йилда ўтирган) эгаллаганда юз берган.

Шу пайтда шаҳар заёмининг бозорда паритетдан паст нархда баҳоланаётгани Стинерни жуда хавотирга солган, чунки қонун бўйича шаҳарнинг заёмларни фақат паритет бўйича сотишга ҳуқуқи бўлган. Кимдир шунда (жаноб Стробик бўлса керак – бироқ бунга ишончи комил эмас) унга жаноб Каупервудга мурожаат қилишни маслаҳат берган. Ўша пайтларда шаҳар ғазначилари бундай вазиятларда биржа брокерларига мурожаат қилишарди ва у ҳамма сингари йўл тутган...

Шундан сўнг тиниб-тинчимас Шенноннинг саволлари ва кўрсатмаларидан ўзини тутиб олган Стинер Каупервуд билан бўлган ва ўзи яхши эслаб қолган биринчи



## Теодор Драйзер

сухбатларини айтиб бера бошлади. Жаноб Каупервуд бу муаммонинг ечими борлигини айтиб уни ишонтирган. Ҳаракат қилиш режасини тузиб, тўғрироғи, ўйлаб чикиб, жаноб Каупервуд бир қанча вақт ўтгач, яна унинг олдига келган ва Стинерни ўз режаси билан таништирган.

Шенноннинг усталик билан берган ёрдами орқали Стинер инсоннинг у қадар виждонли бўлмаган табиатини очиб берувчи, бироқ нақадар айёрона ва кашфиётчилик қобилиятига эга бўлиши мумкинлигини ҳам кўрсатувчи бу режанинг мақсадини тушунтириб берди. Ўзи билан жаноб Каупервуд ўртасида ўрнатилган муносабатлар ҳақида зерикарли оҳангда гапириб бергач, Стинер ниҳоят яна кўп йиллар давомида мустаҳкамланган ва икковларининг моддий аҳволларига ижобий таъсир қилган дўстона ва иш юзасидан бўлган алоқалари натижасида Каупервуд нафақат шаҳар маблағидан миллионлар билан муомала қила бошлагани, балки бунинг устига жуда паст фоиз ҳисобидан беш юз минг доллар қарз олиб, бу пулларни ўзи ва газначининг манфаати учун кўнка темир йўллари линияси учун тикканини айтди. Аслида, бу масалага жуда кўп тўхталмоқчи эмас эди, бироқ келгусида Стинерни шу жиноятда айблашига тўғри келишини ва мана ҳозир Стежер ҳам иккиёқлама савол бериб сўроқ қилишда иштирок этишини яхши билган Шеннон шаҳар ғазначисининг умумий гаплар билан жавобдан ўзини олиб қочишига йўл қўймади. Шеннон нима қилиб бўлса-да, маслаҳатчиларни жаноб Каупервуднинг жуда ҳам қув ва айёр эканига ишонтиришга эришмоқчи эди ва бунга эришди. Сўроқ қилинаётган одам Каупервуднинг ғайриоддий усталигига мисоллар келтирар экан, маслаҳатчиларнинг ҳали униси, ҳали буниси ўгирилиб, Каупервудга қизиқиб қарашарди. Бунинг сезган ва иложи борича уларда яхши таассурот қолдирмоқчи бўлган Каупервуд Стинерга хотиржам ва жимгина тикилиб қараб турарди.

Ниҳоят гап Альберт Стайерс иш кунининг ниҳоясида Каупервудга берган олтмиш минг долларлик чек ҳақида кетди. Шеннон бу чекни Стинерга ашёвий далил сифатида кўрсатди. У буни илгари кўрганми? Ҳа, кўрган. Қаерда? Октябрнинг йигирманчи санасида округ прокурори Петтининг канцеляриясида. У буни ўшанда биринчи марта кўрганми? Ҳа. Унгача бу ҳақда ҳеч нарса эшитмаганмиди? Йўқ, эшитган. Қачон? Ўнинчи октябрда. У марҳамат қилиб судга бу чек ҳақида биринчи марта қандай қилиб ва қай шароитда эшитганини айтиб бера олмайдимиз?

Стинер ўтирган жойида ғимирлаб кўйди. Чап бериб қолиш жуда кийин эди. Тўғри жавоб камида ўзининг ахлоқий сифатлари учун яхши гап бўлмасди. Шунга қарамай, у йўталиб кўйиб, ўша, ҳаётидаги қисқа, бироқ аччиқ бўлган пайтда Каупервуд оғир аҳволда, банкротлик ёқасида қолгач, ғазначиликка келиб, унга яна қўшимча уч юз минг доллар қарз беришни талаб қилганини тасвирлаб бера бошлади. Шу ерда Стежер билан Шеннон урушиб кетай дейишди, чунки Стежер Стинер ҳеч бир уялмай ёлғон гапиряпти деган таассуротни уйғотмоқчи бўлаётганди. Пайтини топиб, у қаршилиқ билдирди – шу билан асосий мавзудан биров четга чиқишга эриша олди, чунки Стинер нукул “ўйлашимча”, “назаримда” деган ибораларни қўллаётганди.

– Мен қаршилиқ билдираман! – бир неча марта хитоб қилди Стежер. – Мен гувоҳнинг бу аризаси ишониш мумкин бўлмаган, қуруқ сўздан иборат ва ишга алоқаси йўқ нарса сифатида протоколдан олиб ташланишини илтимос қиламан. Гувоҳга у нимани ўйлашини айтиб бериш ҳуқуқи берилмаган ва айбланувчи буни жуда яхши билади.

– Муҳтарам суд раиси, – ўз навбатида эътироз билдирди Шеннон, – мен гувоҳ ҳақиқий фактларни оддий усулда, тўғридан-тўғри айтиб бериши учун қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман ва, назаримда, у шундай қиляпти.

## Теодор Драйзер

– Мен қаршилик билдираман! – яна гапирди Стежер. – Хурматли раис, прокурор гувоҳнинг гаплари самимийлиги тўғрисида гапириб, маслаҳатчиларга таъсир ўтказишга ҳаққи йўқ, бундай қилмаслигини талаб қиламан. Прокурорнинг гувоҳ ва унинг самимийлиги ҳақидаги фикрининг ишга алоқаси йўқ. Жаноб раис, мен сиздан прокурорга қаттиқ оғоҳлантириш беришингизни талаб қилишга мажбурман.

– Талаб қондирилади, – эълон қилди судья Пейдерсон. – Қораловчининг ишга яқинроқ ёндашишини сўрайман.

Шеннон сўроқ қилишда давом этди. Стинернинг кўрсатмалари жуда муҳим бўлиб, улар Каупервуд индамай қўя қолмоқчи бўлган нарсалар, яъни ғазначи билан бўлиб ўтган жиддий суҳбат; ғазначининг унга кўшимча ссуда беришни кескин рад қилгани; Каупервуд ўша чекни олишидан олдин ва ўша куни ҳам Стинерга ўзининг молиявий аҳволи жуда ёмон экани ҳақида гапиргани ва агар Стинер унга яна уч юз минг ссуда бериб қўллаб-қувватламаса, у ҳолда икковлари ҳам тамом бўлишларини айтганларини очиб бераётгани.

Шундан сўнг Стинер тўққизинчи октябрь куни эрталаб (яъни чек олинган куни) у амортизация фонди учун сертификатлар олишдан сақланиб туриш ҳақида Каупервудга ёзма кўрсатма берганини айтди. Каупервуд эса ўша куннинг ўзида кечки пайт бўлиб ўтган суҳбатларидан сўнг найранг йўли билан Стинерни хабардор этмаган ҳолда Альберт Стайерсдан олтимиш минг долларга чек олган. Стинер Стайерсни унинг олдига чекни қайтаришни талаб қилиб юборганида Каупервуд, эртаси куни соат бешда ишини васийликка топшираётгани тўғрисида эълон қилганига қарамай, чекни қайтаришни рад қилган. Сотиб олингани учун чек олинган сертификатлар эса амортизация фондига топширилмаган.

Стинернинг бу кўрсатмалари Каупервуднинг зарарига хизмат қиларди.

Бу жараён бир неча томондан берилган саволлар гоҳ Стежер, гоҳ Шеннон томонидан “эътироз билдираман!” ёки “рад қилинсин!” деган талаблар билан бўлиниб тургани тўғрисида айтмаса ҳам бўлади. Суд залида бу жентльменларнинг тортишувли овозлари бир неча бор жаранглади, судья бир неча марта уларни судга ҳурматсизликда айблаб, жарима билан қўрқитишига ва столга болғача билан уришига тўғри келди. Судьянинг бу ҳаракатлари маслаҳатчиларни жонлантириб, бўлаётган баҳсни қизиқиб тинглашга мажбур қиларди.

– Ҳурматли жентльменлар. Беҳуда тортишувларни бас қилишингизни талаб қиламан, акс ҳолда, иккалангизга ҳам катта жарима эълон қилишга мажбур бўламан! Ёдда тутинг, пивохонада эмас, суд залидасизлар! Жаноб Стежер, тезлик билан мендан ва ҳамкасбингиздан узр сўрашингизни талаб қиламан! Жаноб Шеннон, бундай тажовузкор усуллардан ўзингизни олиб қочишингизни талаб қиламан! Ўзингизни номуносиб тутиш билан судни ҳақорат қиляпсиз. Сизни охириги марта огоҳлантиряпман!

Иккала ҳуқуқшунос ҳам одатда бундай пайтда сўраладиган тарзда ўзаро узр сўрашди ва шу заҳотиёқ ишни яна аввалгидек давом эттира бошлашди.

– Ўша кунни, тўққизинчи октябрда, олдингизга келиб яна қўшимча уч юз минг доллар талаб қилганда, Каупервуд сизга нима деганди? – Стинердан сўради Шеннон. – У айтган гапларни иложи бўлса, сўзма-сўз қайтариб айтинг.

– Эътироз билдираман! – бақирди Стежер. – Жаноб Каупервуднинг сўзма-сўз айтганлари жаноб Стинернинг хотирасига ёзилган, бироқ айти пайтда унинг хотираси эътиборга олинмайди. Чунки гувоҳ бор фактларни фақат умумий кўринишда айтиб беряпти.

Судья Пейдерсон совуқ жилмайиб қўйди.

– Илтимос рад этилади, – эълон қилди у.

– Мен протоколга киритиб қўйилишини талаб қиламан! – бақирди Стежер.

## Теодор Драйзер

– Ёдимда колгани шуки, – деди Стинер асабийлик билан қўлларини ишкаларкан, – у агар мен унга уч юз минг доллар бермасам, банкрот бўлишини, мен эса камбағал бўлиб қамокқа тушишимни айтди.

– Эътироз билдираман! – ўрнидан сакраб туриб, бақирди Стежер. – Судья жаноблари, мен прокурорнинг сўроқ қилиш услубига эътироз билдираман! У гувоҳнинг жуда ҳам кучли бўлмаган хотирасидан судни қизиқтириши мумкин бўлган фактларга ҳеч қандай алоқаси йўқ гапларни ноқонуний равишда суғуриб олишга ҳаракат қиляпти; бу кўрсатмалар жаноб Каупервуд чиндан ҳам банкрот бўлишини сезганми ёки йўқми деган фикрни на тасдиқлай олади ва на инкор қила олади. Жаноб Стинер ўзининг шу суҳбат ёки ўша пайт бўлиб ўтган бошқа бир суҳбатнинг тахминий тафсирини, жаноб Каупервуд эса ўз фикрини келтириши мумкин. Гап шундаки, уларнинг фикрлари бир-биридан фарқ қилади. Жаноб Шеннон бундай ғалати усул билан кенгаш маслаҳатчиларига таъсир ўтказиб, уларда қораловчининг баёнотларига ишонч уйғотмоқчи бўлмаса, нимага эришмоқчи эканини тушунмаяпман. Лекин жуда хоҳлаганда ҳам, уларни фактлар билан тасдиқлай олмайди. Судья жаноблари, менимча, сиз гувоҳни у “эслагандек туюлаётган” эмас, аниқ эслайдиган нарсаларнигина гапириши кераклиги тўғрисида огоҳлантириб қўйишингиз лозим. Менинг фикримча, гувоҳнинг охириги беш дақиқа ичида берган кўрсатмаларини протоколдан чиқариб ташлаш керак.

– Илтимос қабул қилинмайди, – совуққонлик билан эълон қилди судья Пейдерсон ва бу баландпарвоз гапларни фақат Стинернинг гапларидан маслаҳатчиларда қолган таъсирни юмшатиш учунгина айтган Стежер яна ўз ўрнига ўтирди.

Шеннон яна Стинерга муружаат қила кетди:

– Энди эса, жаноб Стинер, иложи борича аниқроқ қилиб жаноб Каупервуд ўша куни сизга яна нима деганла-

рини айтиб беринг. У фақатгина сиз хонавайрон бўлиб қамокқа тушишингиз ҳақида гапирдимиз? Наҳотки шу орада бошқа нарса тўғрисида сўзламаган бўлса?

– Яна шу нарса эсимдаки, – жавоб берди Стинер, – у сиёсий фитначилар гуруҳи мени кўрқитишга уринаётгани ва агар мен унга уч юз минг доллар бермасам, иккаламиз ҳам хонавайрон бўлишимизни, қўй ўғирлайсанми, қўзичоқми, барибир айбланасан, дея айтганди.

– Аҳа! – бақириб юборди Шеннон. – Худди шундай деб айтдимиз?

– Ҳа, сэр, худди шундай деб айтганди, – таъкидлади Стинер.

– Бирок қандай қилиб айтди? Унинг сўзларини аниқ эслай оласизми? – севиниб кетди Шеннон ва худди уни ўзи ва Каупервуд ўрталарида бўлиб ўтган гапни ноаниқроқ айтишга имлаётгандек, Стинер томонга қўлини чўзди.

– Менимча, у шундай деди: “Қўй ўғирлайсанми, қўзичоқми, барибир айбланасан”, – ноаниқроқ жавоб қилди Стинер.

– Тўппа-тўғри! – хитоб қилди Шеннон ва Каупервудга нигоҳ ташлаш учун маслаҳатчиларга орқаси билан ўтирилди. – Худди шундай деб ўйлагандим!

– Бу пасткашларча найранг, жаноби олийлари! – ўрnidан сакраб туриб бақирди Стежер. – Булар ҳаммаси маслаҳатчилар кенгашидаги жанобларга таъсир ўтказиш мақсадида қилиняпти! Бу майнавозчилик! Мен сиздан прокурорни огоҳлантириш ва агар унда бор бўлса, фактлардан узоқлашмаслик ва бу актёрларча ўйинни бас қилишини сўрашингизни илтимос қиламан!

Залда ўтирганлар жилмайиб қўйишди. Буни сезган судья Пейдерсон батгар хўмрайди.

– Эътироз билдирияпсизми, жаноб Стежер? – сўради у.

– Ҳа, муҳтарам судья жаноблари, – такрорлади тиниб-тинчимас ҳимоячи.

– Илтимос рад қилинади. Қораловчи ҳам, ҳимоячи ҳам бемалол гапиришлари мумкин.

## Теодор Драйзер

Стежернинг ўзи ҳам кулиб юборишга тайёр эди, бироқ журъати етмади.

Каупервуд Стинернинг кўрсатмалари уни жуда хунук кўрсатиб қўйишидан кўрқаётган бўлса-да, ғазначига ачиниш билан қараб турарди. Қанчалик ожиз одам-а! Қанчалар иродасизлик бу! Мана шу одамнинг кўрқоқлиги ҳар иккисини қандай аҳволгача олиб келди!

Шеннон Каупервуд учун ижобий бўлмаган кўрсатмаларни суғуриб олгандан сўнг Стинерни Стежер сўроқ қилишга ўтди, бироқ у ўзи мўлжаллагандан камроқ натижага эришди. Стинер бор ҳақиқатни гапираётган бўлиб, ҳақиқат юзага келтираётган таассуротни одатда бирон усталик билан бўшаштириш қийин. Стежер айбдорни айёрона ва жинойткорона қалтис ишнинг ташаббускори эмас, балки фақатгина бегараз бир даллол сифатида кўрсатиш учун Стинер билан Каупервуд ўртасидаги муносабатларнинг энг нозик томонларигача эътибор бераётганди. Стежернинг ўз зиммасига олган вазифаси осон эмасди. Бироқ шундай бўлса-да, у каммикўпми натижага эриша олди. Бироқ маслаҳатчилар унинг гапларини ишончсизлик билан тинглашаётганди. Балки, Каупервудни тезроқ бойиш имконидан унумли фойдалангани учун жазолаш шарт эмасдир, бироқ очик кўриниб турган бу очкўзлигини айбсизлик ниқоби остига яширишнинг кераги йўқ эди деб ўйларди улар. Ниҳоят қораловчи ва ҳимоячи Стинерни бир муддат холи колдириб, гувоҳ сифатида Альберт Стайерс чақирилди.

Альберт Стайерс гуллаб-яшнаган хизмат даврида қандай бўлса, ўша-ўшалигича – ориқдан келган, ҳаракатчан ва одамни ўзига тортадиган даражада истарали бўлиб, фақат ранги бироз кетгандек эди. У ўзининг озгина маблагини Каупервуднинг қонун бўйича агар ҳукуматда асосли даъво бўлган тақдирда (бироқ айна вазиятда мавжуд эмасди) шаҳарга ўтиши керак бўлган гаровни ўзлаштириб олмоқчи эканликларини Шаҳар ўзини ўзи

бошқаруви фукаролик ассоциацияси кулоғига етказиш тўғрисидаги маслахати туфайли асраб қола олганди. Доим зийрак бўлган ассоциация бу масала бўйича ўзининг кўп сонли “арзнома”ларидан бирини нашр қилган ва Альберт Стайерс Стробик ва бошқаларнинг тезлик билан ортга чекинганини завқ билан кузатганди. Табиийки, Стайерс бир куни ундан кўзларида ёш билан сўраган ёрдами беҳуда кетгани билан Каупервуддан миннатдор эди. У айти пайтда Каупервуд учун қўлидан келганча ёрдам беришни хошлаётган, бироқ табиатан ҳақиқатгўй бўлгани учун қисман Каупервуднинг фойдасига, қисман унинг зарарига хизмат қилувчи далилларни келтиришдан нарига ўта олмаётганди.

Стайерс ўша куни жаноб Каупервуд унга сертификатлар сотиб олгани тўғрисида айтиб, унга тегишли пулларни беришини талаб қилгани ва Стинернинг бекорга кўрккани ҳамда унга – Стайерсга ҳеч қандай хавф таҳдид солмаслигини айтгани ҳақида гувоҳлик берди. Шундан сўнг Стайерс унга тақдим этилган бухгалтерия жилдларидаги ёзувлар ва Каупервуднинг китобларидаги ёзувлар тўғри эканини ҳам таъкидлади. Стайерснинг Стинер канцелярия бошлиғининг чек бериб юборганини эшитиб ҳайратда қолгани тўғрисидаги кўрсатмаси Каупервудга қарши эди. Бироқ Фрэнк ўз кўрсатмалари билан бу гапнинг таъсирини юмшатиб кетишига умид қилди.

Шу пайтгача Стежер ҳам, Каупервуд ҳам барчаси ҳар ҳолда кўнгилдагидек кетаётгани ва улар ишда ютиб чиқадиган бўлса, бунинг ажабланарли ери йўқлигига ишонаётганди.



**С**уд жараёни давом этарди. Бирин-кетин гувоҳлар чиқишди, Шеннон ниҳоят, Каупервудни етарли даражада фош қилиб гашладим, деб ишонч ҳосил қилганидан сўнг ўз вазифасини вақтинча тугатганини эълон қилди. Шундан сўнг Стежер ўрнидан туриб, бу ерда жиноят иши борлигини тасдиқловчи у ёки бу далиллар бўлмагани учун ишни тўхтатиш масаласида судья билан тортиша бошлади. Бироқ Пейдерсон ўз айтганида қатъий туриб олди. У Филадельфиядаги сиёсий гуруҳлар бу ишга қанчалик аҳамият бераётганини жуда яхши биларди.

– Жаноб Стежер, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблайман, – ҳимоячининг баландпарвоз гапларини эшитиб бўлгач, чарчаган товушда деди судья. – Шаҳар маъмурияти анъаналари менга маълум ва мижозингизга қўйилаётган айбловнинг уларга богликлик жойи йўқ. Сиз менга эмас, маслаҳатчиларга мурожаат қилишингиз керак. Мен ҳозир бу икир-чикирларни синчиклаб қараб чиқа олмайман. Илтимос рад қилинади.

Судьянинг гапларига диққат билан қулоқ солаётган округ прокурори Шеннон ўз ўрнига ўтирди. Судьяни ҳеч қандай айёрона далиллар билан йўлдан ура олмаслигига ишонч ҳосил қилган Стежер унинг омади келмаганига жилмайиб қараб турган Каупервуднинг олдига яқинлашди.

– Афтидан, энди бор умидимиз фақат маслаҳатчилардан, шекилли! – деди Стежер.

– Бунга шубҳа қилмаётгандим, – жавоб берди Каупервуд.

Шундан сўнг Стежер маслаҳатчиларга мурожаат қила кетди. Уларга иш бўйича ўзининг фикрларини маълум қилиб, гувоҳ кўрсатмаларининг натижасига ўтди.

– Очигини айтганда, айбловчи ва оқловчи томонидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ўртасида алоҳида бир фарқ йўқ. Биз жаноб Каупервуднинг жаноб Стинердан олтмиш минг долларга чек олгани ёки у қораловчи томонидан таъкидланаётганидек, қилиши керак бўлган иш – кўрсатилган нархдаги (даллоллиги учун қонуний олган) шаҳар заёми сертификатларини амортизация фондига топширмагани тўғрисида баҳслашмоқчи эмасмиз. Бирок биз шаҳар газначилиги агенти сифатида тўрт йилдан ортиқ шаҳар бошқаруви билан иш юзасидан муносабатда бўлган жаноб Каупервуднинг шаҳар ғазначиси билан келишувига кўра истаган ҳисоб-китобни олиб бориш ва сертификатларни амортизация фондига кейинги ойнанинг биринчи санасида, яъни у ёки бу келишувдан кейинги якин биринчи санада топширишга ҳақли бўлганини исботлай оламиз. Сўзларимизнинг тасдиғи сифатида биз ўтмишда шаҳар ғазначилиги билан худди шундай шарт асосида иш олиб борган қатор тижоратчи ва банкирлар номини айтиб ўтишимиз мумкин. Айбловчи сизларни, биринчидан, жаноб Каупервуд бу чекларни олаётиб, банкрот бўлишини билганига, иккинчидан, ўзи таъкидлаётганига қарамай, гўё у сертификатларни амортизация фондига бериш учун сотиб олмаганига ва ниҳоят, у ўзининг банкрот бўлиши ва сертификатларни керакли жойга беришнинг иложи йўқлигини била туриб, хотиржамлик билан жаноб Стинернинг канцелярия бошлиғи жаноб Альберт Стайерснинг олдига боргани ва унга шаҳар учун сертификат олдим, деб ёлғон гапириш йўли билан чек олганига ишонтирмоқчи бўляпти.

Жентльменлар, бу масалада ортиқ гапириб ўтирмоқчи эмасман; гувоҳларнинг кўрсатмалари фактларни етарли даражада очиб беради. Биз бир қатор гувоҳларга

## Теодор Драйзер

сўз берамиз ва уларни жуда диққат билан эшитишингизни илтимос қиламиз. Яна бир нарсани ҳисобга олишингизни қаттиқ илтимос қиламан: жаноб Стинерни ҳисобга олмаганда, биз бирорта ҳам гувоҳдан жаноб Каупервуд шаҳар ғазначисининг олдига келганида унга хавф солаётган банкротлик ҳақида билгани ёки шов-шувга сабаб бўлган сертификатларни умуман сотиб олмагани, уларни амортизация фондига кейинги ойнинг биринчи санасига, яъни унинг шаҳар ғазначилиги билан ҳисоб-китоби баланс қиладиган кунгача топшириш учун ушлаб туришга ҳаққи бўлмагани ҳақида бирорта тасдиқловчи гап эшитмадик. Собиқ шаҳар ғазначиси, албатта, ўзига маъқул келган нарсани таъкидлаши мумкин. Жаноб Каупервуд эса бунинг аксини таъкидлайди. Сиз, жентльменлар, булардан қайси бири ишонишга лойиқлигини ҳал қилишингиз керак бўлади: собиқ шаҳар ғазначиси бир вақтлар менинг ҳимоямдаги одам билан иш юзасидан ҳамкорлик қилган, энди эса кўп йиллик тинмай қилган меҳнатини унутиб, уни бой қилган одамга Чикагодаги ёнғин биржада ваҳима уйғотгани ва молиявий инқирозга олиб келгани сабаблигина қарши чиқаётган Жорж Стинергами ёки бўронга қарши туриш учун бор кучини ишга солган, ўзининг шаҳар билан келишувига аниқлик билан муносабатда бўлган, ёнғин ва биржадаги ваҳима туфайли ўзига етган молиявий инқирозларга бардош бериш учун охирги дақиқаларгача бор кучини ишга солган таниқли банкир ва сармоядор жаноб Фрэнк Каупервудгами? Кечагина жаноб Каупервуд шаҳарга ўзининг бутун қарзларини (аслида унинг ёлғиз ўзи қарздор эмас!) жуда қисқа вақт ичида – агар идорасини ёпишларига йўл қўйилмаса – бу ерда гап кетган беш юз минг долларни ҳам кўшиб, охирги долларгача қайтаришини ва шу билан ёмон нияти бўлмаганини амалда исботлаб беришини айтганди. Сиз, жентльменлар, шаҳар унинг таклифини қабул қилмаганини сезиб турибсиз. Бунинг сабабини

кейинроқ тушунтириб бераман. Ҳозир эса гувоҳларни сўроқ қилишда давом этамиз. Мен эса ҳимоячи номидан уларнинг кўрсатмаларини диққат билан тинглашингизни иккинчи марта илтимос қиламан. Жаноб Дэвисон гувоҳ сифатида сўзга чиққанида, унинг гапларига диққат билан кулоқ солинглар. Жаноб Каупервуд ва бошқаларнинг гапларини ҳам тарозига солиб кўринглар. Ана шунда аниқ бир қарорга келишингиз ва бу суд иши учун етарли асос борми деган саволга жавоб топишингиз мумкин! Шахсан ўзим бу сабабларни кўрмаяпман. Диққат билан кулоқ солганингиз учун миннатдорлик билдираман.

Шундан сўнг Стежер биржада ваҳима кўтарилган пайтда у Каупервуднинг агенти сифатида курсларини ушлаб туриш мақсадида шаҳар заёми облигацияларини катта партиядо сотиб олгани тўғрисида гувоҳлик бериши керак бўлган Артур Райверсни чақирди. Унинг кетидан Каупервуднинг укалари – Эдвард ва Жозеф сўзга чиқиб, улар Райверсдан юқорида кўрсатиб ўтилган облигацияларни сотиб олиш ва сотиш, асосан, сотиб олиш тўғрисида кўрсатма олишганига гувоҳлик беришди. Кейинги гувоҳ Жирард миллий банкининг бошқарув раиси жаноб Дэвисон бўлди. Жаноб Дэвисон бақувват бўлса-да, унчалик бақалоқ ва семиз эмасди. Кўкраги ва елкалари кенг, сочлари оқ-сарик, боши катта, ақлли ва соғлом фикрлайдиган одамларники каби пешонаси кенг эди. Ёпишган, бироз япаскироқ бурни унинг юзига кучлилиқ ифодасини бериб турар, лаблари ингичка бўлиб, қаттиқ кимтилганди. Унинг совуқ порлаб турган ҳаворанг кўзларида баъзан шубҳа учқунлари сезилиб қолар; умуман олганда, у ташқи кўринишидан бундай бўлмаса-да, ўзи беғубор, тинчликсевар, ҳаракатчан одам эди. Унинг биринчи сўзлариданоқ бу одам молиявий ҳаётнинг шубҳасиз фактлари билан ҳисоблашишга ўргангани ва у Фрэнк Алжернон Каупервуднинг шахсидан ҳайратда бўлмаса-да, ўз табиатидан келиб чиқиб йигит томонида

## Теодор Драйзер

эканлиги сезилди. Унинг шошилмасдан, ўз кадр-ким-матини билган ҳолда қилаётган ҳаракатларидан бу суд жараёнини кераксиз, бемаъни ва ҳақиқий сармоядорнинг обрўсига путур етказадиган бўлмағур нарса деб ҳисоблаётгани кўриниб турарди. У ўзига Инжилни узатган уйқусираган нозир Спаркхиверга бамисоли ёғоч тўнкага карагандек, жуда эътиборсиз нигоҳ ташлади. Қасам ичиш унинг назарида шунчаки расмиятчилик эди. Баъзан рост гапни гапириш фойдали, баъзида эса йўқ. У кўрсатмаларини ўзини эркин тутган ҳолда оддийгина қилиб гапириб берди.

У жаноб Фрэнк Алжернон Каупервудни ўн йилчадан бери биледи. Шу пайтгача бу одамнинг шахсан ўзи ёки у орқали бошқа одамлар билан иш олиб борган. Жаноб Каупервуднинг жаноб Стинер билан муносабатлари тўғрисида унга ҳеч нарса маълум эмас, жаноб Стинерни у ҳатто танимайди ҳам. Олтмиш минг долларли чекка келадиган бўлсак, ҳа, у чекни кўрган. Бу чек унинг банкига ўнинчи октябрь санасида “Каупервуд энд Компани” банкирлик контораси ошириб юборган кредитни таъминлаш учун бошқа қимматбаҳо қоғозлар билан бирга юборилганди. Бу сумма “Каупервуд энд Компани” банкирлик конторасининг кредитига киритилган, банк эса ўз навбатида чекни ҳисоб-китоб палатаси орқали реализация қилган. Шундан сўнг банкдан жаноб Каупервуднинг кредитларидан ортиқ сумма олинмаган ва сармоядорнинг ҳисоби шу йўл билан баланслаштирилган.

Бироқ жаноб Каупервуд банкдан кўпгина миқдорда пул олиши мумкин эди ва ҳеч ким уни нотўғри ҳаракатларда айбламаган бўларди. У, яъни Дэвисон жаноб Каупервудга банкротлик таҳдид солаётганидан беҳабар бўлган ва бу шунчалик қутилмаганда содир бўлиши мумкинлигини ҳеч қачон тахмин қилмаган. Каупервуд Жирард миллий банкидаги кредитларини бир неча бор оширган ва бу оддий ҳол ҳисобланган. Кредитнинг

бундай оширилиши Каупервудга ўз маблағларидан тўла фойдаланиш имконини берган, молия дунёсида эса бу ишни ақл билан олиб бориш дейилади. Кредитни ошириш билан жаноб Каупервуд доим бу пулларни вақтида етказиб берган ва одатда банкка даста-даста қимматли қоғозлар ва чек юборган бўлиб, улардан кейин ҳар қанақасига фойдаланилган. Жаноб Каупервуднинг банкдаги ҳисоби энг йирик ва энг фаол бўлган эди, деб кўшиб кўйди жаноб Дэвисон. Банкрот бўлишига қадар Жирард миллий банкида жаноб Каупервуднинг у гаров сифатида юборган тўқсон минг доллардан ортиқ қийматга эга шаҳар заёми облигациялари бор бўлган.

Икки томонлама сўроқ пайтида Шеннон маслаҳатчиларда керакли таассурот қолдириш учун жаноб Дэвисондан унинг Каупервудга ёндашаётганининг сирли сабаблари бор-йўқлигини сўради. Бироқ бундан ҳеч бир иш чиқмади. Унинг кетидан Стежер сўзга чиқиб, жаноб Дэвисоннинг Каупервуд хақидаги фойдали кўрсатмалари маслаҳатчилар ёдида мустаҳкамланиб қолиши учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Бунинг учун у банк президенти айтган гапларини қайта-қайта такрорлашга мажбур қилди. Шеннон, албатта, эътироз билдирди, бироқ фойдаси бўлмади. Стежер ниятига етди.

Ниҳоят, ҳимоячи Каупервудга сўз берди. Бу фамилия эълон қилиниши билан ҳамма хушёр тортди.

Каупервуд тетик қадамлар билан олдинга чиқиб келди. Йигит хотиржам ва ўзига ишончи юзидан яққол сезилиб турарди: ҳозир унинг ўзи ниҳоятда кадрлайдиган ҳаёти ҳал бўлаётганди. На юристлар, на маслаҳатчилар, на тақдир зарбалари унинг бўйинини эгмаган, кучини қирқмаганди. У бирдан бу маслаҳатчилар бу ерда нима учун ҳозир бўлганини тушуниб қолди. У Шеннонни чалғитиш учун ҳимоячисига ёрдам бергиси келаётган, бироқ ақли унга фақат рад қилиб бўлмайдиган ёки шундай деб ўйлаш мумкин бўлган фактларнигина айтиш кераклигини айтиб

## Теодор Драйзер

турарди. У сармоядор сифатида тўғри ҳаракат қилганига ишончи комил эди. Ҳаёт, айниқса, сармоядорнинг ҳаёти – кураш; стратегия эса – унинг қонуни, вазифаси, зарурияти. Бунини тушуна олмайдиган бечоралар учун хавотирланишнинг нима кераги бор?

Стежерга ёрдам бериш ва маслаҳатчиларга таъсир ўтказиш учун Каупервуд фаолиятини иложи борича ўзи ҳақида ижобий таассурот қолдирадиган қилиб сўзлаб берди. Биринчидан, у Стинернинг олдига ўз ташаббуси билан бормаган, балки ғазначининг таклифига жавоб берган. Иккинчидан, у жаноб Стинерни ҳеч нарсага мажбурламаган. У фақат жаноб Стинер ва унинг дўстларига баъзи молиявий имкониятларни тушунтириб берган ва улар миннатдор бўлиб, бу имкониятлардан фойдаланишган (Шеннон бу пайтда ҳали Каупервуднинг кўнка темир йўли компаниялари қанчалик айёрлик билан ташкил қилинганини суриштириб билмаганди; шу сабаб Фрэнк айёрлик билан Стинерни эътироз билдиришга ўрин қолдирмай улоқтириб ташлаш имконига эга эди. Шунинг учун ҳам Каупервуд ҳозир ўзининг Стинерга яратиб берган ажойиб имкониятлари тўғрисида бемалол гапираётганди. Шеннон ҳам Стежер каби финансист эмасди. Гарчи Шенноннинг бундай қилиш нияти йўқ бўлса-да, улар фақат Каупервуднинг сўзларигагина ишонишлари мумкин эди.)

– Ғазначиликда илдиз отиб кетган одатлар учун қандай қилиб мен жавобгар бўлишим мумкин? – деди Каупервуд.  
– Мен бор-йўғи банкир ва маклерман, холос.

Маслаҳатчилар унинг ҳамма гапига ишонишди, фақат Каупервуд бу борада ҳам тўғрига ўхшаб кўринган тушунтиришлар бериб ўтган бўлса-да, чек билан бўлган ҳодисага ишонишмади. У ҳали Стинернинг олдига бориб юрган пайтлари банкрот бўлиш унинг хаёлига ҳам келмаганди. Тўғри, у Стинердан қарз бериб туришни сўраган, бироқ уларнинг иш кўламини ҳисобга оладиган бўлса, унча катта бўлмаган сумма – ниҳоятти бир юз эллик

минг доллар сўраган. Стинер шу жойда адолат юзасидан Каупервуд ўша пайтда ҳеч нарсадан хавотирда бўлмаганини айтса бўларди. Ғазначи Каупервуд учун маблағ келадиган манбалардан бири бўлган, холос. Ўша пайтда унинг бундай манбалари кўп эди. У Стинерга ваҳимага берилиб, ўзига кредит бермасдан хато қилаётганини тушунтирган бўлса-да, ҳеч қачон Стинер бу ерда айтаётгандек қаттиқ сўзларни айтмаган. Бу маблағ топиш учун Каупервудга анча қулай ва мумкин бўлган манба эди, бироқ у ягона эмасди.

Йирик сармоядорлар ичида унинг зарурият туғилса, ишларини жойига қўйиб олиши ва давом эттириши учун кредитини кенгайтирадиган дўстлари борлигига ишонади, бунга етарлича асослари бор. У ваҳиманинг биринчи куни курсни ушлаб туриш учун биржада шаҳар заёми облигацияларининг бир қанчасини сотиб олганини ва унга шаҳар ғазначилигидан олтмиш минг доллар берилиши лозимлигини Стинерга айтган. Стинер эътироз билдирмаган. Ғазначининг кайфияти йўқ бўлган ва Каупервуднинг гапига унча тушунмаган бўлиши ҳам мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Шундан сўнг эса Каупервудни яна ҳам ажаблантириб, анча йирик банкирлик уйларига (ким ва нима сабабдан эканлиги унга номаълум) Каупервудга жуда кескин муносабатда бўлишлари учун босим ўтказилади. Эртаси куни яна ҳам кучайган бу босим уни ўзи охириги дақиқагача шундай бўлиши мумкинлигига ишонмагани – компаниясини ёпишга мажбур қилди. Олтмиш минг долларлик чек унинг қўлига тасодифан, шароит тақозоси билан тушиб қолган. Унга пул керак эди – Каупервуд буни инкор қилмоқчи эмас, айтиб ўтилган сумма унга қонуан тегишли эди, унинг ҳамма хизматчилари эса ўша куни жуда банд бўлишган. У ўзига чек ёзиб беришларини сўраб, вақтни тежаш мақсадида уни ўзи билан олиб кетган. Стинер агар ўзи чек беришни рад қилган тақдирда Каупервуд буни судлашиб бўлса ҳам



## Теодор Драйзер

олишини яхши билган. У сотиб олган сертификатларнинг амортизация фондида етишмаётгани эса техник ҳолат, Каупервуд эса ҳеч қачон унинг ичига кириб кўрган эмас. Бундай ишлар билан унинг бухгалтери жаноб Стэпли шуғулланган. У – Каупервуд, сертификатлар керакли жойга топширилмаганини ҳатто билмаган ҳам (кўриниб турган ёлғон: у бу нарсани биларди!) Шов-шув бўлаётган бу чек Жирард миллий банкига тасодифан бориб қолган. Агар вазият бошқача бўлганда, у худди шу тарзда бошқа банкка ҳам тушиб қолиши мумкин эди.

Каупервуд ўз кўрсатмаларини худди шу йўсинда беришда давом этди. Стежер ва Шеннонларнинг ҳамма айёрона саволларига шунчалик очиқ-ойдинлик билан жавоб бериб, суд жараёнига шунчалик жиддийлик, ишбилармонлик ва диққат билан ёндашгандек бўлдики, буни кўрган одам Каупервудни савдо-сотикнинг шарафли тимсоли дейиши мумкин эди. Очиғини айтганда, унинг ўзи чиндан ҳам қилган ишларининг бари, ҳозир судга гапириб берганларининг ҳаммаси қонуний ва зарурият юзасидан қилинганига ишонарди. Каупервуд маслаҳатчиларга улар ўзларини унинг ўрнига қўйиб кўра олишлари ва ҳаракатларини тушуна олишлари учун ишни ўзи тасаввур қилганидек тасвирлаб беришга ҳаракат қилаётганди.

Ниҳоят, у гапини тугатди ва айтиб ўтиш керакки, маслаҳатчилар унинг кўрсатмаларига ҳам, ўзига ҳам ҳар хил муносабатда бўлишди. Қуръа ташланишига кўра биринчи бўлган маслаҳатчи Филипп Молтри Каупервуд ёлғон гапиряпти, деб айтди. У одам тез орада ўзининг банкрот бўлишини билмай қолиши мумкинлигини тасаввур қила олмаётганди. Албатта, у билган! Умуман, унинг Стинер билан қилган ҳамма найранглари жазога лойик. Каупервуд гапирётган бутун вақт мобайнида Молтри кенгаш хонасида қандай қилиб “Ҳа, айбдор!” деб айтиши ҳақида ўйлаб ўтирди. Шунинг учун ҳам у бошқаларни Каупервуднинг гуноҳкор эканлигига ишонтириш учун далиллар ҳақида ўйлаётганди.

Иккинчи маслаҳатчи, тўқимачилик саноати ишлаб чиқарувчиси Саймон Гласберг эса, аксинча, Каупервуднинг ҳамма қилган ишлари конуний деб ҳисоблаб, уни оқлаш учун овоз беришга қарор қилди. У Каупервудни беайб деб ҳам ҳисобламаётган, бироқ жазога лойиқ деб ҳам билмаётганди. Учинчи маслаҳатчи – архитектор Флетчер Нортоннинг фикрича, Каупервуд айбдор, бироқ бундай иқтидорли одамни қамаш керак эмасди. Тўртинчи одам – келиб чиқиши ирландиялик бўлган пудратчи, диндор Чарльз Хиллиген Каупервудни айбдор ва жазоланиши лозим деб ҳисобларди. Бешинчи маслаҳатчи – кўмир савдоси билан шуғулланувчи Филипп Лукаш ҳам шу фикрда эди. Олтинчи маслаҳатчи – тоғ иши бўйича мутахассис Бенжамин Фрейзер Каупервуднинг айтганларини эшитиб, ҳеч қандай тўхтамади. Еттинчи одам – Учинчи кўчада контораси бўлган, фикр доираси ҳам, тажрибаси ҳам чекланган биржа маклери Ж.Брижес Каупервудни хавfli корчалон деб ҳисоблаб, албатта, айбдор ва жазоланиши керак деган фикрда унинг айбдор деб топилишига овоз беришга қатъий қарор қилди. Саккизинчи маслаҳатчи – унча катта бўлмаган кемачилик компанияси эгаси Гай Трипп иккиланиб турарди. Тўққизинчи маслаҳатчи – илгари клей ишлаб чиқарувчиси бўлган Жозеф Тисдейл Каупервудни, балки, айбдордир деб ўйласа ҳам, ичида унинг ишларини жиноят деб ҳисобламаётганди – шароит шуни тақозо қилгандирки, унинг бошқа йўли бўлмагандир. Тисдейл оқлансин деб овоз беришга қарор қилди. Ўнинчи маслаҳатчи – гуллар магазинининг эгаси, табиатан таъсирчан бўлган Ричард Маршнинг ҳам Каупервудга раҳми келаётганди. Ўн биринчи маслаҳатчи – баққол, тижорат дунёсида арзимаган одам бўлса-да, бироқ бақувват Ричард Уэббер ҳам Каупервудга қарши эди. У Каупервудни айбдор деб ҳисоблаётганди. Ва ниҳоят, ун дўкони эгаси бўлган ўн иккинчи маслаҳатчи Уошингтон Томас Каупервудни айбдор деб топаётган бўлса-да, ҳукм

## Теодор Драйзер

чиқарилгандан сўнг уни озод қилишга уриниш керак деб ҳисоблаётганди. У одамларни тарбиялаш керак деган шиорга амал қиларди.

Каупервуд нутқини тугатгач, ўз кўрсатмалари ўтирганларга сал бўлса-да, ижобий таъсир қилдимикин деб ўйлаб ўтирганида, маслахатчиларнинг қилган хулосалари ана шундай эди.

**М**аслаҳатчиларга биринчи бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқи адвокатларга берилгани учун Стежер касбдошига таъзим қилганча, олдинга чиқди. Сўнг маслаҳатчилар орқасида ўтирган тўсикқа қўлини қўйиб вазмин, камтарона ва ишонарли оҳангда сўзлашни бошлади.

– Муҳтарам маслаҳатчилар кенгаши аъзолари! Менинг ҳимоямдаги Фрэнк Алжернон Каупервуд шахримиздаги Учинчи кўчада жойлашган компаниянинг машҳур банкири ва сармоядори, у округ прокурори шу ерда бўлган Пенсильвания штати томонидан бир минг саккиз юз етмиш биринчи йил, ўн тўққизинчи октябрда Филадельфия шаҳар ғазначилигидан алдов йўли билан ўша пайтдаги ғазначининг канцелярия бошқарувчиси ва бош бухгалтери бўлган Альберт Стайерс томонидан унинг номига ёзиб берилган олтмиш минг долларни олганликда айбланади. Демак, жаноблар, фактлар қандай? Сиз бир қатор гувоҳлар томонидан берилган кўрсатмаларни эшитдингиз. Биринчи бўлиб Жорж Стинерни олайлик. Унинг айтишича, бир минг саккиз юз олтмиш олтинчи йили унга ўша пайтда қиймати жуда паст бўлган шаҳар заёмининг паритетини қандай кўтариш масаласида маслаҳат бера оладиган одам, нафақат маслаҳат берадиган, балки шу операцияни уддалай оладиган одам – банкир ёки маклер керак бўлганини айтиб ўтди. Жаноб Стинер ўша пайтда молия соҳасида кўп нарсани тушунмасди. Жаноб Каупервуд ёш ва ҳаракатчан бўлиб, кучли биржа маклери сифатида обрў

## Теодор Драйзер

қозонганди. У нафақат хаёлан, балки амалда ҳам тезлик билан шаҳар заёмининг қийматини кўтариш имкониятини излай бошлади. Жаноб Каупервуд ва жаноб Стинер ўрталарида ўша пайтдаёқ келишув тузилганди – буни жаноб Стинернинг ўзидан эшитдингиз, мана шу асосда шаҳар заёми облигацияларининг йирик пакети жаноб Стинер томонидан сотиш учун менинг ҳимоямдаги жаноб Каупервудга берилган ва у моҳирона устомонлик билан облигацияларни гоҳ сотиб, гоҳ сотиб олиб – заёмларни паритетгача кўтаради ва гувоҳлар кўрсатиб ўтишганидек, йиллар давомида унинг курсини ушлаб туради. Бу ҳақда алоҳида тўхталмоқчи эмасман, чунки бу операциялар молия дунёсида тез-тез ва очиқ ҳолда, қонуний равишда олиб борилади.

Нима бўлдики, жентльменлар, қандай сабаблар жаноб Стинерни суд залига олиб келиб ўзининг анчадан бери агенти ва маклери бўлган одамни ўғрилиқ ва камомад қилишда айбляпти? Жаноб Каупервуд ёмон ният билан шаҳар ғазначилиги маблағидан олтмиш минг долларни ўзлаштириб олган, деб айтишга уни нима мажбур қиляпти? Буни қандай тушуниш керак? Балки, жаноб Каупервуд ишдан ташқари вақтда ёмон ният билан жаноб Стинер ва унинг ёрдамчиларига билдирмай ғазначиликка тушган ва у ердан билдирмай олтмиш минг долларни олиб кетгандир? Ҳечамда! Жаноб Каупервуд ғазначининг олдига куппакундуз куни, соат тўрт билан беш ораларида, у ўзини қарзларини тўлашга қодир эмас деб эълон қилишидан бир кун олдин келиб, жаноб Стинер билан унинг хонасида ярим соатча ўтирганини округ прокуроридан ўзингиз эшитдингиз. Шундан сўнг у жаноб Стинернинг хонасидан чиқиб, жаноб Альберт Стайерсга олтмиш минг долларга амортизация фонди учун шаҳар заёми облигацияларини сотиб олгани ва улар учун ҳали пул тўланмаганини айтиб, бу олтмиш мингни ғазначилик қарзлар ҳисоботига ёзиб қўйишни сўраб, унга кўрсатилган сумма учун чек ёзиб

беришни талаб қилади. Унга чек беришади ва у жўнаб кетади. Бу ерда ғайриоддий нима бор, жентльменлар? Гувоҳлардан бирортаси жаноб Каупервуд шаҳардаги айнан ана шундай ишлар бўйича агенти бўлганини инкор қилдими? Гувоҳлардан бирортаси жаноб Каупервуд шаҳар заёмнинг облигацияларини чиндан ҳам олганига шубҳа қилдими?

Унда нега бу ҳолда жаноб Стинер жаноб Каупервудни у сотиб олишга ҳақли бўлган – буни ҳеч ким инкор этолмайди – облигациялар учун берилган олтмиш минг долларни муттаҳамлик билан ўзлаштириб олиш ва камомадда айблаяпти? Ҳамма гап ана шунда – ҳозир буни тушуниб оласизлар, жаноб маслаҳат кенгаши аъзолари! Ҳимоямдаги одам чекни талаб қилган, уни олиб – айбловчилар таъкидлаётгандек, чек тўланган облигацияларни амортизация фондига топшириб ўтирмай, банкда ўз номига қўйган. Бу ишни вақтида қилмай ва молиявий фалокатлар сабаб қарзларини тўлашни тўхтатишга мажбур бўлиб, у – бу айбномадан ва хавотирга тушиб қолган Республикачилар партияси раҳнамоларининг гапларидан ҳам кўриниб турибди – шу орқали камомадчи, ўғри ва оддий қилиб айтганда, кўпчиликнинг фикрини Жорж Стинер ва Республикачилар партияси раҳнамоларидан чалғитиб турувчи балоғардонга айланиб турибди.

Шу ерга келганда жаноб Стежер Чикаго ёнғинидан сўнг пайдо бўлган ваҳима натижасида бу ерда юзага келган сиёсий вазиятга шу қадар дадил ва ўжарлик билан таъриф бердики, унинг гапларидан Каупервудга ёнғин содир бўлгунча Филадельфиянинг сиёсий корчалонлари жуда юқори баҳо бериб юрган, кейинчалик эса сайловда ютқизишларидан кўркиб, уни ҳамма нарсага балоғардон одамга айлантириб, адолатсиз тарзда айблаганлар, деган хулоса келиб чиқди. Бу гапларнинг ҳаммасини Стежер ярим соат ичида гапириб ўтди.

## Теодор Драйзер

У жаноб Стинернинг сиёсатдаги корчалонлар учун малай ва бир ниқоб эканини айтиб, молиявий режаларини амалга ошириш учун уларнинг кўлларидаги қурол бўлганини таъкидлади:

– Шунча айтганларимдан сўнг, жентльменлар, бу айб-лов қанчалик кулгили эканини ўйлаб кўринг! Қанчалик аҳмоқона айб! Фрэнк Каупервуд кўп йиллардан бери шу соҳада шаҳар агенти сифатида фаолият юритиб келган. У ўз фаолиятида жаноб Стинер билан бирга келишилган ва, албатта, юқорида ўтирган шахсларнинг ижозатларига кўра қабул қилинган бўлган шартларга амал қилган. Чунки бу шарт ва қонунларга жаноб Стинер шаҳар ғазначиси бўлгунга қадар ҳам шаҳар маъмурияти аъзолари рия қилиб келишганди. Шундай қоидалардан бирига кўра, жаноб Каупервуд ҳар кейинги ойнинг биринчи санасида ҳамма битимлар бўйича баланс чиқариб, ҳисобот бериши керак бўларди. Яъни бу шаҳар ғазначилигига ҳеч қандай суммани тўлашга, унга ҳеч қандай чекни беришга, кейинги ойнинг биринчи санасигача амортизация фонди-га ҳеч қандай пул ёки сертификатлар топширишга мажбур эмаслигини билдиради. Чунки муҳтарам маслаҳатчилар кенгаши аъзолари, эътибор қаратишингизни илтимос қиламан, бу жуда муҳим – шаҳар заёми билан боғлиқ келишувлар жаноб Каупервуд шаҳар ғазначилиги учун қилган бошқа ишлар каби шунчалик кўп, шунчалик шиддатлики, уларни бажариш учун мослашувчан ва жуда кучли ҳисоб-китоб тизими керак эди, акс ҳолда, уларни рўёбга чиқариб бўлмасди. Бундай тизимсиз жаноб Каупервуд жаноб Стинер ёки газначиликка алоқаси бор бошқа шахсларнинг кўрсатмаларини қониқарли равишда бажара олмаган бўларди. Доимий ҳисобот олиб бориш жаноб Каупервуд учун ҳам, шаҳар ғазначиси учун ҳам жуда қийин иш бўларди. Жаноб Стинернинг ўзи кўрсатмаларида буни айтиб ўтди. Альберт Стайерс ҳам буни таъкидлади. Хўш, кейин-чи? Мана яна нима демоқчиман.

Дунёдаги қайси суд, қайси соғлом фикрлайдиган одам бундай шароитда ҳар хил банклар, амортизация фонди ва шаҳар кассасида бўлган бу жамғармалар билан жаноб Каупервуднинг шахсан ўзи шуғулланганига ёки ўзининг бош бухгалтерига: “Менга каранг, Стэпли, мана, сизга олтмиш минг долларга чек, бугуноқ ана шу суммага лойиқ сертификатларни амортизация фондига беришни ўйланг”, – дейиши мумкинлигига ишонади? Аҳмоқона тахмин! Албатта, ҳар бир тадбиркор одамда бўлганидек, жаноб Каупервуднинг ҳам ўз иш тизими бўлган. Топшириш муддати етиб келганда маълум чек ва сертификатлар лозим бўлган ерга топширилган. Жаноб Каупервуд чекни ўзининг бош бухгалтерига топширгандан сўнг у ҳақда бошқа эсламаган. Ахир шундай катта қўламда ишлайдиган банк ходими бошқача қилган бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш мумкинми?

Жаноб Стежер нафасини ростлаб олиб, савол беришларини кутиб жим турди. Бироқ саволлар тушмагани сабаб яна гапида давом этди:

– Тўғри, жаноб Каупервуд яқинда банкрот бўлишини билган деб эътироз билдириш мумкин. Бироқ жаноб Каупервуднинг таъкидлашича, бу нарса унинг хаёлига ҳам келмаган. Унинг ўзи ҳозиргина бу ҳақда охириги дақиқаларда билганини айтиб ўтди. У ҳолда жаноб Каупервуднинг қонуний ҳаққи бўлган чекни беришни ким рад қилиши мумкин эди? Бироқ бу ерда гап нимадалигини мен биламан. Ва агар эшитишга тайёр бўлсангиз, ҳаммасини тушунтириб бераман.

Стежер маслаҳатчиларга бошқа томондан таъсир ўтказишга ҳаракат қилиб кўрди.

– Бу жуда оддий. Чикаго ёнғинидан ва унинг ортидан келиб чиққан ваҳимадан кўркиб кетган жаноб Стинер, эҳтимол, айнан жаноб Каупервуднинг ўзи унга Филадельфия биржасида бўлаётган бу ҳодисалардан кўркмасликни маслаҳат бергани учун демак, жаноб Кау-



## Теодор Драйзер

первуд банкрот бўлиш арафасида экан-да деб ўйлаб қолгандир? Аслида Каупервуднинг банкирлик конторасида жаноб Стинернинг жуда паст фоизга анчагина маблағи бўлгани боис у жаноб Каупервудга ортиқ пул бермасликка, ҳатто унинг хизматлари учун тўланиши керак бўлган ва у икки ярим фоизли қарзга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган пулни ҳам бермасликка қарор қилади.

Жуда хунук нарса! Бироқ бунга жаноб Жорж Стинер аввалига жаноб Каупервуднинг банкрот бўлишига ҳеч қандай таъсир қилмаган ёнғин ва ваҳимадан сўнг ўзининг жонини ўйлаб кўрқиб кетгани сабаб бўлади. Модомики, у Фрэнк Каупервудга ҳатто унга тегишли бўлган пуллари ҳам бермасликка қарор қилган экан, демак, шаҳар маблағларидан шахсий манфаати йўлида (тўғри, жаноб Каупервуднинг маклер сифатидаги воситачилигида) фойдаланган Стинер ўзининг фош бўлиши ва жазоланишидан кўркади. Сўрашга рухсат беринг, муҳтарам маслаҳат кенгаши аъзолари, жаноб Стинернинг бу қарори ақлдан эдими? Сиз бу қарорни қандай тушунган бўлардингиз? Бу ерда тилга олинган заём сертификатларини сотиб олган пайтда жаноб Каупервуд ҳали шаҳар агенти эдими? Албатта, ҳа. У ҳолда бу олтмиш минг долларлик чекка унинг ҳаққи бормиди? Бу борада баҳслашадиган бирорта одам топиладими? У ҳолда нега унинг ҳуқуқлари ва виждонлилигига шубҳа уйғоняпти? Бундай гаплар ўзи қаердан пайдо бўлди? Бунга ўзим айта оламан. Бу саволлар фақат биргина сабаб – маҳаллий сиёсий арбобларнинг Республикачилар партиясидан шубҳани олиб ташлаб, бутун айбни бошқа бир одамга тўнкашлари учун юзага келган. Муҳтарам жаноблар, балки, назарингизда шаҳар ғазначилиги агенти жаноб Каупервудни қонуна ўзига тегишли бўлган пулни талаб қилганликда айблаш ҳақидаги ғайритабиий қарор сабабларини жуда узоқдан қидираётганга ўхшарман. Бироқ ўша пайтда Республикачилар партиясини қандай

вазиятда қолганини ҳисобга олинглар. Бу воқеа сайловлар арафасида бўлса, шаҳар ғазнасида шунча кўп камомад чикқани ҳақидаги тафсилотлар овоз бериш натижаларига салбий таъсир қилган бўларди. Республикачилар партияси шаҳар ғазначиси ва округ прокурори лавозимига, албатта, ўз одамларини ўтқазishi керак эди. Чунки Республикачилар раҳнамолари ўртасида шаҳар ғазначиси ва унинг шерикларига шаҳар маблағидан жуда паст фоизда ссуда бериш орқали даромад олиш анъана тусига кирганди. Бунинг ҳам ўз сабаби бор – уларнинг маошлари кам эди ва шундан келиб чиқиб, тузукроқ яшаш учун маблағ топишлари керак бўларди. Шаҳарга тегишли пулларни қарзга бериш одати учун жаноб Стинерни жавобгар деб ҳисоблаш мумкинми? Ҳеч қанақасига! Жаноб Каупервуд бунга жавобгарми? Асло! Ахир бу тажриба жаноб Каупервуд ва жаноб Стинерлардан анча олдин бошланганди. Унда бу шовқин-сурон нега энди кўтариляпти? Чунки Стинер ҳам, Республикачилар партияси раҳнамолари ҳам сайловлар олдидан кирдикорлари очилиб қолишидан кўрқишган. Шу пайтгача бирорта шаҳар ғазначисини бундай ҳаракатларда айбдор қилишмаган. Жаноб Стинер фойдаланган виждонсиз услубларнинг очилиб қолиши кенг омма учун ҳайратомуз янгилик бўларди. Чикаго ёнғини ва унинг натижасида бошланган биржадаги ваҳималар шаҳримиздаги кўплаб молия идораларининг, жумладан, жаноб Каупервуднинг ҳам қарзларни тўлай олиш лаёқати ва инкирозга бардошлилигига зарба бериш хавфини юзага келтирганди. Кўплаб сармоядорлар олдида банкрот бўлиш хавфи туғилди, жаноб Каупервуд ҳам шундай вазиятда қолди. Банкрот бўлгач эса у Филадельфия шаҳридан шаҳар ғазначиси орқали имтиёзли шартларда – атиги икки ярим фоизли миқдорда олган беш юз минг долларга қарз бўлиб қоларди. Балки, бу жаноб Каупервудни салбий томондан кўрсатаётгандир? Балки, шаҳар ғазначисининг олдида унинг ўзи бориб, икки ярим фоизли қарз беришни

## Теодор Драйзер

сўрагандир? Бироқ шундай бўлганда ҳам, иш нуктаи назаридан бунинг нимаси жиноят? Ахир қаердан бўлса ҳам, қанча фоиздан бўлса ҳам қарз олишга ҳаммининг ҳуқуқи йўқми? Жаноб Стинерни жаноб Каупервудга пул беришга мажбурлашганми? Бугун жаноб Стинернинг кўрсатма беришича, унинг ўзи биринчи бўлиб жаноб Каупервудни ҳамкорликка таклиф қилган. Марҳамат қилиб айтинглари, ўғрилиқда, камомадда, ишонган одамнинг мулкини ўзлаштириб олишда ва бошқа нарсаларда айблаш деган гаплар қаердан чиқди?

Мухтарам жаноблар, яна бир бор диққат қилишларингизни сўрайман. Жаноб Стинернинг орқасида турган одамларга, унинг ҳаракатларини бошқариб турадиган шахсларга сиёсий обрўларини сақлаб қолишлари учун балогардон қурбон керак эди ва уларнинг қўлларига айнан Фрэнк Алжернон Каупервуд тушиб қолди. Мана шу, холос. Бошқа сабаби йўқ, бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар жаноб Каупервуд қийинчиликларни енгиш учун ўша пайтда пулга зор бўлган бўлса, у ҳолда унга қарз бера туриб, ҳамма ишни унутиб юбориш керак эди. Бу, албатта, улар қилган бошқа қонунбузарликлар сингари ноқонуний, бироқ анча хавфсиз бўларди. Лекин, ҳурматли маслаҳат кенгаши аъзолари, кўрқув, иродасизлик ва инқирознинг юзига тик қарай ола билмаслик уларнинг бундай қилишларига ҳалал берди. Улар шу пайтгача ўз ишончларига хиёнат қилмаган, вафодорлиги ва жуда кучли молиявий иқтидори сабаб уларга ва шаҳар ўз-ўзини бошқарувига кам фойда келтирмаган одамга ишонишдан кўрқишди. Собиқ шаҳар ғазначисининг эса ўз сафдошига содиқ қолишга, унинг банкрот бўлишига ишонмасликка юраги дов бермади, у – ўзи рад қилмаётганидек, ўз жонини қутқара туриб, жаноб Каупервуддан аслида кўпроқ қисми унинг ўзи, яъни Стинернинг манфаати учун ишлатилган беш юз минг долларни ёки унинг кўпроқ қисмини талаб қилишни афзал кўрди ва бунинг устига, менинг химоямда-

ги одам келишув бўйича облигациялар сотиб олишга ишлатган пулни ўрнига қўйишдан бош тортди. Жаноб Каупервуд қилган ишлардан бирортаси ноқонунийми? Йўқ, ноқонуний эмас. Жаноб Каупервудга айни пайтда банкрот бўлгани боис ҳозир қайтара олмайдиган бу беш юз минг доллар учун ўз вақтида айб қўйилганмиди? Йўқ, қўйилмаганди. Ҳамма гап шундаки, Жорж Стинер кўркиб кетган, Республикачилар партиясининг раҳнамолари эса ғазначиликдаги камомаддан хабар топиб, ғазначини четга олиб, бутун жавобгарликни партия сафида бўлмаган одамга ағдармоқчи бўлишган. Бугун жаноб Каупервуднинг кўрсатмаларини эшитдингиз: у жаноб Стинернинг олдига айни шу нарсанинг олдини олиш учун борган экан. Ва айнан унинг жаноб Стинерга қилган огоҳлантиришдан сўнг у ҳаяжонланиб кетиб, ўзини тута олмай қолди ва жаноб Каупервуддан ўзи унга икки ярим фоизли ҳисобда қарз берган беш юз минг долларни қайтариб беришни талаб қила бошлади. Ахир молиявий нуқтаи назардан бу ўтакетган тентаклик эмасми? Гап йўқ: бутунлай қонуний бўлган ссудани қайтаришни талаб қилишнинг айни вақти!

Бироқ мен ҳозир яна устида шов-шув бўлаётган олтмиш минг долларлик чекка қайтмоқчиман. Жаноб Стинер бу ерда кўрсатма бериб ўтдики, жаноб Каупервуд банкрот бўлиши арафасида унинг олдига келганида, ғазначи унга ссуда беришни бутунлай рад қилган экан ва шунда жаноб Каупервуд гўё уни огоҳлантирмаган ҳолда ва унинг розилигисиз ғазначининг бошқарувчиси ҳамда бош бухгалтери Альберт Стайерсни унга ўзининг ҳаққи бўлмаган олтмиш минг долларга чек ёзиб беришга кўндирибди, Стинер буни билганида, ҳеч қачон унга чек беришга рухсат бермаган бўларкан. Бўлмагур гап! Стинер қандай қилиб бу ҳақда билмаслиги мумкин? Бухгалтерлик китоблари ғазначиликда турган ва у истаган вақтда улардан қараб олиши мумкин эди. Жаноб Стайерс эртаси куни тонгдаёқ уни воқеадан хабардор қилган. Жаноб Каупер-

## Теодор Драйзер

вуд эса чекни эсидан чиқариб бўлган, чунки бу пулни олишга ҳақли эди ва банкрот бўлганига қарамай, истаган судида ушбу суммага ижро варақаси олиши мумкин эди. Жаноб Стинернинг ўша чекнинг берилишини кечиктириб турардим деб таъкидлаши шунчаки кулгили. Бу фикрга, албатта, унинг хаёлига эртаси куни, сиёсий ҳаммаслақлар билан гаплашгач, нима қилиб бўлса ҳам Республикачилар партиясидан шубҳаланмасликларига эришишга қарор қилинганидан кейин келган бўлса керак. Ушбу ишнинг тарихи мана шу воқеалар билан бошланганди. Ва жаноб Каупервуднинг жазоланишини жуда ҳам истаётганлар бу нарсани жуда яхши тушунишларига ишончингиз комил бўлиши мумкин.

Стежер бироз жим туриб, Шеннонга маъноли қараб кўйди.

– Жаноб маслаҳатчилар! – гапининг охирида сокин ва жарангли овозда мурожаат қилди у. – Маслаҳат кенгаши хонасида бу ишни муҳокама қилишни бошлаганингизда ўғрилиқ, камомад, олтмиш минг долларлик чекни ўзлаштириб олиш, яъни айбловнинг барча пунктлари округ прокурорининг бу ишларни жиноят деб ишонтиришга уриниши эканлигига ва кўрқоқ сиёсатдонларнинг жаноб Каупервуд ҳисобига ўз жонларини қутқаришга интилаётганига, бошқачасига айтганда, виждонсиз одамларнинг бир мақсадда сувдан куруқ чиқиш учун ўйлаб топган баҳонаси эканига ишонч ҳосил қиласиз. Улар Пенсильваниядаги Республикачилар партиясидан аъзоларида партиянинг тепасида турганлар ва уларнинг Филадельфияда хўжайинчилик қилишлари тўғрисида нотўғри хулоса пайдо бўлишидан кўрқишади. Улар кучлари етганча Жорж Стинерни ҳимоя қилиб, бутун айбни менинг ҳимоямдаги шахсга тўнкамоқчи бўлишяпти. Бироқ бундай бўлиши керак эмас ва бундай бўлмайди ҳам! Виждонли ва соғлом фикрловчи одамлар сифатида бу ишнинг шундай тугашига йўл қўймайсизлар. Шу билан мен тоза виждон билан ўз нутқимни тугаллайман!

Стежер маслаҳатчилардан кескин ўтирилиб, Каупервуднинг ёнидаги ўрнига қараб кетди. Энди Шеннон – ёш, вазмин, бакуват ва тиришқоқ прокурор ўрнидан кўтарилди.

Очиғини айтганда, Шенноннинг Каупервуд ҳақидаги фикри Стежер билан бир хил бўлиб, “пул қилиш” учун қилган усуллари учун уни айбламаётганди. Қайтага ўзи ҳам Каупервуднинг ўрнида шундай қилган бўлиши ҳақида ўйларди. Бироқ у эндигина округ прокурори қилиб сайланганди. У ўзини кўрсатиши ва ўз хўжайинларига ниманидир исбот қилиши, яъни ушбу шароитда Каупервуд ҳукм қилиниши керак деб ҳисоблаётган Республикачилар партияси раҳнамолари кўзига яхши кўриниши керак эди. Шунинг учун Шеннон тўсиққа қўлини тираганча маслаҳатчиларга тикилиб қаради ва бир қанча нарсаларни хаёлидан ўтказганча гап бошлади:

– Муҳтарам маслаҳатчилар кенгаши аъзолари! Назаримда, бугун бу ерда аниқланган нарсаларга чуқурроқ қарайдиган бўлсак, у ҳолда аниқ битта, айтган бўлардимки, бутунлай тўғри хулосага келиш қийин эмас. Фақат фактларга виждонан ёндашиш керак бўлади. Айбланувчи жаноб Каупервуд, айтиб ўтганимдек, ўғрилиқда, ишонган одамнинг мулкани ўзлаштириб олишда, камомад ва яна кўшимча – бир минг саккиз юз етмиш биринчи йил тўққизинчи октябрда “Каупервуд энд Компани” номига шаҳар ғазначилиги канцелярия бошқарувчисининг шаҳар ғазначиси номидан, бироқ ўз имзосини кўйиб ёзиб берган чеки билан олган олтмиш минг долларни сарфлаб юборишда айбланияпти. Жаноб Каупервуднинг таъкидлашича, у бу пайтда нафақат қарзини бемалол тўлашга қодир бўлган, балки чиндан ҳам олтмиш минг долларга шаҳар заёми сертификатларини сотиб олган ва уларни шаҳар амортизация фондига депозитга ўтказган ёки яқин орада ўтказмоқчи бўлган. Бу нарса оддий ҳолат, яъни “Каупервуд энд Компани”нинг биржада ишончнома

## Теодор Драйзер

орқали шаҳар заёми облигацияларини сотиб олиб, уларни амортизация фондига топшириш ва кетган суммани тезлик билан ўрнига қўйиш келишуви саналган бўларди. Энди эса, жентльменлар, бу иш аслида айнан қандай бўлганини кўриб чиқамиз.

“Каупервуд энд Компани” чиндан ҳам, – айтганча, бугун ўзингиз гувоҳ бўлаётганингиздек, ҳеч қандай компания йўқ, фақат Фрэнк Каупервудгина бор, демак, айтиб ўтганимиз – Фрэнк А. Каупервуднинг бу чекни ёздиришга ҳаққи бормиди? Бошқача айтадиган бўлсак, ўша пайтга ҳам у шаҳар вакили эдими ёки йўқми? У қарзларини тўлашга кодирмиди? Шунингдек, ўзига банкротлик хавф солаётганини у билганми ёки йўқми ва бу ҳодисага қонун, ахлоқ ва бошқа жиҳатлар билан қараладиган бўлса, қилаётган ишининг натижалари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдан, ўзининг молия дунёсидаги мавқеини қутқариш учунгина худди чўкаётган одам чўпга ёпишгандек, олтмиш минг долларлик чекка ёпишиб олмаганми? Ёки у чиндан ҳам шаҳар заёми сертификатларини ўзи кўрсатган миқдорда, ўша пайтда ва ўзи айтган тартибда қонунан олганми? У шаҳар заёми сертификатларни чиндан ҳам амортизация фондига топширмоқчи эдими ёки бундай режаси йўқмиди? Ана шу олтмиш минг долларлик чекни олган кун унинг шаҳар ғазначиси билан муносабатлари олдингидек эдими ёки ўзгарганмиди? У чекни олгунга қадар чорак соат илгари, икки кун, икки ҳафта – бу ерда вақт роль ўйнамайди, ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат натижасида уларнинг ҳамкорлиги тугатилмаганмиди?

Сизларга маълумки, истаган ишбилармон, агар тузилган битимда вақт кўзда тутилмаган бўлса, истаган пайтда ўртадаги битимни рад қилиши мумкин. Ишни кўриб чиқаётганда бу ҳолатни ҳисобга олишингизни сўрайман. Жорж Стинер ўшанда, бир минг саккиз юз етмиш биринчи йил тўққизинчи октябр кун, яъни

Каупервудга олтмиш минг долларга чек берилишигача, Фрэнк Каупервуднинг жуда қийин аҳволда экани ва ўзининг битим бўйича мажбуриятларини батафсил бажара олмаслигини билатуриб ёки тахмин қилиб, ўрталаридаги келишувни тўхтатганмиди? Яна бир нарсани аниқлаш керакки, жаноб Фрэнк Алжернон Каупервуд ортиқ шаҳар агенти эмаслигини ва яна қарзларини тўлашга кодир эмаслигини – жаноб Стинер унинг ўзи буни тан олганини таъкидлапти – билатуриб ва гўёки амортизация фонди учун олинган сертификатларни фондга топширмасликни режалаштирган ҳолда жаноб Стинернинг канцеляриясига кириб, унинг секретарига олтмиш минг долларлик шаҳар заёми сертификатларини сотиб олганини айтади ва унга чек ёзиб беришларини сўраб, хотиржамлик билан чекни чўнтагига солиб, бу суммани шаҳарга қандай қайтиб бериш тўғрисида ўйламай ҳам чикиб кетади. Ва йигирма тўрт соат ўтиб юқорида айтиб ўтилган суммадан ташқари яна ўзи илгари шаҳар ғазначилигидан олган беш юз минг доллар миқдорида шаҳарга қарз бўлган ҳолда банкрот бўладими? Бу иш бўйича қўлимизда қандай далиллар бор? Бу ерда гувоҳлик қилганлар нималар дейишди? Жорж Стинер, Альберт Стайерс, Жирард миллий банки бошқаруви раиси жаноб Дэвисон ва жаноб Каупервуднинг ўзи нималар деяпти? Бу иш бўйича бор нарсаларни таққослайдиган бўлсак, қандай манзара ҳосил бўлади? Муҳтарам, маслаҳат кенгаши аъзолари, олдингизда ўзига хос муаммони ечиш вазифаси турибди!

Шеннон жим бўлиб қолди; ўтирганларга бир назар солиб, манжетларини тўғрилаб қўйди: бу ишларнинг ҳаммасини у шаҳарнинг ҳурматли одамлари ишончига кириб олиб, лақиллатиб кетган эпчил, қўлга тушмас жинойтчининг изига тушган одам каби бажарарди. Сўнгра яна гапида давом этди:

– Демак, жентльменлар, бу фактлар қандай? Бу иш қандай содир бўлганини эшитдингиз. Сизлар соғлом



## Теодор Драйзер

фикрловчи одамсиз. Сизларга тушунтириб ўтиришимнинг хожати йўк. Олдингизда иккита одам турибди: бири Филадельфия шаҳри томонидан шаҳар ғазначиси ўрнига сайланган, ўз шаҳрининг манфаатларини ҳимоя қилишга ва молия ишларини шаҳар учун фойдали тарзда олиб боришга қасамёд қилган одам; иккинчиси эса – турғун бўлмаган молиявий шароит сабаб қийин бўлган муаммоларни ҳал қилишда – мен бу масалада бахслашмоқчи эмасман – ёрдам беришни сўраб мурожаат қилинган маклер. Улар бир-бирлари билан киши билмас молиявий битим тузишади ва бунинг натижаси қатор ноқонуний битимлар пайдо бўлиб, мана бу икки одамдан бири – акклироқ ва айёрроғи ва Учинчи кўчанинг ҳамма туйнукларидан хабардорроқ бўлгани иккинчисини маблағини тикишнинг хавфли йўллариغا етаклайди, натижада уни (майли, атай қилган демай кўя қоламин) хонавайронликка, жамият олдида шармисор бўлишга олиб келади. Шундан сўнг тутган ўрни масъулиятлироқ бўлган одам, яъни Филадельфия шаҳрининг ғазначиси энди ўз ишонган одами ортидан боришга ортиқ юраги дов бермайди. Ва мана, олдимизда жаноб Стинер ўз кўрсатмаларида тасвирлаб берган манзара пайдо бўлади: очкўз ва аёвсиз молия бўриси бу найрангларда ҳеч нарса тушунмайдиган титраб турган бечора тижорат кўзичогига оғзини очиб ириллайди: “Агар бу пулларни, яъни менга керак бўлиб турган уч юз минг долларни бермайдиган бўлсанг, сени қамоққа тикишади, болаларингни кўчага ҳайдашади, хотининг ва бутун оиланг яна оч қолади ва сенга ёрдам бериш учун ҳеч ким пинагини ҳам бузмайди!” Жаноб Стинернинг айтганларига кўра, жаноб Каупервуд унга шундай деган. Ўзим бунга шубҳа қилмайман. Жаноб Стежер бу ерда иш унинг мижозига тегишли бўлгани учун жуда чиройли гаплар билан жаноб Каупервудни қандай олийжаноб, самимий ва эҳтиёткор, деярли зўрлаб икки ярим фоиз ҳисобидан беш юз минг доллар қарз

олишга мажбур қилишган одам сифатида тасвирлаб берди. Учинчи кўчада эса талабгир ссудалар ўндан ўн беш фоизгача, ҳатто ундан кўп даромад келтиради. Бироқ бунга ишонгим келмаяпти. Мана шундай илтифотли, самимий, ўз хўжайинига ёқишга ҳаракат қиладиган камтаргина ёлланма агент бўлган одамнинг шу ҳодисадан уч кун аввал жаноб Стинернинг олдига қўлида олтмиш минг долларлик чек билан келиб, унга “агар шаҳар маблағидан яна уч юз минг доллар бермасангиз, мен банкрот бўламан, сиз эса қамоққа тушасиз. Бундан қутулиб кета олмайсиз” дейиши менга ғалати туюляпти. Жаноб Стинер бу гапларни қасам ичиб айтди. Бу одамнинг гапларига диққат қилинг: “Мен банкрот бўламан, сиз эса қамаласиз. Мен фақат агентман, холос”. Тушунмаяпман: бу юмшоққина, кўнгилчан, яхши тарбия кўрган агентнинг гапларими ёки безбет, айёр, такаббур, буйруқ беришга ўрганган ва нима қилиб бўлса ҳам ғалаба қилишга тиришаётган ёвуз одамнинг гапларими?

Ҳурматли маслаҳат кенгаши аъзолари, бу ерда жаноб Стинерни ҳимоя қилмоқчи эмасман. Менимча, у ўзининг бу такаббур, ўзига бино қўйган, шаҳар ғазначисининг олдига қўй терисини ёпиниб олган бўридек бой бўлиш мақсадида уни нотўғри йўлга бошлаш учун келган сармоядор шеригидан, агар кўпроқ бўлмаса, кам айбдор эмас. Бироқ ҳозир ёнгинамда жаноб Каупервудни бировларнинг хизматини қиладиган кўнгилчан, оққўнгил, юмшоқ одам деб тасвирлашганида, титраб кетяпман!

Муҳтарам маслаҳат кенгаши аъзолари, ҳамма нарсани тўғри тушуниш учун ўн ёки ўн икки йиллар илгари жаноб Стинер камбағал, сиёсат дунёсида янги одам бўлиб юрганида бу эпчил, қув биржачи унинг олдига келиб, унга шаҳар маблағидан қандай қилиб пул ишлаш йўлини ўргатганини эсга олиш керак. У пайтда Жорж Стинерни, худди янги шаҳар ғазначиси билан биринчи марта кўришган Фрэнк Каупервуд каби ҳеч ким танимасди.

## Теодор Драйзер

Мен бу одамни – айёр тулкини яккол кўз олдимга келтиряпман. Мана у – келишган, ёш, ажойиб кийинган йигит, Стинернинг олдига келиб, “Менга ишонинг! Шаҳар заёми билан ишлашга рухсат беринг, шаҳар пулларини икки ярим, балки ундан ҳам камроқ фоиз қилиб қайтариш шарти билан менга беринг!” деяпти. Бу манзарани кўз олдингизга келтириш қийинми? Уни бу ролда тасаввур қила олмаяпсизми? Жорж Стинер шаҳар ғазначиси ўрнига ўтирганида камбағал, ҳатто жуда қашшоқ эди. У бир бечораҳол, йилига икки ярим минг маош оладиган кўчмас мулк сотиш ва суғурга агенти эди. Хотини ва тўртта боласини боқиши кераклиги учун бойлик ва ҳашамат деган нарсалар тўғрисида тасаввури ҳам йўқ эди. Бироқ жаноб Каупервуд пайдо бўлади, тўғри, ўз ҳолича эмас, жаноб Стинернинг ўзи уни иш юзасидан таклиф қилган. Бироқ у пайтда бу ишдан ўз манфаати учун фойдаланиш жаноб Стинернинг хаёлида ҳам йўқ эди. Ва жаноб Каупервуд шаҳар ғазначисига уларнинг икковларини ҳам бой қилиши мумкин бўлган шаҳар заёмларини бошқариш режасини кўрсатади. Бу ерда гувоҳ сифатида ҳозиргина жаноб Стинер айтиб ўтган кўрсатмаларга асосланиб, сиз бой бўлишнинг шунчалик айёрона режасини ғазначининг ўзи тузиб, мана бу жентльменга берганини тасаввур қила оласизми?

Шеннон қўли билан Каупервудни кўрсатди.

– Жаноб Стинер мана шу жентльменга молия бўйича бирор янгилик ёки мураккаб биржа комбинацияларини ўргата оладиган одамга ўхшайдими? Жаноб Стинернинг ишониш қийин бўлган операциялар (натижада булар иккови яхшигина бойлик орттиргани)ни ўйлаб топа олишига ишонасизларми? Жаноб Каупервуд банкрот бўлганидан сўнг кредиторларига айтган маълумотига кўра, бир неча ҳафта олдин у ўз бойлигини бир миллион икки юз эллик минг долларга баҳолаган, бироқ у яқиндагина энди ўттиз тўрт ёшга тўлди. Шаҳар ғазначиси билан иш

бошлашганида унинг мулки канчани ташкил этарди? Сиз буни билмайсиз-а? У ҳолда мен айтаман. Тахминан бир ой аввал, ушбу лавозимга энди ўтган пайтимда, шу масала бўйича ахборот беришларини сўрагандим. Натижа нима бўлди денг: у пайтда жаноб Каупервуднинг бор мулки икки юз эллик минг доллардан ошмаганди. Икки юз эллик минг доллар эди, холос! Менда “Дан энд компани” банкирлик контораси китобининг ўша йил учун ҳисоб-китоб ёзувларидан кўчирма бор. Бу кўчирма бўйича сиз бу янги пайдо бўлган императорнинг мол-мулки қандай тез ўсиб борганига гувоҳ бўлишингиз мумкин! Охирги бир неча йил давомида у қанча маблағ орттирди! Бирок, эҳтимол, Жорж Стинернинг бойлиги ҳам у ўз мансабидан олиниб, камомад учун судга тортилгунга қадар бундан кам бўлмаган бўлиши мумкиндир? Нима деб ўйлайсиз? Мана, унинг ўша пайтга қадар актив ва пассивлари ҳақидаги маълумот. Ўз кўзларингиз билан ишонч ҳосил қилишингиз мумкин! Уч ҳафта аввал унинг бойлиги икки юз йигирма минг долларни ташкил қилган ва бу маълумотни тўғри деб айтиш учун етарли асосларим бор. Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан жаноб Каупервуд шунчалик тез бойиган, жаноб Стинер эса жуда секин? Ахир улар бу жиноятда шерик-ку! Жаноб Стинер шаҳарга тегишли пуллардан жаноб Каупервудга сахийлик билан икки ярим фоизли қарз бериб турган, Учинчи кўчада эса бу пайтда талаб қилиб олинадиган ссудаларга ўн олти-ўн етти фоиздан тўлашган. Жаноб Каупервуднинг унга жуда арзонга тушган пуллардан фойда қилиш учун иложи борича кўпроқ фойдалана олганига бирорта одам шубҳа қилмаса керак. Ёки бу инсон катта ишларни қила оладиганга ўхшамайдими? Ҳозиргина ўзингиз уни кўрдингиз, кўрсатмаларини эшитдингиз. Қандай хушмуомала, очикюз ва юраги тоза инсон бўлиб кўринди! У гўё фақат жаноб Стинерга ва унинг дўстларига яхшироқ хизмат қилиш ҳақида ўйлаган эмиш, бирок олти йил ичида

## Теодор Драйзер

Ўзи миллиондан кам топмабди-да, бироқ жаноб Стинерга бойиш учун бир юз олтмиш мингдан ортиқ бермабди, улар ҳамкорга айлангунича жаноб Стинернинг бироз маблағи бор эди.

Шеннон энди нутқининг асосий жойига, яъни тўқ-қизинчи октябрь куни Каупервуд Стинернинг олдидан чиққандан сўнг Альберт Стайерсдан олтмиш минг долларга чек ёздириб олган пайтга келганди. Прокурорнинг шундай жинояткорона ва ҳийлагарлик билан қилинган ҳаракатга нисбатан ҳайратининг чеки йўқ эди – ҳар холда, тингловчиларга шундай кўринди. Бу очик кўриниб турган, ўз номи билан ўғрилиқ дея аталувчи жиноят ва Каупервуд Стайерсдан чек ёзиб беришни сўраганида нима қилаётганини жуда яхши билган!

– Ўзингиз ўйлаб кўринг! – Шеннон орқасига ўгирилиб, унга хотиржамлик билан сира хижолат бўлмай тикилиб турган Каупервудга қаради. – Бу одамнинг ўзини тута олишига каранглар: ҳийлакорликда Макиавелли<sup>1</sup> дан қолишмайди. У банкрот бўлиши аниқлигини билган. Уни ўз хийлаларини давом эттириш имконидан айирадиган хавфнинг олдини олиш учун икки кунлик беҳуда ҳаракатларидан кейин бу одам уни қутқара оладиган биргина манба қолганини тушунади, яъни шаҳар ғазначилиги! Агар у бу ердан ҳам ёрдам топа олмаса, банкрот бўлиши аниқлигига ақли етади. У бусиз ҳам шаҳар кассасидан беш юз минг доллар қарз эди ва шаҳар газначисидан тилсиз қурол сифатида фойдаланиб, уни шунчалик чигаллаштириб ташлагандики, Стинер бундай катта қарзни кўриб, даҳшатга тушади. Хўш, бу нарса жаноб Каупервудни тўхтатиб қола олдимиз? Асло!

Шеннон ғзаб билан Каупервудга бармоғини ниқтади, Каупервуд эса алам билан тескари ўгирилди.

– Нима қилиб бўлса ҳам яхши кўринмоқчи! – адвокати-га шивирлади у. – Маслаҳатчиларга шуни айтиб қўйинг.

---

<sup>1</sup> XVI асрда яшаган италян файласуфи ва ёзувчиси. – *Тарж. изоҳи.*

– Бажонидил айтган бўлардим, – истехзо билан деди Стежер, – бироқ менга бошқа сўз беришмайди.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, – маслаҳатчиларга ўгирилиб, яна гапида давом этди Шеннон, – ҳозиргина олтмиш минг долларга сертификат олдим ва тезлик билан менга тегишли бўлган пулга чек олишим керак, дейиш учун одам қанчалик очкўз бўлиши керак?! У бу сертификатларни чиндан ҳам сотиб олганми? Ким билади? Жаноб Каупервуднинг чалкашиб кетган ҳисоботлар лабиринтини тушуна оладиган одам бу дунёда йўқ. Бироқ у ҳатто ўша сертификатларни олган тақдирда ҳам, шаҳарга бундан ҳеч қандай фойда йўқ эди, чунки жаноб Каупервуд улар бўлиши керак бўлган амортизация фондига қимматли қоғозларни топширишни ўйламаган ҳам. Унинг ҳимоячиси ва жаноб Каупервуднинг ўзи ҳам айтганларига кўра, у бу ишни кейинги ойнанинг биринчи санасигача бажаришга мажбур эмас экан, қонун бўйича эса бу операция тезлик билан амалга оширилиши керак эди ва айбланувчи буни жуда яхши билади. Ҳимоячи ва айбдорнинг таъкидлашларича, уни банкрот бўлиш кутаётганини гўёки ўзи билмаган. Шунинг учун бу сертификатлар ҳақида қайғуриб ўтириш шарт бўлмаганмиш. Ҳурматли жентльменлар, ичингизда бирортангиз бунга ишонасиз деб ўйламайман. Жаноб Каупервуд ўзининг бутун молиявий фаолияти давомида чек олишга шошган пайтлари илгари ҳам бўлганми? Унинг жинояткорона ишлари тарихида бошқа шунга ўхшаган воқеани учратдингизми? Бундай бўлмаганини ўзингиз жуда яхши биласиз. Ҳаётида у бирор марта ҳам чек учун ўзи келмаган. Бироқ бу сафар ўз қўли билан олишга келибди. Буни қандай тушунтириш мумкин? Бундай шошилишнинг қандай сабаби бор эди? Жаноб Каупервуднинг гапларига кўра бир неча соат кечикиш ҳеч қандай роль ўйнамасди. У чекни олиб келиш учун идорасидаги биронта хизматчисини юбориши мумкин эди. Доим шундай қилинган. Нега бирдан ҳаммаси

## Теодор Драйзер

Ўзгариб кетди? Негалигини ҳозир айтиб бераман!.. – Шеннон овозини баланд кўтарди. – Негалигини мен айтаман! Каупервуд хонавайрон бўлганини билган! У нажот топишнинг озми-кўпми қонунийроқ йўли, яъни Жорж Стинернинг ёрдам берадиган эшиги энди унинг учун ёпиқлигини билган! У Филадельфия шаҳар ғазначилигидан ҳалол йўл билан, тўғри келишиб олиш билан энди бир доллар ҳам ола олмаслигини билган! У агар ғазначилик канцеляриясидан чекни олмай кетиб, кейин биронтасини юборадиган бўлса, ғазначи тушуниб қолиб, ўз хизматчиларини огоҳлантириб қўйишини, Каупервуд кейин бу пулларни ололмаслигини билган! Мана, у нима учун шошган! Энди, хурматли маслаҳатчилар кенгаши аъзолари, ҳақиқатни биласиз! Энди мен жаноб Каупервуднинг химоячиси жаноб Стежернинг гапига кўра, агар айбласангиз ўта адолатсизлик бўладиган бу номусли, хушмуомала фуқарони айбловчи нутқимни тугалламоқчиман. Мен фақат кўшимча қилиб айтмоқчи эдимки, сизларни мамлакатимиздаги ҳар қандай соҳада мавжуд бўлган соғлом фикрловчи, ақлли одамлар деб биламан; бошқача айтганда, сиз ишбилармон ва тоза америкаликларсиз. Демак, (Шеннон яна писмиқлик билан давом этди) мен фақат шуларни айтиб ўтмоқчиман: агар ҳозир бу ерда эшитганларингиз ва кўрганларингиздан кейин ҳам жаноб Каупервудни виждонли одам, у Филадельфия шаҳри ғазначилигидан атай олтмиш минг долларни ўғирламаган, у чиндан ҳам шаҳар заёми сертификатларини сотиб олган ва ўзининг таъкидлашича, уларни амортизация фондига топширмакчи бўлган деб ҳисоблашда давом этсангиз, у ҳолда уни озодликка қўйиб юборишга тўғри келади. Майли, у тезроқ Учинчи кўчага бориб, чалкашиб кетган молиявий ишларини тартибга солиш билан шуғуллансин. У ҳолда сизларни адолатли кимсалар сифатида жаноб Стежер айтиб ўтганидек, унга етказилган озорларни юмшатиш учун уни тезроқ

озодликка чиқариб юбориб, ўз жамоамизга қабул қилишимиз керак. Агар сизлар шундай фикрда бўлсангиз, уни тезроқ айбсиз деб эълон қилишингиз керак. Жорж Стинернинг тақдири сизни безовта қилмай қоя қолсин! Бу одамнинг айбдорлигини ўзининг кўрсатмалари исбот қилиб турибди. У ўзини гуноҳкор деб тан олди. Яқин орада ишини такрор кўриб ўтирмасдан унга суд ҳукми чиқарилади. Бирок бу одам – Фрэнк Алжернон Каупервуд, ўзининг беғараз ва виждонли эканлигига даъво қияпти. Унинг таъкидлашича, яқинда банкрот бўлишидан беҳабар бўлган экан. Унинг таъкидлашича, кўрқитиш, мажбур қилишга уринганининг сабаби банкрот бўлишини сезгани эмас, бошқа ердан ёрдам қидиришга вақт кетказишни хохламагани экан. Бунга нима дейсизлар? Ёки сиз унинг чиндан ҳам олтмиш минг долларга шаҳар заёми сертификатлари сотиб олгани ва бунинг учун у пул олиши керак бўлганига ишондингизми? Шундай экан, нега у бу қоғозларни амортизация фондига топширмаган? Улар шу пайтгача амортизация фондида мавжуд эмас, олтмиш минг доллар ҳам йўқ. Бу пуллар қаерга кетди? Улар жаноб Каупервуднинг кредити юз минг доллардан ошиб кетган Жирард миллий банкига кетган! Ушбу банк олтмиш мингта қўшимча равишда яна қирқ минглик бошқа чек ва облигациялар олганми? Албатта, олган. Нега шундай бўлган? Жирард миллий банк бошқаруви энди жаноб Каупервуд банкрот бўлишидан салгина олдин унга кўрсатган кичкинагина хизмати учун ундан миннатдор бўлиши кераклиги хаёлингизга келмаяптими? Сиз бу банкнинг бошқарув раиси жаноб Дэвисон – унинг жаноб Каупервудни ҳар қанақасига ҳимоя қилмоқчи бўлганини эшитдингиз, шунинг учун ҳам у жаноб Каупервуд томонда деб ўйламаяпсизми? Бўлиши мумкин. Умуман, ўзингиз ўйлаб кўринг. Жентльменлар, жаноб Дэвисон жаноб Каупервудни ҳар қанақасига виждонли ва ҳалол одам деяпти, айбланувчининг ҳимоячиси жаноб Стежер ҳам



## Теодор Драйзер

шу фикрда. Сиз барча кўрсатмаларни эшитдингиз, энди ҳамма нарсани ўйлаб, тарозига солиб кўриш керак бўлади. Агар сиз бу одамни озодликка чиқармоқчи бўлсангиз, бу – сизнинг ишингиз.

Шу ерга келганда Шеннон чарчагандек қўлини силкиб кўйди.

– Сизлар – судьясиз. Мен бундай қилмаган бўлардим. Бироқ мен бор-йўғи ўз нонини огир меҳнат билан топадиган юристман, холос. Менинг фақат маслагим, эътиқодим бор. Сизнинг эътиқодингиз бошқача бўлиши мумкин – бу энди ўзингизга ҳавола (Шеннон яна деярли нафрат билан қўл силкиб кўйди). Шу билан сўзимни якунлайман ва эътиборингиз учун миннатдорлик билдираман. Масалани ҳал қилиш энди сизнинг ихтиёрингизда.

Шеннон улуғворлик билан ўгирилар экан, маслаҳатчилар гимирлаб қолишди. Зални тўлдириб ўтирган томошабинлар ҳам ҳаракатга келди. Судья Пейдерсон енгил нафас олди. Бу пайтга келиб бутунлай қоронғи тушган ва залда газчироқлар ёқилганди. Дераза ортида қор ёғарди. Судья чарчагандек ҳаракат билан қоғозларни варақлади, кейин тантанали тарзда маслаҳатчиларга мурожаат қилиб, улар бирин-кетин музокаралар хонасига кириб кетишди.

Каупервуд бўшаб қолган бутун зал бўйлаб юриб келиб, ўғлининг олдига яқинлашаётган отасига қаради.

– Мана, тез орада ҳаммаси аниқ бўлади! – деди у.

– Ҳа, – нафаси ичига тушиб кетган товушда деди катта Каупервуд. – Ҳаммаси яхши бўлади деб умид қиламиз. Бир неча дақиқа аввал бу ерда Эдвард Батлерни кўрдим.

– Шунақами?! – деди бу хабардан қаттиқ таъсирланган Каупервуд ажабланиб.

– Ҳа, ҳозиргина чиқиб кетди, – таъкидлади отаси.

Демак, ўйлади Каупервуд, жаноб Батлер унинг тақдирига шунчалик қизиқяптики, судга келишга ҳам эринмабди. Шеннон – унинг қўлидаги айтганини

бажарувчи қурол. Пейдерсон қай бир маънода унинг гумаштаси. Бу қарияни қизи масаласида мағлуб этиши мумкин эди, бироқ бу ерда, мабодо маслаҳатчилар бутунлай у, яъни Каупервуд томонида бўлишмаса, бундай қилиб бўлмайди. Агар улар йигитни айбдор деб топадиган бўлишса, Батлернинг гумаштаси Пейдерсон унга иложи борича кўпроқ ҳукм чиқаришга ҳаракат қилади. Беш йиллик қамоқ ҳазил гапми! Ишнинг шундай тугаши ҳақида ўйлаганида Каупервуднинг эти жимирлаб кетарди. Бироқ ҳали содир бўлмаган ишдан хавотир олиш керакмикин?

Стежер йиғитнинг олдига келиб, Каупервуднинг озодликда қолиш бўйича гаров вақти тугагани ва у энди иккалаларига таниш бўлган шериф Эдлей Жесперс назорати остида бўлишини айтди. Агар маслаҳатчилар уни оқламайдиган бўлса, у шикоят аризаси берилмагунга қадар шериф назорати остида қолади.

– Фрэнк, бунга камида беш кун кетади, – деди Стежер, – бироқ Жесперс – яхши йигит. Ўзини қандай тутишни билади. Агар омадимиз келса, у билан учрашиб ўтирмаймиз. Ҳозир эса сиз суд нозири орқасидан боришингиз керак бўлади. Бироқ умид қиламизки, хаммаси яхшилик билан тугайди ва уйга кетамиз. Эҳ, бу ишда ютишни жуда хоҳлаяпман, – қўшиб қўйди у. – Иккаламиз уларнинг устидан бир кулсак, зўр бўларди! Менимча, улар ўзларини жуда ёмон тутишди ва назаримда, буни маслаҳатчиларга етарлича тушунтириб бера олдим. Агар айблов ҳукми чиқариладиган бўлса, мен бу ишни қайта кўриб чиқишни сўраш учун бир талай сабаб топа оламан.

Стежер ўрnidан туриб Каупервуд ва унинг отаси билан бирга шерифнинг ёрдамчиларидан бири, кичик Каупервудга қоровуллик қилиши керак бўлган Эдди Зандерснинг кетидан юрди. Улар бинонинг ичкарасидаги “қоровулхона” деб аталадиган, судланаётганлар маслаҳатчиларнинг мунозаралар хонасидан чиқишини кутиб ўтирадиган хонага киришди. Бу шифти баланд, ойналари

## Теодор Драйзер

Честнат кўчасига караган ва яна каергадир очиладиган бошқа эшиги ҳам бор тўртбурчак хона эди. Хонанинг шифти қорайиб, поллари тешилиб кетган, на бирор расм, на бирор безак осилмаган деворига тақаб узун скамейкалар қўйилганди. Шифтнинг ўртасидан газ қувури ўтган эди. Бутун хонага вақти-вақти билан бу ерда ўтириб, ўз тақдирининг ҳал бўлишини сабр-тоқат билан кутишга мажбур бўладиган жиноятчи ва бегуноҳлар ҳақида жимгина сўзловчи зах, дим ҳаво ўрнаб қолганди.

Каупервуднинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди, бироқ унинг феъли жуда вазмин ва ҳар қандай ҳолатда буни кўрсата оларди. У болалигидан тозаликни ўта севиши билан ажралиб турар, ҳатто бу борада ўта синчков эди. Энди эса ўзи истамаган тарзда ҳаётнинг бошқа бир томони билан тўқнаш келган бўлиб, беихтиёр сесканиб кетганди. Ортидан қолмай юрган Стежер бу ёқимсиз таассуротдан чалғитиш учун унга нималарнидир тушунтиришга, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилаётганди.

– У қадар файзли хона эмас экан, – деди у, – бироқ озгина чидаб туринг! Менимча, маслаҳатчилар кўп муҳокама қилишмаса керак.

– Бироқ бу менга ёрдам беролмаса керак, – деди Каупервуд дераза олдига келиб. Бироз жим тургач, қўшиб қўйди, – Тақдирда бори бўлади!

Кекса Каупервуд хўмрайиб қўйди. Фрэнк бундай ҳолатда узоқ қолишига тўғри келса, яъни қамокда ўтирадиган бўлса, нима бўлади? О Худойим!.. У титраб кетди ва кўп йиллардан бери илк марта ичида дуо ўқий бошлади.

**Б**у орада эса мунозаралар хонасида катта тортишув кетаётганди: ҳамма суд бўлаётган пайтда ўйлаб ўтирган гапларини шу ерда очик муҳокама қилаётганди.

Бу каби ишларни муҳокама қилаётганида маслаҳатчиларнинг барча “тарафдорлик қилса бўладиган” ва “қарши” жиҳатларни тарозига солиб, иккиланишларини кузатиш жуда кизиқарли; натижада улар у ёки бу қарорга келадиган рухий жараён эса ундан ажойиб. “Ҳақиқат” деб аталувчи нарса бу ерда ғира-шира туман кабидир, чунки кўриляётган ишга энг тоза виждон билан ёндашилганда ҳам, кўпинча ҳар хил ва нотўғри хулоса қилиниши мумкин. Бугун маслаҳатчилар олдида ўта мураккаб вазифа турарди ва улар бу ишни ҳар томонлама кўриб чиқиш учун кўп тер тўкишди.

Маслаҳатчилар суди нафақат аниқ бир хулосага келади, балки аниқ қарор, ҳукм чиқаришади ва бунга ўзига хос йўл билан эришади. Шундай ҳоллар бўладики, баъзи маслаҳатчилар ҳали ҳеч бир қарорга келиб улгурмаган бўлса-да, кенгаш аллақачон ҳукм чиқариб қўйган бўлади. Ҳамма ҳуқуқшуносларга маълум бўлганидек, бунда вақт катта роль ўйнайди. Маслаҳатчилар ишни муҳокама қилаётганда одатда биргаликда ва ҳар бири алоҳида кўргунича ортиқча вақт кетишидан нолийди. Мабодо жуда қизиқ иш бўлмаса, қандайдир муаммони ҳал қилиш устида соатлаб ўтириш жуда ҳам қувонарли машғулот эмас. Ишнинг жумбоқли ва чалкаш нозик томонлари охири одамни чарчатиб қўяди. Кенгаш хонасининг ҳатто деворларидан ҳам зерикиш уфураётгандек бўлади.

## Теодор Драйзер

Бошқа томондан эса, муҳокама пайтида юзага келадиган келишмовчиликлар улардан розилик туғдирмаслиги мумкин эмас. Яратувчанлик инсон онгига хос нарса ва ҳар бир ечилмаган муаммо уни азобга солади. Ҳаётни соғлом тушунадиган одамга ҳар бир тугалланмаган иш сингари ечимсиз муаммо ҳам тинчлик бермайди. Кенгаш олиб борилаётган хонада ўтирган маслаҳатчилар ҳам олим ва файласуфлар доим бош қотирадиган кристалл атомларига ўхшашади: улар уйғунликда яхлит бир бутунликни ташкил қилишга уринади, чунки шундагина бурч ва виждонлилик ҳиссидан келиб чиқиб, ягона куч – битта оқил судьяга айланадилар. Инстинктив равишда яхлитликка интилиш табиатнинг турли ҳодисаларида сезилади. Худди шундай инстинкт табиатнинг бошқа ҳар қандай ҳодисаларида – денгиз ўрмонларининг Саргассо денгизи томон кўчишида, ҳаракатсиз сув юзасидаги ҳаво пуфакчаларининг ўзаро геометрик боғлиқлигида, бу дунёнинг тузилиши ва моҳиятини ташкил этувчи баъзи ҳашаротлар ва атом шакллариининг ҳайратланарли меъморий қурилмаларида ҳам кузатилади. Вақти-вақти билан шундай туюладики, ҳаётнинг физик моҳияти – кўзларимиз рост деб қабул қиладиган ташқи шакл – тартиб ўрнатишга интиладиган чексиз донишмандликдир, тўғрироғи, унинг ўзи тартибдир. Онг деб аталувчи борлигимизнинг атомлари қаёққа қараб ҳаракат қилишни ва нима қилишни ўзи билади. Улар бизга боғлиқ бўлмаган ирода, донишмандлик, тартибнинг тимсолидир. Улар гўёки биздан ташқарида, бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда яратишади, қуришади, яшайди.

Маслаҳатчиларнинг онг ости тасаввурлари ҳам шундай ишлайди. Бироқ бу ерда худди бир ҳақиқий кимёвий жараён каби тўлиқ аралашиб кетадиган пайтгача бўлган бир шахснинг бошқасига ўзига хос гипнотик таъсирини, ҳар хил одамларнинг бир-бирларига турлича таъсирларини ҳам ёдда тутиш керак. Кенгаш хонасидаги икки-учта одамнинг аниқ фикри ёки кучли иродаси

бошқаларниқидан баланд келиб, кўпчиликнинг далиллари ёки қаршилигини енгиб қолиши мумкин. Ўзининг аниқ хулосасини ҳимоя қила оладиган бир одам бошқа эгилувчан гуруҳга бошлиқ бўлиб қолиши ёки бошқалар учун нишонга айланиши эҳтимоли ҳам бор. Одамлар онгсиз, асоссиз қаршиликдан нафратланади. Ҳеч қаерда одамдан суднинг муҳокама хонасидаги сингари қатъий асосланган фикр кутилмайди, бу фикрни эшитмоқчи бўлинса, албатта. Бу ерда “Қаршиман” дейишнинг ўзи камлик қилади. Маслаҳатчиларнинг мунозарага берилиб жанжаллашишгача борганини ҳам биламиз. Муҳокама хонасидаги баҳслардан юзага келган душманликлар кейинчалик йиллаб давом этиши ҳам кузатилган. Ҳаддан ортиқ ўжар айрим маслаҳатчилар ҳатто судга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ишларни деб аразлашиб қолган.

Ҳозир эса ҳаммалари Каупервудни сўзсиз жазоланишга лойиқ деб топганидан кейин уни барча – тўртала пункт бўйича айбдор деб топиш керакми ёки йўқми, деган масала устида баҳс бошланганди. Бу тўртта пункт орасидаги фарқни яхши тушуна олмаётган маслаҳатчилар “Тўртала пункт бўйича айбдор, бироқ раҳм-шафқатга лойиқ”, деб қарор чиқармоқчи бўлаётганди. Бироқ охири гапдан дарров воз кечилди: Каупервуд ё айбдор ёки айбдор эмас. Судьянинг ўзи айбни юмшатувчи ҳолатларни улардан анча яхшироқ тушунади. Унинг қўлига кишан солиш керакмикин? Бунинг устига, одатда фикрни бундай ифодалашга эътибор берилмайди ва бу маслаҳатчилар қарашларининг беқарорлигидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, кечаси соат ўн иккидан ўн дақиқа ўтганда маслаҳатчилар ниҳоят ўз ҳукмларини эълон қилишга тайёр эдилар ва бу ҳақда суд залини ҳали ҳам тарк этмай ўтирган судья Пейдерсонга хабар берилди. Судья бу ишга қизиқаётганидан, ҳам яшаш манзили яқинлиги боис, ҳамон шу ерда кутиб ўтирганди. Каупервуд ва Стежерни чақириш учун нозирни жўнатишди.

## Теодор Драйзер

Суд зали чароғон эди. Нозир, котиб ва стенограф ўз жойларида ўтиришарди.

Маслаҳатчилар муҳокама хонасидан бирин-кетин чиқиб келишди, Каупервуд билан Стежер ҳам ўз жойларини эгаллашди. Кекса Каупервуд ҳам жуда ҳаяжонда, ўглининг ёнида турарди.

Каупервудга биринчи марта буларнинг бари тушида бўлаётгандек туюлди. Наҳотки икки ойгина олдин бой, ўзига ишонган Фрэнк Каупервуд шу бўлса? Наҳотки ҳозир бешинчими, олтинчими декабрь бўлса (айни дамда тун ярмидан оққанди)? Маслаҳатчилар бунча узоқ муҳокама қилишди? Бу нимани билдираркин? Мана, уларнинг бари залда: ҳаммалари тантанали равишда олдинга қараб туришибди. Судья Пейдерсон трибунага кўтариляпти, унинг жингалак сочлари ғалати тарзда хурпайиб турибди. Нозир ҳаммани тартибга чақиряпти. Судья Каупервудга эмас – бу ҳурматсизлик саналган бўларди, унга тикилиб турган маслаҳатчилар томонга қараяпти. Суд котибининг “Жаноб маслаҳатчилар кенгаши аъзолари, бир қарорга келдингизми?” деган саволига маслаҳатчилар кенгаши бошлиғи “Ҳа” деб жавоб берди.

– Айбланувчини айбдор деб топасизларми ёки йўқми?

– Биз айбланувчини айблов актига кўра айбдор деб топамиз.

Улар қандай қилиб бу қарорга келишди? Наҳотки ҳамма гап у ўзига тегишли бўлмаган олтмиш минг долларга чек олганида бўлса? Бироқ аслида бу пулни олишга ҳаққи бор эди! Вой худо, Жорж Стинер иккови айлантирган пулнинг олдида бу олтмиш минг доллар нима бўпти?! Ҳеч нарса эмас! Арзимаган нарсадек кўриняпти, бироқ айнан мана шу чек унинг яна омад йўлини беркитиб қўйган хусумат тоғига, тош деворга – қамоқ деворига айланди. Сира ақлга сигмайди!

Каупервуд атрофга аланглаб қаради. Қандай баҳайбат, совуқ зал! Бироқ нима бўлганда ҳам, у аввалги Фрэнк

Каупервудлигича қолади! Бундай аҳмокона нарсаларни хаёлига келтириш керак эмас! Унинг ўз озодлиги, ҳақ-ҳуқуқи, ўзини ўнглаб олиш учун кураши ҳали тутагани йўқ. Худо кўриб турибди, бу кураш энди бошланяпти! Беш кундан кейин уни гаров эвазига озодликка чиқаришади. Стежер даъво аризасини киритади. Каупервуд озодликда бўлади ва курашни давом эттириш учун унинг ихтиёрида икки ой вақт бўлади. У ҳали енгилмаган. У ўзини ҳимоя қила олади. Маслаҳатчилар хато қилишди. Юқори инстанциядаги суд буни тасдиқлайди. Бу суд айбни бекор қилади, бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас!

Стежер бу пайтда суд котибидан маслаҳатчилар кенгашининг ҳар бир аъзоси билдирган ҳукмни сўраб чиқишни талаб қилаётгани: балки улардан ҳеч бўлмаганда биттаси уни кўндиришгани учун ўз ихтиёрига қарши овоз берганини тан олар!..

– Чиқарилган қарорга тўлиқ розимисиз?

Каупервуд маслаҳатчилар кенгаши аъзолари рўйхатидаги биринчи турган Филипп Молтрига берилган саволни эшитди.

– Ҳа! – тантанали қилиб жавоб берди мурожаат қилинган маслаҳатчи.

– Сиз бутунлай розимисиз? – Саймон Гласбергга қўли билан ишора қилиб сўради котиб.

– Ҳа, сэр!

– Чиқарилган қарордан сиз розимисиз? – Флетчер Нортонга юзланди котиб.

– Ҳа!

Маслаҳатчилар кенгашининг барча аъзоларидан шу тарзда бирма-бир сўраб чиқилди. Улар Стежернинг бирортаси фикрини ўзгартириб қолар деб умид қилаётганига қарамай, қатъий ишонч билан тасдиқ жавобини беришди. Шундан сўнг судья уларга миннатдорлик билдириб, шунча узоқ давом этган кенгашдан сўнг энди бутун сессия давомида бўш эканликларини қўшиб қўйди. Энди



## Теодор Драйзер

Стежернинг судья Пейдерсондан штатнинг олий судидан ишни кайта кўриб чиқиш учун апелляцияга жавоб келмагунча ҳукм чиқаришни чўзиб туришни илтимос қилишигина қолганди.

Стежер қонун-қоида асосида судьяга ўз илтимосини айтаркан, судья Пейдерсон Каупервудни очиқдан-очиқ қизиқиш билан кузатарди. Бу иш жуда жиддий бўлгани сабаб олий суд чиқарилган қарорнинг тўғри эканига шубҳа билдириши мумкинлигини ўйлаб, судья адвокатнинг илтимосини қабул қилишга шошилди. Бу ишлардан кейин кеч бўлганига қарамай, Каупервудни шериф ёрдамчисининг соқчилиги остида округ қамоқхонасига жўнатиш қолган эди, холос. Бу қамоқхонада у камида беш кун, балки ундан ҳам кўпроқ бўлишига тўғри келарди.

Мойэменсинг қамоқхонасининг биноси Ўнинчи ва Рид кўчаларининг бурчагида жойлашган бўлиб, сиртдан караганда аянчли таассурот қолдирмасди. Бинонинг марказий қисмида қамоқ камералари, шериф ёки қамоқхона мансабдорларидан бирининг қароргоҳи жойлашганди. Бинонинг баландлиги уч қават бўлган, думалок қиррали минорали марказий қисмига икки қаватли иморатлар қўшилиб кетганди. Уларнинг охирида ҳам думалок қиррали миноралари бор бўлиб, иншоот ўрта асрлардаги қасрни ёдга солгани учун америкаликлар назарида қамоқхонага ўхшаб кетарди. Ўрта қисми ўттиз беш фут, ёнлари йигирма беш футдан баланд бўлмаган бинонинг олд қисми кўчадан юз фут ичкарига кирганди. Бинонинг икки қанотидан иккала томонга қараб йигирма футли тош девор тикланганди. Бу бино одамда нохуш таассурот қолдирмаслигининг сабабларидан яна бири – унинг марказий қисмидаги деразалари кенг бўлиб, панжара ўрнатилмаган, юқоридаги икки қаватида эса ҳатто пардалар осилган бўлиб, бу бинонинг бутун олд томонига оддий истиқомат жойидек ва ҳатто ёқимли кўриниш бериб турарди.

Бинонинг ўнг канотида қисқа муддатга камалганлар учун мўлжалланган округ камокхонаси жойлашган, чап томон эса тергов қилинаётган шахслар ушлаб туриладиган маскан ҳисобланарди. Силлиқ ва рангсиз тошлардан терилган бу қамокхона биноси ичкари томондан нурсиз ёритилган бўлиб, шундай бўронли тунда ғалати, фантастик, ҳатто гайритабиий таассурот қолдирарди.

Каупервуд қамокхонага жўнаганида ҳаво совук бўлиб, изғирин шамол эсаётган, у қор қуюнини у ёқдан-бу ёққа учириб ўйнади. Отаси ва Стежердан ташқари Каупервудни яна чораклик сессиялар вақтида судга юборилган шериф ёрдамчиси – Эдди Зандерс ҳам кузатиб келаётганди. Бу паст бўйли, сочлари қора, мўйлови тикка-тикка бўлган, кўзлари тентакларникидек, бироқ айёрона боқадиган одам эди. Унинг ҳаётда иккитагина муаммоси бор эди: ўзига жуда обрўли кўринадиган унвонига муносиб бўлиб юриш ва бир амаллаб пул топиш. У фақат фаолиятининг ўта чекланган соҳаси, яъни маҳбусларни қамокқа олиб бориш ва қайтариб олиб келиш, улар қочиб кетмаслиги учун қараб туришни биларди, холос. Маҳбусларнинг маълум бирларига, яъни бой ва ўзига тўқ одамларга дўстона муносабатда бўлар, чунки бундай муносабат учун пул тўланишини яхши биларди. Ҳозир қамокхонага кетишаркан, у йўлда бир неча марта об-ҳаво ҳақида, манзилга яна озгина қолгани тўғрисида ва балки шериф Жесперсни учратиб қолишлари, агар у ухлаб қолган бўлса, уни уйғотиш учун одам юбориш мумкинлиги ҳақида гапирди. Каупервуд унга қулоқ солмаётганди. У онаси, хотини, Эйлин ҳақида ўйлаб кетарди.

Улар ниҳоят қамокхонага етиб келишганидан сўнг Каупервудни бинонинг марказий қисмига олиб киришди, чунки шериф Эдлей Жесперснинг идораси шу ерда жойлашганди.

Бу ишга яқиндагина тайинланган Жесперс вазифаси билан боғлиқ ҳамма расмиятчиликларни жуда ўрнига қўйиб

## Теодор Драйзер

бажарса-да, аслида сира расмиятчи эмасди. Махбусларга алоҳида хоналар бериш ҳамда курби етадиганларига имтиёзлар яратиш анчагина кам бўлган маошни “кўпайтириш” усулларидан эканлиги сиёсий доираларда ҳаммага маълум нарса эди. Унгача шу мансабда ишлаган бошқа шерифлар ҳам худди шундай қилишганди. Жесперс бу лавозимга ўтирганида баъзи махбуслар бу имтиёзлардан анчадан бери фойдаланаётганди, у ҳам анъанага айланиб қолган одатни бузиб ўтирмади. Жесперснинг ўзи айтганидек, “керакли одамларга” берадиган хоналар унинг ўз квартираси жойлашган бинонинг марказий қисмида эди. Бу хоналарнинг деразаларида панжара йўқ бўлиб, улар қамоқхона камераларига ҳам ўхшамасди. Кимдир қочиб кетиши мумкин, деб кўркишнинг ҳожати йўқ эди, чунки канцеляриянинг эшиги олдида доим “ижарада турганларнинг” юриш-туришини диққат билан кузатиб турадиган қоровул бўларди. Бундай қулайликлардан фойдаланадиган махбус кўп масалаларда деярли озодликда юргандек бўларди. Агар у хоҳласа, овқатини хонасига олиб келиб беришарди. У бирор нарса ўқиши, қарта ўйнаши, меҳмонини кутиб олиши ва ҳатто ўзи истаган бирорта мусиқа асбобини чалиши ҳам мумкин эди. Бу ерда битта қоидага албатта амал қилиш шарт бўларди: агар махбус кўзга кўринган одам бўлса, мабодо газетадан мухбирлар келиб қолган тақдирда, газетачилар бу одамнинг бошқа махбусларга ўхшаб қамоқхона камерасида яшамаслигини билиб қолмаслиги учун у пастдаги ташриф буюрувчилар кирадиган умумий хонага тушиши керак бўларди.

Стежер булар ҳақида Каупервудни олдиндан огоҳлантириб қўйганига карамай, Каупервуд қамоқхона остонасидан кадам қўйиб ичкарига кириши билан ўзини ташки дунёдан узилиб қолгандек ҳис қилди. Йигитни бирга келган ҳамроҳлари билан бирга газчироқ хира ёритиб турган унча катта бўлмаган хонага олиб киришди. У ерда ёзув столи ва стулдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Семиз ва башараси кип-қизил шериф Жесперс уларни мулозамат билан кутиб олди. У шу заҳоти Зандерсни қўйиб юборди ва йигит ҳам кечиктирмай жўнаб қолди.

– Бирам ёмон ҳаво, – деб қўйди Жесперс ва газни баландлатиб, маҳбусни қайд қилишга тайёрланди.

Стежер шерифнинг столи олдига яқинлашиб, паст овозда у билан нима ҳақидадир гаплашди; жаноб Жесперснинг юзи ёришиб кетди.

– А-а, албатта, албатта! Буни қилиш мумкин, жаноб Стежер, хотиржам бўлинг! Албатта, албатта, ҳечқиси йўқ!

Ўтирган жойида семиз шерифни кузатиб ўтирган Каупервуд гап нима ҳақида кетаётганини дарров тушунди. У яна ўзининг аввалги совуққон ҳолатига қайтган ва атрофидаги ҳамма нарсага танкидий назар билан қараётганди. Мана, қамоқхона деганлари қандай жой экан ва мана шу ёғ босган кимса унинг устидан назорат қиладиган шериф! Майли! Фрэнк Каупервуд бу ерда ҳам ўз жойини топа олади! Бирдан йигитнинг хаёлига уни тинтув қилишмасмикин, деган фикр келди: ахир маҳбусларни шундай қилишади! Бироқ тез орада йигит бундай бўлмаслигига амин бўлди.

– Мана, жаноб Каупервуд! – деди ўрnidан тураётиб Жесперс, кейин ҳиринглаб қўшиб қўйди – Сизга бу ерда қулайроқ шароит қилиб бера оламан, деб ўйлайман. Албатта, бу ер меҳмонхона эмас, бироқ сиз учун нимадир қила оламан.

У “Жон!” дея кичкирди ва қўшни хонадан уйқусираган кўзларини ишқалаб қамоқхона назоратчиларидан бири чиқиб келди.

– Олтинчи хонанинг калити шу ердами?

– Ҳа, сэр.

– Менга олиб келгин!

Жон чиқиб кетиб, шу заҳоти қайтиб кирди. Бу орада эса Стежер Каупервудга унинг кийимлари ва бошқа керакли ҳамма нарсаларини бу ерга олиб

## Теодор Драйзер

келишлари мумкинлигини тушунтирди. Эрталаб у билан маслаҳатлашгани Стежернинг ўзи келади, агар Фрэнк оила аъзоларидан кимнидир кўришни хоҳласа, уларга ҳам келишга рухсат бор.

Фрэнк шу заҳоти отасига ҳозирча ҳеч ким келмагани маъқуллигини айтди. Жозеф ёки Эдвард кийимлари ва бошқа нарсаларини чемоданга солиб олиб келишсин. Бошқалар у озодликка чиққунича ёки ҳақиқий маҳбус бўлгунича кутиб тура қолишсин. У Эйлинга хат ёзиб ҳеч нарса қилиб ўтирмасликни айтмоқчи бўлаётганда шериф юришга ишора қилди ва Каупервуд индамай унинг кетидан кетди. Стежер ва отаси билан бирга юқорига, ўзининг янги яшаш жойига чиқди.

Бу катталиги ўн бешга йигирма фут бўлган хона бўлиб, деворлари оқланган ва шифти нисбатан баланд эди. Хонада суянчиғи баланд сариқ ёғоч каравот, худди шундай рангдаги жавон, унча катта бўлмаган стол ва ўтирадиган жойи тўқилган, суянчиғи ўйма учта кўримсизгина стул, каравот рангидаги ёғоч умивальник ва унинг устида кўза, тоғора, совун учун идиш ва тиш ювиш, соқол олишда фойдаланиладиган, бу ердаги бошқа нарсалардан ажралиб турган ва, афтидан, ўн центдан ҳам ортиқ турмайдиган пушти гулли кичкина кружка бор эди.

Бу хона шериф Жесперсга ҳафтасига ўттиз-ўттиз беш доллардан фойда келтирарди. Каупервуд ўттиз бешга савдолашди. У қор босган ўтлок кўриниб турган дераза олдига келиб, хона ёмон эмаслигини айтди. Отаси билан Стежер Фрэнк истаганча у билан қолишга тайёр эдилар, бироқ гаплашадиган гаплари ҳам қолмаганди. Каупервуднинг ҳам гаплашиб ўтириш истаги йўқ эди.

– Эд менга эрталаб ички кўйлак билан бир-иккита костюм олиб келсин, бошқа ҳеч нарса керак эмас. Нарсаларимни Жорж йиғиштириб беради, – деди Каупервуд. У уйида бошқа ишлари билан бирга камердинерлик ҳам қиладиган хизматкорни назарда

тутаётганди. – Лилиан хавотир олмасин. Мен яхшиман. Беш кундан кейин чиқарканман, у бу ерга келиб ўтирмасин. Чикмайдиган бўлсам, ҳали келишга улгуради. Болаларни менинг номимдан ўпиб қўйинг!

У кулиб қўйди.

Ишнинг ижобий ҳал бўлиши тўғрисидаги гапи биринчи инстанциядаёқ тўғри чиқмагани учун Стежер штатнинг олий суди қандай хулоса чиқариши борасида ишонч билан гапиришга энди кўркиб қолганди.

– Фрэнк, апелляциям натижасидан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Мен ишни қайта кўриб чиқиш ҳақида кўрсатма оламан ва ўшанда ихтиёримизда икки ой ва балки, ундан ҳам кўпроқ вақт бўлар. Гаров ҳақи ўттиз минг доллардан ошмаса керак деб ўйлайман. Нима бўлганда ҳам, беш-олти кундан кейин бу ердан чиқиб кетасиз.

Каупервуд ўзи ҳам шундай бўлишига умид қилаётгани, бироқ ҳозир кеч бўлиб қолгани ва бу масалани муҳокама қилиш шарт эмаслигини айтди. Сухбатни яна давом эттиришга бир неча марта ҳаракат қилган кекса Каупервуд ва Стежер ниҳоят хайрли тун тилаб, Фрэнкнинг ёлғиз ўзини қоронғида хаёл суришга ташлаб, жўнаб кетишди. Каупервуд жуда чарчаганди, шунинг учун тезда ечиниб, қаттиқ ўринга ётди ва сал ўтмай ухлаб қолди.

**А**лоҳида хонада бўлиш мумкинлиги, назоратчиларнинг хизматга ҳозирлиги ва ҳаракат қилинса, маҳбусни яхшироқ жойга жойлаштиришнинг ҳам имкони борлиги сингари имтиёзлар тўғрисида қанча гапирилмасин, қамокхона барибир қамокхоналигича қолади ва бундан қочиб бўлмайди. Каупервуд ўртача даражадаги пансионатдан ҳеч кам жойи йўқ шароитда турган ҳолда ўзи ҳозирча тушмаган ҳақиқий қамокхонанинг нафасини ҳис қилганди. У ифлос, қўланса ҳидли, ҳашаротлар билан лик тўла қамокхоналар шу яқин орадалигини, агар тузукроқ шароит қилиш учун ёнида пули бўлмаганда, унинг ортидан ҳам мана шу камераларнинг оғир темир панжарали шарақлаб ёпилишини биларди. Мана сизга донғи кетган тенглик, ўйлади у: ҳатто мана шу – ҳақиқат ҳукм суриши керак бўлган ерларда ҳам бир одамга (масалан, унинг ўзи ҳозир фойдаланаётгани каби) нисбатан озодлик берилса, бошқаси ишини енгиллата оладиган даражада устомон бўлмагани, дўстлари ва асосан пули бўлмагани учун энг оддий нарсалардан ҳам мосуво бўлади.

Каупервуд суднинг эртаси куни уйғониб, кўзини очди ва ўзини ўрганган ётоқхонасида эмас, қамокхона камерасида, тўғрироғи, унинг ўрнидаги қулайгина жиҳозланган хонада кўриб ажабланди. Ўрнидан туриб, деразадан ташқарига қаради. Ҳовли ва бутун Пассаюнк авеню қор билан қопланганди. Қамокхона ёнидан бир нечта юк ташийдиган арава шовқинсиз ўтиб кетаётган-

ди. Бундай сахар пайти ҳали кам бўладиган пиёдалар каерларгадир шошиб кетарди.

Каупервуд ўз ишини тиклаш ва ўзини оқлаб олиш учун нима қилиш кераклиги, қандай ҳаракатлар олиб бориши тўғрисида ўйлай кетди. У ўз хаёлларига берилганча кийиниб, унга кеча кўрсатишгани – кўнғирок ипини тортди. Кўнғирокка жавобан қамокхона хизматчиси келиб, каминни ёқиб бериши ва нонушта келтириши керак бўларди. Хизматчиларга хос форма кийиб олган хизматчи бундай хонани банд қилган маҳбус, шубҳасиз, оддий одам эмаслигини тахмин қилиб, каминга ўтин қалаб, олов ёқди ва жуда камлигига қарамай, қамокхона овқатига ўхшамайдиган нонушта келтирди. Шундан сўнг шериф кўринишидан жуда эътиборли одамдек туюлганига қарамай, кийим-кечак олиб келган укаси Эдвардни олдига киргизишларини бир неча соат кутишига тўғри келди. Озгина порага хизматчилардан бири унга газета олиб келиб берди, Каупервуд уни тезгина кўздан кечириб, фақат молия бўлимидаги янгиликларни қизиқиб ўқиб чиқди. Стежер кун кеч бўлгандагина келиб, кечиккани учун узр сўради ва унга шериф билан келишиб кўйгани, Фрэнкнинг олдига муҳим иш юзасидан келган одамларнинг ҳаммасини ичкарига киритишга рухсат берилганини маълум қилди.

Каупервуд бу пайтга келиб Эйлинга хат ёзишга улгурганди. У қиздан ўзи билан кўришишга ҳаракат қилмасликни, чунки ўнинчиларда ўзи озодликка чиқиши ва шу заҳоти ёки яқин кунларда у билан кўришишини айтганди. У қизнинг ўзи билан учрашишга шошаётганини жуда яхши тушунади, бироқ унинг ортидан отаси ёллаган одам тушишига йигитнинг ишончи комил эди.

Бундай эмасди, бироқ шундай бўлиши мумкинлигининг ўзиёқ Эйлинни эзаётган, бунинг устига, овқат пайтида акаларининг қамокқа ҳукм қилинган сармоядор ҳақидаги нафрат билан ҳикоя қилишларини кўшса, қизнинг сабр косаси тўлиб кетганини тушуниш осон.



## Теодор Драйзер

Каупервуднинг Келлигенлар манзилига юборган хатидан кейин Эйлин ўнинчи санада Каупервуднинг ишини қайта кўриб чиқиш илтимоси қондирилгани ва у вақтинча бўлса-да, яна озодликда экани ҳақида газетада ўқимагунча бирор ишга қўл урмади. Фрэнкнинг вақтинча бўлса-да, озодликда экани ҳақидаги хабар унга ўзининг анчадан бери ўйлаб юрган фикри – отасига усиз ҳам яшай олиши ва уни бўйсунушига мажбурлай олмаслигини амалда исботлаш учун куч берди.

Эйлиннинг қўлида Фрэнк берган икки юз доллар ва ўзининг жамғарганлари – жами уч юз эллик долларча пули бор эди. Қизнинг ўйлашича, бунча пул ўйлаганини амалга оширишга, жуда бўлмаганда қандай қилиб бўлса ҳам, тақдирини ҳал қилишгача етиши керак эди. Ота-онаси уни қанчалик яхши кўришларини билган Эйлин бу воқеалардан ўзидан ҳам кўра улар кўпроқ азоб чекишларига ишончи комил эди. Балки, қизининг қарори қатъий эканини отаси тушуниб, уни тинч қўяр ва у билан ярашар. Нима бўлганда ҳам, биринчи қадамни қўйиш керак эди. Қиз дарров Каупервудга жавоб хати ёзиб, Келлигенларникига кетаётгани, уни қамокдан чиққани билан ўша ерда табриклашини билдирди.

Бу хат қайсидир маънода Каупервудни хурсанд қилди. У ўзининг ҳозирги аччиқ кечмиши Батлернинг уринишлари туфайли бўлганини яхши билар ва қизини йўқотаётган кекса ирландияликнинг азоб чекишига ўзи сабаб бўлишини била туриб, виждони қийналмади. Каупервуднинг қариянинг асабига тегиш керак эмас деган илгариги фикри натижа бермади, у шунчалик қатъий экан, энди Эйлиннинг ўзини ҳимоя қила олиши ва отасининг ёрдамисиз ҳам яшай олишини билиши Батлер учун фойдали бўлади. Балки, Эйлин шу йўл билан отасини ўзига бошқача муносабатда бўлишга мажбур қила олар ва эҳтимол, шунда у Каупервудга қарши сиёсий фитналар қилишни тўхтатар. Чўкаётган чўпга ёпишар экан. Бун-

дан ташқари, унинг йўкотадиган нарсаси ҳам қолмади. Каупервуд Эйлиннинг бу қадами, балки, икковлари учун фойдали бўлиши мумкин деб ўйлаб қолди ва қизни йўлдан қайтармасликка қарор қилди.

Эйлин ўзининг ҳамма қимматбаҳо буюмлари, ички кийим, икки-учта кўйлак ва яна бир қанча майда-чуйдаларини йиғиштириб, энг катта чамадонига солди. Уни ёпаркан, туфли ва пайпоқларини олмагани эсига тушиб қолди, бироқ бу нарсаларни қанча ҳаракат қилмасин, сигдира олмади. Ўзи олиб кетмоқчи бўлган энг яхши кўрадиган шляпасини ҳам тикадиган жой йўқ эди. Шунда у кўриниши жуда чиройли бўлмаса-да (у бунга эътибор бермасликка қарор қилди), яна битта тугун қилди. Пардоз столидаги тортмасини кавлаб, у ердан уч юз эллик долларини олди ва сумкачасига жойлади. Албатта, бу катта пул эмас, бироқ Каупервуд у ҳақда қайғуради! Агар у ёрдам бера олмаса ва отаси қатъийлигича қолса, Эйлин ўзига иш топади.

Эйлин ҳаётда ҳеч нарсага тайёрланмаган ва етарли маблағи бўлмаган одамларни дунё қандай қабул қилиши тўғрисида ҳеч нарса билмасди. У қайғу-аламли ҳаёт йўли нима эканидан беҳабар эди. Ва мана, ўнинчи декабрь куни ўзини тетикдек тутиш учун минғирлаб қандайдир ашулани хиргойи қилганча, у отасининг одатдагидек емакхонага овқатланишга тушишини кутиб турди. Кейин зина туткичидан энгашиб қараб, Оуэн, Кэлем ва Норанинг ҳам оналари билан дастурхон атрофида ўтиришганига амин бўлгач, отасининг хонасига югуриб кирди ва корсажи остидан отасига ёзиб қўйган хатини олиб стол устига қўйди-да, тез чиқиб кетди.

Қиз ўзининг отасига ёзган қисқагина хатини “Отамга” деган мурожаат билан бошлаб, қуйидаги сўзларни битганди:

*“Азиз отажоним! Мен сиз айтгандек қила олмайман. Жаноб Каупервудни жуда севаман, шунинг учун уйдан*

## Теодор Драйзер

*кетяпман. Мени уникадан қидириб ўтирманг. Унинг олдига бораётганим йўқ. У менга уйлана оладиган бўлмагунча, мустақил яшамоқчиман. Мен жуда оғир аҳволдаман, бироқ айтганингиздек қила олмайман. Ва менга нима қилганингизни унута олмаяпман. Онамга, Нора ва акаларимга салом айтиб қўйинг. Эйлин!”*

Отаси хатни аниқ топиши учун киз унинг устига отаси китоб ўқиётганда тутадиган гардиши қалин кўзойнагини бостириб қўйди. Бу пайтда киз ўзини худди ўғрилиқ содир қилаётган одамдек ҳис қиларди – бу унинг учун бутунлай бегона, янги ҳиссиёт эди. У бирдан ўзини кўрнамаклик қилаётгандек ҳис қилди. Балки, у яхши иш қилмаётгандир? Отаси унга доим меҳрибон эди. Онаси гамда адо бўлади. Нора ранжийди, Оуэен билан Кэлеmlар ҳам... Йўқ, улар барибир Эйлинни тушунишмайди! Отаси эса ўзининг қилган иши билан қизини ҳақорат қилди! Қизига раҳм-шафқат кўзи билан қараши мумкин эди; бироқ у қари ва ўзининг диний қарашлари ҳамда ахлоқ тўғрисидаги гапларидан бошқа нарсани тушунмайди. Балки, отаси энди қизининг уйга қайтишига ҳеч қачон рухсат бермас. Майли, Эйлин усиз ҳам бир амаллаб яшайди. У отасини тавбасига таянтиради! Агар керак бўлса, у Келлигенларникида анча қолиб кетади, мактабга ўқитувчи бўлиб ишга киради ёки мусиқадан дарс бера бошлайди.

Эйлин оёғининг учида бўсағага келди-ю, эшикни очиб, ташқарига қаради. Кўчада фонарлар ёнган бўлиб, совуқ, кескин шамол эсаётганди. Чамадон қўлига оғирлик қилар, бироқ Эйлин кучли киз эди. У эллик қадамча юриб, бурчакча етиб борди ва жануб томонга бурилди. Унинг асаblари таранг тортилганди: буларнинг бари унинг учун янги, ўрганган нарсаларига бутунлай ўхшамаган ҳолатлар эди. Сал юргач, у дам олиш учун тўхтаб, чамадонини ерга қўйди. Бурчакдан қандайдир мусиқани ҳуштак қилиб чалиб бир болакай кўриниб қолди, Эйлин уни чақирди:

– Ҳой бола! Ҳой бола!

Болакай яқин келиб, қизга қизиқиб қаради.

– Озгина пул ишлаб олишни хоҳлайсанми?

– Ҳа, мэм, хоҳлайман, – бошидаги шапкасини қий-шайтириб, ҳозиржавоблик билан жавоб берди бола.

– Мана бу чамадонни кўтаришиб юбор! – деди Эйлин.

Бола чамадонни қўлига олиб, икковлари йўлда давом этишди.

Бироз ўтиб қиз ҳаммани ҳайратда қолдириб, Келлигенларникига – янги манзилига кириб келди. Ўзини беҳавотир ҳис қилиши билан, ҳаяжони босилиб, у нарсаларини жойлай бошлади. Бу ишда уйда Батлер хоним ва унинг иккала қизига хизмат қиладиган Кэтлиннинг йўқлиги Эйлинга бироз ғалати туюлса-да, у хафа бўлиб ўтирмади. Қиз ўрганган нарсаларидан бир умрга жудо бўлгани ҳақида ўйламасди, шунинг учун қулайроқ жойлашиб олишга ҳаракат қилди. Мэйми Келлиген ва онаси Эйлинга сидқидилдан меҳр билан қараб туришар ва бу ҳам қизга ўзини ўрганган муҳитидагидек ҳис қилишга ёрдам бераётганди.

**Б**у пайтда Батлерлар оиласи дастурхон атрофида жамулжам бўлганди. Кайфияти яхши бўлган Батлер хоним столнинг иккинчи бурчи – уй эгаси ўтирадиган тўрдаги ўриндикнинг рўпарасида ўтирарди. Унинг оппок сочлари яраклаган пешонасидан оркага тараб қўйилганди. Эгнида оқ кулранг йўл-йўл тасмалар билан безаб тикилган тўқ кулранг кўйлак бўлиб, унинг юзига жуда ярашиб турарди. Бу кўйлакнинг бичимини Эйлин танлаган ва уни яхшилаб тикишларини ўзи назорат қилганди. Нора эса ёқа ва енги қизил духобадан тикилган оч-яшил кўйлакда бўлиб, у жуда чиройли кўринарди. Қиз ёш, қомати келишган ва қувноқ, кўзлари, юзи ва сочларидан софлик, соғломлик уфуриб турарди. У қўлида ҳозиргина онаси совға қилган маржон шодасини айлантираётганди.

– Кэлем, қарагин! – қиз рўпарасида ўтириб, қўлидаги пичоқ билан столни секин тақиллатиб ўтирган акасига муурожаат қилди. – Чиройли-я? Онам берди!

– Онам сени жуда эркалатиб юборяпти. У кишининг ўрнида бўлсам, сенга биласанми, нима совға қилган бўлардим... нималигини топ-чи?

– Хўш, нима экан?

Кэлем синглицсиға айёрлик билан қараб қўйди. Шу пайт хонага Оуэн ҳам кириб келиб, жойига ўтирди. Батлер хоним қизининг юзини бужмайтирганини кўриб қолди.

– Қараб тургин, бу ишинг учун акангнинг жаҳли чиқади, – деди у.

– Вой, бугун бирам оғир кун бўлди, – кўлидаги сочиқни очаркан, чарчаган оҳангда деди Оуэн. – Роса иш кўп!

– Бирорга муаммо чикдими? – кизиқиб сўради Батлер хоним

– Йўқ, ҳеч гап йўқ, шунчаки иш жуда кўп.

– Сен яхшилаб овқатланишинг керак, шунда анча тетиклашасан, – эркалатган кўйи деди Батлер хоним. – Томсон (Батлерлар кўкат сотиб оладиган одам) бугун янги нўхат юборибди. Шундан еб кўргин.

– Ҳа, Оуэн, – кулиб юборди Кэлем, – нўхат ҳамма нарсани дарров жойига кўйиб кўяди. Онамиз йўлини топадида!

– Менга ишонавер: нўхат ажойиб нарса! – ўғлининг киноясини сезмай деди Батлер хоним.

– Ойижон, ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ, – деди Кэлем, – Нўхат мия учун зўр озуқа. Нора ҳам еса яхши бўларди.

– Вой ақлли, ўзинг ҳам есанг бўларди! Бугун жуда қувноқсан-а? Учрашувга тайёрланыпсан, шекилли?

– Топдинг! Ўзинг ақллилик қиялпсан! Учрашувим бор: фақат биттаси билан эмас, беш ёки олтитаси билан. Ҳар биттасига ўн дақиқадан. Агар чиройлироқ бўлганинда, мен сенга ҳам учрашув тайинлаган бўлардим.

– Узок кутишингга тўғри келади, – киноя қилди Нора. – Олдингга боришга шошмасдим. Агар сендан яхшироғини топмасам, ишларим ёмон бўлади.

– Менга ўхшашини демоқчисан, шекилли? – қизнинг гапини ўзига тўғрилади Кэлем.

– Болалар, болалар! – одатдагидек вазминлик билан уларни тинчлантирди Батлер хоним, нигоҳлари билан қари хизматкорлари Жонни ахтарар экан. – Яна озгина гаплашсангиз, уришиб қоласиз. Етар. Мана, отамиз ҳам келди. Эйлин қани энди?

Жаноб Батлер оғир қадамлар билан кириб келиб, стол ёнига ўтирди.

## Теодор Драйзер

Хизматкор Жон кўлида бошқа овқатлар ва ўртасида нўхат турган патнис билан хонага кириб келди. Батлер хоним ундан Эйлинни чақириш учун бирортасини юборишни сўради.

– Яхшигина совуқ тушди, – деб кўйди жаноб Батлер гап бошлаш учун ва Эйлиннинг бўш турган стулига қаради. Ҳозир унинг суюкли кизи, муаммоларининг сабабчиси кириб келади! Охирги икки ой ичи ота кизи олдида Каупервуднинг исмини ҳам айтмасликка уриниб, жуда эҳтиёткорона гаплашаётганди.

– Ҳа, ҳаво совуқ, – отасининг гапини тасдиқлади Кэлем. – Яқинда чинакам қиш бошланади.

Жон овқат тарқатишни катталардан бошлади; Эйлин ҳали ҳам келмаганди.

– Жон, қараб келгин, Эйлин қаерда экан, – деди хайрон бўлган Батлер хоним. – Овқати совиб қолади.

Жон чиқиб кетиб, бироздан сўнг қайтиб келди ва Батлер хонимга кизи хонасида йўқлигини айтди.

– Тушунмадим, қаерга кетган бўлиши мумкин?! – ажабланди Батлер хоним. – Ҳа майли, қорни очса, ўзи келади! Овқат вақти бўлганини яхши билади.

Овқат устида суҳбат янги водопровод, қурилиши охирига яқинлашиб қолган шаҳар бошқармасининг янги биноси, Каупервуднинг бошига тушган ҳар хил офатлар, фонд биржасидаги умумий ҳолат, Аризонадаги янги олтин конлари, кейинги сешанбада Молленхауэр хонимнинг қизлари билан Европага кетиши (шу вақтда Нора ва Кэлем жонланиб қолишди) ва ниҳоят, Рождество байрамига бўладиган хайрия бали тўғрисида кетди.

– Эйлин, албатта, балга борса керак, – деб кўйди Батлер хоним.

– Мен ҳам бораман! – хитоб қилди Нора.

– Сўрашга ижозат беринг: ким билан борасиз? – гапга аралашди Кэлем.

– Бу эса менинг ишим, жаноб! – акасининг гапини кесди Нора.

Овқатдан кейин Батлер хоним кизи нимага овқатга тушмаганини билиш учун шошмай унинг хонасига қараб кетди. Жаноб Батлер ҳам хавотирларимни хотиним билан баҳам кўрсам яхши бўлармиди, дея ўйлаганча ўз хонасига қараб кетди. У чироқни ёкиб, жойига ўтиришга ҳам улгурмай, хатга кўзи тушди. У Эйлиннинг дастхатини дарров таниди. Бу нимаси, отасига хат ёзиш унга нега керак бўлиб қолибди?

Батлернинг юраги орқага тортиб кетди; у дарров конвертни очиб, кўзойнагини тақди ва хатни ўқий бошлади. Демак, Эйлин уйдан кетибди!

Қария мактубдаги қаторларга тикиларкан, назарида, ҳар битта сўз оловли ҳарфлар билан битилгандек туюлди. У Каупервуднинг олдига кетмаганини ёзаяпти. Бироқ Каупервуд Филадельфиядан қочиб, ўзи билан қизни ҳам олиб кетган бўлса керак. Бу тўлиб турган сабр косасини тоширган охирги томчи бўлди. Бу тамом дегани! Эйлинни йўлдан уриб, уйдан олиб кетишибди. Қаерга?

Бироқ Батлер Каупервуд қизини шундай қилишга ундаганига ишониши кийин бўлаётганди. Бу жуда таваккал иш эди: бундай ҳаракат нафақат Батлерларнинг оиласи учун иснод, балки ўзининг оиласи учун ҳам ёмон таъсир қилган бўларди. Газеталар бир зумда бу ҳақда шовшув қилишлари мумкин эди.

Батлер хатни қўлида ғижимлаганча ўрнидан турганида, хонага хотини кириб келди. У дарров ўзини тутиб олиб, хатни чўнтагига тикди.

– Эйлин хонасида йўқ, – ҳайрон бўлиб деди Батлер хоним. – У қаерга боришини сенга айтмаганмиди?

– Йўқ, – жавоб берди Батлер, бор ҳақиқатни хотинига қачон айтиш ҳақида ўйларкан.

– Қизик, – шубҳаланди Батлер хоним, – бирор нима сотиб олиши керак бўлганмикин. Бироқ унда нега ҳеч кимга айтмай кетди?

Батлер кўнглидан ўтганларини унга ошкор қила олмади.



## Теодор Драйзер

– Қайтиб келади, – деди у вақтдан ютиш учунгина.

Ўзини ёлғондан хотиржам тутишга тўғри келаётгани жаноб Батлерга оғир ботаётганди. Батлер хоним чиқиб кетгандан сўнг у хонанинг эшигини беркитиб, яна хатни қўлига олди ва қайтадан ўқиб чиқди. Қизи ақлдан озибди! У аҳмоқона, бемаъни иш қилибди! Агар Каупервуднинг олдига бўлмаса, қаерга борган бўлиши мумкин?! Бу воқеаларнинг ҳаммаси шусиз ҳам жанжал ёқасига келиб қолганди, энди бундан қочиб бўлмайди. Фақат битта тахмин қолганди. Агар Каупервуд Филадельфияда бўлса, қизининг қаердалигини яхши билади. Дарров унинг олдига бориб, дўқ қилиш, айёрона йўл тутиш, керак бўлса, уни йўқ қилиб юбориш керак. Эйлин уйга қайтиши шарт! Европага бормаса ҳам майли, бироқ уйда ўтириши ва Каупервуд унга уйланадиган бўла олмагунча ўзини яхши тутиб юриши керак. Бундан ортиғига айна пайтда умид ҳам қилиб бўлмайди. Кутиб турсин: балки, отаси вақти келиб қизининг ўйлаганларига рози бўлишга кўникар. Даҳшатли фикр! Эйлиннинг қилган иши онасини тириклай гўрга тикади, сингисининг номусини оёқости қилади.

Батлер ўрнидан туриб, илгакдан шляпасини олди ва пальтосини кийиб, кўчага чиқди.

Каупервудларникида уни қабулхонага олиб киришди. Уй эгаси бу пайт ўз хонасида бўлиб, қандайдир қоғозларни кўриб чиқиш билан банд эди. Унга жаноб Батлер келганини айтишлари билан Каупервуд пастга шошилди.

Айтиб ўтиш қизиқки, Батлер келгани ҳақидаги хабардан у ўзини йўқотиб қўймади. Демак, Батлер шу ерда! Бу дегани Эйлин уйдан кетибди! Ҳозир энди улар куч синашишига тўғри келади: қани, кимнинг иродаси зўррок чиқаркин...

Каупервуд ақл жиҳатидан, оқсуяқларга хос хулқатвор, ўзини тута билиш ва умуман бошқа нарсаларда ҳам ўзини кучлиман деб биларди. Унинг ички “мен”и пўлат каби тобланганди. Каупервуд отаси ва хотинига

Республикачилар партияси раҳнамолари – шу жумладан, Батлер ҳам барча ишларга балоғардон қилишмоқчи эканини айтган бўлса-да, ҳеч ким эски пудратчини Каупервудлар оиласининг душмани деб ҳисобламаслигини эслаб, ҳозир бу одамга ҳурмати жойига қўйиб муомала қилиш керак, деб хулоса қилди. Агар қариянинг кўнглини юмшата олса ва у билан тинч, хотиржам тарзда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гаплашиб бўлса, албатта, Каупервуд хурсанд бўларди. Эйлин ҳақидаги масалани тезликда ва бирагўла ҳал қилиб олиш керак.

Каупервуд шу хаёллар билан Батлер кутиб ўтирган хонага кириб келди. Йигит уйда эканлиги ва ҳозир чиқишини эшитган жаноб Батлер ўртадаги суҳбат қисқа ва қатъий бўлиши керак деган қарорга келди. Каупервуднинг доимгидек енгил ва тез қадам товуши эшитилганда қария биров сесканди.

– Хайрли кеч, жаноб Батлер! – хушмуомалалик билан деди Каупервуд яқин келиб қарияга кўлини узатаркан. – Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

– Аввал мана буни нарига олинг, – тундлик билан деди Батлер, унинг кўлини назарда тутиб. – Менга бунинг ҳожати йўқ. Сиз билан қизим тўғрисида гаплашгани келдим ва дарров жавоб беришингизни истайман: у қаерда?

– Эйлин ҳақида сўраяпсизми? – қариянинг кўзига тик қараб хотиржамлик ва қизиқиш билан сўради йигит. У вақтдан ютмоқчи бўлаётган ва ўзининг айтадиган кейинги гапини ўйлаб олаётганди. – Мен бу ҳақда нима дейишим мумкин?

– Сиз унинг қаердалигини айтишингиз мумкин. Ва уни аслида бўлиши керак бўлган жойи – уйига қайтишга мажбур қилишингиз мумкин. Сизни уйимга шум тақдирнинг ўзи етаклаб келган экан, бироқ ҳозир жанжаллашгани келмадим. Менга қизим қаердалигини айтасиз ва бундан буён уни тинч қўясиз, акс ҳолда...

## Теодор Драйзер

Қария муштини тугди, зўрға тутиб турган ғазабидан унинг кўкси бир кўтарилиб тушди.

– Мен сизга ақл билан иш қилиш ва сабримни си-намасликни маслаҳат бераман, эшитяпсизми? – ўзини тутиб олиб, кўшиб кўйди у. – Сиз билан ҳеч қандай ишим йўқ. Менга қизим керак!

– Жаноб Батлер, гапимга қулоқ солинг, – қилт этмай деди Каупервуд. Ушбу ҳолат ундаги рақибидан устунлик ҳиссини мустаҳкамлаётган ва завқ бераётганди. – Агар рухсат берсангиз, сиз билан очикчасига гаплашаман. Қизингиз қаерда эканини балки биларман, эҳтимол, билмасман. Сизга буни айтишни балки хоҳларман, балки, хоҳламасман. Бундан ташқари, эҳтимол, қизингиз буни хоҳламас. Бироқ сиз мен билан ҳурмат сақлаган ҳолда гаплашмас экансиз, бу гапни давом эттириш бефойда. Нимани лозим кўрсангиз, шуни қилишга ҳақкингиз бор. Юқорига, хонамга чиқмаймизми, у ерда бемалолроқ гаплашардик.

Жаноб Батлер бир пайтлар ўзи раҳнамолик қилган одамга қараб, ҳайратдан ўзини йўқотганча турарди. Бутун умри давомида у бу даражадаги йиртқични – ширинсўз, айёр, кучли ва кўрқмас одамни кўрмаганди. У Батлернинг олдида кўй терисини ёпиниб келган бўрига айланганди. Каупервуд камокда ўтириб келиб ҳам, асло тийилмаганди.

– Мен хонангизга бормайман, – эътироз билдирди Батлер, – ва агар шуни режалаштираётган бўлсангиз, Эй-линни Филадельфиядан олиб чиқиб кета олмайсиз. Бунга йўл қўймаслик ҳаракатини қиламан! Назаримда, менинг кўлим баланд келади деб ўйлаб, вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўляпсиз. Бундан ҳеч нарса чиқмайди! Бечорагина бўлиб олдимга келганингиз, ёрдам беришни сўраганингиз ва кўлимдан келган ҳамма ишни қилганим сизга оз кўриниб, камига қизимни ҳам ўғирламоқчи бўлибсиз-да! Агар қизимнинг онаси, синглиси ва сиз уларнинг босган изига ҳам арзимайдиган ўғилларим

бўлмаганда, мен шу ернинг ўзида бошингизни уриб ёрган бўлардим. Ёшгина бегуноҳ кизни йўлдан уриб, уни нопок одамга айлантириш! Ва уйланган оилали одам шундай қилиб турса! Бу ерда сиз билан ўғилларим эмас, мен гаплашаётганим учун худога шукур қилинг: йўқса, хозир тирик турмаган бўлардингиз!

Қария ғазабдан титраб кетаётганди.

– Жуда пушаймонман, жаноб Батлер, – бир туки қилт этмай жавоб қилди Каупервуд. – Сизга кўп нарсани ўзим айтиб бермоқчи эдим, бироқ ўзингиз оғиз очгани қўймаяпсиз. Қизингиз билан қочмоқчи эмасман, Филадельфиядан ҳам кетиш ниятим йўқ. Мени яхши биласиз ва бундай қилмаслигим ҳам сизга аён: молиявий қизиқишларим жуда кенг. Сиз билан биз тадбиркор одамлармиз. Бу ишни муҳокама қилиб битта муросага келишимиз керак. Ўзим олдингизга бориб барини тушунтирмоқчи бўлаётгандим, бироқ менга кулоқ солишингизга ишончим комил эмасди. Ҳозир олдимга келган экансиз, гаплашиб олсак бўларди. Агар хонамга чиқсангиз, хизматингизга тайёрман, акс ҳолда, мендан хафа бўлманг. Хўш, нима дейсиз?

Батлер устунлик барибир Каупервуд томонда эканини тушунди. Бошқа йўли йўқ – юқорига чиқишига тўғри келади. Акс ҳолда, ўзига керакли маълумотни ола олмайди.

– Бўпти, – тўнғиллади у.

Каупервуд мулозамат билан уни олдинга ўтказиб, ўзи унинг ортидан хонасига кирди ва эшикни ёпди.

– Бу ишни ҳал қилиб, битта муросага келишимиз керак, – яна такрорлади у. – Мен ҳақимда ёмон ўйлашга асосингиз бўлса-да, сиз ўйлаганчалик ёмон одам эмасман.

Батлер ажабланганча унга қараб қолди.

– Қизингизни севаман ва у ҳам мени севади. Уйланган одам бўла туриб, бундай гапларни гапираётганим сизга тушунарсиз, бироқ ишонинг, бу – ҳақиқат. Мен никоҳда бахтсизман. Хотиним билан келишиб, ундан ажримга

## Теодор Драйзер

розилик олгач, Эйлинга уйланмоқчи бўлаётгандим. Чикагодаги ёнғиндан сўнг юзага келган ваҳима ҳамма нарсани бузиб юборди. Менинг ниятим пок эди. Бу ҳодисада мени эмас, икки ой бурун юзага келган вазиятни айблаш керак. Балки, ўзимни жуда ҳам камтарона тутмагандирман, бироқ мен одамман! Қизингиз бундан шикоят қилмаяпти, у ҳамма нарсани тушунади.

Қизининг номи тилга олинганда жаноб Батлер уят ва ғазабдан қип-қизариб кетди, бироқ ўзини босди.

– Ва сиз, агар у шикоят қилмаётган бўлса, демак, ҳаммаси жойида деб ўйлаяпсизми? – истехзо билан сўради у.

– Менинг назаримда – ҳа, сизнинг назарингизда эса – йўқ. Жаноб Батлер, сизнинг ўз қарашларингиз бор, менинг қарашларим эса бошқача.

– Бўлмаса-чи! – хитоб қилди жаноб Батлер. – Мана шу ерда сиз ҳақсиз!

– Бироқ бу сиз ё менинг ҳақ эканлигимни исботламайди. Назаримда, мақсадни бу ерда маблағ ҳал қилади. Менинг мақсадим эса – Эйлинга уйланиш. Мен моливий қийинчиликлардан кутулиб чиқишим биланоқ бу ишни қиламан. Албатта, Эйлин иккимиз ҳам сизнинг розилигингиз билан никоҳдан ўтишни хоҳлардик, бироқ бунинг иложи йўқ экан, начора!

Каупервуд бу гапи қариянинг кўнглини хотиржам қилмаса ҳам, ҳар ҳолда, уни ақл билан иш қилишга мажбур қилади, деб ўйлаётганди. Агар Эйлиннинг турмуш қуриш эҳтимоли бўлмаганда, ҳозирги вазияти жуда ҳавас қиладиган даражада эмасди. Каупервуд одамларнинг назарида камомад қилган одам бўлаверсин, бироқ бу ҳали ҳеч нарсани исботламайди. У озодликка чиқади, оқланади, албатта, оқланади ва Эйлин у билан расмий никоҳдан ўтишни ўзи учун обрў деб билади.

Шундай деб ўйлай туриб, Каупервуд жаноб Батлернинг диний ва ахлоқий қарашлари қанчалик чуқурлигини

ҳисобга олмаганди.

– Билишимча, охириги пайтларда мени чоҳга итариш мақсадида қўлингиздан келган ҳамма ишни қилдингиз, афтидан, Эйлин учун ўч олиш мақсадида бўлса керак. Бироқ сиз бу билан ниятларимни тўхтатиб туришга эришдингиз, холос.

– Сиз ёрдам беришимни хоҳлаганмидингиз? – туганмас нафрат билан, аммо ўзини босиб деди Батлер.

– Мен Эйлинга уйланишни хоҳлайман, – яна таъкидлади Каупервуд. – У ҳам хотиним бўлишни хоҳлайди. Бу вазиятда нимани ўйлаганингиз билан, баҳслашишнинг ҳожати йўқлигини ўзингиз кўриб турибсиз. Шунга қарамай, ортимдан тушиб, бурчимни бажаришимга тўсқинлик қиляпсиз.

– Сиз аблаҳ экансиз, – деди Батлер Каупервуднинг нима демоқчи эканини яхши тушуниб. – Мен сизни муттаҳам деб биламан ва болаларимдан бирортаси сиз билан алоқада бўлишини хоҳламайман. Баски, шундай бўлган экан, озодликка чиққанингиздан кейин Эйлин учун сизга турмушга чиқиш энг тўғри йўл бўлишини инкор этмайман. Бу, агар хоҳласангиз – бунга жуда шубҳа қиламан, сиз қилишингиз мумкин бўлган ягона тўғри йўл бўларди. Бироқ ҳозир бу гапларнинг кераги йўқ. У қаердадир яшириниб юришининг сизга нима кераги бор? Унга уйлана олмайсиз, ажраша олмайсиз. Шусиз ҳам муаммоларингиз тикилиб ётибди. Эйлин сиз учун ортиқча харажат, сизга эса пул, эҳ, бошқа мақсадлар учун ҳали роса керак бўлади. Уни уйидан олиб чиқиб кетиб, ёмон аҳволга солиб қўйишнинг нима кераги бор, агар шунгача етадиган бўлса, кейин ўзингиз ҳам уйланишга уялиб қоласиз. Агар ўзингизни бироз ҳурмат қилсангиз ва ўша сиз севги деб атаётган нарсдан озгина бор бўлса, қизим покдомон аёл каби тинч яшай олиши учун уни ота-онасининг уйида қолдирган бўлардингиз. Битта нарсани билиб қўйинг: унга нима қилганингизга қарамай, қизим сиз учун осмондаги юлдуз

## Теодор Драйзер

сингаридир. Агар сизда бир катра виждон деган нарса бўлганида, унинг оиласини шарманда қилишга, онасининг юрагини чил-чил қилишга мажбур қилмаган бўлардингиз. Бундан сизга нима фойда? Сизнингча, бу нимага олиб келади? Эй Худо, агар зиғирча аклингиз бўлганида, буни тушунган бўлардингиз. Сиз ўз вазиятингизни енгиллатиш эмас, балки уни чуқурлаштиряпсиз. Эйлиннинг ўзи ҳам кейинчалик бунинг учун сизга раҳмат айтмайди!

Жаноб Батлер жим бўлиб қолди. У шунча гапни гапириб ташлаганидан ўзи ҳам ҳайратда эди. У қаршисида турган одамдан шунчалик нафратланардики, Фрэнкнинг юзига ҳам қарамасликка ҳаракат қиларди, бироқ Эйлинни уйга қайтариш унинг оталик бурчи ҳисобланарди. Каупервуд эса унга худди гапларига диққат билан кулоқ солаётганга ўхшаб қараб турарди.

– Очигини айтсам, жаноб Батлер, – деди у, – Эйлиннинг уйдан кетишини асло хоҳламагандим. Бирон кун ундан сўрасангиз, ўзи ҳам буни таъкидлайди. Бу қароридан қайтаришга астойдил ҳаракат қилдим, бироқ гапида туриб олганидан сўнг энди қаерда бўлса ҳам, унга яхши бўлиши учун ҳаракат қилишга уриндим. Эйлин унинг ортидан изкувар қўйганингиздан жуда хафа бўлган. Уйдан кетишига мана шу ҳолат ва унинг ўзи хоҳламаган тарзда қаергадир кетишини талаб қилишингиз сабаб бўлган. Яна бир марта қайтариб айтаман: мен буни истамаганман. Жаноб Батлер, сиз битта нарсани эътиборга олмаяпсиз: Эйлин кап-катта қиз ва унинг ўз хоҳишлари бор. Сизнингча, мен унга ёмонлик қилиб, йўлдан урганман. Аслида, уни жуда севаман, уч-тўрт йилдан бери ёктираман, агар севги нималигини билсангиз, бу ҳиссиёт доим ҳам хоҳишга бўйсунавермаслигини тушунасиз. Эйлиннинг менга таъсири менинг унга таъсиримдан камроқ эмас десам, ёлғон гапирмаган бўламан. Уни севаман – мана ҳамма гап нимада! Сиз олдимга келиб, қизингизни қайтаришимни талаб қиляпсиз. Бироқ буни бажара олишимга кўзим

етмайди. У менга кулок солишига ишонмайман. Аксинча, илтимосим уни хафа қилиб қўйиши мумкин: мени севмай қўйди деб ўйлаб қолади. Мен эса бундай деб ўйлашни хохламайман. Сизга айтдим: у қилган ишингиз ва уни Филадельфиядан кетишга мажбур қилаётганингиз учун жуда хафа бўлган. Унинг уйга қайтиши мендан кўра кўпроқ ўзингизга боғлиқ. Унинг қаерда эканини сизга айтишим мумкин, бироқ бу билан тўғри йўл тутаётганимга ҳали ишончим комил эмас. Нима бўлганда ҳам, Эйлинга нисбатан ва бу иш юзасидан нима қилмоқчи бўлаётганингизни аниқ билмагунимча, сизга унинг қаердалигини айтмайман!

Каупервуд ўзига газаб билан тикилиб турган кекса пудратчига тикка қарашда давом этганча гапини тугатди.

– Қайси иш ҳақида гапиряпсиз? – гапнинг бошқа томонга бурилиб кетганига беихтиёр қизиқиб қолиб, сўради жаноб Батлер. Энди унинг ўзи ихтиёрсиз равишда бу воқеага бошқачароқ қарай бошлаганди. Кўп нарсалар унга энди ўзгачароқ кўрина бошлади... Каупервуд, афтидан, рост гапиряпти, шекилли. Балки, унинг ҳамма ваъдалари ёлғондир, бироқ унинг Эйлинни севиши ва вақти келиб, чинакамига хотини билан ажрашиб унга уйланиши рост бўлиши ҳам мумкин. Бироқ ажралиш Батлер жуда ҳурмат қиладиган католик черкови қонунларига тўғри келмайди. Худонинг ва инсониятнинг қонунларига биноан Каупервуд хотини ва болаларини ташлашга, ўз ҳаётини бошқа аёл билан (ҳатто шаънини кутқариш учун Эйлин билан ҳам) боғлашга ҳаққи йўқ. Жамият назарида бу Каупервуднинг қанчалик аблаҳ эканлигини исботловчи ҳақиқий жиноятдир. Бироқ бошқа томондан, у католик эмас ва Батлернинг қарашлари унинг учун мажбурий саналмайди ва энг ёмони – Эйлин бутунлай обрўсизланиб бўлди (бунга, албатта ўзининг кизикқонлиги сабаб). Энди унинг қарашларини ўзгартириш ва ўзини яхши тутиб юришга мажбур қилиш осон эмас; барча хайрихоҳлик



## Теодор Драйзер

ва карши жихатларни ўйлаб кўриш керак бўлади. Батлер ичида черковга бўлган ишончини буза олмаслиги ва Эйлиннинг бу тарзда турмушга чиқишига ҳеч қачон рози бўлмаслигини билиб турган бўлса ҳам, Каупервуднинг сўзларини яна бир ўйлаб кўриши лозимлигига ақли етиб турарди. Бунинг устига, у Эйлин уйга қайтишини зориқиб кутаётган ва энди қизи келажагини ўзи ҳал қилишини ҳам тушуниб турарди.

– Гап жуда оддий нарса устида кетяпти, – гапида давом этди Каупервуд. – Фақат Эйлинни Филадельфиядан жўнатиб юбориш фикридан қайтсангиз ва менга қарши курашни тўхтатсангиз кифоя.

Бу гапларни гапираётиб Каупервуд мулойим жилмайиб қўйди: у Батлерни яхшироқ гап билан юмшатиш умидидан қайтмаганди.

– Албатта, сизни ўз хоҳишингизга қарши ҳаракат қилишга мажбурлай олмайман. Бу ҳақда сизга гап бошлаганимнинг сабаби, жаноб Батлер, агар Эйлинни деб ғазабланмаганингизда, менга бу даражада тесқари бўлиб қолмасдингиз. Аноним хат олганингиз ва ўша куник мендан қарзингизни талаб қилганингиздан хабардорман. Шундан сўнг кўп жойлардан менга қарши бўлиб қолганингиз ва пушаймон бўлишим ҳақида эшитдим. Олтмиш минг доллар камомад масаласида мен айбдор эмасман ва буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Мен ҳеч қандай ёмон нарсани режалаштирмаганман. Бу сертификатлардан ўзим учун фойдаланганимда, банкрот бўлишим ҳақида билмаганман ва агар мендан бир вақтнинг ўзида бир қатор ссудаларни қоплашни талаб қилмаганларида, ойнинг охиригача ишимни давом эттириб, биринчи санада доимгидек сертификатларни амортизация фондига топширган бўлардим. Менга нисбатан яхши муносабатингизни жуда қадрлардим ва уни йўқотиб қўйганим жуда оғир бўлди. Сизга айтмоқчи бўлган гапларим ана шулар эди.

Жаноб Батлер Каупервудга ўйчанлик билан синовчан қараб турарди. Бу одамнинг яхши сифатлари ҳам бор, бироқ ғайриихтиёрий ёвузлиги ҳам мавжуд. Жаноб Батлер Каупервуднинг чекни қандай олганини яхши билар ва бу ишнинг бошқа икир-чикирлари ҳақида ҳам эшитганди. Ҳозир эса Каупервуд худди ёнғиндан кейин ўзини қандай тутган бўлса, шундай эпчиллик қилаётганди. Йўқ, бу одам шунчаки айёр, эҳтиёткор, бағритош холос.

– Сизга ҳеч қандай ваъда бермайман, – деди Батлер. Менга қизим қаердалигини айтинг ва бу масалани ўйлаб кўраман. Бўлиб ўтган бу воқеалардан сўнг мендан умид қилишингизга ҳеч қандай асос йўқ, ҳеч қандай ёрдамга умид қилманг. Бироқ ўйлаб кўраман.

– Шунинг ўзи етарли, – жавоб берди Каупервуд. – Ортиғини сўрашга ҳақким йўқ. Бироқ Эйлин ҳақида гаплашайлик. Сиз ҳали ҳам унинг Филадельфиядан кетишини талаб қилишда давом этмоқчимисиз?

– Агар у уйга қайтиб келиб, ўзини яхши тутиб юрса, йўқ. Бироқ ораларингизда бўлиб ўтган нарсаларга нуқта қўйиш керак. Эйлин оилани шарманда қиляпти ва ўзининг ҳаётини ҳам барбод қиляпти. Сиз ҳақингизда ҳам шундай дейиш мумкин. Сиз озод бўлганингиздан сўнг учрашиб, гаплашамиз. Бошқа ҳеч нарса ваъда қилмайман.

Ўзи учун ҳеч нарсага эришмаган бўлса ҳам, ишни ҳеч бўлмаганда Эйлиннинг фойдасига ҳал қилганидан хурсанд бўлган Каупервуд киз иложи борича уйига қайтиши керак, деган қарорга келди. Унинг олий судга берган апелляциясининг натижаси нима бўлишини худо билади. “Ҳукмнинг тўғрилигига шубҳа” тарзида ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилиши мумкин ва у ҳолда Каупервуд яна камокқа қайтади. Агар унинг пешонасига панжара ортига ўтириш ёзилган бўлса, Эйлин оиласи бағрида бўлгани яхши. Олий суд қарори чиққунча яқин икки ой ичида унинг боши ташвишдан холи бўлмайди. Кейин эса нима бўлганда ҳам, курашни тўхтатмайди.

## Теодор Драйзер

Жаноб Батлер билан бўлган бутун суҳбат давомида Каупервуд Эйлинни отасиникига қайтиш тўғрисидаги маслаҳати билан хафа қилиб қўймаслик учун қандай йўл тутишни ўйлади. У қизнинг отаси билан учрашувни рад қилмаслигини биларди, бироқ буни ўзи хохламаётганди. Агар Каупервуд Батлерга қизининг қаердалигини айтиб бергани учун Эйлиннинг олдида ўзини оклайдиган етарлича далил топа олмаса, у худди қизга сотқинлик қилгандек бўлиб қолади. Йўқ, бу ишни қилишдан олдин Эйлинга тўғри келадиган бирор сабабни ўйлаб топиш керак.

Каупервуд қизнинг ҳозирги яшаб турган шароитига кўп чидай олмаслигини биларди. Унинг уйдан қочиб кетишига қисман отасининг йигитга душманларча муносабати, қисман эса отаси уни куч билан Филадельфиядан кетказиб юбормоқчилиги ва йигит билан ажралишга мажбур қилмоқчилиги сабаб эди. Тўғри, ҳозир кўп нарса ўзгарди. Жаноб Батлер нималардир дегани билан Каупервуд энди ортиқ қасос олиш нишони бўлмайди. У бўшашиб қолган, фақат қизини уйга қайтариш ва уни кечиришга мушток эди. У енгилган ва ўзи бошлаган ўйинда ютқизганди: Каупервуд буни унинг қарашларидан тушунди. Эйлин билан юзма-юз гаплашиб, унга вазиятни тушунтириш керак; йигит бу ишни тинчлик билан ҳал қилиш иккаласи учун ҳам тўғри бўлишини унга тушунтиришга ҳаракат қилиб кўради. Батлер эса Каупервуд бориб Эйлин билан гаплашиб келгунича бирор жойда, ҳеч бўлмаса, шу ерда кутиб туради. Йигитнинг гапини эшитгач, Эйлин у билан баҳслашиб ўтирмаса керак.

– Энг яхши йўли, мен икки-уч кундан кейин Эйлин билан учрашиб, унинг режалари қандай эканлигини билишим, – бироз жим туриб, деди Каупервуд. – Унга орамизда бўлган гапларни айтаман ва агар у хохласа, уйга қайтади.

– Икки-уч кундан кейин? – жаҳл билан бакирди жаноб Батлер. – Менга бунинг нима кераги бор! У бугуннинг ўзида уйга қайтиши керак! Онаси ҳали унинг қочиб кетганини билмайди. Бугуноқ, эшитяпсизми? Мен ҳозирок унинг олдига бораман!

– Йўқ, бундан ҳеч нарса чиқмайди, – эътироз билдирди Каупервуд. – Ўзим боришим керак. Агар шу ерда кутиб тура олсангиз, мен бораман, у билан гаплашиб кўраман ва сизга шу заҳоти хабарини бераман.

– Майли, – хонада қўлини орқасига қилганча у ёқдан-бу ёққа юраркан, тўнғиллади Батлер. – Бироқ, худо ҳаққи, тезроқ бўлинг! Бир дақиқа ҳам кечикиб бўлмайди.

Батлер хотини ҳақида ўйлаётганди. Каупервуд хизматкорни чақириб унга экипаж тайёрлашни ва хонасига ҳеч кимни киритмасликни буюриб, шошилганча пастга тушиб кетди. Батлер эса ўзи нафратланаётган шу хонада у ёқдан-бу ёққа юрганча қолди.

**К**аупервуд Келлигенларникига кечаси соат ўн бирга яқин келган бўлса-да, Эйлин ҳали ухлашга ётмаганди. Бирдан қўнғироқ жиринглаганда у юқорида ётоқхонада ўтириб, Мэйми ва Келлиген хонимларга оқсуяклар ҳаёти ҳақидаги таассуротларини гапириб бераётганди. Келлиген хоним пастга тушиб, эшикни очди.

– Янглишмасам, Батлер хоним шу ерда-а? – сўради Каупервуд. – Унга отасининг буйруғи билан келишганини айтиб қўйсангиз.

Эйлиннинг ҳеч кимга, ҳатто Батлерлар оила аъзоларига ҳам бу ердалигини ошкор қилмаслик ҳақидаги буйруғига қарамай, Каупервуднинг оҳанги ва Батлернинг номи тилга олиниши Келлиген хонимни эсанкиратиб қўйди.

– Бир дақиқа кутиб туринг, – деди у. – Мен бориб билиб келаман.

Аёл зинага бурилар экан, Каупервуд унга айтишган аёлни топганидан мамнун бўлган кийёфада даҳлизга кириб олди.

– Батлер хонимга уни узоқ ушлаб турмаслигимни айтинг, – кичқирди Каупервуд Эйлин эшитиб қолар деган умидда зинадан кўтарилаётган Келлиген хонимнинг ортидан.

Чиндан ҳам Эйлин шу заҳоти югуриб тушди. Қиз Фрэнкнинг шунчалик тез келганидан ҳайратда эди ва шу заҳоти уйида ҳамма ҳаяжонда эканини сизди. Шундай бўлмаганда ҳам қаттиқ ранжиган бўларди.

Она-бола Келлигенлар уларнинг нима ҳақда гаплашаётганига жуда қизиқиб кетишаётган, бироқ Каупервуд эҳтиёткорликни унутмаганди. Эйлин пастга тушиши билан у бармоғини лабига босиб сўради:

– Сиз Батлер хонимсиз?

– Ҳа, мен, – кулиб юбормасликка ҳаракат қилиб, жавоб берди Эйлин. У йигитни ўпгиси келиб кетаётганди!

– Азизим, нима бўлди? – секин сўради у.

– Севгилим, уйга қайтишингга тўғри келади, шекилли, деб кўрқаман, бўлмаса, роса тўполон бўлади, – шивирлади йигит. – Онанг, афтидан, ҳали ҳеч нарса билмайди, отанг эса хонамда ўтириб, сени кутяпти. Агар қайтишга кўнсанг, мени анча муаммолардан қутқарган бўлардинг. Ҳозир сенга тушунтириб бераман...

Каупервуд қизга отаси билан бўлган ҳамма гапни ва бу ҳақда ўзи нима деб ўйлашини айтиб берди. Баъзи нарсаларни айтаётганида қизнинг юзи бир неча марта ўзгарди. Бироқ йигитнинг далиллари тўғри экани ва унинг аввалгидек учрашиб туришларига ишонтиришини эшитиб, уйга қайтишга кўнди. Нима бўлганда ҳам, отасининг таслим бўлиши қиз учун катта ғалаба эди. У шу заҳотиёқ Келлиген хоним ва Мэймилар билан хайрлашаркан, уйда усиз ҳеч нима қила олмасликларини айтиб жилмайди ва юкларини кейин олиб кетишини билдирди.

Кейин Каупервуд билан унинг уйи эшигигача бирга кетди. Йигит уни экипажда қолдириб, ўзи қизнинг отасига келишганини хабар қилгани кирди.

– Хўш? – сўради эшикнинг ғирчиллаганига ўтирилган, аммо қизи йўқлигини кўрган Батлер.

– У пастда сизни кутиб турибди, – тушунтирди Каупервуд. – Балки, уйгача менинг экипажимда кетарсизлар? Уни олиб келишга кейин хизматчимни юбораман.

– Йўқ, миннатдорман! Биз яёв кетамиз.

Каупервуд хизматчига экипаж олдига боришини айтди, Батлер эса оғир қадам ташлаб, эшикка йўналди.

## Теодор Драйзер

У Каупервуд кизини бутунлай ўзига боғлаб олганини ва, афтидан, бу ҳолат энди жуда узоқ давом этишини тушуниб турарди. Батлерга энди фақат қизини уйда ушлаб тура олиш ва оиланинг таъсирида ақли кириб қолар, деб умид қилиш қолганди, холос. Уйга кетишаётиб қария қизини яна ҳақорат қилиб кўймаслик учун диққат билан ҳар бир гапини ўйлаб гапираётганди. Ҳозир қиз билан баҳслашиш бефойда эди.

– Эйлин, уйдан кетиб қолишдан олдин мен билан яна бир марта гаплашиб кўрсанг бўларди, – деди у. – Агар бу ишингни онанг билиб қолса нима бўларди, тасаввур ҳам қила олмайман. Бироқ унинг ҳеч нимадан хабари йўқ. Танишларингдан бирортасиникида овқатланиб қолганингни айтишимизга тўғри келади.

– Мен Келлигенларникида эдим, – жавоб берди Эйлин. – Жуда осон, онам ажабланмайди ҳам.

– Эйлин, жуда юрагим ғаш! Бироқ сен бу воқеаларни ўйлаб кўришингга ва мени бошқа хафа қилмаслигингга ишонаман. Ҳозир бошқа ҳеч нарса демайман.

Уйга келишгач, Эйлин ғалабасидан тантана қилганча ўз хонасига қараб кетди ва Батлерларнинг оиласида ҳеч нарса бўлмагандек ҳаёт давом этаверди. Бироқ Батлернинг маглубияти унинг Каупервуд ҳақидаги қарашларини ўзгартирди десак, хато қилган бўламиз.

Қамоқдан чиққанидан сўнг апелляция ўтгунга қадар ихтиёрида қолган икки ой ичида Каупервуд бор кучини тамоман касодга учраган ишларини тўғрилаб олишга ҳаракат қилди. У ишига худди ҳеч нарса бўлмагандек киришди, бироқ энди – айбдор деб ҳукм қилишгандан сўнг нимагадир эришиш имконияти жуда катта эмас эди. Каупервуд банкротлигини эълон қилаётганда анча йирик кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қила олишга эришганди. Шунга асосланиб, озодликка чиққандан сўнг ёрдамлари унга фойдали бўлиши мумкин бўлган “Кук энд Компани”, “Дрексель энд Компани” ва Жирард миллий

банки каби идоралар унга яна бемалол кредит очишларига (албатта, хукм натижасида унинг обрўсига жуда ҳам путур етмаган тақдирда) умид қилаётганди. Ҳеч қачон умидини йўқотмаган Каупервуд адолатлими ёки адолатсизлигидан қатъи назар, бу ҳукмнинг қанчалик салбий таъсири бўлишини ҳисобга олмаганди.

Молия оламидаги энг яхши дўстлари Каупервудни батамом чўкиб бораётган кемага ўхшайди деган хулосага келишганди. Қайсидир бир сармоядор олим дунёда пулдан кўра сезгирроқ нарса йўқ ва бу сезгирлик доим пул билан иш кўрадиган одамга ҳам ўтади, деб айтган экан. Бир неча йил қамокда ўтириши мумкин бўлган одам ёрдам беришга арзийдими? У агар олий судда ютқазиб, панжара ортига жўнаши аниқ бўлса, шунда унинг учун нимадир (масалан, губернаторга мурожаат этиш) қилиш мумкин, бироқ унеча ҳали икки ой бор ва, эҳтимол, ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Шунинг учун ҳам Каупервуд кредитини узайтириш ёки ўз ишини тиклаш бўйича режасини қабул қилиш тўғрисидаги такрорий мурожаатларида мулоҳим, бироқ мужмал жавобларга дуч келаётганди. Ўйлаб кўрамиз, кўрамиз, бироз тўсиқлар бор... ва ҳоказолар – яъни бу ўзини қийнагиси келмаётган одамларнинг баҳоналари эди.

Одатдагидек тетик ва батартиб бўлган Каупервуд мана шу кунлар давомида турли банклар ва идораларга бориб, эски танишлари билан хушмуомала оҳангда гаплашаркан, уларнинг саволларига ишлари жуда яхши кетаётгани ва катта умидлари борлигини билдирди. Унга ишонишмаётганди, бироқ бу билан унинг иши йўқ эди. У фақат ўзига фойдали бўлиши мумкин бўлган одамларнигина ишонтириш ёки фикрларини ўзгартиришга интилаётганди. У бор кучини шунга бағишлаган, бошқа нарсалар билан қизикмаётганди.

– Э, хайрли кун, Фрэнк! – саломлашишарди дўстлари.  
– Ишлар қалай?

– Бинойдек! Чакки эмас! – қувноклик билан жавоб қайтарарди у. – Ҳатто жуда яхши!



## Теодор Драйзер

Ва ортикча гапириб ўтирмай, ўзи нима қилаётганини тушунтириб кетарди. Баъзида у ўзини яхши билган ва аҳволини тушунаётган одамларга ўз некбинлиги билан таъсир ўтказа олар, бироқ кўпчилик унинг ҳаётига асло кизикмаётганди ҳам.

Ўша кунларда Каупервуд ва Стежер судларга тез-тез бораётганди, чунки банкротлиги билан боғлиқ бўлган ҳар хил аризаларга мувофик Каупервудни дам ўтмай чақиртиришаётганди. Бу кунлар жуда азобли ўтаётган бўлса-да, бироқ йигит бўш келмади. У Филадельфияда қолишга ва охиригача курашишга – ёнғингача бўлган ҳолатини тиклаш ва жамият олдида ўзини оқлаб олишга қарор қилганди. Агар уни қамокқа тикишмаса, ўз мақсадига эришишига, бироқ шундай бўлган ҳолда ҳам (унинг оптимизми шу даражада кучли эди) қамокдан чиққач, албатта, шундай бўлишига ишончи комил эди. Тўғри, Филадельфияда номини энди оқлай олмайди – бу рўёбга чикмайдиган орзу. Унга қарши курашаётган асосий кучлар Батлернинг хусумати ва шаҳар корчалонларининг кирдикорлари эди. Нимадир бўлиб, бу гап қаердан чиққанини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмасди, сиёсий доираларда ёш сармоядор ва собиқ шаҳар газначиси юткизади ва қамокқа тушади, деган фикр пайдо бўлганди. Аввалига ўзини айбдор деб ҳисоблаб, индамай жазони ўташга тайёр бўлиб турган Стинер унинг айбини инкор этиб, ўз ҳаракатларини илгаридан давом этиб келаётган одатлар билан изоҳлашни ўргатган дўстларининг сўзига қулоқ солди. Акс ҳолда, дейишганди улар, оқланишга ҳеч қандай умид йўқ. У худди шундай қилди, лекин барибир судланди. Кейин адолат талаб қилинган шикоят аризаси уюштирилиб, эндиликда унинг иши штатнинг олий судига оширилганди.

Бундан ташқари, бир пайтлар Батлерга ва Фрэнкнинг хотинига аноним хат ёзган қизнинг “шарофати” билан Батлернинг кизи Эйлин ва Каупервуд орасида ишқий

муносабат бор экан деган миш-миш ҳам тарқалди. Унда Каупервуд гўёки қиз учун ижарага олган Ўнинчи кўчадаги қандайдир уй ҳақида ҳам гап борарди. Батлернинг қасос олиш истагида ёнаётгани бежиз эмасди. Бу ҳолат бошқа кўп нарсаларни ҳам тушунтираётганди. Натижада ишбилармонлар ва молиявий гуруҳларда Каупервуд ҳақидаги танқидлар унинг рақибларикидан ҳам кучайиб кетди. Каупервуд иш бошлаганида, Батлернинг дўстона ҳимояси остида бўлганини ким билмайди? Бу одам ўша яхшиликларга зўр миннатдорлик билдирибди!

Каупервуднинг энг яқин ва энг бақувват тарафдорлари ҳам бу гапни эшитиб, афсус билан бош чайқашарди. Демак, Каупервуд шу ерда ҳам ўз табиатини очиб берувчи “Ҳаммадан менинг хоҳишим муҳим”, деган тамойилига амал қилган экан. Албатта, у кучли ва чиндан ҳам келажаги бор одам. Учинчи кўча шу пайтгача ҳали бундай дадил, тадбиркор, жасур ва айни пайтда эҳтиёткор сармоядорни кўрмаган. Албатта, Каупервуд Батлернинг қизини йўлдан урмаслиги керак эди. Ва, албатта, ўша чекни бунчалик юзсизлик билан, айниқса, Стинер билан жанжаллашиб айрилишгандан сўнг олиши керак эмас эди. Жуда ҳам ўжарлик қилган! Бундай ўтмиш билан у яна аввалги ўрнига қайта олиши даргумон! Каупервудга жуда яқин бўлган банкир ва ишбилармонлар бунга шубҳа билан қараётганди.

Каупервуднинг ўзига келсак, “Ҳаммадан менинг хоҳишим муҳим!” – унинг шиори бўлиб, унинг гўзаллик ва чиройли аёлларга муҳаббати ўзгармай қолган ва бу масалада у аввалгидек ўзини тута олмас ва енгилтак эди. Ҳатто шу вазиятда ҳам Эйлин Батлердек қизнинг гўзаллиги унинг учун элик миллион одамнинг самимиятидан кўра муҳимроқ эди, агар бу самимиятга ҳожат бўлмаса, албатта. Чикаго ёнғини ва биржадаги ваҳимадан олдин унинг юлдузи шундай тез чарақлай бошлагандики, муваффақиятлар орасида жамият қилмишларимга қандай

## Теодор Драйзер

муносабат билдиради, деб ўйлашга унинг вақти ҳам бўлмаганди. Унинг конида ёшлик ва қувонч жўш ураётган, у эндигина униб чиққан майсадек янги ва кучга тўла эди. Ҳаёт унга салкин баҳор тунидек ёкимли туюлиб, ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин қолдирмаганди. Фалокатга учрагач, ақли унга бир муддат Эйлиндан воз кечиб туриш зарурлигини айтиши керак бўлса-да, у бундай қилишни ўйлагани ҳам йўқ. Қиз унинг яқин ўтмишидаги ажойиб кунларининг тимсоли, ўтмиши билан у орзу қилаётган ғалабали келажак ўртасидаги мисоли бир ҳалқа эди.

Тўғри, агар у қамаладиган бўлса ёки расман банкрот деб эълон қилинадиган бўлса, фонд биржасидаги ўр-нидан ажралиши ва у ҳолда вақтинча, балки бутун умрга, Филадельфияда бойликка эришиш йўли унинг учун бутунлай ёпилиши мумкинлиги ҳақидаги фикр Каупервудни жуда хавотирга солаётганди. Айни пайтда унинг биржадаги ўрнига активларининг бир қисми сифатида таққ қўйилган ва бу билан биржадаги фаолияти тўхтатиб қўйилганди. Унинг деярли ягона издошлари бўлиб қолган Эдвард ва Жозефлар вақти-вақти билан биржада унинг ўрнига фаолият юритиб турарди. Бошқа биржачилар Каупервуднинг укаларини унинг агенти сифатида кўрар ва агар улар мустақил иш олиб бораётгани ҳақида гап тарқатиладиган бўлса, Учинчи кўчадагилар Каупервуд кредиторлари учун фойдали бўлмаган ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ноқонуний нимадир ҳийла қил-япти, деб гумон қилишларига олиб келарди. Бироқ нима бўлганда ҳам, у очикчасига бўлмаса-да, яширинча биржа-да қолиши керак. Каупервуднинг жуда тезкор ва топкир ақли дарров бунинг йўлини топди: маълум бир ҳақ эвазига ўзини биржада кўрсатган одамлар орасидан аслида унинг қўлида югурдак бўладиган сохта ҳамкор топиши зарур.

Каупервуд узоқ ўйлаб ўтирмай, иши жуда камтарона, бироқ виждонли ва унга нисбатан яхши муносабатда бўлган одам устида тўхталди. Бу Учинчи кўчада кичкина

бир идора эгаси бўлган майда маклер Стивен Уингейт эди. Ёши қирқ бешларга борган, ўрта бўйли, миқтидан келган, кўриниши одамни ўзига жалб қиладиган, ақлли ва меҳнаткаш бу одам на кучи ва на тадбиркорлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Бирор ишни юргизиши учун (агар у умуман нимадир қилишга кизиқса) унга Каупервуд каби ҳамкор керак бўларди. Уингейтнинг фонд биржасида ўрни, обрўси бор, уни ҳурмат қилишар, бироқ гуллаб-яшнаб кетиши учун ҳали анча вақт керак бўларди. Ўз вақтида у Каупервуддан кўп марта ёрдам сўраган, Каупервуд унча катта бўлмаган фоизга қарз бериб турган, бажонидил яхши маслаҳатлар берган, чунки Уингейтни ҳурмат қилар ва ҳатто унга раҳми келарди. Ҳозир эса Уингейт у қадар яхши таъминланмаган кексалик сари оқим бўйлаб сузиб кетаётган одам эди. Ҳозирги пайтда у Каупервуднинг агенти бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаса керак, бошқа томондан эса, Каупервуд топшириқларини Уингейт ўта аниқлик билан бажаришига ишонарди.

Каупервуд Уингейтни ўзининг олдига таклиф қилиб, у билан узоқ суҳбатлашди. Унга вазиятни яхшилаб тасвирлаб, ҳамкор сифатида ўзининг қанчалик фойдаси тегиши ва унинг конторасидан нима кутаётганини тушунтириб берди. Уингейт бу ишни бажаришга жондиди билан рози бўлди.

– Жаноб Каупервуд, кўрсатмаларингиз бўйича иш қилишдан хурсандман, – Каупервудни ишонтирди маклер. – Нима бўлган тақдирда ҳам, сиз мени ташлаб кетмаслигингизни биламан ва айтишим мумкинки, дунёда ўзим бирга ишлашни шунчалик хоҳлайдиган ва мен шунчалик ҳурмат қиладиган бошқа одам йўқ. Бу тўфонлар ўтиб кетади ва ишда яна мавқеингизни тиклаб оласиз. Нима бўлганда ҳам, уриниб кўриш керак. Агар ишимиз юришмаса, нимани лозим кўрсангиз, шуни қилаверасиз.

## Теодор Драйзер

Улар ўртасидаги битим ана шу шартлар асосида тузилди ва Каупервуд Уингейт номи билан секин-аста фаолиятини бошлади.

**П**енсильвания штати олий суди ниҳоят Каупервуднинг биринчи инстанция чиқарган ҳукмини бекор қилиш ва ишни қайта кўриш ҳақидаги аризасини кўрадиган пайт келгунга қадар Каупервуднинг Эйлин билан муносабатлари ҳақидаги гап-сўзлар кенг тарқалиб кетишга улгурганди. Аллақачон хабардор бўлганимиздек, бу ҳолат унинг обрўсини тўкиб, унга зарар келтиришда давом этаётганди. Бу воқеа Республикачилар партияси раҳнамолари яратмоқчи бўлган ҳолат, яъни Каупервуд чиндан ҳам жинойтчи, Жорж Стинер эса унинг қурбони эканини тасдиқлагандек эди. Каупервуднинг у қадар қонуний бўлмаган макр-ҳийлалари – ўта кучли сармоядорлик иқтидорининг меваси замонавий Макиавеллининг хавфли кирдикорларидек тасвирланаётганди. Аслида эса Каупервуд бошқалар зимдан бажарадиган ишларни қилишни асло ўзига эп кўрмасди.

Каупервуднинг хотини ва иккита фарзанди бор эди; бироқ йигитнинг ҳақиқий режаларидан беҳабар бўлган, бироқ узунқулоқ гаплар етиб келган филадельфияликлар, у бугун бўлмаса эртага оиласини ташлаб, Лилиан билан ажрашмоқчи ва Эйлинга уйланмоқчи, деган хулосага келишганди. Консерватив одамлар нуктаи назарида шунинг ўзиёқ жинойт эди, агар бунга қўшиб Каупервуднинг молиявий қийинчиликларини, суд жараёни, айблов ҳукми ва банкротлиги ҳисобга олинса, Филадельфияда шаҳар қорчалонларининг у ҳақида гапираётган гапларига нега жон-жон деб ишониб кетаётганлари тушунарли бўлади.

## Теодор Драйзер

Уни қамоққа тикишади. Олий суд унинг ишни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги талабини рад этади. Шу тарзда кўпинча кўнглимиздаги хаёлларимиз ва орзуларимиз қандайдир мўъжиза сабаб кенг жамоатчиликнинг мулкига айланади. Одамлар аслида уларга етиб бориши мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам билишади. Хохласа-хохламас, масофадан туриб фикр узатиш деган нарса мавжудлигига ишониб қолади киши!

Худди шундай йўл билан бу гап-сўзлар нафақат Пенсильвания штати олий судининг бешта судьяси, балки губернаторнинг ҳам қулоғига етиб борди.

Апелляцияга бергандан сўнг Каупервуд озодликда ўтказган бир ой ичида Ҳарпер Стежер ва Дэннис Шеннонлар олий суд аъзолари олдида бўлишиб, бирлари ишни қайта кўриб чиқишни, бошқаси бу ишга қаршилиқ қилишни сўрашга улгуришганди.

Каупервуд ўз ҳимоячиси орқали олий судга далиллар билан асосланган шикоят аризасини юборганди. У аризасида маслаҳатчиларнинг айблов ҳукми асоссизлиги, ўзининг ўғрилиқ ва бошқа жиноятларда айбланишининг исботи пуч эканини кўрсатиб ўтганди. Ўз далилларини келтириши учун Стежерга икки соату ўн дақиқа кетди; округ прокурори унга бундан ҳам кўпроқ вақт беришга қаршилиқ кўрсатди ва катта юридик тажрибага эга бўлган, бироқ молиявий масалаларни унча тушунмайдиган бешала юрист ҳам уларни қизиқиш билан тинглади. Уларнинг учтаси – ўз даврининг сиёсий оқимларига ва хўжайинларининг хоҳишларига зийраклик билан жавоб берадиган Смитсон, Рейни ва Бекуислар Каупервуднинг молиявий операциялари тарихига совуққонгина муносабатда бўлишди, чунки йигитнинг Батлернинг қизи билан алоқалари, бу одамнинг Каупервудга очиқдан-очиқ душмандек қараши ҳақидаги гаплардан улар ҳам хабардор эдилар. Улар ишни адолатли ва холис кўриб чиқяпмиз деб ҳисоблашаётган, ҳақиқатда эса Каупервуднинг Батлерга

нималар қилганини бир сония ҳам унутмаётгандилар. Дунёкараши кенгрок бўлган бошқа икки судья – Марвин ва Рафальский Каупервуднинг иши бўйича қарор адолатсиз бўлганини тушуниб турар, бироқ буни тузатиш имконини кўришмаётганди. Каупервуднинг ўзи сиёсий арбоблар ва жамият олдида шахсини ёмон кўрсатиб қўйганди.

Улар вазиятни тушунишди ва Каупервуднинг Стежер аниқ таърифлаб берган улкан молиявий ва ижтимоий йўқотишларини эътиборга олишди. Бир вақтлар ўзи ҳам бир ёш қиз билан шундай муносабатда бўлган судья Рафальский айблов ҳукмига қарши чикмоқчи бўлди, бироқ ўйлаб кўриб, сиёсий хўжайинларининг талабларига қарши бориш ақлдан эмас, деган хулосага келди. Шундай бўлса-да, судья Смитсон, Рейни ва Бекуислар ўзларини шубҳалар билан қийнаб ўтирмасдан, ҳукмни ўз кучида қолдиришга тайёр турганларида, Марвин ва Рафальскийлар ўзларининг “алоҳида фикрлари” борлиги тўғрисида эълон қилишди. Шундай қилиб, жуда чалкаш юридик ҳолат юзага келди. Каупервуд “ҳаракат озодлиги” ҳуқуқига кўра ишни Қўшма Штатлар олий судига олиб чиқиш имконини қўлга киритди.

Пенсильваниядами ёки бошқа бир штатдами, қаерда бўлмасин, исталган судда судьялар бу каби ғайриоддий ва муҳим ишни яхшилаб ҳал қилишни хоҳлашади. Шунинг учун ҳам озчилик бўлишига қарамай, Марвин ва Рафальскийлар ўзларининг “алоҳида фикрлари”ни айтиб, асло таваккал қилишмаганди. Республика партияси раҳнамолари норозилигини билдирмайди, чунки Каупервуд қай йўл билан бўлмасин, барибир ҳукм қилинади. Партия раҳнамоларига бу ҳатто ёқса ҳам керак, чунки ишнинг ҳал қилиниши анча адолатли тус оляпти. Бундан ташқари, Марвин ва Рафальский ўзларини Смитсон, Рейни ва Бекуисларнинг чуқур ўйламай чиқармоқчи бўлган ҳукмидан олиб қочмоқчи бўлаётганди.



## Теодор Драйзер

Шундай қилиб, одатда бунга ўхшаш ҳолатда бўлгани каби бешала судья ҳам бу ишни адолатли кўриб чиқяпмиз деб тасаввур қилаётганди. Ва 1872 йилнинг ўн биринчи феввалида Смитсон ўзи ва ҳамкасблари – Рейни ва Бекуислар номидан қуйидаги қарорни эълон қилди:

*“Айбланувчи Фрэнк Каупервуд биринчи инстанциядаги судда маслаҳатчилар кенгашининг (Пенсильвания штатининг Фрэнк Каупервуд иши бўйича чиқарилган) ҳукмини бекор қилишни ва ушбу иш қайтадан кўриб чиқирилишини илтимос қилади. Олий суд айбланувчига нисбатан адолатсизлик қилинмаган деб ҳисоблайди. ( Шундан сўнг ишнинг барча ҳолатлари батафсил баён қилинган ва шаҳар газначилигида ўрнатилган одат ва анъаналар ҳамда Каупервуднинг шаҳар маблағи билан истаганча иш кўрганининг Каупервуднинг қонунга риоя қилмагани тўғрисидаги жавобгарлиги масаласига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги кўрсатиб ўтилганди). Айбланувчининг гўёки қонуний асосда унга тегишли бўлмаган пулни олиши (кўпчилик номидан тушунтирди судья Смитсон) талон-тороғ қилиш деб ҳисобланиши мумкин. Ушбу ҳолда маслаҳатчилар айбланувчининг жинойткорона режасига таянганини аниқлашлари керак эди. Маслаҳатчилар ишни айбланувчи фойдасига ҳал қилишмаган ва олий суд улар чиқарган ҳукми етарли даражада асосли деб билади. Айбланувчи шаҳар газначилиги чекидан қайси мақсадда фойдаланган? Айбланувчи банкрот бўлиш арафасида турганди. У ўз қарзларини тўлдириш мақсадида унга сотиш учун топширилган шаҳар газначилиги сертификатларини гаровга берган, унгача эса ноқонуний йўл билан беш юз минг доллар ссуда ҳам олган. Ва маслаҳатчилар қонуний йўл билан у шаҳар газначилигидан яна қўшимча ссуда ола билмасди деб ўйлашларига ҳамма асослари бўлган. Шунинг учун у яна шаҳар газначилигига келиб, ёлгон ишлатиб олтмиш минг долларга чек олиб кетади. Маслаҳатчилар унинг бу ҳаракатларида жинойтчилик ниятлари борлигини кўришган”.*

Олий суд шу сўзлар билан Каупервуднинг ишни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги илтимосини рад қилди. Судья Марвин ўзи ва судья Рафальский номидан куйидагиларни ёзди:

“Судда бор далиллардан кўриниб турибдики, жаноб Каупервуд чекни шаҳар газначилиги агенти сифатида олган, бошқа томондан эса агент сифатида чекнинг олинishi билан у ўзига юкланган мажбуриятларни тўлиқ бажармагани (ёки бажармоқчи бўлмагани) аниқланмаган. Судда маълум бўлишича, амортизация фонди учун сотиб олинган шаҳар заёми облигацияларининг сони ва нархи сиёсий жиҳатлардан келиб чиқиб на биржада эълон қилиниши, на бошқа йўл билан овоза қилиниши керак эмасди. Айни пайтда эса газначилик агенти томонидан жаноб Каупервудга унинг операциялари натижаси қониқарли бўлган тақдирда ўз актив ва пассивларидан хоҳлаганча фойдаланиш ҳуқуқи берилганди. Облигацияларнинг сотиб олиниш вақти ва уларнинг алоҳида бир партиясини сотиб олиш учун ажратилган маблағ суммаси ҳам ҳеч қандай битим асосида келишилмаганди. Судланувчи агар чекларга ўз манфаатлари учун найранг йўли билан эгалик қилган тақдирдагина, биринчи пункт билан айбланиши мумкин. Бироқ маслаҳатчиларнинг ҳукмларида бу факт кўрсатилмаган ва мавжуд далиллар асосида кўрсатила олиши ҳам мумкин эмас; яна маслаҳатчилар судланувчини, қўлларида бирорта ҳам далил бўлмай туриб, қолган уч пункт бўйича ҳам айбдор деб топилган. Улар қолган уч пункт бўйича яққол кўриниб турган адолатсизликка йўл қўйишган экан, биз қандай қилиб уларни биринчи пункт бўйича адолатли ҳукм чиқарган деб тасдиқлай оламиз? Кам овоз берганларнинг фикрига кўра, судланувчининг биринчи инстанциядаги суд қарори бўйича талон-тороғликда айбланув қарори асоссиздир, маслаҳатчилар ҳукмини рад қилиб, ишни янгида кўриб чиқишга тақдим қилиш керак.”

## Теодор Драйзер

Ишнинг кўзини биладиган, бироқ ижодий ёндашишни яхши кўрадиган, келиб чиқиши яхудий, бироқ сиртдан ғирт америкалик бўлган судья Рафальский шахсий мулоҳазаларини акс эттирган учинчи фикрни ҳам ёзиб қўйишни ўз бурчи деб билди. Бу нарса кўпчиликнинг қарорини танқид қилиши ва судья Марвин айтиб ўтган пунктларга қўшимча бўлиши керак эди. Каупервуднинг айбдорлиги масаласи жуда чалкаш бўлиб, сиёсий мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳам йигитга айблов ҳукми чиқаришга уринган бўлса-да, олий суд аъзоларининг фикрлари турличалиги яккол кўриниб турарди. Судья Рафальскийнинг фикрича, Каупервуд жиноят қилган бўлса-да, бу жиноятни талон-торож қилиш деб баҳолаб бўлмайди; ва у бунга қўшимча қилди:

*“Суднинг қўлидаги далиллар Каупервуд яқин кунларда қарзини қайтармоқчи бўлмаган, шунингдек, шаҳар газначиси ёки унинг канцелярия бошқарувчиси Альберт Стайерс бу чек ва у тақдим этадиган моддий қийматдан ажраб қолмоқчи эмасди, деб хулоса қилишга йўл бермайди. Жаноб Стайерснинг гувоҳлик беришича, жаноб Каупервуд унга шаҳар заёми облигациялари кўрсатилган суммага олгани тўғрисида айтган, аммо биз бунинг аксини тасдиқловчи ҳеч қандай ишончли далилларга эга эмасмиз. Облигациялар амортизация фондига топширилмагани қонунга зид бўлса-да, адолат юзасидан бу ҳолат ўрнатилганига анча бўлган одат натижаси деб қаралиши керак. Балки, жаноб Каупервуд шундай қилишга ўргангандир?*

*Тушунишимча, олий суднинг кўп аъзолари “ўғрилик” сўзини кенг маънода қўллашяпти, бунинг натижасида кенг қамровли ва бутунлай қонуний бўлган биржа операцияларини ўтказадиган истаган ишбилармон, бу ерда жаноб Каупервуд билан содир бўлганидек, биржа ваҳимаси ёки ёнгин сабаб жиноятчи бўлиб қолаверар экан-да! Суднинг шундай прецедентларни яратиши ва*

*бундай оқибатларга олиб келадиган позицияни эгаллаши менга жуда ажабланарли туюляпти”.*

Каупервуд олий суд аъзоларининг фикри бўлинганидан қониққан, аслида вазият бундан ҳам баттар бўлишига тайёрланган ва ишларини шунга қараб режалаштирган бўлса-да, бу натижадан ҳафсаласи қаттиқ пир бўлди. Аслида кучли ва ўзига бино қўйган бу инсон азоб чекишга қодир эмас, деб ўйлаш нотўғри бўларди. Бу каби ҳиссиётлар унга бегона эмасди, бироқ улар уни ҳеч қачон тарк этмайдиган совуққонлик назорати остида бўларди. Стежернинг айтишига кўра, қарорнинг пунктларидан бири конституцияда ёзилганидек Америка фукаросининг асосий ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳолатга тесқари бўлгани учун энди Каупервуднинг олдида фақат бир йўл – Қўшма Штатларнинг олий судига шикоят аризаси билан мурожаат қилиш қолаётганди. Бу эса жуда узоқ давом этадиган ва қимматга тушадиган жараён эди. Бундан ташқари қайси пункт бўйича шикоят қилиш кераклиги йигитга унча тушунарли эмасди. Яна анча вақт – бир йил, бир ярим ва балки, ундан кўпроқ вақт кетган бўларди ва натижада у барибир қамокда ўтириб чиқиши мумкин бўларди. Бутун кутиш вақтини ҳам озодликда ўтказиш мумкин деб айтиб бўлмасди.

Ишлар қандайлиги тўғрисидаги Стежернинг ахборотини эшитиб, Каупервуд бир неча дақиқа ўйланиб қолди, кейин деди:

– Демак, олдимда икки йўл: ё қамокқа тушиш, ёки Америкадан қочиб кетиш турибди. Мен биринчисини танлайман. Шу ерда, Филадельфияда курашни давом эттираман ва охири ғалаба қозонаман. Мен ишни Қўшма Штатлар олий суди қайта кўриб чиқишига ёки губернатор авфига эришаман. Қочиб кетмоқчи эмасман, бу – аниқ! Мени курагини ерга теккиздим деб ўйлаётганлар қаттиқ янглишади. Ўзимни дарров ўнглаб оламан ва бу майда сиёсатдонларга ҳақиқий кураш нималигини кўрсатиб

## Теодор Драйзер

қўяман! Энди улар мендан бир доллар ҳам ололмайди! Бир цент ҳам! Агар улар изимга тушишмаганда, вақти келиб мен беш юз минг долларни ўрнига қўйган бўлардим. Энди улар тушини сувга айтишсин!

Каупервуд тишини тишига босди, кўзлари эса ғазабдан чакнаб кетди.

– Фрэнк, мен сиз учун қўлимдан келган ишни қилдим, – чиндан ҳамдардлик билдирди Стежер. – Бор кучим билан курашганимга ишонинг. Балки, жуда зўр уддалай олмагандирман, ўзингиз кўрдингиз, бироқ менга боглик ҳамма нарсани қилдим. Яна нималардир қилиш мумкин, бироқ бу керак ёки керак эмаслигини ўзингиз ҳал қилинг. Нима десангиз, шу бўлади.

– Ҳарпер, бўлмаган гапни гапирманг, – жаҳли чиқиб деди Каупервуд. – Агар ишингиздан қоникмасам, буни сизга айтишдан уялмаган бўлардим. Ўйлашимча, ишни давом эттираверишингиз мумкин ва Қўшма Штатлар олий судига апелляция учун етарли асос топишга ҳаракат қилинг, мен эса бу орада муддатимни ўтайвераман. Умид қиламизки, судья Пейдерсон ҳукм чиқарадиган кунни белгилашни кечиктирмайди.

– Фрэнк, бу қайсидир бир маънода сизга боглик. Агар сиз керак дейдиган бўлсангиз, бир ҳафта ёки ўн кунга чўзишга эришиш мен учун қийин эмас. Шеннон қаршилиқ қилмаслигига ишончим комил. Ҳамма гап шундаки, эртага сизнинг орқангиздан Жесперс келади. Ишни қайта кўриш ҳақидаги аризангизга рад жавоби берилгани тўғрисида хабар олгач, у сизни яна қамоққа олиши керак. Агар унинг қўлига озгина пул тутқазилмаса, у сизни тезроқ қамашга шошилади. Бироқ у билан гаплашиш мумкин. Агар шошмай турсин дейдиган бўлсангиз, менимча, у ўз агенти назорати остида сизни қўйиб юборишга рози бўлади, бироқ тунни ўша ерда ўтказишингизга тўғри келади. Бир неча йил бурун Альбертсон билан бўлиб ўтган воқеадан кейин бу қоидаларга жуда риоя қиладиган бўлишган.

Стежер гўё қоровул назорати остида кечасига камокдан чиқариб юборилган ва қочиб кетишга эришган бир банк кассири ҳақида гапираётганди. Ўз вақтида бу ҳолат шерифнинг қаттиқ танқид остида қолишига сабаб бўлган ва ўшандан бери махбуслар ўзларининг мулкӣ ва ижтимоӣ мавқеидан қатъи назар, ҳукм чиқарилгунча ҳеч бўлмаганда тунни камокда ўтказишлари керак бўларди.

Каупервуд Иккинчи кўчадаги Стежернинг идорасида дераза олдида туриб, ўз вазияти ҳақида ўйлаётганди. Жесперснинг меҳмондўстлигини бир марта татиб кўргач, у камокда бу жентльменнинг қўли остида бўлишдан кўрқаётгани йўқ эди, бироқ бу нарса унинг камокдаги муддатини камайтирмас экан, тунларни мана шу камокда ўтказиш унга алам қилаётганди. Демак, у ишларини тартибга солиш учун қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани (гап у ҳали озодликда ўтказиши мумкин бўлган ойлар эмас, кунлар ҳақида кетаётганди) Учинчи кўчадаги идорасида бажаргандек камок камерасида ҳам бемалол бажариши мумкин. Ортикча чўзиб ўтиришнинг нима кераги бор? У камок муддатини ўташи керак – бошқа ўйлаб ўтирмай, бунга кўникиш керак. Тўғри, яна яхшилаб ўйлаб кўриш учун бир-икки кун чўзса бўлади, бироқ ортикча ташвишланиб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ.

– Агар ҳамма нарса ўз навбати билан кетишига йўл қўйиб қўйсақ, унда қачон ҳукм чиқарилади? – ниҳоят сўради Каупервуд.

– Менимча, жума ёки келаси ҳафтанинг душанба куни чиқса керак, – жавоб берди Стежер. – Мен Шенноннинг режаси нималигини билмайман. Унинг олдига кириб, аниқлаб олишим керак.

– Ҳа, шундай қилишга тўғри келади, – унинг гапига қўшилди Каупервуд. – Жумами, душанбами – аслида, фарқи йўқ. Бироқ душанба бўлса, яхшироқ бўларди. Сиз ўша кунгача мени тинч қўйиб туришга Жесперсни кўндира олмайсизми? У менга ишониш мумкинлигини билади.

## Теодор Драйзер

– Фрэнк, ҳеч қандай ваъда бера олмайман, кўрамиз! Бугунок кечкурун у билан гаплашиб кўраман. Балки, юз долларча пул уни қоидаларини сал юмшатишга мажбур қила олар.

Каупервуд истехзо билан илжайди.

– Мен юз доллар Жесперсни истаган қонундан чекинишга мажбур қила олади, деб ўйлайман, – деди сўнг ўрнидан туриб кетишга отланаркан.

Стежер ҳам ўрнидан турди.

– Мен Шеннон билан ҳам, Жесперс билан ҳам кўришиб, кейин сизникига ўтаман. Тушдан кейин уйда бўласизми?

– Ҳа.

Улар пальтоларини кийишиб, совуқ февраль шамоли эсиб турган кўчага чиқишди. Каупервуд Учинчи кўчадаги идорасига шошиб кетди, Стежер аввал Шенноннинг олдига, кейин эса Жесперс билан учрашгани жўнади.

**О**круг прокурори сал оркага суришга қаршилик билдирмагани учун ҳукм чиқариш душанба кунига белгиланди. Шеннон билан гаплашгандан сўнг соат бешларда – бутунлай қоронги тушгач, Стежер округ қамокхонасига қараб йўл олди. Шериф Жесперс трубкасини тозалаб ўтирган хонасидан ялқовлик билан чиқиб келди.

– Салом, жаноб Стежер! – меҳмонни қарши олди у. – Ишлар қалай? Сизни кўрганимдан хурсандман. Ўтиринг! Яна Каупервуд масаласида келдингизми? Ҳозиргина мижозингиз ишни ютқизгани ҳақида округ прокуроридан билдирги олдим.

– Афсуски, шундай бўлиб қолди, – маънос оҳангда деди Стежер. – Жаноб Каупервуд мандан олдингизга кириб, энди нима қилмоқчи эканингизни билишни сўраганди. Судья Пейдерсон ҳукм чиқарилишини душанба куни соат ўнга тайинлади. Жаноб Каупервуд олдингизга душанба куни соат саккизга ёки жуда бўлмаганда, якшанба куни кечкурун келса, қарши бўлмассиз деган умиддаман! У ишонса бўладиган одам, буни биласиз.

Стежер пайсалга солиб, атай бепарво оҳангда гапира бошлади – мақсади Каупервуднинг қамокқа қайтиб келиш вақти масаласи арзимаган нарса эканини кўрсатиб, шу йўл билан юз долларни тежаб қолиш эди. Бироқ Жесперсни авраш осон иш эмасди. Унинг семиз юзи чўзилгандек бўлди. “Миннатдорлик” тўғрисида ҳатто оғиз ҳам очмай, Стежер қанақа хизмат тўғрисида гапиряпти ўзи?



## Теодор Драйзер

– Бирок жаноб Стежер, ўзингиз жуда яхши биласиз, бу конунга зид, – эҳтиёткорона ва гўё ҳамдардлик билан гап бошлади шериф. – Мен жаноб Каупервудга бажонидил хўп деган бўлардим, бирок уч йил бурун Альбертсон билан юз берган воқеадан кейин қаттиққўлрок бўлишга тўғри келиб қолган ва...

– Ҳа, ҳа, шериф, бундан хабарим бор, – юмшоқлик билан унинг гапини бўлди Стежер. – Бирок ўзингиз яхши тушунасиз – бу одатдагиларга асло ўхшамаган иш. Жаноб Каупервуд жуда йирик тадбиркор ва кўп нарса тўғрисида ўйлаши керак. Агар гап бирорта суд хизматчиси ёки жарима учун бериш учун керак бўлган етмиш беш ёки юз доллар тўғрисида гап кетаётган бўлса, у ҳолда бундан осони йўқ, бирок...

Стежер жим бўлиб, атай кўзини бошқа ёққа олди. Жесперснинг юзидаги ҳафсаласи пир бўлган сингари ифода дарров йўқолди. Одатдаги ҳолларда бузиш кийин бўлган конун дарров орқа планга ўтди; Стежер энди ортик тушунтиришнинг ҳожати йўқлигини тушунди.

– Бу жуда нозик иш, жаноб Стежер, – ҳали ҳам шикоятмуз, бирок хизматга тайёр оҳангда жавоб берди шериф. – Нимадир юз берадиган бўлса, мен ўша заҳоти ўрнимдан ажраб қоламан. Ўлсам ҳам бундай таваккал қилмасдим, бирок жаноб Каупервудни ҳам, жаноб Стинерни ҳам яхши биламан, уларнинг икковлари ҳам менга ёқади. Бундан ташқари, назаримда, уларга нисбатан адолатсизлик қилишяпти. Мен жаноб Каупервуд учун истисно қилишга розиман, бирок одамларнинг кўзига кўп кўринавермасин. Буни округ прокурори идорасидагилар билиб қолишмасин. Умид қиламанки, киши кўзига унга қоровул бириктириб қўйсам, мижозингиз хафа бўлмайди. Қонун бўйича шундай қилишга мажбурман. Агентим жаноб Каупервудни сиқиб қўймайди, ундан узоқда юради ва умуман ўзини жуда одоб билан тутди. Жаноб Каупервуд унинг борлигини ҳатто сезмайди ҳам.

Жесперс Стежерга деярли ялингудек каради ва Стежер рози бўлгандек, бошини кимирлатиб қўйди.

– Яхши, шериф, жуда яхши! Сиз бутунлай ҳақсиз!

Шу сўзлар билан Стежер чўнтагидан ҳамёнини чиқарди, шериф эса эҳтиёткорлик билан уни ўз хонасига бошлади.

– Жаноб Стежер, сизга сотиб олмоқчи бўлаётганим – бир қатор юридик адабиётларни кўрсатмоқчиман, – деди у адвокат унга узатган ўн долларлик пулларнинг кичкина боғламини чўнтагига тикаркан. – Ўзингиз яхши биласиз, кўпинча ҳар хил саволларга дуч келамиз. Шунинг учун мана шундай китоблар қўл остимизда бўлса, чакки бўлмасди деб ўйлаб қолдим.

Шериф қўли билан бир қатор қонунлар тўплами, суд уставларининг энг янги нашрлари, қамокхона кўрсатмалари ва бошқаларга ишора қилди.

– Шериф, яхши ўйлабсиз! Жуда ажойиб! Демак, жаноб Каупервуд бу ерга душанба кuni соат саккизлар ёки саккиз яримларда келса, яхши бўлади, деб ўйлайсизми?

– Шундай қилса, яхши бўлади, деб ўйлайман, – безовталиқ билан, бироқ иложи борича ўзини тутиб деди Жесперс. – Бундан олдин у бизга керак бўлиши эҳтимолдан йироқ. Бироқ зарур бўлиб қолса, дарров сизга хабар бераман ва уни бу ерга олиб келасиз. Лекин ишончим комилки, бунинг хожати бўлмайди, жаноб Стежер. Ҳаммаси яхши бўлади деб ўйлайман.

Улар вестибюлга қайтиб чиқишди.

– Жаноб Стежер, сизни яна кўрганимдан хурсандман, – яна такрорлади Жесперс. – Келиб туринг, илтимос!

Шериф билан хушмуомала тарзда хайрлашгач, Стежер Каупервуднинг олдига шошди.

Эгнига хушбичим кулранг костюм ва аъло даражада тикилган пальто кийиб олган, конторадан қайтиб келиб, ажойиб қурилган уйининг зинасидан кўтарилаётган Каупервудни кўрган одам унинг шу онда ўз-ўзидан, бу

## Теодор Драйзер

уйимда ўтказадиган охирги кеча эмасми, деб сўраётганини тасаввур ҳам қила олмасди. На юзидаги ифодаси, на юриши унинг кўнглидаги изтиробларини кўрсатиб турарди. У ҳали эрта эканига қарамай, чироқ ёниб турган даҳлизга кириб келди. Қаршисидан каминга солиш учун бир челақ кўмир кўтарган қора танли хизматкор Симс чиқиб қолди.

– Бугун ташқарида ҳаво бирам совуқ, жаноб Каупервуд, – деди Фаренгейт бўйича олтмиш даражадан пастни совуқ ҳисоблайдиган Симс. У Филадельфиянинг Шимолий Каролинада жойлашмаганидан жуда энг кўп афсусланарди, чунки ўзи ўша ердан эди.

– Ҳа-а, ҳаво совуқроқ, Симс, – хаёл билан жавоб берди Каупервуд.

У ҳозир уйи ҳақида, Жирард авенюдан қайтиб келганида, уйининг қандай кўрингани, унинг келаётганини деразадан кўрган кўшнилари нима деб ўйлагани ҳақида хаёл сураётганди. Бугун ҳаво очик ва совуқ эди. Даҳлиз ва меҳмонхонада чироқ ёниб турар, Каупервуд ташвишлари бошланганидан бери уйининг ҳам маъюс ва тушқун қиёфага кириб қолмаслигига ҳаракат қилаётганди. Деразасидаги қаймоқранг тўрпардалар ортидан майин чироқ нури тушиб турган яшил-кулранг уй, айникса, ҳозир чиройли кўринаётганди. Каупервуднинг ёдига бу уйни куриш ва жиҳозлаш учун қанча куч сарфлагани тушди. Ким билади, бу уйни энди сақлаб қола олармикин?

– Каупервуд хоним қаерда? – хаёлини йиғиб, Симсдан сўради у.

– Меҳмонхонада, шекилли, сэр.

Каупервуд зинадан кўтариларкан, агар Лилиан кейин уни ўзида олиб қолишни хохламайдиган бўлса, кекса Симс ҳам ишидан айрилишини ўйлади. Бироқ Лилианнинг бундай йўл тутиш эҳтимоли кам эди. Каупервуд хона ўртасидаги овал шаклидаги стол олдида ўтириб олганча кичкина Лилианнинг юбкачасига илгак тикаётган Кау-

первуд хоним ўтирган меҳмонхонага кирди. Эрининг кадам товушларини эшитиб, аёл бошини кўтарди ва худди охирги кунлардаги сингари калбидаги оғриқдан дарак бераётган, кўркув, шубҳаларга тўла ғалати жилмайиши билан каради.

– Нима гаплар, Фрэнк? – сўради у. Унинг лабларида ўйнаётган кулгини истаганда ечиб кўйиш мумкин бўлган камар, шляпа ёки тўғнағич билан таққослаш мумкин эди.

– Менимча, ютқизганимни ҳисобга олмаса, ҳеч гап йўқ, – одатдагидек бепарволик билан жавоб берди Каупервуд. – Стежер ҳозир жавоб олиб келиб қолади. У менга бугун кечкурун кириб ўтаман деб хат юборганди.

Каупервуд бутунлай ютқизгани тўғрисида очиқдан-очиқ гапиришни хохламаётганди. У Лилиан шусиз ҳам жуда оғир вазиятда эканини билар ва яна бу хабар билан уни ҳайрон қолдиргиси келмаётганди.

– Бўлиши мумкин эмас!.. – ўрнидан тураётиб кўркув ва ҳайрат билан деди аёл. У доим ҳеч қачон қамок ҳақида ўйланмайдиган, ҳаёт бир текис ўтадиган, суд ёки қамаш деган тушунчалар бўлмаган дунёда яшаган ва энди охирги ойлардаги воқеалардан ақлдан озай деб қолганди. Каупервуд шундай қатъийлик билан уни ўз ҳаётидан узоклаштирган, ишларига аралаштирмаётган эдики, аёл ҳатто нималар бўлаётганини ҳам тушунмаётганди. Унга маълум бўлганлари – у Фрэнкнинг ота-онасидан, синглиси ва яшириб ўқиётгани – газеталардан билганлари эди. У ҳатто Фрэнк округ қамокхонасига кетаётганда ҳам ҳеч нарсадан хабари бўлмаган, фақат кекса Каупервуд қайтиб келиб, унга нима рўй берганини айтиб берганди. Бу нарса Лилиан хоним учун қаттиқ зарба бўлди. Энди эса Фрэнк хотиржамгина, тўғриси, унинг ўзи кунига нафасини ичига ютиб кутаётган зарбани беряпти. Буниси энди ортиқча эди!

Қўлида болаларнинг юбкачаси билан эрининг қаршисида турган Лилиан қирқ ёшга чиққанига, эридан

## Теодор Драйзер

беш ёш катта эканига қарамай, ҳали ҳам келишган аёл эди. Унинг эғнида яқиндагина, фаровон ҳаёти пайтида тиктиргани – тўқ жигарранг матодан безак қўйиб тикилган каймоқранг ипак кўйлак бўлиб, ўзига жуда ярашиб турарди. Аёлнинг кўзлари салгина ичига ботиб, қовоқлари қизарганини айтмаса, бошқа ҳеч нима унинг қалбидаги кечинмаларини ошкор қилолмасди. Унинг бир пайтлар Каупервудни ўзига ром этган майин вазминлиги ҳали ҳам бор эди.

– Қандай даҳшат!.. – деди аёл секингина кўллари титраб. – Қандай даҳшат! Бошқа ҳеч нарса қилиб бўлмайдими? Наҳотки қамоқдан қутулиб кетишнинг иложи бўлмаса?

Аёлнинг тушқунлиги Каупервудга ёқимсиз таъсир қилди. Унга кучли, қатъий аёллар ёқарди, бироқ нима бўлса ҳам, бу унинг хотини ва бир пайтлар ўзи уни севган.

– Ҳа, шунақага ўхшайди, – жавоб берди Фрэнк ва унинг товушида охирги йилларда биринчи марта илиқлик сезилди, чунки у чин кўнгилдан Лилианга ачинар, бироқ унга меҳрини кўрсатишдан ҳам хавфсирар, боиси хотини буни бошқача тушуниши мумкин эди. Аслида эса Фрэнк унга нисбатан ҳеч қандай илиқликни сезмасди. Бироқ Лилиан шу даражада тентак эмасди, у Фрэнкнинг гапириш оҳангидаги ачиниш ўз мағлубиятидан, балки Лилианнинг ҳам шу вазиятга тушиб қолганидан эканини тушунди.

Лилиан ирода кучи билан кўз ёшларини ушлаб қолди, бироқ у эрининг гапидан таъсирланганди. Бу сўзлардаги оҳанг унинг бир пайтларги, энди бутунлай ортга қайтмас бўлиб кетган кунлардаги меҳрни ёдига солди. Қанийди, ўша кунларни қайтаришнинг иложи бўлса!

– Мен учун куйиниб ўтиришингни хоҳламайман, – деди Каупервуд хотини гап бошлашга улгурмасдан. – Мен ҳали таслим бўлмадим. Бу вазиятдан қутулиб кетаман. Тўғри, ишни яна ҳам чигаллаштириб юбормаслик учун қамоқда ўтиришимга тўғри келади. Сенга битта илтимосим бор – бошқа оила аъзоларимиз олдида, айниқса, отам билан

онамнинг олдиларида ғам чекиб ўтирма. Уларни руҳан куллаб-қувватлаб туриш зарур.

Каупервуд бир сониягина хотинининг қўлини ушламоқчи бўлди, бироқ ўзини тутиб қолди. Лилиан буни сезди. Ўн-ўн икки йил олдинги вақт билан ҳозирги пайт ўртасида қанчалик катта фарқ бор-а! Бироқ бу ҳолат аёлга энди аввалгичалик оғриқли таъсир қилмаётганди. У эрига қараб тураркан, нима дейишга сўз топа олмаётганди. Нима ҳам дейиши мумкин?

– Демак, яқин орада бизни ташлаб кетишингга тўғри келаркан-да? – бир амаллаб сўради аёл.

– Ҳали билмайман. Балки бугун, балки, жума кунидир. Балки, душанба бўлиши ҳам мумкин. Стежердан хабар кутяпман. Ҳозир кириб келиб қолиши керак.

Қамоқ! Қамоқ! Фрэнк, унинг эри, бутун оиланинг суянчиғи қамоқда ўтириши керак бўлади! Лилиан ҳали ҳам эрининг айбини тушунмас ва ҳайрон бўлиб турарди: у энди нима қилади?

– Балки, сенга нимадир тайёрлаб беришим керакдир? – уйқудан уйғонгандек, кутилмаганда сўради у. – Бирор фойдам тегмасмикин? Фрэнк, Филадельфиядан кетсанг яхши бўлмайдими? Агар хоҳламасанг, қамоқдан қочса бўлади-ку?

Лилиан биринчи марта хотиржамлигини йўқотганди. Каупервуд хотинига совуқ ва синовчан назар ташлади: у яна совуққон ишбилармонга айланганди.

– Бу ўз хатосини тан олиш билан тенг бўларди, Лилиан, мен эса айбдор эмасман, – куруққина оҳангда деди у. – Мени қочишга мажбур қиладиган ва жазоланадиган ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаганман. У ерга фақат вақтдан ютиш учун бораман. Бу ишни бир умрга чўзиб бўлмайди. Маълум вақт ўтиб – жуда ҳам узок эмас, ё суд йўли билан, ёки авф қилиш тўғрисидаги илтимоснома натижасида мени озод қилишади. Ҳозир эса ҳукмга қарши чиқиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайман. Филадельфиядан

## Теодор Драйзер

кочиш тўғрисида ўйламайман ҳам. Олий суднинг бешта судьясидан иккитаси “алоҳида фикр” билдиришди, бу эса менга қарши айб асоссиз қўйилганининг исботидир.

Лилян қандай хато қилиб қўйганини тушунди. Бу гап унинг айна пайтдаги фикрини намоён этганди.

– Фрэнк, мен бутунлай бошқа нарса демокчи эдим, – айбдорона оҳангда деди у. – ўзинг ҳам буни тушунасан! Гуноҳсиз эканингни, албатта, биламан! Ва қандай қилиб мен, айнан мен сендан шубҳаланишим мумкин?

Лилян бирор жавоб, эркаловчи сўз – бир пайтлардаги эҳтиросли севгининг акс-садосини эшитишни кутиб жим бўлди. Бироқ Каупервуд аллақачон ёзув столи олдида ўтирар, хаёллари бутунлай бошқа нарса билан банд эди.

Лилян яна ичи сиркираганча оилада ўрни мустаҳкам эмаслигини ҳис қилди. Қанчалар қайғули ва умидсиз ҳолат! У энди нима қилади? Фрэнк нима қилмокчи? Лилян ичидан титраб кетаётган, бироқ суст ва иродасиз табиати уни ўзини тутиб, жим туришга мажбур қилаётганди – унинг вақтини олишдан не наф? Нима ҳақда гаплашади? Барибир бу гаплардан ҳеч қандай фойда чикмайди. Фрэнк ортик уни севмайди – шу билан ҳаммаси тушунарли. Дунёда ҳеч бир нарса, ҳатто ушбу ҳодиса ҳам уларни бирлаштира олмайди. У бошқа аёлни – Эйлинни севади ва хотинининг кўрқинчли хаёллари, кўркуви, ғами ва тушкунликка тушгани унинг учун аҳамиятсиз. Лилян бир дақиқага ўгириларкан, йигит ўрнидан туриб, эшикка йўналди.

– Мен бир неча дақиқадан сўнг қайтаман, – деди у. – Болалар уйдами?

– Ҳа, улар ўз хонасида, – секин жавоб берди ўзини йўқотиб қўйган ва тушкунликка тушган Лилян. Унинг огзидан “Оҳ, Фрэнк!” деган сўзлар учиб чиқай деди, бироқ у оғзини очишга улгурмай, эри зинадан чопиб тушиб, кўздан йўқолди.

Лилиан титраётган лабларини қўли билан ёпиб, стол олдига келди. Унинг кўзларига ғам чўкканди. Наҳотки ҳаёт шу тарзда ғамгин томонга ўзгариб, севги олови тамоман ўчиши мумкин бўлса? Ахир ўн йил бурун... Йўқ, хотиралар билан юракни эзишнинг нима кераги бор? Демак, ҳамма нарса бўлиши мумкин ва бу ерда ҳеч қандай хаёллар ёрдам бермайди. Унинг ҳаёти иккинчи марта барбод бўляпти. Биринчи эри ўлганди, иккинчиси эса бевафолик қилди, бошқасини севиб қолди, бунинг устига, энди қамокқа тушиши хавф соляпти. Нега унинг бошига шунча балолар ёғияпти? Наҳотки у шунчалар ёмон аёл бўлса? У энди нима қилади? Кимга муурожаат қилади?

Фрэнк неча йилга ҳукм қилиниши мумкинлигини у ҳатто тасаввур ҳам қила олмаётганди. Бир йилми? Ёки газеталар ёзаётгандек, беш йилми? Вой, худойим! Беш йилда ахир болалар отасини бутунлай унутишади!

Лилиан қўлини бошининг оғриётган жойига босди. У келажакни кўз олдига келтирмоқчи бўлар, бироқ мияси бўм-бўш эди. Ва бирдан, ўзи қутмаганда, кўкраги кўтарилиб тушиб, томоғини бир нима бўғаётгандек бўлди, унинг кўзлари ачишиб, ўкраб йиглаб юборди. Аввалига у ўзини тута олмай, бутун танаси титраб, йиғлашда давом этди, бироқ аста-секин бўғиқ оғриқ секин тина бошлади ва Лилиан аввалги ҳолига қайтди. “Йиғлашнинг нима кераги бор? – бирдан ўзидан сўради у. – Бунчалик бўғилиб, эзилишнинг нима кераги бор? Ахир бу ёрдам берадими?”

Бироқ шундай донишмандлик билан ўзини ўзи кўндирмоқчи бўлаётганига қарамай, руҳини зирқиратган бўҳронни ҳамон ҳис қилиб турарди. “Йиғлашнинг нима кераги бор?” У худди саволни “Қандай қилиб йиғламай бўлади?” деб бериши ҳам мумкин эди, бироқ бундай дея олмасди. У бўроннинг ҳали ўтиб кетмагани, булутлар унинг боши тепасида қуюқлашиб, ҳали момақалдиروқ янги куч билан яна гумбурлашига ақли етиб турарди.



**С**тежернинг Каупервуд душанба куни ўзи унинг олди-га бормагунича шерифнинг ҳеч нарса қилмай туриши тўғрисидаги хабар вазиятни анча юмшатди. Жараённи ортга суриш Фрэнкка ҳамма нарсани шошмасдан мулоҳаза қилиш ва баъзи уй ишларини бажариб олиш имконини берарди. Каупервуд иложи борича юмшоқлик билан ота-онасига бор гапни тушунтирди, отаси ва укалари билан тезликда бундан кўра камтарроқ бўлган жойга кўчиб ўтиш кераклигини муҳокама қилишди. Улар яна биргаликда бир талай иккинчи даражали ишларни ҳам кўриб чиқишди – ахир жуда катта хўжалик вайрон бўлаётганди. Бундан ташқари, Каупервуд Стежер билан ҳам бир неча марта гаплашди ва Дэвисон, Эвери Стоун (“Жей Кук энд Компани” фирмасининг вакили), Ван-Ностренд штатининг собиқ газначиси бўлган, бироқ сайловлардан кейин у ерда ишламаётган Жорж Уотермен (Каупервуднинг бурунги хўжайини Ҳенри Уотермен вафот этиб кетганди) ва бошқа кўп танишларининг олдига бориб келди.

Агар чиндан ҳам қамоқда ўтирадиган бўлса, Каупервуд финансист дўстларининг бирлашиб, губернатор олдига илтимос билан чиқишларини хоҳлаётганди. Бундай илтимос учун олий суднинг икки аъзоси билдирган “алоҳида фикр” дастак бўлиши керак эди. Каупервуд Стежернинг бу ишни назорат қилиб туришини хоҳлаб, ўзи эса унга фойдаси тегиши мумкин бўлган одамлар, жумладан, ҳали ҳам Учинчи кўчада контораси бўлган

Эдвард Тай, Ньютон Таргул, Артур Райверс, энди миллионер бўлиб қолган “тўқимачилик қироли” Жозеф Зиммермен, судья Китчен, Гаррисбергдаги молиявий дунёсининг собиқ вакиллари билан бўлган Тэрэнс Рэлихен ва бошқа кўплар билан учрашишга шошилаётганди.

Каупервуд Рэлихендан газеталар билан боғланиб, уларни ўзининг озод қилиниши учун кампания бошлашга кўндиришга ҳаракат қилишни, Уолтер Лидан эса афв қилиниши ҳақида губернаторга арзномага имзо йиғишни ташкиллаштиришни сўради. Бу арзномага ҳамма йирик сармоядорлар ва бошқа кўзга кўринган шахсларнинг имзо кўйиши кўзда тутилаётганди. Ли ҳам Рэлихен ва бошқа кўплар каби Каупервудга ёрдам беришга бажонидил ваъда беришди.

Гоҳ-гоҳ Эйлин билан учрашишини айтмаса, ортиқ бошқа қиладиган иш қолмаган эди. Бу ҳам ҳамма шошилинч ишлар орасида баъзан иложи йўқдек кўринаётганди. Шунга қарамай, Каупервуд бу учрашувлар учун вақт топар, қизнинг севгиси оташида исиниб олиш истаги шунчалик кучли эди. Эйлиннинг кўзлари шу кунларда жуда бошқача товланарди! Улар севгилиси билан ҳеч қачон айрилмаслик, уни бахтли кўриш истагида ёнарди! Буни қаранг-а, – унинг Фрэнкини шунчалик қийнашяпти! Фрэнк қанчалик ўзини ботир тутмасин, қиз билан қанчалик тетик гаплашмасин, Эйлин ҳамма нарсани сезиб турарди! Ва айнан қизнинг севгиси уни қамокқа етаклади, у буни биларди. Отаси шунчалар қаҳри қаттиқ бўлишга қодир экан! Фрэнкнинг душманлари, у портретини газеталарда неча марта кўрган анави тентак Стинер ҳам қанчалик пасткаш экан. Эйлин Фрэнкка қараб, ўзининг кучли, чиройли севгилиси – дунёдаги энг жасур, кўрқмас, ақлли, ажойиб инсон учун азобланиб кетаётганди! У ҳозир қанчалар азоб чекаётганини қиз билмайдими?! Каупервуд қизнинг кўзларига тикилиб, ундаги ҳиссиётларини ўқиркан, қаттиқ таъсирланиб, жилмаярди. Қандай севги-я! Онанинг ўз

## Теодор Драйзер

дилбандига, итнинг ўз эгасига бўлган муҳаббати сингари! У кизда қандай қилиб шу хисларни уйғота олган? Фрэнк бу саволга жавоб топа олмас, бироқ бу ажойиб эди. Ўзи учун жуда оғир бўлган шу охирги кунларда у Эйлинни иложи борича кўпроқ кўргиси келаётганди.

Озодликда ўтказган мана шу бир ой ичида – айбловчи ҳукм чиқарилиб, олий судда унинг арзномасини қондириш рад қилингунига қадар бўлган вақт давомида Каупервуд киз билан тўрт марта учрашди. Уларнинг яна бир марта учрашиш имконлари қолганди: у камоққа кетиши лозим бўлган машъум душанбадан олдинги шанба куни. Каупервуд олий суд қарори чиққан кундан бери Эйлинни кўрмаган, бироқ ундан “талаб қилингунича” хат олган ва шанба кунига Кэмдендаги кичкина меҳмонхонага учрашув тайинлаганди. Дарёнинг бошқа қирғоғида жойлашган бу шаҳарча Каупервудга Филадельфиядан ташқарида бўлган энг хавфсиз жойга ўхшаб туюларди. У Эйлиннинг олдиларида турган узоқ айрилик тўғрисидаги хабарни қандай қабул қилишини ва у билан ҳар бир нарсани маслаҳатлашишга ўрганган киз энди умуман нима қилишини тасаввур ҳам қила олмаётганди. У билан гаплашиш, уни овутиш керак эди. Бироқ бу сафар (Каупервуд шундай бўлишини сезиб, шундан кўрқаётганди) Эйлин жуда ғамга ботганди. Севгилисини узоқдан кўриб оқ фақат ўзигагина хос бўлган, Фрэнкни доим хайратга соладиган жасорат билан унга қараб югурди. Йигитнинг бўйнидан маҳкам кучиб олиб, кўз ёшларини тия олмай гап бошлади:

– Азизим, ҳеч нарсасиз демаслигинг мумкин. Ҳаммасини газеталардан ўқидим. Ноумид бўлма, азизим! Сени севаман. Мен сени кутаман. Ўн йил кутишга тўғри келса ҳам, сени ташлаб кетмайман. Ўн йил нима экан, юз йил ҳам кутаман! Бироқ, азизим, сен учун куйиб кетяпман! Хаёлларимда доим сен билан бўламан, бахтим менинг, бутун борлигим билан сени севаман!

Қиз уни эркалатишдан тўхтамас, Каупервуд эса ўзини тута билаётганидан, Эйлинга бўлган ҳислари, ҳайратидан гувоҳлик бераётган самимий меҳр билан хотиржам қараб турарди. “Ахир уни севмай бўладими? – ўзига ўзи дерди Каупервуд. – Шундай қизни ким севмаган бўларди?” Қизда қанча эҳтирос, интилиш, хоҳиш бор эди. Йигит ҳозир уни балки аввалгилардан ҳам кўпроқ яхши кўриб кетаётганди, чунки шунчалар салоҳияти кучлилигига қарамай, қизни ўзига бўйсундира олмаганди. Ҳатто у тунд бўлиб юрган кезларда ҳам қиз йигит билан худди шахсий мулкидек, ўз ўйинчоғидек муомала қилганди. Эйлин кўпинча, айниқса, ҳаяжонланиб турган пайтида унга ёш бола каби муомала қиларди. Баъзи пайтларда Фрэнкнинг назарида Эйлин уни ўз иродасига бўйсундира оладиган, ўзига хизмат қилишга мажбурлай оладиганга ўхшаб туюларди – ўзининг аёллик латофатига қизнинг шунчалик ишончи комил эди. Мана, ҳозир ҳам Эйлин аслида муаммолар букиб қўймаган бўлса-да, гўё Каупервуднинг бутунлай руҳи тушиб кетган-у, онасининг ғамхўрлигига муҳтождек шивирлаб севги сўзларини айтаётганди. Бироқ йигитнинг ўзига бир сониягина чиндан ҳам қалди букилиб қолгандек туюлди.

– Эйлин, ишларим у даражада ёмон эмас, – ниҳоят гап қўшишга ҳаракат қилди Каупервуд. Унинг овозида эркалатиш ва меҳр одатдагидан кўпроқ эди, бироқ Эйлин унинг сўзларига эътибор бермай, ўша қизикқонлик билан давом этди:

– Йўқ, азизим, йўқ, ишларинг жуда ёмон бўлиб кетяпти. Мен биламан. Бечора Фрэнк! Бироқ мен сенинг олдинга келиб тураман. Буни, албатта, қила оламан. Маҳбусларнинг олдига қанчада бориш мумкин?

– Севгилим, уч ойда бир марта дейишяпти, бироқ у ерга борганимдан сўнг бу масалани ҳал қиламан. Лекин у ерга боришинг керакмикин? Ахир ҳозир ҳамма қандай кайфиятда эканини ўзинг яхши биласан. Озгина кутиб турсак бўлмайдими? Ахир бу ҳолда сен баттар отангнинг

## Теодор Драйзер

ғашига тегасан! Агар у хоҳласа, менга ўша ерда ҳам ёмонлик қилади.

– Уч ойда бир марта?! – Каупервуд кўндира бошлаганида унинг гапини бўлди ўзини йўқотиб қўйган қиз. – Йўқ, Фрэнк, бундай бўлиши мумкин эмас! Ишонмайман! Уч ойда бир марта! Мен чидай олмайман! Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас! Қамокхона бошлиғининг олдига ўзим бораман! У менга сен билан кўришиш учун рухсат беради. Агар ўзим гаплашсам, ишончим комилки, у рухсат беради!

Қиз ҳаяжонланганидан нафаси қайтиб кетаётган бўлиб, Каупервуд унинг гапини бўлмагунча ва ўзини тўхтата олмади.

– Эйлин, нималар деётганингни ўйлаб кўр! Ўзингни бос! Сен отангни эсдан чиқариб қўйяпсан! Оилангни ўйламаяпсан! Отанг қамокхона бошлиғи билан таниш бўлиши мумкин. Наҳотки сен бутун шаҳар Батлернинг кизи менинг олдимга, қамокхонадаги учрашувга югураётгани тўғрисида гапиришини хоҳласанг? Отанг сени нима қилиб қўйиши мумкин? Бундан ташқари, бу майда сиёсий фитначиларни менчалик билмайсан. Улар худди кампирлардек ғийбатлашади. Ҳар бир қадамингни ўйлаб босишинг керак. Сени йўқотиб қўйишни хоҳламайман, сени кўриб туришни хоҳлайман. Фақат ўйлаб, эҳтиёткорлик билан иш қил. Учрашувга келишга шошма. Сени қандай соғинишимни яхши биласан, бироқ аввал ҳар бир нарсани текшириб кўришимиз керак. Мени йўқотиб қўймайсан, ахир ҳеч қаёққа кетмаяпман-ку...

Каупервуд жим бўлиб қолди: унинг кўз олдига узун панжарали камералар келди: ўшаларнинг бирида у ҳам, балки анчагадир, қамалган бўлади... Кўз олдига панжара орқали унинг камерасида, у билан гаплашиб турган Эйлин келди. Бироқ бу ёқимсиз ҳолат унинг севгилиси бугун қандай чиройли бўлиб кетгани ҳақида ўйлашига халақит бермади. У қанчалик ёш ва кучли! Каупервуднинг ёши

улғайиб қолган, Эйлин эса ёш ва гўзал. Эғнидаги ипакдан тикилган оқ-қора йўл-йўл гулли, ўша пайтда урф бўлган бичимда тикилган кўйлаги, денгиз мушугининг терисидан шуба ва худди шундай шапкачаси ўзига жуда ярашганди.

– Биладан, ҳаммасини биладан, – ўз гапида туриб олди қиз. – Бироқ ўзинг ўйлаб кўр: уч ой-а! Азизим, бунга чидай олмайман, шунча кутишни хохламайман! Бўлмағур нарса! Уч ой-а! Агар отамнинг ўзи ўша ерда кимнидир кўрмоқчи бўлса, уч ой кутиб ўтирмаган бўларди, у бориши керак бўлган одам ҳам асло кутмасди. Мен ҳам шунча пайт кутмайман. Барибир йўлини топаман!

Каупервуд жилмайди: Эйлинни гапидан қайтариш осон иш эмас.

– Бироқ, жоним, сен жаноб Батлер эмассан. Ва сен нима қилмоқчи бўлаётганинг ҳақида унга ҳисоб бериб ўтирмайсан.

– Албатта! Лекин у ерда бирорта тирик жон менинг кимлигимни билмайди. Мен қалин вуаль<sup>1</sup> тақиб келаман. Қамоқхона бошлиғи отамни танимаса керак деб ўйлайман. Шундай бўлган тақдирда ҳам, у мени танимайди ва муурожаат қилсам, у мени сотиб қўймайди.

Қизнинг ўз жозибаси, дилбарлиги, таърифга тил ожиз гўзаллигига ишончи ҳеч қандай қолипга сиғмасди. Каупервуд бошини чайқади.

– Гўзалим ўзимнинг, сен дунёдаги энг яхши ва ажойиб аёлсан, – мулойимлик билан деди у ва қизни ўзига тортиб, қаттиқ ўпиб қўйди. – Бироқ менга қулоқ солишингга тўғри келади. Адвокатим бор – Стежер, уни биласан. У бугуноқ қамоқхона бошлиғи билан иккимиз ҳақимизда гаплашади. Балки, у ҳаммасини ҳал қила олар, бироқ бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Аниғини эртага ёки якшанба куни биладан ва сенга ёзиб юбораман. Бироқ қара, мендан хат олмагунча, ўзинг ҳеч нима қилмагин. Мен учрашувлар орасидаги муддатни ярмига камайтира

<sup>1</sup> Шляпага тутиладиган ва юзни бекитиб турадиган тўр. – *Тарж. изоҳи.*

## Теодор Драйзер

олишимга ишонаман, бир ойда бир, балки, икки ҳафтада бир учраша олишимиз мумкин. У ерда хат ёзишга ҳам уч ойда бир марта рухсат беришади...

Эйлин яна жаҳлдан қизариб кетди, бироқ йигит гапида давом этди.

– Бу қондани ҳам бир амаллаб ҳал қиларман, лекин сенга хабар бермагунимча менга ёзмай тур, жуда бўлмаганда, ҳеч қандай манзилни кўрсатма ва имзо қўйма. У ерда ҳамма хатларни очиб ўқишади. Учрашганимизда ва хатларда эҳтиёт бўл: ахир сен ён-атрофга қарамайсан-ку. Хуллас, ақлли бўлиб юр, хўпми?

Улар яна кўп нарсалар тўғрисида – Фрэнкнинг ота-онаси, душанба куни судга бориш, унга тақалаётган даъволар муҳокамасига уни қўйишадими, афв этишадими деган масалалар ва бошқа нарсалар ҳақида гаплашилди. Эйлин ҳали ҳам Фрэнкнинг омади келишига ишонаётганди. У газетада олий суднинг алоҳида фикр билдирган икки аъзоси ва ишни Каупервуднинг зарарига ҳал қилган бошқа уч аъзоси ҳақида ўқиганди. У Фрэнкнинг Филадельфиядаги фаолияти батамом тугамаганига амин эди: вақт ўтиб у ўрнини яна тиклайди ва кейин қиз билан бирга бошқа ёқларга кетади. Албатта, Каупервуд хонимга қийин, бироқ у Фрэнкка мос эмас; унга ёш, чиройли ва кучли, бир сўз билан айтганда, Эйлинга ўхшаган қиз керак.

Айрилиқ вақти етиб келганда қиз йигитни қаттиқ ва эҳтирос билан кучди. Улар келгуси ҳаракат режаларини ушбу вазиятда қанчалик ҳал қилиш мумкин бўлса, шу даражада ҳал қилиб олишганди. Охирги дақиқаларда икковларининг ҳам кайфияти йўқ, бироқ қиз ноаниқ келажакка тик қараш учун бор иродасини ишга солаётганди.

**Ф**рэнк Каупервуднинг камоқхонага бориши керак бўлган муддат – душанба куни ҳам етиб келди. Қилиш мумкин бўлган нарсаларнинг бари бажарилганди.

У отаси, онаси, укалари ва синглиси билан қучоқлашиб хайрлашди. Хотини билан суҳбат эса қандайдир совуқ ва расмий ҳолда бўлди. Ўғли ва қизчаси билан алоҳида хайрлашиб ўтирмади. Бундан олдинги кунлар – пайшанба, жума, шанба ва якшанбада – душанба куни камоқхонага кетиши кераклиги аниқ бўлгандан кейин у уйига қайтгач, қаҳва ичиб, болаларини эркалаб, дилдан гаплашиб олмоқчи бўлганди. Унинг ҳозирги ҳолати фарзандлари учун ихтиёрсиз зарба бўлишини тушуниб турарди. Бирок бунга ишончи ҳам комил эмасди. Ахир кўпчилик одамлар вазиятга қарамай ва тақдир уларни қанчалик эркалатганига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз ҳаётларини куришади-ку! Ахир болалари бошқалардан ёмонроқ яшамайди, у кучи етганча уларни моддий таъминлаб кўяди.

Каупервуднинг режасида болаларни онасидан тортиб олиш, уларни волидасидан Мосуво қилиш фикри йўқ эди. Улар онаси билан қолиши керак. Каупервуд фарзандларининг яхши яшашини чин дилдан хоҳлаётганди. Лилиан болалар билан қаерда яшамасин, у вақти-вақти билан уларни кўргани бориб туради. Бирок ўзи озодликни, Лилиандан ажралиб, янги ҳаёт бошлашни, Эйлин билан янги оила куришни хоҳлаётганди. Унинг охириги кунларда, айникса, шу якшанба куни кечқурун болаларга одатдагидан кўпроқ эътиборли бўлаётгани сабаби айна



## Теодор Драйзер

пайтда уларнинг айрилик яқинлигини сезишларини асло истамаганидан эди.

– Фрэнк, – анчагина бўшашган ўғлига қараб мурожаат қилди Каупервуд, – мен сенинг катта, кучли ва соғлом бола бўлишингни хоҳлардим! Сен ўйинни ёқтирмайсан. Болалар билан дўстлашсанг, уларга бош бўлсанг яхшийди. Гимнастика билан шуғуллансанг, мушакларингни мустаҳкамлашга ҳаракат қилсанг бўлмайдими?

Бу суҳбат отасининг меҳмонхонасида бўлиб ўтаётган, Каупервудлар оиласининг барча аъзолари шу ерга йиғилган эди. Узун стол олдида ўтирган кичкина Лилиан рўпарасидаги отаси ва укасига қизиқиш билан қараб турарди. Каупервуднинг ишлари ёмон эканини иккала боладан ҳам яширишаётганди. Улар оталарини бир-икки ойга қаергадир кетяпти деб ўйлашарди. Лилиан рождествога совғага олган эртақ китобни ўқиб ўтирарди.

– У ҳеч қачон ҳеч нима қилмайди, – деди кизча китобини бир четга қўйиб, кутилмаганда укасига қовоғини уйиб қараб қўяркан, – ҳатто мен билан ким ўзарга югуришни ҳам хоҳламайди.

– Сен билан ким ўзарга югуриш қизиқ экан-да!.. – тўнгиллади кичик Фрэнк. – Хоҳлаган тақдиримда ҳам, сен югура олмайсан.

– Югура олмайман? Шунақами?! – кизнинг жаҳли чикди. – Қани, менга етиб кўр-чи.

– Лилиан!.. – огоҳлантириш учун қизини тўхтатди онаси.

Каупервуд жилмайиб, ўғлининг бошини силаб қўйди.

– Ҳечқиси йўқ, Фрэнк, ҳали сен зўр йигит бўласан, – ўғлининг қулоғидан секин чимчилади сўнг. – Фақат кўрқоқ бўлма ва ўзингни қўлга ол.

У ўғлидан ўзи кутган жавобни олмаганди. Бироздан сўнг Лилиан хонимнинг нигоҳи қизини кучоқлаб, меҳр билан унинг жингалак сочларини силаб ўтирган Каупервудга тушди-ю, бир сонияга кўнглида қизига нисбатан рашк туйғуси уйғонди.

– Қизим йўқлигимда ақлли бўлиб юради-а? – қизига шивирлади Фрэнк.

– Албатта, дада, – кувноклик билан деди қизча.

– Жуда яхши! – деди Фрэнк ва энгашиб қизини ўпиб кўйди. – Кўзлари мунчок қизим!

Каупервуд кетгандан сўнг Лилиан хоним хўрсиниб кўйди: “Ҳамма эътибор болаларга, менга эса шу ҳам йўқ!” Аслида, Фрэнк болаларини илгари у қадар эркалатмасди.

Фрэнк шу охириги соатларда онасининг олдида меҳрибон ўғил қандай бўлиши керак бўлса, ўзини худди шу тарзда тутаётганди. У онасининг қизиқишлари чегараланган экани, у ўғли учун, бутун оиласи учун қандай куйинишини жуда яхши биларди. У онасининг ўз болалик даврида унга қанчалар ғамхўрлик қилганини ҳеч қачон эсидан чиқармаган ва уни қариганда ана шу бахтсизликлардан ҳимоя қилиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Бироқ ўтган ишни орқага қайтариб бўлмайди! Баъзи пайтлар йигитнинг асаблари шунчалик таранг тортилаётгандики, бу каби ҳолат одатда фақат омад келган пайтда ёки умидлар пучга чиққан пайтда юз беради. Бироқ у ўзини қўлга олиши зарурлигини, қалбида нималар кечаётганини кўрсатмаслиги кераклигини, камроқ гапириб, ишонч билан уни олдиндан нима кутаётган бўлса, ўшанга қараб тўғри бориши шартлигини яхши биларди. Каупервуд ана шу охириги тонгни ҳозирги ҳолати бошқа оила аъзоларига ҳам таъсир қилишини (чиндан-да шундай эди) билиб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилаётганди.

– Демак, ойи, кетадиган вақтим бўлди! – ўрнидан тураётиб, меҳр билан деди у (у на онаси, на хотини ва на синглисига ўзини кузатиб боришларига рухсат берди, чунки бундан ҳеч қандай фойда йўқ, улар эса баттарроқ тушкунликка тушишган бўларди). – Хавотир олманг ва кайфиятни туширманг!

Йигит онасини кучоқлар экан, она ўғлини узоқ ва меҳр билан ўпди.

## Теодор Драйзер

– Фрэнк, бора қол! – хўрсиниб, зўрға гапирди онаси ва нихоят уни кучоғидан бўшатди. – Сен учун ҳамиша дуода бўламан.

Фрэнк бу дақиқаларнинг чўзилишидан кўркиб, она-сидан узоклашди.

– Хайр, Лилиан, – майин ва дўстона оҳангда деди у хотинига қараб. – Бир неча кундан кейин қайтиб қолсам керак. Баъзи ишларни ҳал қилиш учун мени чиқаришади.

Кейин у синглисига юзланди:

– Анна, хайр, буларни жуда ҳам ғам чекишларига йўл кўйма.

Отаси ва укаларига эса “Кейин кўришамиз”, деб доимгидек тик ва башанг ҳолда пастга, Стежер кутиб турган жойга тушиб, икковлари чиқиб кетишди.

Унинг орқасидан эшик ёпилгач, бутун оила аъзоларининг юрагига ғашлик чўкди. Улар тарқалмай, яна бир неча дақиқа туриб қолишди. Онаси оҳиста йиғлар, отаси эса дунёда борини йўқотгандек турса-да, бироқ руҳини тетик тутиб, ҳар қанақасига ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди. Анна Лилианни ўзини қўлга олишга ундар, аёл эса нима ўйлашни, нимага ишонишни билмай, хаёлан келажакни кўз олдига келтиришга ҳаракат қиларди. Яқингинада уйлари узра чараклаган қуёш энди уфққа ёнбошлаганди.

**К**амоқхонада Каупервудни ҳаммаси силлик ўтгани ва ўзининг обрўсига путур етмаганидан мамнун Жесперс кутиб олди. Судда кун тартибида яна бир нечта иш бўлгани учун у ёққа ўндан олдин бормасликка келишилди. Яна Каупервудни судья Пейдерсон олдига, кейин эса ахлоқ тузатиш камоғига олиб бориши керак бўлган Эдди Зандерс ҳам келди. Ишга тегишли ҳамма қоғозларни камоқхона бошлиғига бериш ҳам унга юклатилди.

– Стинер ҳам ўша ердалигидан хабарингиз бўлса керак, – секин Стежерга шипшиди шериф Жесперс. – Ҳозир унинг бир чақаси ҳам йўқ, шундай бўлса ҳам унга алоҳида камера қилдириб бердим. Шундай одамни ҳамманинг олдига киргизгим келмади.

Стинерга Жесперснинг очикдан-очик раҳми келаётгани.

– Тўғри қилибсиз, жаноб Стинер учун хурсандман, – деди Стежер кулгисини босиб.

– Тушунишимча, бу ерда Стинер билан учрашиб қолиш жаноб Каупервудга хуш ёқмаган бўларди, шунинг учун ҳам бунинг олдини олмоқчи бўлдим. Жорж Стинер ҳозиргина бошқа ёрдамчим билан бу ердан чиқиб кетди.

– Жуда яхши. Жуда ақлли иш қилибсиз, шериф, – яна маъқуллади Стежер.

Шериф ўзини керакли даражада тутаётган эди ва Стежер Каупервуд учун хурсанд бўлди. Афтидан, собик газначининг пулсизлиги ва тушкунликда эканига қарамай, Стинер Жесперс билан яхши алоқа ўрнатиб олганди.

## Теодор Драйзер

Каупервуд ва уни кузатиб келганлар суд биноси яқинда бўлгани учун яёв кетишди, йўл-йўлакай атай жиддий масалалардан қочиб, арзимаган нарсалар тўғрисида гаплашдилар.

– Ишлар жуда ҳам ёмон кетмаяпти, – деди Эдвард отасига. – Стежер бир йил, балки ундан ҳам камроқ вақт ўтгандан сўнг губернатор Стинерни авф қилишига, у ҳолда эса Фрэнкни ҳам чиқариб юборишга мажбур эканига ишонапти.

Кекса Ҳенри Каупервуд бундай тахминларнинг жуда кўпини эшитган бўлса ҳам, уларни қайта-қайта эшитиш жонига тегмаётганди. Бу сўзлар бамисоли алла ёш болани овуtgандек, уни овутарди.

Ерни қоплаган ва бу йил эришни хохламаётган қор, очилиб кетган қуёшли ҳаво, судда жуда ҳам кўп одам бўлмайдиган умид – ота-бола Каупервудларнинг бутун хаёлини эгаллаган ўйлар шундан иборат эди. Юрагини эзиб ётган оғирликни сал бўлса-да енгиллатиш учун кекса Каупервуд ҳатто нон ушогини деб уришаётган қарғалар тўғрисида гап бошлади, уларнинг қишки совуққа чидай олишларига ажабланди. Олдинда Стежер ва Зандерс ҳам-роҳлигида кетаётган Фрэнк Каупервуд адвокат билан унинг контораси иши бўйича ўтказиладиган суд ишлари ва бунинг учун қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳақида гаплашиб кетарди.

Суд биносига етиб келишгач, Каупервудни яна бир неча ҳафта олдин маслаҳатчилар ҳукмини кутиб ўтирган ўша кичкина қоровулхонага олиб киришди.

Кекса Каупервуд икки ўғли билан кенгашлар залидан жой эгаллашди. Эдди Зандерс унга топширилган айбланувчининг олдига қолди; Стинер ҳам шерифнинг бошқа ёрдамчиси – Уилкерсон билан шу ерда эди. Бироқ у ҳам, Каупервуд ҳам бир-бирларини сезмаётганга олишди. Фрэнк аслида ўзининг собиқ ҳамкори билан гаплашишга йўқ демасди, бироқ унинг чўчиб ва уялиб турганини

кўрди, шунинг учун икковлари индамай, ҳар бири ўз бурчагида ўтиришарди.

Қирк дақиқа давом этган кутишдан сўнг залга олиб кирадиган эшик очилиб, суд нозири кириб келди.

– Судланувчилар, ўрнингиздан туринг! – буюрди у.

Каупервуд ва собиқ шаҳар газначисини кўшганда судланувчилар олти киши экан. Улардан иккитаси тунги “ов”да босқинчилик пайтида қўлга тушганлар эди.

Қамалганларнинг яна бири, йигирма олти ёшлардаги йигит кўкат сотувчининг отини олиб қочиб сотиб юборган от ўғриси экан. Ва, ниҳоят, охиргиси – баланд бўйли, қўпол, саводсиз ва тентакнамо қора танли бўлиб, ёғоч омбори ёнидан ўтиб кета туриб, ерда ётган бир бўлак қўрғошин қувурни сотиш ёки бир стакан вискига алмаштириш учун олиб кетган экан. Аслида, унинг иши бу инстанцияда эшитилиши керак эмасди, бироқ омборхона қоровули уни ушлаб олганида, ҳатто ундан нима истаётганини тушунмаган ҳолда айбдорлигини бўйнига олмагани учун иш судга оширилганди. Кейинчалик у хатосини тушуниб, айбини бўйнига олган ва мана энди айбловчи ҳукмни эшитиш ёки озодликка чиқиш учун судья Пейдерсоннинг олдида турарди: участка суди унинг ишини ҳал қилиш учун юқори инстанцияга оширганди.

Бу гапларнинг ҳаммасини Каупервудга йўлбошловчи ва раҳбар қилиб тайинланган Эдди Зандерс айтиб берди.

Суд зали лик тўла эди. Бошқа судланувчилар билан бирга ёнбошдаги йўлақдан ўтиб бораётганида Каупервуд ўзини ҳақоратлангандек ҳис қилди; унинг ортидан яхши кийинган, бироқ буткул ўзини йўқотиб қўйган, касал ва тушкунликка тушган Стинер борарди. Рўйхатда биринчи бўлиб қора танли – Чарльз Аккермен турганди.

– Жаноб судья, – тушунтиришга шошилди округ прокурори ёрдамчиси, – бу одам участка суди олдида ўзини айбдор деб тан олишни рад қилди: у ёки маст бўлган, ёки бу ишни бошқа бир сабаб билан қилган экан. Арз қилувчи ўз

## Теодор Драйзер

аризасини қайтариб олишдан бош тортгани учун участка суди ишни бу ёққа оширишга мажбур бўлибди. Бироқ айбланувчи кейин фикрини ўзгартириб, округ прокурори олдида ўз айбини тан олган. Шу сабаб биз ихтиёрсиз равишда бу ишни сизга юклашга мажбур бўлдик.

Судья Пейдерсон қора танли йигитга истехзо билан қараб қўйди, бироқ унинг бу қарашидан йигит хижолат ҳам тортгани йўқ: у тўсикка қулай суяниб олганча тураверди. Одатда айбланувчилар бу тўсик ортида қадини ростлаб, қўрққанидан титраб туришарди. Бу қора танли илгари ҳам мастлиги, муштлашгани ва бошқа нарсалар учун судланган бўлса-да, гўл ва соддалигича қолганди.

– Хўш, Аккермен, – қатъий товушда сўради судья, – бу ерда кўрсатилгандек тўрт доллару саксон цент турадиган кўрғошин қувур бўлагини чиндан ҳам ўғирлаганмисиз?

– Ҳа, сэр, ўғирлаганман, – деди қора танли. – Бу қандай бўлганини сизга айтиб бераман, жаноб судья. Бир шанба куни кечқурун ёғоч омбори ёнидан ўтиб кетаётгандим – айна ўша пайтда ишсиз юргандим. Девор тешигидан қарасам, бир бўлак қувур ётибди. Битта таёқ топиб, уни девор тагидан сукиб, қувурни думалатиб олдим ва олиб кетдим. Кейин эса мана бу жаноб – қоровул шекилли – қора танли гувоҳлар ўтирадиган скамейкада ўтирган, балки, судья бирор нарса сўраб қолар, деган ўйда бу ерга келган шикоятчи томонга ишора қилди, – олдимга келиб, мени ўғри деб атади.

– Бироқ сиз бу қувурни чиндан ҳам олгансиз, тўғрими?

– Ҳа, сэр, олганман.

– Уни нима қилдингиз?

– Йигирма беш центга ўтказдим.

– Сотдим демоқчимисиз?

– Ҳа, сэр, сотдим.

– Ахир бундай қилиш яхши эмаслигини билмайсизми?

Девор тагидан таёқ тиқиб қувурни олаётганингизда, ўғрилик қилаётганингизни тушунмадингизми?

– Ҳа, сэр, бу яхши эмаслигини билардим, – самимий жилмайди Аккермен. – Очиғини айтадиган бўлсам, бу ишим ногўғрилигини билардим, лекин буни ўғрилик деб ўйламагандим. Албатта, уни олиш керак эмаслигини тушунгандим.

– Албатта, сиз тушунгансиз! Албатта, тушунгансиз. Гап ана шунда-да! Сиз бу ўғрилик эканини тушунгансиз, лекин барибир олгансиз. Бу қора танлидан ўғирланган нарсани сотиб олган одам қўлга олинди? – бирдан прокурор ёрдамчисидан сўради судья. – Уни жавобгарликка тортиш керак бўлади, чунки ўғирланган нарсани олиб сотувчи сифатида у бу қора танлидан ҳам қаттикроқ жазога лойиқ.

– Ҳа, сэр, унинг иши судья Йогерга топширилган, – деди прокурор ёрдамчиси.

– Яхши, демак, хаммаси жойида, – деди судья Пейдерсон. – Шахсан мен ўғирланган нарсани олиб сотишни энг жиддий жиноят деб ҳисоблайман.

Шундан сўнг судья яна Аккерменга мурожаат қилди:

– Аккермен, энди эшитинг!.. – шундай арзимаган ишга овора бўлаётганидан жаҳли чиқиб деди у. – Ҳозир сизга бир нарсани тушунтириб бераман, сиз эса диққат билан кулоқ солинг. Тўғри туринг! Тўсикқа ётиб олманг! Суд олдида турганингиз ёдингиздан чиқмасин!

Аккермен худди уйи олдида, деворнинг нариги томонидаги дўсти билан суҳбатлашаётгандек иккала тирсагини тўсикқа қўйиб олганди. Судьянинг бақирганини эшитиб, у юзида ҳали ҳам ўша содда ва айбдорона ифода билан ростланиб олишга шошилди.

– Сизга нималар деётганимни тушуниб олишга ҳаракат қилинг. Қўрғошин қувур бўлагини олиб жиноят содир қилгансиз. Менинг гапимни эшитяпсизми? Сизни бу ишингиз учун қаттиқ жазолашим мумкин эди. Билиб қўйинг: қонун менга сизни бир йил ахлоқ тузатиш қамоғига ҳукм қилиш ҳуқуқини беради. Бу нима эканини тушунаяпсизми – бир бўлак қувур учун бир йил қаттиқ



## Теодор Драйзер

ишлаш дегани! Агар ақлингиз етаётган бўлса, гапларимни диккат билан эшитинг. Сизни ҳозирнинг ўзида қамоққа тикмоқчи эмасман. Мен қонун бўйича бу жинойтга бир йил ахлоқ тузатиш қамоғи ҳукми бўлишини билсам-да, буни сал орқага суриб тураман.

Бутун бир йил?! Аккерменнинг юзлари қорайиб кетди. Тили билан қуруқшаб кетган лабларини ялади.

– Бироқ ҳукм ҳозир ижро этилмайди. У бўйнингизда туради ва агар яна шундай иш қиладиган бўлсангиз, у ҳолда бу айбингиз учун ҳам ва у айбингиз учун ҳам биттада жазо оласиз. Мени тушундингизми? Бу нима эканлиги тушунарлими? Жавоб беринг! Тушундингизми?

– Ҳа, сэр! Тушундим, сэр! – минғирлади қора танли. – Бу дегани сиз ҳозир мени қўйиб юборар экансиз!

Одамлар кулиб юборишди, судьянинг ўзи ҳам кулгисини зўрға тутиб турарди.

– Мен сизни яна бир марта айб иш қилгунингизча қўйиб юбораман, – баланд овозда хитоб қилди у. – Агар яна сизни бир марта ўғрилик билан бу ерга олиб келишадиган бўлса, шу заҳотиёқ бир йилга ёки яна қанчага ҳукм қилинса, шунча муддатга ахлоқ тузатиш қамоғига жўнатаман. Тушунарлими? Энди эса жўнанг ва ўзингизни яхши тутиб юринг! Яна нимадир ўғирлай кўрманг. Бирор иш билан шуғулланинг! Бошқа ўғрилик қилманг, тушунапсизми? Сизга тегишли бўлмаган нарсага қўл теккизманг! Ортиқ кўзимга кўринманг! Акс ҳолда, мен сизни қамоққа тикаман!

– Хўп, сэр! Йўқ, сэр, бошқа қилмайман, – дудуқланди Аккермен. – Бошқа ҳеч бировнинг нарсасига тегмайман.

Аккермен суд нозирининг туртиши билан ташқарига йўналиб, ниҳоят, ўтирганларнинг шивир-шивири ва кулгиси остида эшикдан чиқариб юборилди. Нозир шу заҳоти кейинги иш тўғрисида эълон қилиб, ҳамманинг дикқатини бошқа айбланувчиларга қаратди.

Булар иккита кулфбузар бўлиб, Каупервуд уларни яшириб бўлмайдиган қизиқиш билан томоша қилиб турганди. У ҳукм эълон қилинишига илк марта дуч келаётган, ҳали бирор марта ҳам на участка ва на шаҳар жиноий судида бўлишига тўғри келмаганди. У кора танлини қўйиб юборишгани ва Пейдерсоннинг ундан кутиш мумкин бўлганидан кўпроқ ақл ва инсонийлигини намоиш этганидан қувонганди.

Каупервуд нигоҳлари билан Эйлинни кидириб, атрофга аланглади. У қизнинг судга келишига қаршилик кўрсатган, бироқ у кулоқ солмаган бўлиши мумкин эди. Ва чиндан ҳам Эйлин охириги қаторларда, одамлар орасида, юзига қалин тўр тўсилган шляпада ўтирарди. Демак, барибир келибди!

Эйлин севгилисининг тақдири нима бўлишини тезроқ билишга, ҳукмни ўз кулоғи билан эшитиш хоҳишига қарши бора олмаган, назарида, оғир бўлган шу дамларда Фрэнкнинг ёнида бўлишни хоҳлаганди. Каупервудни бошқа жиноятчилар билан залга олиб кириб, ҳамманинг кўзи олдида кутишга мажбур қилишганидан у жуда ғазабланаётган, бироқ йигитнинг ҳатто шу дақиқаларда ҳам ўзини мағрур ва тетик тута олаётганидан ҳайратда эди. Унинг асло ранги кетмаган, мана, доимгидек вазмин ва хаёлини бир жойга тўплаган ҳолда турибди, ичида ўйлади қиз. Эҳ, қанийди Фрэнк уни ҳозир бир кўрса! Агар у томонга қараса, қиз вуалини кўтариб, унга жилмайиб қўйган бўларди! Бироқ Фрэнк у томонга қарамаётган, чунки қизни бу ерда кўришни асло хоҳламаётганди. Барибир тез орада у Фрэнк билан кўришади ва унга ҳаммасини айтиб беради!

Иккала кулфбузарнинг ишини судья тез ҳал қилди: уларнинг ҳар бири бир йилдан ахлоқ тузатиш қамоғига ҳукм қилинди. Ўзини йўқотиб қўйган, қилган жиноятларининг оғирлигини, келажакда уларни нима кутаётганини умуман тушунмаётган иккала ўғрини олиб кетишди.

## Теодор Драйзер

Энди навбат Каупервуднинг ишига келди, судья “жаноблари” қаддини ғоз тутиб олди: Каупервуд оддий жинойтчи эмасди, унга алоҳида муомала қилиш керак бўларди.

Батлернинг яқин дўсти, Молленхауэрнинг гумашталаридан бири бўлган одам Каупервудга ҳам, Стинерга ҳам беш йилдан бериш кераклигини айтганда, судья буни эътиборга олиб қўйди.

– Фрэнк Алжернон Каупервуд! – эълон қилди котиб.

Каупервуд тезлик билан олдинга ўтди. Ўзининг шундай вазиятга тушганидан азобланаётган ва уялиб кетаётганига қарамай, на қарашларида, на бирор ҳаракатида ҳиссиётларини билдирмади. Пейдерсон одатда судланувчиларга қарайдиган нигоҳ билан унга тикилди.

– Исм-фамилиянгиз? – сўради суд нозири ва стенограф ёзишга ҳозирланди.

– Фрэнк Алжернон Каупервуд.

– Яшаш манзилингиз?

– Жирард авеню, бир минг тўққиз юз ўттиз еттинчи уй.

– Шуғулланадиган ишингиз?

– Банкирлик ва биржа контораси эгаси.

Куч-қувватга тўла Стежер пайти келганда суд ва одамларга қаратилган охирги гапини айтиш учун Каупервуднинг ёнида тайёр бўлиб турарди. Эшик олдидаги оломон ичида турган Эйлин ҳаётида биринчи марта асабийлашиб бармоқларини тишлар, пешонасида йирик-йирик тер томчилари пайдо бўлганди.

Каупервуднинг отаси ҳаяжондан титрар, укалари эса кўрқув ва қайғуларини кўрсатмаслик учун атрофга қарашарди.

– Илгари ҳам судланганмисиз?

– Ҳеч қачон, – Каупервуднинг ўрнига жавоб берди адвокати.

– Фрэнк Алжернон Каупервуд, – олдинга чиқиб пингиллаган овозда деди суд котибни, – сизга ҳозир ҳукм чиқарилишига қарши эътирозингиз борми? Агар бор бўлса, айтинг!

Каупервуд рад жавоби бермоқчи бўлаётганда, Стежер кўлини кўтарди.

– Суднинг рухсати билан мен ҳимоям остидаги жаноб Каупервуднинг ўзини айбдор деб ҳисобламаслигини айтмоқчиман. Штатимизнинг олий суд инстанцияси бўлган Филадельфия олий судининг бешта судьясидан иккитаси ҳам шу фикрда.

Бўлиб ўтаётган ҳодисаларга кўпроқ қизиқаётган тингловчилар орасида қўшни хонада таниш судьялар билан суҳбатлашгач, залга ҳозиргина кириб келган Эдвард Мэлия Батлер ҳам бор эди. Хизматга тайёр турган нозир унга ҳозир Каупервудга ҳукм эълон қилинишини айтди. Батлер қандайдир кечиктириб бўлмайдиган иши борлигини баҳона қилиб (аслида эса ҳукм эълон қилинадиган пайтни ўтказиб юбормаслик учун) эрталабдан бери шу ерда эди.

– Жаноб Каупервуд кўрсатма берди ва унинг кўрсатмалари бошқа гувоҳлар томонидан ҳам тасдиқланди – у айбдорлиги кейинчалик суднинг шу таркиби томонидан тан олинган бу жентльменнинг агенти бўлган экан, холос. Унинг таъкидлашича, штат олий судининг бешта судьясидан иккитаси ҳам шу фикрда, округ прокурорининг фикрича, агент сифатида у олтмиш минг долларлик шаҳар заёми сертификатларини мажбурий муддатгача амортизация фондига топширмасликка ҳақли бўлган. Менинг ҳимоям остидаги инсон – молия ишларида ўта ноёб иқтидор эгаси. Сиз жаноби олийларига топширилган саноксиз ёзма мурожаатлардан унинг молия дунёсида жуда нуфузли ва таниқли инсонларнинг ҳурматига сазовор одам эканини билсангиз бўлади. Жаноб Каупервуд жамиятда кўзга кўринарли мавқега эга ва

## Теодор Драйзер

Ўз соҳасида анча муваффақиятга эришган одамлар тоифасига киради. Фақат тақдирнинг кутилмаган қаттиқ зарбасигина уни судланувчилар қаторига қўшиб қўйди – мен бутунлай соғлом ва бақувват молия корхонасига шунчалик ёмон таъсир қилган Чикагодаги ёнгин ва шу сабаб келиб чиққан ваҳимани назарда тутяпман. Маслаҳатчилар суди чиқарган ҳукм ва Филадельфия олий судининг беш аъзосидан учтаси чиқарган қарорга қарамай, мен ҳимоям остидаги одамнинг камомадчи эмаслигини, ҳеч қандай талон-торожлик содир этмаганини, ўринсиз айбдор деб топилганини ва шундан келиб чиқиб, у қилмаган жинояти учун жазоланиши керак эмаслигини таъкидлайман.

Ишонаманки, жаноб судья, сўзларимни ва айтганларимнинг тўғрилигини таъкидлашга мажбур қилаётган қарашларимни нотўғри талқин қилмайсиз. Мен бу суд таркибининг ёки умуман суднинг адолатли эканлигига бир сония бўлса ҳам шубҳа қилмайман ва суд ишларини юритишнинг ўзини ҳам танқид қилмоқчи эмасман. Мен фақат тасодифий машъум вазиятлар мутахассис бўлмаган одам англаши қийин бўлган ҳозиргидек шароитни юзага келтиргани, натижада ҳимоям остидаги шундай ҳурматли одам айбдорлар курсисида ўтиришга мажбур бўлаётганидан қаттиқ афсусдаман. Бу гапни ҳаммага эшиттириб ва ошқора айтишим адолатдан бўлади. Сиз, жаноб судьядан кечиримли бўлишингизни ва агар виждонингиз бу ишни бутунлай тўхтатишга йўл қўймайдиган бўлса, у ҳолда ҳеч бўлмаганда жазо чораларини танлаётганда мен айтган фактларни ҳисобга олишингизни илтимос қиламан.

Стежер жойига қайтаркан, судья Пейдерсон ҳимоячи айтган гапларнинг барини эшитгани ва шунга муносиб даражада (ундан ортиқ эмас!) эътибор қаратишини билдиргандек ишора қилиб қўйди. Шундан сўнг у Каупервуд томонга ўгирилиб, ўзининг судья сифатидаги бор маҳоратини ишга солиб гап бошлади:

– Фрэнк Алжернон Каупервуд, сиз тан олган мас-лаҳатчилар кенгаши аъзолари сизни талон-торожликда айбдор деб топишди. Адвокатингиз номидан кўтарилган ишни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги ариза яхшилаб ўрганиб чиқилгандан сўнг рад этилди, чунки олий суднинг кўпчилик аъзолари маслаҳатчилар ҳукмига сўзсиз қўшилишди ва бу ҳукм қонунан ҳамда гувоҳлар кўрсатмасига биноан тўғри чиқарилган деб топди. Қилган жиноятингизни, айниқса, сиз ўзлаштириб олган йирик маблағ шаҳарга тегишли бўлгани учун ҳам оғир жиноят демасликнинг иложи йўқ. Уни чуқурлаштирадиган ҳолатлардан яна бири шуки, сиз шаҳар заёми сертификатлари ва юз минглаб доллар маблағларидан шахсий манфаатларингиз йўлида фойдалангансиз. Бундай жиноят учун қонун билан белгиланган энг оғир жазони ҳам жуда енгил деб ҳисоблаш мумкин. Шунга қарамай, суд шу кунгача эгаллаган мавқеингизни ва сизни банкрот бўлишга олиб келган сабабларни, молия дунёсидаги кўплаб дўстларингиз ва ҳамкасбларингизнинг илтимосларини ҳам ҳисобга олади. Суд фаолиятингиздаги бирорта ҳам мавжуд фактни эътиборсиз қолдирмайди.

Пейдерсон энди нима дейишини жуда яхши билиб турган бўлса-да, иккиланаётгандек жим бўлиб қолди. “Хўжайинлар” ундан нима кутишаётгани жуда яхши ёдида эди.

– Сизнинг ишингиздан бошқача хулоса қилиб бўлмаса ҳам, – олдида турган қоғозларни титкилай туриб, сўзида давом этди судья, – бироқ у шаҳар ғазнасига кўз олайтириш ва уни ишга оид операциялар ниқоби остида талон-торож қилиш жазосиз қолмаслигининг исботи сифатида фойдали дарс бўлади. Ва яна бу бугунги кунда жуда зарур бўлган нарса – кўпчиликнинг қонун адолат ўрнатиш ва жамиятни ҳимоя қила олиш учун ҳали етарлича кучга эга эканини тушуниб олишларига ёрдам беради.

Каупервуд унга қилт этмай қараб тураркан, Пейдерсон тантанали равишда якуний ҳукми баён қилди:

## Теодор Драйзер

– Шу сабаб суд сизни ҳамма суд харажатларини қоплаш учун округ фойдасига беш минг доллар тўлашга ва Шаркий округ жазони ўташ муассасасида тўрт йилу уч ой муддатга алоҳида ёки якка ҳолда мажбурий меҳнат асосидаги камок жазосини ўташга ҳукм қилади.

Судьянинг гапларини эшитган кекса Каупервуд кўз ёшларини яшириш мақсадида бошини эгди. Эйлин лабларини тишлаб, йиғлаб юбормаслик ва аламини ичига ютиш учун муштини тугди. Тўрт йилу уч ой! Ахир бу ўзи ва Каупервуднинг ҳаётидаги қанчалар узоқ муддатли айрилиқ! Бироқ Эйлин уни кутади! Майли, ҳарқалай, ўзи кўркиб хавфсираётган саккиз, ўн йилдан кўра яхшироқ-ку! Балки энди ҳамма оғири орқада қолиб, Фрэнк қамалгандан сўнг губернатор уни авф этар...

Судья Пейдерсон энди Стинернинг иши солинган папкани олдиға тортаётганди. У ўзидан мамнун эди: сармоядорлар энди уни Каупервуднинг фойдасига хизмат қиладиган илтимосларига етарлича эътибор бермади, деб айта олишмайди. Бошқа томондан эса сиёсий арбоблар ҳам унинг ишидан қониқишади: у Каупервудни энг оғир даражадаги жазога ҳукм қилди, бироқ шундай қилдики, четдан қараганда илтифотли бўлиши сўралган илтимосларни ҳам ҳисобга олгандек туюларди. Каупервуд бу хийлани дарров сизди, бироқ сиртида буни билдирмади. Фақат бундай йўл тутиш қанчалик кўрқоқлик ва жирканч эканини ҳаёлидан ўтказди. Суд нозири уни олиб кетишга тайёрланарди.

– Айбдор шу ерда бўлиб турсин, – кутилмаганда нозирни тўхтатди судья.

Котиб аллақачон Жорж Стинерни чақирган бўлиб, Каупервуд аввалиға, фақат бир дақиқагина, судья нега уни ушлаб қолаётганини тушунмади. У ўз шеригининг иши бўйича ҳам ҳукмни эшитиши керак экан.

Стинерға ҳам одатдаги саволларни беришди. Собик ғазначининг ёнида унинг химоячиси, келиб чиқиши

ирландиялик бўлган тажрибали сиёсатчи, Стинерга бу ишлар бошланганиданок маслаҳат бериб келаётган Рожер О’Мара турарди. Ҳозир эса у айтишга сўз топа олмай, фақат судьядан ўз химоясидаги одамнинг аввалги виждонан бажарган хизматларини ҳисобга олишни сўради.

– Жорж Стинер, – судья гап бошларкан, ўтирганларнинг бари, жумладан, Каупервуд ҳам хушёр тортди, – сизнинг ишни қайта кўриб чиқиш ва ҳукми бекор қилиш ҳақидаги аризангиз рад қилингани сабаб суд фақат сиз қилган жиноятнинг табиатига хос жазони танлаб, тайинлаши қолди, холос. Мен сиз учун шусиз ҳам жуда оғир бўлган дақиқаларни ахлоқ тўғрисида гапириб, чўзиб ўтирмоқчи эмасман. Бироқ шунга қарамай, ҳаракатларингизни қаттиқ қораламай ҳам тура олмайман. Давлат маблағини сунистеъмол қилиш давримизнинг оғир жиноятига айланган. Унга ўз вақтида ва кескин равишда чек қўйилмас экан, бу нарса охир-оқибат жамиятимизни бутунлай издан чиқаради. Коррупция емираётган давлат яшашга қодир эмас. У биринчи жиддий синовдаёқ сочилиб кетади.

Мен сизнинг жиноятингиз ва шунга ўхшаган нарсалар учун жавобгарлик жамиятга тегишли деб ҳисоблайман. Охирги пайтларгача жамият мансабдор шахсларнинг ҳийла-найрангларига чидаб бўлмайдиган даражада бепарволик билан қаради. Сиёсатимиз бундан юксакроқ ва бундан тозароқ тамойилларга амал қилиши керак. Жамиятнинг етарли даражада талабчан эмаслиги сизнинг жиноятингизни келтириб чиқарган. Ишингизда мен бундан бошқа енгиллаштирувчи далилларни кўрмайман.

Судья Пейдерсон гаплари янада таъсирлироқ бўлиши учун бир муддат тин олди. У ўз нутқининг чўққисига яқинлашаётган ва унинг сўзлари тингловчиларнинг ёдида муҳрланиб қолишини жуда хоҳлаётганди.

– Жамият ўз маблағларини ихтиёрингизга ишониб топширганди, – тантанали тарзда давом этди у. – Сизга



## Теодор Драйзер

юксак, муқаддас ишонч билдирилганди. Сиз ғазначилик эшигини кўриклашингиз, ким унга жиноят мақсадида яқинлашадиган бўлса, виждонан унга қарши курашингиз керак эди. Жамият сайлаган вакил сифатидаги лавозимингиз сиздан шуни талаб қиларди.

Ишингизнинг ҳамма ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, суд сизга нисбатан қонун томонидан кўзда тутилган энг оғир жазодан енгилроғини қўллаш олмайди. Бироқ Жиноят кодексининг етмиш тўртинчи моддасига биноан штатимизнинг судлари ўн бешинчи ноябрдан ўн бешинчи февраль орасигача бўлган муддатга ахлоқ тузатиш қамоқхонасига камашга ҳукм қилиш ҳуқуқига эга эмас, шунинг учун бу модда мен сизни ҳукм қилишим керак бўлган энг юқори муддат – айнан беш йилдан уч ойни камайтиришимга мажбур қилади. Шунинг учун суд сизни округ фойдасига беш минг доллар штраф тўлашга (Стинер бунга қодир эмаслигини Пейдерсон жуда яхши биларди) ва Шарқий округ жазони ўташ муассасасида тўрт йилу тўққиз ой мажбурий меҳнат қилиш асосидаги қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилади.

Судья кўлидаги қоғозларни стол устига қўйиб, ўйга толганча иягини ишқалади; Каупервуд ва Стинерни тезлик билан олиб чиқиб кетишди.

Суд қарорининг натижасидан бутунлай қониққан Батлер биринчилардан бўлиб суд залидан чиқиб кетди. Ҳаммаси тугагани ва ортиқ бу ерда қиладиган иши қолмаганини тушунган Эйлин ҳам шошилганча эшикка қараб юрди, бир неча дақиқадан сўнг эса кекса Каупервуд ҳам ўгиллари билан чиқиб кетди. Улар Фрэнкни кўчада кутиб туриб, қамоққача кузатиб қўймоқчи эдилар. Оиланинг бошқа аъзолари нима гаплигини кутишаётгани учун Жозефни уйга жўнатишди.

Бу орада эса осмонни булут қоплаб, қор ёғадиганга ўхшаб турарди. Кўлида ишга доир ҳамма қоғозларни кўтариб олган Эдди Зандерс округ қамоқхонасига бо-

## Сармоядор

ришнинг ҳожати йўқлигини айтди. Шунинг учун бешовлари – Зандерс, Стежер ва Фрэнкнинг отаси ҳамда укалари охирги бекати Шаркий камоқхонадан бир нечта кварталгина нарида бўлган кўнкага ўтиришди. Ярим соатдан сўнг улар камоқхона дарвозаси олдида туришарди.

**К**аупервуд тўрт йилу уч ой қамоқ муддатини ёлғиз ўташи керак бўлган Пенсильвания штатининг Шаркий округ қамоқхонаси Фейермаунт ва Йигирма биринчи кўчаларнинг бурчагида, кулранг тошдан кўтарилган баҳайбат бинода жойлашганди. Улуғвор, бироқ тунд кўринишдаги бу бино меъморий жиҳатидан анча ютқизсада, бироқ Миландаги Сфорза қасрига ўхшаб кетарди. Унинг кулранг деворлари бутун бир квартални эгаллаб олган ва тантанавор қад ростлаб турарди. Қамоқхонанинг баҳайбат ҳудуди – ўн акрдан кўпроқ жойни ўраб турган деворнинг баландлиги беш фут ва қалинлиги етти футдан ортиқ эди. Ташқаридан кўринмайдиган ва асосий бино атрофидаги саккизоёқнинг пайпаслагичларига ўхшаб ёйилиб кетган еттита корпусдан иборат қамоқхонанинг ўзи девор билан ўралган майдоннинг учдан икки қисмини эгаллаган, шу сабаб ўтлок ва гуллар учун жуда кам жой қолганди. Ташқаридаги деворга туташ бу корпусларнинг кенглиги қирқ икки фут, узунлиги эса бир юз саксон фут эди.

Бу корпусларнинг тўрттаси икки қаватли эди. У ерда деразалар ўрнига шундай шифтнинг тагидан уч ярим футдан узун бўлмаган ва кенглиги саккиз дюймдан ошмайдиган тор тирқишлар қолдирилганди. Қуйи қаватнинг баъзи камералари олдида кичкинагина – ўнга ўн олти фут бўлган, яъни камераларнинг ўзидан катта бўлмаган ховличалари ҳам бор бўлиб, улар ҳам баланд ғишт девор билан ўралганди. Камераларнинг деворлари,

пол ва томлари – ҳамма ёғи тошдан эди. Кенглиги ўн футгина бўлган коридорларга ҳам, баландлиги ўн беш футга етган бир каватли галереяларга ҳам тош ётқизилганди. Ротонда<sup>1</sup> деб аталадиган марказий хонадан туриб, ёйилиб кетган узун корпусларга қараган одамга ҳамма нарса тор ва сиқиб кўйилгандек кўринарди. Керак бўлиб қолганда маҳбусларни ажратиш учун олдида яна салмоқли ёғоч эшиклар бўлган темир дарвозалар одамда оғир, эзадиган таассурот қолдирарди. Деворларни тез-тез оқлаб туришгани учун биноларда ёруғлик етарли бўлиб, шипдаги ингичка туйнуклар қишда хира ойна билан беркитиларди. Бироқ буларнинг бари фақат шип-шийдам қамокхоналардагина бўладиган сингари кўзни чарчатарди. Бу деворлар ичида албатта, ҳаёт давом этарди – ўша пайтга келиб қамокхонада тўрт юзта маҳбус бўлиб, камераларнинг ҳаммаси банд эди. Бироқ қамалганларнинг ҳеч бири бу ҳаётни кўрмас ва ҳис қилмасди. Уларнинг фақат жисмигина шу ерда эди, холос. Бу ерда узоқ вақт бўлган айрим маҳбуслардан ўзлари маҳаллий тилда атаганидек, “содиклар” ёки “хуфия” сифатида фойдаланиларди, бироқ бундайлар кам эди.

Қамокхонада нонвойхона, механик ва дурадгорчилик устахонаси, омборхона, тегирмон ва полиз бор бўлиб, бироқ у ерда ишлаш учун кўп одам керак эмасди.

1822 йилда қурилган қамокхона аста-секин қанот ёйиб кенгайган ва ўша пайтга келиб баҳайбат бўлиб кетганди. Бу ернинг аҳолиси ақлий ривожланиши ҳам, майда ўғриликдан то қотилликкача бўлган жиноятлари ҳам турли-туман бўлган маҳбуслар эди. Қамокхонанинг тартиб қоидалари “Пенсильвания тизими” асосида, яъни камерада ёлғиз бўлиб, тўлиқ жимликни сақлаш ва шу якка ҳолда меҳнат қилишдан иборат эди.

Яқинда қамокхонага ҳам ўхшамайдиган округ қамокхонасида бўлганини айтмаса, Каупервуднинг бундай

<sup>1</sup> Доира ёки ярим доира шаклидаги гумбазли бино. – Тарж. изоҳи.

## Теодор Драйзер

жойга биринчи келиши эди. Бир сафар, ҳали болалигида, шаҳар ташқарисида айланиб юрганида у “махбуслар уйи” (ўша пайтларда шаҳар камокхонаси шундай аталарди) – деразаларига баланд панжаралар ўрнатилган унча катта бўлмаган кулранг бино олдидан ўтганди. Ўшанда ёз эди, дераза ойналари очик эди. У иккинчи қаватнинг деразасидан боқиб турган қандайдир ароқхўрнинг қонсиз юзи, пахмоқ сочларини кўриб қолганди. Махбус Фрэнкни кўриб қолиб:

– Ҳой ўғлим, югуриб бориб менга тамаки олиб келиб берасанми? – деб қичқирганди.

Эркакнинг одамни сескантирадиган совуқ башарасидан даҳшатга тушган Фрэнк ўйлаб ҳам улгурмай жавоб берганди:

– Йўк, олиб келолмайман!

– Ҳали қараб тур, зумраша, ўзинг ҳам панжара ортига тушмасангми! – бақирди, афтидан, кечаги ичкиликдан ҳали ҳам ўзига келмаган дайди.

Каупервуд бу воқеани унутиб юборган, кейин ҳеч қачон эсламаганди, бироқ шу пайтда у бирдан хаёлига келиб қолди. Мана, ҳозир уни ҳам ана шу камерага қамашади, кўчада довул бўляпти, у ҳам ҳаётдан супуриб ташланади.

Яқинлардан ҳеч кимга уни ташки деворгача кузатиб киришга, ҳатто кейинроқ келиб кўришга рухсат беришган бўлса-да, Стежерга ҳам – изн беришмади. Бу қоидага қаттиқ амал қилинарди. Қўлида ҳужжатларни олиб келган Зандерсни дарров киритиб юборишди. Ўзини арзимаган бир эпизод бўлгандек тутаётган Каупервуд билан ҳаммалари ғамгин хайрлашиб, орқага қайтишди. Аслида Каупервуд ўзи билан содир бўлаётган ҳодисаларга шундай кўз билан қараётганди.

– Майли, бўлмаса, кўришгунча, – ҳамманинг қўлини сиқиб деди у. – Менга ҳеч нарса қилмайди, тез орада бу ердан чиқиб кетаман. Мана кўрасизлар! Лилиан ҳадеб асабийлашавермасин.

Каупервуд камокхона ҳовлисига кираркан, орқасидан дарвоза даранглаб ёпилди. Зандерс бошқа қоровул катта калит билан панжарали табақасини очиб турган иккинчи дарвозага қараб юрди. Ичкари ҳовлига киргач у чапга – кичкина канцелярия томонга бурилди; у ерда баланд конторка ёнида махсус кийим – кўк мундир кийган, ориқдан келган, сочлари сариқ, ингичка қисик кўзлари кулранг назоратчи турарди. Унинг вазифаси маҳбусларни қайд қилиш эди. Шериф ёрдамчиси берган қоғозларни оларкан, у ишбилармонлик билан уларни кўздан кечириб чиқди. Чиновник, ўз навбатида, Зандерсга маҳбусни қабул қилиб олгани тўғрисида тилхат бергач, шериф ёрдамчиси Каупервуд унинг чўнтагига солиб қўйган чойчақа пулидан хурсанд бўлганча чиқиб кетди.

– Жаноб Каупервуд, сизга соғлиқ тилайман, – кета туриб деди у. – Сиз учун жуда ачинапман, лекин бу ерда сизга жуда ёмон бўлмайди деб умид қиламан.

У назоратчи олдида шундай гайриоддий одамга яқин танишлиги билан мақтаниб қўймоқчи бўлаётганди ва ўзининг одатдаги назокатли ҳаракатларига содиқ қолган Каупервуд унинг қўлини маҳкам сиқиб қўйди.

– Жаноб Зандерс, эътиборингиз учун сиздан жуда миннатдорман, – деди у ҳам ва шу заҳоти иложи борича яхши таассурот қолдириш мақсадида янги бошлиғи томонга ўгирилди.

Каупервуд энди унга бирор ён босишлар бўлиш-бўлмаслиги уларга боғлиқ бўлган майда мулозимлар қўлига тушганини тушуниб турарди. У ҳозирнинг ўзидаёқ бу назоратчига у бошлиқларни ҳурмат қилиши, уларнинг ҳамма тартибларига сўзсиз бўйсунушга тайёрлиги, бироқ ўзини ҳам хор қилдириб қўймаслигини кўрсатиб қўйгиси келаётганди. У руҳан жуда тушқунликка тушган, бироқ ҳар қанақасига қочиб қолишга ҳаракат қилгани – ҳатто шу ерда, адолат суди уни келтириб ташлаган тутқунликда, штатнинг ахлоқ тузатиш қамокхонасида ҳам ўзини тутиб тура олаётганди.

## Теодор Драйзер

Назоратчи Рожерс Кендал, ўзининг заиф ва расмий кўринишига карамай, қамокхонанинг бошқа ходимларига караганда анча қобилиятлироқ одам эди: маълумоти жуда яхши бўлмаса-да, дарров гап нимадалигини тушунадиган, табиатан жуда ҳам ақлли бўлмаган, ўта берилиб ишламайдиган, бироқ ўз ўрнида маҳкам қолиши учун етарли даражада ҳаракатчан одам эди. У маҳбусларни яхши ажрата олар, чунки камида йигирма олти йилдан бери улар билан ишлаб келаётганди. Ўзи эса уларга совуқ, ишончсиз ва сурбетларча муносабатда бўларди. Бу одам ҳеч кимга ўзи билан танишидек муомала қилишига йўл қўймас ва ҳаммадан қамокхонанинг ички тартибларига тўлиқ риоя қилишни талаб қиларди.

Каупервуд унинг олдида чиройли кўк-кулранг костюмда, ажойиб тикилган кулранг пальто ва охирги урф бўлган қора шляпада, ингичка чармдан тикилган янги ботинка ва ажойиб рангдаги энг яхши ипакдан бўйинбоғ таккан ҳолда турарди. Унинг соч ва соқоли тажрибали сартарошнинг маҳоратидан, кўллари яхши парваришдан дарак бериб турарди. Назоратчи унга бир қарашдаёқ қаршисида тақдир ўйинлари унинг тўрига жуда кам ҳоллардагина туширадиган баланд парвоз қилувчи куш турганини дарров тушунди.

Каупервуд хона ўртасида ҳеч ким ва ҳеч нимага қарамас, бироқ ҳамма нарсани кўриб турарди.

– Уч минг олти юз ўттиз учинчи сонли маҳбус, – деди Кендел Каупервуднинг исми ва фамилияси ҳамда қамокхона ташкил этилгандан бери санаб келинаётган тартиб рақами ёзилган сариқ қоғозни котибга берар экан. Маҳбуслардан тайинланган котиб буларнинг барини китобга ёзиб, бир вақтнинг ўзида охир-оқибат Каупервудни “одоб-ахлоқ” галереясига олиб борувчи қамокхона “хуфия”си ёки “содик” кишиси учун ҳам захира ҳужжат тайёрлади.

– Сиз ечиниб ваннага киришингиз керак, – деди Кендел Каупервудни қизиқиш билан кўздан кечираркан. – Тўғри, сизга бу керак деб ўйламайман, лекин бизда тартиб шунақа.

– Миннатдорман, – деди ҳатто шу ерда ҳам кераклича таассурот қолдирганидан хурсанд бўлган Каупервуд. – Мен ҳамма қондаларга бўйсунушга тайёрман.

Каупервуд пальтосини ечишга тайёрланаркан, Кендел қўли билан ишора қилиб, уни тўхтатди. Қўшни хонадан назоратчими, маҳбусми, кўриниши ғалатирак “содиклар” вакили чиқиб келди. Бу паст бўйли, қорачадан келган букри одам эди. Унинг бир оёғи иккинчисидан калта бўлиб, шу сабаб ўз-ўзидан бир елкаси ҳам пастроқ эди. Кўкраги ичига ботгани, кўзлари ғилай эканига қарамай, у тез ҳаракат қиларди. Унинг эғнида қопдек йўл-йўл иштон ва яна худди шундай, қамокда талаб қилинадиган йўл-йўл куртқа бўлиб, куртканинг ичидан ёқаси очиқ кўйлаги кўриниб турарди. Бошида эса чети диккайиб турган жуда катта йўл-йўл шляпа бўлиб, Каупервудга бу кийим жуда таҳқирона туюлди. Каупервуд бу одамнинг қалпоғи остидан ўзига боқиб турган ваҳимали ғилай кўзларини ҳеч кўз олдидан кетказа олмай қолди.

Бу “содик”нинг ҳар дақиқада қўлини шляпасига теккизиб, ҳарбийчасига саломлашадиган аҳмоқона одати бор экан. Бу профессионал даражадаги “иккинчи қават одами” – ўғри бўлиб, унга ўн йил берилган, бироқ ўзини яхши тутиб юргани сабаб у бошига одамни пастга урадиган қопни киймаган ҳолда канцелярияда ишлаш шарафига эришганди. Бунинг учун у қамокхона бошлиқларидан жуда миннатдор эди. У ҳозир Кендалга кўриб турган ит каби қараётган бўлса, Каупервудга худди унинг ҳолатини тушунаётган-у, ишонмаслигини билдираётгандек айёрона қувлик билан қараб турарди.

Оддий маҳбус учун ён-атрофдагиларнинг бари бир хил; бунинг устига улар бу ерга мендан яхши одам



## Теодор Драйзер

келмайди, деган фикр билан ўзларини овутишади. Балки, тақдир уни аёвсиз жазолагандир, у эса хаёлан бошқа махбусларга бундан кам аёвсиз бўлмайди. Атайми ёки тасодифанми, мен сендан тақволироқман, деган салгина ишора қамокхона деворлари ичидаги энг огир, энг кечириб бўлмайдиган гуноҳ саналади. Бу “содик” ҳам пашша ғилдиракнинг ҳаракатини тушунмаганидек, Каупервудни тушуниш қобилиятига эга эмасди, бироқ ўзи арзимаган одам бўлса-да, янги келганнинг кимлигини яхши билиб олдим деб ишончи комил эди. Муттаҳам барибир муттаҳамдир, шу сабаб Каупервуднинг ҳам бу одам учун оддий чўнтакесардан фарқи йўқ эди. Унда шу заҳоти Каупервудни ерга уриш, ўзи билан бир қаторга қўйиш хоҳиши туғилди.

– Чўнтагингиздаги бор нарсанинг ҳаммасини чиқаришингизга тўғри келади, – деди Кендал Каупервудга қараб. Одатда у фақат “Махбус титкилансин!” деб буйруқ берарди. Каупервуд у томонга бир кадам қўйиб, чўнтагидан йигирма беш доллар солинган кармонини, қаламтарош, қалам, Эйлин унга “омад келтиради” дея ҳадя қилган фил суягидан ишланган, қизнинг совғаси бўлгани учун ўзи жуда кадрлайдиган кичкинагина филчани чиқарди. Кендал филчани қизиқиб томоша қилди.

– Олиб кетишингиз мумкин, – “содик”қа қараб бошини ирғади у.

Каупервуднинг олдида ҳали чўмилиш ва яна қайта кийиниш вазифаси турарди.

– Орқамдан юрилсин, – деди “содик” олдинга ўта туриб ва Каупервудни тўсиқ орқасида учта эски чўян ванна, ёғоч токчаларда оддий совун, ювилавериб титилиб кетган қаттиқ сочиқ ва бошқа ювиниш анжомлари турган қўшни хонага олиб кирди. Токчалар ёнига кийим осиб учун қозиклар илинганди.

– Мана бу ерга туш, – ванналардан бирига ишора қилиб буюрди исми Томас Кьюби бўлган “содик”. Каупервуд бу

тинмай килинадиган назоратнинг бошланиши эканини тушунди, бироқ ўзини хотиржам тутишга аҳд қилди.

– Кўрдим, бир дақиқа, – деди у.

Кьюби бироз юмшагандек бўлди.

– Сенга қанча ёпиштиришди? – сўради у. Каупервуд унга тушунмагандек ғалати қаради. У чиндан ҳам саволни тушунмаганди. “Содик” унинг қамокхона жаргонини билмаслигига ақли етиб, саволини қайтарди:

– Сенга қанча ёпиштиришди? Неча йилга ўтирдинг?

– Ҳа!.. – жавоб берди Каупервуд энди англаб. – Тўрт йилу уч ой.

У қаршисидаги одамнинг ғашига тегмасликка аҳд қилганди. Шунда яхшироқ бўлади.

– Нима учун? – қизикди Кьюби.

Каупервуд бир дақиқа ўзини йўкотди.

– Ўғрилиқ учун, – жавоб берди сўнг.

– Унда осон қутулибсан, – деб қўйди Кьюби. – Мени ўн йилга кесворишган. Битта тўпори судья шунақа қилган.

Кьюби Каупервуднинг жинояти ҳақида эшитмаганди. Эшитганда ҳам, бу ишнинг нозик томонларини тушунмаган бўларди. Каупервудда суҳбатни давом эттириш истаги йўқ эди ва нима дейишни ҳам билмасди. У анави кимсанинг тезроқ чиқиб кетишини хоҳлаётган, бироқ у туришда давом этарди. Тезроқ камерада ўзи ёлғиз қолсайди!

– Ҳа, бу жуда ачинарли, – ҳамдардлик билан деди Каупервуд ва “содик” олдида ўзига ўхшамаган маҳбус турганини тушунди, акс ҳолда, у бундай демаган бўларди.

Кьюби сув жўмрақларини буради. Каупервуд эса бу орада ечиниб, ёнида бу ёввойи борлигидан хижолат ҳам бўлмай, яланғоч турарди.

– Бошингни ҳам чайишни унутма! – деди Кьюби ва чиқиб кетди.

Ванна сувга тўларкан, Каупервуд ўз тақдири ҳақида ўйларди. Охирги пайтларда ҳаёт унга шунча зулм ўтказганига хайрон қолаётганди. Шу вазиятдаги бошқа

## Теодор Драйзер

кўпчиликдан фаркли ҳолда унинг виждони азобланмас ва ўзини номуссизликда айбламаётганди: шунчаки унинг омади юришмади. Ўйлаб кўринг-а: у ҳозир мана шу баҳайбат камокхонада маҳбус ва ҳозир мана бу ирганч чўян ванна олдида туришга мажбур, аклини еб кўйган жинойатчи эса унга қоровуллик қилиб турибди!

Каупервуд ваннанинг ичига тушиб, тезлик билан арзон сарик совунда ювиниб, дағал сочикқа артинди ва ичкўйлагига кўлини узатди. Бироқ кийими йўқ бўлиб қолганди. Шу пайт хонага Кьюби кириб келди.

– Бу ёкка юр! – кўпол оҳангда буюрди у. Каупервуд яланғоч ҳолида унинг ортидан эргашди. Уни канцелярия орқали тарози, ўлчайдиган асбоблар, қайд қилиш дафтари ва бошқа нарсалар турган хонага олиб киришди.

Фрэнкнинг олдига яна эшик олдида турган Кьюби яқинлашди, котиб эса уни кўриши билан беихтиёр кўлига тоза қоғоз олди. Кендал Каупервуднинг белидан сал тўлиша бошлаган келишган қоматини кўздан кечираркан, бу маҳбуснинг гавда тузилиши бу ердагиларнинг кўпчилигидан фарқ қилишини хаёлидан ўтказди. Унинг териси, ўзи алоҳида қайд этганидек оппоқ эди.

– Тарозига тур! – буюрди Кьюби. Каупервуд унинг айтганини қилди. Назоратчи пайдо бўлган рақамни яхшилаб қараб олди.

– Оғирлиги – бир юз етмиш беш! – эълон қилди у. – Энди бу ёкка!

У полдан етти ярим фут баландликкача ингичка вертикал планка чўзилган деворни кўрсатди. Бу планка бўйлаб девор олдида турган одамнинг бошига ёғочли бўй ўлчаш ускунаси сирпанарди. Планканинг четига ярим, чорак, нимчорак каби дюймлар белгиланган, ўнг томонда эса кўлнинг узунлигини ўлчайдиган ускуна турарди. Каупервуд ундан нима талаб қилинаётганини тушуниб, ёғоч ўлчагич тагида қимирламай туриб берди.

– Оёқларингни бирлаштир, деворга қапишиб тур! – буюрди Кьюби. – Мана шундай! Беш фут тўққиз дюйм! – бақирди у ва котиб бу сонларни қайд қилиш дафтарига киритди.

Шундан сўнг Кьюби яна бир ўлчагични олиб, Каупервуднинг елкалари, оёқлари, кўкраги, бели ва ёнбошини ўлчай бошлади. У Каупервуднинг кўзлари, сочлари, мўйловининг рангини баланд овозда маълум қилди, сўнг унинг оғзига қараб, охирги хулосасини айтди:

– Тишларининг ҳаммаси бутун!

Шундан сўнг Каупервуд ўз манзили, ёши, касбини такроран айтди ва у бирорта хунарни билиш-билмаслиги ҳақидаги саволга рад жавобини бергач, ваннахонага қайтиб, унинг учун тайёрлаб қўйилган қамокхона кийимлари – ботадиган дағал ичкийим, пахта матоли ёқали кўйлак, худди шундай пахта матодан тикилган пайпоқни кийиб олишга рухсат беришди. Худди ёғоч ёки темирдан тикилгандек қаттиқ, дағал бунақа кийимни у умрида киймаган, бошмоқларининг таги сирпанчиқ эди. Кийимларининг устидан қопдек тикилган маҳбусларнинг йўл-йўл иштони ва курткани кийиб оларкан, Фрэнк бу аҳволда ўзининг жуда аянчли кўринаётганини ҳис қилиб турарди.

Каупервуд яна назоратчининг идорасига қайтиб кирганида уни илгари ҳеч қачон ҳис этмаган оғир умидсизлик чулғаб олган ва ҳар қанақасига ўзини босишга ҳаракат қилаётганди. Мана, жамият жиноятчиларга қандай муомала қиларкан, ўйлади у. Уни ўзидан итаради, эгнидан одатий кийимларини ечиб олади, мана бу латталарга буркаб кўяди...

Каупервудни согинч ва алам ҳисси қуршаб олганди. У қанчалик урингани билан бостириб келаётган ҳисларга дош бера олмаётганди. У доим бир қоида – кўнглидан ўтаётган туйғуларини яширишга амал қилиб келди; бироқ ҳозир бунга кучи етмаётганди. Бундай кийимда

## Теодор Драйзер

у ўзини ерга урилгандек, беўхшов хис килаётган ва уни бошқаларга ҳам шундай кўринаётганини биларди. У жуда катта ирода кучи билан ўзини хотиржам ва тепасида турганларга нисбатан бўйсунувчан ҳолда тутаётганди. У охири бу нарсага ўйин, ёмон тушга қарагандек ёки агар омадинг келиб қолса, чиқишга умид бўлган ботқоққа тушиб қолдинг деб қараш керак, деган хулосага келди. У яна омади келишига умид қиларди. Ахир бу ҳол узок давом этиши мумкин эмас! У ҳаётининг ўзи жуда яхши билган бу босқичида ғалати, нотаниш ролни ўйнаётганди.

Кендал Каупервудга қарашда давом этаркан, вақтини бекор ўтказмади.

– Қани, бунга қалпоқ кидириб кўр-чи! – ёрдамчисига буюрди у.

Ёрдамчиси токчалари рақамланган шкаф олдига келиб хунукдан-хунук бир шляпани олиб, Каупервудга кийиб кўришга берди. Шляпа тўғри келгандек бўлди ва Каупервуд ниҳоят ўзининг камситилишлари поёнига етди, деб ўйлади. Уни яна “безантирадиган” нарса қолмагандек эди. Бироқ у янглишганди.

– Кьюби, энди уни жаноб Чепиннинг олдига олиб бор, – буюрди Кендал.

Кьюби буйрукни тушунди. У ваннага қайтиб бориб, у ердан Каупервуд орқаваротдан эшитиб билган буюмни келтирди: бу оқ-кўк йўл-йўл халта бўлиб, узунаси ва эни тахминан оддий ёстиқ жилдининг ярмича келарди.

Кьюби халтани текислаб, яхшилаб қоқди ва Каупервудга яқинлашди. Одат шундай эди. Қамоқ ташкил этилган илк пайтлардан бери бундай халтачаларнинг ишлатилишидан мақсад маҳбусларни мўлжал олишдан маҳрум қилиш ва бу билан улар қочиш кетишининг ҳам олдини олиш эди. Шу дақиқадан бошлаб Каупервуднинг маҳбуслардан ҳеч ким билан гаплашиш, улар билан суҳбатлашиш, ҳатто кўришга ҳам ҳуқуқи йўқ эди. Қамоқхона бошлиғи билан гаплашиш ҳам тақиқланарди:

у фақат саволларга жавоб бера оларди, холос. Бу жуда қаттиқ қоида эди, бироқ Каупервуд кейинчалик билишича, бу ерда ҳам баъзи имтиёзларга эришиш мумкин экан.

– Мана бу нарсани кийишингга тўғри келади, – деди Кьюби халтани Каупервуднинг боши устида очаркан.

Каупервуд тушунди. У бир пайтлар бу ҳақда эшитганди. Дастлаб у сесканиб кетди, халтага чинакам ажабланиш билан қаради, бироқ шу заҳотиёқ уни бошига кийдиришга ёрдам бериш учун қўлларини кўтарди.

– Керак эмас, – деди Кьюби. – Қўлингни тушир, ўзим кийдира оламан.

Каупервуд унинг айтганини қилди. Бошига кийдирилган халта кўкрагигача тушиб, у ҳеч нимани кўра олмай қолди. У ўзини бахтсиз, топталган, тамом бўлгандек ҳис қилар, бу йўл-йўл латта сабаб, ўзини йўқотиб қўйгудек бўлаётганди Наҳотки, мени шунчалик ерга уришдан озод қилишнинг иложи йўқ эди, ўйларди у.

– Кетдик! – деди унинг кузатувчиси ва Каупервудни олиб кетишди – қаердалигини у ортиқ кўра олмаётганди.

– Пастки томонини сал кўтариб, оёғинг остига қараб кетгин, – йигитга маслаҳат берди ҳамроҳи. Каупервуд шундай қилди ва энди сал оёғи ва босаётган пол қисмини кўра олди.

Шундай ҳолда уни, худди кўр каби аввал қисқагина ўтиш жойидан, кейин эса узун йўлак бўйлаб – навбатчи назоратчилар ўтирган хонадан олиб ўтишди, сўнг ниҳоят тор темир зинадан чиқиб, иккинчи қаватдаги назоратчининг олдига олиб келишди. Каупервуд яна Кьюбининг товушини эшитди:

– Жаноб Чепин, сизга жаноб Кендалдан янги маҳбус олиб келдим.

– Ҳозир, боряпман, – қаердандир кутилмаганда мулойим овоз эшитилди.

Кимнингдир катта, оғир қўли Каупервуднинг биладиган тутиб, уни яна қаергадир олиб кетишди.

## Теодор Драйзер

– Келиб қолдик, – деди яна ўша овоз. – Ҳадемай, бошингиздаги халтани ечаман.

Каупервуд негадир бу товушда ҳамдардликни сезгани учунми, бўғзига йиғи тикилгандек бўлди.

Бир неча қадамни қўйишгина қолганди.

Улар эшик олдига яқинлашганида Каупервуднинг кузатувчиси катта темир калит билан эшикни очди. Яна ўша катта қўл уни секин ичкарига итарди. Шу сониядаёқ унинг бошидан халтача олиниб, у ўзини деворлари оқланган тор камерада турганини кўрди.

Камера яхшигина қоронғи бўлиб, деразаси йўқ, бироқ шифт тагида ойна ўрнатилган нингичка туйнук бор эди. Ён томондаги деворлардан бирининг ўргасида, афтидан, кечаси ёкиш учун ишлатиладиган лампочка осилиб турарди. Бир бурчакда устига похол тўшак солинган ва иккита адёл турган темир каравот бор эди, адёллар, афтидан, ҳеч қачон ювилмагандек эди. Бошқа бурчакда эса мис жўмракли унча катта бўлмаган раковина бор эди. Каравотнинг рўпарасида кичкина токча бўлиб, оёқ томонида жуда эски ёғоч стул турарди; раковинанинг ёнида бурчакда титиғи чиқиб кетган супурги ҳам бор эди. Ўша ернинг ўзида, афтидан, челақдан сув қуйиб ювиладиган ҳожатхона ҳам бор эди. Камерада каламушлар ва ҳар хил бошқа паразитлар борлиги бу ердаги ёмон ҳиддан билиниб турарди. Полга тош ётқизилганди.

Каупервуд буларнинг барини бир қарашда назардан ўтказди, унинг нигоҳи катта ялтироқ катта қулф осилган оғир темир эшикда тўхтади. У шу заҳоти темир эшикнинг ортида уни ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйган ёғоч эшик ҳам борлигини кўрди. Чарақлаган қуёш нури тўғрисида бу ерда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Бу ерда тозаликни ўрнатиш маҳбуснинг сув, совун ва супургини ишлата билиши ва хоҳишига боғлиқ эди. Камерани кўздан кечириб бўлиб Каупервуд назоратчига, жаноб Чепинга қаради.

Жаноб Чепин норғул, тоши оғир, ҳаракатлари вазмин, гўё ҳамма ёғи чанг билан қоплангандек, бироқ ювош одам эди. Унинг кўпол гавдасида қамоқхонанинг мундири қопдек осилиб турарди. У кучли кўринмас, мулойим башарасини оқариб кетган соқол қоплаганди. Яхши олинмаган сочи катта фуражкаси остидан яккам-дуккам бўлиб чиқиб турарди. Шунга қарамай, жаноб Чепин Каупервудда ёмон таассурот қолдирмади. Бунинг устига, бу одамни олдингиларга нисбатан эътиборлироқ бўлса керак деб ўйлади. Бу фикр унинг кўнглини кўтарди.

Каупервуд қаршисидаги бу инсон у қамоқхона тартиблари билан танишиб чиқиш учун икки ҳафтагина бўлиши керак бўлган “санитария кўригидан ўтказадиган жой”нинг назоратчиси эканини, ўзи эса жаноб Чепинга бириктирилган йигирма олти маҳбусдан бири эканини ҳали билмасди.

Танишишни осон қилиш учун у қаравотнинг олдига келиб, унга ўтирди. Каупервудга эса ёғоч стулни кўрсатди ва у ҳам ўз навбатида стулни ўзига тортиб, ўтирди.

– Мана, сиз ҳам энди шу ердасиз, – ўта мулойимлик билан гап бошлади жаноб Чепин. Бу одам маҳбуслар билан муносабатда кўп тажрибага эга бўлиб, табиатан юмшоқ ва қўл остидагиларга шафқат билан муомалада бўларди. Ёши, туғма кўнгилчанлиги ва диний ақидалари (у квакер эди) уни раҳмдил бўлишга ундарди. Бироқ кейинчалик Каупервуднинг тушунишича, кўп йиллик кузатувлари унда маҳбусларнинг кўпчилиги табиатан ёмон одам, деган хулосага олиб келганди. Кендал каби у ҳам маҳбусларнинг ҳаммасини иродасиз, ҳеч нарсага арзимайдиган, турли ёмонликларга бериладиган одамлар деб ҳисоблар ва умуман олганда, у хато қилмаганди. Бироқ шунга қарамай, у муомалада кексаларча мулойимлик ва оталардек юмшоқликни ушлаб турар, чунки кўпчилик бўш одамлар каби у ҳам инсоний адолат ва одамгарчиликни ҳаммадан юқори қўярди.



## Теодор Драйзер

– Ҳа, жаноб Чепин, мен шу ердман, – оддийгина килиб деди Каупервуд. У “содиквой”дан эшитгани – назоратчининг фамилиясини эслаб қолганди. Бу чолга ёқиб кетди. У ҳозир бироз саросимада эди. Боиси қаршисида ўзи бир неча марталаб газеталарда ўқигани – шаҳар ғазначилигини ўмарган йирик банкир, машҳур Фрэнк Каупервуднинг ўзи турарди. У ҳам, унинг шериги Стинер ҳам (Чепин буни ҳам газеталардан ўқиганди) бу ерда анчамунча вақт бўлишлари керак эди. Беш юз минг доллар у пайтларда жуда катта пул ҳисобланарди. Каупервуднинг бу пуллар билан қилган ҳар хил найранглари (буни ҳам газетадан ўқиб билганди) у ёқда турсин, шунча пулни камомад қилишнинг ўзиёқ Чепинни хайратда қолдирганди. Қарияда у ҳар бир маҳбусга берадиган бир қатор саволлар формуласи мавжуд эди: маҳбус жиноят қилганига ачинадими, агар шароит йўл кўядиган бўлса, тузалмоқчими, унинг ота-онаси тирикми ва бошқа саволлар. Ва маҳбусларнинг қандай тарзда – бепарволик биланми, пушаймон бўлибми ёки қаршилик қилибми – жавоб берганларига қараб, уларнинг чиндан ҳам жазога лойиқ ёки лойиқ эмасликлари тўғрисида хулоса чиқарарди. У Каупервуд билан қандайдир кулфбузар, ўғри ёки муттаҳам билан гаплашгандек гаплашиб бўлмаслигини жуда яхши тушуниб турарди. Бирок бу одам бошқача гаплашишни билмасди ҳам.

– Хўш, хўш, – гапида давом этди у. – Сиз жаноб Каупервуд, ҳеч қачон бундай жойларга тушиб қолишни ўйламаган бўлсангиз керак-а?

– Ўйламаганман, – бўйнига олди Каупервуд. – Жаноб Чепин, бир неча ой илгари ўзим ҳам бунга ишонмаган бўлардим! Назаримда, менга нисбатан адолатсизлик қилишди, бирок бу ҳақда гапиришга энди кеч бўлди.

Каупервуд жаноб Чепин унга озгина насихат қилмоқчи бўлаётганини кўриб турар ва уни эшитишга тайёр эди. Яқинда у ёлғиз ўзи қолади ва бир оғиз гаплашишга биров

бўлмайди; агар бу одам билан сал дўстона муносабат ўрната олса, жуда яхши бўларди: чўкаётган хасга ёпишаркан.

– Ҳа, албатта, ҳаммамиз ҳам ҳаётда хато киламиз, – виқор билан гап бошлади ўзининг устозлик ва руҳонийлик қобилиятига ишонган жаноб Чепин. – Биз доим ҳам режаларимиздан нима иш чиқишини билавермаймиз, тўғрими? Мана сиз, шу ерга тушиб қолибсиз ва кўп нарса ўзингиз ўйлагандек бўлиб чикмаганидан пуншаймондирсиз-а? Бироқ ҳаммаси яна бошидан қайтариладиган бўлса, қилган ишингизни бошқатдан такрорламаган бўлардингиз, тўғрими?

– Йўқ, жаноб Чепин, худди шундай тарзда қайтармаган бўлардим, – самимийлик билан деди Каупервуд, – бироқ айтишим керакки, қилган ишларимнинг ҳаммасини тўғри деб ҳисоблайман. Юридик нуқтаи назардан менга ноқонуний жазо беришди деб ўйлайман.

– Ҳа-а, доим шунақа бўлади, – хаёлчанлик билан оқ сочли бошини қашир экан, мулойим жилмайиб, гапида давом этди жаноб Чепин. – Мен кўпинча бу ерга келадиган йигитларга биз ўзимизга туқулгандан камроқ нарса билишимизни айтаман. Биз дунёда ҳамма худди ўзимиз каби ақлли эканини ва бизни кузатиб турадиган одамлар доим топилишини кўпинча унутиб қўямиз. Суд ҳам, изкуварлар, қамокхоначилар ҳам доим зийрак туришади; ўгирилишга улгурмасингдан сени тутиб олишади. Ўзини яхши тутмайдиган одам бу нарсалардан ҳеч қачон қочиб қутула олмайди.

– Ҳа, сиз ҳақсиз, жаноб Чепин, – унинг гапига қўшилди Каупервуд.

– Энди эса, – яна бир қанча насихатгўйликдан сўнг деди қария, – мана сизнинг каравотингиз ва стул, анави ерда эса умивальник ва ҳожатга чиқадиган жой. Эътибор беринг: ҳамма ёқ батартиб ва тоза бўлсин! (Худди у Каупервудга қимматбаҳо нарсани ишониб топширяпти, деб ўйлаш

## Теодор Драйзер

мумкин эди.) Эрталаб ўрнингизни ўзингиз йигиштирасиз, полни супуриб, ҳожатхонангизни тозалаб, камерани тоза ҳолда сақлайсиз. Бу ишни сиз учун бошқа одам қилмайди. Эрталаб туришингиз билан ишга киришасиз, кейин эса соат олти яримда сизга нонушта олиб келишади. Эрталаб соат беш яримда туришингиз керак бўлади.

– Тушундим, жаноб Чепин, – ҳурмат билан деди Каупервуд. – Ишонаверишингиз мумкин: ҳамма кўрсатмаларингизни аниқ бажараман.

– Қилишингиз керак бўлган ишлар кўп эмас, – деди Чепин. – Ҳафтада бир марта бошингиздан оёғингизгача ювинишингиз керак, артинишингизга тоза сочиқ бераман. Ҳар жума куни камера полини ювиб чиқишингиз керак бўлади.

Бу гапдан Каупервуднинг сал афти буришди.

– Агар хоҳласангиз иссиқ сув олишингиз мумкин. Керакли одамга буюриб қўяман. Қариндошларингиз ва дўстларингизга келсак... – Чепин каравотдан туриб, баҳайбат пахмоқ ит каби силкинди. – Сиз уйлангансиз-а?

– Ҳа, – таъкидлади Каупервуд.

– Қоида бўйича хотинингиз ва дўстларингиз уч ойда бир марта кўргани келишлари мумкин, адвокатингиз эса... Адвокатингиз бор-а?

– Ҳа, сэр, – жавоб берди бу суҳбат қизиқтириб қолган Каупервуд.

– Адвокатингиз хоҳласа ҳар ҳафта ёки ҳар куни келиши мумкин. Адвокатларга тақиқ йўқ. Хат ёзишга уч ойда бир марта рухсат берилади, агар қамокхона дўкончасидан тамақими ёки бошқа бир нарса керак бўлиб қолса, қоғозга ёзиб беринг, қамокхона бошлиғида пулингиз бор экан, мен олиб келиб бераман.

Қария, албатта, чойчақа кўринишидаги порага учмаган бўларди. Унда ҳали кўхна анъаналарга содиқлик бор эди, бироқ вақти келиб совғалар ёки хушомад билан уни қўлга олиш мумкин эди. Каупервуд буни тез орада уқиб қолди.

– Яхши, жаноб Чепин, мен ҳаммасини тушундим, – қария ўрнидан туриши билан у ҳам сакраб тураркан деди.

– Бу ерда икки ҳафта бўлганингиздан сўнг, – ўйчанлик билан қўшиб қўйди Чепин (буни илгарироқ айтишни у унутганди), – турма бошлиғи пастдан сизга доимий камера ажратиб беради. Бу пайтга қадар сиз қандай иш билан шуғулланишни хоҳлашингизни ҳал қилишингиз керак. Агар ўзингизни яхши тутсангиз, сизга ҳовличаси бор камера беришлари ҳам мумкин.

У чиқиб кетди ва орқасидан эшик шарақлаб ёпилди. Унинг охирги сўзларидан яхшигина хафа бўлган Каупервуд ёлғиз қолди. Фақат икки ҳафта ва уни бу ажойиб қариядан бошқа, балки, келишиш эҳтимоли қийин бўлган нотаниш назоратчига ўтказишади.

– Агар сизга керак бўлиб қолсам – касал бўлиб қоласизми ёки бошқа бир нарсами, мана бу ерда сигнал бор, – эшикни яна очиб деди Чепин. – Эшикнинг панжарасига сочиғингизни осиб қўйинг, бўлди. Ўтиб кетаётганимда мен кўраман ва нима кераклигини билиш учун кириб ўтаман.

Жуда руҳи тушиб кетган Каупервуд бир зумга жонланди.

– Эшитаман, сэр, – деди у. – Миннатдорман, жаноб Чепин!

Қария чиқиб кетди ва Каупервуд унинг қадам товушлари аста-секин тинаётганини эшитиб турди. У қулоғини динг қилганча тураркан, кимнингдир йўталгани, қандайдир машинанинг гувуллагани, эшик қулфига калит тикилаётгани эшитилди. Бу товушлар ҳаммаси зўрға, узоқдан келаётгандек эди. Каупервуд ўринга яқинлашди: жой тозалиги билан ажралиб турмасди, устида чойшаб умуман йўқ эди. У қўли билан энсиз ва тошдек матрасни ушлаб кўрди. Мана энди, хашамат ва нафисликни яхши кўрадиган, уларнинг қадрига ета оладиган одам қандай ўринда ётаркан! Эйлинми ёки бой дўстларидан биророрта-

## Теодор Драйзер

си буни кўриб қолса нима бўлади? Бу ўринда бўлиши мумкин бўлган ҳашаротларни ўйлаб, Каупервуднинг кўнгли беҳузур бўлди. Энди нима қилиш керак?

Бу ердаги ягона стул жуда ноқулай эди. Шифт тагидаги туйнукдан тушаётган ёруғлик камерани жуда хира ёритиб турарди. Каупервуд бу шароитга секин-аста ўрганиш фикрига кўникаётганда, кўзи бурчакдаги ҳожат челагига тушиб, яна кўнгли ижирғанди. Бунинг устига, яна каламушлар пайдо бўла бошлайди. На расм, на китоб – кўзга завк берадиган ҳеч нарса йўқ, ҳатто қулоч ёзишга ҳам жой етарли эмас, атрофда эса ҳеч бир жонзот йўқ, фақат тўрт девор ва ташқаридаги эшикни қулфлашгандан кейин у туни билан чидаши керак бўлган жимжитлик бўлади. Қандай даҳшатли ҳаёт!

Каупервуд каравотга ўтириб, ўзи тушиб қолган вазият ҳақида ўйлай бошлади. Демак, у Шарқий қамокхонада ва бу ерда душманларининг (шу жумладан, Батлернинг ҳам) ҳисоби бўйича у тўрт йил ва ундан кўпроқ ўтиради. Стинер ҳам – бирдан йигитнинг хаёлига келиб қолди: ҳозир Каупервуднинг ўзи яқиндагина бошидан ўтказган барча жараёнлардан ўтаётган бўлса керак. Бечора Стинер! Қанчалик аҳмоқлик қилиб қўйди! Майли, энди ўз аҳмоқлиги учун жазосини тортиб ўтираверсин! У билан Стинернинг ўртасидаги фарқ шундаки, Стинерни бу ердан чиқариб олишга ҳаракат қилишади. Балки, ҳозирнинг ўзидаёқ унинг шароитини енгиллаштиришгандир, бироқ Каупервуд буни билмайди.

Каупервуд қўли билан иягини ишқалаганча, компанияси, уйи, дўстлари, ота-онаси ва Эйлин ҳақидаги хаёлларга берилди. Сўнгра соатига қўл чўзаркан, шу заҳоти уни олиб қўйишгани ёдига тушди. Демак, ўлганнинг устига тепгандек, у вақтни ҳам била олмайди...

Ўзини чалғитиши учун унинг на ёзув дафтарчаси, на ручкаси, на қалами бор эди. Бунинг устига, у эрталабдан бери ҳеч нарса емаган, ўлгудай оч. Бироқ бу муҳим эмас.

Мухим нарса шуки, у бутун дунёдан узилиб қолди, бу ерда ёлгизликда тутқунда ўтирибди, ҳатто ҳозир соат нечалигини ҳам билмайди ва ҳеч бир иш билан ҳам шуғуллана олмайди. Тўғри, Стежер якин орада келиб қолса керак. Шу нарса одамни сал овунтириб турибди. Бироқ ёнғингача у ким бўлгани, олдида қандай буюк келажақ турганини эсласа... Энди у кимга айланиб ўтирибди!

Каупервуд оёғидаги бошмоқларни, кийимини кўздан кечириб бошлади. Оҳ Худойим!.. Кейин у ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юрди, бироқ ҳар бир қадамидан чиққан баланд товуш қулоқлари остида жаранглади. Шундан сўнг у эшик олдига келиб, кулф тешигидан қарай бошлади, бироқ ўзиники каби бошқа камера эшигининг бир чеккасидан бошқа ҳеч нарсани кўра олмади. Ниҳоят, стулга ўтириб яна ўйга толди, сўнгра ниҳоят чарчаганини ҳис қилди ва бир амаллаб кир ўринга ётиб кўришга уриниб кўрмоқчи бўлди ва секин каравотга чўзилди. Жуда ҳам ноқулай эмас экан, шекилли. Бироқ сал ўтиб у сакраб туриб кетди ва стулга ўтирди, кейин яна ўрнидан туриб, камерани айлана бошлади ва яна ўтирди. Бундай тор жойда айлана олмайсан ҳам, ўйлади у. Йўқ, бунга чидаб бўлмайди – худди тирик кўмилганга ўхшайсан! Буни қаранг-а, энди у бутун вақтини шу ерда ўтказади – кунма-кун, тонгма-тонг токи... Токи қачонгача? Губернатор уни афв қилмагунчами ёки у муддатини ўтамагунчами ёхуд бор бойлигининг қолган-қутгани тугамагунчами... ёки...

Каупервуд хаёлга толганча ўтирар, вақт эса ўтиб борарди. Ниҳоят, Стежер келганда соат бешлар бўлиб қолганди. Адвокат узоқ қололмади. Каупервудни якин пайшанбами, жума ёки душанбагами унинг собиқ миждозлари кўзгаган иш бўйича чақириш масалалари билан боғлиқ иши жуда кўпайиб кетганди. Бироқ адвокат кетгандан сўнг окшом чўкиб, Каупервуд кичкинагина керосин лампанинг устидаги ёниб бўлган пиликни қирқиб ташлади ва эшикдаги туйнукдан назоратчининг назорати

## Теодор Драйзер

остида “содик” келтириб берган ярим ун, ярим кепакдан ёпилган бемаза нон билан аччик чой ичиб олди. Бироқ юраги баттар увуша бошлади. Сал ўтиб бошқа “содик” ҳеч нарса демай, кўполлик билан ташқари эшикни шарақлатиб ёпиб кетди. Соат тўққизда – Каупервуд буни эслаб қолганди – қаердадир катта кўнғирок чалинади ва шунда у дарров керосин лампасини ўчириб, ечиниши ва ётиши керак бўлади. Қондани бузганлик учун жазоланади – балки, овқати камайтирилар, жазо кўйлаги кийдирилар, эҳтимол, калтаклашар – айнан нималигини деярили билмасди...

Каупервуд тушкунликка тушган, ғамгин, силласи куриганди. Шунча узоқ курашгани бекор бўлди! Раковина олдида қалин сопол чашкаси ва жез тоғорачасини ювиб, Каупервуд кийимларининг барини, ҳатто кальсонини ҳам ечиб, ўринга чўзилди. Камерада ҳаво илиқ ҳам эмасди ва у кўрпасига ўралиб исиниб олмоқчи бўлди. Бироқ фойдаси бўлмади: унинг қалби музлаб кетаётганди.

– Йўқ, бунақаси кетмайди! – ўз-ўзига деди у. – Бунақаси кетмайди! Мен бунга кўп чидай олмайман.

У деворга ўгирилиб ётаркан, яна бир неча соат изтироб чекди ва ниҳоят ухлаб қолди.

**Т**уғма омади, тагли-тугли келиб чиқиши ёки кариндошлари ва дўстларининг донишмандлиги ёрдамида тасодифий “тақдир тўқмоғи”дан қочиб қола оладиган одам Каупервуднинг шу биринчи кунлари камерасида ёлғиз ўтириб, ўзининг шунчалик уддабуронлигига қарамай, энди нима бўлиши тўғрисида ўйлаб, қайғуга ботган ҳолатини жуда яхши тушунади. Руҳан жуда кучли бўлган одамлар ҳам вақти келганда руҳий тушкунликка тушиб қолишади. Шундай дақиқалар бўладики, жуда ақлли одамлар ҳам – ўшаларга балки кўпинча шундай туюлса керак – ҳаёт қора бўёқлардан иборатдек кўринади. Тақдир ўйинларида қанчалик даҳшатли нарсалар бор! Фақат ўз кучига ишонган ботирларгина ҳаётга тик қарашга қодирдирлар. Каупервудни ўта иқтидорли дейиш озгина муболаға бўларди. Унинг ақли кўпинча ҳаётнинг тажрибаси мўл одамларда бўлгани каби етарли даражада ўткир бўлиб, шахсий муваффақиятга интилиш билан қўшилиб кетганди. Бу бамисли ўткир нуруни ҳаётнинг турли қоронғи бурчакларига бура оладиган улкан ёриткич каби қудратли салоҳият эди, аммо ҳозир унинг кучи ҳаддан ташқари зулматни ёритишга етарли эмасди.

Каупервуд буюк астрономлар, социологлар, файласуфлар, кимёгарлар, физиклар ва физиологлар устида бош қотирадиган муаммоларни қайсидир даражада тасаввур қилиб кўрарди; бироқ бу нарсалар уни чиндан ҳам қизиқтиришига ишончи қомил эмасди. Ҳаёт ўзига хос



## Теодор Драйзер

сирларга тўла. Ва, эхтимол, кимдир уларнинг ечимини топиши керакдир. Бироқ нима бўлганда ҳам, Каупервудни бошқа йўналиш ўзига тортарди. Унинг қизиқиши “пул қилиш” – катта фойда келтирадиган корхоналар ташкил этиш ёки ўша кунгача топганларини асраб қолиш эди.

Бироқ яхшилаб ўйлаб кўриладиган бўлса, ҳозир унга шунинг ҳам иложи йўққа ўхшаб туюлаётганди. Унинг иши юзага келган фалокатлар сабаб жуда ҳам бузилиб кетган, тагидан ўпирилганди. Стежер унга тушунтиргандек, у банкротлигидан келиб чиққан ишлар бўйича йиллаб курашса бўларди, бироқ бу орада унинг маблағи тугаб, қарз мажбуриятлари бўйича фоизлари ошиб, суд харажатлари тўпланиб қолиши мумкин эди. Бундан ташқари, у Стежер билан қарздорларидан кимлардир ўз қоғозларини Батлерга, кимлардир Молленхауэрга сотганини билиб қолишди, улар эса ҳеч қандай келишувга рози бўлишмайди ва ўз ҳақларининг тўла қопланишини талаб қилиб туриб олишади. Каупервуд умид қилиши мумкин бўлган ягона нарса – маълум вақт ўтгандан сўнг кредиторларидан ким биландир келишиб, Стивен Уингейт орқали яна “иш қилиш” эди. Агар Стежер қамоқхона бошлиғи Майл Десмас билан келиша олса, Уингейт унинг олдида шу кунларда келиши керак эди. Қамоқхона бошлиғи Каупервуд қамоққа келган куннинг эртасигаёк янги маҳбусни кўргани кирганди.

Майкл Десмас келиб чиқиши ирландиялик бўлган, сиёсатни сал-пал тушунадиган, табиатан бақувват одам эди. У Филадельфияга келган пайтидан бери бир қанча лавозимларда ишлаганди: ёшлигида полициячи бўлган, фуқаролар уруши даврида капраллик қилган, ҳозир эса Молленхауэрнинг қўлида итоатли қуролга айланганди. Унинг елкалари кенг, ниҳоятда мушакдор ва эллик етти ёшда бўлишига карамай, қўл жангида ўзини бемалол ҳимоя қила оларди. Унинг қўллари катта-катта, томирли бўлиб, юзи думалоқми, чўзинчоқми, қандайдир

тўртбурчаксимон эди. Пешонаси эса кенг, оқ сочининг толалари қалин ва куюк бўлиб, юкори лабининг устида калта кесилган, оқарган мўйлови ҳам бор эди. Кулранг-ҳаворанг кўзларининг караши акли ва идрокининг кучлилигидан дарак берар, ёноқлари кизғиш бўлиб, жилмайганда киррали оппоқ тишлари кўриниб, бўрини эслатарди. Десмас қаҳри қаттиқ одамдек кўринишига қарамай, ундай эмасди ва ҳатто баъзида мулойим ҳам бўлиб қолар, аммо қайсидир даражада газаби ҳам қайнаб кетарди. Маҳбуслар ўртасидаги фарқни (ахлоқий маънода ҳам, жамиятдаги ўрни маъносида ҳам) кўра билишга Десмаснинг акли ожизлик қиларди. У қамоқхонага вақти-вақти билан сиёсий аҳамиятга эга эканликларига қарамай, алоҳида эътибор бериш керак бўлган одамлар келиб қолишини тушунмасди. Бироқ юқоридаги сиёсатдонлар Десмасга маҳбуслар орасидаги фарқни кўрсатишадиган бўлса (Каупервуд ва Стинер билан бўлганидек), унда бошқа гап. Нима бўлганда ҳам, қамоқхона – ҳар дақиқада адвокатлар, шифокорлар, журналистлар ва ниҳоят, шунчаки маҳбуснинг қариндош-уруглари ва дўстлари келиб қолиши мумкин бўлган жамоат жойи, шундай экан, қамоқхона бошлиғи жуда бўлмаганда қўл остидагилар устидан ҳукмронликни йўқотиб қўймаслиги учун ҳам, баъзида ҳатто у ёки бу сиёсатдоннинг хоҳишига қарамай, бу ерда тартиб ва интизомни сақлаши зарур ва бирорта ҳам маҳбусга алоҳида енгилликлар қилинишига йўл қўймаслиги керак. Албатта, маҳбуслар сафига бой ва тантиқ, жамият ҳаётида учраб турадиган ҳар хил воқеаларнинг қурбони бўлган одамлар тушиб қолади ва бундай одамларга иложи борича раҳмдиллик билан муносабатда бўлиш керак.

Десмас Каупервуд билан Стинернинг бутун тарихини биларди, албатта. Хўжайинлар Стинернинг хизматларини ҳисобга олиб, унга юмшоқроқ муносабатда бўлиш ҳақида Десмасни огоҳлантиришганди. Каупервуд масаласида

## Теодор Драйзер

эса ҳамма унинг бошига кулфат тушди, деб ҳисоблаётган бўлса-да, ҳеч ким Десмасни бу ҳақда огоҳлантирмаганди. Қамокхона бошлиғи, албатта, унинг учун нимадир қилиши мумкин, бироқ бу ўзи учун хавф ва таваккал иш бўлади.

– Батлер бу йигитга тишини қайраб юрибди, – деганди бир куни Стробик Десмасга. – Ҳамма гап ўшанинг кизидан бошланганди.

Батлерга қулоқ солинадиган бўлса, Каупервудни нон-сув билан қантариб қўйиш керак, бироқ у ёмон йигит эмас. Очигини айтганда, Стинернинг зиғирча ақли бўлганда, Каупервуд ҳозир бу ерда ўтирмаган бўларди. Бироқ акулалар Стинердан кўзини узмаётган ва уни Каупервудга қарз беришга қўймаётганди. Стробикнинг ўзи Молленхауэр таъсирида Стинерга Каупервудга ортиқ қарз бермасликни буюрган бўлса-да, ҳозир ўз қурбонини айблаб ўтирганди. Ўзи қилган иш унинг хаёлига ҳам келмаётганди.

Каупервуд “катта учлик”нинг ҳурматига лойиқ эмаслигини кўрган Десмас унга алоҳида эътибор бермасликка, ҳар ҳолда унга бирор енгиллик беришга шошмасликка қарор қилди. Стинерга қулай кресло, тоза чойшаб, алоҳида идишлар, газеталар, хат ёзишга рухсат, олдига келганларга рухсат каби имтиёзлар берилганди. Каупервуд масаласида эса... Уни олдин яхшилаб кузатиб, кейин ҳал қилиш керак!

Бу орада Стежернинг ҳаракатлари ҳам натижасиз бўлмади. Каупервуд қамокхонага тушгандан сўнг Десмас Ҳаррисбургдаги жуда муҳим бир одам – Тэрэнс Рэлихендан хат олганди. Бу хатда у Каупервудга кўрсатилган ҳар бир яхшилик учун жуда миннатдор бўлиши ёзилганди.

Мактубни ўқиб чиққач, Десмас Каупервуднинг камерасига қараб кетди ва олдин унга эшикдаги тиркиш орқали қарамоқчи бўлди. Йўлда у гаплашиб қолган жаноб Чепин Каупервудни жуда яхши таърифлаб берди.

Десмас Каупервудни илгари ҳеч кўрмаганди. Каупервуд эғнидаги хунукдан-хунук қамоқхона кийими, арзон кўйлаги, ғарибона камерада ўтиришига қарамай, унда чуқур таассурот қолдирди. У кўзлари олма-кесак терадиган, рангпар ва нимжон – одатдаги маҳбус ўрнида келишган қоматини на эғнидаги хароб кийимлар, на бошига тушган бахтсизликлар бука олмаган, кучли, тиришқоқ ва мана шу фазилатлари юзида ҳам акс этиб турган эркакни кўрди.

Ким бўлишидан қатъи назар, қаршисида тирик жон пайдо бўлганидан хурсанд бўлиб кетган Каупервуд бошини кўтариб, ўтмишда уни таниганларнинг барчасида ўзига чуқур ишонч уйғота олган қатта-қатта, тиниқ ва синчков кўзлари билан Десмасга тикилди. Десмас ҳаяжондан қотиб қолди. У олдиндан таниган ва қамоқхонада ҳам кўргани – Стинер билан солиштирганда Каупервуд ҳақиқий кучли одамнинг тимсоли эди. Одамлар нима демасин, бироқ кучли одам иккинчи бир кучлини, албатта, хурмат қилади. Десмас эса жуда қатта жисмоний кучга эга эди. У Каупервудга, Каупервуд эса унга қараб туришарди. Ва Десмас беихтиёр унга ачиниб кетди. Худди икки йўлбарс бир-бирига тикилиб тургандек эди.

Каупервуд ички сезгиси билан қаршисида қамоқхона бошлиғи турганини ҳис қилди.

– Янглишмасам, жаноб Десмасиз, шекилли? – деди у мулойим хушмуомалалик билан.

– Ҳа, сэр, шундай, – жавоб берди Десмас Каупервудга борган сари кизиқиб. – Бизнинг жойларимиз у даражада серҳашам эмас, нима дедингиз?

Қамоқхона бошлиғи ўша бўрини эслатадиган учли тишларини кўрсатиб жилмайди.

– Ҳа, албатта, жаноб Десмас, – худди ҳарбийдек ғоз туриб таъкидлади Каупервуд, кейин жилмайиб қўшиб қўйди, – мен ҳам ажойиб меҳмонхонага тушиб қоламан, деб ўйламагандим.

## Теодор Драйзер

– Сизга бирор нимада ёрдамим тегмайдими, жаноб Каупервуд? – сўради шу заҳотиёқ хаёлидан бундай одам бир куни керак бўлиб қолади, деган фикр ўтган Десмас. – Мен адвокатингиз билан гаплашгандим.

Каупервуд бошлиқнинг “жаноб” деб мурожаат қилишидан жуда хурсанд бўлиб кетганди. Мана, шамол қаёқдан эсаркан! Майли, демак, бу ерда ахволи жуда ёмон бўлмайди! Ҳали кўради. Бу одамга бир қармоқ ташлаб кўриш керак!..

– Мен сиз учун бажариш қийин бўладиган ҳеч нарса сўрамоқчи эмасман, – ҳурмат билан деди Каупервуд. – Бироқ чиндан ҳам, баъзи нарсаларни ўзгартиришни хоҳлардим. Менга чойшаб беришларини хоҳлардим, кейин... агар рухсат берсангиз, уйдан иссиқ ичкийимларимни олиб келишга рухсат беришса, устимдаги қийим жуда ноқулай.

– Ҳа, чиндан ҳам бу жуда сифатли жун мато эмас, – ўта хотиржамлик билан деди Десмас. – Бу матони шу ерда қаердадир, Пенсильванияда штат учун тўқишади. Агар ўз ичкийимингизни қийишни хоҳлаётган бўлсангиз, қаршилигим йўқ. Чойшаблар ҳам шундай, ўзингизники бўлса, бемалол ишлатишингиз мумкин. Фақат жуда шошилманг. Бу ерда ўз ишига қандай ёндашиш кераклигини бошлиққа ўргатиб қўйишни хоҳлаб қоладиганлар доим ҳам топилади.

– Буни жуда яхши тушунаман, – жавоб берди Каупервуд, – ва сиздан жуда миннатдорман. Мен учун қилган барча ҳаракатларингиз муносиб тақдирланади ва сизга ёмон таъсири бўлмайди. Мана шу деворлар ортида вақти келиб сизга миннатдорлик билдира оладиган дўстларим жуда кўп.

Каупервуд нигоҳини қамокхона бошлиғидан узмаган ҳолда вазминлик билан таъсирли гапираётганди. Десмас унинг сўзларидан ғоят таъсирланди.

– Яхши, яхши, – деди бошлиқ ҳали ҳам ўша дўстона оҳангда. – Албатта, кўп нарса ваъда қила олмайман.

Қамоқхона қоидаси, барибир – қоида. Бироқ, албатта, нималардир қилиш мумкин, чунки бу қоидалар ўзини яхши тутганлар учун маълум бир енгилликларни қилиш имкониятини беради. Агар хоҳласангиз, бундан кўра анча қулайроқ стул ва ўқишга нимадир берамиз. Мабодо бизнесингизни давом эттиришни истайдиган бўлсангиз, уни тўхтатинг демаймиз. Албатта, ҳар ўн беш дақиқада одам келишига йўл қўя олмаймиз, бу ерни савдо идорасига айлантириб олишнинг ҳам иложи йўқ. Бироқ баъзи-баъзида дўстларингиз билан кўришиб туришингизга қаршилиқ қила олмаймиз. Хатларингизга келсак... Бошида биз уларни одатий усулда очиб кўришимиз керак бўлади. Бунга ўзим қарашим керак. Яна қайтариб айтаман: бундан ортиғини ваъда бера олмайман. Сизни бу ердан пастга ўтказгунларича кутиб турамиз. У ерда ҳовлиси бор бир нечта камера бор, агар шулардан бўши бўлиб қолса...

Қамоқхона бошлиғи маъноли кўз қисиб қўйди ва Фрэнк ўзини анчагина ёмон бўлса-да, ҳар ҳолда у кўркиб кетаётганчалиқ шароит кутмаётганини тушунди. Десмас унга ўзи учун қандай хунар билан шуғулланишни танлашни ўйлаб кўришни таклиф қилди.

– Ҳали нимадир билан бўлса-да, қўлингизни банд қилишни хоҳлаб қоласиз. Буни жуда яхши биламан. Сал вақт ўтгандан кейин бу ерда ҳамма ишлашга ҳаракат қилиб қолади..

Каупервуд уни тушунди ва миннатдорлик билдирди. У қимирлаш ҳам мушкул бўлган камерада ҳаракат қилмай ўтиришни тасаввур ҳам қила олмаётганди. Энди эса Уингейт ва Стежер билан тез-тез кўришиб туриш имконияти бўлади ва бироз вақт ўтиб қамоқхона маъмуриятининг назоратисиз хат ёзишиб тура олиши мумкин. Худога шукур: у ўзининг ипак ва жундан тикилган ички кийимларини кия олиш имконига эга бўлади, вақти келиб оёғидаги қўпол бошмоқларни ҳам ечиш мумкин бўлиб қолар. Бу енгилликларга эришганидан сўнг у бирор

## Теодор Драйзер

хунар билан шуғулланади, Десмас айтиб ўтган ҳовлида айланиши мумкин ва ҳаётини зўр демаса-да, бир амаллаб чидаса бўлади.

Жаноб Чепиннинг назорати остида ҳозирги камерасида ўтказган икки ҳафта давомида Каупервуд кўп нарсани билиб олди. Бу оддий қамоқхона эмасди. На у, на бошқа кўпчилик маҳбуслар учун бу ерда умумий қамоқхона ҳаёти йўқ эди. Маҳбусларнинг кўпчилиги ўз камерасида ўтирганча сукунат ичида қандайдир бир иш билан машгул бўларваатрофиданималарбўлаётганиданбутунлайбеҳабар қоларди. Бу ернинг асосий режими қамоқда ёлғиз бўлиш бўлиб, маҳбусларнинг маълум бир сонигина камерадан ташқаридаги ишларга жалб қилинарди. Каупервуд тахмин қилганидек – Чепин ҳам буни тасдиқлади: тўрт юзта маҳбусдан етмиш бештасигина (улар ҳам доим эмас) полизда, богда, тегирмонда умумий тозалаш ишларига жалб қилинар ва шунинг ўзи ҳам одамни ёлғизликдан қутқарарди. Бироқ шу бахтга эришганларга ҳам ўзаро гаплашиш тақиқланган, улар иш давомида бошларидаги қопдан озод бўлишса-да, ишга кетаётганда ва камерага қайтаётганда уни кийишга мажбур эдилар. Каупервуд бу одамларнинг ўз камераси олдидан оғир қадамлар ташлаб ўтаётганини кўп кўрди ва бу нарса доим унда жуда оғир ва хунук таассурот қолдирарди. Баъзида у бундан кейин ҳам қария Чепин назорати остида қолгиси келаётган, бироқ бунинг иложи йўқлигини жуда яхши тушунарди.

Икки ҳафта жуда тез (айтиш керакки, бу жуда зерикарли ва оғир ҳафталар эди) бир хил вазифалар – каравотни йиғиштириш, камерани тозалаш, овқат ейиш, ечиниш, соат беш яримда туриш, соат тўққизда уйкуга ётиш, овқатдан сўнг идиш-товоқ ювиш ва бошқа машғулотлар билан ўтди. Каупервуд қамоқхона овқатига ҳеч ўргана олмайдигандек эди. Соат олти яримда нонуштага озгина оқ ун аралашган кепакдан ёпилган бир парча нон ва қора қаҳва бериларди. Соат ўн бирдаги тушлик бир парча қаттиқ гўшт солинган

нўхат шўрва ва яна ўшандек нондан иборат, кечки овкатга эса соат олтида аччик чой билан яна ўша нон – на сарёғ, на сут ва на шакар бор. Каупервуд чекмасди, шунинг учун бериладиган кичкина тамакининг унга қизиғи йўқ эди.

Биринчи икки ёки уч ҳафта давомида Стежер ҳар куни келиб турди, қамоққа тушганининг иккинчи куни эса унинг янги ҳамкори Стивен Уингейт ҳам олдига ҳар куни келиб туришга рухсат олди. Десмас Каупервудга бундай енгиллик беришга ҳали эрта деб ҳисоблаётган бўлса ҳам, бунга рухсат берди. Келувчилар Каупервуднинг олдида бир-бир ярим соатча қолишарди, кейин яна ёлғизликдаги узундан-узоқ кун давом этарди. Соат тўққиз билан бешнинг орасида Фрэнкни бир неча марта унинг банкрот бўлгани муносабати билан айблов бўйича кўрсатмалар бергани судга олиб боришди ва бу ишлар ҳам унинг вақтини анча қисқартирди.

Қизиғи шуки, Каупервуд бутун оламдан ажратиб қўювчи қамоққа (эхтимол, узоқ йилларгадир) тушиши биланок бир пайтлар жуда яқин бўлган одамлар ҳам унга ёрдам бериш ҳақида ўйлашни унутиб қўйишганди. Ҳамманинг фикрича, у тамом бўлган одам эди. У қилиши мумкин бўлган ягона нарса вақти келиб қамоқдан чиқиб олиши учун ўз кучини ишга солиш эди. Бироқ бу вақт қачон келишини ким билади? Ва шу билан ҳаммаси тамом! У энди ҳеч қачон олдинги мавқеини тиклай олмайди, ҳеч қачон бирор таъсирга эга бўла олмайди – ҳамманинг фикри шу эди. Афсус, бу жуда қайғули, фожиали – бироқ у энди ҳеч нимани ортга қайтара олмасди.

– Қобилиятли йигит эди, – деди Жирард миллий банкининг президенти Дэвисон Каупервуднинг қамалгани тўғрисидаги хабарни ўқиб. – Жуда, жуда афсус! Беҳад катта хато қилди!

Каупервуд фақат ота-онаси, Эйлин ва кўнглида алам ва соғинч аралашган хотинигагина етишмаётганди. Энг кўп азобни эхтиросга чулганган Эйлин чекаётганди. Тўрт



## Теодор Драйзер

йилу уч ой, ўйларди у. Агар у муддатидан олдин чикмаса, ўзи йигирма тўккиз ёшда, Каупервуд эса киркларда бўлади. Каупервуднинг унга бўлган хиссиётлари сакланиб қолармикин? Эйлин ўша пайтда ҳам чиройини саклай оладими? Деярли беш йилга яқин бу вақт ичида Каупервуднинг қарашлари ўзгариб кетмайдими? У доим махбусларнинг кийимини кийиб юради, унинг “қамалиб чиққан” деган номи бўлади.

Бу хаёллар қанчалик оғир бўлмасин, улар қизнинг қалбидаги нима бўлганда ҳам Фрэнкдан воз кечмаслик ва бор кучи билан унга ёрдам бериш аҳдини мустаҳкамларди.

Суднинг эртаси куниёқ Эйлин қамокхонанинг совук уфуриб турган кулранг деворларига бир қараш учун борди. Айниқса, қонуннинг мураккабликлари ва жазо ҳақидаги низомлар тўғрисида ҳеч нимани тушунмагани учун қамокхона унга даҳшатли туюлганди. У ерда унинг Фрэнкини нималар қилишмас экан? У жуда ҳам азоб чекаётганмикин? Йигит ҳам Эйлинни худди ўзи сингари тинмай ўйлаётганмикин? Буларнинг ҳаммаси қанчалик даҳшатли! Қиз ўзига, йигитга бўлган чексиз муҳаббатига жуда ачиниб кетаётганди.

Эйлин шундан сўнг йигитни бориб кўришга қатъий қарор қилиб, уйига қайтиб кетди, бироқ Каупервуднинг олдига келадиганларни фақат уч ойда бир марта киргизишлари, учрашув ҳақида ўзи хат ёзишини айтганларини ўйлаб, энди нима қилишни билмай қолди. Ҳа, эҳтиёткорлик жуда муҳим эди.

Бироқ эртаси куннинг ўзидаёқ у йигитга ҳамма нарса ҳақида: ўзининг қамокхона девори олдига боргани, севгилиси шу кулранг совук деворлар ортидалигини билиш унинг учун қанчалик даҳшатли эканини, Фрэнк билан тез орада кўришишга аҳд қилгани ҳақида ёзди. Яқингинада қамокхона бошлиғи билан гаплашгани натижасида бу хат тезлик билан Каупервудга етказилди. Каупервуд жавоб

хати ёзиб, жўнатиш учун уни Уингейтдан бериб юборди. У ерда шундай ёзилганди:

*“Ўзимнинг суюклигим!*

*Назаримда, тез орада бирга бўлмаслигимиздан руҳинг тушиб кетган, бироқ ўзингни қўлга олишинг керак. Мени суддан сўнг тўғри шу ерга олиб келишди. Агар имконим бўлганида ўша заҳотийёқ сени хотиржам қилиш учун хат ёзиб юборган бўлардим, бироқ иложи йўқ эди. Бу ердаги тартиблар бунга йўл қўймайди: мен ҳозир ҳам яшириб ёзаяман. Нима бўлганда ҳам ҳозир қамоқдаман ва тезроқ бу ердан чиқиб кетишга муштоқман. Азизам, илтимос қиламан: агар бу ерга келадиган бўлсанг, жуда эҳтиёт бўлгин! Келсанг жуда хурсанд бўламан, сен менга куч берасан, бироқ ўзингга зиён қилиб қўйишинг мумкин. Бусиз ҳам сенга кўп (умуман, хали буни юва оламанми ёки йўқми) жабр қилдим. Мени ёдингдан чиқарсанг, ўзингга яхши бўларди, бироқ бундай қилмаслигингни яхши биламан ва шундай бўлган тақдирда қайғудан адо бўламан.*

*Жума куни соат иккида алоҳида ишлар бўйича судга боришим керак, бу Олтинчи ва Честнат кўчалари бурчагида, бироқ биз у ерда кўриша олмаймиз. Мен адвокатим учун жавобгар бўламан. Эҳтиёт бўл. Балки, яхшилаб ўйлаб кўриб, учрашувга келмассан”.*

Мактубнинг охириги сатрларида Каупервуднинг Эйлин билан муносабатларига илк бор кириб келган ғамгин мисралар бор эди: вазият Каупервудни ўзгартирганди. У илгари ўзини кўнглига йўл топиш осон бўлмаган самовий бир жонзот деб ҳис қиларди, аслида Эйлин ҳам кўнглига йўл топиш осон бўлмаган одамлардан эди. Баъзан йигитга вақти келиб ўзи билан қиз ўртасидаги алоқалар ўз-ўзидан узилиб кетадигандек туюларди – ахир бир кун келиб, у шундай юкори даражаларга эришадикки, Эйлин унга тенг бўлмай қолади. Ҳа, унинг хаёлидан шундай фикр ўтган эди! Бироқ ҳозир, йўл-йўл маҳбуслар кийимида у энди бошқача фикр юритаётганди. У билан узоқ ва қизғин

## Теодор Драйзер

муносабатлари туфайли қадри пасайган Эйлиннинг ҳозирги мавкеи барибир ўзидан устунроқ эди. Ахир у Эдвард Батлернинг қизи эмасми, узоқ айрилиқдан сўнг у қамокда бўлиб келган одамнинг хотини бўлишни рад қилмайдими? У аслида, Каупервудни ташлаб кетиши керак, ўзи шуни хоҳлаб қолади. Нима учун у Каупервудни кутиши керак? Ҳали унинг ҳаёти барбод бўлганича йўқ. Жамиятда (йигитга шундай туюларди) қиз унинг маъшуқаси бўлганидан ҳамма ҳам хабар топмайди. У бошқа одамга турмушга чиқиши, йигитнинг ҳаётидан бутунлай кетиши мумкин. Шундай бўлса, у қаттиқ хафа бўлармиди? Бироқ шу билан бирга, оддий одамгарчилик юзасидан бўлса-да, қизга ўзи билан муносабатини узиш ёки жуда бўлмаганда бу ҳақда ўйлаб кўришни таклиф қилиши керак эмасми?

Каупервуд, ҳаққоний айтганда, қиз ўзини кўйиб юборишни хоҳламаслигига ишонарди. Ва ўзининг вазиятида, қизнинг ҳар қандай хавфга қарамай, севгисини асраб қолиши – уни ўтмишининг энг яхши кунлари билан боғлаб турувчи занжир эди. Уингейтнинг олдида (назоратчи Чепин аслида тартиб бўйича шу ерда туриши керак бўлса-да, яхшилик қилиб вақтинча ташқарига чиққанди) шошилганча Эйлинга ушбу хатни ёзатуриб, Каупервуд хатнинг охирида ўз шубҳаларини ёзмай тура олмади. Эйлин бу мисраларни ўқиркан, бу сўзлар унинг қалбини тешиб ўтгандек бўлди.

Хатдан йигитнинг бутун ғами, унинг тушқунлиги, руҳининг чўкиб қолгани сезилиб турарди. Йигит шунча узоқ ва ботирлик билан курашганига қарамай, афтидан, қамокхона (қанчалик тез-а!) унинг иродасини букибди-да! Эйлин бу қанчалик оғир ва хавфли бўлмасин, энди бутун борлиғи билан уни овутишга чанқоқ эди! “Мен уни кўришим керак!” – ўзига ўзи деди у.

Каупервуднинг оила аъзолари – ота-онаси, укалари, синглиси ва хотинининг қамокхонага келиб, хабар оли-

шига келсак, йигит уларга ўзини судга олиб боришадиган кунларнинг бирида келишни, улар рухсат олишган тақдирда ҳам, (мабодо ўзи буни хоҳлаб қолмас экан Стежер орқали буни маълум қилмас) уч ойда бир мартадан кўп келмасликни сўради. Ростки, ҳозир уларнинг ҳеч бирини кўргиси келмаётган, ҳамма нарса жонига текканди. Унинг ҳозирги ягона истаги – яқин ўтмишидаги ўзи бошидан кечирган ва маълум бўлишича, беҳуда бўлиб чиққан нарсаларни унутиш эди.

Бу пайтга келиб Каупервуд суд харажатлари, ҳимоячига, оиласи ва бошқа нарсаларга камида ўн беш минг сарфлади. Бироқ бу нарса уни безовта қилмаётганди. У Уингейтнинг қурол қилиб, нимадир ишлаб олишга умид қилаётганди. Қариндошлари бутунлай маблағсиз қолишмаган, оддийроқ ҳаёт кечиришга етарли пуллари бор. Фрэнк уларга камроқ харажат талаб қиладиган уйга кўчиб ўтишни маслаҳат берган ва яқинлари шундай қилишганди: ота-онаси, укалари ва синглиси катталиги ўзларининг Батнвуд кўчасидаги эски уйларидек уч қаватли уйга кўчиб ўтишган, хотини эса Йигирма биринчи кўчадаги қамокхонадан унча узоқ бўлмаган жуда тор ва арзон икки қаватли уйга кўчганди. Каупервуд алдов йўли билан Стинердан олиб, яшириб қўйган ўттиз беш минг долларнинг бир қисми шу кўчиш ишларига кетди.

Жирард авенюдаги баҳайбат иморатларидан кейин бу янги уйлари Ҳенри Каупервудга жуда ғарибона кўринаётганди. Фрэнкнинг ҳамма шахсий мулки энди васийлик қўлига ўтган бўлиб, муҳташам уйларидан бирорта кимматбаҳо нарсани олиб чиқиб кетишнинг иложи бўлмади. Ҳамма буюмлар кредиторлар ҳисобига кимошди савдосига қўйилиши керак эди. Анча илгари ўтказилган рўйхатдан Каупервудлар арзимаган майда-чуйда нарсаларнигина яшириб қола олишди. Кекса Каупервуд олиб қолишни жуда хоҳлаётган нарсалар ичида Фрэнкнинг эскизи асосида ясалган ёзув столи ҳам бор эди.

## Теодор Драйзер

Бирок бу стол беш юз долларга баҳоланган, энди шу пулни шерифга тўлагандан кейингина ёки аукционда сотиб олиши мумкин эди. Бирок Ҳенри Каупервудда бунча пул бўлмагани учун стол бегона қўлларга ўтиб кетди. Уйларда ҳаммалари асраб қолгилари келаётган жуда кўп нарсалар бор эди ва Анна бир амаллаб уларнинг бир нечтасини яшириб қўйди ва бу ҳақда анча пайт ўтгандан кейингина ота-онасига айтиб берди.

Шерифнинг буйруғи билан Жирард авенюдаги иккала хонадонда кимошди савдоси бўлиб ўтадиган кун ҳам етиб келди. Истаган одам хонама-хона юриб, ким юқори нарх айтаётган бўлса, қўлдан-қўлга ўтаётган расмларни, ҳайкаллар ва бошқа санъат асарларини кўра олаётганди. Каупервуд санъатни яхши кўрадиган ва уларни тўплашни уддалайдиган одам сифатида ном қозонганди: бу номнинг қанчалар ўзини оклашини у йикқан буюмларгина эмас, балки Филадельфияда диди ва фикри жуда қадрланадиган Нортон Флетчер, Уилтон Элсуорт, Гордон Стрейк ва бошқа архитектор ҳамда антикварларнинг завқли изоҳлари ҳам исботлаётганди. Каупервуд жуда яхши кўрган ажойиб буюмлар, италян Уйғониш даврининг энг гуллаган пайтига оид бронза ҳайкалчалар, танлаб-танлаб олинган Венеция ойнаси, ҳайкалтарошлар Пауэрс, Хосмер ва Торвальдсенларнинг, ўттиз йиллардан кейин одамлар фақат жилмайиб қўядиган, бирок ўша пайтларда жуда юқори баҳоланган ҳайкаллари, Гилбертдан Йемен Жонсонгача бўлган машҳур Америка рассомларининг полотнолари, замонавий француз ва инглиз мактабларининг намунаси бўлган бир қатор асарлар арзимаган пулга кетди. У пайтларда Филадельфияда санъатни унча тушунишмасди, шунинг учун баъзи расмлар етарлича баҳоланмай, ўзининг асл нархидан анча арзонга сотилиб кетди. Стрейк, Нортон ва Элсуортлар аукционга келиб, иложи бўлган нарсаларнинг барини сотиб олишди. Қизикрок бирор нарса бормикин деб сенатор Симпсон, Молленхауэр ва Стробиклар ҳам

келишди. Бу ерда майда сиёсий арбобларнинг бутун бир тўдаси ҳам бор эди. Бироқ савдога тушган нарсаларнинг энг яхшисини Симпсон – ҳақиқий санъатни тушунадиган одам сотиб олди. Унинг кўлига иккита баланд, оқ-ҳаворанг Мавритания вазаси, бир нечта хитой идишлари тушди. Молленхауэр эса арзимаган нархга Ҳенри Каупервуднинг даҳлизиди ва мехмонхонасидаги буюмлар, Эдвард Стробик эса ётоқхонанинг иккита гарнитурини олди. Адам Дэвис ҳам савдога келишни лозим кўриб, кекса Каупервуд жуда кадрлайдиган “буль” услубидаги ёзув столини олди. Флетчер Нортонга тўртта грекча кўза, ажойиб санъат асари деб ҳисоблаган ва Каупервудга ҳам ўзи сотган иккита амфора (кўзасимон кўшқулоқ идиш) тегди.

Бошқа кўпгина ажойиб нарсаларни, шу жумладан, стол сервизи, гобелен, Бари бронзаси ва Детайл, Фортуна, Жорж Иннесларнинг асарларини Уолтер Ли, Артур Райверс, Жозеф Зиммермен, судья Китчен, Ҳарпер Стежер, Тэрэнс Рэлихен, Трэнор Дрейк, жаноб Саймон Жонс хотини билан, жаноб Дэвисон, Фруэн Кэссон, Флетчер Нортон ва судья Рафальскийлар сотиб олишди.

Савдо-сотик бошлангандан сўнг тўрт кун ўтиб иккала уй ҳам бўшаб қолганди. Ҳатто ўз вақтида Ўнинчи кўчадаги тўққиз юз ўттиз биринчи уйда бўлган ва кейин уй эгалари сақлаб қўйиш учун топширган нарсалар ҳам омбордан олиниб, иккала уйнинг буюмлари билан бир қаторда сотувга қўйилганди. Фақат ана шу нарса Каупервуднинг ота-онасини ўғиллари билан унинг хотини ўртасида қандайдир гап бор деган хулосага олиб келди. Оиланинг барбод бўлиш манзарасини ҳеч ким сезмаганди. Газеталардан савдо ҳақидаги ахборотларни ўқиган Эйлин улар билан ўзининг ҳам гўзал хотиралари боғлиқ бўлгани ва Каупервуднинг чиройли буюмларни беҳад кадрлашини билгани учун қаттиқ тушқунликка тушди. Бироқ у кўп ғам чекиб ўтирмади, чунки йигитнинг вақти келиб озодликка

## Теодор Драйзер

чиқиши ва молия дунёсида олдингидан ҳам юкори ўринга эга бўлишига ишонарди. Нега шундай хаёлга бораётганини ўзи ҳам айтолмасди-ю, аммо бунга ишончи комил эди.

**Б**у орада Каупервудни бошқа назоратчи қўл остига, учинчи корпуснинг куйи этажида жойлашган янги камерага кўчиришди. Ўлчами ўнга ўн олти фут бўлган камера бошқаларидан фарқ қилмасди, бироқ олдида биз юқорида айтиб ўтган ҳовличаси бор эди. Шундан икки кун олдин Каупервуднинг олдига қамоқхона бошлиғи Десмас келиб, эшикдаги тешик орқали уларнинг ўрталарида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

– Душанба куни сизни бу ердан кўчиришади, – ҳар доимгидек шошилмай, бир маромда деди Десмас. – Сизга ҳовлиси бор камера беришади; бироқ ундан кўп фойда бўлмайди, чунки кун давомида камерадан ташқарида фақат ярим соатгина бўлиш мумкин. Мен назоратчини олдингизга иш билан келадиган одамлар масаласида огоҳлантириб кўйдим. У қаршилиқ қилмайди. Фақат уларга жуда кўп вақт ажратманг ва ҳаммаси яхши бўлади. Мен сизга стул тўқишни ўргатишга аҳд қилдим. Менимча, бу сиз учун жуда тўғри келадиган иш. У енгил юмуш, бироқ диққатни талаб қилади.

Қамоқхона бошлиғи ва у билан алоқадор бир нечта сиёсий арбоблар бу ерда тайёрланган маҳсулотлардан катта даромад олишарди. Меҳнат чиндан ҳам оғир эмас ва жуда оддий эди, кунлик вазифа ҳам чидаса бўладиган даражада бўлиб, тайёр маҳсулотлар дарров сотилар ва иш пули берувчиларнинг чўнтагига кетарди. Шу боис улар маҳбусларни бекор қолдирмасликка ҳаракат қилишар ва бу уларнинг ўзи учун ҳам фойдали бўларди. Каупервуд



## Теодор Драйзер

нима биландир шуғулланиш мумкинлигидан хурсанд бўлаётган, чунки уни китоблар у қадар ўзига тортмас, Уингейт билан иш юзасидан алоқалари ва эски юмушлари унинг аклини машғул қилиш учун камлик қиларди. Лекин Каупервуд ҳозирнинг ўзида ўзига шунчалик бегона бўлиб кўринаётган бўлса, панжара ортида ўтириб стул тўқиганида нимани ҳис қилишини ўйламай тура олмаётганди! Шунга қарамай, Каупервуд иш учун ва унга ҳозиргина келтиришгани – чойшаб ва тозалик анжомлари олиб келишларига рухсат бергани учун Десмасга миннатдорлик билдирди.

– Гапиришга арзимади, – мулойимлик билан деди Десмас (бу пайтга келиб у Каупервудга жуда қизиқиб қолганди). – Бу ерда ҳам ҳамма жойдагига ўхшаб турли одамлар борлигини жуда яхши биламан. Агар инсон бу нарсаларга ўрганган ва озода яшамокчи бўлса, бунга қаршилиқ қилмоқчи эмасман.

Каупервудга кўлига тушган янги назоратчи Элиас Чепинга ўхшамасди. Унинг исми Уолтер Бонхег бўлиб, ўттиз етти ёшлардаги тепса-тебранмас, бироқ айёр одам эди. Ҳаётдаги асосий мақсади маошидан ташқари келадиган даромадни кўпайтириш бўлган бу одамни ўзини тутишидан Десмаснинг гап ташувчиси деб ўйлаш мумкин эди, бироқ қисмангина тўғри эди. Бонхегнинг муғомбир ва ялтоқилиги, ўзи ёки бировга фойда келтирадиган нарсани дарров илғайдиган одатини билган Десмас уни бирорта маҳбусга енгиллик беришга кўндириш қийин эмаслигини яхши тушунарди: унга шундай қилиш кераклиги ҳақида ишора қилинса, бас. Қисқача айтганда, агар Десмас бирорта маҳбусга озгина қизиқишини кўрсатса, бу ҳақда Бонхегга айтиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Унга шунчаки бу маҳбус бутунлай бошқача ҳаёт тарзига ўрганган ёки бошидан ўтказган қийинчиликлар сабаб унга ёмон гапириш қаттиқ таъсир қилади, дейилса кифоя эди ва Бонхег бу маҳбус учун жон-жаҳди билан

ҳаракат қиларди. Фақат тентак бўлмаган ва сал ақлини ишлатадиган одамга унинг эътибори ёқмаслиги мумкин эди, чунки назоратчининг чойчақа талаб қилаётгани очик-ойдин кўриниб турарди; камбағал ва нодонлар билан эса у жуда кўпол муносабатда бўлар, ўзини улардан юқори тутарди. Бонҳег қамоқхонага махфий равишда олиб келиб маҳбусларга сотадиган маҳсулотларидан ўзи учун доимий даромад ўрнатиб олганди. Қамоқхона тартиби бўйича (ҳеч бўлмаганда қозда!) маҳбусларга қамоқхона дўконида бўлмаган моллар, айнан: яхши тамаки, ёзув қоғози, перо ва сиёҳ, виски, сигара ёки ширинликлар олиб келиб бериш қатъиян тақиқланарди. Бошқа томондан эса (бу Бонҳег учун жуда қўл келарди!) маҳбусларга жуда сифати паст тамаки ва ҳеч нарсага ярамайдиган нарсаларни беришар ва булардан яхшироғини топа олишга қурби етадиган ва ўзини-ўзи ҳурмат қилган бирорта ҳам одам уларни ишлатмасди. Вискига умуман рухсат йўқ эди, ширинликлар эса улар келтириб берилган одамларнинг бошқалардан устунлигининг исботи бўларди. Шунга қарамай, униси ҳам, буниси ҳам қамоқхонада камёб нарса эмасди. Агар маҳбуснинг пули бўлиб, у Бонҳег орқали нимадир келтирмоқчи бўлса, у истаган нарсасини олишига бемалол умид қилса бўларди. Ҳатто пулга қамоқxonанинг асосий ҳовлисида бўлишга рухсат берадиган ва камерасининг ҳовлисида рухсат этилган ярим соатдан кўпроқ бўлиш имконини берадиган “содик” унвонини сотиб олса бўларди.

Ғалати туюлса-да, Бонҳегнинг Стинер – сиёсий ҳамкорларининг аралашуви натижасида яхши муомала қилинаётган собиқ ғазначи қўл остида бўлган бошқа назоратчи билан ош-қатиклиги Каупервуд учун айни муддао бўлди. Бонҳегнинг ўзи жуда газета ўқийдиганлардан эмас, сиёсий ҳодисаларни ҳам жуда тушунавермасди, бироқ Стинер ва Каупервудларнинг илгари катта одам бўлишгани ҳамда улардан Каупервуд муҳимроқ одам эканини билиб

## Теодор Драйзер

колганди. Бундан ташқари, у яна Каупервуднинг пули борлигини ҳам эшитганди. Бу ҳақда унга газета ўқишга рухсат берилган махбуслардан бири айтган эди. Хуллас, қамокхона бошлиғи Десмаснинг сездирмайгина берган буйруғидан қатъи назар, Бонҳегнинг ўзи ҳам йигитга (албатта текинга эмас!) хизмат қилишга тайёр эди.

Каупервуд янги камерага кўчирилган куннинг ўзида Бонҳег ҳали очиқ турган эшик олдига лапанглаб келиб, ғамхўрлик билан сўради:

– Қалай, нарсаларингизнинг ҳаммасини ташиб бўлдингизми?

Аслида у махбус камерага кириши билан эшикни ёпиши керак эди.

– Ҳа, сэр, – деди Чепиндан янги назоратчининг исмини олдиндан билиб олган Каупервуд. – Сиз жаноб Бонҳегсиз-а?

– Худди ўзи, – жавоб қилди ўзини ҳурмат қилишганидан яхшигина севиниб кетган назоратчи, бироқ уни янги танишувдан келадиган амалий натижа кўпроқ қизиқтираётганди. У тезроқ Каупервудни билиб олгиси келаётган, унинг қандай одамлигига қизиқиб кетаётганди.

– Бу ер тепадагидан анча яхшироқ эканини ҳали кўрасиз, – деди у. – Унчалик дим эмас. Ташқаридаги иккинчи эшикларнинг ҳам аҳамияти бор.

– Тушунарли, – деди эҳтиёткорона оҳангда Каупервуд. – Афтидан, бу жаноб Десмас менга айтган ўша ҳовлича бўлса керак.

Бу сеҳрли исм айтилиши билан Бонҳегнинг қулоқлари ювош отнинг қулогидек динг бўлди. Демак, бу Каупервуд Десмас билан шунчалик дўстона муносабатда экан, унга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

– Ҳа, шу сизнинг ҳовлингиз. Бироқ ундан фойда кам, – қўшиб қўйди назоратчи, – чунки бошлиқлар у ерда ярим соатдан ортиқ қолишга рухсат беришмайди. Албатта, кўпроқ қолса ҳам, ҳеч нарса қилмаган бўларди...

Бу пора ҳисобига маълум енгилликларни сотиб олиш мумкинлигига биринчи ишора эди ва Каупервуд буни унинг гап оҳангиданок тушунди.

– Эсиз, наҳотки маҳбуснинг ўзини яхши тутиши ҳам тартибни ўзгартирмаса?

Каупервуд жавобни кутди, бироқ Бонҳег ҳеч нарса бўлмагандек, гапида давом этди:

– Сизга ҳунар ўргатишим керак бўлади. Бошлиқ стул тўқиш билан банд бўлишингизни айтди. Агар хоҳласангиз, ҳозироқ бошлашимиз мумкин.

Бонҳег Каупервуднинг розилигини ҳам кутмай қаергадир чиқиб кетди ва сал ўтиб, учта бўялмаган ва битмаган стул ҳамда бир боғлам қамиш пояси билан кириб келиб, уларни полга ташлади. Сўнгра тантанали оҳангда деди:

– Дикқат билан қаранг!

Кейин у Каупервудга толаларни олдин стулнинг четидаги тешиқлардан ўтказиб қандай ўришни ва уларни қандай қирқиб, маҳкамлашни кўрсата бошлади. Сал ўтиб эса у бигиз, болгача, омбир ва қозикчалар солинган кутини ҳам олиб келди. Геометрик шаклларни қандай чиқаришни бир неча марта кўрсатгач, Каупервудга бу юмушни ўзи қилиб кўришига рухсат берди ва йигитнинг елкаси оша ишини кузатиб турди. Ақлий ишми ёки жисмонийми, бундан қатъи назар, ҳамма нарсани тез илғаб оладиган сармоядор ўзигагина хос бўлган чаққонлик билан ишни бошлаб, беш дақиқадан кейиноқ Бонҳегга худди бошқалар каби яхши ишлашини исбот қилди. Тўғри, тезлик ва усталик тажриба билан келади.

– Ишингиз яхши кетади, – деди назоратчи. – Кунига ўн дона тайёрлаш керак бўлади. Қўлингиз ўрганиб олмагунча биринчи кунлар, албатта, ҳисобга кирмайди. Кейинроқ ишларингиз қандай кетаётганини кўриш учун яна кириб ўтаман. Сочикни эшикка осиб қўйиш ҳақида биласиз-а?

## Теодор Драйзер

– Ҳа, жаноб Чепин менга тушунтириб берганди, – жавоб берди Каупервуд. – Қоидаларнинг кўпини биламан ва уларни бузмасликка ҳаракат қиляпман.

Охирги кунлар Каупервуднинг қамокхонадаги ҳаётига кўп ўзгаришлар келтирди, бироқ бу ҳаётни чидаса бўладиган қилиш учун бу етарли эмасди. Бонҳег Каупервудга стул тўқишни ўргата туриб, бир қатор хизматларга тайёрлигини гап орасида қистириб ўтди. Бунинг сабабларидан бири Стинернинг олдида Каупервуддан кўпроқ одамлар келаётгани эди, ғазначига вақт-бевақт мевалар солинган саватлар олиб келишаётгани (махбус кейин буларнинг барини назоратчига берарди) ва хотини ва болаларига рухсат этилган пайтдан ташқари вақтларда Стинер билан учрашувга қўйиб қўйилгани унинг тинчини бузган, Бонҳегнинг ҳасади келаётганди. Бу қанақаси – бошқа бир назоратчи тўртинчи галереяда маза қилиб яшаётгани билан мақтаниб ўтирса!

Бонҳег Каупервуднинг руҳи кўтарилиб, у ҳам обрўси борлигини кўрсатиб қўйишини хоҳлаётганди. Шу мақсадда назоратчи секин савол ташлашни бошлади:

– Олдингизга ҳар куни адвокатингиз ва ҳамкорингиз келиб туришганини кўряпман. Эҳтимол, яна бошқа одамларни ҳам кўришни хоҳларсиз? Тўғри, қоида ва тартибларимиз хотин, опа-сингил ёки бошқа бировларнинг рухсат этилмаган кунда келишларига йўл қўймайди, – Бонҳег шу ерда бироз тин олиб, Каупервудга худди махфий ниманидир айтмоқчидек сирли қараб, қўшиб қўйди, – бироқ бу ерда ҳамма қоидалар ҳам аниқ бажарилавермайди.

Каупервуд шундай фурсатни қўлдан чиқариб ўтирадиганлардан эмас эди. У қисман хурсандлигини билдириш, қисман эса Бонҳегдан миннатдорлигини сездириб қўйиш учун сал жилмайди. Кейин эса жавоб қилди:

– Гап шундаки, жаноб Бонҳег, тушунишимча, менинг қандай вазиятда эканимни бошқалардан кўра яхшироқ

тушуниб турибсиз ва шунинг учун сизга очиғини айтмоқчиман. Албатта, олдимга келишни истайдиган одамлар бор, бироқ бунга рухсат борми-йўқми, билмаганим учун уларни таклиф қилишга кўриқиб ўтиргандим. Агар ёрдам берсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлардим. Биз тажрибали одамлармиз ва мен кимдир яхшилик қиладиган бўлса, бунинг учун кимдан қарздор эканини ёдда сақлаши зарурлигини жуда яхши биламан. Агар уринишларингиз билан бу ерда анча қулайликларга эга бўлсам, бунинг қадрига ета олишимни сизга исботлайман. Ёнимда пулим йўқ, албатта, бироқ исталган пайтда олиб келтиришим мумкин ва, албатта, сизни муносиб тақдирлайман.

Бонҳегнинг семиз калта қулоқлари бироз қизарди. Ақлли гапларни эшитиш қанчалар ёқимли!

– Сиз учун бу кўлимдан келади, – Каупервудни чин дилдан ишонтира бошлади у. – Бу ёғини менга қўйиб беринг! Қачон ва кимни кўришни хоҳласангиз, менга айтсангиз бўлди. Эҳтиёт бўлишим кераклиги (албатта, сиз ҳам) тушунарли, бироқ ҳаммаси яхши бўлади. Агар эрталаб ҳовлида кўпроқ қолишни истасангиз ёки бошқа вақтда чиққингиз келиб қолса – бемалол! Бу катта муаммо эмас: мен эшикни очиқ қолдираман. Агар жаноб Десмас ёки бошликлардан бирортаси яқинроқда бўлса, эшик панжарасини калит билан тақиллатаман, сиз эса дарров уни бекитиб оласиз. Агар бирор нима, масалан, мураббоми, тухум, сариеғ ёки шунга ўхшаган нимадир керак бўлса, олиб келиб бераман. Ахир яхшироқ таом егингиз келади барибир.

– Жаноб Бонҳег, сиздан жуда миннатдорман, – кулгисини зўрға босиб, жиддий турганча хотиржамлик билан деди Каупервуд.

– Боя гаплашган масаламизга келсак, – қайтарди назоратчи (у рухсат этилмаган кунларда ҳам учрашув масаласини назарда тутаётганди), – сиз истаган кунингиз ташкил қилиб беришим мумкин. Қоровулларнинг

## Теодор Драйзер

хаммасини биламан. Бирортасини кўргингиз келиб колса, ўша одамга хатча ёзиб, менга беринг. У келганида мени сўрасин, ўзим уни олдингизга олиб келаман. Ўз камерангизда гаплашасиз. Тушунарлими? Фақат эшикни енгилгина тақиллатишим билан у одам кетиши керак бўлади. Шуни эслаб қолинг. Демак, менга хабар берсангиз, кифоя.

Каупервуд Бонҳегдан жуда миннатдор бўлди ва буни чиройли гаплар билан унга етказди. Унинг хаёлига биринчи бўлиб Эйлин келди: киз энди унинг одига келавериши мумкин, унга хабар берилса бўлди. Фақат у қалин вуаль кийиб олиши керак, шунда ҳеч нарса хавф солмайди.

Каупервуд хат ёзишга тушди ва Уингейт келганда ундан хатни жўнатиб юборишни сўради. Икки кун ўтиб, учинчи кун пешинда, Каупервуд белгилаган пайтда Эйлин қамокхонага келди. Унинг эгнида оқ духоба кўйиб тикилган ва тугмачаси кумушдек ярқираган кулранг мовут костюм, оппоқ мўйнадан ташлама ёқа бўлиб, қалпоғи ва муфтаси ҳам безак, ҳам совуқдан сақлашга хизмат қиларди. Кўзга ярқ этиб ташланадиган бу кийимларининг устидан келиши билан ечиб кўйиш ниятида узун қора ёпқич ташлаб олганди.

Эйлин бу учрашувга катта эътибор билан ясанган ва соч турмаги, оёқ кийими, қўлқоп ва тилла безаклари устида вақтини аямай сарфлаганди. У Каупервуднинг маслаҳати билан юзига қалин яшил вуаль ҳам тутиб олганди.

Эйлин Каупервуднинг олдида ҳеч ким бўлмади, деб тахмин қилган вақтга етиб келди. Уингейт одатда соат тўртларда, иш куни тугаган пайтда келар, Стежер эса келадиган бўлса, одатда эрталаблари хабар оларди. Олдинда одатдагидан бошқачароқ ҳодиса кутаётганидан Эйлин жуда хаяжонланаётганди. У кўнкадан тушгач (қизга шу транспорт энг мақбул танлов бўлиб туюлди), кўчадан бурилиб қамокхона томонга қараб йўналди. Совуқ

ҳаво ва қамокхонанинг кулранг деворлари сабаб қизнинг қалбини оғир ҳислар чулғаб олди, бироқ у севгилисининг кўнглини кўтариш учун бор кучи билан ўзини хотиржам тута билишга ҳаракат қилаётганди. У севгилисининг атай бўрттирган гўзаллигини қандай қабул қилишини жуда яхши биларди.

Эйлиннинг келишига Каупервуд ҳам камерасини иложи борича яхшилаб йиғиштиришга ҳаракат қилди. У полни яна артиб чиқиб, каравотдаги ўрин-кўрпасини тўғрилаб кўйди. Сўнгра соқолини олиб, сочларини таради, умуман иложи борича ўзини тартибга келтирди. Ўз иши – ўтирғичлари тугалланмаган стулларни у каравот остига тиқиб юборди. Кружка ва тогорачаси ювилган ҳолда токчада турар, кўпол, оғир бошмоқларини эса шу мақсадда тутилган чўтка билан тозалаб қўйганди.

Эйлин уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаганди! Бу шароит Фрэнкнинг эстетик ҳисларини таҳқирларди. Қиз йигитнинг кийиниш бобидаги дидидан доим ҳайратга тушарди, энди эса ҳозир уни ҳеч қандай келишган қомат ҳам чиройли кўрсата олмайдиган кийимда кўради! Каупервудни руҳан тутиб турган ягона нарса ўз кадрини билиш ҳисси эди: нима бўлганда ҳам Фрэнк Каупервуд қандай кийимда бўлишидан қатъи назар, бу ниманидир англатади! Эйлин ҳам шу фикрда бўлади. Ахир у яна озод ва бой бўладиган кун келади, Эйлин ҳам бунга ишонади. Бундан ташқари, йигит қандай кўринишда, қандай аҳволда, қаерда бўлмасин, қиз унга худди ҳозиргидек муносабатда бўлади ва ҳатто ҳозиргидан ҳам кўпроқ севади. Каупервуд хавфсирайдиган ягона нарса қизнинг ҳаддан ташқари азоб чекиши эди. Бонҳег Эйлиннинг камерага киришига ўзи руҳсат бергани қандай яхши бўлди: у билан панжара орқали гаплашишга чидаш кийин бўларди.

Эйлин қамокхонага етиб келганда жаноб Бонҳегни сўради, уни марказий бинога олиб киришиб, Бонҳегни чақириб келиш учун дарров одам юборишди.



## Теодор Драйзер

– Агар иложи бўлса, жаноб Каупервудни кўрмокчи эдим, – шивирлади Эйлин жаноб Бонхег олдига келганида.

– Яхши, сизни кузатиб кўяман, – ҳозиржавоблик билан деди Бонхег.

У марказий бинога кириб келиши биланоқ аёлнинг юзини яхши кўра олмаса-да, унинг ёшлигидан хайратга тушганди. Бироқ Бонхегнинг ўзи Каупервуддан айнан шундай нарсани кутганди! Ярим миллион пул ўғирлаб, бутун шаҳарни чув тушира олган одам, албатта, ажойиб саргузаштларни ҳам бошдан кечиради, Эйлин эса айнан саргузаштларга ўч одамга ўхшайди.

Бонхег кизни ўзининг столи турган ва учрашувга келганлар маҳбусни кутадиган хонага олиб кирди, сўнг ишлаб ўтирган Каупервуднинг олдига қараб шошди. У калитни секин эшикка ураркан, сўради:

– Сизни қандайдир ёш аёл сўраяпти? Шу ерга олиб келайми?

– Раҳмат сизга, албатта, бу ёкка чакиринг, – жавоб берди Каупервуд.

Бонхег эшикни очик қолдиришни унутиб (атай эмас, бунга фаросати етмади, энди эшикни Эйлиннинг олдида очишига тўғри келарди) тезда ортига қайтди.

Узун йўлак, оғир эшиклар, панжаралар билан тўсилган бутун бир бинони ва тош полни кўриб Эйлиннинг юраги эзилиб кетди. Қамокхона, темир қафаслар! Ва Фрэнк шуларнинг бирида эди! Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи унинг одатий ботир юрагини музлатиб юборди. Унинг Фрэнки шундай дахшатли жойда-я! Уни бу ерга қулфлаб кўйиш қандай виждонсизлик!

Судьялар, маслаҳатчилар, юристлар, қамокхона ходимлари қизнинг назарида у ва севгилисига очкўзлик билан қараб турган одамхўрлардек туюлиб кетди. Калитнинг қулф ичида шараклаши ва оғир очилаётган эшик Эйлиннинг қалбини баттар азоблади. Кейин эса у Каупервудни кўрди.

Бонҳег ваъда қилинган мукофотни эслатиб, Эйлинни ичкарига киритгач, ўзи кўздан узоқлашди. Эйлин бирор-та сўз айтишга ҳам кўрқиб, вуаль остидан Фрэнкка қараганча турар, назоратчининг кетганига ҳали амин эмасди. Каупервуд эса ирода кучи билан ўзини зўрға ушлаб турар экан, унга дарров ёлғизликларини билдириб ишора қилмади.

– Ҳаммаси жойида, – ниҳоят деди у. – Ҳеч ким йўқ.

Эйлин устидаги ёпқични ечаркан, вуалини кўтарди ва деворлари сиқиб тургандек камерага аланглаб қараркан, Фрэнкни, унинг кўпол кийимини, унинг орқасидаги ҳовлига олиб чиқадиган темир эшикни кўрди. Фрэнкнинг шундай хонадалиги, яна бунинг устига, каравот остидан ҳали тугатилмаган ишларининг чиқиб туриши қизга жуда ёмон таъсир қилди. Унинг севгилиси! Шундай шароитда-я!..

Эйлинни безгак тутгандек титрар, гапиришга уриниши беҳуда бўлаётганди. Унинг кучи фақат йигитни кучоқлаб, бошидан силаш ва “Азизим менинг, севгилим! Улар сени нима қилишди? Бечорагинам!” – дейишгагина етди.

У йигитнинг бошини бағрига босди. Каупервуд ўзини тутиб туриш учун бор кучини ишга солди, бироқ бирдан титраб, юзи қийшайиб кетди. Қизнинг севгиси шунчалик чегарасиз ва чинакам эди; у йигитни овулар ва айни пайтда уни ёш боладек эркаларди ҳам. Нима бўлганда ҳам, кўркўрона сирли куч таъсирида йигит биринчи марта ўзини йўқотиб қўйди. Эйлиннинг чуқур хаяжони, овуларган овози, унинг йигитни доим ўзига тортган ва шу деворлар ичида яна ҳам бўртиброк кўринаётган гўзаллиги, ўзининг шу ҳолати – ҳамма-ҳаммаси унинг қолган иродасини синдирди. У ўзига нима бўлганини тушунмаётган, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилар, бироқ қўлидан келмаётганди. Эйлин уни эркалаб, бошини силаркан, Каупервуднинг кўксига оғриқ туриб, нафаси бўғилди ва томоғи ачишди: унинг жуда йиғлагиси келарди. Йигит бунга қаршилик қилмоқчи

## Теодор Драйзер

бўлар, бироқ бутун борлиғи бўшашиб кетганди. Ва худди уни биратўла издан чиқармоқчи бўлгандек, кўзи олдида у яқиндагина тарк этгани ва вақти келиб яна қайтишни орзу қилаётгани – озод дунёнинг манзараси пайдо бўлди. У оёғидаги кўпол бошмоқ, оддий матодан тикилган кўйлак, йўл-йўл куртка ва “махбус” деб аталадиган ном одамни қанчалар ерга уришини, таҳқирлашини доимгидан ҳам кучлироқ ҳис қилди. У шоша-пиша Эйлинни ўзидан нари суриб, унга тескари ўтирилди ва қўлларини мушт қилди.

– Лаънати!.. – уялиб кетиб, алам билан хитоб қилди у. – Ўзи йиғлаш етишмаётганди. Менга нима бўляпти ўзи, жин урсин!

Эйлин унинг кўз ёшларини кўрди. Шу зумда у йигитга отилиб, бир қўли билан унинг бошини, иккинчиси билан эса титилиб кетган куртқасини ушлаб, бағрига шундай маҳкам босдики, йигит ўзини торта олмай қолди.

– Оҳ, азизим! Азизим! – энтикканча ҳолсизланиб шивирлади қиз. – Сени севаман! Жуда яхши кўраман! Агар сенга фойдаси тегса, ўзимни бўлак-бўлак қилишларига ҳам розиман! Буни қаранг-а, сени кўз ёши тўкишгача олиб келишган бўлса! Оҳ, азизим, севгилим!

Қиз йиғидан силкинаётган гавдани бағрига янада маҳкамроқ босаркан, бўш қўли билан унинг бошини силади. Кейин йигитнинг кўзлари, сочи ва юзларидан ўпди. Фрэнк унинг кучоғидан бўшашга уринар ва тинмай қайтарарди:

– Жин урсин, менга нима бўляпти ўзи?

Бироқ қиз уни яна бағрига тортиб деди:

– Йиғла, азизим, кўз ёшларингдан уялма! Бошингни елкамга қўйиб йиғла. Мен билан бирга йиғла. Ўзимнинг миттивойим, бойлигим менинг!

Бир неча дақиқадан кейин Каупервуд ўзига келди ва ҳозир назоратчи кириб қолиши мумкинлигини қизнинг ёдига солди. Аста-секин у ўзини босиб олди.

– Сен ажойиб қизсан! – айбдорона оҳангда секин шивирлади кизга. – Вафодор, кучли – менга худди шунақаси керак. Сен менинг катта мададкоримсан! Фақат сен сиқилаверма! Мен ўзимни жуда яхши ҳис қилияпман ва бу ер кўринганидек жуда ҳам ёмон жой эмас. Энди ўзинг ҳақингда гапир-чи.

Бироқ энди Эйлинни овутиш осон эмасди. Охириги пайтларда йигитнинг бошига ёғилган балолар, унинг бу ердаги аҳволи қизнинг адолат ва инсонпарварлик тўғрисидаги ҳисларини топтагандек эди. Буни қаранг, унинг ажойиб Фрэнкини қай даражага солишибди: у йиғлади-я!

Қиз йигитнинг бошини меҳр билан силаркан, шу билан бирга қалбини ҳаётга, тақдирнинг одамлар йўлига қўядиган тўсиқларига нисбатан шафқатсиз ғазаб туйғуси чулғаб олди. Отаси (Батлер) – лаънат бўлсин унга! Отаси билан нима иши бор! Фрэнк! Фрэнк унинг бутун борлиғи! Фрэнк турганда Эйлин учун ҳеч нима ва ҳеч кимнинг аҳамияти йўқ! У ҳеч қачон, ҳеч қачон, нима бўлганда ҳам, ҳеч қачон Фрэнкни ташлаб кетмайди! Ва ҳозир у Каупервуднинг бағрига бош қўйиб тураркан, юрагида ҳаётга, қонунларга, тақдир ва вазиятларга қарши исён бош кўтарарди. Қонун – сафсата! Одамлар – улар ҳайвонлар, душманлар, кутурган итлар кабидир! У бажонидил ўзини қурбон қилган бўларди. У Фрэнк учун Фрэнк билан бирга дунёнинг нариги чеккасига ҳам қочиб кетишга тайёр эди. Каупервуд учун у ҳамма нарсага тайёр. Оила унинг учун ҳеч нарса эмас, ҳаёт ҳам ҳеч нарса, ҳеч нарса! У Фрэнк хоҳлаган нарсанинг ҳаммасини, унинг ҳаёлига келган ҳамма ишни қилишга тайёр! Муҳими, биргина мақсад – уни кутқариш ва бахтлироқ қилиш. Фақат Фрэнк – қиз учун бошқа одам йўқ!

**В** акт ўтиб борарди. Бонҳег билан келишиб олгандан сўнг онаси, хотини ва синглиси баъзида Каупервуднинг олдига келиб турадиган бўлишди. Лилиан болалар билан Фрэнк пул тўлаб қўйган уйга жойлашган, унинг харажатлари учун Уингейт Фрэнкнинг кирим пулларидан ойига бир юз йигирма беш доллар бериб турарди. Каупервуд хотинига кўпроқ пул бериб туриш зарурлигини тушунарди, бироқ айти пайтда шароити бунга йўл бермасди. Каупервуднинг молиявий ишлари мартда, уни расман банкрот деб эълон қилишган ва бор мол-мулки кредиторлар фойдасига мусодара қилинганидан сўнг бутунлай барбод бўлганди. Шаҳар ғазначилигидаги қарзи – беш юз минг долларни қоплашнинг ўзи бир доллар учун ўша пайтда белгиланган ўттиз центдан ҳисобланмаса, реализация қилиниши мумкин бўлганидан ҳам кўпроқ пулнинг бошини еган бўларди. Бироқ шундан сўнг ҳам давлат ғазнасига ҳеч нарса қолмади, чунки ҳар хил найранг йўллар билан унинг бу пулни олиш ҳуқуқини тортиб олишганди. Бунга баҳона – гўё шаҳар даъво қилишга кечикканмиш. Бу ҳолат, албатта, шаҳар ғазначилигига бериш рад қилинган пулни ўзаро бўлишиб олган бошқа кредиторлар фойдасига хизмат қилганди.

Каупервуднинг бахтига, унинг Уингейт билан қилаётган ишлари яхшигина фойда келтириши тез орада ойдинлашди. Ҳамкори Каупервудга нисбатан жуда ҳалол муносабатда бўлаётганди. У Фрэнкнинг иккала укасини (тўғри, арзимаган мукофот эвазига) ишга олди: уларнинг

бири идорани бошқариб, ҳисоб-китоб ишларини олиб бориши, иккинчиси Уингейт билан бирга биржада фаолият юритиши керак эди: Жо ва Эдвардларнинг у ердаги ўринлари сакланиб қолганди. Бундан ташқари, Уингейт жуда кийинчилик билан бўлса-да, кекса Каупервуд учун ҳам банкларнинг биридан иш топиб берди.

Учинчи миллий банкдан кетганидан бери қария руҳан тушқунликда бўлиб, ҳаётидаги бўшлиқни қандай тўлдиришни билолмай юрганди. Ўғлининг шарманда бўлиши... Суд қилиниши, қамокқа олиниши...

Фрэнк қамокқа ҳукм қилинган ва ўша номи совуқ жойга жўнатилган кундан бери кекса Каупервуд гўё тушда юргандек эди. Бу воқеалар... Фрэнкни айблашди-я! Яқингинада ота-бола иккиси шаҳардаги ҳурматли ва бой одамлар сирасига киришлари билан ғурурланиб юрарди, энди эса унинг ўғли оқ-қора йўлли кийим кийган маҳбус! Кўпчилик бошига ғам-ташвиш тушган пайтда ягона йўл орқали таскин топгани сингари, қария ҳам Инжилни берилиб ўқишни бошлаган, ундан ўзи ёшлигидан ишониб келган, бироқ охириги пайтларда унутгани – адашган одамларни овутадиган, тасалли берадиган мисраларни топишга ҳаракат қиларди. Бироқ унинг дарди жуда катта бўлиб, Инжил уни тузата олмасди. Забур, Аюб, Ишаё китоби, Воиз...

У хотинини жуда зарур ишлари қолиб кетганига ишонтириб, ҳам ишхона, ҳам ётоқхона вазифасини ўтаётган янги хонасига кириб олар ва кундан-кунга ўзини ёлғизликка маҳкум қиларди. Ичкаридан эшикни калит билан беркитиб олгач, у барча бахтсизликлари ва, энг аламлиси, яхши инсон деган номини ҳам йўқотганини бир зум ҳаёлидан кетказолмасди. Бир неча ойдан сўнг – Уингейт унга шаҳар четидаги банклардан биридан бухгалтерлик лавозимини топиб бергач, у уйдан тонг саҳарда чиқиб кетиб, жуда кеч қайтаркан, доим бошидан ўтказган (эҳтимол, келгусида бўлиши мумкин бўлган)

## Теодор Драйзер

бахтсизликлари хақидаги ўйлар билан банд бўларди. Қариянинг кўриниши жуда ачинарли манзара касб этарди – молия дунёсидаги бевафоликларнинг на биринчи ва на охирги қурбони! У ишхонасига ўзи билан овқат олиб кетар, чунки жуда қисқа бўлган тушлик пайтида уйига қайтиб бориш қийин бўлиб, ҳозирги молиявий аҳволида эса ресторанда овқатланишнинг иложи йўқ эди. Ҳозир унинг ягона истаги қолган умрини тинчгина ўтказиш бўлиб, ўлим соати етиб келадиган паллалар ҳам узоқ эмаслигига умид қиларди. Унинг коксуяк бўлиб қолган гавдаси, ингичка оёқлари, оппоқ сочлари ва бутунлай оқариб кетган бакенбардларига қараш жуда аянчли эди. Қария жуда ориқлаб кетган, бирор қийин масалани ҳал қилиш керак бўлса, фикрини жамлай олмаётганди. Фаровон яшаган пайтларида пайдо бўлган баъзан кўлини оғзига олиб бориш ва кўзини ажаблангандек катта очиш одатлари ҳозир жуда кучайиб кетганди. У ўзи ҳам билмаган ҳолда қандайдир автоматга ўхшаб бораётганди.

Фрэнк Каупервуд эса бу пайтда ўзининг хотинига нисбатан (айниқса, охирги пайтда) яққол сезилаётган бепарволиги, буни унга қандай айтиш ва ўртадаги эр-хотинлик муносабатларига нуқта қўйиш хақида ўйларди. Бироқ қаҳри қаттиқлик билан ҳақиқатни тушунтиришдан бошқа йўлини топа олмаётганди. У хотинининг ҳозир ҳар қанақасига унга вафодорлигини сездирмоқчи бўлаётгани ва ўзини кўнглида ҳеч қандай шубҳа йўқдек тутаётганини сезганди. Шунга қарамай, Лилиан турли манбалардан Фрэнкнинг суддан кейин ҳам Эйлин билан алоқалари давом этаётганини эшитган, фақат йигитнинг бошига тушган фалокатлар ва уни яна муваффақиятга эришаётган сармоядор сифатида кўриш умидигина уни эри билан хафалашиб қолишдан тутиб турарди. Аёл уни бир ўзи ёлғиз камерада ўтирибди дея ўйлаб, эрига чиндан ачинар, бироқ аввалгидек севгини ҳис қилмасди. Дарҳақиқат, у ўзининг кечирилмас гуноҳи учун жазога лойиқ эди, шунинг учун Яратганнинг ўзи уни жазолади.

Каупервуд хотинининг ўзига нисбатан бу муносабатини сезиб қолганида, нимани ҳис қилганини тасаввур қилиш қийин эмас. Лилиан турли мазали таомлар олиб келиб, қисматига ачинаётганига қарамай, Каупервуд кўпгина майда аломатлардан унинг нафакат ачинаётгани, балки ўзига танбеҳ бермоқчи бўлаётганини ҳам сезарди. Каупервуд эса умри давомида одамларнинг насихат қилаверишлари ва тунд башараларни ўлгудек ёқтирмаганди. Одамга умид берувчи, мағрур ва ҳаётга чанқоқ Эйлиннинг олдида доим чарчагандек юрадиган Каупервуд хоним энг камида зерикарли эди. Аввалига ҳаётдан ғазабланиб, аламини сочган Эйлин сал ўтмай, уни тез орада озодликка чиқишига ва яна улкан ишлар қила олишига ишонтара олганди. У келажак ҳақида, Каупервуднинг муваффақиятлари ҳақида гапиришдан тўхтамас, чунки бунга ўзи ишонарди. У ички бир туйғу билан қамоқхона деворлари йигитни табиатан маҳбус қила олмаслигига ишонарди.

Биринчи учрашувидан сўнг Эйлин кетишидан олдин Бонҳегга ўн доллар бериб, ўзининг оҳангдор товуши билан эътибори учун раҳмат айтди ва бундан кейин “қатга одам” бўлган Каупервудга эътиборлироқ бўлишни назоратчидан илтимос қилди. Шухратпараст ва тамагир Бонҳег бу гапга батамом бўйсунди. Ўшандан бери у қора ёпқичда келадиган аёл учун ҳамма нарсага тайёр эди. Ўзига қолса бу аёл ҳафталаб Каупервуднинг хонасидан чикмаса ҳам майлийди, бироқ бахтга қарши, қамоқхонанинг ўз тартиблари ҳам бор эди.

Қамоқда ўтирганига тўрт ой бўлганда Каупервуд хотинига бундан буён бирга яшашларининг иложи йўқлиги ва ажрашиш талабини бермоқчи эканини айтишга аҳд қилди. Камерадаги жимжитлик ва ҳар куни бажаришига тўғри келаётган, одамни эзиб юборадиган, аввалига бир хиллиги билан ақлдан оздиргудек бўлган қора иш энди унга оддий юмушдек бўлиб қолганди. Бундан ташқари, у ёлғиз



## Теодор Драйзер

махбуслар қиладиган ишларнинг ҳадисини олган, масалан, хотини ёки Эйлин юборган овқатларни камерасидаги лампочкада иситишни ўрганиб олганди. Бонҳег орқали оҳақ олиб келтириб, уни бемалол ишлатар, шу орқали камерасидаги бадбўй хиддан сал бўлса-да қутулганди. Бундан ташқари, каламушларни тутадиган қопқон ёрдамида кемирувчиларни ҳам анча камайтирганди. Кечқурунлари камералар қулфланиб, ташқи эшиклар ҳам ёпилгандан кейин Бонҳегнинг рухсати билан у стулини ҳовличасига олиб чиқиб, ҳаво очиқ кунларда юлдузлар чараклаган осмонга узоқ термилиб ўтирарди. Астрономия фан сифатида уни ҳеч қачон қизиқтирмаганди, бироқ ҳозир Катта Айиқ, Қутб Юлдузи, осмондаги юлдузлар гуруҳлари унинг диққатини ўзига тортиб, фантазиясини кўзгатиб қўйганди. У Орион юлдузлар туркумидаги юлдузларнинг математик тўғри жойлашганидан хайратга тушар ва бунда бирор яширин маъно йўқмикин, деб ўйлаб қоларди. Буржларнинг туманли тўплами коинотнинг тубсизлигини англатар ва у мана шу чексиз само кенглигида сузиб юрувчи кичкинагина шар – Ер ҳақида ўйларди. Бу ҳодисалар олдида ўзининг ҳаёти унга жуда арзимаган нуқтадек туюлар ва ҳаётим ўзи бирор маънога эгами, деб ўйлаб қоларди. Бироқ бундай кайфиятдан дарров чиқиб кета олар, чунки у ўзини ва фаолиятини жуда юқори қўяр ва табиатан ҳаётни севадиган инсон эди. Қандайдир ички бир сезгиси унга ўзининг ҳозирги вазияти қандайлигидан қатъи назар, ҳали машҳур одам бўлиб кетиши ва номи бутун дунёга танилишини, фақат ва фақат дадил интилиши кераклигини айтарди. Олдиндан кўра билиш ва лаҳзадан фойдаланиб қолиш қобилияти ҳаммада ҳам мавжуд эмас, бироқ унда бу қобилият бор ва у ким бўлиш учун яралган бўлса, ўша инсон бўлиши керак! Кимдир тақдирига битилган нотавонликдан қочиб кета олмагани каби у ҳам ўзига берилган буюкликдан асло қочиб кета олмайди.

Лилиан Каупервуд хоним куннинг иккинчи ярмида тушкун аҳволда, кўлида бир нечта ички кийим, иккита чойшаб, идишда пишган гўшт ва пирог солинган чамадон билан кириб келди. У бугун ҳам одатдагидан ортиқроқ қайғули аҳволда бўлмаса-да, Каупервуд унинг бу ҳолатини Эйлин билан муносабатининг натижаси деб тушунди. Хотинининг ўзини тутишидаги нимадир уни хотини билан айнан шу ҳақда гаплашишга мажбур қилди. Болалар ҳақида сўрагач, хотинининг кейинги сафар нима олиб келиш тўғрисидаги саволларини эшитди. Кейин у камерадаги ягона стулга ўтираркан, каравотда ўтирган хотинига қараб гап бошлади:

– Лилиан, анчадан бери сен билан бир масалада жиддий гаплашиб олмоқчи эдим. Аслида буни олдинроқ қилишим керак эди, бироқ ҳечдан кўра кеч яхши. Эйлин Батлер билан муносабатларимиз сенга маълум – буни жуда яхши биламан ва шунинг учун очикчасига гаплашиб олмоқчиман. Уни жуда севаман ва у ҳам менга боғланиб қолган. Бир кун келиб бу ердан чиқадиган бўлсам, унга уйлана олишим учун нимадир қилишим керак. Яъни... сен ажралишга розилик беришинг керак. Розилик беришингга ишонаман ва ҳозир сен билан шу ҳақда гаплашмоқчиман. Бу хоҳишим сен учун қутилмаган нарса эмас, чунки ўзинг ҳам анчадан бери муносабатларимиз дарз кетганини сезиб юрибсан. Ҳозирги ҳолатда бу сен учун қутилмаган зарба бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Каупервуд худди жавоб кутгандек, жим туриб қолди, бироқ Каупервуд хоним жавоб бермаётганди. Унинг хаёлига биринчи келган савол – ажабланиш керакми ёки газабланиш. Бироқ эрининг қаттиқ тикилиб тургани ва бу ҳолат ўзининг ҳеч қандай хиссиётлари эрига таъсир қилмаслигининг исботи бўлгани учун аёл бари бефойдалигини тушунди. Унинг Лилианга ўта шахсий ва сирли бўлиб туюладиган (қандай уятсизлик-а!) нарсалар тўғрисида куруккина қилиб очикчасига гапиришини-

## Теодор Драйзер

чи! Лилиан эрининг хаётдаги мукаддас нарсаларга муносабатини ҳеч қачон тушуна олмаганди. Унинг назарида индамай кетилиши керак бўлмаган нарсалар тўғрисида эри бемалол пинагини бузмай гапирарди. Аёл эрининг кўпинча бошқалар хаётидаги баъзи нарсалар ҳақида очикчасига гапираётганини эшитиб қизариб кетар, бироқ бундай муносабат ҳамма машхурларга хос бўлса керак, деб индамай қўя қоларди. Хаётда шундай одамлар борки, улар ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди ва жамиятнинг, афтидан, уларга қарши туришга кучи етмайди. Балки, Худо бир куни уларни ўзи жазолар, бироқ Лилианнинг бунга ҳам ишончи комил эмасди. Нима бўлган тақдирда ҳам қанчалик ёмон, муросасиз, чўрткесар ва кучли бўлмасин, Фрэнк чиройли гапириш маҳоратини эгаллаган ва ўзини сипо тутадиган обрўли одамлардан бошқачароқ, кизикарлироқ эди.

– Биладан, – гап бошлади Лилиан гарчи ғазабини зўрға босиб турган бўлса-да, муросасозлик билан. – Буни анчадан бери билиб юргандим ва ўзинг гап бошлашингни кутаётгандим. Бу вафодорлигим учун жуда яхши мукофот! Бироқ бу айнан сенга хос нарса, Фрэнк! Миянгга бир нима келиб қолса, сени ҳеч нарса тўхтата олмайди. Ҳаммаси яхши кетаётганди; сен севишинг керак бўлган иккита боламиз бор эди, бироқ бу сенга камлик қилди – Батлернинг махлукига боғланиб қолдинг ва энди бутун шаҳарга номингиз танилди. У бу ерга келиб туришини биладан: бир куни чиқиб кетаётганида дуч келиб қолдим, унинг бу ерга келиб туришини ҳамма билади. Бу қиз одобахлоқ нималигини билмайди, афсуски, унга ҳаммаси бир пул, бироқ Фрэнк, ўйлашимча, хотининг, болаларинг, ота-онанг бўла туриб, бу йўлдан юришга уялишинг керак эди, қолаверса, бу вазиятдан чиқиб кетиш учун қаттиқ курашинг керак бўлишини жуда яхши биласан. Агар унда заррача виждон бўлганида сенга илакишиб, бунақа уятсиз ишни қилиб юрмаган бўларди!

Каупервуд хотинининг кўзларига катъият билан тикилди. Бу гаплардан у яна бир марта ўзи аллақачон ишонч ҳосил қилгани – хотини табиатан унга бутунлай бегона эканини англади. Лилиан сиртдан аввалгидек ёқимли эмасди, аклининг даражаси эса Эйлиндан паст. Бунинг устига, Каупервуд гуллаб-яшнаётган вақтида уларникига келган аёллар билан суҳбатлардан хотинининг чинакам оқсуяқларга хос назокат ва мукамалликдан мосуво эканини тушуниб қолганди. Тўғри, бу борада Эйлин ҳам ундан юқорида турмасди, бироқ у ёш, мослашувчан, зийрак эди ва юқоридаги сифатларни ҳали ўзлаштира олиши мумкин эди. Яхши шароит бўлса (ҳар ҳолда Каупервуд шундай ўйлагиси келарди), Эйлин ҳали ўзгариши мумкин, бироқ Лилианга нисбатан эса (йигит ҳозирга келиб бунга батамом амин бўлганди) ҳеч қандай умид йўқ!

– Мени тушуна олишингга ишончим комил эмас, Лилиан, – деди у ниҳоят, – бироқ энди бир-биримизга тўғри келмаймиз.

– Уч ёки тўрт йил бурун бошқача фикрда эдинг, – алам билан эрининг гапини бўлди Лилиан.

– Сенга уйланганимда бор-йўғи йигирма бир ёшда эдим, – хотинининг гапига эътибор бермай, кескин жавоб қилди Каупервуд, – ва, очиғи, қилаётган ишимга баҳо беришга жуда ёшлиқ қилардим. Мен ўспирин бола эдим. Бироқ ҳозир бу муҳим эмас. Ўзимни оклашга баҳона кидириб ўтирмақчи ҳам эмасман. Фақат бир нарсани айтиб ўтмоқчиман: ҳақманми ёки йўқми, узрли сабабларим бўлганми-бўлмаганми, бундан катъи назар, ҳаётга қарашларим ўша пайтдагига нисбатан анча ўзгарди. Сени ортиқ севмайман ва бунга бошқалар қандай қарашларидан катъи назар, ортиқ мени қониқтирмайдиган муносабатларни давом эттирмақчи эмасман. Сенинг ўз қарашларинг бор, менинг ҳам ўз қарашларим мавжуд. Сен ўзингни ҳақ деб ҳисоблайсан ва минглаб одамлар

## Теодор Драйзер

хам шу фикрда, бироқ мен бошқача фикрдаман. Менинг назаримда, ҳозир сендан озодлигимни қайтариб беришни сўраб ҳеч қандай адолатсизлик қилаётганим йўқ. Сени ёки болаларни тақдир ҳукмига ташлаб қўймоқчи эмасман, сизларга яхши ҳаёт яратиб бера оламан, бироқ кун келиб бу ердан чиқа олсам, менга озодлик керак бўлади ва сен бу ишни қилишинг зарур. Ўзингга тегишли пулларингни, балки ундан ҳам кўпроғини, озодликка чиқиб ишларимни жойига қўйишим билан оласан. Фақат йўлимга тўғаноқ бўлмай, менга ёрдам берган тақдирингдагина шундай бўлади. Сенга ёрдам беришни хоҳлайман ва кўмаклашман ҳам, бироқ қанча керак деб ҳисобласам, шунча ёрдам оласан.

Каупервуд хаёл билан йўл-йўл шимининг йиғилиб қолган жойларини тўғрилади ва куртқасининг енгини тортди. У айна пайтда ўзининг яқин ўтмишидаги омадли жентльменга эмас, балки кўпроқ ақлли ва ўткир ишчига ўхшаб кетаётганди.

Лиляннинг жаҳли чиқиб кетди.

– Хўп чиройли гапириб, чиройли иш тутяпсанда! – сакраб туриб кичкинагина камерада икки қадам у ёққа, икки қадам бу ёққа юрди у алам билан. – Менга уйланишни хоҳлаганингда ҳали ёш эканингни ва ўзингни ҳали билмаслигингни тушунишим керак эди. Пул – мана, сени фақат нима қизиқтиради ва яна ўз иззат-нафсингни кондиришни ўйлайсан! Сен ҳатто адолат нималигини тушунмайсан ва ҳаётда тушунмагансан ҳам! Фрэнк, сен фақат ўз ҳақингда ўйлайсан! Мен шу пайтгача бунақа қаҳри қаттиқ одамни учратмаганман. Бутун шу воқеалар давомида менга итдек муомала қилиб келдинг. Ўзинг эса бу орада ана шу ирландиялик ярамас қиз билан топишиб қолдинг ва, ўйлашимча, унга ҳамма ишларинг тўғрисида гапиргансан. Охирги дақиқаларгача мени гўёки ҳали ҳам севишингга ишонтириб келиб, энди бирдан ажрашиш ҳақида гапирасан! Бироқ бундай бўлмайди! Мен

ажрашмайман, бунга умид қилмасанг ҳам бўлади!

Каупервуд хотинининг гапларини индамай эшитди. Бу мураккаб оилавий жанжалда устунлик барибир ўзи томонда эканини тушуниб турарди. Ахир у камоқда, узок муддатга оиласидан айрилган ҳолда ўтирибди – бу вақт орасида хотини усиз яшашга ўрганиб қолади. Каупервуд камоқдан чиққанидан сўнг хотинига собиқ маҳбус билан ажрашиш, айниқса, у эрининг бошқа аёл билан муносабатини далил сифатида кўрсатса, жуда осон бўлади. Бунга Каупервуд инкор этмайди. Бу пайтда ҳеч қаерда Эйлиннинг номи чиқмайди, деб умид қилиш керак. Агар Каупервуд ҳеч нарса талашмаса, хотин исталган уйдирма исмни айтиши мумкин. Бундан ташқари, Лилиан табиатан бўш аёл. Каупервуд уни ўз иродасига бўйсундира олади. Ҳозир эса суҳбатни давом эттиришдан маъно йўқ. Биринчи қадам қўйилди, вазият энди хотинига маълум, қолгани эса вақтнинг иши.

– Лилиан, фожиа ясамагин, – бепарво оҳангда деди Каупервуд. – Яшашга маблағинг бўлса, мени йўқотиш катта муаммо эмас. Бу ердан чиққанидан сўнг Филадельфияда қолмасам керак. Фарбга кетишни ўйлаб турибман ва бир ўзим кетсам керак. Ажрашишга рози бўлган тақдирингда ҳам дарров уйланиб олмоқчи эмасман. Ва ўзим билан ҳам ҳеч кимни олиб кетиш ниятим йўқ. Болалар учун сен шу ерда қолиб, мен билан ажрашганинг яхши. Шунда жамият сизлар ҳақингизда яхшироқ хаёлга боради.

– Бунга асло рози бўлмайман! – шахд билан деди Каупервуд хоним. – Ҳеч қачон рози бўлмайман! Нима десанг деявер. Шунча нарса қилганимдан кейин сен мен ва болалар билан қолишинг керак. Ажрашишга рози бўлмайман. Мендан бу ҳақда бошқа сўраб ҳам ўтирма, ажрашмайман!

– Майли, бўлмаса, – деди Каупервуд хотиржам товушда ўрнидан тураётиб, – ортиқ бу ҳақда гаплашмаймиз. Бунинг устига, вақтинг ҳам тугади (келувчиларга фақат

## Теодор Драйзер

йигирма дакикага рухсат бериларди). Балки, кейинрок ўйлаб кўрарсан.

Лириан ўз нарсаларини – муфта ва рўмолини олиб, кетишга тайёрланди. Одатда у кетаётганида сунъий мехр билан Каупервудни ўпиб кўярди, бироқ хозир ҳаддан ташқари жаҳли чиқиб кетганидан шунгаям ўзини мажбурлай олмади. Айни пайтда кўнглида ўзи ва эри учун ҳам оғриқ туяётганди.

– Фрэнк, – охирги дақиқада фожиали тарзда хитоб қилди у, – умримда сендек одамни кўрмаганман! Сен яхши хотинга арзимаёсан! Сен айнан сенда боригагина муносибсан. Эҳ, қуриб кетсин ҳаммаси!..

Аёл кўзларидан тирқираб ёш отилганча ғазабланган ва пушаймон ҳолда шоша-пиша камерадан чиқиб кетди.

Каупервуд кимир этмай турарди. “Ҳеч бўлмаганда, энди иккимизга ҳам кераксиз ўпишишлар бўлмайди”, – ўзини қутлади у. Хотинининг туйғуларини ҳисобга олганда бу, албатта, бағритошлик эди. Аслини олганда хотинимга сира ёмонлик қилганим йўқ, ўйларди Фрэнк, ахир уни моддий томондан сиқиб қўймоқчи эмасман, энг мухими шу-ку! Лириан бугун ўзини тута олмай қолди, бироқ вақт ўтиши билан ўзига келиб қолади, балки, эрини тушуниб ҳам етар. Яна ким билсин?

Каупервуд нима бўлганда ҳам Лирианга ўз режаларини тушунтирдим ва шу билан нимагадир эришдим, деб ҳисоблаётганди. Айни пайтда эса у тухум пўчоғи ичидан, тор ҳаёт шароитидан чиқишга уринаётган жўжага ўхшарди.

Майли, у қамоқда бўла қолсин, майли, у ҳали яна салкам беш йил муддатли жазони ўташи керак бўлсин, лекин ич-ичидан ҳали бутун дунё унга очилишини жуда яхши билади. Агар у ишини Филадельфияда тиклай олмаса, Ғарбга жўнаши мумкин. Бироқ бу шаҳарда ҳали уни таниган одамларнинг ҳурматини яна қозониб ва шу орқали бирга чет элларга олиб кетадиган “ишонч

ёрлиғи”ни олмагунча яшашда давом этади.

“Ит ҳураар карвон ўтар! – эшик Лилианнинг оркасидан ёпилар экан, хаёлидан ўтказди Каупервуд. – Оғзи ботирлар нима деса деяверсин. Ҳали бу жанобларнинг баъзилари билан ҳисоб-китоб қиламан!”

Бонҳег камера эшигини кулфлаш учун келганда Каупервуд ундан ёмғир ёғмасмикин, деб сўради: йўлак жуда қоронғи эди.

– Кечқурун қуйса керак, – жавоб берди Каупервуднинг мураккаб ва чалкашиб кетган ишлари тўғрисида эшитиб, ҳамон ҳайратда юрган Бонҳег.



**Ф**рэнк Каупервуд Пенсильваниянинг Шимолий қамокхонасида роппа-роса ўн уч ойни ўтказди. Муддатидан аввал озод қилингани учун у қисман ўзи, қисман эса ўзига боғлиқ бўлмаган вазиятлардан қарздор эди.

Гапни Каупервуд камалганидан ярим йил ўтиб, Эдвард Мэлия Батлер ўз хонасида иш столи олдида ўтирганча тўсатдан вафот этганидан бошлаймиз. Эйлиннинг ўзини тутиши унинг юрагига қаттиқ таъсир қилганди. Каупервудга ҳукм чиққанидан бери, айниқса, Фрэнк қамокхонага кўргани келган Эйлиннинг елкасига бош қўйиб йиғлаганидан сўнг қиз отасига нисбатан ғазаб отига минганди. Унинг отасига бундай муносабатини фарзандлик нуктаи назаридан оқлаб бўлмаса-да, севиб қолган аёлнинг қалб кечинмалари сифатида олиб қаралса, бу табиий ҳол эди. Каупервуд қизга губернатор Стинерни (Фрэнк буни қизиқиш билан кузатиб келаётганди) афв қилгани, лекин Батлер Фрэнкнинг гуноҳи кечирилмаслиги учун бор кучини ишга солган деб ўйлаётганини айтган, Эйлин эса жуда ғазабланиб кетганди. У отасини иложи борича қаттиқроқ ҳақорат қилиш учун арзимаган вазиятдан ҳам фойдаланар, уни кўрмасликка олар, иложи борича у билан дастурхонда ёнма-ён ўтирмасликка ҳаракат қилар, жуда иложи бўлмаса, Нора билан жойини алмаштириб оларди. Қиз энди отасининг олдида рояль чалиб, ашула айтмас ва уйларига у учун чакирилган, сиёсий соҳада муваффақиятга эришаётган, куёвликка мўлжалланаётган йигитлардан қочишга ҳаракат қиларди.

Кекса Батлер, албатта, гап нимадалигини тушунар, бироқ ҳеч нима демасди. У қизини юмшата олишига ортиқ ишонмай кўйганди.

Онаси ва акалари аввалига хайрон бўлиб юришди (онаси умрининг охиригача гап нимадалигини билмади ҳам). Бироқ бироз вақт ўтиб, Каупервудга хукм чиқарилганидан сўнг Оуэн ва Кэлемлар Эйлиннинг ўзини бундай тутиши сабабини тушунгандек бўлишди.

Бир куни молия дунёсида обрўси ўсиб бораётгани сабаб меҳмонга чақирилган Оуэн уйига қайтишга отланаркан, ўзи унча танимайдиган икки йигитнинг пальтосини кияётиб ўзаро гаплашганини эшитиб қолди:

– Бу Каупервуд деганлари тўрт йилга кесилганини ўкидингизми?

– Ҳа, ўкидим.

– Ақлли иблис, шундай эмасми? У билан гап-сўз бўлган... ўзингиз тушунасиз, қизни танирдим: Батлер хоним.

Оуэн янглиш эшитдим деб ўйлади. Иккинчи меҳмон эшикни очиб ташқарига чиқаётганда: “Ҳа, кекса Батлер ундан аламини олди. Каупервудни ўша камокқа тикди дейишяпти”, демагунича, кўнглига ҳатто бирон шубҳа келмади.

Бу гапни эшитган Оуэн хўмрайди. Кўзлари эса даҳшатдан чакнаб кетди. Табиатан у отасига ўхшарди. Жин урсин, бу одамлар кимни гапиряпти ўзи? Қанақа Батлер хоним? Улар Эйлин ёки Норани айтмаяптими? Бироқ Каупервуднинг уларга қандай алоқаси бор? Гап Нора ҳақида кетаётган бўлиши мумкин эмас. У Оуэнга таниш бир йигитни ўлгудек севиб қолган ва ўшанга турмушга чикмоқчи. Бироқ Эйлин доим Каупервудни фақат яхши гаплар билан эсларди. Наҳотки бу Эйлин бўлса?

Йўқ, Оуэн бунга ишонмади. У анави икки йигитни қувиб етиб, нима гаплигини тушунтириб беришни талаб қилмоқчи бўлди, бироқ кўчага чикқанида улар анча узоклашган, бунинг устига, Оуэнга тескари йўналиш томонга кетишганди.

## Теодор Драйзер

Оуэн отасидан сўрашга қарор қилди. Кекса Батлер ўғлига бор гапни айтиб берди ва шу заҳоти унга бу ҳақда ҳеч қерда оғзини очмасликни буюрди.

– Эсиз, бу гаплардан беҳабар қолибман, – ғазаб билан деди Оуэн. – Бу Каупервуд деганини итдек отиб ташлаган бўлардим!

– Секинрок! Секин!.. – ўғлининг гапини бўлди Батлер. – Сенинг ҳаётинг бу малъуннинг ҳаётидан қимматлироқ ва, қолаверса, бутун оиламиз лойга булганган бўларди. У қилган барча ифлосликлари учун оладиганини олди ва яна олади. Фақат сен жим юр! Кутиш керак! Бир ёки икки йилсиз у ҳали озодликка чиқа олмайди. Эйлиннинг олдида ҳам индама. Бу масалада гаплашишдан фойда йўқ. У билан узоқ вақт айрилиқда юрса, эси кириб қолади.

Отаси билан бўлиб ўтган шу суҳбатдан сўнг Оуэн синглисига эҳтиёткорона муомала қиладиган бўлди, бироқ у оқсуяқлар қатламига шунчалик интилардики, Эйлиннинг қандай қилиб шу ишларни қила олганига тушунмасди. Эйлин сабаб йўлида тўсиқ пайдо бўлгани унга алам қилиб кетаётганди. Энди душманлари истаган пайтларида унга шу нарсани рўқач қилишлари мумкин, уларда бундай хоҳиш, албатта, пайдо бўлишига эса Оуэн шубҳа қилмасди.

Кэлем ҳам Эйлин тўғрисидаги гапларни бутунлай бошқа манбадан, бироқ айнан ўша пайтда эшитиб қолди. У шаҳарда ўзининг ажойиб биноси ва шаҳар ташқарисиди эса клубига эга бўлган Атлетлар жамиятининг аъзоси эди. Кэлем вақти-вақти билан бассейнида чўмилиб, туркча ҳаммомда дам олиб келиш учун шу клубга бориб турарди. Бир куни кечкурун бильярдхонада унинг олдида танишларидан бири келиб, сўз очди:

– Менга қаранг, Батлер, сизга дўст эканимни биласиз-а?

– Ҳа, албатта, – жавоб берди Кэлем. – Нима гап?

– Биласизми, – Ричард Петик деган бу йигит Кэлемга содиқлик билан тикилганча гапида давом этди, – сизни

хафа қиладиган бир гапни айтгим келмаяпти, бироқ индамай ҳам тура олмайман.

Йигит бўйнига тақилган баланд ёқасини тортди.

– Петик, сиз яхши ниятда эканингизга шубҳа қилмайман, – жавоб берди Кэлем сергак тортиб. – Бироқ нима гап? Нима демокчисиз?

– Яна такрор айтаман: сизни хафа қилмоқчи эмасдим, бироқ бу Ҳиббс ҳамма ёқда синглингиз тўғрисида ҳар хил гаплар тарқатиб юрибди.

– Нима гап экан?! – нимадир чакқандек сакраб тушди Кэлем: у шу заҳоти бундай вазиятда ўзини қандай тутиш керак эканлигини ўйлаб қолди. Бутун ғазабини кўрсатиши керак. Агар ор-номус масаласи бўлса, шунга яраша ҳаракат қилиш зарур, бироқ ҳаммадан олдин хафа қилган одамга битта зарба тушириши керак.

– У синглим ҳақида нималарни валдираб юрибди? Синглимнинг номини бу ерда тилга олишга унинг нима ҳаққи бор? Ахир у синглимни танимайди ҳам-ку!

Петик ўзини Батлер билан Ҳиббс ўртасида нимадир чиқиб қолишидан хавотир олаётганга солди. У яна жон-жаҳди билан Кэлемни хафа қилмоқчи эмаслигига ишонтира бошлади, аслида эса жуда ғийбатлашгиси келаётганди. Ниҳоят у ёрилди:

– Ҳиббс синглингизнинг яқинда қамалган Каупервуд билан алоқадор жойи бор ва йигит айнан шу сабаб қамоққа тушган, деган гапларни тарқатиб юрибди.

– Нима?!.. – хитоб қилди Кэлем ва шу оннинг ўзида сунъий хотиржамлигини ташлаб, ҳақорат қилинган одам тусини олди. – У шундай дедими? Яхши! Қани у? Кўрамыз, менинг олдимда ҳам шу гапларини қайтарармикан?

Унинг ўсмирларникидек нозик юзида отасининг жанговар руҳи каби ифода пайдо бўлди.

– Кэлем, менга қаранг, – йигитчани тинчлантирмоқчи бўлди Петик, бу вазиятни ўзи юзага келтиргани ва энди натижасидан биров кўриб, – оғзингизга эҳтиёт бўлинг.

## Теодор Драйзер

Бу ерда жанжал чиқарманг. Клубда бундай килиш мумкин эмас. Бунинг устига, у маст бўлиши ва қаерлардадир эшитган гапларини такрорлаётган бўлиши мумкин. Худо ҳаққи, бунчалик жаҳлингиз чиқмасин!

Бу ишканинг сабабчиси Петик бўлиб, у энди жанжал чиқиб қолса, ўзига ёмон бўлишидан хавотирга тушиб қолганди. Уни ғийбатчи деб аташади ва у ҳам бу ҳодисага аралашиб қолган бўлади. Бироқ Кэлемни ушлаб қолишнинг энди иложи йўқ эди. У юзи оқарганча ресторанга – кўҳна инглиз услубида жиҳозланган алоҳида бинога, ўз тенгдошлари билан коньяк ичиб ўтирган Ҳиббснинг олдига қараб жўнади.

– Ўвв, менга қаранг, Ҳиббс! – чақирди Кэлем.

Кимдир чақирганини эшитган Ҳиббс ўгирилиб қараб, эшикнинг олдида Кэлемни кўрди ва ўрнидан туриб унга яқинлашди. Бу Пристон университетининг талабаси, келишгангина йигит эди. У турли жойдан (клуб аъзоларидан ҳам) Эйлин ҳақида ҳар хил гапларни эшитган ва буларни Петикнинг олдида гапирганди.

– Бу ерда синглим ҳақида нималарни гапириб юрибсиз? – Ҳиббснинг юзига тик қараганча газаб билан сўради Кэлем.

– Мен... очиғи... – нохушликни ҳис қилиб, вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қиларкан, тутилди у. Ташки кўриниши унинг жуда довурак эмаслигидан дарак берарди. Ҳиббснинг сочлари сомонранг, кўзлари кўк, ёноқлари кип-қизил эди.

– Очиғи... ҳеч нарса... Мени синглингиз ҳақида гапирди деб ким айтди сизга?

Ҳиббс уни ким сотганини тушуниб, Петикка қаради; Петик эса шоша-пиша деди:

– Ҳиббс, ўзингизни олиб қочманг! Бу ҳақда гапирётганингизни эшитиб қолганимни жуда яхши биласиз.

– Хўш, сизнингча, нима девдим? – одамнинг гашига тегадиган оҳангда сўради Ҳиббс.

– Ҳа, нима дегандингиз? – ташаббусни қўлига олиб, дўк қилиб сўради Кэлем. – Менга ҳам бир қайтаринг-чи!

– Нималар деяпсизлар ўзи, – ҳаяжонланиб минғирлади Ҳиббс, – мен фақат бошқалардан эшитганларимни айтдим. Бошқаларнинг синглингиз жаноб Каупервуд билан қалин дўст бўлишган деган гапини қайтардим, холос. Ўзим ҳеч нарса қўшмаганман.

– Аха, демак, ҳеч нарса қўшмадингизми? – хитоб қилди Кэлем ва ўнг қўлини чўнтагидан чиқариб Ҳиббснинг юзига мушт солди. Кейин яна чап қўли билан туширди.

– Балки, мана буниси сени синглим ҳақида алжираб юришдан ушлаб турар...

Ҳиббс шу заҳоти қўлини мушт қилиб тугди. Муштлашиш борасида унинг озгина тажрибаси бор эди. Ўзини ҳимоя қила туриб, у Кэлемнинг кўкраги ва даҳанига бир нечта қаттиқ зарба берди. Рестораннинг иккала залида ҳам қаттиқ шовқин кўтарилди.

Ҳамма стол ва стулларни ағдарганча муштлашаётганларнинг олдига қараб югурди. Рақибларни бирпасда ажратиб қўйишди; қараб турганлар кимга дўстона муносабатда бўлса, ўшанинг ёнини олиб, бир-бирига гап бермай, ўз фикрини айта бошлади. Кэлем Ҳиббсга мушт туширганида қонаб кетган қўлига назар солди. У чинакам жентльменлар каби ўзини хотиржам тута олаётганди. Қизишиб кетган Ҳиббс эса ўзини ҳеч қандай сабабсиз ҳақоратлашгандек тутарди. Қандай бемаънилик – клубда унга ташланди-я! Ҳаммасига бировнинг гапига кулоқ солиб, кейин унга тухмат қилган Петик айбдор. Петик эса, ўз навбатида, дўстлик қилмоқчи бўлганини таъкидларди.

Бўлиб ўтган бу ходиса клубда шундай шовқинга сабаб бўлдики, иккала томоннинг саъй-ҳаракати билангина у газетага тушмай қолди. Кэлем Эйлин ҳақидаги гап-сўзлар асоссиз эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ғазаби қайнаб кетди. У клуб сафидан чиқаётганини эълон қилиб, у ерда ортик кўринмади.

## Теодор Драйзер

– Сен у болакайни бекорга урибсан, – деди Оуэн бўлиб ўтган жанжал ҳақида эшитгач. – Бу фақат оловга мой сепгандек бўлади. Эйлин қаергадир кетса бўларди, лекин буни хохламаяпти. У ҳали ҳам анави нуххани севади ва буни онам билан Норадан сир тутишимиз керак. Бу синглимиз ҳақида эшитган охирги гап бўлмайди, ишонавер менга!

– Жин урсин! – хитоб қилди Кэлем. – Уни кетишга мажбурлаш керак!

– У хохламаётган бўлса, нима ҳам қила олардик, – жавоб берди Оуэн. – Отам бунга уриниб кўрди, бироқ ҳеч нимага эриша олмади. Арқонни узун ташлаб қўяверайликчи. Каупервуд қамокда ўтирибди ва шу билан тамом бўлади. Ҳамма уни қамокқа отамиз тикқан деб ўйлаяпти, бу гапнинг тагида ҳам нимадир бор. Балки, бироз вақт ўтиб Эйлинни бу ердан бошқа жойга жўната олармиз. Яхшиси, бу аблаҳни ортиқ кўрмасак ҳам майлийди. Панжара ортидан чиқиши билан уни ўлдираман!

– Кераги йўқ, – деди Кэлем, – яхши иш бўлмайди, яна ҳаммага гап топилади. Бунинг устига, у энди тамом бўлган одам.

Ака-ука тезроқ Норанинг тўйини ўтказишга келишди. Эйлин билан эса иккалалари ҳам совуққина муносабатда бўлганидан, Батлер хоним ҳеч нарсани тушунмай, беҳад куйиниб кетаётганди.

Оиладаги бу ўзаро муносабатлар орасида кекса Батлер нима қилиш, нима дейишни билмай, ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. Бир неча ойдан бери у фақат биргина нарса устида ўйлар, бироқ йўлини топа олмаётганди. Ва ниҳоят, бир куни, туғилганига етмиш йил бўлганида азобда қолган қария ўз хонасида, столи олдида ўтирганча жон берди. Ўлимнинг жисмоний сабаби юрак чап қоринчасининг лат ейиши эди, бироқ Эйлин ҳақидаги оғир ўйлар билан боғлиқ руҳий ҳолат ҳам катта роль ўйнаганди. Албатта, унинг ўлимига фақат қизигина сабабчи деб бўлмасди,

чунки Батлер гавдали одам бўлиб, анча йиллардан бери кон-томир касалликларидан азият чекар; бундан ташкари, кўп йиллардан бери овқат ҳазм қилиш аъзоларига ҳам ёмон таъсирини ўтказган ҳаракатсизлик ҳам ўз натижасини кўрсатганди. Умуман олганда эса у етмишдан ошган ва умрини яшаб бўлганди. Уни эрталаб боши кўкрагига осилиб, қўллари тиззаси устида қотиб қолган ҳолда топишди.

Дафн маросимлари дабдабали бўлди. Мархум билан хайрлашиш маросими муқаддас Тимофей черковида бўлиб ўтди – у ерга кўплаб сиёсий арбоблар ва шаҳар маъмурияти вакиллари келишди. Ҳаммининг оғзида қизи келтирган мусибат Батлернинг ўлимини тезлаштиргани тўғрисидаги шивир-шивир юрарди. Батлернинг хайрия ишлари тўғрисида кўп гапирилди. Молленхауэр ва Симпсонлар катта гулчамбар билан келишди. Батлернинг ўлими уларни қайғуга солган, чунки улар биргаликда ажралмас учликни ташкил қилишарди. Бироқ энди у йўқ экан, ортиқ бу ҳақда эслашнинг ҳам ҳожати йўқ.

Жаноб Батлер ўзининг бутун мол-мулкани хотинига қолдирган ва унинг васиятномаси Филадельфиянинг нотариуси тузган энг қисқа васиятнома бўлса керак:

*“Бор бойлигимни суюкли хотиним Норага васият қиламан ва у нима бўлган тақдирда ҳам, бу мол-мулкни ўз ихтиёрига кўра сарфлайди”.*

Бу васиятномининг бошқа ҳеч қандай талқини йўқ эди. Бироқ жаноб Батлер ўлимидан сал олдин иккинчи махфий васиятномани ёзиб қўйган бўлиб, унда хотинига ўз ўлимидан сўнг меросни қандай тақсимлашни тушунтирганди. Аслида ана шу ҳақиқий, (бирок ниқобланган) васиятнома бўлиб, Батлер хоним ўлсаям уни ўзгартиришига рози бўлмасди. Батлер ҳаётининг охиригача хотини унинг ёлғиз меросхўри бўлишини хоҳлаганди. Мархумнинг хоҳишига кўра – дунёда ҳеч бир нарса Батлер хонимни бу васиятдан четлашишга мажбур қила олмасди,



## Теодор Драйзер

Эйлин онасининг вафотидан сўнг икки юз эллик минг доллар олиши керак эди. Бироқ бу васиятномани ўзининг васиятномаси деб қабул қилган Батлер хоним на Эйлин ҳақидаги ва на бошқалар ҳақидаги васият тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмади. Эйлин отаси унга нимадир қолдирган-қолдирмагани тўғрисида кўп ўйларди, бироқ бирор марта ҳам буни билишга ҳаракат қилиб кўрмади. Афтидан, ҳеч нима қолдирмаган бўлса керак деб, шунга кўникишга қарор қилди.

Жаноб Батлернинг ўлиmidан сўнг оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида катта ўзгаришлар юз берди. Отасини кўмиб келишгандан сўнг улар гўё илгариги тинч ҳаётга қайтгандек бўлдилар, бироқ ташқаридангина шундай кўринаётганди. Оуэн ва Кэлем Эйлинга бўлган нафратларини яшира олмаётган ва қиз ҳам нима гаплигини тушуниб, уларга шундай муносабатда эди. Эйлин ўзини жуда осмонда тутарди. Оуэн отасининг ўлиmidан кейин аввалига уни дарров уйдан жўнаб кетишга мажбур қилмоқчи бўлди, бироқ ўйлаб кўриб, бунинг фойдаси йўқ деган қарорга келди. Эски уйдан ҳеч қаерга кетишни хоҳламаган Батлер хоним катта қизига сиғингудек бўлар, бу ҳам акаларига Эйлиннинг уйдан кетишини талаб қилишда ҳалал бераётганди. Бундан ташқари, сингилларини “чиқариб юборишга” қилинган ҳар бир ҳаракат оналарига гап нимада эканини тушунтириб беришга олиб келар, бунинг эса иложи йўқ эди.

Оуэн Каролина Молленхауэрнинг орқасидан юрар, бунга қисман қиз отасининг ўлиmidан сўнг катта мерос олишига умид қилганидан бўлса, қисман уни чиндан ҳам севиб қолганди.

Кейинги йилнинг январь ойида – Батлер августда вафот этганди – камтаргина қилиб Норанинг тўйини ўтказишди, баҳорда эса Кэлем ҳам сингисининг ортидан эргашди. Бу пайтга келиб Филадельфиянинг сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлаётганди. Бир пайтлар Батлернинг

гумашталаридан бўлган, яқиндан бери эса Биринчи, Иккинчи, Учинчи ва Тўртинчи кварталларда кўплаб ковокхоналари ва бошқа шунга ўхшаган иш жойларини эгаллаган қандайдир Том Коллинс энди шаҳардаги бошқарув ўринларига кўз тикаётганди. Молленхауэр ва Симпсонлар у билан ҳисоблашишга мажбур эдилар, чунки унинг буларга қарши ҳаракати кейинги сайловларда камида бир юз ўн беш минг овозни йўқотиш дегани эди; тўғри, бюллетенлар орасида сохталари кўп эди, бироқ бу катта аҳамият касб этмасди. Батлернинг ўғиллари ҳам энди кенг сиёсий фаолият олиб боришга умид қила олмаётган ва кўнка темир йўллари ҳамда пудрат соҳасида тижорат операциялари билан чегараланиб кўя қолаётганди. Батлер қаршилик кўрсатган Каупервуд билан Стинернинг афв қилиниши энди анча осон ишга айланганди. Шаҳар маблағининг талон-торож қилиниши тўғрисидаги жанжаллар тиниб қолган, газеталар эса бу ҳақда батамом унутганди.

Стежер ва Уингейтларнинг саъй-ҳаракатлари билан губернаторга барча йирик сармоядорлар ва биржачилар имзоси остидаги илтимоснома топширилди. Унда Каупервуднинг камоқ жазосига ҳукм қилиниши аниқ адолатсизлик бўлгани ва шу сабаб унинг озод қилинишини сўрашаётгани кўрсатиб ўтилганди. Стинерга келсак, унинг учун жуда қаттиқ уринишга тўғри келмади: Республикачилар партияси раҳбарлари унинг озод қилинишини сўраб губернаторга арз қилиш учун қулай дақиқани кутаётганди. Улар шу пайтгача Стинерни озод қилишга уриниб кўрмаган, чунки жаноб Батлер Каупервуднинг чиқишига қаршилик қилишига амин бўлган, уларнинг бирини чиқариб, иккинчисини қолдиришнинг эса иложи йўқ эди. Батлернинг ўлиmidан сўнг губернаторга топширилган илтимоснома масалани ижобий ҳал қилди.

## Теодор Драйзер

Бирок фақат март ойидагина, кекса пудратчининг ўлимидан ярим йил ўтиб, Стинер ва Каупервуд камокда ўтирганига ўн уч ой бўлганида – кенг жамоатчиликни тинчитиш учун етарли вақт ўтгандан кейингина асосий қадамлар қўйилди. Бу пайтга келиб Жорж Стинер ҳам жисмонан, ҳам руҳан жуда ўзгарганди. Вақти-вақти билан уни бир пайтлар Стинернинг у ёки бу кўринишдаги сахийликларидан фойдаланган шаҳар ўз-ўзини бошқарувининг иккинчи даражали аъзолари йўқлаб туришган, камокда бўлса-да, ҳеч нимага зорикмаган, оиласи ҳам ҳеч бир қийинчилик кўрмаган бўлса-да, у ўзининг сиёсий ва ижтимоий фаолияти якунига етганини тушуниб турарди. Гоҳ у, гоҳ бу дўстлари унга мевалар солинган саватлар жўнатиб турган ва уни тезда чиқариб юборишларига ишонтириб юрган бўлсалар-да, собик ғазначи камокдан чиққанидан сўнг фақат ўзининг суғурта ва кўчмас мулк бўйича агентлик тажрибасигагина таяна олишини биларди. Бу иш у ҳали сиёсий соҳада мустаҳкамланиб олишга уринаётган пайтда ҳам ишониб бўлмайдиган соҳа эди. Энди уни шаҳар ғазначилигидан беш юз минг доллар ўғирлаган ва беш йил қамокқа ҳукм қилинган одам деб билишган пайтда нима бўлади? Ким унга ҳеч бўлмаганда иш бошлаши учун тўрт ёки беш минг доллар бериб туради? Уни кўргани келиб, адолатсиз ҳукм қилингани учун ачинаётганларми? Асло! Уларнинг бари ортиқча бир центи ҳам йўқлигига ишонттира бошлайди. Бирок Стинер уларга яхши таъминлашни таклиф қила олса, унда бошқа гап эди! Бирок ўзида бунақа маблаг бўлганида, уларга мурожаат қилишнинг ҳожати қолмасди. Муҳтожлигини билса, унга пул бериши мумкин бўлган одам ёлғиз Фрэнк Каупервуд эди. Агар Стинер иккинчи марта ссуда беришни рад қилгани – хатосини тан олса ва буни Каупервуд кўрса, ҳатто қайтиб олишга умид боғламаган ҳолда бажонидил пул бериб турган бўларди. Бирок одамларни яхши ажрата олмайдиган Стинер

Каупервудни ўзига душман бўлиб колди деб ҳисоблаб, унга мурожаат қилишга юраги дов бермаган бўларди. Каупервуд камокда ўтирган даври давомида Уингейт орқали озгина пул тўплаб кўйганди. У Стежернинг ўзи Каупервуддан энди пул олмаслигини айтмагунча, адвокатига йирик гонорар тўлаб бораётганди.

– Бир кун келиб яна оёққа туриб олсангиз, Фрэнк, мени хурсанд қиларсиз, бироқ менимча, унда мени ҳатто эсламассиз ҳам! Қилган ишим ҳар бир инстанцияда фақат ютқизиш бўлди. Афв қилиш ҳақидаги илтимосномани текинга тузиб бераман. Бундан буён сиздан ҳақ олмай ишлайман.

– Бекорчи гапларни гапирманг, Ҳарпер, – деди Каупервуд. – Ишимни сиздан яхшироқ қилиши мумкин бўлган бошқа одамни билмайман. Ва бундан ташқари, бошқа бировга сизга ишонганчалик ишонмайман. Адвокатларни ёқтиравермаслигимни биласиз-ку!

– Ҳа, майли, – деди Стежер. – Адвокатлар ҳам сармоядорларни жуда ёқтиравермайди, демак, иккаламиз тенгмиз.

Улар кўл олишди.

Шундай қилиб, 1873 йил мартнинг бошида ниҳоят Стинер учун афв беришга қарор қилинган пайтда, ўз-ўзидан Каупервуд учун ҳам афв сўрашга тўғри келди. Стробик, Ҳармон ва шаҳар кенгаши ҳамда маъмуриятининг хоҳишини билдириши керак бўлган қандайдир Уинпенни ва уларга собиқ газначини озодликда кўришни истаган Молленхауэр ва Симпсонлардан ташкил топган делегация Ҳаррисбургдаги губернатор олдига бориб, расмий илтимосномани топширди. Бир пайтнинг ўзида Стежер, Дэвисон ва Уолтер Лилар ҳам Каупервуднинг озод қилинишини сўраб илтимоснома берди. Бу масала бўйича юқорида айтиб ўтилган шахслардан ҳам аҳамиятлироқ кишилардан олган кўрсатмалари асосида губернатор илтимосномага жуда эътиборли муносабатда

## Теодор Драйзер

бўлди. У иш билан шахсан шуғулланишини айтди. Аввал ҳар икки маҳбус қилган жиноят ҳақидаги суд ҳисоботлари, уларнинг суддан олдинги ҳаётлари билан танишиб чиқади. Албатта, у ҳеч қандай ваъда бера олмайди, ҳаммаси иш билан танишганидан кейин яна маълум бўлади...

Ўн кун ўтгач, иккала илтимоснома ҳам ёзув столи тортмасида яхшигина чанг босганидан сўнг губернатор ҳатто ишни ўрганиб чиқишга уриниб ҳам кўрмай, уларни афв қилиш ҳақида иккита буйруқ чиқарди. Буйруқнинг бирини, ҳурмат юзасидан ўзлари Стинерга топширишлари учун Стробик, Ҳармон ва Уинпенниларнинг қўлига топширди. Иккинчи буйруқни Стежернинг илтимосига кўра, унинг қўлига топширди ва шу қоғозлар учун келган иккала делегация жўнаб кетди. Ўша куни кечкурунга яқин камоқхона дарвозаси олдига (тўғри, турли вақтда) икки гуруҳ етиб келди. Биринчи гуруҳ Стробик, Ҳармон ва Уинпеннидан, иккинчиси эса Стежер, Уингейт ва Уолтер Лидан иборат эди.

**Я**қинда афв қилишлари ёки бунга ишонишга асослар етарли экани ҳақида кўп гапирилаётган бўлса-да, илтимоснома, тўғрироғи, унинг эҳтимолий қондирилиш муддати Каупервуддан яширилганди. Уингейт ва Стежер иложи борича Каупервудни ҳамма гапдан хабардор қилиб турарди. Бироқ губернаторнинг шахсий котибидан афв тўғрисидаги буйруққа имзо чекилгани ҳақида эшитгач, Стежер, Уингейт ва Уолтер Ли Каупервудга индамай, кутилмаган совға уюштирмакчи бўлишди. Стежер билан Уингейт шунчаки берилиб кетганидан, ҳатто Каупервудга нимадир ишқал чиқиб, унинг озод бўлиши чўзилиши ҳам мумкинлигини айтишди. Каупервуднинг жуда кайфияти тушиб кетса-да, ўзини кўлга олиб, ҳали чидаш мумкинлиги, барибир бир куни даври келишига ишонишга уринди. Қайсидир бир жума куни окшомга яқин Уингейт, Стежер ва Уолтер Ли қамокхона бошлиғи Десмас билан унинг камераси олдига келишганида, Каупервуд олдингидан ҳам багтарроқ хайрон бўлди.

Десмас ниҳоят Каупервуд озод қилинаётганидан жуда хурсанд эди, чунки у йигитнинг матонатига чин дилдан қойил қолган, бу қувончли хабарни қандай қабул қилишини кўриш учун ҳам камерасига боришга қарор қилганди. Йўл-йўлакай у Каупервуднинг ўзини яхши тутганини айтиб ўтишни лозим топди.

– У камера ҳовлисида гулзор яратди, – деди қамокхона бошлиғи Уолтер Лига. – У ерга гунафша, чиннигул ва ёронгуллар экканди, улар жуда яхши кўкариб кетди.

## Теодор Драйзер

Уолтер Ли жилмайди. Каупервуднинг ўзи – ҳатто камоқхонада бўлса ҳам ҳаракатда, ҳаётини гўзаллаштиришга интиляпти. Бундай одамни енгиб бўлмайди!

– Бу одам бошқаларга ўхшамайди, – Десмасга жавобан деди Ли.

– Ҳа, чиндан ҳам! – тасдиқлади камоқхона бошлиғи. – Бунга ишониш учун йигитга қарашнинг ўзи кифоя қилади.

Ҳаммалари панжара ортидан қарашди: улар жуда секин келишгани учун Фрэнк уларни сезмаган ва ишлашда давом этарди.

– Яхши ишляпсизми, Фрэнк? – сўради Стежер. Каупервуд елкаси оша қараб, ўрнидан турди. Охирги кунларда унинг ҳаёли камоқдан чиққанидан сўнг нима билан машғул бўлиши ҳақидаги ўйлар билан банд эди.

– Буни қандай тушунса бўлади? – сўради у. – Худди сиёсий делегация келганга ўхшайди!

Ва... бир лаҳзада ниманидир тушунгандек бўлди! Ҳаммалари хурсанд бўлиб кулгач, Бонҳег бошлиқнинг буйруғи билан эшикни очди.

– Бу ерда тушунадиган ҳеч нарса йўқ, Фрэнк, – кувноклик билан деди Стежер. – Бор гап шуки, сиз энди озодсиз. Хоҳласангиз, буюмларингизни йиғиштириб, кетишингиз мумкин.

Каупервуд дўстларига тикилиб қолди. Уларнинг яқинда айтган гапларидан кейин бунчалик тез озод қилинишини кутмаётганди. Фрэнк бундай ҳазиллар ёки кутилмаган совғалар хурсанд қиладиган одамлар тоифасига кирмасди, бироқ тўсатдан ўзининг озод қилинганини англашдан беҳад хурсанд бўлиб кетганди. Тўғри, бу хабарни шунчалик узоқ кутганидан хурсандчилик ўз қийматини бироз йўқотгандек ҳам эди. У камоқхонада ўзини бахтсиз ҳис этган бўлса-да, букилмаганди. Аввалига шармандалик ҳисси ва ҳақоратга чидаш қийин эди. Бироқ кейинчалик, шароитга кўникканидан сўнг зулм ва кадр-қимматини ерга уриш ҳисси ўтмаслашгандек бўлди. Унинг асабига тегаётган

биргина нарса – панжара ортида вақти бекорга ўтаётгани эди. Қониктирилмаётган интилишлари – муваффақиятга эришиш ва ўзини оқлашга интилишини ҳисобга олмаса, тор камерада ҳам ёмон яшамаслик мумкинлигига ишониб қолганди. У оҳак (бундан ҳам ёқимсиз ҳидни босаётган) хидига ва ўзи дам ўтмай ўлдираётган каламушларга ҳам ўрганиб қолди. Стулларни тўқишга ҳам уста бўлиб кетиб, бир кунда йигирматача маҳсулот тайёрлай олаётганди. Баҳор, ёз ва кузда худди шундай қизиқиш билан ўзининг кичкинагина ҳовлисида берилиб меҳнат қилганди. Ҳар куни оқшом пайти у қамокхона ҳовлисида ўтириб осмонни ўрганди ва натижада бир неча йил ўтгач, шу кунлар хотирасига машҳур университетлардан бирига ажойиб телескоп совға қилди. Каупервуд ўзига ҳеч қачон оддий маҳбусга қарагандек қарамаган ва ҳаракатларида чиндан ҳам жиноят элементлари бўлгани учун товон тўлаяпман деб ўйламаганди.

Бонҳег йигитга кўп маҳбуслар ҳақида гапириб берганди. Улар орасида қотиллар, бундан ҳам оғирроқ жиноят қилганлар ва майда жиноятчилар ҳам бор эди. Каупервуд уларнинг баъзиларини юзидан танирди: Бонҳег уни бир неча марта асосий ҳовлига олиб борганди. Каупервуд маҳбусларга овқат қандай тайёрланишини кўрган, Стинернинг шароити ва яна бошқа кўп нарсалар ҳақида эшитганди. Охир-оқибат эса қамокхона у даражада даҳшатли жой эмас, фақат ёмон томони шуки, Каупервуддек одам бу ерда вақтини бекор ўтказяпти, деган хулосага келганди. Шу айблов аризалари билан банд бўлмаганида, у озодликда қанча ишларни қила олган бўларди! Суд ва қамокхоналар... Бу сўзлар ортида қанча йўқотилган вақт турганини ўйлаб, у беихтиёр бош чайқарди.

– Яхши, – атрофга кўз югуртириб ишонқирамаган товушда деди у. – Мен тайёрман.

У ўз камерасига ҳатто қайрилиб ҳам қарамай йўлакка чиқди ва шундай мижозидан айрилаётганидан кайфияти бузилган Бонҳегга қараб деди:



## Теодор Драйзер

– Уолтер, юкларимни уйга бериб юборишга ўзингиз бош-кош бўлсангиз. Кресло, девор соати, ойна, расмлар, хуллас, чойшаб, соқол оладиган асбоб ва бошқа майда-чуйдалардан ташқари буюмларни ўзингизга олиб қолишингиз мумкин.

Бунчалик сахийлик билан берилган совғалар Бонҳегни сал овунтирди. Каупервуд хамроҳлари билан “қабулхонага” ўтиб, шоша-пиша эғнидаги қамокхона кийимларини ечиб ташлади. Қамокxonанинг қўпол бошмоқлари ўрнига у анчадан бери ўзининг енгил ботинкасини кийиб юрганди. Шундан сўнг у бир йил бурун қамокхонага кийиб келгани кулранг пальтоси билан котелогини кийиб олгач, тайёр эканини маълум қилди. Чиқаверишда у охирги марта боққа олиб чиқадиган темир эшикка яна бир бор қараш учун орқасига ўгирилди.

– Булардан ажралаётганингизга пушаймон бўляпсиз шекилли-а, Фрэнк? – қизиқиб сўради Стежер.

– Унчалик эмас, – жавоб берди Каупервуд. – Ҳеч нарсага пушаймон эмасман, шунчаки буларни хотирамда сақлаб қолмоқчиман.

Бир дақиқадан сўнг улар ташқи тўсиқ олдига келди ва Каупервуд қамокхона бошлигининг қўлини сиқиб хайрлашди. Шундан сўнг учовлари гот услубидаги катта дарвоза олдида уларни кутиб турган экипаж олдига келиб, унга ўтирди.

– Мана, Фрэнк, ҳаммаси тугади, энди ҳеч қачон бундай нарсалар сизни безовта қилмайди, – деди Стежер кулиб.

– Ҳа, – деди Каупервуд, – буларнинг ҳаммаси ортда қолди дейиш ҳали ҳаммаси олдинда дейишдан ёқимлироқ.

– Назаримда, бу воқеани байрам қилиш керак, – гапга аралашди Уолтер Ли. – Фрэнкни уйига олиб боришдан олдин Гриннинг олдига борсак, яхши бўларди-а? Нима дейсизлар?

– Жаҳлингиз чиқмасин-у, бироқ мен уйга боргим келяпти, – деди Каупервуд бироз хаяжонли товушда. –

Сал кейинроқ учрашамиз. Ҳозир уйга бориб, кийимимни алмаштиргим келяпти.

Каупервуд Эйлин ҳақида, болалари, ота-онаси, ўзининг келажаги ҳақида ўйлаб кетаётганди. Энди ҳаёт унинг олдида кенг уфқларни очишига ишончи комил эди. Охирги ўн уч ой ичида у майда-чуйдаларда ҳам ўзига ўзи ғамхўрлик қилишни ўрганганди. У Эйлин билан учрашади, кизнинг бу воқеаларга муносабатини билгач, Уингейт билан ҳамкорликдаги аввалги ишини бошлайди. Яқин дўслари ёрдамида фонд биржасида ўз ўрнига эга бўлади ва “яқинда қамалиб чикқан” деган номи халал бермаслиги учун аввалига “Уингейт энд Компани” агенти ва вакили сифатида иш олиб боради. Фирманинг хакикий бошлиғи Каупервуд эканини ҳеч ким исбот қилиб бера олмайди. Шундан сўнг биржада бирор қатта воқеанинг, масалан, қутилмаганда курснинг кўтарилишини кутиш керак бўлади, холос. Ана шунда бутун олам, Фрэнк Каупервуд тамом бўлган одамми ёки йўқлигидан хабардор бўлади.

Экипаж Каупервуд хоним яшаётган кичкинагина қоттеж эшиги олдида тўхтаб, Каупервуд нимқоронғи даҳлизга кириб кетди.

1873 йилнинг ўн саккизинчи сентябри – куз кунларидан бири дунё ҳали кўрмаган, молия дунёсидаги энг қатта фожиавий кунлардан бири бўлди. Американинг йирик кредит ташкилотларидан бири бўлган, Учинчи кўча, 114-уй идораси ва Нью-Йоркда, Вашингтон ва Лондонда бўлимлари бўлган “Жей Кук энд Компани” банкирлик уйи бирдан тўловларни тўхтатиб қўйди. Қўшма Штатларда молиявий инқироз нима эканини тушунадиган одам бу воқеадан кейин юз берган биржа ваҳимасини ҳам етарлича тасаввур қила олади. Бу воқеа тарихда “1873 йил ваҳимаси” деган ном олди, бутун мамлакат бўйлаб ёйилган ҳалокат ва вайронагарчилик тўлқинининг эса Америка тарихида тенги бўлмаганди.

## Теодор Драйзер

Бу пайтда Фрэнк Каупервуд Учинчи кўчада маклер сифатида (расман – маклер агенти), яъни “Уингейт энд Компани” вакили сифатида биржада фаолият кўрсатаётганди. Озод бўлганидан бери ўтган ярим йил давомида бутун жамоатчилик орасида бўлмаса-да, уни олдиндан билган сармоядорлар орасида у яхшигина алоқалар ўрната олганди. Бундан ташқари, “Уингейт энд Компани” охирги пайтда гуллаб-яшнаш бошлаган ва бу ҳолат Каупервуднинг қарзларини тўлай олиш лаёқатига ижобий таъсирини ўтказаётганди. У хотини билан йигирма биринчи уйдаги кичкинагина уйда яшайди, деб ҳисобланса-да, аслида Ўн бешинчи кўчадан ижарага уй олган бўлиб, у ерга Эйлин ҳам тез-тез келиб турарди. Каупервуд билан хотини ўртасидаги гап-сўзлардан энди бутун оила хабар топган ва уларнинг эр-хотинни яраштириб қўйишга қилган уринишлари беҳуда кетганди. Охирги икки йил ичида кўрган-кечирганлари кекса Каупервудларни ҳам шу даражада кутилмаган зарбаларга ўргатиб қўйдик, бу воқеа уларни ҳайратга солган бўлса-да, у қадар дилларини оғритмади (агар бир неча йил олдин шундай бўлса, албатта, улар қаттиқ ранжирдилар). Улар кутилмаган ташвишларга қарши кураша олмаётганлари учун ҳаётдан шунчалик безиб қолишганди. Қўлларидан келадигани фақат ибодат қилиб, яхши кунлар келишига умид қилиш эди, холос.

Батлерларга келсак, улар Эйлиннинг хатти-ҳаракатларига бефарқ бўлиб қолишди. Ҳамма гапдан аллақачон хабар топган икки акаси ва Нора ҳам энди Эйлиннинг ишларини шунчаки сезмаганга олишар, қизнинг онаси эса эрини йўқотганидан кейин чуқур қайғуга ботиб, динга муккасидан кетган, қизининг ҳаётига ҳам аралашмасди. Бунинг устига, Каупервуд ва унинг маъшуқаси икки баробар эҳтиёткор бўлиб қолишганди. Улар ўзаро муносабатлари ўзгармаган бўлса-да, ҳар бир қадамларини ўйлаб босишарди. Каупервуд Ғарбга, албатта, Эйлин

билан кетиш тўғрисида ўйлаб юрганди. У Филадельфияда қисман ўз аҳволини яхшилаб олиб, сўнгра тахминан юз мингча капитал билан ўзи кўп бора эшитган чеки йўқ прериялар – Чикаго, Фарго, Дулут, Сиукс Ситига, яъни Филадельфияда, умуман бутун Шарқда бўлғуси йирик марказлар дея эътироф этилаётган жойларга кўчиб ўтишни хошлаётганди. Каупервуд хоним ҳозирча ажрашишга розилик бермагани боис Каупервуд ва Эйлиннинг никоҳи масаласи ҳал қилинмаган, бироқ бу уларни ташвишлантирмаётганди. Никоҳлими, никоҳсизми, улар барибир янги ҳаёт куришади. Ҳозир эса Каупервуд биттагина ечимни кўраётганди: вақти келиб айрилиқ хотинини ўз қарорини ўзгартиришга мажбур қилади.

Каупервуднинг келгуси ҳаётига шунчалик ҳал қилувчи таъсир қилган биржа ваҳимаси америкаликларнинг оптимизми ва мамлакатнинг шиддатли ривожидан табиий равишда келиб чиққан ўзига хос ҳодисалардан бири эди. Очигини айтганда, бу ваҳима Филадельфияда ўсган, шу ернинг ўзида молия соҳасида муваффақиятга эришиб, кейинчалик ўз даврининг энг йирик сармоядорларидан бири бўлиб етишган Жей Кукнинг такаббурлиги ва ўзига ҳаддан ташқари ишонганидан келиб чиққанди.

Биз бу одамнинг ҳаёт йўлига тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Унинг маслаҳати ва ўйлаб чиққан усуллари ёрдамида ҳукумат мамлакат учун қийин дақиқаларда жануб билан курашни давом эттириш учун керак бўлган маблағни топа олганини айтиб ўтишнинг ўзи kifоя. Фуқаролар урушидан сўнг Филадельфияда Нью-Йорк ва Вашингтонда бир қанча йирик бўлимлари бўлган баҳайбат банкирлик компаниясини оча олган бу одам бир қанча вақт яна қандай иш топиши, молиявий салоҳияти орқали яна қандай ғояларни амалга ошириш мумкинлигини ўйлаб иккиланди. Уруш тутаганди: тинч даврнинг молиявий масалалари навбат кутиб турар ва ишбилармон одам учун энг тўғри келадиган соҳа континентлараро темир

## Теодор Драйзер

йўллар линияси эди. Бирлашган Тинч океани компанияси 1860 йилдаёқ рухсат олиб, аллақачон темир йўл қурган, бу ишнинг тепасида турган ақлли одамлар Тинч океани соҳилларининг шимоли ва жанубида темир йўл қуриш ҳақида режалаштириб юришганди. Ахир Атлантика ва Тинч океанларини пўлат йўллар билан бирлаштириш, мустаҳкамланиб олган ва ҳудудий жиҳатдан кенгайиб бораётган мамлакатнинг турли қисмларини бирлаштириш, биринчи навбатда олтин ва кумуш конларини топишни кенг миқёсда йўлга қўйиш буюк иш эмасми! Бироқ энг истикболли фаолият чиндан ҳам темир йўл қуриш эди ва темир йўл акциялари Америкадаги барча фонд биржаларида бошқа акциялардан жуда қадрланарди. Филадельфияда Марказий Нью-Йорк, Рок-Айленд, Уобеш, Марказий Тинч океани, Сент-Поль, Ҳаннибал ва Сент-Жозеф, Бирлашган Тинч океани ва Оҳайо – Миссисипи линияларининг акциялари талашиб сотиб олинарди. Бу акциялар савдоси билан шуғулланган кўплаб олибсотарлар бойиб кетганди. Шарқда машҳур ишбилармонлар: Корнелий Вандербильдт, Жей Гулд, Дэниел Дрю, Жеме Фиш ва бошқалар, Ғарбда – Фэйр, Крокер, Ҳерст ва Коллис Ҳантингтонлар бу ишлар ортидан Америка саноатининг устунларига айланганди. Мана шундай чўкки ҳақида орзу қилаётганлардан бири Жей Кук эди. У Гулд каби айёрликка, Вандербильдтдек катта тажрибага эга бўлмай туриб, унга абадий ҳайкал бўлиб хизмат қиладиган Американинг шимолий кенгликларини пўлат тасма билан қамраб олишга бутун кучини ташламоқчи бўлаётганди.

Кукни энг кўп ўзига тортаётган нарса – у пайтлари ҳали деярли ўрганилмаган, ҳозирги Дулут шаҳри жойлашган Юқори қўлнинг ғарбий қирғоғи билан Тинч океани соҳиллари ўртасидаги ҳудудни, бошқача айтганда, Қўшма Штатлар ерининг учдан бир қисмини ривожлантириш лойиҳаси қизиқтираётганди. Темир йўл қурилиши бу ердаги йирик шаҳарлар ва гуркираётган

қишлоқларнинг ривожига таъсир қилмай қолмасди. Қояли Тоғдаги темир йўл ўтиши керак бўлган худуднинг турли ерости металлариغا бойлиги, ерлари эса жўхори ва буғдойдан кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳосил бериши тахмин қилинаётганди. Дулутга олиб бориладиган махсулотларни у ёғига Атлантика соҳиллари бўйлаб сув орқали, Буюк кўллар ва Ири канали орқали анча арзон нархда жўнатиш мумкин бўлади. Бу нарса ўша пайтларда режалаштирилаётган Панама каналини ўтказишдан кўра буюкроқ келажакни ваъда қилиб, инсоният учун ундан камроқ хизмат қилмасди. Кук ушбу лойиҳадан илҳомланиб кетади. Ҳукумат режалаштирилаётган темир йўлни нисбатан тез муддатда кура оладиган компанияга унинг икки томонидан катта ер участкалари бериши маълум эди, Кук эса бу нарса ўзининг йирик ишбилармонлик обрўсини сақлаб қолишга имкон беради деб ҳисоблаб, ишга киришди. Лойиҳа аввалига анча қаршилиқлар ва танқидларга дуч келди; бироқ охир-оқибат Фуқаролар уруши даврида мамлакатнинг бутун молиявий кувватини сақлаб тура олган одам Шимолий Тинч океани йўлини маблағлаштиришни ҳам албатта удалайди, деган қарорга келинди.

Кук бу ишларни бирорта йирик концерннинг ёрдамисиз амалга ошириш ҳамда акция ва улушларни барчага бирдек сотиш мақсадида одамларни ўзи бошлаган ишнинг фойдали томонлари билан кенг таништиришга киришди.

Бу ажойиб имконият эди! Ҳали Фуқаролар уруши давридаёқ Кукда йирик ҳукумат облигацияларини аҳолига тўғридан-тўғри сотиш ғояси пайдо бўлганди. Нега энди бу усулни Шимолий Тинч океани сертификатлари билан такрорламаслик керак?

Кук бир неча йил давомида шов-шув кўтариб, бўлғуси йўлнинг худудини ўрганиб чиқди, у ерга кўп сонли қурувчилар бригадаларини юборди, жуда қийин табиий шароитларда юзлаб миллиарда рельсли йўл ўрнатди ва

## Теодор Драйзер

кафолатланган дивидендли йирик акция пакетларини сотди. Агар Кукнинг ўзи темир йўл ишларини яхшироқ тушунганида ва шундай улкан ишларга раҳбарлик қилишга биргина (майли, шу даражада иктидорли бўлсин) одамнинг кучи етганида эди, унинг қилаётган иши, кейинчалик бошқача раҳбарлик қўл остида бўлгани сингари гуллаб-яшнаб кетарди. Бироқ оғир давр, Европа капиталини оёқ-қўлидан боғлаб европалик ишбилармонларни Америка лойиҳаларига бефарқ қилиб қўйган Франция–Пруссия уруши, кўра олмаслик, ҳасад, ғийбат, доим ҳам ақл билан иш юрита олмаслик – буларнинг бари гўё Кукнинг ишини хонавайрон қилиш учун бирлашиб олгандек эди. 1873 йилнинг ўн саккизинчи сентябрида “Жей кук энд Компани” банкирлик уйи тахминан саккиз миллион долларни, Шимолий Тинч океани эса унга тикилган бутун маблағ – яъни салкам эллик миллионни йўқотиб, банкрот бўлди.

Энг йирик сармоядор ва ўша пайтнинг энг йирик темир йўл корхонаси бир куннинг ўзида фалокатга учраса, нима бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. “Чарақлаб турган осмонда молиявий чакмоқ”, деб ёзганди Филадельфиянинг “Пресс” газетаси. “Иссиқ кунда қор ёғса ҳам, бунчалик ажабланарли бўлмасди”, деб ёзди “Кикиуайерер”. Кукнинг кўзни қамаштирувчи муваффақиятларидан ҳайратланган ва уни енгилмас деб ҳисоблаётган кенг омма нима ҳодиса рўй берганини дарров тушунмади. Бунга ҳеч кимнинг ишонгиси келмаётганди. Жей Кук банкрот бўлдимиди? Бўлмаган гап, у билан бундай бўлиши мумкин эмас. Бироқ Кук банкрот бўлган эди ва Нью-Йорк фонд биржаси ўша куннинг ўзида яна бир қатор банкротликларни рўйхатга олиб, бир ҳафтага ўз фаолиятини тўхтатди. “Лейк Шор” компаниясининг темир йўли ўзининг бир миллион етти юз эллик минг долларлик ссудасини ёпа олмади. Вандербильдт билан боғлиқ бўлган Бирлашган акционерлик кредит жамияти ҳам

аввалига анча вақтгача омонатчиларнинг босимларига чидаб келиб, тўловларни тўхтатди. Сейфларида саккиз юз минг долларлик давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари сақланаётган Нью-Йорк миллий кредит жамияти ҳам улар учун бир доллар ҳам ундира олмай, тўловларни тўлашни тўхтатди. Энди ҳамма кўркиб қолган, шаҳарда хавотирли гап-сўзлар юрарди.

Филадельфияда ҳалокат ҳақидаги биринчи хабар Нью-Йорк биржа вакилларида биржа кўмитаси манзилига юборилган қисқача телеграмма бўлди. “Жей Кук энд Компани” банкрот бўлгани ҳақида гап-сўзлар юрибди. Тасдиқланишини кутяпмиз”. Бу телеграммага ҳеч ким ишонмай, нома жавобсиз қолди. Бундай бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Биржа дунёси бу “бўлмағур” хабарга шунчаки эътибор бергани йўқ. “Жей Кук энд Компани” муваффақиятлари ва компания бошлиғининг ажойиб режаси, яъни қимматбаҳо қоғозларни тўғридан-тўғри аҳолига сотишига ишонқирамай қараган ва фалокатни ҳис қилган ягона одам Каупервуд бўлган бўлса керак. У бир пайтлар (кимнингдир сўровига жавобан) бу компаниянинг фаолияти ҳақида танқидий таҳлил ёзиб, шундай катта кўламдаги иш, яъни Шимолий Тинч океани темир йўли биргина банкирлик уйининг, тўғрироғи, битта одамнинг кредитга лаёқатлилиги билан боғлиқ эмаслигини таъкидлаган, шу орқали бу ишни таваккал деб ҳисоблашини кўрсатиб ўтганди:

*“Мен айтиб ўтилган темир йўл ўтадиган ҳудуд чиндан ҳам жаноб Жей Кук ва унинг шериклари таъкидлаётгандек, ажойиб иқлим шароитига, тупроғи, ўрмонларининг сифати, минералларнинг кўплиги ва ҳоказолари жиҳатидан жуда ажойиб эканига амин эмасман. Яна бу режанинг ҳозирги пайтда ёки яқин келажакда улар чиқараётган акцияларнинг улкан миқдорига мос даражада фойда келтиради, деб ҳам айта олмайман. Ишининг бу тарзда олиб борилиши муваффақият келтиришига ишониб бўлмайди ва бу хавфлидир”.*



## Теодор Драйзер

Биржада осиглиқ турган телеграммани ўқиши билан Каупервуд “Жей Кук энд Компани” банкирлик уйи чиндан ҳам банкротлигини эълон қилса, нима бўлишини ўйлай кетди.

Узоқ ўйлашига ҳожат қолмади. Биринчи телеграмманинг ёнида иккинчиси пайдо бўлди:

“Нью-Йорк, 18 сентябрь. “Жей Кук энд Компани” тўловларни тўхтатади”.

Каупервуд кўзларига дарров ишонмади. Ниҳоят узоқ кутилган пайт келди деган фикрдан у чуқур хаяжонга тушганди. У бошқа биржачилар билан бу машҳур кўхна банк жойлашган Учинчи кўчадаги 114-уйга қараб югурди. У барчасини ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилиши керак эди. У ўзининг одатдаги вазминлигини унутиб, югуриб кетаётганидан ҳам уялмаётганди. Агар шу ишлар рост бўладиган бўлса, унинг даври келди!

Мана ҳозир ҳамма ёқда ваҳима бошланади, катта фалокат рўй беради. Акциялар нархи тезлик билан пасая бошлайди. Бу босиб келаётган ҳодисаларнинг қоқ ўртасида бўлиш керак. Укалари билан Уингейт ҳам яқинроқда туришларини назарда тутиши зарур. Каупервуд уларга қачон ва нимани сотиш ҳақида кўрсатмалар бериб туради. Ҳа, унинг даври келди!

Ўзининг кенг кўламдаги операцияларига қарамай, “Жей Кук энд Компани” банкирлик уйи охириги пайтларда хунук ва ноқулай деб ҳисобланадиган ғишт ва оҳакдан қурилган камтаргина тўрт қаватли бинода жойлашганди. Каупервуд илгарилари бу ерда тез-тез бўлиб турарди. Банкирлик уйининг заллари бўйлаб соҳилдан сув қувурлари орқали ўтадиган катта-катта каламушлар югуриб юрарди. Ярим қоронги ва яхши шамоллатилмайдиган хоналарда хира газчироқ ёруғида кўплаб ходимлар банк китоблари устида ишлаб ўтирарди. Шу ерга яқин жойда – Учинчи кўчанинг йирик молия операциялари олиб борилаётган Жирард миллий банкида Каупервуднинг таниши Дэвисон муваффақият билан фаолият юритарди.

Каупервуд кетаётганида йўлда Уингейт топширган қандайдир пакет билан унинг олдига, биржага шошиб кетаётган укаси Эдвардни кўриб қолди.

– Тезликда Уингейт билан Жонинг олдига югур! – укасига бақирди Каупервуд. – Бугун катта ўзгаришлар бўлади. Жей Кук тўловларни тўхтатибди.

Эдвард бир оғиз ҳам сўз айтмай, акасининг айтганини бажаришга шошилди.

Каупервуд “Жей Кук энд Компани” банкининг олдига биринчилардан бўлиб етиб келди. Уни ҳайратда қолдириб, ўзи тез-тез кириб турадиган эман ёғочидан ясалган оғир эшиклар ёпик, уларнинг устига эса Каупервуд тезлик

## Теодор Драйзер

билан кўз югуртирган ушбу эълон ёпиштирилганди:

“Мижозларимиз диққатига. 1873 йил, 18 сентябрь. Чукур қайғу билан эълон қиламизки, кутилмаганда қарзларни қоплаш талаб қилинаётганидан келиб чиқиб, фирма вақтинча тўловларни тўхтатиб туришга мажбур. Яқин кунлар ичида ўзимиз кредиторларимизга ишнинг қандай бораётгани ҳақида ҳисобот бера олишимиз мумкин бўлади. Унгача эса улардан бизни тушунган ҳолда сабр билан муносабатда бўлишларини сўраб қоламиз. Ишонамизки, бизнинг активларимиз пассивларимиздан анча ошади.

### “Жей Кук энд Компани”

Каупервуднинг кўзлари тантана билан чарақлаб кетди. У кўпчилик билан биргаликда орқасига ўтирилиб биржага қараб кетаркан, шу орада келиб қолган қандайдир бир мухбир банкнинг оғир эшигини анчагача тақиллатиб турди. Ниҳоят эшикнинг ойначаси очилиб, қоровулнинг боши кўринди ва у жаноб Жей Кук йўқлиги, бугун ҳеч кимни қабул қилмаслигини айтди.

“Энди, – ўйларди бу ваҳималар унга йўқотиш эмас, балки ғалаба олиб келаётган Каупервуд, – энди ўзимга тегишлисини оламан! Мен ҳамма нарсани, бутунлай ҳамма нарсани сотаман”.

Ўтган сафар, Чикаго ёнғини натижасида келиб чиққан ваҳима пайтида у кўп нарса сота олмаган, бир қанча қимматбаҳо қоғозларни сақлаб қолиш ўзи учун керак бўлганди. Ҳозир қўлида – у бир амаллаб йиға олган етмиш беш минг долларни айтмаса, ҳеч нима йўқ эди. Худога шукур! Мабодо омади келмаган тақдирда ҳам, у “Уингейт энд Компани” номидан бошқа ҳеч нима йўқотмайди. Бироқ ҳозир у мазкур фирманинг биржадаги вакили сифатида олиб ва сотиб, катта бойлик орттириб олиши мумкин эди. Кўпчилик бошига тушиши мумкин бўлган ҳалокат ҳақида қайғураётган бу жойда Каупервуд бойиб қолишни ўйлаётганди.

Иккала укаси ва Уингейт унинг кўрсатмалари бўйича

ҳаракат қилади. Агар керак бўлиб қолса, у ўзига яна бир ёки иккита ёрдамчи топиб олади. Уларга курсдан ўн, ўн беш, йигирма ва ҳатто ўттиз пункт бўлса ҳам паст сотишни, ҳамма нарсани сотишни буюради. У эҳтиёткор бўлмаганларни тутади, нархларни туширади, унинг ҳаракатлари жуда қатъий кўринаётган кўрқокларни чўчитиб қўяди, кейин эса сотиб олишни бошлайди ва яна ҳам арзонроқ сотиб олади.

Каупервуднинг ички бир сезгиси ушбу ваҳима ҳамма ерда ва давомли бўлишини айтиб турарди. Шимолий Тинч океани – юз миллионлик корхона. Унга юз минглаб одамларнинг: майда банкирлар, савдогарлар, руҳонийлар, адвокатлар, шифокорлар, бевалар, мамлакат бўйлаб тарқалган ҳар хил фирмаларнинг маблағлари тикилган. Уларнинг ҳаммаси Жей Кукнинг виждонлилиги ва ишбилармонлигига ишонган. Каупервуд бир марта нимаси биландир ёнаётган Чикаго харитасини эсга солувчи ажойиб харита чизилган реклама проспектини кўриб қолганди. Унда Кук бошқараётган жуда катта кенгликни ўз ичига олувчи Шимолий Тинч океани темир йўли ўтган ҳудуд киритилганди. У “чучук сувли денгизлар маркази бўлган” (доктор Проктор Нотт конгрессда истехзо билан атаганидек) Дулутдан бошланиб, Миссури дарёсининг юқори қисми ва Қояли Тоғлар орқали Тинч океанигача келарди. Жей Кук ўзини худди ҳукумат томонидан унга берилган узунлиги бир минг тўрт юз милга чўзилган баҳайбат бу ҳудудни ўзлаштираётгандек тутаётганини Каупервуд тушунганди: бу шунчаки жуда катта ўйин эди. У ерда олтин, кумуш, мис конлари бўлиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ер ҳам ишлов бериш учун яроқли – тўғрироғи, вақт ўтиб яроқли бўлади. Бироқ ҳозир ундан нима фойда? Айни пайтда у фақат тентакларнинг тасаввурларини қиздиришга ярайди, холос. Бу ерлар ўзлаштирилмаган ва ҳали кўп йилларгача ўзлаштирилмайди ҳам. Минглаб одамлар ўз маблағларини

## Теодор Драйзер

йўл қурилишига топширганлар, агар Кукнинг иши ўхшамайдиган бўлса, минглаб одамлар пулларига куйиб қолишлари керак эди. Мана, ўша нарса рўй берди! Талафот кўрганларнинг алами ва ғазаби чексиз бўлади. Одамлар яна ишонч ҳосил қилишлари, кўркуви йўқолиши учун ҳали кўп, жуда кўп йиллар ўтиши керак бўлади. Энди Каупервуднинг даври келди! Узоқ кутилган пайт келди.

Юлдузларнинг совуқ ва ўлимтик нури остида изғиб юрган бўри каби Каупервуд бу одамлар ўз ишонувчанлиги ва соддалиги туфайли қандай тўлов тўлашларини билган ҳолда оломонга синчиклаб тикилди.

Шундан сўнг Каупервуд биржага, икки йил бурун ўзи қанчалик бесамар кураш олиб борган ўша залга қараб шошиб кетди. Укалари ва ҳамкори ҳали келмаганини кўриб, у кўлидан келганча ўзи сотиш билан шуғуллана бошлади. Атроф дўзахнинг ўзи эди. Югурдак болалар ва агентлар кўркиб кетган биржачиларнинг “сот”, “сот”, “сот” деган, сал ўтиб эса “сотиб ол” деган буйруқлари билан ҳар томондан босиб келишарди. Уларнинг ёнидаги битимлар тузилаётган устунлар биржачи ва маклерларнинг босимидан қисирлаб, қимирлаб кетаётганди.

Кўчада “Жей Кук энд Компани” банкирлик уйи, “Кларк энд Компани”, Жирард миллий банки ва бошқа молиявий идоралар олдида улкан оломон тўпланганди. Ҳамма нима бўлганини билишга, ўз омонатини олишга, қандай қилиб бўлса-да, ўз манфаатини ҳимоя қилишга шошарди. Полициячи “Жей Кук” банкрот бўлгани ҳақидаги хабарни қичкириб тарқатаётган газетчи болакайни қамади, бироқ катта фалокат тўғрисидаги хабар саҳродаги ёнғин тезлигида тарқаб кетиб бўлганди.

Бутунлай ваҳимага тушган бу одамлар орасида ёлғиз Каупервудгина хотиржам ва совуққонлигича қолганди; бу қамокхонада жиддийлик билан ўзининг кундалик машғулоти – ўнта стул тўқиш, каламушларга қопқон қўйиш билан шуғулланган, бутунлай ёлғизликда

камеранинг ҳовличасида боғ яратган одам эди. Бироқ айна пайтда у куч ва ички қувватга тўла эди. У ўзини биладиган одамлар ўртасида яна ҳурмат қозониб олиш учун биржада етарлича муддат давомида бўлганди. У ҳаяжонланган ва бакираверганидан овози бўғилиб қолган оломоннинг ўртасига қийинчилик билан кириб, бошқалар ҳам таклиф қилаётган қоғозларнинг ўзини, бироқ катта миқдорда ва биржа курсидаги нархларнинг фарқида пул қилиб олишни истаганларни қизиқтирадиган даражадаги паст нархда таклиф қила бошлади. Банкротлик ҳақида эълон берилганига қадар Марказий Нью-Йорк линиясининг акциялари биржада – 104 7/8, Род-Айленд – 108 7/8, Уэстерн-Юнион – 92 ½, Уобеш – 70 1/4, Панама – 117 3/8, Марказий Тинч океани – 99 5/8, Сент-Поль – 51, Ҳаннибал ва Сент-Жозеф – 48, Шимоли-ғарбий – 63, Тинч окени – 26 3/4 ва ниҳоят, Оҳайо – Миссисипи 38 3/4 дан қилиб белгиланаётганди. Каупервуд яширин ҳолда фаолият юритаётган фирма бундай катта миқдордаги акцияларга эга эмасди. Ҳали бирорта ҳам мижоз уларни сотиш тўғрисида буйруқ бермаганди, Каупервуд эса уларни сотар, назарида у харидорларни жалб қиладиган, улар хоҳлаган нархда сотаётганди.

– Беш мингта Марказий Нью-Йорк акцияси тўқсон тўққиздан... тўқсон саккиз... тўқсон олти... тўқсон беш... тўқсон тўрт... тўқсон уч... тўқсон икки... тўқсон бир... тўқсон... саксон тўққиз, – ҳар томондан унинг овози эшитиларди; агар дарров келиша олмаса, у бошқа, Род-Айленд, Панама, Марказий Тинч океани, Уэстер-Юнион, Шимоли-Ғарбий Тинч океани акцияларига ўтарди. Каупервуд шошилиб залга кирган укалари ва Уингейтни кўриб, уларга вазифа бериш учун тўхтади.

– Қўлингиздан келганча ҳаммасини сотинглар, – секин деди у, – курсдан ўн беш пунктга паст бўлса бўлаверсин, арзонроқлигининг ҳозирча аҳамияти йўқ ва бундан арзон сотилаётган ҳамма нарсани сотиб олинглар. Эд, сен кўнка

## Теодор Драйзер

темир йўллари курсдан ўн беш пунктга паст кетмайдими, кузатиб тур, Жо, сен эса менга якинрок туриб, айтишим билан сотиб олавер!

Роппа-роса соат бир яримда айвончада биржа кўмитаси котиби кўринди.

– “Кларк энд Компани” ҳозиргина тўловларни тўхтатди, – эълон қилди у.

– “Тай энд Компани” – соат бирдан қирқ беш дақиқа ўтганда яна унинг овози эшитилди, – тўловларни тўхтатганини маълум қилди.

– Биринчи Филадельфия миллий банки, – соат иккида эълон қилди у, – ортиқ ҳисоб-китобларга лаёқати йўқлигини бизга маълум қилди.

Ҳар бир ахборотдан сўнг одамларни жим бўлишга чақирган бонг овози эшитилар, оломон орасида эса бир хил “У-у-ух!” деган нолиш эшитиларди.

“Тай энд Компани”!

Буни эшитиб, Каупервуд бир сония тўхтаб қолди – мана у ҳам тугади, – ва шу заҳоти яна ўз таклифларини бақириб айтишда давом этди.

Кун охирига келганда Каупервуд сюртуги йиртилган, бўйинбоғи бир томонга қийшайиб кетган ва ёкавайрони чиқиб, бошида шляпаси ҳам йўқ (каергадир тушиб қолган бўлса керак), бироқ хотиржам ва пинагини бузмаган ҳолда ташқарига йўналди.

– Хўш, Эд, ишлар қалай? – укасини кўриб сўради у. Эд ҳам худди акасидек аҳволда, чарчаб кетган кўринарди.

– Жин урсин! – манжетларини тўғриларкан, сўкинди Эд. – Умримда бунақасини кўрмагандим. Яланғоч қолай дедим.

– Кўнка темир йўллариникидан бирор нарса ола олдингми?

– Беш мингми ёки шунга якин миқдорда сотиб олдим.

– Жуда яхши, энди Гринникига жўнаш керак (бу Филадельфиядаги ажойиб ресторани бор зўр меҳмон-

хоналардан бири эди), – деди Каупервуд. – Бу ҳали тугади дегани эмас. Келишувлар у ерда ҳам давом этади.

Каупервуд Жо билан Уингейтни ҳам топиб, улар йўлда ўз олди-сотдиларининг натижасини ҳисоблаб кетишди.

Каупервуд олдиндан пайкаганидек, ҳаяжонлар ҳатто кеч кирганда ҳам босилмаганди. Учинчи кўчадаги “Жей Кук энд Компани” ва бошқа банкларнинг эшиги олдида одамлар тўдаси ҳали ҳам, балки, воқеалар яхши томонга ўзгариб қолар, деган умидда туришарди.

Биржачилар учун баҳс ва ҳаяжон маркази энди Грин меҳмонхонасига кўчган бўлиб, ўн саккизинчи сентябрь куни кечкурун меҳмонхона вестибюли ва йўлаклари банкирлар, маклерлар ва чайқовчилар билан тўлиб кетди. Бошқача айтганда, биржа шу ерга батамом кўчиб келгандек эди. Эртага нима бўлади? Навбатдаги банкротлик кимники? Энди пуллар қаердан келади?

Ҳамманинг хаёлида ва тилида фақат шу савол эди. Нью-Йоркдан дам-бадам янги банкрот бўлганлар ҳақида хабар келиб турарди. Банклар ва трестлар худди дарахтлар довул пайтида қулагандек қулаётганди. Ҳамма ёққа улгураётган Каупервуд кўриш мумкин бўлган нарсани кўриб, эшитиш мумкин бўлган нарсани эшитиб, биржада ноқонуний ҳисобланадиган, бироқ бошқалар ҳам қилаётган битимларни тузарди.

У тез орада ўзининг атрофида Молленхауэр ва Симпсонларнинг гумашталари изғиб юрганини сезиб қолди ва бу одамларни яқин орада бутунлай шилиб олишини ўйлаб, олдиндан хурсанд бўлиб қўйди. Каупервуд бирорта кўнка темир йўлининг эгаси бўладими, йўқми – ҳали ҳал қилмаганди, бироқ ҳар ҳолда, унда бу имконият бўлади. Нью-Йорк ва бошқа шаҳарлардан келаётган гап-сўз ва хабарлардан у вазият тезда ўнгланишига ишониб ўз ишини режалаштираётган одамларга жуда қийин бўлаётганини биларди. Кўчада тонг отиб қолганига қарамай, Каупервуд уйга қайтишни хаёлига ҳам келтирмаётганди.



## Теодор Драйзер

Кўплаб фалокатлар содир бўлишидан хабар бераётган жума куни ҳам етиб келди. Бу кун “Қора жума” деб ном олган куннинг такрори бўлмасмикин?

Шаҳар энди уйғонаётган пайтда Каупервуд Уингейт фирмасининг идорасига кириб келди. У ўзини икки йил бурунги ваҳима пайтидагидан бутунлай бошқача ҳис қилган ҳолда ҳаракат режасини энг майда икир-чикирларигача батафсил тузиб чиққанди. Кеча юз берган барча ҳодисалар кутилмаганда рўй берганига қарамай, у бир юз эллик минг ишлаб олганди, бугун эса ундан кам эмас, балки кўпроқ ишлаб олишига умид қиларди. Қанча пул ишлаб олишни олдиндан айтиш кийин, ўйларди Каупервуд, муҳими унинг кичкинагина бирлашмаси аъзолари етарли даражада аниқ ишласа ва унга сўзсиз итоат қилинса бўлди.

Кўплар ўзларининг хонавайрон бўлганини эрта-лабданок, Фукарлар уруши даврида ҳам Кук билан содиқлигини сақлаган ҳолда ҳамкорлик қилган “Фиск ва Ҳетч” фирмасининг банкротлиги эълон қилинганида билди. “Фиск ва Ҳетч” идораси очилганидан сўнг ўн беш дақиқа ичидаёқ бир ярим миллион омонатга талаб бўлиб, улар шу заҳотиёқ тўловларни тўхтатишга мажбур бўлди. Гап-сўзларга қараганда, бу компаниянинг банкрот бўлишига Коллис Ҳантингтон бошқарадиган Марказий Тинч океани темир йўллари бошқармаси ва Оҳайонинг Чезапик линияси сабабчи бўлди. Акционерлик кредит жамияти анча вақтдан бери омонатчиларнинг қаттиқ сиқувига дош бериб келаётганди.

Нью-Йоркдаги янги банкротлар ҳақидаги хабарлар Каупервудга хуш ёқаётган, одамлар орасидаги ваҳимани эса тинмай кучайтираётганди. Каупервуд ҳали ҳам нисбатан юқори нархда сотиб, анча паст нархда сотиб олаётганди. Пешинга бориб у юз минг доллар ишлаганини билди. Соат учга бориб бу сумма уч баробарга кўтарилди. Соат учдан еттигача сармоядор ҳисоб-китоб қилиб,

ишларини тартибга солиб олди, соат еттидан тунги соат биргача эса (хатто овкатланишга ҳам улгурмай) эртанги кунга ахборот йиғиш билан шуғуллана бошлади.

Каупервуд шанба куни ҳам ундан кам иштиёқ билан ҳаракат қилгани йўқ, якшанба куни яна ҳисоб-китоб қилди, душанба куни эса эрталабданоқ биржада эди. Кун пешинга келганда унинг (зарарни чиқариб ташлаб, шубҳали суммаларни ҳисобламаганда ҳам) миллионер бўлгани маълум бўлди. Энди унинг қаршисида ёрқин келажак ўз эшикларини очганди.

Кун охирида у ўзининг ёзув столи олдида, деразадан ҳали биржачилар, хат-ҳужжат ташувчи ходимлар ва ҳаяжонга тушган омонатчилар югуриб юришган Учинчи кўчага қараб ўтираркан, у Филадельфиядан кетиш пайти етиб келди, деган қарорга келди. Энди на бу ерда, на бошқа шаҳарда маклерлик иши уни ортиқ қизиқтирмаётганди. Ушбу ваҳима ва икки йил бурун содир бўлган ҳалокат ҳақидаги хотиралар Каупервудни биржа ўйинига бўлган муҳаббатдан ҳам, Филадельфияга бўлган севгидан ҳам фориғ қилганди. Узоқ вақт бахтли яшаганидан сўнг маълум муддат у жуда бахтсиз бўлиб қолди ва “қамалиб чиққан” деган доғ унинг доим ўзи интилган доирага кириш йўлини бутунлай тўсиб қўйганди. Энди ишбилармон деган обрўси тиклангандан ва ўзи қилмаган (Каупервуд бунга ҳамма ишонади, деб умид қиларди) жинояти учун оқлангандан сўнг Каупервуднинг Филадельфиядан кетиб, янги фаолият соҳасини қидиришдан бошқа йўли қолмаган эди.

*“Агар ҳаммаси яхши бўлса, – дерди у ўзига ўзи, – барига нуқта қўйиш керак. Ғарбга кетиб, бутунлай бошқа иш билан шуғулланаман”.*

У энди кўнка темир йўллари, ер участкалари олди-сотдиси, йирик саноат корхоналари ва хатто конлар қазилма ишлари ҳақида (албатта, қонуний тарзда) ўйлаётганди.

*“Менга яхши сабоқ берилди, – ўрнидан туриб кетишга ҳозирланаркан ўйлади у. – Илгаригидек бойман, унчалик*

## Теодор Драйзер

*кўп вақт йўқотмадим. Мени бир марта қопқонга туширишди, бироқ бу энди қайтарилмайди!”*

Фрэнк Уингейт билан аввалги шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида гаплашиб олди, бу ишга чиндан ҳам бор кучини сарфлашни режаларкан, миясида дам ўтмай: “Мен миллионерман, мен озод одамман! Ёшим энди ўттиз олтида ва бутун ҳаётим ҳали олдинда”, деган қувончли фикр пайдо бўларди.

У шу фикрлар билан биргаликда орзу қилиш учун Эйлиннинг олдига қараб кетди.

Бу воқеалардан атиги уч ой ўтгач, Пенсильвания тоғлари, Охайо ва Индиана текисликларидан елиб бораётган поезд ёшлиги, бойлиги ва соғломлигига қарамай, уни олдинда нималар кутаётгани тўғрисида жиддий ва биров шубҳа билан мулоҳаза юритаётган миллионерни олиб кетаётганди. Ҳар томонлама, узок ўйлаб кўрганидан сўнг Фрэнк А. Каупервуд Ғарбда турли имкониятлар тикилиб ётибди, деган қарорга келганди. У Нью-Йорк ҳисоб палатасининг маълумотлари ҳамда банкларнинг балансларини диққат билан ўрганиб чиқиб, олтинлар қаерга жойлаштирилишини кузатгач, улар жуда катта миқдорда Чикагога оқиб кетишига ишонч ҳосил қилди. Каупервуд молия илмининг билағони эди ва олтин оқимининг йўналиши нима эканини жуда яхши биларди. Олтин оқиб келаётган жойда ишбилармонлик гуллаб-яшнайти, у ерда ҳамма нарса қайнайти, ҳамма нарса доим ўсишда бўлади. Энди Каупервуд ғарбдан нима кутиш мумкинлигини ўз кўзлари билан кўрмоқчи бўлаётганди.

Ёш сармоядор Дулутда метеордек бир чакнаб, Чикагонинг ишбилармонлар дунёси Ғарбда етиштирилган буғдойнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи “Фрэнк Каупервуд энд Компани”нинг илк қадамларига гувоҳ бўлди. Шундан сўнг аввалгидек ҳали ҳам Филадельфияда яшаётган Каупервуд хоним ортиқча шовқин-сурон кўтармаган ҳолда ўз хоҳиши билан ажрашишга розилик

берди. Вақт унга раҳм-шафқат билан муносабатда бўлгандек эди. Яқиндагина жуда ночор бўлган моддий аҳволи яхшиланган, у яна ғарбий кварталда, опаларидан бири билан кўшничиликда, кулай ва чиройли, ўртамиёна синфга хос хонадонда яшар, яна тоат-ибодатга берилганди. Болалари Фрэнк ва Лилиан хусусий мактабда ўқишар, кечкурунлари эса уйга, оналарининг ёнига қайтиб келишарди. Хўжалик ишларининг кўпини кекса қора танли Симс бажарарди. Якшанба кунлари кечкурун одатда аёл-никига кекса Каупервудлар меҳмон бўлиб келишарди. Уларнинг моддий қийинчиликлари ортда қолган, бироқ ҳар иккиси ҳам ғамгин ва силласи қуригандек кўринарди – уларнинг жуда бахтли даврлари ўтмишда қолиб кетганди. Катта Каупервуднинг майда хизматчи сифатида машаққат чекмаслик учун етарли маблағи бор эди, бироқ жамиятда олға силжишга ортиқ хоҳиши йўқ эди. У қариб, руҳан чўкиб қолган ва ҳамма нарсага бефарқ эди. Бир пайтлар атрофида ҳукмрон бўлган ҳурмат ва жонланишни эслаганда у ўзини бутунлай бошқа одам бўлиб қолгандек ҳис қиларди. Хоҳишлар ўлган, кучи кетган, фақат ўлимни кутиб яшашгина қолганди.

Баъзида Каупервуд хоним – келинойисининг олди-га айна дамда шаҳар сув таъминоти бўлимида ишлаётган Анна-Аделаида Каупервуд кириб қоларди. У ҳаётнинг кутилмаган ўзгаришлари ҳақида мулоҳаза юритишни яхши кўрар ва, афтидан, тақдирнинг ўзи ҳаётда бош ролларни ўйнашни пешонасига ёзган акасининг фаолиятини кизиқиб кузатар, бироқ уни сира тушунмасди. Акасига алоқадор одамларнинг йиқилиш ва кўтарилишлардан ўтиши унинг муваффақиятларига боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилиб, у бу дунёда ахлоқ ва адолат деган тушунчаларнинг асл моҳиятига тушунмай қоларди. Гўёки ҳамма учун мажбурий бўлган тамойиллар бордек ёки одамлар шундай деб ўйлайди, холосми? Бироқ бу қоидалардан кўра истиснолар кўпроқдек. Унинг акаси

## Теодор Драйзер

бундай коидаларга амал қилмайди, албатта, бироқ шунга қарамай, яна юқори чўққиларга чиқиб кетди. Бу нимани англатади? Каупервуд хоним – акасининг собиқ хотини эрининг туриш-турмушини қоралайди, бироқ унинг топган пулларидан фойдаланади. Буларни ахлоқ нуктаи назаридан қандай тушуниш мумкин?

Каупервуднинг ҳар бир қадами, ҳамма ишлари ва орзу-умидлари Эйлин Батлерга маълум эди. Фрэнк хотини билан ажрашганидан сўнг киш кунларининг бирида улар Филадельфиядан биргаликда жўнаб кетди. Эйлин Нора билан бирга қолган онасига собиқ банкирни севиб қолгани ва унга турмушга чиқмоқчи эканини айтди. Кекса онага шу изоҳнинг ўзи кифоя қилди ва у розилик берди.

Эйлиннинг эски, унга таниш бўлган дунёси шу билан тугади. Уни энди Чикаго – Каупервуднинг таъбири билан айтганда, улар Филадельфияда умид қилишлари мумкин бўлганидан анча ёрқинроқ келажак ваъда қилаётган шаҳар кутаётганди.

– Ниҳоят, жўнаб кетяпмиз, қандай зўр-а?! – дея ҳаяжонланганча сўради қиз.

– Ҳар ҳолда, ақлли кадам... – дея босиқ жавоб берди Каупервуд.

### ***MYCTEROPERCA BONACI* ҲАҚИДА**

Сувда яшайдиган жонзотлар орасида фандаги номи “*Mycteroperca bonaci*” деб аталадиган балиқ тури бор экан – халқ тилида уни “Қора денгиз олабуғаси” деб аташади. Юқоридаги фикрлар билан боғлиқ бўлгани учун бу балиқ тўғрисида айтиб ўтсак арзийди. Йирик, кўпинча оғирлиги икки юз эллик фунт чиқадиган бу жонзот жуда узоқ яшайди, чунки у шароитга мослаша олиш қобилиятига эга. Биз ижод қилувчи куч деб атайдиган, адолатли руҳ деб ном қўйган ходиса ҳаётни шундай ташкил этадики, дунёда доим ҳалоллик ва яхши хислатлар тантана қилади. Бироқ табиат худди бизга ибрат бўлсин

дегандек, қора денгиз олабуғасини ҳам яратиб қўйибди. Бизни ўраб турган дунёга диққат билан тикила туриб, биз шу балиққа ўхшаган, ундан кам даражада айёр бўлмаган жонзотларни кўп кўрамыз: масалан, бепарво пашша учун тўр тўқийдиган ўргимчак. Пуштиранг косачасига махлиё қилиб жонзотларни танасига қўндириб, сўнгра ёпилиб олиб, уларни ютиб юборадиган чиройли *Drosera* – росянка<sup>1</sup> ҳам шундай; шимол ёгдусига ўхшаш пайпаслагичлари орасига илинган бутун жонзотларни чақиб, тилка-тилка қиладиган медуза ҳам шу кабидир. Ва энг муҳими, инсон ҳам. Одам болалари ҳам сезмаган ҳолда ўзига ўзи ўра қазийди, ўзига ўзи тузоқ кўяди. Хомхаёллар кўзларини кўр қилиб, у вазият қопқонига тушиб қолади.

Мовий тусдаги уммоннинг қоронғи тубида ҳаракатланувчи *Mysteroperca* худди ҳар қандай инсон кашф этиши мумкин бўлганидек, табиатдаги ижодкор даҳонинг ажойиб тасвирidir. Унинг сувости салтанатидаги бошқа жонзотлардан устунлиги терисининг пигментацияси туфайли ҳар хил тусга кира олиш қобилиятидадир. Электромеханика муваффақиятларини сўзлаб, бир зумда бир манзарани бошқасига ўзгартира олишимиз, томошабин олдида кутилмаганда пайдо бўлиб, зумда йўқолиб қоладиган ҳолатлардан фахрланиб юрамыз. Бироқ *Mysteroperca* бу борада инсониятга дарс ўтади. Ушбу балиққа узок қараб турган одам сал ўтиб кўз олдида гўё гайритабиий, фантастик жонзот турганига ишона бошлайди – бу балиқнинг алдай олиш қобилияти шунчалик кучлики, қойил қолмай илож йўқ. У қорадан бирданига оққа айланиши мумкин; қўнғир рангда бўла туриб бирданига сувнинг ажойиб яшилсифат рангига дўнади. Устидаги доғлари худди осмондаги булутлар каби кўринишини ўзгартириб туради. Бу балиқдаги айёрона найрангларнинг нозиклиги ва турфалигидан ажабланмасликнинг иложи йўқ.

<sup>1</sup> Ботқоқликда ўсадиган ҳашаротхўр ўсимлик. – Тарж. изохи.

## Теодор Драйзер

Кўрфаз тубидаги лойқа ичида бўла туриб, у шу кир рангдан тўн кия олади. Қуюк сувости ўтлари орасига яшириниб, бир ўсимлик каби тура билади. Сувда ўйнаётган қуёш нурлари бўйлаб ҳаракат қиларкан, хира йилтираётган нурга айланади. Ўзини кузатаётганларни тезда пайқайди ва кутилмаганда хужум қила олади.

Ҳамма нарсага қодир табиат бундай ақлли жонзотни нима мақсадда яратган экан-а, дерсиз? У, балки, ёмонликка қодир эмасдир? Ёки уни содда ва ҳаётни севувчи бошқа жонзот таний олиши учун ўзига хос кўриниш бергандир? Балки, бу балиқни яратишда айёрлик, мунофиқлик ва ёлғончилик иллатлари ишга солинганмикин? Ахир уни иккиюзламачилик тимсоли деб қабул қилиш мумкин-ку! Бу балиқни истаган тусга кира оладиган, ҳар қандай кучни енга биладиган, сира умумий ўхшашлиги бўлмаса-да, унга айланиш йўлини биладиган ва нафсига керакли егуликни қаршисидаги энг кучли душмандан ҳам қудратлироқ айёрлик билан юлиб оладиган махлуқот деб аташ мумкин. Ва бу тахмин тўғри бўлади.

Mysteroperca'га ўхшаш жонзотнинг борлигини била туриб, самимий, мурувватли ва ҳамма нарсага қодир Яратувчи куч ҳеч қачон бундай маккор жонзотни яратмайди, деб айтиш мумкинми? Ёки бизни ўраб турган дунёни фақат иллюзия деб қабул қилиш тўғрими? Бироқ агар шундай бўладиган бўлса, дин амри қаердан пайдо бўлган, ҳаёлий адолат қаердан келган? Одамлар нима учун доим бахт-саодат тўғрисида орзу қилади? Бу орзулар уларга бирон-бир манфаат олиб келганми?

### **МУЪЖИЗАВИЙ КРИСТАЛЛ**

Агар сиз сеҳргар ёки башоратчи ёки олдиндан хабар берувчи тушлар таъбирини айтадиган донишманд ёхуд сеҳрли финжон ва биллур шар ёрдамида фол очадиган фолбин бўлсангиз, уларнинг сирли қаъридаги сеҳрли нарсага синчиклаб эътибор беринг ва жуфтликни кутаётган

янги, бахтли ҳаёт занжирини кўрасиз. Жодугар қозонининг буғи ёки биллурнинг жилоси ортида кўзингизга янгидан-янги шаҳарлар кўринади; қасрлар, ҳашаматли экипажлар, қимматбаҳо тақинчоқлар кўзингизни олади; биттагина одамнинг хоҳиши билан қиргинга учраган баҳайбат пойтахт; ўзининг қурби етмаётган қудрат олдида ҳайрат-ла қотган буюк давлат; катта усталарнинг ишлари билан лиқ тўла баҳайбат заллар; мухташамликда тенги йўқ қаср; вақти-вақти билан биттагина исми қайтараётган бутун инсоният. Ва мусибат, мусибат, мусибат!

Харобазорда момақалдирос пайтида Макбетни<sup>2</sup> шарафлаган учта жодугар Каупервудни ҳам чорлаб, “Баҳайбат темир йўллар тармоқларининг ҳукмдорига шарафлар бўлсин!” деган бўларди. Тагин улар жам бўлиб, “Саройларнинг энг мухташамини қурган Фрэнк Каупервудга шарафлар бўлсин! Санъат раҳнамоси, битмас-туганмас бойлик эгаси Фрэнк Каупервудга шарафлар! Сени асрлар давомида улуғлаб, кўкларга кўтаришади!” деб айтган бўларди.

Бирок тақдир ҳукмчиларининг бу гаплари ёлғон, чунки унинг шуҳратига Ўлик денгизнинг чириндилари – на истакдан алангаланишни, на ҳашаматдан қониқишни биладиган онг, кундалик юмушлардан чарчаган юрак; шабадасиз тундаги ой каби совуқ қалб аралашиб кетганди. Эйлинг эса улар худди Макдуфга қилишгани каби кўплаб хавотир, чил-чил синган умидни бахш этишлари мумкин эди. Эга бўлмоқ ва мосуволик! Бойлик ва мухташамлик ичида бўла туриб ҳеч нарсага эриша олмаслик ҳам мумкин. Эйлиндан шу заҳоти юз ўгириш учун бир сонияга унинг олдида ҳамма эшиқларини очган дабдабали жамят туради, холос. Худди момақаймоқ каби ҳамма ёққа ёйилиб, қоронғилик қўйнида сўнган севги сингари!

<sup>2</sup>“Макбет” – Уильям Шекспирнинг машҳур трагедияларидан бири – тарж. изохи.



## Теодор Драйзер

– Салом сенга ҳокимиятсиз қолган ҳукмдор, ёлгон-дакам подшоҳликнинг эгаси Фрэнк Каупервуд! Сен учун воқелик – хомхаёлнинг йўқолишидир, холос.

Жодугарлар шундай башорат қилишлари мумкин эди; уларнинг қозонидан чиққан буғда пайдо бўладиган арвоҳлар ҳам шуни таъкидлаган бўларди. Ва буларнинг бари ҳақиқатга айланган бўларди. Қайси донишманд бундай ибтидодан бошқача интиҳони кўра олиши мумкин?

## **“ASAXIY BOOKS” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЧОП ҚИЛИНГАН КИТОБЛАР**

Уолтер Айзексон, “СТИВ ЖОБС”, 2019, 624 бет.

Йона Бергер, “ЮҚУМЛИЛИК: МАҲСУЛОТ ВА ҒОЯЛАР ҚАНДАЙ ОММАЛАШАДИ?”, 2021, 248 бет.

Дэн Браун, “ИБТИДО”, 2021, 664 бет.

Дэн Браун, “РАҚАМЛИ ҚАЛҒА”, 2019, 480 бет.

Лариса Буракова, “ГРУЗИЯ МУВАФФАҚИЯТГА ҚАНДАЙ ЭРИШДИ?”, 2021, 328 бет.

Малкольм Гладуэлл, “ЗУККОЛАР ВА ЛАНДАВУРЛАР”, 2019, 220 бет.

Жавлон Жовлиев, “ҚЎРҚМА”, 2020, 376 бет.

Дэниел Киз, “ЭЛЖЕРНОНГА АТАЛГАН ГУЛЛАР”, 2020, 320 бет.

Стивен Р. Кови, “МУВАФФАҚИЯТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ 7 КЎНИКМАСИ”, 2020, 438 бет.

Пауло Коэльо, “АЛИФ”, 2020, 308 бет.

Жон Г. Миллер, “САВОЛ ОРТИДАГИ САВОЛ”, 2021, 104 бет.

Марк Мэнсон, “БЕПАРВОЛИКНИНГ НОЗИК САНЪАТИ”, 2020, 192 бет.

Рамита Наваи, “ЁЛГОНЛАР ШАҲРИ”, 2020, 276 бет.

Кэл Ньюпорт, “ДИҚҚАТ: ЧАЛҒИТУВЧИ ДУНЁДА МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ”, 2020, 230 бет.

Жорж Оруэлл, “1984”, 2019, 296 бет.

Жорж Оруэлл, “МОЛҲОНА”, 2019, 100 бет.

Жером Сэлинджер, “ЖАВДАРЗОРДАГИ ХАЛОСКОР”, 2020, 252 бет.

Брайан Трейси, “САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙЎЛИ”, 2020, 92 бет.

Хенри Форд, “МЕНИНГ ҲАЁТИМ”, 2020, 300 бет.

Тони Шей, “БАХТ ЕТКАЗИШ: МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ИНТЕРНЕТ ДЎКОН ТАРИХИ”, 2020, 298 бет.

Ж. А. Робинсон, Д. Ажемўғлу, “МАМЛАКАТЛАР ТАНАЗЗУЛИ САБАБЛАРИ”, 2021, 672 бет.

Олдос Ҳаксли, “АЖИБ ЯНГИ ДУНЁ”, 2021, 258 бет.

# ТЕОДОР ДРАЙЗЕР

## САРМОЯДОР

*Таржимон*  
Муҳаббат Исмоилова

Муҳаррир	М. Шарифова
Мусаххихлар	Й. Маҳмудов
	У. Абдусаломова
Дизайнер	А. Умарова
Саҳифаловчи	Д. Ҳайдарова

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик ҳукуки “Asaxiy books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy books” рухсатсиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси конунларига биноан тақиқланади.

Босишга 12.11.2021 да рухсат этилди. Бичими 84x108/32. Офсет қоғози. Офсет босма. Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табоғи 36.62. Босма табоғи 21.8. Адади 1000 нусха Буюртма № 305.

"Mashhur-press" нашриёти  
Нашриёт лицензияси: № АИ 282. 11.01.2016.  
100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.  
Email: mashhur-press@mail.ru



«Print Line Group» ХК босмаҳонасида  
чоп этилди. 100097, Тошкент ш.,  
Бунёдкор шоҳқўчаси, 44-уй.